

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

АДАБИЙ-БАДИИЙ, ИЖТИМОИЙ-ПУБЛИЦИСТИК ЖУРНАЛ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ
КУМИТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ
КЕНГАШИ

МУНДАРИЖА

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

ПАБЛО НЕРУДА. Жануб офтоби	3
РАСУЛ ҲАМЗАТОВ. Ишқ олдида ҳамма тенг	55

НАСР

АНАТОЛИЙ КИМ. Корейс ҳангомалари	9
ЖУРЖИ ЗАЙДОН. Ал-Амин ва ал-Маъмун. <i>Роман</i>	58
Донолар доноси Ахикар қиссаси	105

ТУРКИЙ ДУНЁ БУЮКЛАРИ

ТЎРАБЕК ДОЛИМОВ. Оламшумул аллома <i>Эссе</i>	121
---	-----

ПУБЛИЦИСТИКА

МАКСИМ ГОРЬКИЙ. Бемаврид Мулоҳазалар	128
--	-----

ФАЛСАФА. МАДАНИЯТ. САНЪАТ

И.ГОЛЬДЦИГЕР. Ислом ҳақида маърузалар	141
---	-----

Июн 2000

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

ҲАКИМЖОН КАРИМОВ. Маънавият осмонидаги юлдузлар 163
Маънавий камолот сари 198

САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

УЭЛСИ О. ХЕГУД. Кеннеди ва аёллар 167

ЖАҲОН КУЛАДИ

Шахмат ҳангомалари 200

Бош муҳаррир:
Озод Шарафиддинов

Таҳрир ҳайъати:
Мирпўлат Мирзо
(бош муҳаррир муовини)
Амир Файзулла
Асрор Мўминов
Абдуҳамид Пардаев
(масъул котиб)
Ортиқбой Абдуллаев

Жамоатчилик кенгаши:
Аслиддин Болиев
Юсуф Абдуллаев
Одил Ёқубов
Хайрулла Жўраев
Неъматулла Иброҳимов
Жўра Йўлдошев
Абдулла Орипов
Жавлон Умарбеков
Рустам Шоғуломов
Тўлапберган Қаипберганов
Саидахрор Ғуломов

Жаҳон адабиёти, 6. 2000

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасида рўйхатга олинган, №172

Таҳририят манзили:
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Телефонлар: 144-41-60; 144-41-61; 144-41-62.

Навбатчи муҳаррир ОРТИҚБОЙ АБДУЛЛАЕВ
Рассом М.КАРПУЗАС
Техник муҳаррир М.НИЗОМОВА
Мусахҳиҳ Г.АҲМЕДОВА

Теришга берилди 25.07.2000 й. Босишга рухсат этилди 06.10.2000 й. Бичими 70x108 1/16.
Газета қоғози. Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.
Жами 1800 нусха. К-8389 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

«Mushtariy-BFS» хусусий фирмаси компютерида теришиб, Ўзбекистон Республикаси
Давлат матбуот Қўмитасининг ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида босилди.
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Жаҳон адабиёти, 2000 й.

Пабло НЕРУДА

Жануб офтоби

ҲУДУД

“Ўз ҳақимда” номли достондан

Мен кўзимни очдим-у, дарахтларни кўрдим,
из тушмаган жарлар гулга фарқ бўлиб ётарди,
борлиқ намхуш, лекин ёнғин кезар ўрмон аро,
жўшиб турган муҳит оша киролмасди қиш.
Мен, болалик десам, ҳўл бошмоғимни эслайман
ва эслайман чакалаклар ичра гурс кетиб,
чирмовиқ ва қўнғизга ем бўлган дарахтларни ҳам.
Мен, болалик деганда, кўз олдимга келади
дони сут-қатиқ бўлган сулипоярлар
ва ҳар саҳар басавлат темир йўл сари
йўлга чиққан қизғишгина соқолли отам.

Уй олдини жануб суви жўяк қилиб кетарди,
Қора лой, ҳошиядек, қучарди куз қўлмагин.
Ғилдираклар ёзда кўкка шоширганда сариқ чанг,
тўққиз ойлик дон-дун билан ҳомиладор аравалар
ийглашарди гижирлаб. Жануб офтоби эса
ғоят шиддаткор!

Дони ўрилган дала, йўл узра сарғиш ғубор,
дарё, қийғоч қирғоқлар,
жонлиқлар қўтонларда ҳордиқ ёзиб ётар,
жилоланган пешиннинг заррин чехрасига
кўзгу тутар сокин ҳовузлар.
Қизғиш ёнғоқ ва ҳоказо ўрмон неъматларини

**Хусниддин
ЦАРИПОВ
таржимаси**

Пабло Неруда (Нефтали Рикардо Рейес Басоалто) 1904 йил 12 июл куни Чилининг айни марказидаги Паррал қишлоғида дунёга келди. Онаси Роса Басоалто у туғилгач, бир ойдан сўнг вафот этади. Айтишларича, бу нозик-ниҳол аёл шеър машқ қилиб юраркан. Отаси Хосе дел Кармен эса темирйўлчи эди.

Отаси ўз фарзандининг шоир бўлишига жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатгани сабабли, у ўзи ҳам билмаган ҳолда, машҳур чех ёзувчисининг номини олиб, ўн олти ёшидан шеърларини Пабло Неруда тахаллуси билан бостира бошлади, “Кўклам фестивали” деб номланган адабий мусобақанинг голиби ҳам бўлди. 1923 йили “Шафақлар мажмуаси” деган биринчи китоби нашр этилди.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

орқалаган ҳорғин бу олам
бочка ҳамда арғамчи ўрамларин оралаб,
бостирма ва омборларга кириб келар шоцилмай.

Мен эса, айна хирмон кўтарилар маҳали
метин эманлар аро сиркор сополдай яшнаб,
ғилдираклар остида ҳали абжақ бўлгувчи
болдо ўсган қиядан саратон жомасида
тоққа шошган йўлчи каби ҳис этардим ўзимни.

Ҳа, бекатда, темир излар ва ёғоч иморатлар
орасида ўтди менинг олис болалигим, —
мол-қўй вағир-вуғури ва олма ҳиди
обод қилган овлоқ бир уйда.
Жуда озғин гўдак эдим; менинг қиёфам
ўрмон сукунати ва омборлар хуш бўйидан
яратилгандир.

О Л О В

Эй олов,
эсини еган, шиддаткор,
эй минг кўзли сўқир,
уят-инсофсиз,
гоҳ имиллаб, ногоҳ барқ урган,
тилла юлдуз,
ўтин ўғриси
индамай йўл тўсган қароқчи,
учқун ўйнатувчи машҳур майнавоз,
миллион тилли қутурган кўппак,
қулоқ сол менга!
Эй ўчоқнинг жони,
яллиғланган қайсар бута чўғ,
тирик жон ва ҳаёт кушандаси,
ноҳ ҳамда тандиримнинг
самовотдан тушган отаси,
ғилдирак ва тақанинг
маҳобатли бобокалони,
темирни ясатган,
пўлатни яратган

Эй олов,
тингла!

Ловуллаб туради номинг ўзи ҳам:
“тош” ёки “ун” дегандан кўра,
“олов” деган чоғ
яйрайди кўпроқ
одамнинг тили.
Лекин сўник туюлади ҳатто сўз
сап-сариқ ёлқининг олдида,
қип-қизил тилинг ва
қирмизий ёлларинг олдида.
Ҳа, совуқдир қаршингда сўзлар.
Аmmo “олов” дея этгилса такрор,
оғизда нимадир лов этар бирдан;
бу — сен,
сен ёнасан куйдириб.

Сен фақат сўз эмас,
гарчи сўз
давр дарахтидан узилиб,
ерга тушар,

Албатта, чинакам ижод катта ҳаёт тажрибаси билан боғлиқ. Шоир 1927-1937 йилларда Рангун (Бирма), Қоломбо (Цейлон), Сингапур, Мадрид (Испания) ва Париж (Франция)да Чилининг консули бўлиб ишлади, турмуш аччиқ-чучукларини татиб кўрди. Шу даврда “Яшаш жойим — Замин”, “Қалбимдаги Испания” каби шеърий китоблари яратилди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида фашизмга қарши ғазаб руҳи билан суғорилган “Сталинградга муҳаббатнома”лари янгради. 1950 йилда шоирнинг “Умумбашарий нашида” китоби босилади.

Неруда сатрларининг мағзи-мағзига ҳаёт мазаси сингиб кетган. Оҳанглари ҳам лаҳза сари турланиб, гоҳ вазну қофия билан туғилса, гоҳ оқ шеър, гоҳ сарбаст бўлиб мавжланади. У ҳикоя қилган тарихий воқеалар қитъа табиати ва халқ армонлари билан омухтадир. Шоирнинг бетакрор ижоди 1971 йили Нобель мукофоти билан тақдирланди.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

чўғи бўлмаса.
 Сен — гулсан,
 сен — парвоз,
 камолот, қучоқ,
 вайронгарчилик ва зулмсан,
 ҳаёт ва мамотнинг оташ қаноти,
 сен уруғ, кул ҳам сен,
 чақмоқ ва учқун,
 ярақлаган қилич,
 қудрат ва давлат,
 туйқусдан туғилган ёз ва куз ҳам сен,
 гумбурлаган ўқлар,
 қулаган тоғлар,
 дарё-дарё тутун,
 зулмат, сукунат.
 Ҳозир қаердасан, аҳволинг қалай?
 Нега ғойиб бўлдинг:
 ҳаводаги ғубор,
 кафтимдаги чўғ ва тикан жароҳати
 у гулханни эслатар фақат.

Мана, оппоқ қоғоз олдида
 учрашиб турибмиз яна сен билан.
 Мен сени куйлашни қилганман ният.
 Қайгадир гумдон бўлган
 созимни топгунимча
 ёки расминг олгани
 асбобим созлагунча
 типирламай тургин.
 Ахир сен ҳузуримга
 ҳаётимни сўндирмоқ учун
 ёки тамакимни ёндирмоқ учун
 келган эмассан.
 Мен силаб-сийпай деб сени чорладим,
 Сочингни, ҳар бебош сочинг толасин
 тараш ниятим бор,
 қўлга ўрганиб,
 ошно бўла қол, деб, тезроқ мен билан.
 Қани, ўзингни тут,
 жазиллат мени,
 кириб келгин қўшиқларимга,
 кўтарилиб томирларимдан,
 лабимдан отил.

Кўрдингми,
 ожизсан менинг олдимда.
 Хоҳласам — қўшиққа айлантираман,
 хоҳласам — бош узра кўтараман-у,
 хоҳласам — тубанга отаман,
 қамоқхона — ҳолва,
 сени сўз билан

занжирбанд этаман,
 қафасдаги бедана янглиғ
 хоҳлаган кўйимга сайратиб,
 хоҳлаган кўйимга йўрғалатаман.
 Менинг ҳузуримга киролмагайсан
 дўзах алангаси қиёфасида.
 Бу ерда, билиб қўйки,
 ҳаёт ва ўлимга маҳқумсан.
 Мен сукут сақласам,
 сен ҳам ўчасан.
 Куйласам,
 янгидан парпираб,
 мен айтган зиёни сочасан.
 Сен дўстларим орасида ҳам,
 сен душманларимнинг орасида ҳам
 энг қайсарисан.
 Сени ҳамма нўхталаб,
 худди асир дев каби,
 жавонга қамалган чақмоқдай,
 махфий буйруқларнинг мазмуни каби,
 пинҳон асрайди.

Фақат мен,
 ёнимдан жой бериб сенга,
 шундай дейман:
 мана, вақт етди,
 кўрсат
 нималарга қодирлигингни:
 Юзингни оч,
 пахмофингни тараб,
 қўзғол,
 само тандирини ёқ,
 сарғиш-яшил
 қадди-бўйингни
 айла намоен,
 байрофингни
 елларга ёйиб,
 олам узра
 ён,
 ёки ёнгинамда, жимгина
 менга қараганча, мудрай қол,
 ёки минглаб оёқларинг ила
 кўтарилиб зинапоялардан,
 йўлимни пойла.
 Яша
 кириб китобларимга,
 сўзларимни қўшиқ қилиб яша,
 чунки бу дунёда сен биласан фақат
 куя-куя
 куйлаш санъатин.

ТУРКНИНГ АВЖ ҚЎШИҒИ

Қалбимиз дорига туташган маҳал
 тош ва гул, ҳаттоки ботқоқ ҳам гўзал.

Ўлсанг, қондай қайноқ, ипакдай нафис
 шеърларим бағрида яшарсан шаксиз.

Ҳеч нарса ўзолмас меҳр нуридан,
нозик гул яхши-да чиябўридан.

Кўзим тушганида боғим тутига,
сени ўхшатаман ипак қуртига.

Сен шойи тўқисанг, бермай деб халал,
шаҳар жим боқишни кўради афзал.

Йиллар букмай туриб панжаларингни,
қани, намойиш эт бор ҳунарингни.

Жон эса, танингни тарк этган пайтлар,
учажак бамисли бургут ё каптар.

Қолар бу заминда, ноёб ва кўркам,
сен тинмай тўқиган сўзаналар ҳам.

Уларда экс этгай оқшому саҳар,
арслону зарралар, арқону пайлар.

Ҳавойи бўлмагай ўтган ҳаётинг,
инсон нафасида яшар ижодинг.

На чора, кўзингга зулмат қўнган чоғ
чўғ ва ел бўларсан, бўларсан тупроқ.

Унгача эшигинг ланг очиқ турсин,
саргашта шамоллар айланиб юрсин.

Худди боғ сингари бағрингни очиб,
завқ олгин, бошлардан гулларинг очиб.

Хасис, бағри тошнинг билгани битта:
саховат бўлурми қулфу қалитда?!

Баҳам кўр эл билан бурда нонингни,
кулиб бахш айлагин ҳатто жонингни.

Ахир она тупроқ бўлганда ташна,
аяб ўлтирмайди ўзини чашма.

Сен ҳам ҳеч тортинма, асло кутмагин,
ўзингни фидо эт тагин ва тагин.

Бўш қолмас борини ато этган қўл,
раҳматга етказур бу илоҳий йўл.

Чунки денгизларга интилган дарё
қуримас, дўстгинам, қуримас асло.

Сени деб, дунёга зиё таралди,
сени деб, ҳатто бу наво яралди.

Ҳар неки тиласанг, бўлажак бажо,
яшайвер!...

Афсуски, ёлғон бу дунё...

СЕВГИ

Оҳ, шунча кун, оҳ, шунча кунлар
туташ бўлди жонинг жонимга!
Энди қарзим қандоқ узаман?

Қора ўрмон жодуси тугаб,
кўзин очди серзарда баҳор;
тарк айлади тулкилар ғорни,
шабнамхўрлик қилади илон,
мен кезаман сен билан, жоним,
сукут қучган қарағайзорда,
бу бахт учун қачон ва қандоқ
ҳисоб-китоб қилмоқни билмай.

Неки кўрган бўлсам дунёда,
кўрганларим аълоси сенсан;
кўпни билган қўлларим эса,
энди фақат сени тутсам, дер;
қоратўри кулгингни севдим,
севдим сени уйқунгда ҳатто.

Нима қилай, севгим, севгилим ?!
Билмам қандоқ севар бошқалар,

аввал қандоқ севганлар — билмам,
менинг учун эса яшамоқ
сени кўрмоқ, севмоқ демакдир.
Сен азизсан менга кун сайин.

Гоҳ кўзингни яширсанг мендан,
ўзингни ҳам излаб қоламан.
Эзиламан қайда қолди деб!
Бўғиламан, ғарибланиман,
дард чекаман, эсим қочади;
сўнг яйратиб, бўласан пайдо
шафтолизор шаббодасидай.

У ҳам, бу ҳам менга шириндир,
оз ҳам, кўп ҳам мен учун буюк.
Шундай бўлар муҳаббат асли:
бир оз махфий, бир оз ошқора,
гоҳ даҳшатли, гоҳо бошқача,
баъзан голиб, баъзан азадор,
лекин доим юлдуздай яшнаб,
бўса каби интиҳосиз у.

ҲАВО

Иулда бора туриб, ногаҳон
 ҳаво билан юзма-юз келдим;
 унга таъзим бажо айлагач,
 шундай дедим эҳтиром ила:
 “Минг раҳматки, ҳаво, бу сафар
 тарк этибсан шаффофлигингни, —
 мана, насиб қилди, энди сен билан
 суҳбат қурсак бўлар бемалол”.
 Шўх шаббода, ўзи ўйнай-ўйнай,
 ўйнаворди шох-шаббани ҳам;
 қаҳ-қаҳидан эса ҳаттоки
 тўзиб кетди чоригим чанги;
 сўнг ўзининг мовий кемасида
 кўтарди у ложувард елкан;
 мавждай нафис қовоғин очиб,
 менга қулоқ тутди ниҳоят.
 Само ҳукмдорин этагин ўпиб,
 мен унинг самовий туғига
 ўрайдим,
 зар ҳижобга ўралган каби,
 ва дедим:
 “Эҳтимол шоҳдирсан, эҳтимол ўртоқ,
 эҳтимол гулбарсан, тола ёки қуш, —
 лекин, не бўлсанг-да, битта илтижо:
 сотилма асло!”
 Сув сотилиб кетди,
 шунда кўрдимки,
 саҳродаги барча қудуқлар
 бирин-кетин қуриб,
 фақир халойиқ
 қумлар аро ташна
 довдираб қолди.
 Кечаси нурни ҳам қай тахлит
 тақсимлашларини биламан:
 барча зиё оқар
 бадавлатларнинг
 жаннатий боғларин обод этгани;
 барча зулмат эса қуюлар
 ваҳимали жинкўчаларга;
 ундан,
 худди ўтай она каби,
 қўлида ханжар тутган
 бойқуш кўзли тун чиқиб келар;
 кимнингдир ўрлаган фарёди;
 қайдадир туғилган жиноят
 фарқ бўлар сўнг зулматга аста.
 Қўй, ҳаво!
 сотилма,
 сотилма асло!
 Тугон қурмасинлар сенинг йўлингга,
 сени қувурларда ҳайдамасинлар,
 бўғмасинлар,
 қамамасинлар,
 сендан ҳаддори ҳам ясамасинлар,
 жонинг одмасинлар шиша идишда!
 Эҳтиёт бул, ҳаво, ҳушёр бўл!
 Мени чақир,
 агар танг қолсанг.

Мен — шоирман, фақир фарзанди,
 фақирлар отаси,
 барча фақирларнинг
 узоқ-яқин қариндошиман,
 ватанимнинг барча фақирларига,
 барча ватанларнинг фақирларига
 мен оғаман ёки биродар.
 Дарёнинг лабидан ризқин терганлар,
 тик қояга қўниб харсанг кесганлар,
 миҳ қоққанлар,
 кийим тикканлар,
 шакарқамиш ўрган, ер ҳайдаганлар,
 барча-барчаси
 менинг биродарим ёки оғамдир.
 Уларнинг нафаси
 қисидмасин ҳеч.
 Уларнинг орттирган-туттиргани —
 сен.
 Улар ўз эртасин кўра олсин деб,
 ахир, шаффоф яратилгансан;
 ҳаётнинг маъноси шунда,
 эй ҳаво!
 Улар нафас олсинлар десанг,
 ўзингни кишанга тутиб бермагин,
 ишонма ҳеч
 нархингни сўраб;
 автомобилларда келгувчиларга,
 бунақалардан қоч,
 устларидан қул,
 шляпаларини юлқиб от,
 қулоқ солма таклифларига.
 Сен билан биз
 энди бирга-бирга
 олмаларнинг гулин силкитиб,
 гир айланиб деразаларда,
 ўтмиш ва келажақ қўшиқларини
 ҳуштак қилиб чалганча, хушқол,
 ўйнаб ўтажакмиз дунё саҳнидан.
 Шундай кун келарки,
 келар албатта,
 сув билан зиё ҳам,
 инсон ва замин ҳам
 ёруғликка чиқар бегумон.
 Ҳамма нарса, худди сенга ўхшаб,
 насиб бўлар ҳамма-ҳаммага.
 Унгача ҳушёр тур,
 ажралма мандан.
 Биз бу йўлда эҳтимол жуда кўп
 ўйнаб, рақс тушармиз ҳали.
 Чексиз денғиз кўксидан ўтармиз,
 чўққиларни қучармиз бирга.
 Биз сен билан
 гунча ёзаётган
 навбаҳорга чиқармиз пешвоз
 ва эртанинг гул ва хуш бўйини,
 меваси ва ҳур ҳавосини
 қўшиқ ҳамда еллар қанотида
 улашиб беғараз.

БИРИНЧИ ВАСИЯТИМ

Қора оролдаги,
денгиз бўйидаги уйимни
мис, кўмир ва селитра касаба уюшмасига
қолдираман васият қилиб.
Энди унда яйраб дам олсинлар
болта уриб бузилган, жаллодлар ғорат қилган,
ўз қонига чўмилган сеvimли ватанимнинг
болалик завқини сурмаган,
рўшнолик кўрмаган ўғил-қизлари.
Бу уйда меҳрга чўмилиб,
чарчаганлар ҳордиқ ёзсинлар,
нотанишлар меҳмон бўлсинлар,
ярадорлар эса даво топсинлар
менинг тинч тўшагимда.
Биродар, марҳабо,
кел, мен бу уйни
фақир кунларимда қурганман
денгиз гуллари ва қаҳрабодлардан.
Аввал бу деразам тилга кирди ғулаб
денгиз чиганоғи сингари,
кейин бунда қатлана бошлади
умримнинг ранго-ранг минтақалари.

Сенинг умринг эса ўтар, оҳ,
мўридай бадбўй ва дим йулакларда,
қаҳр-ла чўқморланган қон ғорларида
олтингугурт заҳрини эмиб.
Энди насиб этгай сенга ўз ҳаққинг:
офтоб, сув, чечак ва уммон жилваси.



Анатолий КИМ

Корейс ҳангомалари

ТЎПЛОВЧИДАН

Бу халқ ҳикояларининг тақдири ажойиб — уларнинг қачон пайдо бўлгани ёлғиз Худонинг ўзига маълум. Ҳар ҳолда, уларнинг ёруғ дунёга келганига камида юз йил бўлган. Негаки, менинг авлод-аждоғларимнинг Россияга келиб қолганига ҳам юз йилдан ошиб қолди — улар муҳожирликка ана шу халқ руҳининг сўнмас жилоларини ўзлари билан бирга олиб келишган.

Корейслар аввал Узоқ Шарқ тупроғида яшашди, кейин 1937 йилда уларни зўрлик билан Ўрта Осиёга ва Қозоғистонга кўчиришди. Ундан кейин эса корейслар Собиқ Иттифоқнинг бутун ҳудуди бўйлаб тарқалиб кетди. Йўл-йўлакай улар ўзига хос маданиятларидан кўп нарсаларни йўқотдилар ва секин-аста она тилларини унута бордилар. Мен балоғат ёшига етганимда буларнинг ҳаммаси кўз ўнгимда инкишоф бўлди. Мен Россияга келиб қолган бир корейс уруғининг учинчи авлодига мансубман. Мен талафотларимизни кўриб, уларнинг жамики ғам-ғуссасининг бекиёслигини англадим.

Бундан кўп йиллар муқаддам бир куни мен Ўрта Осиёга — Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистонга боришга аҳд қилдим — мен бу ўлкаларда *еммарларни*, яъни қадимий корейс ҳангомаларини биладиган одамларни излаб топишни орзу қилгандим. Улар — кундалик турмуш ҳодисаларидан туғилган фантастик ҳикоялар, жуда жўй ва содда бўлишига қарамай хаёлот оламининг энг юксак табақаларида парвоз қилувчи дурдоналар. Мен ҳали болалик чоғларимда Қозоғистонда яшаган кезларимда — кўчириб келтирилган корейслар қишлоғида оппоқ соқолли кексалар оғзидан бу ҳикояларни кўп эшитгандим.

Омадим бор экан, бизнинг ҳаммамизнинг омадимиз бор экан — Тошкент яқинида “Политотдел” деган колхозда корейслар истиқомат қилишар экан. Мен бу ерда чиндан ҳам *еммарларни* биладиган одамларни топдим. Уларнинг ҳаммалари — эркалар ҳам, аёллар ҳам ҳаётдан толиққан кекса одамлар эди. Она юртдан, ватандан олисдаги ўлкаларда кечган ҳаёт улар учун унча енгил бўлмаган эди. Бироқ, айниқса, бир нарса менинг хотирамда маҳкам муҳрланиб қолди. Мана шу халқ маталлари ва ҳангомаларини биладиган, хотирасида сақлаб келаётган турли хил одамларнинг ҳаммаси баб-баравар ҳазил-мутуйибаларга мойил эдилар. Бу замин одамлари тушқунлик нималигини билмайдиган одамлар эди. Улар инсонлар турмушининг шунақа бир жиҳатидан хабардор эдиларки, бу жиҳат ҳар қандай инсоний Мавжудликни адолатсизлик, ёвузлик, тарихий мушкулотлар ва ҳатто ўлим чангалидан ҳам қутқариб қолишга қодир эди.

Рухан қувноқлик ва ҳаётга очиқ кўз билан қараш — бу ажойиб инсонлар — кекса корейс эркалари ва аёллари асраб қолган қимматбаҳо меросдир. Менинг назаримда улар ҳеч қачон ўлим нималигини билмайдилар. Эҳтимолки, уларнинг маънавий бойликларини ўз баёнимда рус тилида кимларгадир етказиб бераолсам, бу маталлар ва ҳангомаларни ўқиганлар хотирасида мен анча вақт сақланиб қоларман. Мени ҳам бизнинг беозор эрмакларимиз ҳамда ҳаёт қувончларининг мангулигига чин кўнгилдан ишонадиган қувноқ ва очиқ кўнгил бир инсон сифатида балки эслаб юришар.

Озод
ОБИД
таржимаси

Анатолий КИМ собиқ шўролар даврида оғир қисматни бошдан кечирган корейс халқининг вакили ҳисобланади. У тақдир тақозоси билан рус тилида ижод қилишга мажбур бўлди. Бундан қатъи назар унинг асарларидан корейс халқининг ўзига хос руҳияти экинлари сезилиб туради.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

БОШЛАМА ҮРНИДА

Эски замонларда чўпчагу матал айтишни биладиган одам қишда қишлоққа келар эди. Унинг келганидан хабар топган бадавлат деҳқонлардан бирортаси эртақчини дарҳол уйига чорлар, азиз меҳмондай иззат-икромини жойига қўяр, кечқурун эса хангомабозликка кўни-қўшнилари ва дўсти-ёронларини таклиф қиларди.

Хангомабозлик туни билан давом этарди. Бошқача қилишнинг иложи йўқ эди, хангомалар бирининг кетидан яна бири чиқиб келаверар, бир-бирига уланиб кетар, уларнинг кети-охири кўринмас эди. Улар зап ҳайрон қоладиган, кишини мафтун этадиган, ғоятда кулгили ва ибратли бўлиб, муҳаббат ва ҳижрон ҳақида; шайтонлар ва алвастилар, бахиллар ва сахийлар, тентаклар ва донолар, қироллар, дайдилар, парилар, қайноналар, хотинини эплотмаган сўтаклар, тунги саргузаштлар, самодан янграйдиган сирли нидолар тўғрисида нақл қиларди...

Тунлар тунларга уланиб кетар, эртақчи туни билан хангома айтиб, кундуздари ухлаб дам оларди. Унинг меҳнатини эртаси куни оқшомда тўшланадиган хангоматалаблар келтирган совға-саломларнинг миқдорига қараб баҳолаш мумкин эди. Кимдир бир ботмон буғдой, кимдир бир кийимлик газлама ёки бир бўлак яхна гўшт, яна кимдир чипта ковуш олиб келарди. Агар эртақчи чечан бўлса, бир ҳафтанинг ўзидаёқ от-аравага етадиган совға-салом йиғиб олар ва кейинги бадавлат хонадонга ўтарди. У ерда ҳам уни сабрсизлик билан кутиб туришган бўлишарди.

Шу тарзда бирор ой ўтиб-ўтмай, эртақчи уст-бошини янгиллаб, қишлоқни семиз от кўшилган чената тарк этарди. Чената эса буғдой тўла қанорлар, ҳар хил тузланган қараму бодринглар, музлаган балиқ тўла тоғоралар, паррандалар ва бошқа нозу-неъматлар ортилган бўларди.

Агар эртақчи манзур бўлиб қолса, унга баҳоргача жавоб бермасликлари мумкин эди. Хонадонма-хонадон ўтиб юриб, унинг хангомаларини ҳар кеча тинглашарди.

Қишда деҳқончилик ишлари тўхтайтиди, одамларнинг бўш вақти кўп — шунинг учун улар қорин ташвишини йиғиштириб қўйиб, кўнгилни хушлаш ташвишига тушиб қолишарди. Шунинг учун ҳам хангомаларнинг биронтасини ҳам қолдирмай, жон қулоқлари билан эшитишга ҳаракат қилишарди. Яна бунинг устига эртақчи моҳир бўлса, хангомаларини бирон марта ҳам такрорламас эди.

Бир куни аллақандай бир одам ушланиб қолиб, хангома айтилаётган уйга ярим кечадан ошганда борипти. Ховлига кириб қулоқ солса, ниманидир шилпиллагани, аёлларнинг паст овозда хитоблари эшитилапти. Келган одам бу хонадондагиларнинг овқати бугун кеч қолипти-да, улар кукса тайёрлашаётганга ўхшайди, мана, уграни ҳам пишириб совуқ сувга солиб олишяпти, деб уйлапти. Аммо меҳмон бурчакдан чиқиб қараса, булар ҳул иштонларини сиқаётган хушчақчақ аёллар экан. Афтидан, улар эртақ кетидан эртақни эшитиб ўтиравергану, заҳартанг қилганида ташқарига чиқиб келишга кўзлари қиймаган, дунёдаги ҳамма нарсани унутиб, қаҳ-қаҳ урганларида шўрликларнинг иштонларига ўтиб кетган...

Қани, энди биз ҳам тунги меҳмон кетидан ичкарига кирайлик. У ерда эртақчи одамларнинг кўнглини хуш этиб, хангомалар сўйляпти. Ҳамма билан бирга ўтириб-биз ҳам хангомаларига, чўпчагу маталларига қулоқ тутайлик.

Ё Н Ё И Н

Кани, бўлмаса, зоти муҳтарамлар, бу дунёда қанақа куёву-келиндар, қайно-та-ю қайноналар, қайнага-ю қайинсингиллар, қайнэгачи-ю божалар бўлишсини бир эшитиб, тингланглар! Буларнинг ҳаммаси сенинг янги топган қариндошларинг, модомки, муҳтарам отанг билан онанг сени бир замонлар дунёга келтиришган экан, сен ўзинг ҳам хотининг билан анча уннаб, бир этак ўгили қизларни ҳар бирини вақти соатида туғдирган экансан, кейин уларнинг бирига хотин олиб бериб, иккинчисини эрга узатиб тинчитган экансан, шу тарзда инсоний бурчингни ўтаган экансан, бу янги қариндош-уруғлардан қочиб қутула олмайсан, уларсиз кунинг ҳам ўтмайди.

Шундай қилиб, бир деҳқон одам ҳақидаги ҳикояларни бошлайлик. Бу одам жуда қашшоқлиги устига соддадил, гўлгина ҳам экан. Шу ваддан унинг Маҳрига алланечук қаланғи-қасанғи, ҳеч ким олишни ихтиёр этмаган келин эмас, бугун гунг келин тушибди. У бирон оғиз сўзни эплаб гапиролмас экан, фақат маъраган

га ўхшаб му-мулар ва бошқа шунга ўхшаган ёқимсиз овозлар чиқарар экан. Шу аҳволига соқов келин тушмагур ўлғудай ғийбатни яхши кўрар, қишлоқдаги янгиликлардан биринчи бўлиб хабар топар ва чақимчи чумчуқдай чирқиллаб, уларни ҳаммага ёяр экан.

Мана, ўзингиз кўриб ҳукм қилинг. Кунлардан бирида соқов келин ўт тушган жойга бориб қолипти. Кейин қайнотасининг олдига келиб, кўзларини ола-кула қилиб, қўлларини силкитиб, оғзини катта очиб, у ёқдан-бу ёққа югура бошлапти. Унинг очик оғзидан вишиллашу шапиллашдан бошқа овоз чиқмапти. Бироқ берафосат қайнота ҳеч балони тушунмаётганини кўриб, соқов келин алаמידан ёрилиб кетай депти ва ночорликдан нима қилишни билмай, бироз ҳанг-манг бўлиб турипти-да, тўсатдан бирдан-бир тўғри йўлини топибди: у шартта юбкасини ечиб, худди жунбуш ураётган алангани кўрсатаётгандай, уни ҳар томонга елпий бошлапти. Бунинг устига соқов келин икки лунжини шишириб, тасавуридаги оловни кучи борича пуфлай кетипти. Яна турган жойида сакраб-сакраб, кейин чўккалаб ўтириб олипти.

— Айгу, ҳаммаси равшан, — деб хитоб қилибди қайнота орқаси очик келиннинг олдида тик турганича. Келини тушмагурнинг юбкаси тагида иштони ҳам йўқ экан. — Ёнғин бўпти! Шамол ҳам қаттиқ экан. Бир зумда бутун уй ўт ичида қолипти. Том қулаб тушипти. Аммо, менга айт-чи, ҳой қиз, қаерда бўлди ёнғин? Ўзи қаер ёнди?

Келини тушмагур кўп ҳам ўйлаб ўтирмай, қайнотасининг қўлини маҳкам ушлабди-да, ўзининг *чи-чисига* — чотининг орасидаги нам жойга босиб.

— Тушундим! — деб хитоб қилди деҳқон бечора. — Бу воқеа Пакнинг ботқоқ ёнидаги ҳовлисида рўй берипти. У ерда дўнгликлар устида ҳали ўтган йилги қуруқ майсадан анча-мунча бор экан.

Кейин қайнота яна сўрапти:

— Нима бало — шўрлик Пакнинг уйи таг-туғи билан ёниб-битдими? Бирор нарса қолгандир, ахир?

Бунга жавоб шундай бўлибди: келин қўлини чўзиб, қайнотасининг бўз иштони ичида дўппайиб турган олотини маҳкам ушлабди-да, жон-жаҳди билан уни юқори-га чўзгилабди.

— Айгу, ёмон бўлибди-ку! — деб хитоб қилибди деҳқон қўлларини икки ёнига ёйиб. — Уй буткул ёниб битиб, сўппайиб ёлғизгина мўриси қолиптида!

Бу шум хабарни эшитиб қайнота йиғлаб юборишга сал қолибди. Чунки уйи куйган Пак унинг тенгдоши экан, улар болалиқдан бери бир-бирлари билан дўст эканлар. Қайнота соқов келинидан кейинги воқеаларни ҳам суриштира бошлабди.

— У-бу буюмини ўтдан сақлаб қолишигимиз-йўқми?

Бу саволни эшитиб, полвон келин қолган-қутган кийимларини ҳам ечиб ташлабди — қип-яланғоч бўлиб қолипти, кейин қайнатасига ташланиб, уни ҳам мажбур қилиб қип-яланғоч ечинтирипти. Сўнгра уни ўзига тортиб, бағрига қаттиқ босипти-да, у билан бирга ерга ағдарилпти.

— Ҳаммаси тушунарли, шўрлик Пак, чакки бўлипти-ку! Бечора бор будидан маҳрум бўлипти-да! Ҳамма нарсаси ёниб кетипти-да! Қип-яланғоч қолишипти-да эру хотин. Устига киядиган кийими, ёпинишга бирон нарсаси қолмапти-да. Жуда ёмон бўлипти. Қаттиқ жабр кўришипти шўрликлар. Одамнинг бошига бунақа кулфат тушса, хотинига зарур бўлганида *танг-танги* ҳам турмай қолса керак!

Ана шунақа ҳасратли гаплардан кейин қайнота соқов келиннинг устидан турибди. Улар бир-бирларига қарамай кийимларини кийишибди-да, ошиқмай икки томонга қараб кетишибди.

БУРГУТ ЁРДАМИДА УЙЛАНДИ

Со деган отасиз етимча балоғат ёшига етиб, уйланиш тўғрисида узлуксиз ўйлай бошлади. У ўз хўжалигига эга эмаслигидан, янбан Цайнинг хонадонидан югурдак эканидан қаттиқ ташвиш чекарди. Бунинг устига Цайнинг бўйи етган қизи бор эди. Бизнинг навқирон батрак йигитимиз эрта-ю кеч шу қизнинг дардида қовриларди.

Кунлардан бирида кўчада хўжайиннинг уйи рўпарасида бир тўда башанг кийинган такасалтанг йигит-яланглар тўпланди. Батрак Со шу ўртада — четан девор ортида ер кавламоқда эди. У йигитларнинг ҳамма гапини эшитди. Улар хўжайиннинг қизини гийбат қилишарди. Қиз жуда гўзал, оқила, лекин негадир одамлардан ўзини олиб қочарди. Эртадан кечгача худоларга, буддаларга тиловат қилишдан бўшамайди дейишади. Балки сочини олдириб ташлаб, роҳибалик йўлидан кетмоқчидир, деган тахминни айтди бир йигит. Иккинчиси эса бу гапни илиб олди-да, давом эта кетди: ундай бўладиган бўлса, тезроқ совчи юбориш керак, шундоқ қизнинг кал роҳиба бўлишига йўл қуйиб бўлармиди? Қиз учун катта қалин беришлари аниқ, шундоқ бўлгач, бундай катта қалиннинг биронта монастир фойдасига ўтиб кетишининг олдини олиш зарур.

Навқирон Со турган жойида дод деб юборди, кейин бир сапчиб, тол тўсиқдан сакраб ўтиб, кўчанинг ўртасига — бойвачча йигитларнинг олдига тушди.

— Бўлмаган гап! — деб хитоб қилди у. — Ҳеч қанақа монастир бўлмайди. У отасининг ёлғиз меросхўри, отасининг ундан бошқа фарзанди йўқ — шундоқ бўлгач, монастир тўғрисида қандай гап бўлиши мумкин? Худолар ва буддаларга тавалло қиладиган у эмас, унинг отаси. У бўлса отасини яхши кўргани ва қаттиқ иззат қилганидан унинг ёнида туради...

— Менга қара, сенинг нима ишинг бор? Сен ўзинг кимсан? Қаердан келиб қолдинг бу ерга? — деб ҳайрон бўлишди бойвачча йигитлар батрак боланинг устидаги тердан димиқиб кетган эски усти-бошини кўздан кечиришиб. — Бор, туёғингни шиқиллат. Бошқа кўзимизга кўринма!

Шундай деб такасалтанглар шўрлик Сони ура бошладилар. У зўр-базўр уларнинг қўлидан қочиб чиқди-да, яна четан девордан бир сакраб хўжайинининг ҳовлисига тушди.

У кўзда ёши шашқатор уйига қайтиб келди. Овқат ҳам емади, сув ҳам ичмади. Тўғри онасининг ёнига бориб ёлворди:

— Ойижон, хўжайиннинг қизини сўраб совчиликка боринг.

— Нима бало, ақлингни еб қўйдингми? — деб ҳайрон қолди онаси. — Улар янбанлар-ку! Биз киммиз, ахир? Менинг совчи бўлиб борганимни билишлари биланок, калтак олиб қувлаб солишади-кў.

— Ундай бўладиган бўлса, катта пичоқни олиб, яхшилаб ўткир қилиб чархлайман.

— Бу нима деганинг? — деб қўрқиб кетди онаси.

— Нима бўларди, қорнингизни ёраман-да, қайтиб кириб кетаман. Бу дунёда бахтни кўрмасам, мени туғиб нима қилар эдингиз?

На илож, шўрлик бева хотин ўғлига қизини сўраб янбанниқига боришга мажбур бўлди. Лекин ўзи айтганидек, унинг икки юзига икки тарсаки уришиб, ҳовлидан шарманда қилиб ҳайдаб солишди. У йиғлай-йиғлай уйига қайтиб келди. Бўлган гапни оқизмай-томизмай ўғлига айтиб берди-да, ўзининг хонасига кириб кетди.

Ўғил уйдан югуриб чиқиб, боши оққан томонга йўл олди. Бироздан кейин у тоғлар бағрига одам оёғи етмайдиган баланд қоялар орасига бориб қолди. Бу ердаги қишлоқда меҳрибон ва мушфиқ корейслар истиқомат қиларди. Уларнинг қишлоғи жойлашган тоғ водийсини Сорақсан деб аташар экан.

Навқирон Со туғишган юртидан бош олиб чиқиб кетишни истаб қолди, чунки у юртида рўшнолик кўрмайдиганга ўхшайди. Шунинг учун мусофир бўлиб, тузукроқ қисмат изламоғи маъжуб. Шуларни ўйлаб турганида боши тепасида чарх уриб айланиб учаётган тоғ бургутини кўриб қолди. Бургут йигитга бир нарсаларни уқтирмақчидай кўринди. Со парвоз қиладиган қушни кузата бошлади ва ордан кўп ўтмай қушнинг баланд қоя устига қўнганини кўрди. Афтидан, у ерда бургутнинг ини бор эди. Шу чоғ йигитнинг миясига бир фикр келди. У йиртқич қуш ин қурган қоя устига тирмашиб чиқа бошлади.

Тун яримдан ошиб, бўрилар овга чиқадиган пайт етиб келганда — қишлоқдагиларнинг ҳаммаси аллақачон уйкуга кирганда янбан Цайнинг ҳовлиси узра бир овоз янгради. Бу овоз самодан келаётган эди. Овоз эгаси Цайга хитоб қиларди:

— Ҳой, фалончи Цай! Ҳой, фалончи Цай! Уйғон! Тез ўрнингдан туриб бери кел! Янбаннинг хонадонидагилар овозни эшитиб, хўжайинини уйғотишади. У кий-

иниб, қўрқувдан дағ-дағ қалтириб, боғ томонга йўл олади. Бу боғда баланд-баланд эман дарахтлари ўсарди. Унинг номини такрор-такрор айтиб янграётган ҳайбатли овоз ҳам шу томондан келаётган эди.

— Фалончи Цай! Ҳой, фалончи Цай!

— Лаббай! — деб жавоб берибди янбан қорайиб турган дарахтларга яқинлашиб.

— Мен — Само ҳукмдори. Сенга буюраман. Дарҳол қизингни қўлингга хизмат қилаётган Со деган батракка турмушга бер. Уларнинг турмуш қуриши самоларда ҳал бўлган, тушундингми?

— Ҳа, ҳа, — деб жавоб берипти янбан ергача таъзим қилиб.

— Тўйни эртагаёқ ўтказинглар. Буйруғимни қандай бажарганингни мен, албатта, текшириб кўраман, — дебди баҳайбат овоз.

— Хўп, хўп, албатта, бажараман, — деб ваъда берипти қўрқиб кетган янбан.

— Энди мен самога қайтиб кетаман. Сенга ижозат, бошингни кўтариб, менинг парвозимни томоша қилишинг мумкин, — деган овоз келипти самодан яна.

Янбан Цай юрак ютиб осмонга қаради ва баҳайбат дарахтларнинг қорайиб турган учлари тепасида бир қизил чўғ пайдо бўлганини, у ҳар томонга учқунлар сачратиб осмонга учи кетганини кўрди.

Эрталаб тўй тўғрисида хабар қилишди. Эртаси кунёқ никоҳ ўқилди, гарчи куёв ҳеч вақоси йўқ, қашшоқ бўлса-да, тўй жуда дабдабали бўлди. Куёв қашшоқ бўлса-да, келиннинг отаси бадавлат эди. Унинг молу дунёси беҳисоб, ери, чорваси кўп, егулик озиқ-овқатлари сероб, пули, қутичаларда қимматбаҳо тошлари мўл эди. Цай ёшини яшаб, ошини ошаб, дунёдан кўз юмганидан кейин бу бойликларнинг ҳаммаси куёвига қолди. Фақат шундан кейингина собиқ батрак Со хотини ва қўшнлари олдида қандай уйланиганини айтиб берди. Ахир, у отасиз ўсган бир етим бола эди, ҳеч вақоси йўқ шипшийдан эди, бу дунёнинг жамики бойликларидан унда фақат иштони ичидаги бақувват, қўпса ётмас *танг-танги* бор эди, холос. Шунга қарамай, у энг бадавлат ва энг соҳибжамол қизга уйланди. Ахир, унга уйланишни озмунча бадавлат такасалтанглар орзу қилмаганмиди? Улар бўйдоқлик тўшакларида ётиб, тунлар давомида тўлғониб чиқишмаганмиди? Ахир, уларнинг ҳам ҳаётбахш тўқмоқлари навқирон батрак Соникидан қолишмас эди-ку!

Қўрғоннинг янги хўжайини одамларга нимани гапириб берди дерсиз. У ёшлигида кунлардан бирида қоя устига чиққанини, қояда бургутнинг ини бўлганини, у анча улғайиб қолган бургут боласини ушлаб олганини, уни аста қўйнига солиб, уйига олиб келганини гапириб берди. Кейин у бургутнинг оёғига узун пилик боғлапти, уни саватга солипти-да, яна чақмоқтош билан қовоқдан ясалган хурмачани ҳам ўзи билан олипти, буларнинг ҳаммасини арқонда эман дарахтининг учига боғлаб қўйипти. Ўзи ҳам тун зулматидан фойдаланиб, қуюқ шохлар ичига яшириб олипти. Вақт ярим кечадан ошгандан кейин қовоқ хурмачани қарнайдай оғзига қўйиб, кўнглидаги гапни бақириб айтипти. Кейин чақмоқтошни уриб, қушнинг оёғига боғлаб қўйилган пиликни ўт олдирипти. Пилик яхшилаб ўт олганидан кейин, бургутнинг боласини қўйиб юборипти.

Бургутнинг боласи учини билар, лекин ҳали ўзи бундан беҳабар экан. Шунинг учун кеча онасининг иниди яқинлашиб келаётган одамни кўрса ҳам, қоядан пастга отилиб кетишни ҳаёлига келтирмай, кўзини чақчайтириб ўтираверган экан. Бироқ кечаси Со деган йигит қўли билан уни осмонга улоқтиргандан кейин учиб кетишдан бошқа иложи қолмапти. Аввал у қанотларини кенг ёйипти, кейин қаноти билан ҳавони сермапти, қаршидан зсаётган шамолни айқаш-уйқаш қилиб юборипти, сўнг қанотларини борган сари шиддатлироқ ишлатиб осмону фалакка кўтарилипти. Фақат у пиликнинг қизариб турган учига хавотирланиб қараб қўяр эди. Бечора бургут шиддат билан қанот қоқар, лекин пиликнинг қизғиш учи ортда қолмай, унга эргашиб келмоқда эди.

ООРИ ДЕГАН КУЧУКЧА

Қадим замонларда Пакнинг отаси билан Шек Ин бир мактабда ўқишган экан. Бир мактабда бирга ўқиганлар, албатта, туғишган оға-инидек бўлиб кетишади.

Шундоқ бўлибдики, Пак жуда эрта етим қолипти, ота-онаси ҳам, бошқа қарин-

дошлари ҳам ўлат тегиб, бирин-кетин оламдан ўтишибти. Етимча Пак ҳовлима-ҳовли тиланчилик қилишга мажбур бўлипти. Бундан хабар топган Шек Ин бола-ни ўз тарбиясига олипти. Шекнинг биттаю битта қизи бор экан. Унинг исми Минда экан. Минда Пакка тенгдош бўлиб, ўша кезларда икковлари ҳам энди етти ёшга кирган экан.

Вақт ўтаберипти, уларнинг иккови ҳам ўн бешга кирипти, Шек қартайиб, оламдан кўз юмадиган бўлипти. У ётган жойига хотинини чақириб унга тайинлапти-ўлганимдан кейин болаларни уйлантириб қўй, улар эру-хотин бўлишсин, менинг қонуний меросхўрларим бўлишсин, деб васият қилипти.

Аммо Шекнинг вафотидан кейин дарҳол Пакни уйдан чиқариб, боғнинг бир чек-касидаги кичкина кулбага тиқиб қўйишти. У бир ўзи ёлғиз яшай бошлапти. Марҳум Шекнинг иккинчи хотини, Минданинг ўғай онаси шундай буйруқ беришти.

Ўғай онанинг жияни бор экан. Тё деган бу йигит жуда шум ва пиёниста экан. У ёмон бир ниятни амалга оширмоқчи бўлипти — мерос Шекнинг қизига тегмаслиги учун уни етти ёт бегонага узатмоқчи бўлипти ва бу ниятни холасига айтипти. Марҳум Шекнинг ёлғиз қизига уйланиб, меросхўр бўлиши керак бўлган Пакнинг устидан эса ғийбат қилиб, қаматмоқчи бўлишти.

Минда ўғай онаси билан жиянининг тил бириктирганини эшитиб қолиб, Пакни огоҳлантирмоқчи бўлди. Аммо, Миндага Пак билан учрашишга рухсат беришмас, ҳатто уни уйдан ташқарига чиқаришмас эдилар. Шунда қиз мактуб ёзиб, Оори деган кучукчанинг бўйинбоғига боғлаб, уни Пакнинг олдига жўнатди. Бу кучукчанинг ҳовлига келиб қолганига анча бўлган эди — унда Минда билан Пакнинг бирга ўйнашларини ҳали тақиқламаган эдилар. Оори жуда зийрак кучукча эди, бола билан қиз қаерга борсалар, орқаларидан чопиб эргашиб кетаверарди. Энди уларни бир-бирларидан ажратиб қўйганларидан кейин кучукча уларнинг олдиларига навбатма-навбат бориб турарди. Шунинг учун у гоҳ боғ четидаги кулбага чопиб борар, гоҳ уйга югуриб қайтиб келарди.

Мактубни ўқигач, Пак хатардан қочиб қутулмоқчи бўлипти. Аммо унга бўлажак қаллиғини ташлаб кетиш жуда алам қилипти. Ахир, уларнинг бутун ёшлиги бирга ўтган-ку! Пак уни чин юракдан яхши кўриб қолган. У кўзларидан ёшини шашқатор қилиб, Миндага жавоб ёзди ва мактубида у билан мангуга видолашди. Оори дарров кўрина қолмади ва бу мактубни Минда ҳар куни эрталаб борадиган сўқмоққа ташлади, ўзи эса тугунчасини орқалаб, ўша заҳотиёқ бу уйдан ғойиб бўлди.

У йўл юрди, йўл юрса ҳам мўл юрди, ниҳоят, Сеул шаҳарига етиб келди. Яхши одамлар унга ўхшаган норасидаларга паноҳ берадиган етимхонани кўрсатиб қўйишти. Дастлабки пайтларда шу етимхонада кўним топса бўларди. Маълум бўлишича, етимхонада турадиган болалар Сеул кўчаларини кезиб юриб, ҳар хил дори-дармонлар сотиб, тирикчиликларини ўтказар эканлар. Пак ҳам кўчама-кўча юриб, дорифурушлик қила бошлади. Аввалига анча торгиниб юрди, сершовқин кўчаларда ва майдонларда беихтиёр юрар, ҳар томонга кўп аланларди ва бундан иши ҳадеганда юришавермади. Аммо секин-аста кўникди. Очлик анча нарса ўргатди. Орадан кўп ўтмай, у кўчадаги бошқа савдогар йигитлар каби дадил бақириб-чақириб савдо қила бошлади.

— Кимга дори! Дори деган борми? Ичкетар, жиғилдон қайнаши, ҳиқичоқ, қабзиятдан даволайди. Ёмон кўздан, юқумли касаллардан асрайдиган дорилар бор! Қутурганда ичадиган, томоқ оғриганда сурадиган, ароқ хумор қилганда ичадиган дориларга келиб қолинг.

Секин-аста ишлари юришиб кетди, ҳамёни пул кўрадиган бўлиб қолди. Вақти-вақти билан бирон ошхонага кириб, қорнини тўйгазиб олса ҳам ҳамёни кўтарадиган бўлиб қолди. Аммо бир куни яхшироқ ошхонага кириб овқатланмоқчи бўлди. Ошхонанинг киравериш жойига балиқнинг суврати ишлаб қўйилган ва “Чўртан амакининг шаробхонаси” деб ёзиб қўйилган эди.

Пак ичкарига кирса, бир столнинг ёнида башанг кийинган янбан ўтирипти, жуда ҳам гўзал бир аёл ҳар қадамда бир таъзим билан унинг хизматини қиляпти, меҳмонга қадаҳда май узатиб турипти.

Пак дунёдаги ҳамма нарсани унутиб, унга қараб анқайиб қолди. Бу янбанга ёқмади ва у қовоғини уйиб, бақира кетди:

— Ҳой, гадоївачча! Қаршингда ким турганини кўрмайсанми, кўзинг чиққур! Йўқол, бу ердан! Оёғимдаги тирноғимнинг кирига арзимайсану, зодагонлар ўтирган жойга тумшугингни тикқасан-а!

Хизмат қилиб юрган соҳибжамол йигитга ўгирилиб қараб хижолат чекди-да, бошини эгиб, қотиб қолди. Пакнинг хўрлиги келиб, индамай ошхонадан чиқиб кетди. Дарвозадан чиқishi билан йиғлаб юборди, дори солган қутисини ерга улоқтириб уриб, югуриб кўчани кесиб ўтди-да, арзон ошхонага кирди. Ёнидаги пулларига ароқ олди, унинг ҳаммасини ичди-да, ҳушини йўқотиб, ўтирган столнинг ёнига қулади. Хизматкорлар бир қоп гўштдан бошқа нарса бўлмаш шилқиллаб қолган Пакни қўл-оёғидан кўтариб, кўчанинг ўртасига олиб чиқиб ташлашди.

Бу воқеани “Чўртан амакининг шаробхонаси” бекаси кўрди. У бояги бадавлат меҳмоннинг хизматини қилиб юрган соҳибжамол аёл эди. Уни Му Гун-Хва деб аташарди. У уни ўз ошхонасининг ичкарасига олиб кириб, тўшакка ётқизишни буюрди. Сўнг йигитнинг юзига совуқ сув сепди. Йигит ҳушига келди:

— Мен қаердаман? Менга нима бўлди?

— Сен менинг уйимдасан. Кўчада йиқилиб қолган экансан.

Йигит соҳибжамол аёлни таниди ва ёш боладай ҳўнграб йиғлаб юборди.

— Нега олиб келдинглар? Мен умримда ичкилик ичмаган эдим. Бу кунимдан кўра итдай ўлиб кетақолганим яхши, деб атайин ичган эдим. Бу шармандаликда яшамоқнинг имкони йўқ. Мен бир етимчаман, менинг бу дунёда яшашимнинг ҳеч кимга кераги йўқ.

Йигитнинг бу гапига Му Гун-Хва жавоб бермади, фақат унинг юзини ҳўл сочиқ билан артиб олди, кейин худди беморга бераётгандай ётган жойида бир коса шўрва келтириб ичирди.

Шундай қилиб, Пак “Чўртан амакининг шаробхонаси”да яшаб қолди. Му Гун-Хва туғишган одамидан аълороқ тарзда унинг иссиқ-совуғидан хабар олиб турар, ҳамма ками-кўстини бажо келтиришга ҳаракат қиларди. Бир неча кун ўтиб, Пак ўзига келиб, бақувват тортиб қолгач, ресторан соҳибаси уни ўз хонасига так иф қилиб, деди:

— Мен ҳам ота-онамдан эрта жудо бўлганман. Майфурушлик хотин киши қиладиган иш эмас. Менинг ота-онам зодагонлар табақасидан эди. Мен болалик чоғимданоқ ўқишда қобилиятли эканимни намойиш этдим. Бир вақтлар мен майфурушлик қилиб, бадмаст майхўраларнинг хизматини қилишни эмас, ўқишни орзу қилардим... Эндиликда эса биз сен билан келажагимиз тўғрисида ўйламоғимиз керак. Биз икковимиз ҳам етиммиз. Икки етим тақдирини қўшиб, турмуш қуришса яхши бўлмасмикин?

Ҳаммаси Му Гун-Хва айтгандай бўлди. Улар турмуш қуришди. Гарчи хотини эридан каттароқ бўлса-да, уларнинг оиласида тартиб ва аҳиллик ҳукмрон бўлди, чунки бу оилада заминнинг самога итоаткорлиги, яъни аёлнинг эркакка бўйсунishi ҳеч кимга малол келмас эди. Шу ўринда ёш етимча Пак ҳақидаги қиссамизни тўхтатиб турайлик-да, шу вақт ичида унинг қаллиғи Минданинг бошидан қандай воқеалар кечгани тўғрисида ҳикоя қилайлик. Бу воқеалар бундай эди:

Минданинг уйига кўпдан-кўп совға-саломлар билан совчилар келишди. Уларни ўғай онасининг жияни пиёниста Тё бошлаб келган эди. У совчилар билан яшилаб тўп бириктириб олган эди. Лекин тунда Минда отасининг эски-туски кийимларини кийди. — Қиз-бу кийимларни аввалданоқ ўзининг бўйи-бастига мослаб қайта пикиб олган эди. — сочини эркакчасига турмаклади-да, билинтирмай аста уйдан чиқди.

Ўрмонга етиб борар-бормас қараса, ортидан Оори эргашиб келяпти. Кичкиналиги учун қоронғуда уни пайқаш қийин эди.

— Нега ортимдан эргашиб юрибсан? Бор, қайт орқанга! — деб қиз кучукчани ҳайдай бошлади.

Бироқ кучукча гўё унинг нима деяётганини тушунаётгандай ва бир нарсалар демоқчидай думини ликиллашиб, бекасининг оёқлари олдига эмаклаб келди-да, бошини оёғи узра қўйиб олди. Кучукча эгасидан ўзини бирга олиб кетишни ўтинмоқда эди.

Шу пайт оғ чоптириб келаётганларнинг тасир-тусури эшитилди. Уйда кўп ўтмай келиннинг қочиб кетгани маълум бўлипти ва куёв билан ўғай онанинг жияни Тё

отларни миниб, қизни қувиб кетишипти. Тоғлиқ қишлоқдан олиб чиқадиған йўл битта экан — улар шу йўлдан от қўйишипти.

Қиз от туёқларининг тапур-тупурини эшитиб, орқасидан қувиб келишаётганини фаҳмлабди ва катта йўлдан чиқиб, бир тошнинг орқасига биқинибди. Кучукча ҳам кичикроқ тошнинг ортига ўтиб яширинипти. Отлиқлар от чоптириб, ўтиб кетгандан кейингина Минда яна катта йўлга чиқиб, йўлини давом эттирипти. Кучукча ҳам яна унинг ортидан эргашипти.

Ярим тундан оққанда улар қўшни қишлоққа етиб боришипти. Бу қишлоқ каттагина экан. Қиз қишлоқ чеккасидаги бир уйни тақиллатипти. Бу уйда чолу кампир ёлғиз туришар экан. Эркакча кийиниб олган Минда бир кеча тунашга ижозат сўрапти, “Кучукчам билан қўшни қишлоқдан келаётган эдик. Бозорга кетаётган эдик, ўрмонда адашиб қолдик” деб баҳона қилди. Чол ҳам, кампир ҳам жуссалари кичик, сочлари оқарган кекса одамлар эди, қизнинг тунаб кетишига ижозат бериб, ҳовлидаги араванинг устига жой қилиб беришди.

Эрталаб қиз ухлаб қолди, чол эса барвақт туриб бозорга борди ва у ерда қочиб кетган келин қидирилаётгани ҳақидаги эълонни кўрди. Уни тутиб берганларга кумуш пулда 150 вон ваъда қилинган эди. Чол бозордан қайтиб келиб, воқеани кампирга айтиб берди. Кампир бўлса чолига нима дейди денг: “Менимча, ҳозирга қадар ҳовлида арава устида донг қотиб ухлаб ётган йигит қизга ўхшаб кетяпти. Ана, офтоб нури ухлашига халақит бермасин деб кокилини кўзи устига қўйиб олипти. Ўғил бола бўлса шунақа қилармиди Эркаклар кўзининг устига сочини эмас, кафтининг орқа томонини қўйиб олишади”.

Чолу кампирнинг қулоқлари оғирроқ эди шекилли, шунинг учун улар ўзаро қаттиқ-қаттиқ гапиришарди. Қиз уйғониб, уларнинг ҳамма гапини эшитди ва сири фош бўлиб қолганини тушунди. Чолу кампир уй ичига кириб кетганида, у қўли билан имлаб, кучукчани чиқирди-да, аста ҳовлидан чиқди.

Лекин чол билан кампир ичкаридан уни кузатиб туришган эди, шекилли. Негаки, қизнинг ортидан қўлларида арқон билан югуриб чиқишди-да, орқасидан қувлай кетдилар. Шунда Оори қизнинг жонига оро кирди. У қўрқинчли тарзда ҳуриб орқасига югурди, чолу кампирнинг олдига бориб, гоҳ бирининг, гоҳ иккинчисининг атрофида гирдикапалак бўлиб, жон ҳолатда акиллай кетди. Кампирнинг этагини ҳам, чолнинг почасини ҳам йиртиб дабдала қилди. Улар бор овозлари билан қизнинг ортидан қувлаётганларига тавбалар қилишди, лекин шунда ҳам кичкина кучукча ғазаб билан уларни талашни тўхтатмади.

Чолу кампир қиздан ялиниб-ёлбора бошлашди, “гуноҳқормиз, нафсимизнинг гапига кирибмиз, 150 вон ишлаб оламиз дебмиз. Энди чинакамига пушаймонмиз, фақат бир илтимос — бизни манави шафқат билмас ёвуз итдан қутқар!” дея илтижолар қилдилар.

Минда кучукчани чақириб, қўлига олди. У бир зумда тинди, лекин чолу кампирдан кўзини узмай, уларга ириллашда давом этди. Чолу кампир эса уятдан ловлов ёниб, нима қилишларини билмай, ҳадеб миннатдорлик изҳор қилиб қизга таъзим қилишар ва уни қайтадан уйларига таклиф қилишарди.

— Сен ўша эълонда айтилган қочқин келин бўлсанг керак, — деди чол. — Лекин энди қўрқмасанг ҳам бўлади, мен сирингни очмайман.

— Агар қайлиғингдан қочиб кетган бўлсанг, ўзидан кўрсин, яшшамагур. Ўзи ёмон бўлса керак-да, — деб жавради кампир. — Қалиқ яхши бўлса, келин қочиб кетмайди. Биз бўлсак чоли тушмагур икковимиз сени қўл-оёғингдан боғдаб унга ушлаб бермоқчи бўлиб юрибмиз-а! Гуноҳи-азимга ботишимизга сал қолди-я! Сенинг доно кучукчангга раҳмат, бизнинг ақлимизни киритди.

Улар яна “энди гуноҳимизни ювмоқчимиз, эртага эрталаб сени бир йўлга солиб юборамиз, бу йўл тўппа-тўғри қочқин хотинларга бошпана берадиган аёллар етимхонасига олиб боради” дейишди. Ҳали бўйи етмасдан эрга беришмоқчи бўлишганда бундан қочиб келган ёш-ёш қизларни шу жойда ўқитиб, яхши тарбия беришар экан.

Чиндан ҳам эртаси кун Минда баланд дарвоза олдида турар, дарвозанинг тепасига эса “Эри таъқиб қиладиган аёллар учун бошпана” деган лавҳа илиб қўйилган эди.

Миндани дарвозадан ичкарига киритишди, Кучукчани эса киритишмади —

кучукча шўрлик вангиллаганича кўчада қолди. Шу вақт монастир олдига саёқ Тё билан ношуд куёв етиб келишди. Улар дарвозанинг олдидаги қора кучукчани кўриб, тахминлари тўғри эканига ишонч ҳосил қилишди. Келин шу ерга — аёллар монастирига яширинган.

Ўгай онанинг жияни Тё билан куёв етимхона дарвозасининг ён-верида яшири-ниб, пойлашга қарор қилишди. Аёллар ўзларининг ҳар хил ишлари билан бошпа-наларидан чиқиб туришарди. Бадкирдорлар Минданинг ҳам чиқиб қолишини ку-тишмоқчи бўлишди — у чиқиб қолса, бас, уни бир амаллаб ўзлари билан олиб кетишади.

Улар бутазор ичида биқиниб ётиб, тевараги баланд тош девор билан ўраб олин-ган монастирнинг дарвозасидан кўзларини олмай пойлай бошладилар.

Аммо улар бутазорга биқиниб олишга ҳам улгурмай, тўсатдан Токебининг, яъни ажинанинг ҳужумига дуч келгандай бўлишди. Аввал бирларининг, кейин иккинчи-ларининг иштонлари тар-тар йиртилди ва бир зумда икковларининг ҳам сони даб-дала бўлиб, қонга беланди. Улар шу даражада хароб бўлдиларки, бировга кўри-нишга бетлари чидамай, дарахтга боғлаб қўйилган отлари олдига пусиб-биқиниб бордилар-да, бир амаллаб, уларни миниб, шаталоқ отиб қочиб қолдилар.

Бу орада мактаб мўдирасига оқ юзли майин Минда жуда ёқиб қолди ва у уйга келиб онасига янги толиба ҳақида гапириб берди. Онаси ҳам бу қизга қизиқиб қолди ва уни ўз ҳузурига олиб келишларини буюрди. Етим қизнинг бошидан кеч-ган кўпгина қайғули ва аламли ҳодисалар ҳақидаги ҳикоялар кампирга ҳам қаттиқ таъсир қилди ва зодагон кампир уни қиз қилиб олмоқчи бўлди.

Оори бўлса кўча-кўйларда дайдиб юра-юра, охирида Сеулга бориб қолди. Бу шаҳарда у минглаб бошқа излар орасида ўзининг сеvimли эгасининг изини пай-қаб қолди. Кунларнинг бирида кучукчанинг сеvimли эгаси уйдан чиқиб, дарвоза тагида қора лайча турганини кўрди. Лайча унга қараб ҳадеб думини ликиллатар эди. Пак кучукча томон отилди, уни кўтариб олиб бағрига босди, силаб-сийпади. Кейин Оорини уйига олиб кириб, бор гапни хотинига айтиб берди ва унга энг азиз одамларини, жонажон ватанини эслатиб турувчи бу ажойиб кучукчани умрининг охиригача боқиб парвариш қилишни буюрди. Бу ўринда бир гапни эслатмоқ жоиз экан — Пакнинг хотини Му Гун-Хва бир замонлар “Қочқин хотинлар учун бош-пана” қошидаги мактабда ўқиган эди. Бир замонлар уни ҳам зодагон кампир қиз қилиб олган экан. Бу кампир ўз эрларидан хўрликлар кўриб, уларнинг шафқатсиз таъқибига учраган аёллар учун очилган бошпананинг хомийларидан эди. Йилда икки марта Му Гун-Хва ўзининг тутинган онасини, албатта, кўргани борар эди. Чунки Му Гун-Хвага зодагон кампирнинг хизмати кўп синган эди. Бир вақтлар унга шаробхонани ҳам шу хотин олиб берганди.

Сеулдан аёллар етимхонасигача масофа анча узоқ эди. Лекин Му Гун-Хва ҳаминша бажонудил йўлга отланарди. Бу гал унга Оори ҳамроҳ бўлди. Кучукча янги бекасининг олдига тушиб югуриб боради. Кучукча гўё бу йўлни яхши била-дигандай, ҳеч қаёққа бурилмай, адашмай, комил ишонч билан бошлаб кетаётган-ини кўриб, унинг янги эгаси ҳайрон бўлди. Ахир, Му Гун-Хва кучукчанинг Се-улдаги “Қочқин хотинлар учун бошпана”га борадиган йўлни ростдан ҳам яхши билишидан беҳабар эди-да.

Шаробхонанинг эгаси Му Гун-Хва кучукчани тўғри етимхона ҳомийсининг уйига бошлаб келди, бу ерда эса Оори Миндани — ўзининг биринчи бекасини кўрди. У ҳам кўзда ёшлари билан қора кучукни қучоқлаб бағрига босишга ошиқ-ди. Бу итда менинг ҳақим кўпроқ, мен ахир Пакнинг қаллиғи бўлган эдим демоқ-чидай бўлганди. Лекин Минда ҳам ўзининг ҳақидан кечди:

— Мёнга Пакнинг марҳум отаси оғиз солган эди, холос. Сиз эса унинг ҳаётини сақлаб қолгансиз.

Му Гун-Хва уйига қайтиб келиб, бўлган воқеани эрига айтиб берди. Лайча Оор-нинг аввалги бекаси билан учрашуви нечоғлиқ таъсирли бўлганини ҳикоя қилаёт-ганда эса Пакнинг юзи қорайиб кетди. У анчагача қовоғини уйиб, индамай қолди. Шунда хотини унга тасалли берабошлади:

— Кўп ғам чекаверма. Уни кўргинг келишини мен билган эдим, шунинг учун уни бизникига таклиф қилганман. Ҳадемай, у бизникига меҳмон бўлиб келади.

Дарҳақиқат, орадан кўп ўтмай ёвуз одамлар бир-бирдан ажратган ошиқ-

маъшуқлар дийдор кўришишди. Минда қимматбаҳо либосларда эди. Бу либосларни унга тутинган онаси — аёллар егимхонасининг ҳомийси бўлмиш зодагон кампир олиб берган эди. Бу кийимларда Минда худди само фаришталаридек гўзал кўринарди. Му Гун-Хва икки ёшни ёнма-ён ўтқазиб, ўзи ҳам уларнинг ёнига ўтирди ва бундай деб гап бошлади:

— Бир вақтлар аёллар егимхонаси қошидаги мактабни тугатганимда мен бундан буёғига қандай яшамоғим кераклигини ўйлашга мажбур бўлган эдим. Менинг тутинган онам — “агар совчилар орқали яхши бир куёв топсам, эрга тегасанми?” деб сўрадилар. Мен у кишининг саволига “эрга тегашга унча хоҳишим йўқ, лекин менга шаробхона харид қилишга ёрдам берсангиз, савдо билан машғул бўлганим яхши эди”, деб жавоб бердим. Бу гапимни эшитиб тутинган онам ҳайрон бўлди, лекин гапимга йўқ демади. Мен анча вақт ғайрат қилиб ишладим. Шу вақт ичида тузуккина пул жамғардим... Мен тутинган онамга “мени эрга бермай кўяқолинг” деб илтимос қилганимда, кўнглимдаги гапимнинг ҳаммасини айтганим йўқ эди. Мен бир вақти-соати келиб, кўп пул топиб, дорилфунунга ўқишга кирмоқчи эдим. Мана, энди мен учун ўша фурсат етиб келди. Мен сизларни ўзимнинг уйимда қолдираман, сёмалол бирга яшайверинглар ва ишни давом эттиринглар. “Чўрган амакининг шаробхонаси” чакана даромад келтирмайди. Мен эса қатъий аҳд қилдим — Японияга Токио дорилфунунига ўқишга жўнайман. Дорилфунунни тугатиб қайтиб келаман.

Кўпми, озми — ўша пайдан бери роса беш йил ўтди. Кунлардан бирида Япониядан хат келди. Хатда Му Гун-Хва хонимнинг ўқишни тугатгани ва уйга қайтишга отланаётгани айтилган эди. Бекани муносиб кутиб олишга тайёрлана бошладилар.

Беканинг йўқлигида Пак билан Минда Шек учта фарзанд кўришди. Му Гун-Хва қайтиб келиб, учовлон бирга яшай бошладилар ва орадан кўп ўтмасдан у ҳам фарзанд кўрди. Эгалари серғайрат ва саришта одамлар бўлгани учун бу хонадоннинг ишлари юришиб кетди, кўп ўтмасдан улар яна қўшимча ер сотиб олишди ва “Наҳри само” деб аталадиган каттакон ресторан қуриб олишди.

АЖИНАЛИ УЙ

Қадимда икки ака-ука ўтган экан. Акасининг номи Удунди, укасининг номи Саридун экан. Ўша даврнинг таомилига кўра отаси вафот этгандан сўнг унинг кўргони ва ери акасига тегипти. Меросни қўлга киритиш билан акаси укасини уйдан қува бошлапти. Укаси аламидан йиғи-сиғи қилипти, лекин фойдаси бўлмапти. У чиқиб кетишга мажбур бўлипти.

У уйдан жуда олислаб кетипти, бора-бора қанақа жойлигини ўзи ҳам билмайдиган бир ташландиқ жойга бориб қолипти. У толиқиб, йўл бўйидаги каттакон дарахтнинг соясига ўтириб дам олмоқчи бўлипти. Бирдан унинг бошига “тақ” этиб, думалоқ бир нарса тушипти-да, эрга думалаб кетипти. У ёнғоқ дарахтининг тагига ўтирган экан. Саридун ёнғоқни олиб қўйнига солиб қўйипти-да, дебди:

— Агар уйга қайтиб борсам, бу — онажонимга...

Кейин яна бир ёнғоқ, ундан сўнг учинчиси тушипти. Саридун уларни ҳам қўйнига солар экан, дебди:

— Гарчи мени уйдан ҳайдаб чиқарган бўлса ҳам, буниси акамга. Буниси эса — хотинимга. Унинг ҳадемай кўзи ёрийдиган. Шунинг учун мен билан бирга дарбадарлик қилолмайди.

Ниҳоят, тепадан тўртинчи ёнғоқ тушди. Саридун уни ҳам қўйнига солатуриб деди:

— Қорним очиб қолганда мана бу ёнғоқни ўзим ейман...

У дам олиб бўлгач, ўрнидан туриб, йўлини давом эттирди. Кечга томон у аллақандай ташландиқ бир уйнинг олдидан чиқди. Уйнинг томлари тешилиб кетган, деразаларининг кўзлари ойнасиз эди.

Бу уйга қараса, кишини ваҳима босарди-ю, аммо илож қанча? Тунашга қарор қилди. Пастда ҳамма нарсани чанг босиб ётипти, ҳамма ёқни ўргимчак-ини қоплаган. Чордоққа чиқишга тўғри келди. У ерда похол тўшалган экан. Похол усти-

га чўзилиб, ёнғоқни чақди-да, мағзини оғзига солди. Уни энди чайнамоқчи ҳам бўлган эдики, тўсатдан пастда шовқин-сурон кўтарилиб, тарақа-туруқ бўлиб кетишти — афтидан, пастдаги хонага тунагани ажиналар — токебилар келган кўринади. Бироз ғала-ғовурдан кейин улар жойлашиб олдилар, шекилли, тинчиб қолдилар, кейин ўзаро суҳбатлашиб бир-бирларига топган янгиликларини сўзлаб бера бошладилар.

— Эшитдингларми, йўқми, зоти муҳтарамлар? Акаси туғишган укасини уйдан ҳайдаб чиқарипти, — деди бир қари ажина. — Ҳайдалган укаси кўнгилчан, яхши йигит экан. Мен дарахтда ўтириб, унинг бошига ёнғоқлар отдим, у бўлса ёнғоқларни чақиб ейиш ўрнига, онаси, акаси ва хотини учун ажратиб, қўйнига солиб қўйди. Фақат сўнгги ёнғоқнигина ўзига олиб қўйди...

— Бу шўрлик бир нарсдан бəхабар-да, — деди ёшроқ ажина. — У бугун ҳовлидаги қудуқнинг ёнгинасидан парвойи палак ўтиб кетди. Ҳолбуки бу қудуқнинг ичига беҳисоб хазина яшириб қўйилган.

— Секинроқ, — деб унга танбەҳ берди кекса ажина. — Нима кераги бор бу тўғрида гап сотишнинг? Ухланглар, яхшиси.

Шундан кейин Саридун ёнғоқни тиши билан чақди. Лекин у шу қадар қаттиқ қарсиллаб кетдики, ажиналар уйнинг хариси синди деб ўйлаб, қўрқиб кетишди. Улар бошларига том қулаб тушишидан жуда қўрқиб кетишди. Бир лаҳзада ҳаммалари қуюн супириб кетгандай эски уйдан ғойиб бўлишди.

Тонг отиб, ажиналар кўринадиган фурсат ўтгандан кейин, Саридун чордоқдан тушиб, ҳовлига чиқди-да, боя ажина айтган қудуқни топди. Афтидан, бу қудуқнинг қуриб қолганига анча бўлган кўринади. У тўкилиб кетай-тўкилиб кетай деб зўрға турарди. Саридун қудуқнинг тагига тушиб, у ердан қозонни кавлаб олди — унинг ичи тўла кумуш, тилла, зумрад ва дуру жавоҳир эди.

Шу ердан кейин у ватанига қайтиб борди. Кўпгина семиз, ҳосилдор ер сотиб олди, томларининг бурчаклари қайрилган осмонўпар уй қурди. Боласи билан хотинини ва онасини олиб келиб, фаровон турмуш кечира бошлади.

Акаси Удунди чидаёлмади, укасининг олдига келди. Укаси қандай қилиб тўсатдан бойиб кетганини сўраб-суриштира бошлади. Укаси эса ҳеч нарсани яширгани ҳам йўқ, ҳаммага қандай айтиб берган бўлса, акасига ҳам бўлган воқеани сўзлаб берди.

— Уйдан ҳайдалганимдан кейин, — деди у, — фалон йўлдан бориб, дарахтнинг соясида дам олдим. Ўша ерда ёнғоқлардан қўйнимга солиб олдим, кейин ажиналар турадиган уйга рўпара келдим. — Саридун ундан кейин нималар бўлганини ҳам батафсил айтиб берди.

— Қани, мени ҳам ҳайдаб солгин-чи, — деди акаси ҳикояни эшитиб бўлиши билан. — Бўлақол, тезроқ ҳайда.

— Нега энди? — деб ҳайрон бўлди укаси. — Нима сабабдан ҳайдарканман?

— Сабабини суриштира! Тур ўрнингдан, орқамга бир теп, — деб ёлборди Удунди.

— Теполмайман, — деб жавоб берди Саридун.

Шунда акаси жаҳл билан дўқ уриб, қўлларини силкитди ва тўппа-тўғри ҳозиргина укаси айтган йўл томонга югурди.

Озми-кўпми муддатдан сўнг у ёнғоқ дарахтининг олдига етиб борди. Унинг тагига дам олгани ўтирди. Сўнг ёнғоқлар туша бошлади. Биринчи ёнғоқни Удундининг ўзи чақиб еди. Иккинчисини қўйнига солиб, “хотинимга” деди. Учунчисини “ўғлимга” деб қўйнига солди. Тўртинчи ёнғоқ тушганда, ҳеч нарса демай, уни ҳам қўйнига солди-да, сакраб ўрнидан туриб, йўлида давом этди.

Ташландиқ уйига етиб боргач, чордоққа чиқди. Қоронғи тушганда ажиналар-токебилар келишди, пастда тунагани ҳозирлик кўришиб, анчагача ивирсиб юришди. Кейин ўзаро гурунқ қила бошлашди:

— Жуда палид экан-да Удунди деганлари, — деди кекса ажина. — Мен унга ёнғоқ отсам, биринчисини ўзи еди, кейин хотини билан ўғлига олиб қўйди. Укаси билан қари онасини эса эсига ҳам олмади-я!

— Ота-онасини ҳурмат қилмас экан-да, — деди ёшроқ ажина. — Бўлмаса, улар бор-йўқ бойликларини шу ўғилларига мерос қолдиришган. Кичиги жуда яхши экан.

Ота-онасидан хафа бўлгани ҳам йўқ. Онаси қариганда иззат-икром кўрсин деб, уни опичиб ўз уйига олиб келди.

Удунди ҳадеб укаси яхши, акаси ёмон деган гапни эшитавериб, бўғилиб кетди. У ёнғоқни тишлари орасига олиб қарсиллатиб чақди.

Шу чоқ ажиналар бақира кетдилар:

— Шу ерда экан-ку бу ярамас! Қани, ушланглар бу аблаҳни!

Улар ёппасига чордоққа тушиб, қўрқувдан жони чиқаёзган Удундини судраб тушдилар.

Ҳикоянинг хотимасида нима ҳам дейишимиз мумкин? Фазабланган ажиналар Удундини ҳолдан тойгунча дўпосладилар, кейин иштонини ечиб, чўччайиб турган нарсасини чўзғилаб уч метрга етказдилар. Одамларнинг миш-мишига қараганда, Удунди ўша сабилини ҳозирга қадар қопга солиб орқалаб юрар экан.

КИМ СОНДАРИ ҲАНГОМАЛАРИ

ТАЛАБАЛАРНИ МЕҲМОН ҚИЛИШ

Қадим замонларда Ким Сондари деган одам ўтган экан. Ёшлигида ёлланма солдат бўлиб хизмат қилган, қаригандан кейин эса ҳеч кимга кераги бўлмай қолган экан. У бутун Корея бўйлаб кўнглига сиққан жойларни томоша қилиб, кезиб юрадиган бўлиб қолипти. Чунки унинг на рўзғори, на уй-жойи, на оиласи бор экан — ахир, шу нарсалар одамни бир жойга боғлаб туради-да!

Бир замон унинг Сеулга боргиси келиб қолипти. Сеулга бориб пойтахт ҳаётидан баҳраманд бўлса, шу пайтгача тўплаган пулининг ҳаммасини харжлаб, бир яйраб ўйнаса, кўнгилихушлик қилса... Лекин унинг тўплаган пули айтадиган даражада эмас эди. Шундоқ бўлса-да, пойтахтга бориш орзуси унинг кўнглига қаттиқ ўрнашиб қолганди. Шундай қилиб, у тўғри Сеулга олиб борадиган катта йўлга чиқди.

Йўлда бир шаҳарчада у талабаларга етиб олди. Улар ҳам пойтахтга кетишга ётган экан. Уларнинг бари йўл четида хомуш ўтиришарди.

— Ҳа, нега хомушсизлар? — деб сўради улардан Ким Сондари.

— Қорнимиз очди, амакижон, — деб жавоб беришди талабалар. — Кучимиз қолмади. Анчадан бери туз тотганимиз йўқ.

— Ана, анави ерда ширинликлар сотишяпти. Олиб еяқолмайсизларми?

— Олардигу, пулимиз йўқда. Бепул ҳидини ҳидлашга ҳам қўймайди эгаси.

— Ҳа, албатта, савдогар халқи шунақа бўлади. Майли, ҳечқиси йўқ. Мен ўзим сизларни меҳмон қиламан, — деб талабаларга ваъдани қуюқ қилди Ким Сондари ва кўчада савдо қиладиган қандолатпазни олдига чақирди. У бир сават ширинликлар кўтариб ўтиб кетаётган эди.

Сондари унга ҳамма молини талабаларга бўлиб беришни буюрди-да, семиз-бақалоқ сотувчини тинчитди:

— Қўрқма, ҳақини ўзим бераман.

Талабалар хурсанд бўлишиб, бир зумда бир сават ширинликнинг чангини чиқаришди. Ким Сондари “қани, энди жўнаб қолинглар бу ердан” деган маънода уларга яширинча кўз қисиб қўйди — ёшлар ҳам унга раҳматлар айтиб ғойиб бўлишди. Уларнинг орқасидан қўл силкиб хайрлашиб қолган дайди Сондари қандолатфурушга ўгирилиб, деди:

— Мен ёнимда пул олиб юрмайман. Мен билан бирга уйимга юринг, ўша ерда пулни оласиз.

У семиз-бақалоқ сотувчини ҳовлиси кенг катта бир уйга бошлаб борди. Дарвозадан ичкарига кириб, Ким Сондари билан унинг ҳамроҳи ҳўкизни кўришди. Ҳўкиз қозиққа боғлаб қўйилган бўлиб, девор олдиди мудраб турарди.

— Хизматкорларимнинг жуда ҳам мазаси йўқ-да! — деб хитоб қилди Ким Сондари. — Кимга ҳам дод дейман? Ҳўкизни аллақачон бошқа жойга — майсазор ўтлоққа боғлаш керак эди. Бу тақасалтанглар бўлса, думини тутқазмайди.

Шундоқ деб, у ҳўкизнинг бурнидаги ҳалқадан қозиққа боғлаб қўйилган ар-

қонни ечиб олди. Кейин бирдан қандолатпаз эсига тушиб қолгандай унга ўгирилиб, арқонни қўлига тутқазди-да, деди:

— Манавини бирпас ушлаб туратуриг. Мен уйга кириб пул олиб чиқаман.

Шундоқ деб мутгаҳам ўша жойда содда-гўл қандолатфурушни қолдирди-да, ўзи уйнинг орқа томонидаги ҳовлидан ўтиб, жуфтакни ростлаб қолди. У Сеул томон кетиб борар экан, қандолатфуруш ҳали ҳам ҳўкизни арқонидан ушлаганича уни кутиб турганига ишончи комил эди. Ҳа, кутавер, ошна, Ким Сондари келиб қолса ажаб эмас!

КАНСАН ДЕГАН ОВЛОҚ ЖОЙДА

Бир гал Ким Сондари Кансанга бориб қолди. У ернинг одамлари жуда унақа каллаварам бўлишмаса-да, анча бефаросат. Улар ҳамма ишни тескари қилишди. Масалан, кўлмак сувда ойнинг акси кўриниб қолса, уни дарҳол белкурак билан ура бошлашади — олтинни ойдан лоақал бирор бўлагини ажратиб олишмоқчи бўлишади.

Мана, ўзингиз ҳукм қилинг. Пя деган одам қизини эрга берадиган бўлипти-ю, йигитни ичкуёв бўлишга кўндирипти. Белгиланган куни куёв келиннинг олдига келипти, лекин қиз шамоллаб ётиб қолган экан. Кутилмаганда шунақа бўлиб қолганидан куёви олдида хижолатга тушган қайнота, бир амаллаб, бу нохушликни тўғриламақчи бўлипти.

Шу яқин ўртада бир қўшни бор экан. Унинг қизининг ёши келинникига тўғри келар экан. Пя кўп ўйлаб ўтирмай, қўшнисининг олдига бориб, ўзининг янги олган куёвининг ҳожатини чиқармоқ учун бир кечага қизини бериб туришни илтимос қилипти. Қўшниси қизини бермапти.

— Ие, нима деяпсиз, ахир, бокира қиз бўлса, — деб жавоб беришипти.

Пя қўшнисининг олдидан дарғазаб бўлиб қайтиб келипти-да, уйда кўнган мусофирга шундай деган экан:

— Буни қаранг-а! Яна қўшни эмиш! Яқинда ҳожатхонасини тозалаш учун менинг яп-янги белкурагимни олган эди. Энди бўлса, бор-йўғи бир кечага сўрасам ҳам қизини бермади, номард. Хўп ғалати одамлар бўлади-да дунёда!

СЕУЛЛИКНИНГ ТАЪЗИРИНИ БЕРГАНИ

Ниҳоят, Ким Сондари Сеулга етиб борди. У бозорбошига борди — ҳаммаёқда ажойиб-ғаройиб моллар. Ким Сондари буларнинг бари менга чикора дегандек пинагини бузмапти. Кейин бўёқчилар растасига бориб қолипти. У ерда қозонларда ҳар хил илдизлар қайнатилаётган экан. Бу илдизлардан бўёқ олинар экан. Қозоннинг биқирлаб қайнаши жуда жозибадор экан. Ҳидлар ҳам жуда хушбўй. Ким Сондарининг қорни очиб қолган экан, қайнаётган илдизларни кўриб, иштаҳаси кўзиб кетипти. Сўлакларини юта бошлапти шўрлик. Қозонда қайнаётган нарсани пойтахтдаги менга номаълум бўлган бирор овқат бўлса керак, деб ўйлапти. У косибдан сўрапти:

— Бунингиз сотиладими, муҳтарам жаноб?

— Нега сотилмасин? Сотаверамиз, — деб жавоб берипти бўёқчи. Бўёқ сачрайвериб, у ола-чипор бўлиб кетган экан. — Ҳақини берсангиз бўлди.

Ким Сондари чўнтагини кавлаб, қолган-қутган пулини чиқарипти.

— Шу пул етармикин?

— Етиб қолар, — деб жавоб берибди бўёқчи.

Кейин совуған қозондан қўлига сиққанча қайнатилган илдизларни олиб, Ким Сондарига узатибди.

У шу атрофдаги бир тор кўчага кириб, тош устига ўтирибди-да, илдизларни танавул қилишга киришибди. Ёқмайди. Алланечук бемаза, чучмал, тилни ҳам ачиштирибди. Шу пайт унинг ёнидан аллақандай одам ўтиб қолибди. У бошига уч қаватли шляпа кўндириб олган пойтахтлик олифта эди. У Ким Сондари еб турган нарсасига ҳайрон бўлиб бироз қараб турибди-да, кейин истеҳзо билан сўрабди.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

— Нима бало, эсинг борми ўзи? Вой қишлоқи-ей, нимани еяпсан? Бу — бўёққа ишлатиладиган илдииз-ку?

Ким Сондари бу ишда қовун тушириб қўйганини дарров пайқабди, лекин адашганини сеулликнинг олдида тан олишни истамабди. Ҳеч нарса бўлмагандек, у оғзидагини чайнаб ютиб юборибди-да, кейин бамайлихотир жавоб берибди:

— Мен соғлиғим важидан буни еяпман, муҳтарам жаноб. Даволаняпман.

— Нима касалсан?

— Ҳа, энди, ошқозоним оғрийди-да...

— Ие, нима деяпсан? Ростданми? — деб жазавага тушибди сеуллик. Нафи тегяптими?

— Текканда қандоқ? Фақат шунинг кучи билан юрибман. Бўлмаса, аллақачон ўлиб кетардим.

— Мен ҳам неча йилдан бери ошқозоннинг дардини чекаман. Қилмаган дори-дармоним қолмади — ҳаммаси беҳуда.

— Илдиизни ичиб кўр.

— Тузалиб кетиш учун қанча ичиш керак?

— Бошланишида уч ҳовуч, — деб маслаҳат берибди Ким Сондари. Сеуллик сапчиб турди-да, бозорбошига қараб югуриб кетибди.

Ким Сондари унинг кетидан йўл олибди. Қараса, сеуллик қайнатилган илдиизларни харид қиляпти. Сеуллик уни харид қилибди-ю, муюлишдан бурилибоқ кап-палаб ейишга тушибди.

Шу пайт Ким Сондари сеуллик олифтанинг ёнида пайдо бўлибди-да, уни қулоч-кашлаб бир туширибди.

— Нега уряпсан? Нима қилдим сенга? — деб сўради сеуллик хангманг бўлиб. Бўёққа ишлатиладиган илдииз бўлаклари оғзидан чиқиб, сочилиб кетибди.

— Аҳмоқлигинг учун! Сен менинг устимдан кулмоқчи бўлган эдинг лекин сен эмас, мен сенинг устингдан кулиб турибман. Қани, энди, айт-чи, икковимиздан қай биримиз аҳмоқ эканмиз?

Пойтахтлик олифта шу куйи оғзини очганига қолаверибди, ўзидан мамнун бўлган Ким Сондари эса бозор бўйлаб сафарини давом эттириш учун нари кетибди.

ТИРИЛГАН МУРДА

Сеулда Ким Сондари даюсларнинг қўлига тушиб қолди. Улар кўчада бир неча марта унинг ёнига келиб, юмшоқ овозда қулоғига ҳадеб битта гапни шивирлашарди: “Аёл бор ... Чиройли аёл... Истасангиз мен билан юринг”. Ким Сондари уларнинг гапини уч-тўрт эшитиб индамади, кейин чидаб туролмади-да, битгасининг орқасидан эргашиб кетди. У чўтир, пучуқ, сўхтаси совуқ одам эди. У Ким Сондарини аллақандай бир маҳаллага, эни беш қадам келадиган тор, эгри-бугри бир кўчага олиб кирди. Бу уйда чиндан ҳам аёл бор экан. Фақат хушрўйми-йўқми билиб бўлмайди, чунки башарасига қалин қилиб мой упа чаплаб олган, қошини эса қора қалам билан қалин қилиб бўяган.

Ортиқча гап-сўзсиз аёл меҳмонни ечинтирди. Кейин ўзи ҳам ечинди-да, у билан бирга тўшаққа ётди. Ким Сондари нима қилиб бўлса ҳам вақтни бироз чўзиш учун энди бу аёл билан гурунг бошлашга жаҳд қилган эди. Тўсатдан эшик қаттиқ тақиллаб қолди. Буни эшитиб, аёл ниҳоят тилга кирди. У кўркув тўла овозда деди:

— Яқинда эрим ўлган эди... Кўмганимизга бир ҳафта бўлди... Бир нимадан кўнгли тўлмаган бўлса керак... Мана, мурда қайтиб келипти... Дарҳол қочиб қолинг, аядаси, бўлмаса сизни ғажиб ташлайди.

Ким Сондарининг ичи музлаб кетди. Хушини йўқотиб қўйиб, деразани очди-да, яланғоч ҳолида кўчага сакради. Кейин ҳуши ўзига келиб, яна деразадан ичкарига қарапти.

— Кийимимни бериб юборинг...

Аммо уйнинг ичида аллақачон тўполон бошланган эди; нимадир тарақлаб полга тушди, нимадир даҳшатли куч билан деворга урилди. Афтидан, мурданинг ҳазилакам жаҳли чиқмаган эди. Ким Сондари жонҳолатда қочиб қолди. У қоронғи но-тайиш кўчалардан ҳар қандай шарпадан ваҳимага тушиб югуриб ўтди. Қўйинг-

чи, у ғира-шира тонг ота бошлагунча югураверди, югураверди. Шу лаҳзада аҳволи вой бўлишини англаб қолди, чунки Сеул аҳли қаршисида қип-яланғоч ҳолда пайдо бўлиш ўлими билан тенг эди. У югурганича аллақандай ифлос бир ариқнинг бўйига етиб борди-да, ерга йиқилиб, ўзини ўлганга солиб ётди.

Орадан кўп ўтмай, унинг олдига бир одам келди. Бу одам ўзи билан ўзи мингирлаб гаплашадиган одамлар тоифасидан эди. У яланғоч Кимнинг тепасида тўхтади-да, хурсанд бўлиб гапира кетди.

— Ие, бу жасад-ку! Афтидан, уни ўлдириб, тунаб, кейин ариққа ташлаб кетишганга ўхшайди. Бугун жуда омадим келган кун экан-ку! Уруғдонини қирқиб оламан — улардан жуда яхши дори тайёрлаш мумкин.

Буни эшитиб, Ким Сондари илон чаққандай сапчиб ўрнидан турди-да, ҳалиги одамнинг ёқасидан олиб, чангитиб сўка кетди:

— Қўлга тушдингми, ярамас! Изингга тушиб ушлаб олдим-ку! — деб қичқирарди Ким. — Менинг ўлган акамнинг тухумини кесиб олган сен экансан-да! Бу ишни акам тобутда ётганда қилгансан. Энди тирик одамни бичмоқчи бўляпсанми? Қани, тирик қолиш ниятинг бўлса, дарров иштонингни еч-чи!

У қўрқув билан нималарнидир мингирлаб итоаткорлик билан буйруқни бажарди.

— Буни қара-я! Тирилди-я! Тирилган мурда!

Ким Сондари дарров унинг иштонини кийиб олди-ю, кайфияти зумда кўтарилди.

— Қани, энди олдимга туш — тўғри бошлиқларнинг олдига ҳайда! Ўзинг бориб соқчиларга таслим бўл. Мен орқангдан бораман. Қочиб кетмаслигинг учун узоқдан кузатиб бораман.

Ким Сондари ҳар доимдагидек ҳазиллашмоқда эди, аммо унинг қаршисида иштонсиз дағ-дағ қалтираб турган одам уни тушунмай ҳаддан ташқари қўрқиб кетган эди.

— Муҳтарам жаноб! Ахир, мен шу аҳволда бошлиқларнинг кўзига қандоқ кўринаман. Бу аҳволда уят-ку! ... Мени калтаклаб қувиб солишади.

— Хўш, нима қилайлик бўлмаса? — деб сўради Ким Сондари иложи борича юзига қаҳрли тус бериб.

— Аввал бизникига бир кириб чиқайлик. Менинг уйим олис эмас, шу ўртада!

— Нима қиламиз?

— Мен бошқа иштон кийиб оламан. Сизга ҳам биронта кўйлак топилиб қолар.

— Ундай бўлса, майди, — деб рози бўлди Ким Сондари. — Бошла уйингга.

Унинг уйига боришди. Уйи каттагина экан, оиласи ҳам бор экан. Уйда ҳамма нарсада тўкинчилик сезилиб турарди. Уйнинг эгаси ҳар хил доривор ўсимликларни йиғиш билан шуғулланар экан ва ҳар хил дардларга даво бўладиган дорилар тайёрлар экан. Тирикчилиги шундан экан.

— Сизнинг марҳум акангизни ким бичганини билмайман, — деди у. — Лекин буни қилган мен эмас. Нега десангиз, мен шу чоққача мурданинг бирон нарсасини кесиб олишга уриниб ҳам кўрмаганман. Бахтга қарши, тухумини қирқиб олмоқчи бўлганим биринчи одам сиз бўлдингиз...

— Ҳой! Ишонадиган гапни гапирсанг-чи, — деб жавоб берди Ким Сондари. — Сенинг қанақа одамлигингни мен қаёқдан билай?

— Меникида жиндай яшаб кўринг, дарров билиб оласиз, — деб Кимни аврай бошлади уйнинг эгаси. — Дам оласиз, бирор жойингиз бетоб бўлса, даволаймиз.

Охир-пировардида Ким Сондари кўнди — у табибникида қолди, дам ҳам олди, даволанди ҳам. Кўндан бери унинг битта касали бор эди — кейинги пайтларда бу касали анча зўрайган эди. Бу касаллик қашшоқлик ёхуд пулсизлик деб аталарди — қайсини хоҳласангиз, шу ном билан атайверинг.

Шундай қилиб, мириқиб дам олиб, яхшилаб даволаниб, уй эгасининг саъй-ҳаракати билан бирон бир янбан тўра каби бошдан-оёқ янги либослар кийган Ким Сондари табибнинг уйини бир неча кундан кейингина тарк этди. Шу вақт мобайнида у ўзининг марҳум акасини бир марта ҳам тилга олмади. Сирасини айтганда, аслида унинг ҳеч қандай акаси йўқ эди.

Шундай қилиб, янги қиёфада Сеул бўйлаб сайр қилиб юрган Ким Сондари ўша пастқам маҳаллани, қинғир-қийшиқ тор кўчани, уни тунашган уйни топиб олди. У

ҳатто остонада оёқ кийимини ҳам ечмай, оёғи билан эшикни тепиб очиб, ичкарига кирди. Фоҳиша аёл уни кўриши билан турган жойида қотиб қолди, чунки уни таниган эди. Янги зодагонлар либосидаги, бошида от қилидан тўқилган болохонадор шляпа кийган бу одам аёлга жуда ёқиб қолган эди. Бунни сезган Ким гапни айлантирмай ундан сўради:

— Менга эрга тегармидинг?

— Менми? Жоним билан! — дея жавоб берди аёл.

— Мен эсам сенга ўхшаган қабиҳ бир махлуққа ҳеч қачон уйланмас эдим, — деб унинг оғзига урди Ким Сондари. Шундай дея орқасига ўгирилиб, уйдан чиқди. Чиқиб кетаётиб, унинг остонасига туфлади-да, қўлини орқасига қилиб, қоринини қапшайтириб, ўз йўлига равона бўлди. Уни кўрган одам чиндан-да, биронта зодагон бўлса керак, деб ўйларди.

ТЭДОНГАННИ СОТИБ ЮБОРДИ

Бора-бора Ким Сондари бойиб кетди, дейишади. Унинг бойиши бундай содир бўлипти. У Сеулда турганида бир амалдорнинг овлоқ бир вилоятга губернатор бўлганини эшитиб қолипти. Бу одам аслзода, ўқимишли экану, лекин энг оддий инсоний муносабатларда ҳам ҳайрон қоладиган даражада ҳеч нарсани тушунмас экан. Амалдори соқчилар ва хушомадгўйлар қуршовида соябонли тахти равонга ўтказиб ҳизмат жойига олиб кетишгаётганларида Ким Сондари ундан олдинроқ бир қишлоққа бориб, уларнинг етиб келишини кутиб турипти. Қишлоқ Тэдонган дарёсининг бўйларида жойлашган экан.

Бу ерда дарё кенг водийдан оқиб ўтар экан, дарёнинг қирғоқлари тик эмас экан, у қор билан қопланган-да, қаерда соҳил тугаб, дарё бошланиши кўринмай қолар экан. Қиш фаслида амалдор губернаторлик қиладиган жойга олиб борадиган йўл тўғри Тэдонган орқали ўтар экан. Ривоят қиладиларки, Ким Сондари дарёнинг қор билан қопланган сатҳида ҳамма одамларга эрмак бўладиган катта томоша кўрсатипти. У қишлоқда истиқомат қилувчи деҳқонлардан кенг дарёни кесиб ўтадиган йўлнинг икки томонига шоли ва шоли қипиғини сепиб қўйишни илтимос қилипти. Шунингдек, қишлоқ аҳолиси сув оладиган дарё устидаги музни ўйиб очилган чуқурни қудуққа ўхшатиб қўйишни буюрипти. Кейин одамларни қирғоқда йўл бўйига товук ва ўрдак тухумларини ташлаб қўйишга кўндирипти. Яна аёлларга жуда кўп танга пул улашиб чиқипти. Бу тайёргарликларнинг ҳаммаси бир мақсадни кўзлаб қилинган экан.

Соябонли тахти равонда амалдори кўтариб келаётганлар дарёга яқинлашганларида қарашсаки, кўпдан-кўп одамлар қор устида санқиб юришиб, саватларига нимадир йиғишяпти. Янги тайинланган губернатор, одам юбориб, уларнинг нима қилаётганини суриштирипти. Улар жавоб беришяпти: бу жойга қишда ҳам, ёзда ҳам ёввойи қушлар учиб келишади. Улар тўғридан-тўғри ер юзида тухум қилаверишади. Одамларга бутун йил давомида тухум йиғишдан бошқа иш қолмайди.

Амалдор қараса, яна ғалати манзарани кўрипти: қудуқ олдида қўлларига челак ушлаган хотин-халаж узундан узоқ навбатда турганмиш. Уларнинг ҳаммаси сув олиб, бунинг учун ҳақ тўлаётган эмиш. Пул ҳақини бўйнига каттақон ҳамён илиб олган бир одам йиғиб ўтирган эмиш. Амалдор тўхташни буюрипти-да, чодирнинг бир чеккасини кўтариб, сув сотаётган одамни чақириб сўрапти:

— Ҳой биродар, сувни нега пулга сотяпсан?

— Нега десангиз, қудуқ менинг еримда, унинг суви оддий сув эмас, сеҳрли сув. Уни ичган одам қаримайди. Мана шу хотин-халажнинг ҳаммаси юзга кирган.

Ким Сондари ўқимишли, лекин фаросатсиз амалдорга шундай жавоб берипти. Бу амалдор саройда туғилиб, шу ерда катта бўлган экан, оддий ҳаётни бутунлай билмас экан. Амалдор дарё бўйлаб сочилиб ётган шоли қипиғини кўрсатиб сўрапти:

— Манави бепоён дала кимники? Сеникими?

— Ҳа, меники, — деб жавоб берипти Ким. — Бу ер ҳам сеҳрли, менга ота-бобларимдан мерос қолган, улар осмоннинг марҳаматини кўп кўришган.

— Ерингни менга сотмайсанми? — деб хиралик қилабошлапти амалдор. — Мен

сенга айтиб қўяй — мен қўшни вилоятни бошқарувчиси қилиб тайинланганман. Лекин мен мана шу жойга ҳам эгалик қилишни истаб қолдим. Менда ҳам сеҳрли қудуқ бўлсин дейман-да...

— Узингиз кўриб турибсиз, ер катта, кети-охири кўринмайди. Қудуқ чиндан ҳам сеҳрли. Ёввойи ўрдаклар шунақа кўп тухум қиладики, бу тухумларни текинга йиғиб олишга ижозат берилган. Одамлар уларни еб адо қилолмайдилар. Жаноби олийлари, шунақа ажойиб жойни сотиб олгани пулингиз етармикин?

— Неча пул туради бу жойинг? — деб сўради губернатор.

— Миллион, — деб жавоб берди Ким Сондари.

— Миллион мен учун нима деган гап, — деб жавоб берипти губернатор ва шу жойнинг ўзида пулни санаб берипти.

Шундан кейин у яхши кайфият билан хизмат жойига жўнаб кетипти. У иш жойига бориб, дарҳол халқни талашга, унинг устига янги солиқлар қуюнини ёғдиришга аҳд қилипти. Нима бўлганда ҳам, “сеҳрли ер”ни — Тэдонганнинг катта бир бўлагини ҳарид қилиш учун кетган пулни ортиғи билан чиқариб олиши керак-ку!

Ана шу тарзда кутилмаганда бойиб кетган Ким Сондари эса тўсатдан қасқадир ғойиб бўлиб қолди ва кейинчалик корей халқидан бирон киши ҳам уни на катта йўлларда, на ошхоналарда, на карвон-саройларда, на Сеулнинг кўчалари ва майдонларида кўрди. Ривоят тасвирланган экан — у ер юзида кезиб юриб, ўз ҳаётида содир бўлган турли-туман воқеалар ҳақидаги қувноқ ҳикояларни кўпайтирмақ учун яратилган эди. У ҳаёти давомида ҳеч қанақа воқеа-ю, саргузаштлар яратмай қўйса, бунақа одам ҳақидаги хотира ҳам хира тортиб қолади ва ҳеч ким унинг охири марта қасрдан бошпана топгани-ю, тириклигида сўнгги бор нималар деганини айтиб беролмайди.

ЁЛҒОННИНГ ҲАҚИ

Янбаннинг жуда яхши кўрадиган соҳибжамол қизи бор экан. Уни эрга бериш керак, лекин қизнинг сепи йўқ экан — бу янбан камбағаллашиб қолган экан. Ниҳоят, у бир ғаройиб йўл билан пул топишга ҳаракат қилипти. У “қизимни ёлғонни ҳаммадан ортиқроқ дўндирган одамга бераман” деб эълон қилипти-да ёлғонларни кўриб чиқиш учун чинакам имтиҳон уюштирипти. Кимда-ким ўзини синаб кўрмоқчи бўлса, даставвал 100 вон кумуш олиб келмоғи шарт экан, шундан кейингина унга қизнинг отаси олдида ёлғончилик санъатини намойиш қилишга рухсат берилар экан. Агар қизнинг отаси унинг гапларини ёлғон, деб тан олса, даъвогар соҳибжамол қизга эга бўларкан. Агар хўжайин унинг ёлғонига ишонмаса, у одам имтиҳондан қувиб чиқарилар, тўлаган пули ҳам қуйиб кетар экан.

Айтмоқ керакки, имтиҳонга одам ёпирилиб кетибди. Биринчидан, келин чиндан ҳам жуда гўзал эди, иккинчидан, ҳар бир одам ўзини ёлғончилик бобида энг устаси фаранг деб ҳисобларди; назарида унинг ёлғонларини эшитиш биланоқ икки қўлини кўтариб таслим бўлишдан бошқа иложи қолмайди... Аммо ҳар гал энг ашаддий, энг учига чиққан ёлғон бўлса ҳамки, муғомбир янбан “Рост! Тўғри. Бунақа гаплар бўлиб туради” деб жавоб берарди ва шарманда бўлган даъвогар келган томонига қараб равона бўларди.

Кунлардан бирида кўрimsизгина кўзойнак таққан, бир оёғи чўлоқ одам келди. Келиб улгурмаёқ у узоқ йўл босиб келганини, оч қолганини айтди, аввал қорнимни тўйгазиб олишим керак деди. Унинг қорнини тўйгаздилар, лекин ёлғонни дўндирадиган куёв “бугун бироз толиқиб қолдим, ёлғон гапиргим келмаяпти, яхшиси эрталабдан бошлай қолайлик”, деди. Эртасига эрталаб у гап бошлади:

Менинг марҳум отам кўп йиллар муқаддам иш билан Сеулга борган эди. Лекин у ерда ушланиб қолиб, пули тугаб қолипти-ю, қайтишнинг иложи бўлмай қолипти. Шунда у Сеулдан чиқиб, боши оққан томонга йўл олипти. Юра-юра бир жойга келипти — у ернинг шамоли жуда кучли бўлар экан. Шамолнинг зўрлигидан деҳқонлар ҳосилни йиғолмас эканлар. Бир боғ шолени ўриб улгурмай, шамол уни юлқиб олар экану, аллақайларга учириб кетаркан.

— Бунинг нимаси ёлгон? — депти муғомбир янбан. — Дунёда ҳар шамоллар бўладики...

— Отам ўша ўлкада бир қопни тўлатиб текин шамолдан олипти-да, Нандога сотгани боришти. Шамолни сотиб, катта фойда кўрипти — у тамаки чекадиган трубкада шамолни ўлчаб беришти. Ҳар бир трубка шамол учун бир пуддан арпа олипти.

— Чакки эмас, яхши фойда кўрипти, — деб маъқуллапти муғомбир янбан. — Нандода галла арзон бўлади...

— Арпани ўзимизнинг юртимизга олиб келиб, ҳар пудини ўн вондан пуллапти. Ҳаммаси бўлиб минг вон даромад қилипти. Кейин бир одамнинг уйига тушипти. У одам менинг шамолфуруш отамдан беш юз кумуш танга қарз олиб, бу тўғрида тилхат беришти.

— Катта пул экан, — деб гап қўшипти янбан. — Аммо дунёда ҳали яхши одамлар кўп, катта-катта пулларни қарзга бераверишади.

Шу чоғида имтиҳон қилинаётган одам чўнтагидан бир варақ қоғоз олади-да, унга қараб ўқий бошлайди: “Фалон йилнинг фалон ойида фалончи куни беш юз кумуш тангани қайтаришни зиммамга оламан...”

— Бугун ўша муҳлат келди, отам тилхатни мана шу уйда, шахсан сиздан олган, муҳтарам зот, — деб галини тугатишти келган одам.

— Ёлгон! — деб қичқирипти қаҳр билан уйнинг хўжайини. — Ҳеч қачон бунақа гап бўлган эмас.

— Демак, менинг ёлгон гапирганимни тан оласиз? — деб ўзи тилидан тутилгани учун ночор аҳволга солиб қўйишти меҳмон янбанни. — Демак, ҳадемай мен сизни “ота” деб атасам бўлаверади, шундайми?

На илож — янбан бу кўзойнакли, кўримсиз, чўлоқ одамга қизини беришга мажбур бўлипти — ростдан ҳам бу ёруғ жаҳонда унга тенг келадиган ёлгончи ва муғомбир одам йўқ экан.

ХЎП ОИЛАГА ТУШДИ-ДА...

Ҳалол бева аёл катта қизини олис бир қишлоққа узатишти. Қашшоқлиги сабаб — тузукроқ тўй ҳам қилиб беролмапти, куёв келинни олиб кетгани келиши билан, апил-тапил унинг буюмларини йиғиб, жўнатиб юборишти.

Орадан бир йил ўтипти. Онаси қизини соғинипти. Қизидан эса на хат, на хабар бор эмиш. Кунлардан бирида аёл қишлоқ ортидаги даладан ўтиб кетаётиб, чорраҳада куёвига рўпара келиб қолипти. Жуда хурсанд бўлиб, ундан ҳол-аҳвол суриштира бошлапти, нега қизидан хабар йўқлигини, ҳамма соғ-омон юрганини сўрапти, турмуш қурганинларга ҳам бир йилдан ошиб қолди, фарзанд кўрдингларми, деб суриштирипти. Куёви унчалик жавоб қайтармапти ҳам, қисқагина бир гапни минғирлаб айтипти, холос:

— А... Эски *чи-чи* янгисини туғди.

Бу гапдан шўрлик хотин фақат бир нарсани англапти — ёш келин билан куёв қиз кўришипти. Лекин қайнона куёвнинг “*чи-чи*” дегани учун қаттиқ хафа бўлипти. Катталарнинг олдида бунақа гапларни гапириш одобсизлик бўлади-кў! Аёл бирор куни ўнг келганда бу тарбия кўрмаган тўнканинг қишлоғига бориб, куёвидан ота-онасига шикоят қилиб келмоқчи бўлипти.

Орадан кўп ўтмай, бева аёл чиндан ҳам эрга теккан қизини кўриб келмоқ учун ўша олис қишлоққа боргани отланипти. Боришти, уйни қидириб топибди, ичкари кирипти. Уни хурсандлик билан қарши олишипти. Қуда қудасига тенгдош экан. Бева аёлни зиёфат қилишипти, қўни-қўшнилар ҳам чиқиб меҳмоннинг кўнглини олишипти.

Бева аёл ўзининг қариндошларидан жуда мамнун бўлипти ва қудасига депти:

— Сиз жуда ҳурматли одамсиз. Лекин ўғлингиз бироз бедаб экан-да...

— Нима бўлди? — деб сўрабди қудаси.

— Уни йўлда учратиб қолиб, фарзанд кўрдингларми деб сўрасам, менга нима деб жавоб берди денг — эски *чи-чи* янгисини туғди дейди-я! Шу ҳам одобданми? — деди бева аёл босиқлик билан.

Бунга жавобан куёвнинг дадаси аввал сал-пал кўзини юмибди, кейин худди ариларни ҳайдаётгандай қўлларини силкитиб деди:

— Қуйинг! Менинг олдимда *чи-чидан* сира гапирманг. *Чи-чининг* номини эшитиш биланоқ менинг *танг-тангим* тура бошлайди.

Бечора бева қараса, ўғлининг бедаблигидан отасига қилган шикоятидан тарикдай фойда чиқмапти. Отаси ўғлидан бадтар экан. Аёл жуда қаттиқ хафа бўлипти ва оппоқ соқолли қари бобога шикоят қилиб аламдан чиқмоқчи бўлипти. Қария жуда ҳам мункиллаб қолганидан ўз хонасидан ташқарига чиқмай ўтирар экан. Бева аёл хонага кириб, таъзим бажо келтириб салом берибди-да, бор гапни оппоқ соқолли қарияга айтиб беригпти.

У киртайган кўзларини пирпиратиб гапни эшитиб ўтирибди-да, кейин тўсатдан куч билан ерни муштлаб, хитоб қилипти:

— Войдод! Бало келди! Бало келди!

— Қанақа бало?

— Қанақа бўларди? Менинг хонамга *чи-чи* келди, лекин биринчи марта менинг *танг-тангимни* татиб кўрмай, хонадан чиқиб кетадиган бўлди. Сезиб турибман — мен ортиқ эпллолмайман. Лаънати қарилик энгиб қўйди! Бу бало бўлмай нима бўлмаса!

Бева аёл кўзлари чақчайиб, оғзи очилиб, қариянинг уйдан ўқдай отилиб чиқди. Шўрлик йиғлашини ҳам, кулишини ҳам билмайди.

Хўп оилага йўлиққан экан-да!

ТАҚДИР

Бадавлат донгдор янбаннинг учта қизи бўлган экан. Уларни эрга берадиган фурсат келипти. Янбан катта қизига депти:

— Сенга яхши бир хонадондан совчи келяпти. Мен розилик бермоқчиман. Қани айт-чи, сенга нима ваддан бу бахт кулиб боқди?

Қизи эҳтиром билан жавоб берди:

— Албатта, сизнинг сайй-ҳаракатингиз билан-да, дадажон!

Кичкина қизига ҳали ҳеч ким совчи бўлиб келгани йўқ эди, лекин отаси ундан ҳам “сен бахтиёр бўлсанг, сабабчиси ким бўлади, қизим?” деб сўради. Кенжа шундай жавоб берди:

— Фақат тақдирим сабабчи-да!

Бу жавоб мағрур янбанга сира маъқул келмади. У дарғзаб бўлди:

— Вой ношукур-ей! Нечук бунақа дейишга ҳаддинг сигди?

Ўғилларини чақириб, уларга буюрди:

— Уни жазолайман! Эртага уйимизнинг олдидан биринчи бўлиб ўтганга уни узатинглар... Саёқ бўладими, дарбадар тиланчи бўладими, майли, бериб юборинглар.

Ўғиллар отанинг гапини икки қилишга журъат этмабдилар ва унинг буюрганича иш тутишипти. Эртасига эрталаб уйларининг енидаги йўлдан аллақандай тузуккина йигит ўтиб бораётган экан. Ўғиллар ўшани тўхтатишипти.

— Бизнинг синглизга уйланасан...

— У “йўқ” деб оёқ тираб туриб олибди.

— Нима деяпсизлар? Мени қўйинглар ўз ҳолимга! Мен отамнинг кенжа ўғлиман. Менга на ер меросга тегди, на бирон бир буюм. Менинг улушим — тоғдаги кичкинагина бир уй бўлди, холос. Ҳозир ўша ёққа кетяпман. Егани ҳеч вақом йўқ-у, сизлар бошимга аллақандай хотинни тиқиштиряпсизлар... Мен уни қандай боқаман?

Бу гапни эшитиб, қиз бир қадам олдинга чиқибди — у ёш, доно ва соҳибжамол эди. У шундай дебди:

— Сиз бунинг ташвишини қилмай қўяқолинг, бегим. Худо ҳамма тирик маҳлуқотни ўзининг насибаси билан яратган. Ҳайвон бўладими, қуш бўладими — барибир. Шундоқ экан, наҳотки худо мени оч қолдириб қараб турса? Ўзингиз менга бир қаранг — наҳотки, мен бирор ҳайвон ёки қушчадан камман?

Йигит қизга разм солибди. Йўқ, унинг ҳеч кимдан кам жойи йўқ.

— Майли, — дебди йигит. — Сиз айтганча бўлақолсин.

Шундай деб, у йўлига равона бўлди. Қиз эса унинг ортидан эргашди. Гапни чўзиб нима қилдик? Бу дунёда яхши ишлар тез содир бўлади. Йигит билан қиз тоғдаги кичик уйга яқин бориб қарасалар, уй палахса-палахса тошлардан қурилган экан, тевараги ҳам шу тошлардан ясалган девор билан ўралган бўлиб, у анча-мунча вайрон аҳволда экан. Ҳовлини айланиб чиққан девор ёруғларида аллақандай ялтираган сариқ нарсани кўрипти. У соф олтин экан! Теварақларидаги уй билан девор бошдан-оёқ ичида соф олтини бор тошлардан қурилган экан.

Аввалига қиз тўғноғичи билан бир неча бўлак қуйма олтинни ажратиб олипти-да, югуриб пастга — водийга тушиб кетипти. У ерда уезд шаҳари бор экан. Қўлидаги олтинларнинг ҳаммасини сотиб, пулига ўзига керакли буюмларни сотиб олипти.

Орадан кўп ўтмай, йигит билан қиз ўша ерда — тоғдаги тош кулбаларининг ёнида ўзлари учун ажойиб бир қаср қуриб олишипти. Уй атрофидаги ёнбағирларда бир ажиб боғ қилишипти. Бу боққа водийдан анча-мунча дарахтни кўчириб келиб, ўтқазишипти. Юзлаб ёлланган қурувчилар каттакон ҳовуз қазишипти, унга тоғдан тушаётган ирмоқни тўғрилаб қўйишипти. Ҳовузга нилуфарлар экишипти, тилла балиқларни қўйиб юборишипти, қирғоқда бир жой қилишиб, унга нақшлар билан безатилган, зарҳалли бир қайиқни боғлаб қўйишипти.

Қурилиш давом этар экан, янбаннинг қизи отасини кўргиси келиб кетипти. Уни меҳмонга қақришипти. Отасини айтгани қизнинг ўзи ёлғиз борипти, уловсиз, пиеда борипти. Қиз отасини, онасини, акалари ва опаларини кўрганда севинчидан ҳўнграб йиғлаб юборипти. Унинг кўз ёшларини кўриб, отасининг кўнгли юмшапти ва қаерда турганини, турмуши қандай кечаётганини суриштира бошлапти. Кенжа қизи унинг ҳамма саволларига жавоб берипти, яхши туришини, отасини меҳмонга айтиб келганини, яхшиси, ўзи бориб, ҳаммасини ўз кўзи билан кўргани маъқул эканини айтипти.

— Бориб кўришга арзийдиган нарсанг борми, шўрликкинам? — деб ҳитоб қилипти отаси. — Ахир, сени биринчи рўпара келган дайдига бериб юборган эдик...

Шундай бўлса-да, қизи отасини кўндирипти. Улар отларда тоққа томон йўл олишипти. Отаси қизининг муҳташам иморатларини кўрар, боғни томоша қилар, қайиқда сузар экан, бир оғиз ҳам гапирмапти. Ниҳоят, зиёфат чоғида қизининг қўлидан шароб тўла косани олар экан, отаси жилмайиб дебди:

— Буларнинг бари қаёқдан келди, қизим?

— Тақдир, — деб жавоб берди қизи таъзим билан. — Буларнинг барини тақдир раво кўрди, ота.

ЯНА ТАҚДИР ТЎҒРИСИДА

Бир одамнинг маҳрига куёвнинг энг бадтарини тушган экан. Пиёниста, чапани, ўлгудай баджаҳл, сал нарсага муштлашадиган. Хуллас, бутун вилоятдагилар ундан юрак олдириб қолишган экан. Тўғрич қизини ҳеч қачон пиёниста одамга бермасликка қасам ичипти.

Бу гаплардан Челадода истиқомат қиладиган бир муттаҳам хабардор бўлиб қолипти. Унинг на моли, на ҳовли-жойи бор экан, қоқ қуруқ гавдасидан бошқа ҳеч вақоси йўқ экан. Унинг хонадони бир вақтлар бадавлат бўлган экану, кейин омади юришмай, қашшоқликка учраган экан. Йигит бирор бадавлат келинга уйланиб, ишларини тўғрилаб олишни орзу қилиб юраркан. Бир куни у отнинг эгарини сигирга уриб, уни тескари миниб олипти-да, олдига бир боғлам похолни қўйиб олиб, ундан чипта ковуш тўқий бошлапти. Шу тарзда сигирни ҳайдаб, пиёнистага қиз бермайман, деб қасам ичган одамнинг уйига равона бўлипти. Бу муҳтарам деҳқоннинг қўрғони олдида бугдой даласи бор экан. Сигир минган чавандоз дарвозанинг олдида етганда атайин эгардан йиқилибди ва ерда гужанак бўлиб, оҳвоҳ қила бошлапти. Ичкаридан уй эгаси чиқиб келиб, ҳайрон бўлиб қарабди-да, сўрай бошлабди:

— Сен кимсан? Нега сизга тескари миниб юрибсан? Нега бу ерда чўзилиб ётибсан? Ё касал-пасалмисан?

— Йўқ, мен касал эмасман, — деб жавоб берипти йигит. — Челадога кетяпман, йўл узоқ, бекорга вақтим зое кетмасин деб, йўл-йўлакай ковуш тўқиб кетяпман. Сизнинг усти кенг, унда похол яхши туради, шунинг учун тескари миниб олдим — ишлашга қулай. Мен, муҳтарам зот, бир дақиқа ҳам ишламай туролмайман... Даланинг четида йиқилиб тушганимнинг боиси шуки, бу ерда ароқ қилишга ярайдиган бугдой ўсар экан. Мен мутлақо ичмайман. Бугдойни кўришнинг ўзида кайф қилиб қоламан. Мана, ҳозир ҳам бошим айланяпти.

— Ўғлим, сен уйланганмисан, йўқми? — деб сўрабди деҳқон унга умидворлик билан қараб.

— Қаёқда! — деб жавоб берибди у. Уйланишга вақт қайда?... Айтяпман-ку мен ҳамиша ишлаганим ишлаган... Уйланишга вақт қолмайди.

Кекса деҳқон бу гапларни эшитиб, жуда хурсанд бўлиб кетибди. Йигитни ўзининг кенжа қизига уйланишга таклиф қилибди ва ниҳоят, кўндирибди ҳам! Қизига эса куёвни роса мақтаб, осмону фалакка чиқариб қўйибди: жуда меҳнаткаш, оғзига олмайди, ёш, соғлом, ҳусн дегандан ҳам берган, таг-тугли, яхши хонадондан...

Қизи бунақа йигитга бажону дил тегишга рози бўлибди.

Отаси қизига жуда катта сеп берибди, пулини аямабди, ёш келин-куёвни икки-та аравага ўтказиб, уйига жўнатибди. Кузда эса ўзининг деҳқончилик ишлари охирига етгач, уларни кўриб келиш учун Челадога йўл олибди.

Челадога бориб кўрсаки, янги куёви ҳам ичишда биринчи куёвидан қолишмас экан. Бадавлат деҳқон қизининг сепига берган ҳамма нарсасини сотиб ичиб тугатишти.

— Бу ёғи қандоқ бўлди? Сен ичмас эдинг-ку, ўғлим? — деб хуноб бўлибди қайин ота. — Ичкилик у ёқда турсин, бугдойнинг ўзини кўришда касал бўлиб қолардинг-ку?

— У пайтларда касал бўлардим, ҳозир соппа-соғман, — деб жавоб берибди кайфи тароқ куёв. — Ичяпман, ўшанинг учун бошқа касал бўлмаяман, отажон! Чол қизини қучоқлаб, бағрига босиб, йиғлаб юборипти:

— Сен шўрликни пиёниста эр балосидан халос этмоқчи бўлиб эдим, ҳеч нарса чиқмади. Худога нима ёзган эканимизки, бизга бундай кўргуликни раво кўрипти.

— Тақдир, — деб жавоб берипти кенжа қиз. — Тақдиримиз шунақа бўлса, иложимиз қанча, отажон?

ПОЛВОННИНГ СИНГЛИСИ

Бир замонлар Цой Балтон деган жуда зўр полвон ўтган экан. Унинг синглиси бор экан. Синглиси ҳам полвон экан. Цой кураш бўйича ҳар қандай мусобақа бўлмасин, албатта, ҳамма совринларни ўзи олар экан. Кейин уйга келиб, синглиси-га роса мақтанар экан.

Бир куни синглиси эркакча кийиниб, курашга борипти. У ерда Цой аллақачон даврага тушиб, хўрозча рақсга тушиб, талабгорларни ўзи билан курашишга даъват этмоқда экан. Лекин талабгорлар чиқмапти, чунки аллақачон ҳамма Цойнинг рақибини кўкрагига олиб, бошидан ошириб отиш усулидан ҳам хабардор эдилар. Бу усулга тушиб қолганларнинг кўпчилиги кейин майиб бўлиб қоларди. Шунинг учун вақт ўтган сари у билан курашмоққа талабгорларнинг сони камайиб борарди.

Мана даврага йигитга ўхшаб кийиниб олган, қорақуя билан қошини бўяб, муйлов қўйиб олган синглиси чиқди. Акаси уни танимади. У янги полвонниг у ер-бу еридан тузукроқ ўшлаб олишга улгурмай, синглиси акасининг яхши кўрган усулини қўллаб, уни бошидан ошириб отди. У ерга гумбурлаб тушди, чунки гавдаси йўғон бўлиб, оғирлиги ҳам буқаникидек келар эди. У кутилмаган рақиб билан уч марта олишди, лекин учовида ҳам гумбурлаб ерга йиқилаверди.

Учинчи марта кураш тушишгандан сўнг эркакча кийиниб олган синглиси алпақайга ғойиб бўлди. Рақибни бўлмагани учун совға — бир ёшлик бузоқ Цойга тегди.

У новвосни бўйнидан боғлаб, уйга олиб борди ва яна синглисига мақтана бошлади, лекин ўзининг мағлубиятларидан лом-мим деб оғиз очмади. Шунда синглиси деди:

- Акажон, новвос сизники эмас, меникидир, эҳтимол?
- Нечук?
- Нечук бўларди. Юринг, орқа ҳовлига чиқайлик, ўша ер юмшоқроқ...
- Нима қиламиз? Нима бало, мен билан кураш тушмоқчимисан, дейман?
- Ҳа, курашаман.
- Вой, сурбет-ей...

Шундай деса ҳам, Цой орқа ҳовлига чиқди — у ерда синглиси худди кундузгидай уни уч марта ерга қулатди. Фақат шундагина Цой Балтон даврада енгилганини фаҳмлади.

- Боя курашган сенмидинг?
- Ҳа, ака.

Цой Балтоннинг турмуши оғулангандек бўлиб қолди — у энди ўзини энг кучли полвон деб ҳис қиллолмай қолган эди. Ахир, шунақа ҳам бўладими? Аёл киши, қиз бола, ўзининг синглиси ундан кучли бўлса-я! Бунга тан бериш, чидаш жуда қийин эди.

Шунда Цой синглисини дарҳол узатиб юбориш фикрига тушиб қолипти. Уни иложи борица, уйдан олисроққа узатиш керак. Излай-излай қизга куёвни Динчон деган жойдан топишди. Динчон Сондиндан икки кунлик йўл нарида эди. Келинни соябонли тахти равонда олиб кетишди. Тахти равонни саккизта норғул йигит кўтарди — қиз ана шундай оғир ва полвон эди.

Йўлда кетаётиб йигитлар келиннинг соявон ичидан норози оҳангда зорланаётганини эшитишди.

— Сондинда менга тўғри келадиган *танг-танг* топилмапти-да! Энди уни излаб Динчонга кетяпмизми?

Шундай деб қиз ўтирган жойидан сапчиб турипти. Саккизта эркак соявонни зўрға ушлаб қолипти.

Бир қанча муддат ўтгач, қиз бутун водийни тутадиган овозда ҳайқирипти:

— Ҳой, йигитлар! Тўхтанглар. Ёзилгим келяпти.

Йигитлар тўхтаб, тахти равонни ерга қўйишипти. Келин соявондан чиқиб, йўл, бўйида турган каттакон тошнинг орқасига ўтипти. Кейин у ердан тўсатдан йўғон овозда ашула айтгани эшитилипти:

Уч ирмоққа бўлинди шалола,
Демак, учта бола кўраман.

Улар йўлда давом этишди. Довонда уларнинг йўлини баҳайбат шоҳдор кийик кесиб ўтди. Шу заҳоти соявон ичидан овоз келди:

— Ана! Биринчиси ўғил бўлади! Кийикдай гўзал ва чопқир!

Ниҳоят, Динчонга куёвниқига етиб боришди. Куёв пастаккина, кўримсизгина йигит экан. Унинг ота-оналари ҳам паст бўйли, камсуқум одамлар экан. Уйлари ҳам кичкина экан — келин уйга зўрға сиғиб, эшикдан икки букилиб ўтишга тўғри келди.

Бошлаб, қайнонаси келиндан сув келтиришни илтимос қилди — ҳар қайсиси ўн челақли иккита катта тоғорани тўлдириш керак эди. Келин тоғораларни кўтариб, дарёга қараб кетди. Уларни тўлдириб олиб, дарвоза томонга юрмай, тўғри тош девор ёнига келиб, уни бир тепиб ағдарди.

Одамлар тўпланиб, нарироқдан келиннинг қилмишларини томоша қила бошлади. Уларнинг орасида келиннинг қайнона ва қайнотаси ҳам бор эди. Қўшнилар улардан:

— Одамни ваҳимага соладиган бунақа келинга қачонгача чидайсизлар? — деб сўрашибди.

— Қишгача чидаймиз-да, — деб жавоб беришди чолу кампир. — Аввал қишга тайёргарлик кўриш керак. Кейин бир гап бўлар... Эҳтимол, кейин жавобини берармиз.

Бироқ келинни уйига қайтариб юборишга тўғри келмади. Нега десангиз, келин ҳаракатга тушиб, қишга тайёргарлик қўришга киришиши билан, ҳайронликдан бу кичик оила аъзоларининг кўзлари чақчайиб қолди. Келин бир ўзи ҳеч кимнинг ёрдамисиз ўрмонда бир дунё дарахтни қулатиб, шох-шаббаларини қирқиб, пўстлогини тозалаб, тайёр хода қилиб уйга олиб келди. Бу ходалардан кенг ва ёруғ данғиллама уй қуришди. Бу уйнинг эшигидан келин икки букилмай кириб чиқадиган бўлди. Шу янги уйда қишни ўтқазди.

Орадан уч йил ўтди. Келин тўнғич ўғлини туғди. У жуда келишган, соғлом гўдак эди. Аммо полвон қизга туғиш ёқмади. У қатъий тарзда эрини ёнига яқинлаштирмай қўйди. Бироқ ҳаммаси адолат юзасидан бўлмоғи учун ўзи эрк учун чебини, яъни иккинчи хотинни қидириб топди ва уйга олиб келди.

Чеби кетма-кет иккита ўғил туғиб берди. Цой Балтоннинг синглиси аввалига алам қилиб, дарғазаб бўлгандай кўринди. “Вой манжалақи, мен уч йилда зўрға битта ўғил туғсаму, сен икки йилда иккитасини туғиб берасанми, ҳали шошмай тур”, деган гап кўнгилдан ўтгандай бўлди. Ҳатто кундошини дўппослашига сал қолди. Лекин бу гап орасида у соябонли тахти равонда куёвниқига баланд тоғ довонидан қандай ошиб келганларини эслади. Ҳожат чиқармоқ учун тўхташни талаб қилганлари эсига тушди. Шунда учта фарзанд кўриш тўғрисидаги фол аён бўлган эди. Кейин йўлларини шохдор кийик кесиб ўтди. Бу биринчи бўлиб полвон қиз қўчқордай ўғил кўришини англатарди. Ҳаммаси тақдир буюрганидек бўлди. Шунинг учун бу ишларга хафа бўлиш керак эмас. Ундан кўра ҳар бир одамга ўзи тилаган нарсани ато қилгани учун тақдирга шукур қилмоқ керак.

АРВОҲЛАРИ БОР УЙ

1

Бека вафот этиб, эри якка-ю ягона қизи билан қолди. Эр уйланиб, уйга янги хотинини етаклаб келди. Бу хотин ҳам бева эди, унинг битта ўғли бор эди. Отасининг мероси қизига тегмасин, балки менинг ўғлимга тегсин деб, у қизга ўгайлик қила бошлади. Кечаси қизнинг оёқлари орасига ўлган бир сичқонни қўйиб, эрталаб отасини чақириб унга кўрсатишти. Мана, қизингни кўриб қўй, ажиналар билан дон олишиб юриб, мана шу махлуқни туғипти. Агар бу қизни тирик қолдирсанг, ажиналар бутун уйни эгаллаб олади, тирик одамларнинг қонини сўриб битиради, улар жуда қаттиқ азоб-уқубатлар ичидан қийналиб ўлиб кетишади. Шундоқ бўлмаслиги учун, дейди ўгай она, ажина теккан қизни имкони борича уйдан узоқроқ олиб бориб, ўша ерда бўғизламоқ керак.

Отаси “хўл” дейишга мажбур бўлади. Кечқурун у қизини тоққа олиб кетади — ўша ердан қоядан ташлаб юборишга ёки шамдай тикка тушадиган каттақоң шалолода чўктиришга аҳд қилади. Лекин на қоядан итариб юборишга, на шалолога ташлашга қўли бормайди. У тоғ сўқмоғидан қизини етаклаб юраверади, юраверади, охир-пировардида, улар сокин тоғ кўлининг бўйида холи жойда турган ёлғиз уй олдидан чиқишади. Бу уйнинг қанақа эканидан вилоятдаги одамларнинг ҳаммаси бохабар эди — уй ташландиқ, эгалари кўчиб кетган эди. Чунки арвоҳлар уларни жуда толиқтирган эди.

Қаршисида ботаётган қуёш шуъласида ярқираб турган оқ уйни кўриб қизнинг отаси жуда хурсанд бўлиб кетади. Қизимни мен ўлдирмайин, майли, менинг ўрнимга уни арвоҳлар ўлдиришсин деган тўхтама келади у. Шундай деб, қизига уйга кириб, ўша ерда тунаб қолишни буюради. Ўзи эса орқасига ўгирилиб, тезроқ уйга қайтиб кетади.

2

Ўша жуннинг ўзида арвоҳлар бор уйдан унча узоқ бўлмаган жойдаги бир қишлоқда бундай воқеа рўй берипти. Қишлоққа бир тиланчи йигит келиб, уйма-уй садақа сўраб юрипти. Йигитнинг ўзи анча басавлат, устидаги кийимлари ҳам чакки

эмас экан. Кўринишидан тиланчига ўхшамас экан. Буни кўрган одамлар у йигит ўғриларнинг айғоқчиси бўлса керак, уйма-уй юриб, қаерда нима борлигини кўриб, шерикларига етказди, деган ҳукмга келишди.

Айтмоқ керакки, қишлоқ аҳлини бир-икки кун аввал вилоятда ўғрилар тўдаси изғиб юрипти деб огоҳлантириб қўйишган экан.

Одамлар бояги йигитни ушлаб олиб ура бошлашипти. Йигит уларнинг қўлидан зўрға қутилиб чиқиб қочипти. У тўғри ўрмонга қочиб бориб, бутазорга кириб ётиб олипти ва йўлга чиқиб, киши билмас тарзда ғойиб бўлмоқ учун қоронғи тушишини пойлай бошлапти. Ниҳоят, қоронғида қўлларига машғала ушлаган аллақандай одамлар пушиб келаётганини кўрипти. Улар кўл бўйига келиб, унга бир нарсани улоқтиришипти. Кейин ўрмонга кириб яширинишипти.

Тиланчи йигит бошпанасидан чиқиб, йўл бўйлаб кета бошлаган ҳамон орқасидан отлиқ одамлар изма-из қувиб келаётганини пайқабди.

Улар қароқчиларни қувилаб келаётган қишлоқ одамлари экан. Йигитни ўраб олишипти, кейин таниб қолишипти. Яна уни уришга чоғланиб туришганда, йигит жон ҳолатда қичқирипти.

— Шошманглар! Сизлар қидираётган нарса қаерда эканини биламан.

Шундай деб, у одамларни кўл бўйига бошлаб борди ва ўғрилар ўғирлаган буюмларини кўлга улоқтирган жойни кўрсатди. Одамлар кўлдан катта-катта бўхчаларни олиб чиқишди, лекин оломон бунинг учун тиланчи йигитга раҳмат айтиш ўрнига, ўртага олиб яна ура кетди. Ўғирланган нарсалар қаерга яширилганини билгандан кейин у ҳам ўша тўданинг шериги-да. Одамлар бунга узил-кесил ишонч ҳосил қилишди. Ва йигитни ўзларича жазолашга аҳд қилишди. Кейин улар йигитнинг бўйига тош боғлаб, кўлга чўктирсакмикин ёки тириклай ерга кўмсақмикин деб тортиша бошлашди. Охирида: “Уни кўлга ташлаб бўлмайди, чунки ўзлари бу кўлдан сув ичишади, шу кўлда балиқ овлашади, яхшиси уни ботқоққа ташламоқ керак”, деган тўхтамага келишди. Жамоа яқдиллик билан бу ишни бир деҳқонга топширишга қарор қилишди. Чунки кеча қароқчилар бу деҳқонни ҳаммадан кўра кўпроқ талаб кетишган эди. У қўли боғланган йигитни ўрмонга ҳайдаб кетди — ботқоқ ўрмоннинг ичида эди. Бироқ у оломондан айрилиб чиқиб, ёлғиз қолиши биланоқ тиланчи йигитга ачина бошлади. Деҳқон, “менинг ўғирланган жамики мол-мулким бир одамнинг хуни бўла олмайди, бунинг учун одам ўлдириш яхши эмас”, деб ўйлай бошлади. Шу пайт ўлдирадиган бўлсангиз, ўлимим олдидан ло-ақал жиндай овқат беринг, қорнимни тўйдириб олай, деб ялинишга тушди. Уч кундан бери туз тотганим йўқ, деди йигит. Ҳозир у ўлимдан кўрқаётгани йўқ экан, балки очлик азобидан кўпроқ қийналаётган эмиш.

Деҳқон йўлни ўз қишлоғига буришга мажбур бўлди, у уйига бориб, ўлимга маҳкум қилинган шўрпешона йигитнинг қорнини тўйғазди. У овқатланиб ўтирганда деҳқон қора чироғ шўвласида йигитни тузукроқ кўздан кечирди ва унинг кўнглидаги ҳамма туйғулари остин-устун бўлиб кетди. У тиланчини олдига солиб, яна ўрмон томонга ҳайдаб кетаётганида, бу болани қатл қилаолмаслигини англаб етди... Аммо қишлоқ жамоасининг ихтиёрига қарши бориб, йигитни қўйиб ҳам юбора олмайди.

Шунда деҳқонга хайрхоҳлик билан қарайдиган арвоҳлар унинг кўнглига бир яхши нарсани солдилар. Ўрмондаги ботқоқликка олиб борадиган йўлдан арвоҳли уй яққол кўриниб турарди. Унинг оппоқ деворлари ой нурида узоқдан ярқираб турарди. Шунда деҳқон тиланчи йигитнинг орқасига туртиб деди:

— Анави уйга борақол, йигит. Мен сени ўлдиришни истамайман. Мендан кўра сени арвоҳлар ўлдиргани маъқул.

3

Йигитнинг хаёлидан кечди — кимнинг қўлида жон бергани-барибир эмасми? Ҳамма бир амаллаб менинг арзимас ҳаётимни қўлга киритиш пайида. Мен учун эса унинг ортиқ қиммати қолмади — шу қисқа ҳаётимда шу қадар кўп ғам-ғусса чекдимки, агар биров менга бунақа ҳаётни тарк этишга ёрдам берса, ундан фақат миннатдор бўлардим. Фақат тиланчи бўлиб кўринган одамгина арвоҳли уй томон одимлаб борар экан, ана шундай ночор кайфиятга берилмоғи мумкин эди.

Аслида эса аслзода бир одамнинг кенжа ўгли бўлмиш бу йигит шоир эди, отаси вафот этгандан кейин уни ота уйдан ҳайдаб чиқарган эдилар. Уни акаси ҳайдаб солган эди — у отасидан қолган молу-мулкни эгаллаб олган ва уни укаси билан баҳам кўрмоқчи эмас эди. Шунинг учун кенжа ўғилнинг ёруғ дунёни дарбадар кезиб, ташлаб кетган ватани тўғрисида қўшиқлар тўқишдан ва худо йўлига садақа сўрашдан бошқа иложи қолмаган эди. Мана бу одамни ваҳимага солувчи арвоҳли уйга ҳам етиб келди. Ичкарига кириб қараса, ой нури ёритиб турган бурчакда ёшгина бир қиз ўтирипти. Чиройли кўзларини йигитга қадаганча, индамайди.

Йигит яқинроқ бориб, қизнинг рўпарасига чўккалади ва у ҳам сукутга чўмди. Шу аҳволда улар узоқ ўтиришди. Ниҳоят, йигит гап сўрашга журъат этди:

— Узр... Сиз ажина эмасмисиз?..

Қиз дарҳол қўнғироқдек ёқимли овоз билан жавоб берди:

— Йўқ. Мен одамман. Ўзингиз-чи?

— Мен ҳам одамман...

Улар бир-бирлари билан учрашганига чунонам хурсанд бўлишдики, қўяверасиз. Эрталабгача бир-бирларига бошларидан кечган савдоларни гапириб бердилар. Қуёшнинг илк нурлари хонани ёрита бошлагандагина икковлари битта бўйра устида ухлаб қолишди.

Кундуз кунни уйқудан уйғонишганида рўпараларидаги деворга юпқа хитой қоғози илиб қўйилганини кўришди. Кечаси қоронғида уни пайқашмабди. Қоғозга чиройли ҳарфлар билан қуйидаги шеър ёзиб қўйилган экан:

Бир замонлар бу уйда
Мен яшаб кетган эдим.
Касбим эди шоирлик,
Исмим эса Ким Си-сип.
Бир куни мен туш кўрдим —
Бахт бор эмиш дунёда.
Уйландим, фарзанд кўрдим —
Кўрмайин ҳеч рўшнолик
Кўз юмдилар ҳаётдан.
Айтинг-чи, энди, дўстим —
Бахт борми бу дунёда?
Мен энди кетмоқдаман,
Кел, марҳабо, эй меҳмон!
Дунёда бор бахт десанг —
Яшаб кўргин шу уйда.

Бу уйнинг ёш асирлари ғам-ғуссага ботган ҳолда бир-бирларининг қўлларидан тутганча бу уй эгасининг — аллақачон у дунёга сафар қилган шоирнинг шеърини қайта-қайта ўқишди. Шундан кейин ҳар нима бўлганда ҳам бу дунёда бахт бўлишига ишониб шу уйда яшаб қолишди. Уйнинг ертўласи турли-туман овқатларга тўла экан, жовонларда кийим-кечаклар тиқилиб ётипти. Ҳовлида айвон тагида ўтинлар калта-калта арраланиб, тахлаб қўйилган.

Хуллас, бир қанча вақт ўтгандан сўнг қишлоқ аҳли арвоҳли уйнинг мўрисида осмонга ўрлаб кўтарилаётган ҳалқа-ҳалқа тутунни кўриб роса ҳайрон қолишди.

Улар фақат бир нарсанинг тагига етолмай ҳайрон эдилар: булар ҳеч ким йўқлигига хурсанд бўлиб базми жамшид қураётган жинлар-у арвоҳларми ёки ташландиқ уйга қандайдир одамлар кириб олганми?

Уйнинг ичидан ҳеч ким чиқмас ва ҳеч кимса қишлоққа келмас эди. Аммо шу аҳволда орадан бир ҳафта ўтди, икки ҳафта ўтди, ой ўтди ҳамки, уйнинг мўрисида буралиб-буралиб чиқаётган тутун тўхтамади. Шунда қишлоқ аҳли тушундики, бу ишларга ажина-ю арвоҳларнинг дахли йўқ экан.

ШАХМАТ ИШҚИБОЗИНИНГ ЎҒЛИ

Қадим замонларда янбан Ли ва янбан Ким деган иккита шахмат ишқибози ўтган экан. Улар тез-тез шахмат ўйнашиб туришаркан. Бутун умрлари шахмат ўйнаб ўтган деса ҳам бўлаверади.

Янбан Кимнинг соҳибжамол хотини бор экан — уни кўрганда ҳар қандай одамнинг ақли шошиб қоларкан. Янбан Ли анчадан бери ўртоғига билдирмай, унинг хотинини кўз остига олиб қўйган экан. Аммо одатда шахмат тахтасидан бошини кўтармайдиган янбан Ким буни пайқамас экан.

Кунлардан бирида ошналар Лининг уйида шахмат ўйнайдиган бўлишипти. У шеригига таклиф қилипти:

— Кел, бир пиёла малинадан ўйнайлик.

— Бўпти, — деб жавоб берипти Ким шахмат доналарини терар экан.

— Малина топилмаса, ютқазган одам хотинини бир кечага юборади.

— Хотинини бўлса, хотинини-да, — деб жавоб берипти, Ким ютишга астойдил ишонганидан.

Лекин бу гал у ютқазиб қўйипти. Шундагина ҳозир қаҳратон қиш экани эсига тушипти — ҳар қанча излаган билан малина топилмайди. Нима бало, ростдан ҳам бу сўхтаси совуқ Лининг ёнига бир кечага соҳибжамол хотинини жўнатишига тўғри келадими?

Ли эса ўртоғини кузатиб қўяр экан, яна бир марта унга эслатипти:

— Кутаман-а, Ким-янбан! Ё малина, ё хотининиг!

Ким уйга ҳасрат ичида қайтипти. Томоғидан овқат ҳам, ичкилик ҳам ўтмапти, тушликдан кейин ичкарига кириб истироҳат ҳам қилмапти. Олдинги хонада стол ёнида ўтирганча нима қилишни билмай ўтираверипти. У хотинини жонидан ортиқ яхши кўрар экан, уни бир кечага бошқа эркакка беришни хаёлига ҳам келтирмас экан. Лекин аслзода одам — сўз бериб қўйган.

Кимнинг саккиз яшар ўғли бор экан. У отасининг ҳасратга болиб ўтирганини сезипти. Онаси ташқарига чиқиб кетишини пойлабди-да, сўрапти:

— Нега овқат емайман дедингиз? Ниманинг ташвишини чекяпсиз?

— Сенинг ақлинг етмайди, бола! Ўзинг еябер.

— Нима бўлди, отажон? Наҳотки, яхши кўрган ўғилчангизга айтгингиз келмаяпти? Ёки мени ортиқ яхши кўрмай қўйдингизми?

Бола шунақа деб отасини ҳол-жонига қўймапти. Ким якка-ю ёлғиз ўғлини чиндан ҳам жуда яхши кўрар экан. Унинг гаплари таъсир қилиб кўзлари ёшланипти ва гўдак болага бор гапни айтиб берипти.

— Ана шунақа, шарманда бўлдим. Энди ўзимни ўлдирмасам бўлмайди.

— Нималар деяпсиз, дадажон? Қўйинг, ташвиш чекманг, — деб бола отасини юпата бошлади. — Арзимаган гап экан-ку! Бу ёғини менга қўйиб беринг. Қани энди овқатланайлик. — Шундай деб у отасига овқатланадиган чўпларни узатипти.

Тушликдан кейин Ким одатдагидек дам олишга кириб кетипти. Бола бўлса ис-сикроқ кийиниб олиб, янбан Лининг уйига йўл олипти. Ли аллақачон дарвозанинг олдида шеригини кутиб ўтирган экан. Болани кўриши билан унинг олдига югуриб келди.

— Хўш, отанг қалай? Уйдами?

— Ҳа, уйдалар.

— Малина ваъда қилган эди. Топдимми?

— Э, қаёқда дейсиз. Малина олиб келаман деб ўрмонга борган эди, илон чақиб олипти. Дадам уйга қайтиб келиб, бетобланиб ётиб қолдилар.

— Ҳой, ярамас! Қишда илон нима қилади? — деб ғазабланди янбан Ли.

— Қишда малина нима қилади? — деб сўради бола. Янбан Ли бу гўдакнинг саволига нима деб жавоб беришни билмай, индамай қолибди.

Кейин Лининг ўзи ошнаси Кимникига борди. Улар шахмат ўйнашди. Ли бу гал бошқа шарт қўйди — ютқазган одам кулдан арқон эшиб беради ёки бунинг ўрнига бир кечага хотинини бериб туради. Ким яна ютқазди.

Ли уйига қайтиб комил ишонч билан кута бошлади — ошнаси бу гал ҳеч нарса билан қутула олмайди, у, албатта, хотинини жўнатади. Аммо бу гал ҳам яна бола келди. У бир арқонни думалоқ қилиб ўраб, мис тоғоранинг ўртасига қўйипти. Тоғорани эса ўчоқнинг тепасига оловга қўйиб қиздирипти. Арқон шаклан арқонга ўхшаб қолаверипти-ю, аслида куйиб кул бўлган экан.

Ошналар учинчи гал учрашиб, яна шахмат ўйнашпти. Бу гал ҳам омади юришмаган янбан Ким ютқазипти. Бу гал айғир туққан тойчоқдан гаров ўйнашпти. Тойчоқ топилмаса, хотинини бир кечага жўнатади.

- Бу гал ҳам Кимнинг хотини ўрнига Лининг ҳузурига гўдак бола келипти.
- Ҳа, яна нима гап топиб келдинг? — деб сўрапти Ли аҳвол чатоқлигини сезиб. — Яна қанақа шум хабарни етказмоқчисан менга?
- Бу шум хабар чиндан ҳам ёмон. Мен кичкина боламан, айтишга уяламан.
- Нима деяпсан?
- Отамни айтаман-да... Айғирни ушлаб келгани борган эди, айғир девордан сакраб ўтиб йиқилипти-ю, боласини ташлаб қўйипти.
- Нима балолар деяпсан, тентак бола, ҳеч жаҳонда айғир ҳам бола ташлайдими?
- Демак, айғир тойчоқ туғмаслигини ўзингиз тан оляпсиз-а?
- Тан оламан, тан оламан, — деб жавоб берибди алам билан янбан Ли. — Нима иложим бор? Зеҳнинг ўтқир экан. Отанг ҳам сенга ўхшаб ўтқир бўлганида шахматда ҳадеб ютқазавермас эди.

КАЛЛАВАРАМ БОШЛИҚ, АҚЛИ БОШЛИҚ ...

Ўтакетган каллаварам бир одамни уезд бошлиғи — вон қилиб тайинлашибди. Шу каллаварам бефаросат одам бошқалар устидан ҳукм чиқармоғи, зарурларини қатл қилиб, гуноҳсизларнинг афв этмоғи лозим эди.

Бир деҳқон ўзининг батрагига молини боқиб бериш учун берипти — у молни бир йил боқиб, бузоғини ўзига олиб қолиши, молнинг ўзини қайтариб бериши керак эди. Аммо аҳвол бошқача бўлиб чиқди — сигир туққанидан кейин касалга чалинди-ю, кўп ўтмай ўлиб қолди. Сигирнинг эгаси батракдан молнинг ҳақини ундириб олмоқчи бўлди, аммо батрак шўрликнинг берадиган ҳеч вақоси йўқ эди — уйи шип-шийдам эди.

Аламга чидолмаган деҳқон бошлиқ вонга бориб шикоят қила бошлади. Бошлиқ бундай деб жавоб берди:

— Ўзинг айтгансан-ку, батрагинг қашшоқ экан, тўлашга бити ҳам йўқ экан. Мен нима ҳам қилиб бераолардим. Бўпти, боравер, худо хайрингни берсин.

Деҳқон бошини осилтириб, уйига жўнапти. Воннинг хотини эса анча зийрак, фаҳми ўтқир аёл экан — у эрига таъна қила бошлапти — келган одамни бирор жўяли маслаҳат бермай, жўнатиб юборганини юзига солди.

— Нима деб маслаҳат бермоғим керак эди? — деб ҳайрон бўлди у.

— Лоақал сигирнинг терисини шилиб олиб, кўнчига бермайдими, кейин у теридан этик тиктириб, пулини жабр кўрган одамга бермайдими? Сигирнинг бузоғидан туғиладиган болаларнинг ҳаммасини хўжайинига берса инсофдан бўларди.

— Рост айтасан, хотин! — деб хитоб қилипти бошлиқ. — Ҳой мулозимлар! Бояги одамни қайтаринглар.

Деҳқонни қайтаришипти, уезд бошлиғи хотини айтган гапларнинг ҳаммасини ўзиникидай қилиб унинг қулоғига қуйипти. Деҳқон унинг ақлига тасаннолар айтиб чиқиб кетипти-да, ҳамма жойда янги бошлиқнинг донолигини гапириб юрипти. Бу орада бир одамнинг етгита муштумзўр ўғли муштлашиб, қўшнисини ўлдириб қўйипти. Қўшнининг ўғли воннинг адолатпарварлигини эшитиб, унинг ҳузурига бориб шикоят қилипти. Вон эса амалдорлик ўринида ўтирганча, нима деб жавоб беришни билмай, кўзини бақрайтириб ўтираверишти. Бу пайтда ёнида хотини йўқ экан. Лекин шу пайтда у хотинининг аввалги берган маслаҳатини эслапти-ю, уни оқизмай-томизмай шикоятчининг қулоғига қуйипти:

— Ўлганни терисини шилиб олиб, кўнчига беринг. У ишлаб берган теридан этик тиктириб, пулини ўлган одамнинг ўғлига берилсин. Кейин унинг отасини ўлдирган безорилардан туғиладиган болаларнинг ҳаммасини ўлганнинг ўғлига беринглар.

Лекин донишманд вонлар ҳам бўлган.

Деҳқон бозорда новвос сотаётган экан. Тузуккина даромад қилипти. Кейин оқ хўкиз қўшилган аравасида уйига қайтипти. Йўлда араванинг ўқи синиб қолипти. Қош қораяётган палла экан. Деҳқон хўкизни аравадан чиқариб олибди-да, ўқи синган аравани йўлда қолдириб, қоронғида уйига йўл олипти. Йўлда ёмон одамлар-

га рўпара келиб қолишдан қўрққан деҳқон ёнидаги ҳамма пулини ҳамёнига солиб, арава синган жойдан унча узоқда бўлмаган йўл бўйидаги дарахтнинг тагига кўмиб қўйипти.

Шундай қилиб, у оқ ҳўкизини миниб, ярим тундан ошганда уйига кириб келипти. Бўлган воқеани хотинига айтиб бериб, тезроқ ухлагани ётипти. Уч соатча ухлаб, жиндай ором олгандай бўлипти-да, ўрнидан туриб, яна синган аравасининг ёнига қайтипти. У ерга бора солиб, дарахтнинг тагини кавлай кетипти. Кавлабди, кавлабди, лекин пул солинган ҳамёндан дарак йўқ эмиш.

Уйга пулсиз қайтиб кетишга тўғри келипти. Хотини сўрапти:

— Балки сен аравага андармон бўлиб турганинда йўлдан ўтиб кетаётган бирортаси кўриб қолгандир...

— Йўқ, бу орада йўлдан ҳеч ким ўтгани йўқ.

Деҳқон воннинг олдига бориб, бўлган воқеани айтиб берипти. Вон унинг гапини эшитиб, бироз ўйланиб турипти-да, шундай депти:

— Пулни хотинингнинг ўйнаши олган.

Деҳқон вонга қараб анграйиб қолипти — нима бало, бошлиқ ақлдан озганми? Бироздан сўнг жавоб берипти!

— Хотиним ҳалол аёл. Унинг ҳеч қанақа ўйнаши йўқ ва бўлган ҳам эмас.

— Бўлмаса, хотинингнинг менинг олдимга олиб кел-чи, — деб буйруқ берипти вон. Деҳқон бошлиқнинг буйруғини бажаришга мажбур бўлипти — унинг хотини воннинг ҳузурига келипти. У останада пайдо бўлиши биланоқ қаттиққўл бошлиқ уни ўшқариб кутиб олипти.

— Ростини айт! Ўйнашинг ким, ярамас аёл?

— Жаноби олийлари, ўйнашим йўқ менинг.

— Ундай бўлса, кечаси кимни оқ ҳўкизга миндириб тоққа жўнатган эдинг?

— Нимани айтяпсиз, тушунмаяпман...

— Тушунмаяпман, дегин... Лекин менинг одамларим ҳаммасини билади... Ким билан тил бириктиргансан, айт.

— Ҳеч ким билан тил бириктирганим йўқ.

— Жаллод! Калласини олинглар! Аравага боғлаб, икки томонга тортинглар!

Гўштини нимта-нимта қилинглар.

— Шафқат қилинг... ҳаммасини айтаман... Бу Пак Тарён эди...

Бориб Пак Тарённи ушлаб келишипти. Аввал у ҳам ҳамма нарсадан бўйин тов-лапти.

— Манави аёлга илакишиб юрасанми?

— Йўқ, жаноби олийлари. Бу аёлни танимамайман.

— Ўғирлаган пулларни қайтарасанми?

— Қанақа пулларни?

— Ҳали шунақами? Нимта-нимта қилинглар уни! Аравага боғлаб иккига бўлиб ташланг.

Бу гаплардан кейин Пак ҳаммасини бўйнига олишга мажбур бўлди. Илож қанча?

НЕФРИТ КЎШКНИНГ МАҲБУСЛАРИ

Қадим замонларда бир қиролнинг якка-ю ёлғиз ўғли бўлган экан. У ҳуснда ҳам танҳо экан. Кунлардан бирида шаҳзода мактабдан қайтаётиб, сарой боғидан хиёбон орқали бораётганида бир саёқ роҳибга рўпара келипти. Роҳибнинг кўзлари ҳаддан ташқари ўткир экан. Улар бир-бирларига қарашипти-ю, кейин қўққисдан роҳиб хитоб қилипти:

— Шу пайтгача ҳали Қурияда бунақа соҳибжамол туғилмаган эди. Фақат шуниси ачинарлики, бу бола ўн олти ёшида вафот этади. — Шундай деб роҳиб ўз йўлида давом этипти.

Саройга келиб шаҳзода нотаниш одам билан бўлган ғалати учрашувини, унинг ғаройиб гапларини қиролчи онасига гапириб берипти. Онаси юраги така-пука бўлиб, дарров саёқ роҳибни топиб, қайтариб олиб келиш учун хизматкорларини

жўнатишти. Роҳибни олиб келиштипти: Малика ундан ўгли тўғрисида нега бунақа гапларни айтганини сўрапти.

— Бунинг боиси шуки, У йулбарсга ем бўлади. Буни юзидан аниқ-таниқ уқиб олса бўлади. Малика ёлборишга туштипти:

— Бирон иложини қилиб, фалокатни арит. Бунинг учун молу дунёемизни аямай-миз.

Роҳиб жавоб беришти:

— Бирон нарса қилишни иложи йўқ. Бу ишда на зўру, на зар ёрдам бераолади. Олий ҳакамнинг ёзмиши, бу тақдир! Лекин олий ҳакамнинг иродаси фақат бир ҳолда ўзгармоғи мумкин.

— Қандай ҳол экан у, падари бузруквор? Айтинг, — деб малика илтижо қилипти.

Роҳиб бундай жавоб беришти:

— Ўғлингиз ўн олти ёшга бориб, Хитой императорининг куёви бўлаолсагина омон қолмоғи мумкин.

Шундай дебди-ю, роҳиб ғойиб бўлипти.

Нима қилмоқ керак? Болани махфий равишда Хитойга жўнатишга тўғри келипти. Ўша кезларда шаҳзода эндигина ўн бешга кирган экан.

У Хитой пойтахтига келипти. Ўзининг шаҳзодалигини билдирмай, кўчаларни сайр қилипти. Бегона юртда одамлар қандай яшашини кўздан кечирипти. Кунлардан бирида у бир кампирни кўриб қолипти. Кампир корейсларга ўхшаб кийинган бўлиб, муюлишда ловиялик шавла сотиб ўтирган экан. Шаҳзода хурсанд бўлиб, унинг ёнига борибди-да, "мабодо, корейс эмасмисиз?" деб сўрапти. Кампир хурсанд бўлиб кетиб, "ҳа, корейсман" деб жавоб берипти. У бир замонлар тала-тўп бўлган кезларда кичкина қизи билан Хитойга келиб қолган экан. Ҳозир кампир саксонга кирипти, қизи қирқ ёшда экан. Хитой императорининг саройида хизмат қилар экан.

Шаҳзода кампирдан "менинг уйимга кўчиб ўтинг, мусофирчиликда онам ўрнига она бўласиз", деб ёлборишти. Бунга кампир:

— Мен-ку бажонудил кўчиб ўтардим-а, лекин йилда бир марта янги йил байрами олдида император саройида ишлайдиган қизим мени кўргани келади. Қизим мени кўргани келса-ю, мени уйдан тополмаса, яхши бўлмайди-да, — деб жавоб беришти.

— Бундан ташвиш қилманг, — депти шаҳзода. — Уйингизнинг ёнидан уй сотиб оламан, сиз меникига кўчиб ўтасиз, ҳамма парваришингизни ўзим қиламан.

Шаҳзода жуда бадавлат экан. Кампир умргузарлик қиладиган харобгина кулба ёнида жуда зўр ҳашаматли уй-жой сотиб олипти. Янги йил байрами яқинлашганда сарой либосларига ўранган қизи кампирнинг уйига онасини кўргани келипти. Лекин келиб қараса, уй бўм-бўш, дераза-эшиклари хароб аҳволда турган эмиш. Кампирнинг қизи кўрқиб кетипти, қўни-қўшниларида "онамга нима бўлди?" деб сўрай бошлабди. Улар шу яқин ўртада савлат тўкиб турган ҳашаматли қасрни кўрсатиштипти ва кампир қасрда истиқомат қилишини айтиштипти.

Қизи ичкарига кириб қараса, кекса онаси бошдан-оёқ шоҳи-атлас либосга ўралган ҳолда етти қават устида, ёнбошларидаги юмшоқ пар ёстиқларга суяниб, узун дасталик чилимини чекиб ўтирган эмиш. Ёш-ёш, хурилиқо қизлар унинг хизматида елиб-югуриб юришганмиш. Буларни кўриб кампирнинг қизи лол бўлиб қолипти. Онасидан нима бўлганини сўрапти: Онаси қизига қараб:

— Яхшиси, нима бўлганини тутинган уканг айтиб берақолсин. У бу ерга ватанимиздан, Кореядан келган, — деб жавоб берипти.

Шу чоқ шаҳзода кириб келипти, жуда одоб билан бор гапни айтиб берипти. Шу йўсинда улар бир-бирлари билан танишиб олиштипти.

Шаҳзода тутинган опасига юрак-юракдан ишониб, ўзининг кимлигини, нима сабабдан бу ерларга келиб қолганини сўзлаб беришти. Ўн гулидан бир гули очилмаган укасининг нима сабабдан ватанин тарк этганини, қандай қайғули ҳодисалар ота-онасининг иссиқ бағридан узиб олганини: нега мусофирликда, муҳтожликлар кўриб яшашга мажбур бўлганини эшитиб кўзига ёш олди. Кейин кампирнинг қизи шаҳзодага ёрдам беришга, унинг ўлимдан қутилиб қолиши учун ҳамма чораларни кўришга аҳд қилди.

Император саройи гир айлангириб, ўтиб бўлмайдиган баланд девор билан ўрал-

ган эди. Унга кириш учун бирин-кетин учта дарвозадан ўтиб бориш керак эди. Кампирнинг қизи шаҳзодага қизлар кийимини кийгазди, орқасига опичлаб, боши билан кўрпага ўраб олди-да, саройга йўл олди. Дарвозабонларга кекса онасини кўргани борганини, онаси тоби қочиб, юролмайдиган бўлиб қолганини, унга қараб турадиган одам йўқлигини, шунинг учун, уни ўзи билан саройга олиб кетаётганини, саройда хизмат қилгани учун унга бир хона ажратиб беришганини, шу ерда онаси билан бирга туражагини айтди. Куруқ гап билан чекланмай, соқчиларнинг ҳаммасига “қўйлак-иштон оларсизлар” деб тўзуккина пул улашиб чиқди. Шунинг учун учала дарвозадаги соқчилар ҳам уни тўхтатмасдан ўтқазиб юборишди.

Императорнинг яхши кўрган қизи бор эди. У бир ўзи ёлғиз Нефрит кўшкда яшарди. Қизга ажратилган бу кўшкнинг тевараги сув тўла кенг зовур билан ўраб олинган эди. Бир кунги императорнинг хотини — қизнинг онаси туш кўрипти. Тушда қиз ажнабий бир шаҳзодага турмушга чиққанмиш. Императорнинг ўзининг фарзанди йўқ эди, шундоқ бўлгач, қизи ажнабий шаҳзодага тегса, Хитой тахти бошқа давлат ҳукмдорининг қўлига ўтиб кетади-ку! Бунинг олдини олиш учун маликани Нефрит кўшкига қамаб қўйишга аҳд қилишди. Бу кўшкка бегоналардан бирортаси ҳам яқин йўлаёлмас эди.

Кампирнинг қизи аёл либосини кийган шаҳзодани қайиққа солиб кўшк томонга олиб ўтди ва ўзидан бошқа ҳеч ким билмайдиган йўллар билан маликанинг ётоғига олиб борди. Кейин у билан хайр-хўшлашар экан, деди:

— Сиз учун қилиб берадиган қўлимдан келган иш — шу, ука. Бундан буёғига тангри қўлласин...

Шу сўзлар билан кампирнинг қизи ётоқнинг эшиги олдида шаҳзодани ёлғиз қолдириб қайтиб кетди. Шаҳзода турган жойида узоқ туриб қолди. Кейин “бор, нима бўлса бўлди, барибир, орқага қайтишининг иложи йўқ”, деган фикр кўнглидан ўтди-да, дадилланиб ичкарига кирди... Малика ёлғиз эди — у ёзилган тўшак устида китоб ўқиб ўтирарди. Китобда бир юмалаб тулки бўлиб қоладиган махлуқлар ҳақида ҳикоя қилинган эди. Бошини кўтариб қараса, хонада унинг нигоҳи қаршисида ғалати бир нотаниш одам ғойибдан келгандай пайдо бўлиб қолипти. Сўраётган нарсаси тўғри эканига заррача шубҳа қилмай, ёш малика хотиржам оҳангда сўради:

— Менга ростини айтинг... Бир думалаб ўзгариб қоладиган тулки эмасмисиз?

— Ҳозир ким эканимни ўзим ҳам билолмай қолдим, — деб жавоб берди шаҳзода малика олдида тавозе билан таъзим қилар экан. — Илгари мен ўзимга корейс подшоҳининг ўғли — шаҳзода бўлиб кўринардим. Энди уйқудан кўзимни очсам, бу ерда сизнинг қаршингизда ким эканимга ўзимнинг ҳам ақлим етмай турибман...

— Ким эканингизни ўзингиз билмасангиз, мен биламан! — деб хитоб қилди малика. — Сиз аёл эмас, аёлча кийиниб олган эркак экансиз-ку! Сизни тақдир менга раво кўрипти. Сиз — менинг қисматимсиз!

Малика шаҳзоданинг шу ерда қолишига ижозат берди. Улар тонг отгунча кўзларини юммасдан шеър тўқиш бобида баҳслашиб, гурунглашиб чиқишди. Эрталабки нонуштага эса малика ҳар доимдагига қараганда икки баравар кўп овқат келтиришни буюрди. Шунда малика ейдиган таомларни назорат қилувчи кампирнинг қизи малика билан шаҳзоданинг ишлари юришиб кетганини тушунди.

Уларнинг ишлари чиндан ҳам шунақа юришиб кетган эдики, малика ярим йилгача ташқарига чиқиб, бировга қорасини кўрсатмади. У билан бирга шаҳзода ҳам тўрт девор ичида ўтираверди. Бироқ бундан маликанинг энг яқин канизаклари-ю, кампирнинг қизидан бошқа ҳеч кимнинг хабари бўлмади, бўлиши мумкин ҳам эмас эди, чунки улар сирни қаттиқ сақлашди.

Йигит билан қизнинг ўзи эса, дунёда ҳамма нарсани унутиб, висол шарбатидан маст бўлган ҳолда шоду-хуррамлик билан вақт ўтказардилар. Бу дунёда бунақа бахт камдан-кам бандасига насиб этади. Уларнинг икковлари ҳам бокира эдилар. На шаҳзода, на малика ҳали бирон бир нопок хоҳиши бошларидан кечирганлари йўқ. Маҳбусликда ўтказилган кунлар ҳам, бир-бирларининг бағридаги уйқулари ҳам улар учун ғоят нафис ва покиза туйғу билан суғорилган эди.

Бу орада шаҳзода ўн олти ёшга тўлди. Қайдадир шу яқин ўртада уни ейишга чоғланган йиртқич йўлбарс айланиб юрган бўлиши ҳам мумкин эди. Бироқ Нефрит кўшкнинг масрур маҳбуси кунларнинг ўтиши-ю соатнинг чиқиллашига бутунлай эътибор қилмай қўйиб, бу тўғрида ўйлашни ҳам йиғиштириб қўйган эди.

Аммо бу ҳақда бошқа бир кимса ўйламоқда эди. Бу дунёга кўз очиб келган ҳар бир бандасининг тақдирини белгилаб берувчи Олий ҳакам ўйламоқда эди.

Хитой императори кўкқисдан Нефрит кўшкидан кўзининг оқу қароси бўлмиш ягона қизини чақириб олди-да, уни эрга бериш тўғрисида фармони олий чиқарганини маълум қилди. Уни оламан деб даъво қиладиган зот катта бир имтиҳондан ўтмоғи керак — у қадимги саккиз иероглифнинг маъносини айтиб бермоғи керак. Юрак ютиб имтиҳонга келганлар бунинг уддасидан чиқа олмаса, йўлбарснинг оёғи остига ташланади.

Малика отасининг марҳамати ва ғамхўрликлари учун миннатдорликлар билдириб, Нефрит кўшкига қайтиб келди ва ҳамма гапни шаҳзодага айтиб берди. Шаҳзода шу ондаёқ иероглифларни ўқиш мусобақасига иштирок этишга хоҳиш билдирди. Лекин шу чоқ бир замонлар саёқ роҳиб унинг тақдири қанақа бўлажанини айтиб бергани эсига тушди. Бу гапларни у маликага айтиб берди.

Малика бир оз ўйлаб, бир тўхтамга келди. Кечаси у отасининг иш жойига кириб, сирли иероглифлар ўрамини очиб кўрди ва улардаги тўғри жавобларнинг ҳаммасини кўчириб олди.

Тайинланган куни шаҳзода имтиҳон бўладиган жойга борди ва жавоб ёзилган қоғозни қутига ташлади. Икки ҳафтадан кейин қутини очишди. Қутини очиш маросимида императорнинг ўзи қатнашди. Ҳамма жавобларни овоз чиқариб ўқидилар — энг тўғри жавоб фақат корейс йигитиники бўлиб чиқди. Уни Курраи Замин ҳукмдорининг куёви деб эълон қилдилар. Қолганларни йўлбарсларнинг оёғи тагига ташлашди.

Ана шундай қилиб, қадим замонларда Корея шаҳзодаси Хитой императорининг қизига уйланиб, Курраи Заминнинг императори бўлган экан. Лекин нима учундир солномаларда унинг номи тилга олинмайди. Эҳтимол, шунинг учун бўлса керакки, у пайтларда Кореяда ҳам, Хитойда ҳам савод бир хил эди — шунинг учун солномаларда Корея шаҳзодасининг номини ўзгартириб, хитойча қилиб ёзишгандир. Шу сабабдан кейинчалик шундай чалкашликлар бўлмасин деб Кореянинг ўз алифбосини ўйлаб топишиб, ўз ёзувини жорий қилишгандир.

БУРЧИГА СОДИҚ КЕЛИН

Қадим замонларда Им ва Чен деган икки қадрдон дўст ўтган экан. Уларнинг бирида ўғил, иккинчисида қиз бор экан. Им билан Чен фарзандлари улғайиб, баалоғатга етгач, уларни уйлаб қўйишмоқчи бўлишипти. Ченнинг ўғли бўлмагани учун йигитни ичкүёв қилиб олмоқчи бўлипти. Чен биринчи хотини вафот этгандан кейин иккинчи марта уйланган экан. Иккинчи хотин ўғли билан бирга келган экан. Эрининг вафотидан кейин мерос ўғлимга тегсин деб, иккинчи хотин тўй куни куёвнинг ёнига бир қотилни жўнатишти.

Келин билан куёв ётоққа кириб, эндигина белбоғларини ечишлари билан қотил хонага бостириб кириб, куёвни пичоқлабди-да, тун бағрида ғойиб бўлипти. У куёвнинг кесилган калласини олиб кетгитти. Лекин келинга тегмапти.

Бу воқеани куёвнинг отаси эшитиб, жуда қаттиқ дарғазаб бўлипти. Жаҳл келганда ақл қочади деганларидек, "сенинг ўйнашинг бор экан, ўғлимни ўша ўлдирган" деб келинни айблай бошлабди.

Бу мислсиз жиноят учун ўч олмоқ мақсадида хотинини ҳам эрининг ёнига қўйиб кўмиш керак, деб талаб қилипти ота. Келин ўзини оқлаш учун ҳеч нарса демаяпти. Фақат ялиниб-ёлвориб уч ой муҳлат беришларини сўрапти. Шу уч ой ичида менинг беғуноҳлигим исбот бўлмаса, майли, ўзимни ўзим ўлдирайин депти келин.

Бу орада қизни судга беришипти. Қизни уезд бошқармаси қошидаги зиндонга ташлабдилар ва ҳар куни уни сўроққа тутиб, қийнай бошлаптилар. Лекин ҳар қанча қийин-қистокқа қарамай, қиз ўзини айбдор деб тан олмаяпти.

Кунларнинг бирида бошқарма ёнидаги ҳовлида шохлари тарвақайлаб кетган қари нок дарахтнинг соясида қизни сўроқ қилишаётганда бир каптар учиб келиб, дарахтнинг шохига қўнипти. Қуш ғалати қилиқлар қилипти — у тумшуғи билан баргларни чўқилаб тешиб, судьянинг столи устига ташлай бошлапти. Каптарни

кувиб юборишипти, лекин қушнинг бу ишида аллақандай сир борлигини сезган ҳакам ўйлаиб қолипти.

Уйда у ҳамма гапни хотинига айтиб берипти. Хотини гап нимада эканини дарров фаҳмлантди.

— Бунинг маъноси шундан иборатки, куёвни Бя Гун деган одам ўлдирган!

— Ия! Қаёқдан билдинг?

— Чунки "Бя" дегани "нок" деган маънони билдиради, "гун" дегани эса "тешик" дегани бўлади. Каптар жиноятчининг номини айтиб берибди.

Уезд аҳолисининг рўйхатини текшириб кўришипти. Дарҳақиқат, Бя Гун деган одам бор экан. Уни қамоққа олиб, қаттиқ қийнашипти. Оёғидан осиб қўйиб, дарра билан ура бошлаганларидан кейин у қилган жиноятини бўйнига олипти.

"Ўлдирилган куёвнинг кесик боши қаерда?" деб Ченнинг иккинчи хотинини ҳам сўроққа тутишипти. Қийноқлардан кейин у каллани топиб берипти — уйда бир қоп уннинг ичига яшириб қўйган экан.

Жиноятчиларни ўлимга маҳкум қилишипти. Келинни озод қилишипти. Бироқ у отасининг ёнига қайтишга кўнмапти ва қайнотасининг ёнида бўлмоқчи эканини, унинг хизматини қилиб, кўнглини олмоқчи эканини айтипти. Бу орада кекса Имнинг хотини ғам-андуҳларга чидаёлмайд оламдан кўз юмган ва қайин ота уйда ёлғиз қолган эди.

Шундай қилиб, бахт нималигини татиб кўрмаган ёшгина бева келин отанинг уйида яшай бошлапти. У овқат пиширар, кир ювар, супир-сидирга қарарди, сабртоқат билан Имнинг хизматини қилиб, ўтган ишлар учун Им ўғлининг ўлимига келинни айбдор қилгани, бунинг учун қизни зиндонга ташлаб, қийноқларга дучор қилгани учун таъна қилмапти.

Орадан икки йил ўтипти. Кунлардан бир куни кечаси қайнотаси аллақачон ухлаб қолган бир пайтда қиз унинг ёнига келиб, аста силай бошлапти. Кекса Им уйғониб кетипти, лекин кўзини очмай, ўзини ухлаганга солиб ётаверипти. Чол ёлғизликдан сиқилган ёш келин, унинг ёнига нафсини қондириш учун келганини фаҳмлапти. Лекин чол келиннинг бу ишига ён берса, жуда ҳунук иш бўлишини ҳам тушунипти. Шунинг учун ҳозир ўзини уйқуга солиб ҳеч нарса билмагандек ётаверишга, эрталаб эса келини билан хотиржам гаплашиб, масалани ойдинлаштиришга қарор қилипти. Лекин эртаси куни эрталаб келиннинг ўзи гап бошлапти. У қайнотасидан бир жойга бориб келиш учун уч кунга муҳлат сўрапти. Чол келиннинг бу илтимосига ҳайрон бўлипти — у уч кун мобайнида келини қаерга бориб келиши мумкинлигига сира тушуна олмапти. Ахир, шунча вақт бирга истиқомат қилишди — келин ҳали бирор марта ҳам уни ташлаб, бирор ёққа чиққани йўқ. Шунга қарамай, Им келинига рухсат берипти.

Шундай қилиб, белгиланган муҳлат ўтгандан сўнг, келин қайтиб келади, келганда ҳам ёлғиз ўзи эмас, ўзининг бир дугонаси билан бирга келибди. Бу жувон билан келини кўпдан бери жуда қадрдон эди. Келин қайнотасига дебди:

— Мана, абай, келинг энди учаламиз бирга яшайлик. Менинг дугонам эрга текканига аңча бўлган эди, лекин эри ўлиб кетиб, дугонам боши очиқ қолди. Мен сиздан илтимос қилмоқчиман — унга уйлансангиз...

Хуллас, иш пишди — келин қайнотасини ўзининг дугонасига уйлаб қўйди. Дугонаси орадан кўп ўтмай, иккита ўғил туғиб берди. У кекса эри билан жуда апоқ-чапоқ турмуш кечирарди. Уларни бир бирига қовуштириб қўйган, никоҳ куни ўзининг қаллиғидан ажралиб қолган келин эса бир умрга ёлғиз қолди. У бошқа эрга тегмади ва қолган умрини қайнотасиникида ўтказди. Рўзғор юритишда, болаларни ўстиришда уларга ёрдамлашди.

У бахт нималигини билмай ўтди, бироқ ҳалок бўлган эрининг отасининг хизматини қилиб, ўзининг қизлик бурчини адо этолди. Кейин эса ўзи ҳам қайнотасининг уйида истиқомат қилишар экан, бунда ҳеч қанақа ёмон ишга йўл қўйиш мумкин эмаслигини англаб етди ва қайнотасини дугонасига уйлаб қўйди. Ўзи эса уларнинг хизматини қилиб, қолган умрини ёлғизликда кечирди.

МАҲВ ЭТИЛГАН УРУФ

Янбан Лимнинг Ким деган қули бор эди. У бир замонлар тўланмаган қарз эвазига келиб қолган эди. Ҳали уйланмаган янбан Лим бу қул отасининг хонадонига

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

кўп сидқидиллик билан хизмат қилганини яхши биларди. Ота-онаси вафот этиб кетганидан кейин молу мулк Лимга қолди. Лекин у Кимни қул ўрнида кўргани йўқ, аксинча, ўзининг канизагини унга эрга берди ва уларга алоҳида уй, чорва ажратиб берди. Аммо бу янги рўзгорнинг ишлари бошиданоқ чаппасига кетаверди — гоҳ чорва қирилиб кетар, гоҳ экинлари турган жойида ёниб кетарди. Улар фол очиб кўришди. Фолда — бу жойда ҳеч қачон рўшнолик кўрмасликлари, албатта, мусофирчиликка жўнашлари кераклиги аён бўлди. Шунда Лим уларнинг жавобини берди.

Улар жуда узоққа — нақд Челадо вилоятига кўчиб кетишди ва ерда чиндан ҳам ишлари юришиб кетди. Улар Хитой контрабандистлари билан олди-берди қилишиб, жуда тез бойиб кетишди. Бир неча йил ўтгандан кейин улар бир вақтлар бировнинг қўлида ишлаганларини эсламай ҳам қўйишди ва ўзларини аслзодалардай тутабошлашди. Уларнинг ўз кўрғонлари, катта уйлари пайдо бўлди, фарзандлар туғилиб, ўсиб уна бошлади.

Орадан анча вақт ўтди. Аксинча, уларнинг собиқ хўжайинлари янбан Лимнинг ишлари борган сари орқага кета бошлади. Ниҳоят, у бутунлай бор-будидан айрилиб, хонавайрон бўлди. У анча кеч уйланди. Хотини ҳомиладор бўлган кезларда янбаннинг сариқ чақаси ҳам қолмаган эди. Янги кўзи ёриган аёлни уйда зулмат ва очлик кутарди.

Шунда Лим янбан қидириб бориб, собиқ хизматкорини топишга қарор қилди. Одамларнинг миш-мишига қараганда, унинг пули жуда кўпайиб кетган эмиш. Шундай қилиб, Лим янбан "қайдасан, Челадо?" деб хизматкорини излаб йўлга чиқди.

Кўзлаган манзилига яқин қолганда бир қишлоқда Лим мактабнинг олдидан ўтиб кетаётиб, муаллимнинг ортидан шеър сатрларини такрорлаб баравар қийқиришаётган болаларнинг овозини эшитди. Лим синфга кириб, қачонлардир монастир мактабида бирга ўқишган дўстига рўпара келди. Лим дўстининг шу ердаги қишлоқда яшашини ва муаллимлик қилишини биларди.

У дўстиникида бир кун қолди. Мириқиб дам олди. Дўстига қаерга, нима учун кетаётганини гапириб берди. Дўсти ҳамма гапни эшитгач, уни бу ишдан қайтара бошлади, бормагин деди. Лим бормоқчи бўлган хонадон тўғрисида эл ичида жуда ёмон гаплар юрармиш. Лекин Лим гапга кўнмади. Батрагим ҳақида илгари ҳеч қанақа ёмон гап эшитмаганман, деб туриб олди. Наҳотки, эндиликда у собиқ хўжайинининг унга қилган яхшиликларини эсга олмаса?

Ниҳоят, Лим ана шундай ишонч билан баланд дарвозаларига нақшлар ишланган каттакон янги уйга етиб борди. Лим қараса, худди янбаннинг уйидай ҳовлида хизматкорлар югуриб юришипти. Улардан бирини чақириб, ўзининг келгани тўғрисида хўжайинига хабар қилишни буюрди. Уйнинг ичидан собиқ хизматкори югуриб чиқиб, ўзининг аввлги хўжайини билан қуоқ кўриша кетди. Уни ичкарига олиб кирди, товуқ сўйишни буюрди, янги оппоқ гурунчдан шавла тайёрлаш тўғрисида топшириқ берди. Овқат вақтида Лим янбан ўзининг собиқ хизматкорига бошига тушган ҳамма кўргуликларни айтиб берди.

Ким бажонудил ёрдам қилишга ваъда берди, кейин меҳмон дам олсин, деб ўрин солиб берди.

Шу паллада Кимнинг теварагини ўғиллари ўраб олишди — улар уч киши эди — иккитаси аллақачон катта бўлиб қолган, биттаси эса ҳали кичкина эди. Катта ўғиллари "бу меҳмон ким, қаердан келган?" деб сўрашди. Ота бу одам бир замонлар ўзининг валенъмати бўлганини гапириб берди. Шунинг учун эндиликда ни-майки бойлигимиз бўлса, ҳаммасини шу одам билан баҳам кўрмоғимиз керак, деди.

Лим-янбан уйга қайтишга отланганида Ким унинг қўлига бир даста пул тутқазди. Гурунч ва бошқа озиқ-овқат, тўрт тўп газлама, тўрт тўп шоҳи берди, буларнинг ҳаммасини яхшилаб отга ортиб, ўзи ҳам собиқ хўжайинини уйигача кузатиб қўймоқчи бўлди. Лекин ўртанча ўғли отасига "меҳмонни сизнинг ўрнингизга мен кузатиб қўяқолай" деб туриб олди. Кимнинг ўғли ўн етти ёш тўлган эди, у худди қирчиллама йигитдай новча ва бақувват бўлиб етишганди. Отаси бутунлай хотиржам кайфиятда ўзининг ўрнига ўғлини жўнатди.

Шундай қилиб, улар йўлга тушишди. Сўнг дара тубида шалдираб оқаётган тоғ дарёсининг бўйида дам олишга қарор қилишди. Лим-янбан юзини чайиб олиш ни-

ягида сувга эгилганида Кимнинг иккинчи ўғли уни бир тепиб, тез оқаётган дарёнинг ўртасига қулатди.

Шу чоқда Лимнинг хотини туш кўрипти. Тушида қоп-қоронғи зулмат қўйнидан эрининг бўғиқ товуши эшитилияпти. У: "Мен чуқур сув бағрида оёғим осмондан келиб осилиб ётибман. Жуда совқотдим", депти.

Лимнинг хотини уйқудан чўчиб уйғониб, эри бирор фалокатга учраганини ва бунинг оқибатида ҳалок бўлганини сезипти. Орадан бироз вақт ўтгач, хотин ўғил кўрипти. Чиройли, келишган бола кун сайин эмас, соат сайин ўса бошлапти. Ёшлигиданоқ ақли тўлишиб, мактабда ўзи тенги болалар ичида ҳаммасидан яхши ўқийдиган бўлипти. Муаллимлари уни яхши кўриб, тез-тез мақтаб туришар экан. Бу бадавлат хонадонларнинг фарзандларининг ҳасадларини келтирипти. Улар болани тез-тез дўппослаб турадиган бўлишипти. Уни ҳимоя қиладиган одам йўқ экан. Шундай пайтларида бола онасининг олдига йиғлаб келар, отасининг қаёқда эканини, нега келмаслигини сўраб-суриштирарди. Шунда онаси ўғлига пул топиб келгани Челадога кетганини ва шу бўйи қайтиб келмаганини гапириб берди.

Саккиз яшар ўғил отасини излаб, узоқ вилоятга боришга қарор қилади. Онаси уни йўлдан қайтаришга журъат этолмайди. Унинг ўғлига айтган гапи шу бўладики, Челадода, бир қишлоқда отасининг дўсти бор экан. У муаллим экан. У одам тўғрисида бир маҳаллар эри гапириб берган экан. Эҳтимол, отасининг қаерда эканини, унинг қисмати қанақа бўлганини ўша одам билар.

Ўғил кўп кунлар йўл юрипти ва ниҳоят, бир вақтлар отаси тўхтаб ўтган мактаб жойлашган қишлоққа етиб борипти. Муаллимга ўзининг кимлигини, нега сафарга чиққанини айтиб берипти. Муаллим эса қайғули нигоҳ билан унга қараптида, бошини чайқапти. У болага ҳеч нарса демапти. Бирор гап билан таскин ҳам бермапти, фақат болани шу ерда қолиб мактабда ўқишни давом эттиришга кўндирмоқчи бўлипти. Бола унинг гапига кўниб, қишлоқда қолипти.

Ўша мактабда ўша Кимнинг ҳам кенжа ўғли ўқир экан. Кенжа ўғил Лимнинг ўғлидан атиги бир ёш катта экан. Уларнинг иккови ҳам бир-бирига маъқул тушиб қолишипти ва қаттиқ дўст туғинишипти.

Орадан йиллар ўтипти, уларнинг дўстлиги мустаҳкамлана борипти. Мактабни тугатай деб қолишганда бир куни Кимнинг ўғли отасининг оёғига йиқилиб, ўн беш яшар опамни менинг дўстимга узатасиз, деб ялинибди-ёлворипти. Отаси кенжа ўғлини жуда яхши кўрар экан, унинг айтганларини бажо келтирар экан, ўғлининг гапини эшитиб, ҳайрон бўлганидан: "Қани, ўша ўртоғингни уйга олиб келчи, бир кўрайлик, қандай бола экан", — депти. Ўғли дўстини олиб келипти. У Кимга ҳам жуда маъқул келипти. Ўша кундан бошлаб, кичкина Лим уларнинг уйига тез-тез келиб турадиган бўлиб қолипти. У мактабни тугатгандан кейин эса, Ким уни чиндан ҳам қизига уйлантирмоқчи, етим болани куёв қилиб олмоқчи бўлипти. Тўй қилишипти, Лим ўзининг суйган дўстининг уйига кўчиб ўтипти.

Ёш келин-куёвни қаттиқ яхши кўриб қолипти, кичик Лимнинг юрагида ҳам илк муҳаббат гунчаси барг ёза бошлапти. У пайтларда ота-оналар ўз фарзандларини эрта уйлантириб, эрта узатар эканлар, Бу ҳол шоду-хуррамликлар келтирар экан, лекин шу билан баробар турли-туман кулфатлар ҳам бўлиб турар экан.

Тўйдан кейин бир куни мактабдаги муаллим Кимнинг уйига келиб, Лим деган йигит ким эканини, қаердан келиб қолганини айтиб берипти. Муаллим етим болага узил-кесил бахтиёр қисмат насиб бўлди, деб ўйлади. Шунинг учун энди хавфсирайдиган жойи йўқ, унинг кимлигини ортиқ яширишнинг ҳожати йўқ, деб ҳисоблади. Аммо меҳрибон устоз адашган эди.

Кичик Лимнинг отасини ўлдирган Кимнинг ўртанча ўғли йигит уларникига ич-куёв бўлиб келганидан кейин бирдан қандай хатарга рўпара келиб қолганини тушуниб қолади. Куёв қиёфасида уларнинг уйига бўлғувси қасоскор кириб келган эди. Кимнинг ўртанча ўғли уни даф қилишга аҳд қилди. Бу ниятини у хотинига айтди. У хотиним буткул менинг томонимни олади, деб ҳисобларди. Аммо унинг хотини қайнсинглиси билан жуда қалин дўст эди — у ҳамма гапни Лимнинг хотинига айтиб беради.

У эса бағритош акасига қарши бирон иш қўлидан келишига кўзи ётмагач, ёшгина эрининг ҳалокатига йўл қўйиб қўйгандан кўра ўзим ўлиб қўя қолганим яхши деган тўхтамага келди. Кеч кириб қоронғу тушиши билан қиз эркакча кийиниб ола-

ди-да, одатда, эр-хотин ухлайдиган хонанинг эшиги олдига ўтириб олади. Қўлида пичоқ билан акаси кириб келади ва пичоқни қизнинг кўксига санчиб, тезгина қоронғулик ичида ғойиб бўлади. Ғала-ғовурни эшитиб, эри ётган жойидан сапчиб турди, хотинини қучоғига олди, лекин хотини узилаётган эди. У фақат: "Қочинг... Пичоқ сизга аталган эди... Эртага тўй бўладиган хонадонга боринг... Ўша ерда сизни кутқариб қолишади", дея шивирлай олади, холос. Бу гапни эшитиши билан унинг жони узилди, эри эса уйдан қочиб кетди.

Эртаси куни у бир аслзода аёлниқига югуриб кирди. У ерда тўй бўлаётган эди. Ёш йигит: "Адолат қилинг! Адолат бўлсин!" деб ҳайқирди. Тўйи бўлаётган келин шаҳар судьясининг қизи эди. У ёш Лимнинг ҳалок бўлган хотинининг дугонаси эди.

Судья жиноятчининг беқиёс шафқатсизлиги ва ваҳшийлиги учун уни дарҳол қамоққа олишни ва суд тафтишини алоҳида талабчанлик билан ўтказилишини буюрди. Суд тафтишидан сўнг у ҳукм чиқармоқ учун ҳужжатларни Сеулдаги қирол судининг энг олий идораларига жўнатди. Пойтахтдан келган ҳукм жуда қаттиқ эди. Унда жиноятчининг уруғига мансуб ҳамма эркаклар битга қолдирмай қириб ташлансин дейилганди.

Орадан кўп ўтмай, ҳукм ижро этилди.

Энди буни қаранг: битга ярамас нобакорни деб қанча гуноҳсиз эркакнинг боши кетди. Ахир, отаси ҳам, акаси ҳам, ва айниқса, норасида укасини айтмайсизми — улар ҳаммаси покиза ва меҳрибон эдилар. Улар қайси айблари учун қатл қилинди? Уларнинг ҳаммаси яшашни, бахтли бўлишни истар эди, бунинг устига ажалидан беш кун бурун шармандаларча нобуд бўлишди.

Нега бу ёруғ дунёда бундай ишлар рўй бераркин-а?

ХУФИЯНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ

Қиролнинг Пак Мусу деган шахсий айғоқчиси бўлган экан. У на тинчишни билар, на дам олар, қишин-ёзин ўз хўжайинига астойдил хизмат қиларди. У одми кийиниб олиб бутун Корея бўйлаб изғиб юрар ва хуфиёна ғалаёнларни аниқлаб, қиролга етказар эди. Бу одамнинг давлат олдидаги хизматлари кўп эди, лекин ҳозир биз улар тўғрисида эмас, хизмат сафари чоғида бошидан кечирган баъзи бир саргузаштлари ҳақида гапириб бермоқчимиз.

У ўз бурчини яхшироқ адо этмоқ учун уйланмади, бироқ ҳар қандай оддий ва соғлом эркак каби рўпара келган биронта ҳам аёлни назаридан қочирмас эди. Кунлардан бирида у аллақайси қишлоқда бошида кўзача кўтариб кетаётган бир жувонни кўриб қолди. Жувон унга шунчалик ёқиб қолдики, беихтиёр унинг орқасидан эргашганини ўзи ҳам билмай қолди. Жувон ўзининг уйига етганда бошидаги юкени олиб ерга қўйди. Пак Мусу жувоннинг ёнига бориб, одоб билан саломлашибди-да, тунаб қолишга ижозат сўрапти. Қиз ҳам йўқ демай, йўловчини ичкарига таклиф қилипти.

Жувон уйда бир ўзи яшар экан, унинг эри Сеулга ўқишга кетган экан. Бека таом тайёрлапти, меҳмоннинг қорнини тўйдирипти, кейин уйнинг бир бурчагига унга жой солиб берипти, иккинчи бурчагига ўзига солипти. Уй — бир хоналик экан, хона эса жуда ҳам тор экан. Чироқни ўчириб ётишгандан кейин улар ёнмаён ётгандек бўлиб қолипти. У қўлини чўзса бекага тегадиган даражада экан.

Лекин жувон шу заҳотиёқ эркакнинг қўлини силтаб ташлапти... Пак Мусу уришини уч бор такрорлапти, лекин ҳар гал аёл қатъият билан уни силтаб ташлай-верипти. Учинчи мартадан кейин жувон ўрнидан туриб, чироқни ёқипти-да, меҳмонни чангитиб сўкиб кетипти. Кейин унга ҳовлига чиқиб, толдан новдалар қирқиб келишни буюрипти. Ҳижолатга тушган меҳмон индамай ҳовлига чиқиб, тол новдаларидан олиб келипти. Бека уларнинг ичидан энг бақувватини танлаб олиб, меҳмонни ерга ўтқизиб қўйиб, роса савалапти.

Эрталаб у ими-жимиди секингина чиқиб кетмоқчи бўлипти, бироқ жувон тушмагур унинг қетишига ижозат бермапти. Яна таом тайёрлапти, шундан кейингина таъзим бажо қелтириб, унинг кетишига рухсат берипти.

Қирол айғоқчиси янаги гал тунагани аёл киши бир ўзи турадиган уйга буткул

қадам қўймасликка аҳд қилипти. У бир фақирона уйни мўлжалга олипти-да, яқин бориб деразасидан қараб, жуда ғалати бир манзарани кўрипти. Бир эркак ноғора чўплари билан қовоқдан ясалган чўмични чалиб ўтирипти. Чўмич сув солинган тоғорада тураркан. Аёл хонанинг ўртасида рақсга тушмоқда экан. Хонтахта устида ажойиб дастурхон тузалган. Дастурхон ёнида оқ сочли кекса аёл ўтирипти. У кўз ёшларини оқизиб, чапак чалаяпти.

Пак эшикни тақиллатиб, уларнинг ҳузурига кириб, тунаб қолишга ижозат сўради. Уй эгалари ижозат беришди. Уйда содир бўлаётган воқеаларни кўриб, меҳмон ҳайрон қолаётгани сабабли мезбон унга тушунтира кетди:

— Биз қашшоқ одамлармиз, еримиз йўқ, игнамизни қаерга ҳам санчишни билмаймиз. Мен ўрмонда ўтин тайёрлаб, шуни одамларга сотиб рўзгор тебратаман. Бугун эса хангаб куни, яъни онажонимизнинг таваллуд кунлари — у киши олтишга кирдилар. Хотиним узун сочини қирқиб сотди, шунинг пулига онамиз шарафига байрам дастурхонини тузадик. Энди байрам қиляпмиз — мен дўмбира чергяпман, хотиним рақс тушяпти, онам эса бизнинг қашшоқлигимизни кўриб, аламидан хун бўлиб ўтирипти... Байрамга лоақал қариндош-уруғларимизни ҳам таклиф қилолмадик. Мана, сиз келиб қолдингиз — бизнинг ягона меҳмонимизсиз. Келганингиздан жуда хурсандмиз.

Эртасига эрталаб Пак Мусу жўнаб кетишдан аввал битта давлат идорасига мактуб ёзди ва унинг эгасига хатни Сеулга олиб бориб, ўша идорага кўрсатишни буюрди. Қирол айғоқчиси мактубга ўз муҳрини босиб, "шу мактубни олиб борган одам алоҳида хизматлари учун катта мукофотларга муносиб" деб ёзган эди. Ўтинчи ҳақиқатан ҳам Сеулга бориб, айтилган идорага мактубни етказганида унга от, сигир, бир арава ҳар хил қақир-қуқирлар, анча пул беришди. Шундан кейин бутун вилоят бўйлаб аллақандай ўтинчи, аллақандай дайига уйидан бир кеча жой бергани учун бир зумда бойиб кетипти, деган миш-миш тарқалди. Бу дайди аслида Корей қиролининг энг ишонган одамларидан бири эканини ҳеч ким билмас эди.

Шу йўл билан Пак Мусу ўзининг қийналган виждонига тасалли бермоқчи бўлган эди — ҳар нима бўлганда ҳам фақир одамларга яхшилик қилди-ку! Мамлакат бўйлаб давом этган сафаридан бундан кейин у аёллардан узоқроқ юришга ҳаракат қилди. Аммо қирол айғоқчиси ҳарна қилмасин аёлларнинг макри ва найрангларидан қочиб қутула олмади.

Бундан кейин у бундай воқеаларни кечирди:

Бир уйда уни жуда хушнудлик билан кутиб олишди. Уй бекаси ҳали ёш, очиқкўнгил, соҳибжамол аёл эди. У меҳмондан яширмай, очиқ-ойдин айтиб берақолди — эри ўлиб кетганига анча бўлипти, ўшандан бери кекса қайнотасининг хизматини қилиб келар экан, у шўрлик ҳаётида ҳеч қандай шоду-хуррамлик кўрмай ўтиб кетмоқда экан. Шу важдан меҳмон шўрлик бевага жиндай эътибор ажрата олармикин — улар икковлари лоақал бир кеча машшат қилиша олармиканлар?

Пак Мусу ўйлаб, рози бўлипти. Соҳибжамол бева жувон унга жуда маъқул тушган экан-да. Аммо тўшакка ётганларидан кейин, аёл қўққисдан ўрнидан туриб, "ҳожатга чиқиб келаман" деб шивирлабди-да, хонадан чиқиб кетипти. Кейин орадан кўп ўтмай тун қоронғусида ўзининг ўрнига опасини киргизиб тоборапти. Опаси жуда бадбашара, бир кўзи ғилай, юзи ғалвирдай чўтир экан, у бир вақтлар чечак касали билан оғриган экан. Бу аёл ўзининг синглицидан анча катта бўлса ҳам ҳеч қачон эрга тегмаган ва биронта эркакнинг ҳам эътиборини қозонмаган экан.

Хуллас, бу аёл билан тунни ўтказган қирол айғоқчиси эрталаб туриб қараса: ёнида башараси чечакдан илма-тешик бўлиб кетган хунук бир аёл ётганмиш. У даҳшат ичида сапчиб туриб, апил-тапил кийинибди-да, бу макр масканидан тезроқ қочиб қолишти.

Чўтир хотин эса ўша тунда ҳомилалик бўлиб қолган экан — вақт ўтгандан кейин ойдай ўғил туғиб берипти. У тез катта бўлипти, ақл-идроки ҳам тез тўлишипти — уни кўрган сари онасининг қувончи адо бўлмас экан. Мактабда ҳаммадан яхши ўқир экан, болалар ичида энг келишгани, энг чиройлиги экан. У жуда кўпларнинг ҳасадини кўзғар экан, шунинг учун улар уни "етимча, отаси йўқ" деб камситишга ҳаракат қилишлар экан.

Ёши тўлишгандан кейин отам ким бўлган, қаерга кетган деб онасини жон-ҳолига қўймай сўроққа тута бошлабди. Шўрлик она унга бор гапни очиқ айтиб берипти, отангнинг ким эканини аниқ билмайман, устидаги кийим-бошига, талаффузига, қилиқларига қараганда бу одам Сеуллик бўлган деб тахмин қилиш мумкин, депти.

Ўғил йигирма ёшга тўлганда отасини излаб Сеулга йўл олипти. Шаҳар дарвозаси олдида йигит бир кўр фолбинга рўпара келипти. Йигит ўтиб кетаётганда фолбин унга хитоб қилиб, ёнига чақирипти. Сўнг унга депти:

— Билаган, сен отангни излаб кетяпсан. Сен уни эртага учратасан. Эртага Намдемунда Жанубий қопқа олдида иккита аёл билан бир эркакни кўрасан, улар ширинликлар харид қилишади. Уларни таниб ол-да, кейин орқаларидан эргашиб бор. Улар сени отангни олиб боришади.

Йигит ҳаммасини фолбин айтгандек қилди. У Жанубий қопқани топди. Унинг томи остида тунади, эрталаб Намдемун ёнида жойлашган бозорга бориб, дарров излаган одамларига кўзи тушди. Булар — иккита аёл ва харид қилинган қандқурсларни саватга солиб кўтариб олган норғул хизматкор йигит эди.

Йигит уларга эргаши. Улар йигитни тўппа-тўғри қирол саройига бошлаб боришти. У ерда ҳовлидаги айвонларнинг бирида қатор столлар қўйилиб, уларнинг устига байрам дастурхонлари ёзилган эди. Бугун хангаб нишонланадиган кун экан, яъни қиролнинг яқин одамларидан бири — унинг кўп йиллик хуфияси Пак Мусунинг олтмиш йиллик тўйи экан.

Қиролнинг содиқ хизматкори меҳмонларни муборакбод қилар экан, уларни таваллуд кунига, яъни ҳар қандай корейснинг ҳаётидаги энг асосий байрамга ташриф буюрганлари учун миннатдорчилик билдирди. Лекин шу билан бирга ўзининг жуда теран дардини ҳам изҳор қилди — бу байрамда унинг фарзандлари иштирок этмаяпти, агар улар бўлганида қадимги расм-русумга биноан унинг олдида таъзим бажо келтирган ва бир қадаҳ шароб тутган бўлишар эди. Бутун умрини давлатпаноҳ хизматига бағишлагани учун у оила қуриш имконига эга бўлаолмади, шу туйғайли эндиликда унинг меросхўр бўладиган ўғли йўқ.

Шу чоқ:

— Бор ўғлингиз! — деган овоз янгради.

Кейин жуда келишган, лекин фақирона кийинган йигит ҳамманинг нигоҳи қаршисида пайдо бўлди-да, сўнг Пак Мусунинг олдида ергача эгилиб таъзим қилди.

— Сен кимсан? Қаерликсан? — деб сўрай олди ҳаяжонланган Пак Мусу.

— Бир замонлар битта чўтир, бадбашара аёлдан эътиборингизни дариф тутмаганингизни эслайсизми?

— Эслайман, албатта ... Кўп бўлди бунга ...

— Бу аёл бутун умри давомида фақат бир марта эркак кишига яқин бўлган. Сиз билан ... Мен эса шу аёлнинг якка-ю ёлғиз ўғлиман.

Шунақа гаройиб бир тарзда яна бир карра ҳақиқат ўз тасдиғини топди: инсон тақдирини само белгилайди ва унинг ҳамма яхши ишлари, албатта, тақдирланади, ҳатто бу ишлар жуда хуфия тарзда қилинган бўлса-да, ва уларни қилган одам кейинчалик унутиб юборган бўлса-да, улар, барибир, тақдирланади. Само ҳамма нарсани эсида тутлади.

СЕҲРГАР ТЕН УЧИН

Тен Учин кўчада кетиб бораётиб қараса, бир бадавлат хонадоннинг олдида одамлар тўпланиб турган эмиш. Ичкаридан мусиқа садолари эшитилияпти, дўмбиралар чалиняпти. Тўй бўлаётганга ўхшайди, деб ўйлапти Тен Учин ва ичкарига кирипти. Лекин ичкарида тўй эмас, бадавлат янбанлар сатанг аёллар билан машат қилишаётган экан. Улар аёлларни тиззаларига ўтқизиб олиб, сонларига шاپатлаб, шароб ичишга мажбур қилишар ва ўзлари ҳам еб-ичиб ҳордиқ олишмоқда эдилар?

Моҳир Тен Учин остонада ўтириб, ўзлари дастурхонга таклиф қилиб қолишар, деган умидда жимгина кута бошлабди. Бироқ, жаноблар унга ўқрайиб қараб

қўйишипти-да, хизматкорларга сарқитлардан бериб, ўзини ҳайдаб солишни буюришипти.

Тен уларга миннатдорлик билдирипти ва чиқиб кетишидан аввал шундай депти:

— Дастурхонинглар тўкис, зиёфатинглар зўр экан. Лекин негадир шафтолини кўрмаяпман. Шафтолисиз ҳам байрам столи бўлар эканми?

— Қанақа шафтолини айтяпсан, итдан тарқаган? — деб ўшқиришди унга.

— Қишда шафтоли бўларканми?

— Астойдил қидирса, топилади, — деб жавоб берди моҳир Тен Учин.

— Қани, бўлмаса, бориб топиб кел-чи! — деб масҳаралаб қувиб солишди Тен Учинни маст-аласт янбанлар.

— Топсанг олиб кел! Сени пойлаб ўтирамиз!

Тен Учин чиқиб кетди, лекин зум ўтмай қайтиб келди. Унинг этаги қип-қизарган шафтолига тўла эди. Сатанг қизлар уни кўриб стол теграсидан сапчиб туришди. Тен Учин уларнинг олдига шафтолини тўкди. Қизлар шодликларидан чувиллашиб юборди.

Қизлар талашиб шафтолини олишар экан, Тен ҳеч кимга билинтирмай уйдан чиқиб кетди.

Қизлар олтиндек товланиб турган шафтолиларни энди тишлаган ҳам эдиларки, улардан шира ўрнига қон тирқираб кетибди. Улар еяётгани шафтоли эмас, эркакларнинг тухуми экан.

Шунда тўсатдан маишат қилаётган зодагонларнинг ҳуши жойига келипти — улар иштонларини тимирскилаб, тухумларини излаб қолишипти, аммо ҳеч қайси-сининг тухуми жойида йўқ эмиш. Гўё ҳеч қачон бўлмагандек!

Моҳир Тен Учин шунақа устаси фаранг! Уни хафа қилсанг, баалога қоласан.

Яна бир куни Тен бозорни айланиб юрган экан, қараса, икки киши шовқин кўтариб жанжаллашиб турган эмиш. Уларнинг бири тартибот соқчиси, иккинчиси деҳқон йигит — иккови ҳам тўнғизнинг калласини талашиб, икки томонга тортқилашаяпти. Соқчи бир қўлини бўшатиб олиб, деҳқоннинг қулоқ-чеккасига тартсаки тортиб юборипти. Деҳқон гандираклаб кетипти, лекин тўнғизнинг бошини қўйиб юбормапти. У икки кўзи чақчайиб соқчига қарар ва овози борича ўкириб йиғларди. Тен ундан:

— Нима гап ўзи? — деб сўрапти.

Деҳқон йигит йиғи аралаш жавоб берипти:

— Онам чўчқанинг бошини олиб келишни буюрган эди.

— Хўш?

— Мен сотиб олдим. Манави одам бўлса тортиб олиб қўймоқчи бўляпти. У кишига газакликка керак эмиш.

Тен Учин соқчига қаради — унинг башарасига қараб бўлмас эди — қип-қизил, маънисиз, учига чиққан пиёнистанинг башараси. Тен деҳқоннинг қўлига шапатилаб бир урди-да, буйруқ берди:

— Қўйвор!

— Нега энди? Сира қўйвормайман-да! — деб жавоб берди у.

— Қўйвор, яхши бўлади.

Деҳқон гапга кириб, қўлини тортди. Соқчи дарҳол уни қўлтигига уриб, йулга равона бўлди... Шунда бирдан тўнғизнинг ўлик бошига жон кирди, у оғзини очиб, соқчининг тирсагидан қаттиқ тишлади. У оғриқдан дод деб юборди.

— Войдод! Ёрдам беринглар! Чўчқа қўлимни узиб оляпти.

— Ҳой, сен ўзинг чўчқадан бадтар экансан. Яна камбағалларни хафа қиласанми? — деб ҳайқирди Тен Учин.

— Йўқ! Ҳеч қачон хафа қилмайман. Мени қутқаринглар! — деб ёлворди соқчи.

Шу чоқ тўнғизнинг боши унинг қўлидан гурсиллаб ерга тушди. Соқчи бу даҳшатли бошдан қутулганидан хурсанд бўлиб, бозордан жуфтакни ростлаб қолди. Бир зумда унинг қораси ўчди. Тен Учин деҳқон йигитга деди:

— Нега қараб турибсан? Каллани тезроқ олу, онангга олиб бор!

— Тишлаб олади-ку, — деди у хавотирланиб.

— Кўрқма, сени тишламайди, — деб ишонтирди сеҳргар.

Яна бир гал ёз фаслида у бир қишлоқдан ўтиб кетаётган эди. Қараса, бир бадавлат хонадоннинг ёнида шоҳлари тарвақайлаган хурмо тагида янбанлар шах-

мат ўйнаб ўтиришипти. Кўз илғамас олисларга чўзилиб кетган далаларда эса похол шляпа кийган деҳқонлар меҳнат қиляпти. Тен Учин ўзининг ишлари туфайли шошиб кетаётган эди. Шунинг учун янбанларнинг ёнидан индамай, тўхтамай ўтиб кетди. Янбанлар эса уни чақириб тўхтатишди.

— Кўрмаяпсанми, қаршингда муҳтарам зотлар ўтирипти, — деб танбеҳ беришди улар. — Мана, масалан, вилоят бошлиғининг ўзи ҳам шу ерда.

— Узр, узр, гуноҳқорман, халақит бермайин деб эдим, — деб таъзим қилди Тен.

— Модомики, гуноҳқор бўлсанг, бери кел. Қани ўтир-да, биронта эртак айтиб бер.

Жаноблар зерикиб ўтиришганди, улар кўнгилхушлик қилишни истардилар. Тен Учин майсага ўтирди, пешонасидаги терини сидирди ва деди:

— Бунақа иссиқда эртак ҳам эсга келақолмайди. Ундан кўра, муҳтарам зотлар, сизларга яқинда кўрган бир тушимни айтиб берақолай.

— Туш бўлса, туш-да. Майли, айтақол.

— Тушимда, — деб гап бошлади Тен, — мен осмонга чиқиб қолибман.

Осмон тиниқ, қуёш чарақлаган, худди бугунга ўхшаган соз бир кун экан. Жаннат дарахтлари яшнаб турипти. Ҳаммасида шигил мева. Қарасам, бир дарахтда гуж-гуж бўлиб бананлар осилиб турипти. Роса пишган. Бирам чиройли!

Бирдан бананни хоҳлаб қолдим, банан егим келиб кетди. Бироқ шу заҳоти миямга бошқа фикр келиб қолди. Яхшиси, мен бананларни узиб ола-ю, муҳтарам янбанларга олиб борай, деб ўйладим. Ўша жойда худо сизларни кўнглимга солса бўладими! Мана шунақа ғаройиб тарзда сизлар билан кўришишдан аввал сизларнинг борлигингиздан хабар топдим, жаноблар.

Янбанлар бош ирғашиб жилмайишди. Бўлис бошлиғи эса маъқуллаб гап қотди:

— Ана, кўриб кўйинглар! Юртимизда қандай ажойиб фуқаромиз яшайди. Ҳаммадан аввал ўзини эмас, бошлиғини ўйлайди.

Бу орада Тен Учин давом этди:

— Атайин сиз учун, муҳтарам бўлис бошлиғи, энг пишган, энг катта бананни узиб олмоқчи бўлдим. Бананни чангаллаб олиб тортаман, тортаман денг, қани энди у сабил узилақолса. Бор кучимни ишлатиб бураб ҳам тортдим, чўзғилаб ҳам тортдим, фойдаси бўлмади. Анча вақтгача уриндим. Кейин уйғониб кетдим, қарасам, қўлим билан ўзимнинг танг-тангимни эзғилаб, чўзиб ётибман. На илож! Шунақа қилиб, сизларни банан билан сийлай олмай қолдим, муҳтарам янбанлар. Минг карра — минг бора узр, жаноблар!

СУЮҚОЁҲ ХОТИН

Бир одамнинг хотини бевафо экан — бундан эри шўрлик кўп изтироб чекаркан. Рост-да, хотин бутун қишлоқдаги эркаклар билан юриб чиққан — роҳатини у киши кўради-ю, бутун лойқа эрнинг юзига чапланади. Хотини жуда шум — ҳеч қўлга тушмайди, жанжал қилсанг, бир бало деб гап топади, сувдан қуруқ чиқади. Буларнинг бари эрининг жонига тегиб кетди — у нима қилиб бўлса-да, хотинини қўлга тушириб, таъзирини беришга аҳд қилди.

Бир куни у хотинига "иш билан кетяпман, кечаси келмайман" деди. Бу гапни эшитиб, хотинининг чеҳраси ёришди. Эр уйининг рўпарасидаги бутазорга кириб, биқиниб олди-да, сабр-тоқат билан кута бошлади. Унинг уйи кичкинагина эди, бор-йўғи бир эшигу, бир деразаси бор эди, холос. Шундоқ бўлгач, уйга биронтаси ҳам билинтирмай киролмас эди.

Кўп кутишга тўғри келмади. Қоронғи тушиб улгурмай, хотинининг ўйнаши пусиб келди-да, лип этиб уйга кириб кетди. Эри пистирмадан чиқиб, мушти билан эшикни тақиллата бшлади.

— Оч эшикни. Ҳойнаҳой, итдек чақишиб бўлгандирсизлар аллақачон.

Уйдаги ёлғиз дераза шу қадар кичкина эдики, у ердан катта одам сира ўтолмасди. Хотинининг суйгилиги ҳеч қаёққа қочиб кетолмаслигига эрнинг ишончи комил эди. Бироқ у хотинини яхши билмас эди.

Ниҳоят, эшик очилиб, эри шифти пастак уйга бошини суқиши ҳаманоқ хотини эпчиллик билан эрининг бошига сопол кўзачани кийгизиб қўйди. Бу ҳам етмаган-

дай, кўзачанинг устидан бир-икки шапатилаб ҳам қўйди. Эри турган жойида деп-синиб, кучи борича бўкириб, бошини тор кўзачадан олишга уннаб ётар экан, хотинининг суйгилиги аллақачон жуфтакни ростлаб қолган эди. Ниҳоят, эри бошидаги кўзачадан халос бўлишига муваффақ бўлди, лекин хотини унинг қаршисида гўё ҳеч нарса бўлмагандек пинагини бузмай бепарво турарди. Мутълик билан бошини қуйи солиб хотини зорлана кетди:

— Янбанлар шунақа шляпа кийишар экан. Қани, энди, менинг эргинамда ҳам шунақа шляпа бўлса... Сенга хўб ярашар эди-да. Қани, энди, сенга ҳам бир омад қаулиб боқса... Вой, эргинамдан ўзим ўргилай, бирам келишган эрим борки...

Эри бўлса аччиғи келиб, ғазабдан ёрилиб кетай деди, гапни кўпайтирмай, хотинини дўппослай кетди, сочларидан судраб тепкилади. Хотин эса иложи борича калтакка чап беришга ҳаракат қилар, лекин жағи бир зум ҳам жаврашдан тўхта-масди:

— Ур, ур мени, аҳмоқ. Барибир, мен истаган нарса бўлади. Кимни хоҳласам, шунга бераман. Шундай қилмоғим мумкинки, сен ёнимда гўдайиб тураверасану, ҳеч балони фаҳмламайсан.

Ниҳоят, эр хотини билан олиша-олиша чарчади, уни қўлидан қўйиб юборди. Хотини зарб еган жойларини силаб-сийпалашга киришди, ёрилган жойларини ювди, юзининг қай бир жойларига иссиқ сув қўйди, сочларини тўғрилаб, ўзига оро берди. Яна эридан кўнгил сўраб ҳам қўйди:

— Ҳа, кўнглинг жойига тушдимми?

Эри нафасини ростлаб олиб, ҳорғин товушда деди:

— Боя нима дединг, беҳаё? Мен ёнингда тураману, ҳеч нарсани кўрмайманми?

— Сен ёнгинамда турасану, бошқа эркак билан дон олишаётганимни кўрмайсан. Мени барибир, қайтара олмайсан.

— Бундай бўлиши мумкин эмас. Итга ўхшаб бекорга акиллама.

— Гапим рост бўлса-чи? Агар тўппа-тўғри сенинг кўз ўнгингда бошқа одам билан дон олишсам, кетимдан пойлаб юришларинг бефойда эканини тушунасанми?

— Тушунаманми-тушунмайманми, сенга барибир эмасми?

— Сенга раҳмим келиб кетди-да, эргинам. Агар сен мени ўз ҳолимга тинч қўйсанг, балки сенга хиёнат қилишни ўзим бас қиларман.

Эру хотиннинг жанжали шу нуқтага келиб тўхтади, улар ухлагани ётишди. Кўп ўтмай эр ухлаб қолди, хотини эса ухлаёлмай тўшакда ағдарилиб чиқди. Бир маҳал у кўрпанинг ичидан оёқларини чиқариб олди.

— Уй исиб кетди. Ҳамма ёғим ёниб кетай деяпти, — деб гудранди у ва кўрпани бутунлай очиб ташлади. У пастак деразанинг олдига бориб уни очди-да, орқасини деразадан чиқариб, шабадага тутди. Жиндай шабадалатиб олмаса бўлмайди. Лекин хотин билардики, ўйнаши ҳали узоқ кетгани йўқ, шу ўртада айланиб юрипти. Чиндан ҳам шундай экан, бир зумда у дераза олдида пайдо бўлди. Деразадан чиқиб турган тоғорадай хазинани кўриб, бир зумда унинг олдига келди-да, керакли жойга таранг танг-тангини суқди. Унинг ҳар ҳаракатидан кичкина уй нари бориб, бери кела бошлади. Эр бўлса тўшакда ухлаб ётар ва уйқуда ҳайрон бўлиб қўярди — роса чарчаган экан-да, ҳамма нарса чайқалаётгандай бўлиб кўринади-я.

Ўйнаш эса ишини битириб бўлди-да, бундан хотинни огоҳ қилмоқчи бўлиб, энди керак бўлмай қолган хазиначи бир тепиб, деразанинг ичига киргизиб юборди. Хотин шалоп этиб эрининг устига тушди. Эри ётган жойидан сапчиб туриб, юраги така-пука бўлиб сўради:

— Ҳа, нима бўлди?

— Сен ҳеч нарса сезганинг йўқми? — деб сўради хотини.

— Нимани? — ҳайрон бўлиб сўради эр.

— Мен сенга айтган гапни пайқамадингми?

— Наҳотки? Вой қанжиг-ей ... — деб лол қолди эр.

Хотинчаси нима дейди денг:

— Хўш, энди ишондингми?

— Ишондим.

— Энди мени тинч қўясанми?

— Билганингни қил, хотин. Жин урсин сени ...

Улар шундай тўхтама келишди. Хўш, сиз нима деб ўйлайсиз? Ҳақиқатан ҳам, ўшандан бошлаб суюқоёқ хотин эрига хиёнат қилишни йиғиштирди. Ҳолбуки, бунга қадар эр хотинига қанчалар зугум қилганди, хотинининг нафси ёмонлигидан ўзи ҳам хўп азият чеккан эди. Ахир, қишлоқ жойларда хотини эрига хиёнат қилдиган бўлса, жамоа бунинг учун эрни қаттиқ жазолайди. Хотинга ҳеч бало урмайди, эрни бўлса кўпчилик дарралашади. Эр бундан бўён ўзининг эрлик вазифасини сидқидилдан бажарсин дейишади, хотинни ҳар қанча нафси ёмон бўлса ҳам эрининг бошқаларнинг танг-тангига кўз олайтиришига ҳеч қандай баҳона қолдирмаслиги керак.

ТУЗФУРУШНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ

Бир одам қирқ ёшига қадар тузфурушлик қилган экан. Унинг бир кўзи гилай бўлган экан, бисотидаги бор буди битта қирчанғи отдан иборат экан. Туз солинган қопларини шу отга ортиб юраркан. Ундан бошқа шимилтириғи ҳам йўқ экан. Агар гапнинг индаллосини айтадиган бўлсак, кейин бор ҳақиқатни рўйирост ўртага ташшайдиган бўлсак, айтиш керакки, бу одам ҳеч қачон одамлар хонадонига қабул қилиб олишни истаган кўримли куёв ёки қимматли меҳмон бўлган эмас. Унинг бутун умри шу кўйи буйдоқликда ўтган.

Кунлардан бирида у тоғ доvonини ошиб ўтиб, шундоққина йўл бўйида ўсган ёлғиз дарахтнинг соясига ўтириб дам оладиган бўлипти. Етаклаб олган оти ҳам дам олишга тўхтаганларига хурсанд бўлипти — шу заҳотиёқ у дарахт соясида тик турганича бошини эгиб мудраб кетипти. Дарахтнинг ёнида бир уюм тош, бўш шишалар, синган хурмачалар, ҳар хил суяклар, латта ўралган ёғочлар тоғдай бўлиб ётипти. Уларни кўпдан-кўп йўловчилар олиб келиб, шу ерга қалаштириб ташлаган. Ўтган-кетганлар шу уюмга сажда қилишиб, ибодат қилишади. Одамзод доvonнинг энг юқори нуқтасига етгач, бундан кейинги йўли раvon, ҳар хил хавф-хатарлардан ва кулфатлардан холи бўлсин, деб бир тўхтаб, ибодат қилиб олмоғи лозим эди. Бу жой Ажина маскани деб аталарди. Довондан ошиб ўтган кўпгина йўловчиларнинг гувоҳлик беришича, бу ерда бир ажина ҳукмронлик қилар экан; унинг дўқ-пўписалари унчалик қўрқувли эмас экану, ўзи жуда кучли экан. Шунинг учун ҳамма йўловчилар унга сажда қилиб, бўлар-бўлмас арзимас совғалар беришаркан, бунинг эвазига у йўловчиларни қийноққа дучор қилмай, йўлларига ғовлар қўймай ўтказиб юборар экан.

Тузфуруш ибодат қилинадиган катта тош олдида бир бор ўтирганича анча вақт ўтириб қолди. Бу гал унинг негадир ибодат қилгиси келмади. У ҳатто маҳзун тортди ва ҳеч қандай баҳона-ю, сабабсиз йиғлаб юборишига сал қолди. У ибодат қилиш ўрнига алам билан Ажинага шундай гапни айтиб юборди: "Ҳой бекам, агар сенга жуда зарур бўлса, майли, отимни ол, майли, бор буд — шудимни ол. Фақат менинг сўнги илинжимга тегмасанг, бас. Ундан кўра қўй, унга изн бер, у кўнглига сиққанича ўйнаб яйрасин". Шу гапларни айтиб у тиззалаб турибди-да, иштонини ечиб, ибодат қилинадиган тошнинг устига чўзилтириб эркаклик дастмоясини қўйипти.

Бунақа "ибодат" дан кейин тузфуруш дарров тинчлана қолмапти, тинчигандан кейин эса ўзини бироз толиққан ҳис қилиб, майсага ёнбошлапти, бир неча муддатга кўзи илинипти. Тушида йўғон гавдали, тўладан келган юзи ҳаддан зиёд хунук бир аёлни кўрипти. Аёл ҳавода сирпангандай сузиб келиб, унга тикилиб қарапти-да, хаёлчан депти: "Мен анчадан бери шу жойларда яшайман, жуда кўп одамларни кўрдим... Лекин бунақа эркакни кўрган эмасман. У мени гоётда таажжублантирди. Қани, марҳамат қилиб, ўзинг айт-чи, ҳозир сен дунёда ҳар нарсадан ортиқ нимани хоҳлардинг?" "Тузфуруш тушида ўйлаб ҳам ўтирмай жавоб берипти:

"Қорнимни аёл қорнига кўпроқ ишқалаб ётсам, ётаверсам".

Шу гапни айтиши билан шўрлик уйғониб кетипти ва шу заҳотиёқ шаккоклигини паққос унутиб юборипти, чунки у ухлаб ётганида оти анча нарига кетиб қолипти. Ҳозир у тубсиз жарликнинг лабгинасида ўтлаб юрган экан. Буни кўриб туз-

фуруш қўрқиб кетипти. У аста пусиб отининг ёнига боришти-да, жиловидан ушлаб йўлга олиб чиқипти ва довондан пастга томон йўл олипти.

У йўл-йўлакай аллақандай бир қишлоққа кирипти, устига юк ортилган отини етаклаб, тор кўчадан юрипти, бир уйнинг олдидан ўтиб кетаётганида, тўсатдан дарвозадан бир кампир югуриб чиқиб, отининг жиловидан ушлабди.

— Тўхта! — деб қичқирипти у. — Нима жин урди сени? Куёв ҳам шунақа бўладими? Қайнонанинг уйини олдидан кўрмагандай ўтиб кетяпсан-а? Қани, ҳайда отингни ҳовлига! Бу ерда сени кўндан бери кутишяпти!

Тузфуруш ҳеч нарсани тушунмапти, лекин ҳеч нарса деб гап қайтармапти ва уни зўрлаб олиб киришмоқчи бўлган уйга бамайлихотир кириб борипти. Уйда уни зиёфат қилишипти, ҳар хил йўллар билан кўнглини олмоқчи бўлишипти, кейин эса аллақандай дўмбоққина жувон билан хобхонага итариб киргизиб юборишипти...

Қадимда бир одат бўлган экан — келин билан куёвнинг қовушиш кунини фолга қараб белгилашар эканлар. Улар фақат шу кунигина бир-бирларининг висолига етишар эканлар, ундан аввал қовушишлари мумкин эмас экан. Баъзан фол шунақа шафқатсиз чиқар эканки, шўрлик куёв ўзининг қонуний қаллиғига бир йилдан кейин, баъзан эса ҳатто икки — уч йилдан кейин етишар экан. Тузфурушнинг бошига тушган ишда эса фол қовушиш муддатини унча узоқ кўрсатмаган экан, лекин негадир куёв белгиланган муддатга етиб келмабди. Кўзлари тўрт бўлган келиннинг онаси уч кундан бери кўчада дарвоза олдида йўл пойлади — куёвнинг ўтиб кетиб қолишидан кўрқади. Ниҳоят, шу бугун тузфуруш тузоққа илинди ... Тузфуруш хонада чироқни ўчирганларида ҳам индамади, устидаги ҳамма кийим -кечагини ечинтириб, ўзини тўшаб қўйилган ўринга ётқизганларида ҳам эътироз билдирмади. У бажонудил жувоннинг ёнига ётди, жувон ҳам ҳар хил мулозиматлар билан унинг кўнглини олмоқда эди. Тунги ишларда у шунақа ғайрат кўрсатдики, авваллари ҳеч қачон ўзининг туз савдосида ҳам бунақа ғайрат кўрсатмаган эди.

Эрталаб кампир эшикни қоқди.

— Куёвжон, турақолинг энди! Отингизни суғориб, ем-пем бериш керак. Ўзингиз ҳам нонушта қилиб олмоғингиз керак.

Жувоннинг илиққина бағрини тарк этишга тўғри келибди. У ўрндан туриб, кийимини кия бошлади. Уйқусираганидан анчагача шимининг почасини тополмади. Хонадан сочлари тўзғиган бир ҳолатда чиқди. Шу пайт уни қўшнингнинг ўғли кўриб қолди — у сопол идиш кўтариб тутатқи учун оловга чиққан эди.

— Ие! — деб хитоб қилди бола. — Бу ким бўлди? Куёвнингларми, дейман?

— Кўрмайсанми? — деб жавоб берди кампир. — Кўзингни ёғ босдимми? Куёвмиз-да! Ниҳоят, етиб келди.

— Йўқ, бу куёвнинг эмас. Совчиликка бошқа одам келган эди-ку! — деди бола.

— Қанақасига?

— Шунақасига! Совчиликка келганнинг ўнг кўзи ғилай эди, буники — мана, ўзингиз кўринг, чап кўзи ғилай экан.

— Бўлиши мумкин эмас. Бунини аниқлаш керак.

Тафтиш қила бошлабдилар — кўп ўтмай ҳамма нарса равшан бўлди. Нонуштадан кейин тузфуруш бу меҳмондўст уйни шоша-пиша тарк этишга мажбур бўлди.

У йўлида давом этди, йўл-йўлакай ҳар хил қишлоқларга кирди, отини жиловидан етаклаб, кўчама-кўча юриб, йўғон овозда:

— Со-гом! Со-гом! — дея ҳайқирди. Бу “туз, туз” дегани эди.

Кечқурунга бориб савдоси тугади, у тоғлик бир қишлоқнинг чеккасига бориб қолган эди. Энг четки уйни тақиллатиб, тунаб кетишга ижозат сўради. Уйнинг бекаси навқиронлик даври аллақачон ўтиб кетган, лекин ҳали ўзи унча қариб улгурмаган, майиздақина, ёқимтой аёл экан. У аввалига “йўқ” депти. Уйда эри йўқ экан, уйга бегона одамни киритса ноқулай бўлади. Бундан ташқари, ҳозир у марҳум акасиникига азага бормоғи керак.

— Лекин, майли десангиз, ўзингизни ёлғиз қолдиришим мумкин, — дебди аёл гапининг охирида.

Тузфурушнинг иложи қанча, у рози бўлипти, бека уни ичкарига қўйипти. Аёл кетатуриб қаттиқ тайинлапти:

— Мендан бошқа ҳеч кимга эшикни очманг. Ухласангиз, бошқа хонага кириб ухланг. Мен уйга кеч қайтаман.

Шундай деб аёл кетипти. У ўтирипти, ўтирипти, кутиш жонига тегиб кетипти, бошига қўлини қўйиб, ерга ёнбошлапти. Аммо кўзи илинишга улгурмай, эшик тақиллапти. Кейин бир эркакнинг настигина овози эшитилипти:

— Очинг!

Тузфуруш беканинг тайинлаб кетганини эслаб жавоб берипти:

— Очолмайман.

— Нега очолмайсан, севгилим? — деб ҳайрон бўлипти тунги меҳмон. — Мен сенга пул олиб келдим-ку?

Буни эшитиб тузфуруш уй бекасининг боя кўришганда туюлган даражада тегманозик аёл эмаслигини фаҳмлабди.

— Пулингни эшик ёнига илиб қўйилган хуржунга сол-да, ўзинг кетавер, — деб жавоб берипти тузфуруш овозини аёлларники сингари ингичка қилишга уриниб. — Янаги гал бепул келарсан, бугун мазам қочиб турипти.

— Овозинг ҳам бошқача чиқяпти, севгилим, — деб гумонсираб сўрапти меҳмон.

— Касаллигим туфайли овозим ҳам ўзгариб қолди-да, — деб жавоб берипти тузфуруш.

Эшик ортидаги одам бу гапдан қаноатланипти.

Тунги меҳмон кетипти. Орадан кўп ўтмай тузфуруш яна мудраб қолипти. У ярим кечадан ошганда — бека азадан қайтиб келганда уйғонипти. Аёл бир бола билан бирга келипти. Қўлида фонус кўтариб олган бу бола аёлниг жияни экан, у холасини нақд уйгача кузатиб келипти. У жиянини "ётиб қол" деб қистамапти, бола орқасига қайтиб кетипти. Аёл шундан кейингина эшик қоққач, тузфуруш дарҳол эшикни очди.

— Хўш қалай? Бирор одам келдими? — дея сўради аёл.

— Биттаси келиб кетди, — деб жавоб берди у. — Эртага яна келама деди.

— Ундай бўлса, ётиб ухлай қолайлик.

Бу гал ҳам тузфуруш довоннинг кўзга кўринмас бекаси ёрдамида текин бахтга эга бўлди ва дунёда ҳамма нарсадан ортиқ яхши кўрадиган нарсасидан туни билан баҳраманд бўлиб чиқди. Тунги маишатнинг мазасини унутмаган тузфуруш эрталаб ҳаётдан мамнун уйқудан уйғонди, қуёшли кундан кайфи кўтарилди ва уйдан чиқиб, тўйиб дам олган отига миңди-да, ҳиргойи қилиб ҳовлини тарк этди. Ҳаёлан кўрсатган ҳамма марҳаматлари учун тоғ бекасига миннатдорлик билдирди.

Аммо ҳали беканинг марҳаматлари бу билан битгани йўқ эди. Бундан кейин ҳам неча марта лаб марҳаматларини дариг тутмади.

Мана бир куни — ишлар ҳаммаси буткул чаппасига кетадигандек туюлган эди. Уни бир уйга тунагани қўйишмади. Бу ҳам майли-я, эшикни тақиллатганида, очишмади ҳам — фақат уйнинг ичидан туриб, "тезроқ жўнаб қол бу ердан ёки бўлмаса, бор, анави оғилларда тунай қол", деб бақирди.

Нима қилиш керак — вақт алламаҳал бўлиб қолган. У оғилга бориб ўрнашди. Хафа бўлди, хўрлиги келди — уйдан чиққан овоз аёл кишиники эди ... Овозидан уйнинг эгаси ёш экани билиниб турарди. Тузфурушнинг юраги ҳапқириб, боши айланиб кетди.

Кейин уйга аллақандай сувори келди. Унинг бошида баланд телпак, устида янбанлар қиядиган серҳашам кафтан. Отдан сакраб тушиб, уни устунга боғлади, кейин айвонга ўтиб, эшик олдида бемалол ечинди, шляпаси билан кафтанини девордаги миҳга илиб қўйди, кейин ҳеч тап тортмай қўли билан эшикни қоқди. Эшик дарҳол очилди, у уйга кирди.

Буни кўрган тузфурушнинг кайфияти янада бузилди. У сассиқ оғилда чириган похол устида ётар экан, алам билан ўйлаб кетди: ноинсофликни қаранг-а, яхши от мингаң бадавлат янбан либосидаги одам пайдо бўлиши билан унинг қаршисидаги эшиклар дарҳол очилади.

Шунда унинг калласига бир фикр келди: бу ерда сассиқ оғилда ахлатлар ичида ағанаб ётгандан кўра, бошқа жойга бориб биронтанинг уйида тунаб қолгани ижозат сўраганим яхши эмасми? Аммо бундай қилишдан олдин манави зодагон-

нинг ҳашаматли либосини кийиб олмоқ лозим. Шундай деб, тузфуруш уйнинг айвонига биқиниб борди-да, қозиққа илиб қўйилган кафтан билан шляпани олиб чиқиб кетди. Сўнг қишлоқ бўйлаб кетиб борар экан, ой нурида катта бир уйни кўрди-да, тақиллата бошлади. Шу заҳотиёқ худди уни кутиб тургандек эшик очилди ва қоронғида сўкича-сўкина чиқиб келган аллақандай кампир унинг ёқасига тармашиб, аллақайга судрай бошлади.

Уйда чироқни ёқишмади, қоронғида тузфурушнинг ёқасидан тортқилаб, тўғри хобхонанинг эшигига олиб келишди-да, итариб ичкарига киритишди. Кампир эшикни тарақлатиб ёпишдан аввал, бир нарсалар деб бақришга улгурди:

— Тунда сен мана бу ерда ухлашинг керак, саёқ! Сенинг жуфти ҳалолнингнинг чи-чиси шу ерда. Сен бегона жойларда санқиб юрмасдан яхшилаб унинг кўнглини олмоғинг керак.

Тузфуруш эсини йиғиб олишга улгурмай, ўзини тўшак устида кўрди. Тўшакда у яхшилаб кўнглини олиши керак бўлган ўша чи-чининг эгаси ястаниб ётарди. Хобхона қоронғи эди. У ёнида ётган аёлни тузукроқ кўра олмади ҳам. Лекин шунга қарамай, тунги меҳмон ўзига топширилган ишни жуда яхшилаб уддасидан чиқди.

Эрталаб қайнона-кампир ухлаб қолган келинни уйғотмоқ учун хобхонага келди. Қелиб қараса, ёстиқда келиннинг боши билан ёнма-ён бутунлай бегона эркакнинг бир кўзи ғилай боши ётипти.

Кампир "дод" деб бақриб юборди, уввос солиб йиғлади, лекин фурсат ўтган эди. Бўлар иш бўлиб бўлган эди, энди ҳеч нарсани тузатиб бўлмасди. Ҳали замон ўғли уйга қайтиб келиб қолса, нима бўлади. Ахир, кампир қоронғида бегона эркакни ўғли деб ўйлапти-да! Кампир тунги меҳмонни турткилаб уйғота бошлади, тезроқ бу ердан қорасини ўчиришини талаб қилиб қистай бошлади.

Тузфуруш эса шошилишни хаёлига ҳам келтирмас эди.

— Уйқуга тўйганим йўқ! Ҳеч қаёққа бормаيمان! — деб кампирга қўл силтади у бошқа ёнбошига ағдарилар экан.

Шунда кампир югуриб ўзининг хонасига кириб кетди-да, у ердан бир даста пул олиб келиб, тузфурушнинг қўлига тутқазди.

— Мана сенга минг вон, муттаҳам, буни ол-да, дарров жўнаб қол.

Тузфуруш яна кайфи чоғ, ёнида бир даста пул қаровсиз оғил томон йўл олди. Қирчанғи оти билан хуржундаги согадиган тузи ўша ерда қолган эди. Аммо у оғилнинг эшигига яқинлашиши билан уйнинг ичидан кеча кучқурун ўша ерга кириб кетган одам чиқди.

— Менинг кийимим-ку! — деб қичқирди бу одам. — Кийимимни ўғирлаб қўйибсан-да! Оббо, лаънати ўғри-ей! Қани, дарҳол олдимга туш, қозига борамиз!

Тузфуруш уни аврай бошлади: кеча кечқурун кўп ичиб қўйибман, бу ишлар кайф билан бўлиб кетипти, эшикларни адаштириб қўйибман, бировнинг либосини ўзимники деб ўйлабман. Яхши одам кўринасан. Бир сафар гуноҳимдан ўтақол. Сенга азият етказганим учун бир миқдор жарима тўлашга розиман. Шу сўзлар билан тузфуруш боя кампирдан олган пулини янбанга тутқазди ... Тузфуруш тунаган уй янбаннинг уйи, кампир унинг онаси, аёл унинг хотини, пул ҳам уники эди. Тузфуруш бу пулни бировнинг тўшагида бировнинг хотини устида қилган меҳнати билан ҳалол топган бўлса-да, сира ачинмасдан янбанга қўш қўллаб тутқазди.

Бу олижаноб янбан тузфурушни беғалва, бежанжал жўнатиб юборгани эвазига ундан қанақа пул олганини билганда борми? Тезроқ, тезроқ бу қишлоқдан туёқни шикиллатиб қолиш керак. Бу қишлоқда уни ўғирлик учун қамаб қўйишлари ҳам ҳеч гап эмас!

Шундай қилиб, у яна йўлга равона бўлди, яна оқшом чўкди, уйсиз, дарбадар тузфуруш яна бирор жойдан бошпана излаши керак. Бу гап у унча бадавлат бўлмаган эру хотиннинг уйига кирди. Кўринишидан эру хотинлар жуда дилбар одамларга ўхшарди. Улар бефарзанд бўлганлари учун тузфуруш унча малол келмасам керак, деб ўйлади. Бироқ улар тузфурушга уйларида тунашга рухсат бергунча анча вақтгача бир-бирларига қарашиб тайсалланиб туришди.

Бунинг важи бор эди, албатта. Бу хонадон азадор эди, марҳумни хотирлаш бўйича бир маросим ўтказиладиган эди. Уй бекаси ярим кечагача каттакон бир дастурхон тузаб қўймоғи лозим эди. Бундай маросимга тасодифан ўтиб кетаётган

нотаниш одамни таклиф қилиш уй эгаларига эриш туюлди. Қолаверса, бундай қилиш бутунлай ножоиз эди, чунки марҳумнинг руҳи хафа бўлиши мумкин эди — демак, қурбонликка тайёрланган тансиқ овқатлар ёлғиз бу руҳ учунгина эмас, яна аяллақандай бегона одамга ҳам аталган экан-да!

Шундай бўлса-да, уй эгалари йўл одамига тунашга жой бермасликка кўнгиллари бўлмади. Хотини бир йўлини топди ва буни эрига маслаҳат қилди. У эри билан меҳмонга чеккароқдаги хонага жой қилиб беради. Фақат эри оёғининг бош бармоғига бошидаги кокилини ўраб қўядиган тизимчани боғласин-да, унинг бир учини эшикнинг дастасига боғлаб қўйсин. Фурсати келиб, ҳамма нарса тайёр бўлганда, хотини тизимчадан тортади, эри хобхонадан астагина сирғалиб чиқади-да, икковлари қўшни хонада чироқни ёқмай, қурбонликка пиширилган таомларни танавул қилишади.

Эрига бу режа маъқул бўлди, бироқ отининг ем-пемидан хабар олиб ҳовлидан қайтиб келаётган тузфуруш эшик ортида туриб ҳамма гапни эшитиб олди. Ниҳоят, эркаклар бегиланган хонада уйқуга ётганларидан кейин тузфуруш ўзини ухлаганга солди ва кўп ўтмай хуррак ота бошлади. Унинг кетидан уй эгаси ҳам хуррак отишга тушди. Лекин мезбоннинг хурраги ёлғондакам эмас, чинакам эди. Шунда меҳмон унинг оёғидаги тизимчани ечиб, ўзининг бармоғига боғлаб олди.

Ниҳоят, кутгани рўёбга чиқди, худди қармоқнинг ипидай силкиниб кетди. Тузфуруш тўшақдан пастга тушиб, тизимчани ушлаганча эмаклаб кетди. Ҳадемай у дастурхон тазалган курсининг ёнида ўтирарди. Ҳидига қараб ҳукм қилганда, дастурхонга кўпгина тансиқ овқатлар қўйилган эди. Кун бўйи очиқ ҳавода юриб, туз тотмаган тузфуруш ноз-неъматларни бир чеккадан тушира кетди. Шу туширганича дастурхондаги ҳамма нарса тамом бўлмагунча тўхтамади.

Кейин қорни тўйиб, қайғуси кетган тузфуруш ёнида ўтирган аёлнинг белидан пастроғига шапатилаб урди-да, шивирлаб деди:

— Энди нима дейсан ... Бир марта бўлмасинми?

— Қачон десанг бош устига ... Гап йўқ! — деб жавоб берди аёл.

Бу орада "керак бўлганда хотиним ўзи уйғотади" деб астойдил ишонган мезбон тонг отгунча қотиб ухлади. Бир маҳал кўзини очса, ҳамма ёқ ёп-ёруғ. Ёнида ҳеч ким йўқ.

Ҳўжайин хобхонадан чиқиб қараса, иккинчи хонанинг ўртасида хотини беҳаёлларча қўл-оёғини ҳар томонга ёйиб бемалол ухляпти. Эри унинг ётишини кўриши биланоқ ҳамма гапни фаҳмлабди. У мириқиб ухлаётган бекани турткилаб уйғотипти.

— Меҳмон қани?

— Қанақа меҳмон?

— Кечаси ёнингда ётган меҳмон-да...

— Кечаси ёнимда ётган сиз эмасмидингиз?

— Қочиб қолипти-да, аблаҳ. Ҳозир мен уни қувиб етаман-да, итдай отиб ташлайман.

Шу пайт орқа томондаги ҳовлида қудуқнинг ёнида алланарсанинг қаттиқ тақирлагани эшитилди — қандайдир бир оғир нарса сувга шалоплаб тушди. Ҳозиргина уйнинг деразасидан ташлаб қочган тузфуруш тўқимини қудуққа ташлаган эди. Уй эгасининг хаёлидан эса бошқа нарса ўтди — унинг хотинини булғаган бетовфиқ меҳмон қўрқиб кетганидан қудуққа яширинмоқчи бўлган-у, тойиб тушиб кетган бўлиши керак. Эр уйдан югуриб чиқибоқ ҳовлига қараб чопди.

Тузфурушга худди шу керак эди. Алданган эр уйнинг бир томонидан айланиб келгунча, меҳмон уйнинг бошқа томонидан айланиб ўтди. Ножўя иш қилиб қўйиб, орқасидан таёқ олиб қувлаётган эгасидан қочаётган мушукка ўхшаб, бизнинг тузфуруш дарвозадан шаппа кўчага уриб кетди. У ўзининг қари қирчанғисини айвондаги устунга боғлиқ қолдириб кетаверди. Ҳатто ҳали сотилмаган тузлари ҳам хуржунда қолди. Бир қанча вақт ўтгандан кейин доvon ошиб қайтиб келаётган тузфуруш яна Ажина масканида тўхтаб, ибодат қила бошлади. Лекин бу гал у ҳеч нарсани илтимос қилмади. — аксинча, у шукроналар қилди. Нариги дунёнинг ажинаси илтижоларини бажо келтиргани учун қуллуқлар қилди.

Шунда тўсатдан ибодат қилаётган савдогарнинг қаршисида осмондан тушган-

дай Масканинг бекаси пайдо бўлди. Савдогар кўриб, ўтақаси ёрилиб кетди — у бошини ерга қўйганча, ортиқ уни кўтаролмай етаверди.

— Қўрқма, бошингни кўтар! — деган аёл кишининг ёқимли овозини эшитди у.

Савдогар унинг гапини икки қилишга юраги бетламади ва бошини кўтарди. Унинг қаршисида баланд бўйли, оппоқ чеҳрали Маскан бекаси турарди. Бу ўша бир вақтлар тушида кўрган аёл эди.

— Истагингни бажарсам, отингни ҳам, сотадиган тузингни ҳам менга беришга ваъда қилган эдинг. Эсингдами?

— Ҳа, эсимда! — деб жавоб берди у таъзим билан.

— Мен келишганимизга биноан уларни ўзимга олдим.

— Хўп, хўп. Розиман, бекам!

— Ичинг ачишаётгани йўқми? Хафа эмасмисан?

— Йўғ-е, бекам. Унақа деманг. Аксинча. Ҳаммаси учун минг бор қуллуқ. Ниҳоят, дунёда ҳар нарсадан ортиқроқ синаб кўрмоқчи бўлганимни синаб кўрдим-ку!

— Хўш, нима деб ўйлайсан — отинг билан тузинг сен олган нарса эвазига тўлашга кўплик қилмайдими?

— Йўқ, бекам. Менимча, бу арзимаيدиган баҳо, — деб жавоб берди тузфуруш. — Қорнимни аёл кишининг қорнига теккизиб ётиб оладиган лаззатим учун бу дунёнинг ҳамма отларини беришга тайёрман. Дунёдаги ҳамма қопларга жойлаш ва сотиш мумкин бўлган тузларнинг ҳаммаси сизга бўлсин, бекам!

— Рост, мен чиндан ҳам кўпларни кўрганман. Лекин сенга ўхшаган одамни учратганим йўқ. Сен тўймайдиган хилдан экансан. Менга қара, сенинг танг-тангинг бирон марта ҳам дам сўраб илтимос қилмайдими? — деб ҳайрон бўлди Ажина.

Бу саволга тузфуруш тўппа-тўғри жавоб берди:

— Йўқ, бекам, қеч қачон илтимос қилмайди.

Ажина масканининг бекаси бошини чайқаб кулиб юборди.

— Майли, замин бўйлаб капалакдек учиб юраркансан, шу билан хурсанд бўлсанг бўлақол. Бор, отингни ол, аввалгидай қишлоқма-қишлоқ юриб тузингни сотавер, мазза қилиб умргузаронлик қилавер.

Шундай деб, Ажина ҳавога сингиб кетабошлади ва кўп ўтмай, бутунлай ғойиб бўлди. Йўл ёқасидаги тубсиз жарлик лабида эса гира-шира туман ичидан аста оти сузиб чиқа бошлади.

Бу тузфурушнинг қари қирчанғиси эди. Гўё ҳеч нарса бўлмагандек, от туёқларини диқирлатиб ўтлай бошлади.

Тузфуруш оҳиста отининг олдига борди, жиловидан ушлаб катта йўлга олиб чиқди. Юкларининг ҳаммаси жойида эди, хуржунлари тузга тўла эди.

Тузфуруш ҳамма марҳаматлари учун Маскан бекасига хаёлан яна бир бор қуллуқлар қилиб, отини етаклаб тоғ сўқмоғи бўйлаб пастга, водийга эниб кетди.



Расул ҲАМЗАТОВ

Ишқ олдида ҳамма тенг

ШОМИЛНИНГ МУҲАББАТИ

Ноибларнинг сараси,
Ахбердилавлар от солар.
Моздок, Дарго дараси
Ғайратига лол қолар.

Унга азиз мард шаъни,
Демади бу ўз ҳаққим.
Олиб келган ўлжани,
Шомилга этди тақдим.

“Йўлда қилди кўп сарсон,
Бу ўжар арман қизи”.
Асирага боққан он,
Оқарди Шомил юзи.

Сўнг ишонмай кўзига,
Бир зум кўкка тикилди.
Келиш учун ўзига
Очиқ кўксини тилди.

Унут ёр-у жароҳат,
Имом келмас ҳушига.
Дер: “Қандай исм бермиш айт,
Беҳиштнинг бу қушига”.

(Эвоҳ, бундай сулуви,
Кўрмагандим ҳеч қачон!)
“Пирим Анна дер уни”.
Ахбердилавлар лол-ҳайрон.

Чечен ва Доғистонга
Пешво айлар илтифот:
“Бу парирўй жононга,
Ўзим қўяй нафис от.

Анна — ой, нурга кўзгу,
Демак, исми Шуойнаът.
Сууюк ёрим бўлар у,
Ранжима мандан фақат.

Эътиқодим мустаҳкам,
Буни ҳамма билади”.
Шундай деб у хино ранг,
Соқолини силади.

Ва эслади Тангрига
Қанча қилса ибодат.
Ўтлар тушиб бағрига,
Сўрабди жангга омад.

“Тангрим, дин учун тинмай,
Қилич солдим, отдим ўқ.
Наҳот менинг ошиқдай,
Севмоқликка ҳаққим йўқ”.

Ноибнинг ор-номуси,
Келди бу ҳолдан, ахир,
Унинг тутқун товуси,
Шомилни этмиш асир.

Ахбердилавлар довурак,
Гапни шартга айтар ул:
“Биз қиз учун сўраб ҳақ,
Ундирагимиз катта пул.

Бойдир уруғ-аймоғи,
Тўлдирагимиз ҳамённи”.
“Бўлса ҳам олтин тоғи,
Бермасман бу жононни”.

Ноиб қалбида қутқу,
Лахча чўғдир каломи:
“Ғайридин фарзанди у,
Сиз ҳақ диннинг имоми!

Оллоҳга хуш келмас иш,
Тарқалар тоғда миш-миш”.
“Оллоҳнинг қарами кенг,
Ишқ олдида ҳамма тенг!”

“Ғанимини шер билган,
Ерга урмас қадрини.
Қиз унашиб қўйилган,
Олиб бўлган маҳрини”.

“Бундан бўлма хижолат,
Элда бор шундай ҳикмат:
Қиздан кўплар умидвор,
Бахти бори бўлар ёр”.

“Бу сатанга панд бекор,
Юрмас ҳижоб ичида.
Қаранг, на боғичи бор,
Ёқасининг учида”.

“Сен озор чекма бундан.
Ахир, йигит ҳамроҳи —
Қилич ҳам чиқиб қиндан,
Яланғоч бўлар гоҳи”.

“Баҳслашма ёвқур навкар,
Деб Анна кирди тилга.
Ҳақ йўлда турган сарвар,
Майли, билдирсин элга.

Бу қисмат ё мурувват —
Шудир умримга маъни.

Энди исмим Шуойнаёт,
Унутинглар Аннани.

Майли, келтирай имон,
Сиз сиғинган ҳақ динга.
Бошимга ташлаб чачвон,
Қиличдай кирай қинга.

Кўнглим шартларга кўнди,
Бўлурман авар қизи...”
Кўп ўтмай жангда сўнди,
Ахбердилавл юлдузи.

Олис Макка томонда,
Шомил кўз юмган чоғи,
Бошин эгди армонда,
Кавказнинг баланд тоғи...

Бўлса эди ёнида,
Шуойнаёт вафодори,
Ўша чўл осмонида,
Ўрларди кўкка зори...

Қаторимиз учмоқда,
Водийда Моздок томон.
Дафтаримга кўчмоқда,
Бу севги бўлиб дoston!..

ВАНГА ХОНИМ

Девор ортидаги сирларни бир-бир,
Айтиб берадиган башоратчи бор.
У ўша таниқли Вангахонимдир,
Мен бунга учрашгач, бўлганман иқдор.

Олдин ҳам у ҳақда эшитгандим кўп,
Яшаркан Булғорнинг чет қишлоғида.
Башорати эса таърифланар хўп,
Ҳатто Доғистоннинг олис тоғида.

Дерлар: Вангахоннинг тегса қўллари,
Тўғриси, мустарга юз бурган ҳамон,
Унга ўзгаларнинг ҳаёт йўллари,
Худди қафтдагидай бўлар намоён.

Яшириш не ҳожат, қизиққаним рост,
Мен умримга холис баҳо истадим.
Ва Вангахонимга Доғистонга хос,
Совға олиб, сафар отим қистадим.

Кексаларга суянч — ҳамроҳдир асо.
Момога узатдим нақшли ҳассани.
Топиш мушкул ҳасса ясашга зеро,
Қизил новдасидан яхши нарсани.

Катта-кичик кўзли асода асли,
Табийий гўзаллик эди мужассам.

Уларга ярашган устанинг нақши,
Ҳассани этганди янада кўркам.

У ҳассани олиб аста силади.
Сезгир бармоқлари недир излади.
Оҳиста суянди... (Жуда мустаҳкам).
Сўнгра ташлаб кўрди бир-икки қадам...

Секин шивирлади, эшитдим аранг,
Ким билан улғайдим, ўқидим қайда.
Худди башоратчи Вангахоним ҳам
Бир умр яшагандай бизнинг Цалада...

Вангахоним менга аён-ноаён,
Ишларни бир бошдан айлади баён.
Ҳатто айтди, менинг устимдан қачон,
Ким нома жўнатган раҳбарлар томон!..

Бехосдан қалбимни чулғади гумон:
Ён қўшним олдинроқ учрашиб кетган...
Сухбат охирида келтирдим имон,
Бунга ён қўшнимнинг дахли йўқ экан!

— Отанг аллақачон боқий дунёда,
Онани у томонга борган кейинроқ.
Улар сендан хафа ҳаддан зиёда,
Қўлларида ҳасса тутишган, шундоқ.

Ҳозир улар ухлар осуда, сокин,
Аммо сен у ёққа қадам қўйган кун,
Дарҳол қўлларига ҳассани олар,
Юз-кўзинг демасдан аямай солар!

— Менга ташланади? Айтинг, не учун?
Қайси ишларимдан улар норизо?
Ёшлигимда бебош бўлганлигим чин,
Ҳозир қуюлганман, юрибман сипо.

— Лекин ҳассада бор бошқача хабар,
Қўлинг теккан нақшлар кирмоқда тилга.
Биласанми сен ким? Ўғри, исрофгар —
Умрини беҳуда совурган елга.

Соф юрагинг тайёр эди ёнишга,
Сен эса бермадинг унга эътибор.
Қанча замонасоз шеърлар ёзишга,
Олтин вақтларингни сарфладинг бекор.

... Нима шеърларим бор? Эй, фикри ожиз,
Қанча шеъринг элинг дардига малҳам?
Бўкиб қолгунингча симирдинг ҳаргиз,
Қурьон тақиқлаган ичимликдан ҳам.

Мана шудир сенинг тунинг ва кунинг!
Ҳасса сирти гувоҳ ҳаёт йўлингга.
Айт, асраб қолдингми туғилган уйинг,
Ёрдаминг тегдими мунис синглингга?

* * *

Кўпдан мен туғилган кунингга гўзал,
Сенга қараб туриб қоламан ҳайрон.
Наҳот сен дунёга келмасдан аввал,
Гўзал кўрган эди бу қадим жаҳон.

Билмасман, не учун Пушкин чеккан ғам,
Шеърга солган қайси ажиб лаҳзани.
Хурлик учун Шомил жангга кирган дам,
Мадад берган кимнинг кўнгил маҳзани.

* * *

Доғистон осмони остида шу зум,
Иқдор бўлдим баланд довондан оша:

Юрдингми, ҳақиқат билан басма-бас,
Шеърингга кўчдими доим ҳур фикр?
Шу сабабдан ота-онанг бу нафас,
Сенинг қилмишингдан олар хавотир.

Дўстинг кўп...
Ким билан бўлмадинг ўртоқ?
Сен севасан...
Мен бош эгиб турдим жим.
Қандай севги ҳақда баҳслашай шу чоқ,
Ёнимда гапимни пойлар хотиним.

Индамай тингладим, бу аччиқ сўзлар,
Ярамга туз сепиб этса-да таҳқир.
Жимман, кўнглим эса ич-ичдан бўзлар,
Нетай, Вангахоним ҳақ эди, ахир!

Унинг сўзларида на сунъийлик бор,
На бирор ёлғон бор — бари ҳақиқат!
Энди қандай яшай? Сўрадим зор-зор:
Доно Вангахоним менга йўл кўрсат!

Наҳот яна сарфлаб ғайрат-шахтимни,
Бемаъни ишимдан қоламан доғда.
Ёки йироқларда излаб бахтимни,
Адашиб кетдимми ўзга сўқмоқда...

Биламан, сизларни кетурман ташлаб,
Бу дунё мендан ҳам бир кун қолади.
У ёқда қўлига ҳассани ушлаб,
Мени ота-онам кутиб олади!

Зеро, сендай гўзал кўрмаган очун,
Унга ҳаёт нури йўғрилган кундан.
Шу боис ҳайронман, билмасман нечун
Йил бошланар Исо туғилган кундан?

Бироқ йил бошланар кўпдан мен учун
Сендай гўзал барно туғилган кундан!

Шоир бўлиш учун эрта туғилдим,
Расул бўлиш учун кечикдим роса.

Асрор МҶМИНОВ
таржималари

Журжи ЗАЙДОН

Ал-Амин ва ал-Маъмун

Роман

57 - 606

АМИР АЛ-МАЪМУН

Бу орада ал-Маъмун Хуросонга етиб келгани ўқувчиларимизга маълум. Халифа Хорун ар-Рашид қазо қилганидан сўнг, вазир ал-Фазл ибн ар-Робиа қасамини бузиб, қўшин ва халифа хазинаси билан бирга Тусдан пойтахтга қайтиб келгани хабарини эшитган заҳоти ал-Маъмун эроний тарафдорларини машварат ўтказиш учун ҳузурига чақирди. Улар орасида энг яқини ал-Фазл ибн Сахл эди. Ҳаммалари шу ондаёқ йўлга отланишни, ал-Фазл ибн ар-Робиа ва унинг шерикларига етиб олиб, орқага қайтаришни маслаҳат беришди. Аммо ал-Фазл ибн Сахл нима бўлганда ҳам Хуросонни тарк этишдан ал-Маъмунни огоҳлантирди.

— Хуросондан ташқари чиқишингиз биланоқ сизни қўлга тушириб, биродарингизга туҳфа тариқасида топширишади, вассалом! — деди ал-Фазл ибн Сахл. — Яхшиси, нома битиб, чопардан бериб юборинг. Қасамёдни эслатиб, унга сўзсиз итоат қилишга давъат этинг!

Ал-Маъмун бу тадбир унчалик ҳам фойда бермаслигига кўзи етса-да, вазирнинг айтганини қилди. Бундай омонат вазиятда ал-Фазл ибн Сахл уни тинчлантиришга уринди:

— Ҳозир амирим эроний қариндош-уруғлари орасида соғ-саломат яшаб келмоқдалар. Оллоҳга қасамки, улар сизга бениҳоя содиқдирлар. Сабр-тоқатли бўлинг, халифа бўлишингизга имоним комил. Яқин орада, албатта, халифалик тахтини эгаллайсиз!

Ал-Маъмун хушфёъл, хушмуомала, очиқ юзли, ақл-заковатли, сермулоҳаза, илмни жуда қадрлайдиган инсон эди. Хуросонда турган вақтида у зўр бериб хилма-хил илмларни ўрганди, уззу-кун бу ерда яшайдиган машҳур олимлар даврасида суҳбат қуриб, улардан сабоқ олди. Ал-Маъмун қадимги халқларнинг таълимотлари, айниқса, юнон ва рум фалсафаси билан танишди. Ал-Маъмун зоҳирда ҳам жозибали шахс эди. Ўрта бўй, сочи сийрак, аммо узун қора соқолли, қошлари туташган, ёноғида қора холи бор эди. Кўзлари ақл ва эзгулик нурини сочиб турарди. Айни шу яхшилиги ва мулойим табиасти билан раиятга гоят ёқиб қолганди. Аввал Бармакийлар, сўнг эса ал-Фазл ибн Сахл тарбиясини олгани учун шиаликнинг ашаддий тарафдори эди.

Ал-Маъмун ислом ҳуқуқи ва бошқа фанлар билан муттасил шуғулланиб, айни вақтда биродари ал-Аминдан хат-хабар кутарди. Ниҳоят, бир кун Хуросонга пойтахтдан элчилар ташриф буюришди. Улар ал-Маъмунга янги валиаҳд — Муса ибн ал-Амин тайинлангани хабарини етказиб, Мусанинг номини хутбага кўшиб

Охири. Боши аввалги сонларда

ўқитишни талаб қилишлар. Ал-Амин ўс номасида ал-Маъмунни Бағдодга таклиф қилибди — халифа биродарини жуда соғинганмиш. Ал-Маъмун бу таклифдан гоят шубҳаланиб, ал-Фазл ибн Сахлга чопар йўллади: бу қалтис вазиятда дарҳол бир қарорга келиш жуда зарур эди! Вазир амир саройига келиши биланоқ, машварат ўтказиш учун бир жойга тўпланишди. Йиғинда ён-атрофдаги вилоятларнинг ноиблари ҳам ҳозир бўлишди. Машваратни ал-Фазл ибн Сахл ва биродари Ҳасан бошқарди.

— Ҳузуримга ал-Амин элчилари ташриф буюришди, — деди ал-Маъмун. — Биродаримиз ўгли Мусани валиаҳди аввал деб тан олишимизни талаб этиб, бизни пойтахтга чорлаганлар.

— Ал-Амин Мусани тахт валиаҳди деб тан олишни талаб қилишлари саййидимиз Хорун ар-Рашиднинг васиятларига тамомила хилофдир, — деди олдинга бир қадам чиқиб ал-Фазл ибн Сахл. — Амиримиз биродарлари ҳузурига бориш-бормасликлари — ўзларининг ихтиёрларида. Аммо ким амиримизнинг омон қолишларига кафолат бера олади? Бу — фақат менинг фикрим эмас. Барча хуросонликлар ҳам худди шундай деб ўйлашади. Амиримиз истасалар, буни энг обрўли хуросонликлардан бири бўлмиш Хишомдан сўрашлари мумкин.

Шу ондаёқ Хишомга одам юборишди. Хишом келгач, ал-Маъмун унинг фикрини сўради.

— Амиримиз Хуросондан ташқари чиқмайман, деб, бизга қасамёд этишлари даркор, — деди Хишом. — Бунинг аксини қилсалар, бизнинг мададимизга умид боғламасинлар. Амиримиз сафарга отлангудек бўлсалар, ўнг қўлим билан йўллари тўсаман, уни кесиб ташласалар, сўл қўлим билан. Уни ҳам кесишга буюрсалар, тилим билан ушлаб қоламан, калпамни олсалар, демак, ўз бурчимни адо этибман!

Бу сўзлар ал-Маъмуннинг кўнглини эритиб юборди.

— Хуросонликлар фикри ана шундай! — деди ал-Фазл ибн Сахл. — Улар ахир амиримизнинг она томонидан уруғлари!

Кейинроқ вазир жума намози пайтида ал-Амин номини тилга олмаслик юзасидан фармойиш бериб, биродарлар орасидаги муносабатларини яна ҳам бузиш мақсадида ёмхона билан алоқани узиб қўйди. Ал-Амин ал-Фазл ибн Сахлга бениҳоя ишониб, барча ишларни унга топшириб қўйган, “икки санъат устоди” деган унвон берган эди, боиси вазир ҳам қидич, ҳам қаламни ишга солиш бобида ўта моҳир эди - яқкама-яқка жангда ҳам, олий мақом давралар ўртасидаги ёзишмаларни йўлга қўйиб, нома битишда ҳам тенгсиз эди.

Машварат давом этаркан, мулозим кириб, Беҳзод ижозат сўраётганини хабар қилди. Ал-Маъмун вазиридан: “Беҳзод ким?” деб сўради.

— Бағдоддаги саройингизнинг табиби, — тушунтирди ал-Фазл ибн Сахл.

Ал-Маъмун:

Бағдодлик табибга айтинг, кирсин, — деб буюрди.

Беҳзод ичкари кириб, ал-Маъмун ва бошқаларга таъзим қилди. Ахир ал-Маъмун таклифи билан гиламга тиз чўкиб ўлтирди.

— Бағдодда нима гаплар? — сўради ал-Маъмун.

— Сафар тадорукни кўраётганимда аҳли Бағдод яхши одамларга мотам тутаётгани, — жавоб берди Беҳзод, — амиримизнинг оилалари эса соғ-саломат, аммо...

— Нима аммо?

— Шу аснода ўз ғаразлари ҳақи қасамхўрлик қилган олчоқ кимсаларнинг фитналари ҳам қулоғимга чалинди. Шундай бўлгач, аҳли аёлингиз аҳволи не кечди — бундан беҳабарман. Пойтахтда нималар содир бўлиши мумкин, буни ёлғиз Оллоҳнинг ўзи билади. Мабодо, амиримизнинг ўз оилаларини Хуросонга кўчириб келтириш ниятлари бўлса, фикри ожизимча, бу ишни дарҳол бажо этмоқ даркор.

— Рост сўзлади, табиб. Худо хоҳласа, шундай қилурмиз.

Беҳзод бундай дейишининг сабаби ўқувчиларимизга аён бўлса керак — у Маймунанинг ҳам Марвга кўчиб келишини жуда-жуда хоҳларди. Салмон хабар бермагани туфайли, Беҳзод Маймунани ал-Маъмун саройидан олиб чиқиб кетишганини ҳали билмасди.

— Умм Хабиба эсон-омонмилар? — яна сўради ал-Маъмун.

— Сайидамиз ҳам соғ-саломатлар, фақат падари бузрукворларини гоят соғинганлар.

Ал-Маъмун қизини эслаб, жилмайиб қўйди — у Зайнабнинг катта ёшдаги кишилардек фикрлаши, зукколиги учун ҳам бениҳоя севарди. Бағдодда кечмиш воқеа-ҳодисалардан кейин қизининг пойтахтда яшаб туриши хатарли кўринди. Шу боис қизини Хуросонга кўчириб келтиришга қарор қилди. Ёнида ўлтирган ал-Фазл ибн Сахлга деди:

— Самовий мавжудотларнинг жойлашуви нечук? Бағдодга киши юбориб, аҳли аёлимизни олиб келишимизни маъқуллайдиларми?

Ал-Фазл ўзи билан ҳамиша олиб юрадиган мўъжаз устурлобини чўнтагидан чиқариб, сарой деразасидан ташқарига бир қараб қўйди-да, алланималарни ҳисоблай бошлади. Ниҳоят ал-Маъмунга юзланди:

— Кўнгиллари хотиржам бўлсин! Бугуноқ Бағдодга чопар йўллашлари мумкин. Бу ишни эртага қолдирсалар, яна ҳам дуруст бўлур.

Ал-Маъмун мулозими ал-Навфални чақиртириб, унга эртагаёқ йўлга тушиб, саройдагиларни Марвга кўчириб келтиришни буюрди. Мулозим чиқиб кетгач, вазирига қаради:

— Элчиларга қандай жавоб берганимиз маъқул?

— Нима жавоб қилишни амиримизнинг ўзлари биладилар. Фикри ожизимча, элчилар орқали ал-Аминга нома ёзиб юборайлик. Асл мақсадларимизни пинҳон тутиб, лутфан нома битайлик, биродарингиз ихлосини қозонишга уриниб кўрайлик. Бу тадбир илми сиёсатда ҳам мақбул усул саналади.

Ал-Маъмун вазирининг маслаҳатига биноан шундай нома ёзди: “Амир ал-Муслимининг муборак номалари қўлимизга келиб тегди. Камина ўзларининг ноиблари ва мададкорларидан биридир. Падари бузрукворимиз — Оллоҳ ул зоти барокотни ғариқи раҳмат қилган бўлсин! — Халифотнинг чекка вилояти бўлмиш Хуросонни ўз ҳолига ташлаб қўймангиз, деб бизга васият этганлар ва биз мазкурни муқаддас вазифа деб билурмиз. Бизнинг Хуросонда бўлишимиз амир ал-Муслиминга ҳам, аҳли исломга ҳам бирдек зарур ҳисоблаймиз. Бағдодда жамолларини кўриш бахтига мушарраф бўлиш, соғ-саломат, тинч-хотиржам умргузаронлик қилаётганликларига комил ишонч ҳосил қилиш — олий ниятимиз эрса-да, Оллоҳ ва азиз ватан олдидаги бурчимиз бизни халифот сарҳадларини мустаҳкамлашга даъват этадур ва қаламравимиздаги вилоятни тарк қилишимизга имкон бермайдур”.

Ал-Маъмун номани элчилар раҳбарининг қўлига топширишни буюрди. Ал-Маъмун ўрнидан қўзғолди. Бошқалар ҳам туришди. Беҳзод машварат тугагани сабрсизлик билан кутар, ал-Фазл ибн Сахлга онасининг: “Ал-Маъмун ўзидан кейин ҳазрат Али авлодларидан бирини ворис қилиб қолдиришга рози бўлган тақдирдагина амирни қўлаб-қувватлаш зарур”, деган фикрини вазирга етказишга шошиларди. Беҳзод ал-Фазл ибн Сахлни кутиб, ниҳоят, у билан бирга уйига жўнади. Ёлғиз қолишгач, ал-Фазл ибн Сахлнинг машваратда айтган сўзларига таҳсин ўқиди, сўнг унга Салмоннинг хатини узатиб, очиб ўқишни илтимос қилди. Вазир хатни очиб, ўқий бошлади, аммо охирига етмаёқ хандон отиб кулиб юборди:

— Салмон янглишмаган бўлса, у ёзганидек ал-Амин ибн Маҳонни қўшинига қонд-бош қўмондон этиб тайинлагани — омадимиз чопгани! Бундан ҳам қулай вазиятни минг ўйласанг ҳам топа олмайсан. Ибн Маҳон мақтанчоқлиги ва шухратпарастлиги у ёқда турсин, золимлиги билан ҳам аҳли Хуросон ғазабига дўнор бўлган. Вилоятда Хорун ар-Рашиднинг ноибни экан, раиятни хўб эзган. Шу боис халифа тез орада уни мансабидан бўшатган. Шу-шу хуросонликлар ибн Маҳонни ёмон кўриб қолишган. Мабодо унинг қўшинига қарши жанг қилишгундек бўлсалар, ўта золимлиги учун қасос олиб, ер билан яқсон этишлари тургангап. Ибн Маҳон бўлса, хуросонликлар менга содиқ, деб ўйлайди. Шу туфайли ҳам баъзи бир кишилар унга хатлар йўллаб: “Ал-Амин қўшини Хуросон чегарасига яқинлашган ҳамоно аҳоли унинг марҳаматига инониб, таслим бўлади”, деб ёзишмоқда. Биродарлар орасида адоват бошланган кезларданоқ мен худди шунга умид боғлагандим... Ибн Маҳоннинг қонд қилиб тайинлангани айни муддаимиздир.

— Ўз режаларингиз қандай, бироз сўзлаб берсангиз...

— Биз халифа қўшинини тор-мор келтириб, ўзини тахтдан ағдарамиз, ўрнига ал-Маъмунни кўтарамиз!

— Бундан бизга не фойда? — яна сўради Беҳзод. — Ахир иккови ҳам араб, Аббосийлар авлоди-ку! Ахир Жаъфарнинг қотили — Хорун ар-Рашиднинг ўғиллари, Абу Муслимни ўлдирган — ал-Мансурнинг эваралари эмасми?

— Аммо, шуни унутмангки, ал-Маъмуннинг модари форс, — эътироз билдирди ал-Фазл ибн Сахл. — Ал-Маъмун биз каби шиалар мазхабига мансуб. Уни биз ёш боладек исталган йўлга солишимиз мумкин. У ҳамиша биз айтганни қилади.

— Халифа бўлиб олгач, ҳомийлигимиздан воз кечмаслигига имонингиз комилми? Унинг вориши бизга ён босади, деб ким кафолат бера олади? Аббосийлар бизга, бошқа элларга неча марта лаб хиёнат қилишган? Шундан кейин ҳам қандай қилиб арабларга ишонайлик!

Ал-Фазл ибн Сахл Беҳзоднинг сўзларини индамай тинглаб ўлтирди. Аммо сўнгги гапидан уйқудан уйғонган кишидек, кўзларини катта очиб, Беҳзодга қаради:

— Сен ҳақсан, Беҳзод! Асл мақсадингни мана энди тушундим... Сен ишимизнинг моҳиятини жуда тўғри англабсан. Шу бугуноқ ҳамма ишни қайтадан бошлашга тўғри келади...

Соқолини силаб ўлтирганча яна мулоҳаза қила бошлади:

— Халифасиз ҳокимиятнинг ўзи йўқ, халифаларнинг бари ҳошимийлар уруғидан чиққан. Бу уруғдан бизга кўпроқ ён босадиганлари Ҳазрат Алининг авлодларидир. Ҳозирда бизнинг бирдан-бир таянчимиз ал-Ҳусайн ибн Али ибн Абу Толиб авлоди — Ал ар-Риддир. У эсли-ҳушли йигит. Ал-Маъмун ҳам уни бошқалардан устун қўйиб, алоҳида навозиш қилади. Мен ҳозироқ ал-Маъмун ҳузурига бориб, Али бин Муса ар-Ридни тахт вориси этиб тайинлашни шарт қилиб қўяман. Шунда ал-Маъмун вафотидан сўнг халифот Аббосийлардан Алийлар қўлига ўтажак! Бу — бизнинг узил-кесил галабамиз бўлади!

Ал-Маъмун вазири шу сўзларни айтarkan, юзи ёришиб, кўзи чақнаб кетди.

— Бу — энг оқилона қарордир, — деб тасдиқлади ал-Фазл ибн Сахлнинг бу гапини Беҳзод.

У ўрнидан туриб, вазир билан хайрлашди.

— Салмондан яна бирор хабар келса, дарҳол мени огоҳ этгил! — деди ал-Фазл ибн Сахл.

Беҳзод онасининг уйига қайтди. Айрилиқ азоби юрагини ўртарди. Энди у ал-Маъмун сарой аҳлининг Марв шаҳрига етиб келишини сабрсизлик билан кута бошлади. Шундагина Маймунани кўриб, кўнгли тинчирди.

58 - б о б

АЛ-АМИН ХУРОСОНГА ҚЎШИН ЖЎНАТДИ

Ҳижрий 195-йил кирди. Ал-Амин биродарининг Хуросон вилояти ноиблигидан бўшатилаганини энди очикдан-очик эълон этиб, ал-Маъмун Хуросонда халифа номини зарб қилмай чиқарган тангаларини бекор этди. Ўз ўғли Муса номини масжидларга хутбага қўшиб ўқитишни ва уни “Ҳақиқат нозир” деб номлансин, деб фармойиш берди.

Айни шу вақтда ал-Маъмун вазири ал-Фазл ибн Сахл билан кенгашиб, қўшинни қандай қилиб қуроллантириш лозимлиги масаласини ўртага қўйди. Вазир қулай пайдан фойдаланиб, унинг олдига муҳим бир шарт қўйди. Шартга биноан, ал-Маъмун Хуросон шиаларининг пешвоси Али ар-Ридни ўз вориси этиб тайинлаш мажбуриятини зиммасига олиши лозим эди. Ал-Маъмун учун мазкур масалани ҳал қилиш жуда оғир кечди, лекин бошқа йўл топа олмай, шартга розилик билдирди. Уруш галаба билан тугаб, биродари ал-Аминдан қўли баланд келган, халифалик тахтини эгаллаган тақдирда Али ар-Ридни валиаҳди деб эълон қилишга сўз берди. Шундан сўнг ал-Фазл ибн Сахл қўшинни қуроллантириб, ҳарбий ҳаракатларга зўр ғайрат

билан тайёрлай бошлади. Тоҳир ибн ал-Хусайн қонд-бош қўмондон этиб тайинланиб, ал-Амин қўшини Хуросон томон юрса, уни қарши олиш учун Рай шаҳрига йўллади. Тоҳир ибн Маҳондан анча ёш бўлса-да, тажрибали қўмондон эди.

Беҳзод ал-Маъмун сарой аҳлининг Марвга келишини интизорлик билан кутарди. Салмондан ҳам дарак йўқ эди. Ниҳоят, ундан хат келди: “Тахминларим тўғри бўлиб чиқди! Ибн Маҳон халифа қўшинининг қонд-бош қўмондони бўлди. Ҳозир уруш очиш учун у Хуросон сари йўл олди. Шу хатни ёзаётган пайтимда қўшин Боғдодни тарк этмоқда. Халифанинг ўзи уни кузатишга чиқди. Ибн Маҳон айтишича, аҳли Хуросон уни фоят яхши кўрармиш. Улар талай нома йўллаб, унга бўйсунилларини айтишганмиш. Тоҳир ибн ал-Хусайн ал-Маъмун қўшинига қонд этиб тайинланганини эшитгач: “Ҳамадон дарасидан ўтганимиз дарагини эшитган ҳамано Тоҳир қўшини бўронда қолган дарахтдек қоқ белидан синиб кетади. Ювош қўзи жангари кўчқорга бас кела олармиди? Бизга қарши майдони ҳарбга чиққан тақдирда ҳам оёқ-қўли қалтираб, орқасига қарамай қочади! — деди. “Ал-Амин ибн Маҳоннинг бу каби чиранишларига маҳлиё бўлиб, қўшинга бошлиқ қилиб тайинлаш билан бир пайтда унга ал-Жибалнинг барча вилоятларини туҳфа қилди, шу ўлкалардан ўз фойдасига ер солиғи олишни буюрди. Хазинани ҳам унинг қўлига топшириб қўйди. Кўлаб ҳарбий куч ва пул ажратди. Эллик минг кишилиқ қўшинни қуруллангирди. Абу Дулаф ал-Ижли ва Ҳилол ал-Хадрамига ибн Маҳон қўшини билан қўшилишга фармоиш берди. Шу боис ибн Маҳон ҳали юришга чиқмай туриб, ҳамма унинг ғалаба қозонишига шубҳа қилмай қўйди.

Одатга кўра, узоқ ҳарбий юриш олдидан хайрлашмоқ учун бош қўмондон ал-Аминнинг волидаси Зубайда ҳузурда бўлди. Зубайда ал-Маъмун урушда энгилиб, асир олингудек бўлса, унга раҳм-шафқат қилиш зарурлигини таъкидлади:

— “Амир ал-Муслиминни кўпроқ яхши кўрсам-да, бошига фалокат тушгудек бўлса, Абдуллоҳ ал-Маъмунга ҳам юракдан ачинишим турган гап. Ўғлим ал-Амин ўз биродарига қарши уруш очишга мажбур, аммо у ал-Маъмуннинг ҳалок бўлишини асло истамайди. Ал-Маъмунни ўз қадрдон биродари деб билади. Шу боисдан сен, — деди Зубайда ибн Маҳонга, — амир ал-Маъмунга қўпол муомала қилма, у сенинг тенгинг эмас. Уни оғир ишларни бажаришга мажбур этма! Оёқларига кишан уриб, бўйнига занжир боғлама, жориялари ва мулозимларига тегма, йўлда сўкиб-нетиб ўтирма, ундан олдинга ўтиб кетма, ёнида эмас, орқароқда юр, у сени сўкса, индама. Мабодо бирор кор-ҳол бўлса, манави кишанларни ишлат. Зубайда ибн Маҳонга ёнида турган кумуш кишанларни олиб узатди.

— Ҳамма айтганларингизни бажонидил бажараман, — жавоб қилди сарқарда. Амир ал-муслимин ҳам шу каби сўзлар билан ибн Маҳонни кузатиб қўйди. Ўзингизга маълумки, ал-Маъмун ўз сарой аҳлини Марвга олиб келиш учун Бағдодга одам жўнатган. Тез кунда улар етиб боришади. Улар билан бирга Маймуни ҳам кутиб оламан, деб умид қилмасинлар. У шу ерда, Бағдодда қолади. Сизни хафа қилмаслик учун бу ҳақда аввал хабар бермагандим. Аммо энди буни сир сақлаб бўлмайди. Ҳамма гапни Дононир ва бошқа одамлардан суриштириб-билиб оласизлар. Маймуна халифанинг саройида яшамоқда. Умидсизликка тушиб, унинг тақдирдан ортиқча хавотир олмасинлар. Маймуна ал-Амин саройига қандай келиб қолганини Дононирдан эшитадилар. Содиқ хизматкорингиз Салмон Маймуни ҳар қандай балодан сақлашга қурби етади.

Беҳзод хатни ўқиб, кўз олди қоронгулашиб кетди. Маъшуқаси ғаддор душманни саройида эканини тасаввур қилишнинг ўзиёқ этини жимирлаштириб юборди. Бу тўғрида Салмоннинг шунча вақт хабар бермагани, айниқса, қаттиқ ранжитди. Саросимага тушиб, қандай йўл тутишини билмай қолди: “Ибн Маҳонни Рай шаҳри остонасида кутиб олиш учун йўлга чиқсинми ёки Дононир келишини кутсинми? Бу ерда қолса, ундан ҳамма гапни билиб олган бўлурди. Беҳзод худди шундай қилди. Муҳаббат ҳамма нарасадан устун экан! У ал-Маъмун сарой аҳлининг келишини яна сабрсизлик билан кута бошлади. “Улар келгандан кейингина майдони ҳарбга жўнайман” — ўйлади у. Аммо волидаси ал-Маъмун қўшини Рай шаҳрига жўнаганини эшитгач, ўғлининг уйда қолганидан жуда таажжубланди.

— Ханжаринг манави қутичада, — деди у. — Қачон йўлга чиқмоқчисан?

Беҳзод қип-қизариб кетди, қутичани қўлига олиб, хижолатда қолди.

— Ҳозир жўнайман. Сиз билан хайрлашишга келдим, — дейишга мажбур бўлди.

Фотима икки қўлини кўкка узатиб, Оллоҳдан нажот сўради:

— Ё қодир Оллоҳ! Золимларга қарши адолатли урушда якка-ю ягона фарзандимга мадад қил! Бобосини ўлдирган, эркимизни топтаган ёвларимизга омонлик берма! Ўғлимни ўзинг паноҳингда асра!

Она ўғлини кўксига босиб, юз-кўзларидан ўпа бошлади, Беҳзод волидасининг қайноқ нафасини, бўйнига оқиб тушаётган кўз ёшларини туйди. Қаттиқ мутаассир бўлиб, йиғлаб юборай деди, аммо ўзини қўлга олиб, жилмайгандек бўлди. Волидасидан сўради:

— Онажон, нега йиғлаяпсиз?

Фотима бошини ўғлининг кўксидан бўшатиб, унга қаради. Кўзлари йиғидан қип-қазариб шишиб кетганди.

— Яна дийдор кўришишимизни Оллоҳ насиб этармикан? Шунга йиғлаяпман...

— Ундай деманг, онажон! Худо хоҳласа, урушдан соғ-саломат қайтаман, мени айтди, дерсиз. Биз, албатта, ғалаба қиламиз! Бардам бўлинг! Ҳали кўп яшайсиз! Бобом абу Муслим ҳазратларининг интиқоми бўйнимда!

Беҳзод шу сўзларни айта туриб, волидасининг қўл ва елкаларидан қучиб, ўпди. Қутичадан ханжарни олиб, белбоғига тақди. Сафар кийимларини кийиб, бошига кулоҳини илди. Ҳовлида отига сакраб миниб, қутичани қўлига олмақчи эди, онаси тўхтатди:

— Қутичани уйда қолдир, ўғлим! — деди у Беҳзоднинг кўзларига ғамгин тикилиб. — Булар энг азиз одамларимдан қолган ёдгорлик. Ё сен бобонгни ўлдирган душманларимиздан қасос оласан, ёки мен улар ғамида адо бўлиб, оламдан йиғлаб ўтаман.

Онанинг сўзлари Беҳзодга жуда таъсир қилди:

— Ниятни яхши қилинг, онажон! Иншооллоҳ сиз энди кўз ёш тўкмаслигингиз учун нимаики қилиш лозим бўлса, ҳаммасига тайёрман! — деди Беҳзод қутичани волидасига узатиб. Сўнг жиловни тортиб, отини йўртгириб кетди. Уйидан ҳали узоқ кетмай туриб негадир дили ғаш бўлди. Ўзини-ўзи койий бошлади. Ҳа, муштипар онасидан уялмаганида шу бугун урушга йўл олмасди. Дононир билан кўришиб, ҳамма гапни билиб олмагунча Марв шаҳридан кетмасди. Биринчи хатидаёқ Маймунани тилга олмаган Салмонни ичида роса сўқди.

Марв шаҳрининг савдо расталарини оралаб, ниҳоят шаҳар чеккасига етиб, қалъа деворлари олдидан ўтаркан: “Йўлда ал-Маъмун саройининг карвонини учратарман, эҳтимол!” деб ўзини овутди. Онаси билан хайрлашиб, урушга кетаётганини айтганидан сўнг, энди Марвга қайтиш уятли иш бўлур эди!

59 - б о б

ДОНОНИРНИНГ ҲИКОЯСИ

— Маймунанинг ҳоли не кечаркин? — сўради Беҳзод ўзини қаёққа қўйишни билмай.

— Ташвиш қилманг, Беҳзод. Маймуна ал-Амин саройида экан, унга ҳеч ким қўл ҳам теккизолмайди. Халифанинг ўзи Зайнабга шундай ваъда берган. Салмон ҳам қараб турмас...

“Дононир Салмон қаердалигини билса керак”, деган хаёлга бориб, сўради:

— Салмон — Бағдоддамикан?

— Билмайман. Бир ойча кўринмади, қаёққадир ғойиб бўлди. Йўлга чиқишимиз арафасида бирдан саройга келиб қолди. Беҳзод Маймунадан хавотир олмасин, деб тайинлади. Салмон битган хат биздан аввал етиб келганга ўхшайди. Одатда хатлар туяларда манзилга элтиб берилади...

Беҳзоднинг ёшлик ғайрати жўшиб, шу ондаёқ Бағдод сари отини елдиргиси келди-ю, тагин ўзини босди. Ҳаёт-мамот жанги бошланаётган бир пайтда аввало муқаддас бурчини бажариши шарт!

— Йўлда ал-Амин қўшинини кўрдингизми? — сўради Дононирдан.

- Ҳа, йўлнинг кўп қисмини олдинма-кетин босиб ўтдик.
- Ҳозир улар қаерда?
- Рай шаҳридан ўн фарсанг нарида. Уларга ибн Маҳон қондлик қилаётганмиш. Жуда манмансираган бир одам. Аскарлари кўплиги билан Тоҳир ибн ал-Ҳусайнни даҳшатга солмоқчиши.
- Қандай қилиб?
- Ибн Маҳон кўшинида эллик минг суворий бор. Тоҳирда эса атиги беш минг атрофида.
- Жангда сон билан эмас, диловарлик билан енгадилар, — эътироз билдирди Беҳзод.
- Тўғри, аммо тўрт минг-беш минг одам эллик мингга қандай бас келаолади? Тоҳир Райдан беш фарсанг нарида қароргоҳ тузган, дейишади. Қалъа ичида сабр қилиб турса бўлмасмиди?
- Тоҳирнинг режаси дурустга ўхшайди. Райликлар ал-Амин кўшини мўрмахдек бостириб келса, қўрққанидан чекиниши ҳеч гапмас. Душман заифлигини билиб қолмасдан бурун уни майдони ҳарбда қарши олгани яхши!
- Тоҳир ҳам худди шундай қилмоқчи, чамамда.
- Сафдошларидан бири шундай маслаҳат берган: “Кўшининг ал-Амин кўшини кўплигини кўрибоҳ, даҳшатга тушса, ажабмас. Аскарларинг ўзига келиб, шундай зўр кучга бардош бера олишига ишонч ҳосил қилгунига қадар ҳал этувчи жангга шошилма! Душманнинг заиф томонларини билиб ол-да, кейин урушга чиқ-қин! “Тоҳир жавоб қилган: “Мен тажриба ва эҳтиёткорлик бобида бошқалардан қолишмасам керак. Чиндан-да, кучим кам, душманам эса сон-саноксиз. Жангни орқага сургудек бўлсам, ибн Маҳон заифлигимни билиб қолиб, аскарларимни қўрқитиб ёхуд ҳийла-найранг ишлатиб, ўз томонига оғдириб олади. Мен эса бир гуруҳ содиқ дўстларим билан ёлғиз, кўшиндан ажраламан, вассалом! Мен аксини қиламан. Аскарларим мардлигига умид боғлаб, душманни жанг қилишга мажбур этаман! Оллоҳдан нажот тилаб, бизга ғалаба ато қилишини сўрайман! Оллоҳ мадад берса, ёвни енгармиз! Йўқса, майдони ҳарбда илғорлар сафида қурбон бўлишга розиман!”
- Беҳзод Тоҳирнинг жасорати ва фаҳм-фаросатига қойил қолди. Тезроқ кетиш учун гапни бошқа ёққа бурди:
- Сизлар Марв сари йўл оласизларми?
- Ҳа. Ўзинг-чи?
- Аввал Райга бораман, сўнг Бағдодга йўл оламан. Дарвоқе, Умм Хабиба шу ердамилар?
- Бўлмасам-чи! Чақириб берайми?
- Умм Хабибани ҳам соғинганман, афсуски, ҳозир жуда шошиб турибман. Зайнаб бонуга саломимни етказинг! Кўришгунча хайр!
- Беҳзод отига сақраб минди-да, Рай сари жўнади. У аросатда қолганди. Бир томондан, ибн Маҳонга қарши кураш бошлаган Тоҳир кўшини сафида бўлиши керак, бу — муқаддас бурчи! Иккинчи ёқдан, маъшуқасини ағёрлар чангалидан қутқариши зарур! Бу — қалб даъвати!
- Дононир билан учрашганидан сўнг қалбининг овози авж пардасига кўтарилди. Маймуна зўрлик билан халифа саройига олиб кетилган экан, бунинг сабаби битта — вазирнинг ўғли қизни қўлга тушириб, унга уйланмоқчи! Дононир: “Маймуна ал-Амин саройида экан, унга ҳеч ким қўл теккизолмайди”, деб ишонтирган бўлса-да, Беҳзоднинг дили ғаш эди...

60 - б о б

РАЙ ОСТОНАСИДАГИ ЖАНГ

Беҳзод тонг маҳал Рай шаҳрига етиб келди. Йўлда учраган кишилардан Тоҳир кўшини озлигини ибн Маҳонга етказмасларидан бурун бағдодликларга ҳужум қилиш ниятида эканини билиб олди. Бироз юргач, барабаннинг жангга чорловчи тақа-туми қулоғига чалинди. Ғала-ғовур тобора кучайиб, чанг-тўзон кўтарилди.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Бу ердан иккала қўшин кафлдагидек яққол кўриниб турар, ҳали улар орасида анча масофа бор эди. Бехосдан уни қўрқув босди. Аммо ал-Маъмун қўшини енгиб чиқмагунига қадар шу жойдан силжимасликка аҳд қилди. Шу тепаликда жон таслим этса ҳам майли!

Ибн Маҳон ўз дасталарини марказ, ўнг ва сўл қанотларга жойлаштирди. Ҳар бири юз нафар аскардан иборат ўнга дастасини найза улоқтирилганда учиб-етиб борадиган масофада олдинги сафга тизди. Иккинчи сафга илғор саф турган ерда жанг қизиб кетгудек бўлса, фақат олға босишга буйруқ берди. Ўзи бошқа бир тепаликка чиқиб, хуросонликларнинг сафга тизилишини кузата бошлади. Ёнида не не жангларда синалган содиқ саркардалари...

Тоҳир олдинги сафга ўрнаштирган аскарлар ҳужумга тайёр турарди. Йигитларни шижоат кўрсатишга даъват қиларкан, хуросонликларнинг бир гуруҳи ибн Маҳон томонига ўтиб кетаётганини кўриб қолди. Лекин ибн Маҳон уларни кучоқ очиб кутиб олиш ўрнига қамчилар билан савалашга фармойиш берди. Тоҳирнинг аскарлари бунга кўриб жуда ғазабланишди. Улар жангга шайланиб, буйруқни кутишарди. Бироқ Тоҳир қулай фурсатни кутиб, буйруқ бермасди. Ниҳоят, отга сакраб миниб, қўлидаги найзасини боши узра кўтарди-ю, ибн Маҳон қўшини томон елиб кетди. Тоҳир ундан музокара юритаётган пайтда жанг бошламасликни сўради. Найзасининг учига узун тери парчаси илинган бўлиб, бу — ал-Маъмунга қасамёд матни эди. Тоҳир найзасини баланд кўтариб, ибн Маҳонга хитоб қилди:

— Ибн Маҳон! Мана бу қасамёдни кўраяпсанми? Бир вақтлар уни ўзинг ёқламаганмидинг? Наҳот рўзи маҳшардан кўрқмасанг? Огоҳ бўл! Гўринг оғзи ланг очилиб, сени кутиб турибди! — Ибн Маҳон ҳақоратдан ранги бўздек оқариб, Тоҳирни дарҳол қўлга туширишни буюрди. Тоҳир унинг жангчиларига чап бериб, ўз қўшини сафига қайтди.

Беҳзод Тоҳирнинг нима деганини эшитмаган бўлса-да, найза учигаги — қоғозни кўриб, сўзларининг маъносини англаб олди.

Ниҳоят, жанг бошланди! Ибн Маҳоннинг ўнг қанот қўшини хуросонликларни қисиб қўя бошлади. Тоҳирнинг бир гуруҳ аскарлари саросимага тушиб, қочиб қолди. Ибн Маҳоннинг сўл қаноти шиддат билан мудофаа чизигини ёриб ўтиб, олға босди. Беҳзод даҳшат ичига қолди. Жанг қизиган жойга отида елиб, етиб бормоқчи ҳам бўлди, аммо ўзини тўхтатиб қолди. Пастга тушиб, отни бошқа ёққа бурди-да, майдони ҳарбдан қочаётган аскарларни сафга тизилиб, жангга киришга ундай кетди. Уларга далда берувчи сўзларни айтиб, қўрқоқларни уялтирди. Ибн Маҳон қўшини сиз ўйлаганчалик зўр эмас, деб, инонтирди. Беҳзоднинг оташин даъватлари хуросонликларга зўр таъсир этди, улар қалбида ғалабага ишонч руҳини уйғотди.

Тоҳир ҳам ҳали у ерда, ҳали бу ерда пайдо бўлиб, аскарларини йигитларга хос мардлик кўрсатишга, эл-юртни, оилаларини, ватанни ҳимоя қилишга чақирди. Бу даъватлар беҳуда кетмади. Хуросонликларнинг олдинги сафи жанг майдонига қайта бошлади.

Жанг қақшатғич тус олди. Тоҳир бошлиқ дасталар ибн Маҳон қўшинининг нақ марказига ёриб кириб, унга зарба берди. Душманни тор бир жойга қисиб қўйди. Бағдодликларнинг ўнг қаноти чекинишга мажбур бўлиб, сафлари бузилди. Энди улар дуч кечган томонга қоча бошлашди. Шу аснода Тоҳирнинг ўнг ва сўл қанот қўшини Беҳзод кўмагида жанговар сафга тизилиб, шитоб билан урушаётган элдошларига ёрдамга отилди. Тоҳир бу фидойиликни кўриб, уларнинг ғалаба қозонишига кўзи етди.

Ибн Маҳон ўз дасталарининг ҳар тарафга тарқалиб, қочиб кетаётганини кўргач, даҳшатга тушди. Жон ҳолатда уларни тўхтатишга уринди. Гоҳ кўп пул беришни ваъда қилиб, гоҳ жазо билан қўрқитиб, майдони ҳарбга ундар эди.

Беҳзод қаҳрамонлик кўрсатиш фурсати етганини англади. Ибн Маҳон ҳаёт экан, бағдодликлар қаршилигини узил-кесиб енгиб бўлмаслигини тушунди. Волидаси туҳфа қилган ханжарни маҳкам ушлаганча, ўқ-ёй ва найза ёмғирини писанд этмай, душман орасига ўзини урди. Ибн Маҳонга яқинроқ бориб, ҳайқирди:

— Эй, қари тулки! Менга қара! Тағин орқамдан пусиб келиб, ҳужум қилишди, деб юрма! Кел, мард бўлсанг, юзма-юз олишайлик!

Ибн Маҳон Беҳзодга қаради, аммо уни танимади, чунки йигитнинг оғзи ва даҳани рўмол билан ўралганди. Ибн Маҳон шамширини қинидан чиқариб, йигитга ҳамла қилди, у эса чап бериб орқасига тисарилди. Сўнг ибн Маҳонга ташланиб, нақ юрагига ханжар урди! Ибн Маҳон ерга гурсиллаб ағдарилди.

Беҳзод жанг майдонини дарҳол тарк этди. Унинг қаёққа ғойиб бўлиб қолганини ҳеч ким кўрмади. Жангчилар орасида ибн Маҳон камондан отилган ўқ-ёй зарбидан ўлибди, деган хабар тарқалди. Тоҳирнинг аскарларидан бири ибн Маҳонни бошини танасидан жудо қилиб, олиб келди. Яна бир-икки жангчи қониднинг қўлоғини боғлаб, орасидан узун таёқ ўтказиб, Тоҳирнинг оёқлари остига келтириб ташлади. У жасадни қудуққа ташлашни буюрди. Мулозимларга раҳм қилиб, кўйиб юборди. Хуллас, жанг хуросонликлар ғалабаси билан якунланди! Уларнинг бир-икки дастаси қолган-қутган бағдодлик аскарларни икки фарсанг масофага қадар қувиб боришди. Тўққиз-ўн марта улар қаршичилигини енгиб, чекинишга мажбур этишди. Тун яримлаб қолгунча олишиб, кўпларини асир қилишди, талай ўлжа билан қароргоҳга қайтишди.

Тоҳир асирларга шафқат қилди.

— Кимки қуролини ташласа, омонлик бераман! — деб буюрди.

Улар қурол-яроғларини ерга улоқтириб, отдан тушишди. Тоҳир Рай шаҳрига қайтиб, ал-Маъмун ва ал-Фазл ибн Сахлга нома йўллади. Унда шундай сўзлар битилган эди: “Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм” Амир ал-Муслиминга маълум қиламанки, ибн Маҳоннинг боши — қўлимда, муҳрли узуги — бармоғимда, қўшини — менга тобеъ! Оллоҳ барчамизни ўз паноҳида асрасин!” Уч кундан сўнг Тоҳирнинг чопари икки юз эллик фарсанг масофани босиб ўтиб, мазкур нома билан Марв шаҳрига етиб келди. Ал-Фазл ибн Сахл номани олиб, ал-Маъмун ҳузурига шошилди ва уни зўр ғалаба билан қутлади. Шундан сўнг хеш-ақраболар, мулозимлар янги халифани зафар билан табрик этишди. Яна икки кундан кейин ибн Маҳоннинг кесик бошини Марвга келтиришди, ҳамма кўрсин, деб, шаҳар майдонига илиб қўйишди.

61 - б о б

ЗУБАЙДАНИНГ ТАШРИФИ

Энди Маймуна ҳақидаги ҳикоямизга қайтамиз. Биз уни Бағдодда, ал-Амин саройида қолдирган эдик. У мўъжазгина хонада бир ўзи хомуш ўлтирар, у билан ҳеч кимнинг иши йўқ эди. Айниқса, Салмон қаердалигини билмай хуноб бўларди. Эҳтимол, у Беҳзод ортидан сафарга чиққандир ё бир кор-қол бўлиб, қазо қилдимикан? Бувижонини ҳам жуда соғинган. Ундан ҳам хат-хабар йўқ. Маймуна сўраганларга: “Бироз бетобман, бошим оғриб турибди”, деб баҳона қилиб, шу хонага қамалиб олганча ёлғизлик азобидан қийналарди. Шундай дамларда Беҳзоднинг хатини қўлига олар, пешонасига суртиб ўпар ва қайта-қайта ўқиб чиқарди. Гўё маҳбуби билан суҳбат қурурди. Хатнинг Беҳзод: “Аббосийларни хиёнатда айблаб, улардан албатта қасос олишим керак”, — деган жойига келганда: “Ишқилиб, бу хат душманларимиз қўлига тушмасин-да”, деб хавотирланар, уни ҳатто жориялардан яшириб кўяр эди. Дардлашадиган бирдан-бир кишиси — саройбон аёл Фарида эди. Дононирнинг илтимосига биноан Фарида Маймунанинг ҳолидан хабар олиб турарди. Ҳаётда кўп воқеа-ҳодисаларни бошидан кечирган бу тажрибали аёл Дононирнинг дугонаси эди. Гарчи Маймуна унга ишонса-да, Беҳзодга муҳаббатини ундан сир тутарди, чунки ўша пайтларда чақувчилик одатий бир ҳолга айланганди. Шу боис Маймуна Фаридага Беҳзод ҳақида ҳам, унинг мактуби тўғрисида ҳам оғиз очмади. Анчадан буён Беҳзоддан хат-хабар йўқ, у ҳақда фақат Салмонгина бирор гап топиб келиши мумкин эди. Аммо Салмоннинг ўзи ҳам қаёққадир ғойиб бўлган кўринади. У худди шу ерда, ал-Амин саройида, ёнгинасида эканлиги етти ухлаб тушига ҳам кирмасди. Шу тариқа қиз келажагидан тамомила беҳабар, кунларини кичик бир хонада якка-ёлғиз ўтказарди. Ўйин-кулги, мусиқа, рақс — жорияларнинг бу эрмак-

лари юпата олмасди. Жориялар кўнгилларини ёзиш учун кенг танобий хонага йиғилишарди. Маймуна эса уларга қўшилмай, хонасидан ташқарига чиқмас, Беҳзоднинг хатини олиб, яна бир карра ўқиб чиқарди. Йўлакдан бирон товуш келса, дарҳол хатни яшириб қўярди. Бир кун яна бир бор хат билан овунмоқчи бўлиб, чўнтагига қўл солди, аммо ... хат йўқ эди! Юраги орқасига тортиб кетди. Чўнтагини кавлаб кўрди, бироқ топа олмади. Бутун вужудини даҳшат босди, яна ҳам хилватнишин бўлиб қолди. Ўз дардини кимгадир айтгиси, юрагини бўшатгиси келарди. Лекин халифа саройида бундай дугонани қаердан ҳам топсин? Шунда у бувижонини саройга чақиртириб келмоқчи бўлди. Дононирга хат ёзиб, ёлғизлигидан нолиди, бувини жуда-соғинганини айтиб у билан кўришни истагини билдирди. Фаридадан хатни ал-Маъмун саройига етказишни илтимос қилди. Фарида Дононирга холис хизмат қилиш ниятида хатни дарҳол ишончли бир одам орқали, саройга жўнатди.

Маймунанинг хатини ўқиб, Дононир жуда таъсирланди. Маймунани ўз сингисидек яхши кўрар, унга фақат яхшилик тиларди. Аббоддага Маймуна хат ёзиб юборганини айтиб, йўлга отлангирди.

— Неварамни қанчалик соғинганимни билсайдинг, — деди кампир. — Тезроқ бориб, дийдорини кўрай, кейин қўлида жон берсам ҳам майли. Ал-Амин бир-икки кундан кейин жавоб бериб юборар, деб умид қилгандим. Янглишган эканман. Мана, орадан қанча кун ўтиб кетди, аммо шу топгача неварамдан дарак йўқ эди.

— Бутунлай бошқа бир кийимда бормоқчига ўхшайсиз? — сўради Дононир.

— Тагин мени ал-Амин саройида таниб қолиб, Маймунани баттар сиқувга олишмасинлар, дейман-да?

— Яхшиси, мен сизни ўша саройдаги дугонам Фарида ҳузурига юбора қолай. Унга бир хат олиб борасиз, сизни Маймунанинг энагаси, деб таништираман. Қиз билан бирга туриши керак, деб тайинлайман. Йўқ демаса керак.

Аббода Дононирга миннатдорчилик билдириб, ҳамма билан хайрлашди ва хачирга миниб, ал-Мансур шаҳрига, ал-Амин саройига йўл олди. Дононирнинг чопари Аббодани саройгача кузатиб қўйиб, мураббиянинг хатини Фариданинг қўлига бериб қайтди.

Фарида Аббодани Маймунанинг хонасига йўллади. У бу кампир Маймунанинг бувиси, қиз эса бармакийлар вазири аъзами Жаъфарнинг қизи эканлигини билса-да, сир бой бермасди. Ўз вақтида Фарида ҳам бармакийлардан яхшилик кўрган ва энди имкон қадар яхшилик билан жавоб қайтаришга ҳаракат қиларди.

Маймунанинг бувисини кўрган пайтдаги қувончини тасвирлашга қалам ожизлик қилади. Аббоданинг бағрига ўзини отиб, халифа саройидаги азоб-уқубатларини ҳам унутиб юборди. Беҳзод билан биринчи учрашуви, улар бир-бирларини яхши кўриб қолганликлари, йигитнинг хат ёзгани ва бу хатни йўқотиб қўйгани — ҳамма-ҳаммасини сўзлаб берди. Аббода икки ёшнинг севгисидан аллақачон хабардор бўлса-да, ўзини ҳеч нарса билмаганликка солиб ўлтирди. Аммо Беҳзоднинг хати йўқолиб қолгани уни саросимага солди. Ишқилиб, бирон кор-ҳол бўлма-син-да, деб роса қўрқди.

Айни шу вақтда Салмон ал-Фазл ибн ар-Робиа ва ибн Маҳон кўмагида ал-Аминни ўз биродарини Хуросон ноиблигидан ағдаришга кўндириш билан овора эди. Ал-Фазл ибн ар-Робиа аввало ўз шахсий манфаатини кўзлаб, Салмонни қўллаб-қувватларди. Инчунун, ал-Маъмун халифа бўлган тақдирда унинг қасос олишидан гоят кўрқарди. Ал-Амин эса мазкур тadbирнинг фойда беришидан шубҳаланарди: бу ишнинг оқибатидан чўчимаса-да, ҳар ҳолда падари бузрукворининг васиятини қадрлар, ўз қариндош-уруғларининг фикри билан ҳисоблашарди. Ҳозир ҳам вазирнинг мулоҳазасига қўшилган бўлса-да: “Онамиз мазкур муаммони ҳаммадан кўра яхшироқ ҳал этишлари мумкин”, деб ўйлади-да унга маслаҳат солмоқчи бўлди. Зубайда Абдият қасридан сал нарироқдаги ўз саройида яшарди. Халифанинг боши қотди: онасини ал-Мансур саройига чақиртириб келтирсинми ёки унинг ҳузурига ўзи борсинми?

Бу тўғрида ҳадеб ўйлавериб, юраги сиқилди. Сарой боғида каттакон ҳовуз бўлиб, ажабтовур балиқлар боқиларди. Халифа шу ҳовузда балиқ овлаб, кўнгли-

ни ёзмоқчи бўлди. Қўлига қармоқ олиб, балиқ тутишга киришди. Хотинлар либосини кийган бир неча бичилган қул унинг хизматида эди. Бири қармоқларни овга тайёрлаб бериб турар, бошқаси нариги қирғоқдан туриб, бу қирғоққа балиқларни ҳайдаш билан овора эди.

Ал-Аминнинг димоғи чоғ бўлиб кетди, қуллардан бири билан ҳазиллашгиси келди. Кучини кўрсатмоқчи бўлиб, уни даст кўтарди, боши устида гир айлантирди. Да, бор кучи билан ҳовузга улоқтирди. Қолган қуллар шеригининг аҳволини кўриб, ҳаҳолаб кулиб юборишди, аммо ал-муслиминни мақтаб, ўзлари ҳам шундай қилмоқчи бўлишди, аммо қўлларидан келмай, мулзам бўлишди. Ал-Амин чиндан ҳам жуда бақуват одам бўлиб, муаррихлар ёзишича, бир вақт шер билан яккама-якка олишиб, енгган экан.

Ўйин-кулги авжга чиққан маҳал қуллардан бири халлослаб-югуриб келди ва гапи оғзига тиқилиб:

— Амир ал-муслиминнинг волидалари ташриф буюрдилар! — деб хабар берди. Ал-Амин ўзида йўқ хурсанд, волидасини кутиб олишга дарҳол ҳозирлик кўришни буюрди.

Зубайданинг тахтиравонини кўтариб олган қуллар сарой дарвозахонаси олдида тўхташди. Ҳамма халифанинг волидасига йўл бўшатиб, икки томонга тисарилиб турди. Хожасароларнинг катгаси уни тахтиравондан тушириб қўйди. Ал-Амин волидасига пешвоз чиқиб, елкасини ўпди. Зубайда ҳам ўғлининг пешонасидан ўпиб, сарой томон йўл олди.

Унинг саройга ташрифи шу ондаёқ овоза бўлиб кетди. Аббода ҳам бу хабарни эшитиб, юраги шув этиб кетди, қўллари қалтиради. Ногаҳон Зубайданинг кўзига кўринмаслик учун ҳатто ерга кириб кетишга ҳам рози эди шу топда. Маймуна эса аксинча, халифанинг волидасини кўришга қизиқарди. У Зубайданинг бениҳоя гўзаллиги ҳақидаги таъриф тавсифларни кўп эшитган, шу боис хонасидаги дарчадан уни бир кўришга ошиқарди. Чиндан ҳам қиз Зубайдани кўриб, кўриб эмас, томоша қилиб, гоят хайратга тушди. Бу каби зебо аёлни энди кўриши эди...

62 - б о б

АЛ-МАЪМУННИНГ ТАҚДИРИ ҲАЛ!

Ал-Амин волидасининг истагини бажо этиб, уни саломхонага бошлади. Сабаби — онаси у билан гоят бир муҳим масала устида сўзлашмоқчи бўлиб келган экан. Бу — унинг ҳам айна муддаоси бўлиб, баъзи бир ишлар хусусида маслаҳатлашмоқ ниятида эди. Суҳбатни бошлашдан олдин у жорияларга устидаги оғир кийимларини ечиб қўйишни буюрди. Яна бир неча жория унинг атрофини ўраб, ажабтовур елпигичлар билан елпий бошлашди. Яна талай ошпазлар таом тайёрлаш билан овора эди.

— Мен учун алоҳида таомлар ҳозирланишнинг асло ҳожати йўқ — деди Зубайда. — Мен бу ерга сиз билан хилватда, бафуржа сўзлашиш мақсадида келганман.

Ал-Аминнинг бир ишораси билан ҳамма бир-бир хонадан чиқиб кетди. Зубайда тўшак устида жойлашиб ўлтириб олгач, ўғлини ёнига чақирди.

— Муҳтарам волидамининг саройга ташрифидан беҳад миннатдоримиз, деди ал-Амин онасининг ёнига келиб ўлтиргач. — Зап вақтида келдилар! Шу бугун эрталаб сизни саройимизга чорласаммикан ёки ўзим ҳузурингизга борсаммикан, деб ўйловдим. Ният ҳолис экан, мана муборак жамолингизни кўриш шарафига мушарраф бўлдик. Ўзим ҳам бир нозик масала хусусида маслаҳатингизга муҳтожман. Ўзингиз қадам ранжида қилганингиз жуда соз бўлди. Бу ҳам бир қаромат!

— Шундай, шундай, — дея жилмайди Зубайда, аммо шу ондаёқ кўзлари газабдан чақнаб кетди. — Лекин мен шундай бир нохуш хабар келтирдимки, у менга ҳам, сизга ҳам бирдек тааллуқли!

— Онажон, ўзи нима гап?

— Анави “бечора ятима” ҳали ҳам саройингиздами? — Сизни халифалик тахтидан маҳрум этиб, бу ишга падари бузрукворингизни қўйдирмоқчи бўлган, ўша таги паст эронийлик хотинининг ўғлини ворис қилиб тайинлатишга хўп уринган муштарак душманимизнинг қизини айтяпман, тушундингизми, ўғлим?

— Ҳа, онажон, — гап Маймуна ҳақида бораётганини англади ал-Амин, — қиз саройда, жориялар билан бирга турибди.

— Нега ундан қутилиш ўрнига саройингиздан жой бердингиз?

Ал-Амин ўзини оқлашга тиришди:

— У бечора ятиманинг ҳеч кимга зарари тегмайди, деб ўйловдим. Жиянчам Зайнаб уни ўзим билан бирга олиб кетаман, деб илтимос ҳам қилди. Аммо мен халифотимиз омонлигини ўйлаб, уни саройда олиб қолдим. Зайнабга: “Дугонангга бу ерда ҳеч ким ёмонликни раво кўрмайди”, — деб ваъда бердим.

— Бечора ятима! — ўғлини мазах қилиб, сўзини такрорлади Зубайда. — Бети қурсин! Бепарволигингиз мени ўлдирди! Нега ўша жиянингизга хўп дедингиз? Ахир биродарингиз сизга ғаддор душанман-ку! У эмасми сизга қарши хуросонликларни гиж-гижлаётган? Сизни халифалик тахтидан Мосуво этиш имкони туғилса — Оллоҳнинг ўзи асрасин! — биродарингиз оғзини очиб, қараб турмас, ахир! Уни сизга ким душман қилиб қўйди! Шу “ятиманинг” падари Жаъфар ибн Яҳё эмасми? Худога минг қатла шукрки, халифа отангиз сиздан кўра анча шижоатлик экан! Бир зарба билан ўша ярамас Жаъфарни асфалософилинг жунатди! Шу ишни ўз вақтида қилмаганида сиз халифалик тахтига минарми эдингиз? Тагин “бечора ятима”, дейсиз, “жиянчамга уни озод қиламан”, деб ваъда берганман, дейсиз! Биродарингизда ҳошимийлар қонидан эронийлар қони устун кўринади. У падаридан кўра кўпроқ модарига тортган! Худди шу боисдан хуросонлик тоғалари билан оғизбурун ўпишиб юрибди!

Зубайда жаҳл отига миниб, сўзларкан, афти бужмайиб кетди. Кейин ранги гезариб, кўкимтир тус олди, кўзлари қаҳр-ғазабдан чақнади. Хорун ар-Рашид бева-сининг ал-Маъмумни шунчалик ёмон кўриши ал-Аминнинг уни ағдариб ташлашдек азалий ниятига жуда мос эди!

— Аммо падари бузрукворимиз халифотни мен билан биродарим Абдуллоҳ ал-Маъмумга васият қилиб қолдирган эдилар. Ўз васиятларини Каъба деворига осиб қўйишни буюриб, тасдиқлаган эдилар, шундай эмасми? — эҳтиётлик билан сўради ал-Амин.

— Бу васият, — дарҳол эътироз билдирди Зубайда, нафратдан лаблари титраб, сариқ чақага ҳам арзимади! Негаки, отангиз уни ўша хиёнаткор вазирининг таъсирига берилиб, битган эди. Лаънати вазир эса нима қилиб бўлса-да, халифотни Ҳошимийлар қўлидан тортиб олиб, биродарингиз қўлига топширишга зўр бериб уринарди. Жуфти ҳалол аёлларнинг ўғиллари бир ёқда қолиб, чўриларнинг ўғиллари тахтга минганини ким кўрган? Эроний Марожил чўрининг ўғли Ҳошимий малика Зубайданинг ўғлига тенг келармиди? Ўша исқирт Марожил кимлиги, нега у отангизга ёқиб қолиб, Абдуллоҳ ал-Маъмумни туғиб бергани тарихидан беҳабар бўлсангиз керак, ўғлим, тўғрими?

— Шундай, — ҳайратдан ёқа ушлаб, деди ал-Амин, — тамомила беҳабарман.

— Ҳозир ҳаммасини бир бошдан сўзлаб бераман. Ўша эроний қиз Марожил Мория, Фариа ва бошқалар сингари оддий бир чўри эди. Бир куни мен падари бузрукворингиз — Оллоҳ уни раҳматига олган бўлсин! — хонандалардан бирининг уйига тез-тез қадам ранжида қилаётганини сезиб қолдим. Бу қиз ўша вақтдаги вазир Яҳёнинг чўриси бўлиб, исми Дононир эди. Отангиз уни шунчалик яхши кўриб қолдиларки, мен ноилож амакиларига шикоят қилишга мажбур бўлдим. Улар менга бу хонандани унутсин учун саройга энди келган янги чўрилардан бир нечтасини туҳфа этишни маслаҳат беришди. Ушанда ўн нафар чўрини танлаб юбордим. Улар орасида Марожил ҳам бор эди. У бир ўғил кўрди, исмини Абдуллоҳ деб қўйишди. Вазир Жаъфар болани ёшлигиданоқ эроний руҳда тарбиялай бошлади. Абдуллоҳ ал-Маъмумнинг қандай одам бўлиб етишгани ўзингизга маълум. Наҳот чўрининг боласи ўрнингизни эгалласа? Каъба деворидаги васият сизни ташвишга солмай қўяқолсин, ўғлим. Мен одам юбориб, уни олиб келтиртираман-да,

ўз қўлим билан буйдалаб-буйдалаб йиртиб-ташлайман. Сабаби — отангиз у васитни ўзгалар қутқуси билан ёзган!

Ал-Аминнинг кўнгли жойига тушди:

— Демак, биродарим Абдуллоҳни валиаҳдлик ҳуқуқидан маҳрум этишим керак экан-да!

— Бўлмасам-чи! — аччиғи келди Зубайданинг. — Шу пайтгача нима қилиб ўлтирувдингиз? То у сизнинг тахтингизга эга чиқмасдан бурун уни дарҳол ҳар қандай ҳуқуқдан маҳрум қилинг, ўғлим.

— Мен айна шу масалани сиз билан маслаҳатлашиб олмоқ ниятида эдим. Вазирим ал-Фазл ибн ар-Рабия ҳам худди сиз ҳозир айтган гапни менга айтганди.

— Гап бундай: ал-Маъмунни ноибликдан тушириб, ўғлингиз Мусани валиаҳд этиб тайинланг. Тўғри, у ҳали жуда ёш, аммо менинг айтганимни қилсангиз, халифот яна Ҳошимийларга ўтади. Сабаби маълум: Аббосийлар уруғида ота-онаси ҳошимийлардан бўлган сиздан бўлақ биронта ҳам меросхўр йўқ! Барча Аббосийлар ичида фақат сизнинг фарзандларингиз Ҳошимийларнинг тўғридан-тўғри авлодидир.

Ал-Аминнинг кўнгли яйраб кетди! Аммо у сир бой бермай, кўзларини ерга тикиб ўлтираверди.

— Анави ярамас етимча қиздан эса тезроқ қутилишингиз керак, ўғлим, — орадаги сукунатни бузди Зубайда.

— Маймунани ўлдириш? Қайси айби учун? — ҳайрон бўлди ал-Амин. — Наҳот у биз учун шунчалик хатарли?

— Ўғлим, сиз атрофингизда не ҳодисотлар бўлаётганидан беҳабар экансиз! — таънаомуз деди Зубайда. — Сиз фақат сарой фитнакорларининг миш-мишларига қулоқ соласиз, холос. На илож, сиз тўғрингизда ўзим қайғуриб, саройингизда, ҳатто ётоғингизда содир бўлаётган воқеотлардан ўзим хабар олиб туришимга тўғри келади! Энди гап бундай: анави қизни саройда тутиб туриш биродарингиз учун валиаҳдлик ҳуқуқини сақлаб туришдан ҳам хатарлироқдир! Шу боис сиз уни пинҳонан йўқ қилишингиз керак!

Волидасининг бунчалик қаттиқ туриб олиши ал-Аминни ҳайратга солди — у Маймунани ўлдиришнинг асло ҳожати йўқ, деб ўйларди.

— Талабингизни адо этиш қийин иш эмас, — деди у. — Ҳарамимда қизлар тўлиб-тошиб ётибди. Аммо Умм Ҳабибага дугонасини қайтариб юбораман, деб сўз берганман, ахир!

— Шу ёшга кириб ҳам дўлворлигингиз қолмабди! — яна ғазабланди Зубайда кўзларини ўйнатиб. — Сиз сезгирроқ бўлсангиз эди: “Нега бу қиз биродарим қизининг воситачилигида саройда қолиб яшайди?” деб ўйлаган бўлурдингиз. У Аббосийлар энг ғаддор душманининг қаллиғи бўлиб, у билан хат ёзишиб туришини биласизми? Ўша нобакор Абу Муслим Хуросоний учун ҳам, Жаъфар ибн Яҳё учун ҳам қасос олармиш! Ҳамма Аббосийларни ашаддий хиёнаткор, деб ҳисоблармиш! Ҳайрон бўлманг, ўғлим. Сўзларимга ишонмасангиз, мана бу хатни бир ўқиб чиқинг!

Зубайда чўнтагидан тугунчани олиб, ичидаги хати билан бирга ўғлига узатди. Ал-Амин хатни қўлда тутиб, ўқий бошлади. Аббосийларга қарата айтилган таҳдид сўзлари қасосга даъватлар билан ёнма-ён келган сатрларни ўқиркан, халифанинг аввал қўллари, сўнг бутун бадани қалтираб кетди. Онасига кўз ташлади. Зубайда ёстиққа ёнбошлаб ётар, ғазабидан афти бужмайиб кетганди.

— Хўш, ўғлим, — деди у ал-Амин хатни ўқиб бўлгач, — ўша “бечора етимча”нинг кимлигини билиб олдингизми? Қаллиғининг гапига қараганда, биз олчоқлик ва хиёнат туфайли ғалаба қозонган эмишимиз. У бизлардан қасос олиш мақсадида Хуросонга жўнаб кетган. Маймуна эса саройда, жориялар ичида туриб, сизнинг режаларингизни билиб олмоқчи. Танангизга ўйлаб қўринг: унинг саройингизда яшаб туриши наҳот сиз учун хатарли бўлмаса, ўғлим?

Ал-Амин ўз ҳайратини волидасидан яшириб ўлтирмади:

— Бу хатни қандай қилиб қўлга туширддингиз? Уни сизга ким олиб бориб берди? — сўради халифа ранги оппоқ оқариб.

— Саройингизда истиқомат қилувчи бир одам, — жавоб қилди Зубайда. — Сиз гафлат уйқусида ётганингиздан кейин лоақал мен хушёр бўлиб туришим зарур!

— Мен ҳозироқ қизни Дажла дарёсига ташлаб юборишга фармойиш бераман! — қичқирди ал-Амин.

— Уни савол-сўроқ этмай туриб-а? — ҳайрон бўлди Зубайда.

— Мен бу ярамас қиздан тезроқ қутилишим керак!

— Бунча содда бўлмасангиз! — ўзини тута олмади Зубайда. — Уни яхшилаб тергов қилиш, душманларимиз ҳақида билганларини айтишга мажбур этиш лозим! Эҳтимол, у ағёрларимизнинг сирларидан хабардордир? Шуларни билиб олганингиздан сўнг бошини кесинг, хоҳланг дарёга ташлаттиринг!

— Шу топдаёқ қизни чақиртираман. Икковимиз уни тергов қиламиз!

— Баракалла, шундай қилинг!

Ал-Амин чапак чалди, остонада мулозим пайдо бўлди.

— Дарҳол Маймунани ҳузуримизга олиб келинг!

Бу пайтда Маймуна Зубайданинг кўзига кўринмаслик учун бувижони билан бирга саройнинг энг чекка хонасида ўлтирарди. Аббода эса Оллоҳга илтижо қилиб, Зубайданинг тезроқ саройдан жўнашини сўрарди. Аммо шу онда мулозим кириб, амир ал-муслимин Маймунани ҳузурига чақираётганини маълум қилди. Аббода ўзини йўқотиб қўйди: “Уша машъум учрашувдан сўнг Зубайда неварамни йўқ қилиш учун ўглининг олдига келган!”. Энди у халифа саройига келганидан пушаймон эди. Маймунанинг халифа буйруғини бажаришдан ўзга иложи йўқ эди. Саломхона эшигига яқин қолганда мулозим ичкари кириб:

— Саййидим, қиз остонада ижозатингизни кутиб турибди, — деди.

— Кирсин!

Маймуна доводи раб, кўзларини ердан олмай, кўрққанидан оёқлари қалтираб, хонага кирди. Ёстиққа ястаниб ётган Зубайдага хадик билан кўз ташлаб, даҳшатга тушди. Ал-Амин волидасининг маҳрамларидан бири каби унинг ёнида ўлтирарди. Маймуна улардан бир неча қадам нарида тўхтаб, салом берди.

— Яқинроқ кел, Маймуна, — чақирди ал-Амин.

Қиз кўзларини ердан олмай, бир-икки қадам қўйди. Бутун вужуди титрарди унинг.

— Бу — кимнинг хати, — Беҳзоднинг хатига ишора қилди ал-Амин.

Маймуна хатга бир қараб қўйди-ю, сири ошкор бўлганини англади. Хатни олмоқчи ҳам бўлди, лекин қалтираган қўллари бўйсунмади. Ниҳоят, хатнинг бир учидан ушлади, аммо қўлда тутиб туролмади. Хат сирғалиб, ерга тушди. Қиз энгашиб уни олмоқчи эди, мадори келмай ўрнидан туролмади. Кўз ёшлари ёноқларидан пастга оқиб тушди. Ўзини хатни ўқиётган қилиб кўрсатмоқчи бўлди, бироқ бунга ҳам кучи етмади. Хўнграб йиғлаб юбориб, ал-Амин олдида тиз чўкиб, оёқларини ўпа бошлади. Кўз ёшлари дув оқиб томоғига нимадир тикилиб, бирор сўз айтишга ҳоли келмади.

— Балога учрагур! — қичқириб юборди Зубайда. — Нега кўз ёш қилипсан? Йиғласам раҳмлари келади, деб ўйлайсанда, а? Беҳзод ким ўзи? Аббосийлар боши устида қасос тигини кўтаришга жазм этган бу нобакор сенинг қаллиғинг экан-ку!

Зубайда бироздан сўнг газабини босишга уринди. Айёрлик билан Маймунадан бутун гапларни билиб олмоқчи бўлди.

— Аммо мендан кўрқма, — майин овоз билан қизга мурожаат этди у. — Айбингни рўйи-рост тан олсанг, омон қолишинг мумкин. Айт-чи, куёвинг ҳозир қаерда? Яна Хуросондаги ишлардан нимани билсанг, барини сўзла! Ҳақиқатни айтсанг, шафқат қилиб, қўйиб юбораман. Айтмасанг — ўлдим, деявер!

— Саййидам! Менга ишонинг! — ёлворди Маймуна. — Мен ҳеч нимани билмайман. Бу хатни ўқиб чиқиб, унинг мақсади не эканлигидан илгарии тамомила хабардор эмаслигимга амин бўлгандирсиз? Мен у тўғрида шу хатда ёзилганидан ортиқ нарсани билмайман. Амир ал-муслимин номи билан қасам ичаман.

— Амир ал-муслимин номи билан қасам ичаман, эмиш! — Уни мазах қилди Зубайда.

— Ҳа, шундай, амир ал-муслимин номи билан қасамед этаман, — такрорлади бояги гапини Маймуна. — Мен ҳеч қачон ёлғон қасам ичмаганман!

— Эй қиз, биздан ҳеч қўрқма. Очигини айтавер, — гапга аралашди ал-Амин. — Ҳақиқатан айбингни тан олсанг олдинг, бўлмаса, бош мунажжимни ёрдамга чакираман. У сенинг бугун сиру асрорингни ойнада кўргандек ошкор қилади-қўяди. Бизни лақиллатмоқчи бўлсанг, билиб қўй, сени аяб-нетиб ўлтирмаймиз.

— Ҳаётим амир ал-муслиминнинг қўлларида... — бошини эгди қиз.

63 - б о б

БАШОРАТГҲЙНИНГ АЖОЙИБ ИСТЕЪДОДИ

Ал-Амин чапак чалди ва остонада турган мулозимга саройнинг бош мунажжимини ҳузурига олиб келишни буюрди. Мулозим чиқиб кетгач, қаршисида бош эгиб турган Маймунадан ўлтиришни сўради. Қиз бош мунажжим Салмоннинг ўзи эканлигини билмасди. Анча вақтдан бери кўрмагани сабабли уни ё ўлган ёки Беҳзодга эргашиб, Хуросонга жўнаган, деб ўйларди. Бироздан сўнг саломхонага башоратгўй Содун кириб келди. Бошида — катта қора салла, эгнида — узун тўн, ичидаги оч-сарик кўйлаги кўриниб турибди. Белини қалин белбоғ билан ўраган, унга сиёҳдон осилган. Қўлтиғида — китоб. Қалин, узун, қоп-қора соқолига оқ оралаган. Сабийларга жуда ўхшайди. Маймуна Содунга разм солиб қараганида эди, албатта, Салмонни таниган бўларди. Содун амир ал-муслиминга яқин келиб, таъзим қилди ва буйруқни кутиб, бир дақиқа кутиб турди. Хонадагиларга зимдан қараб, Зубайда билан Маймунани кўрди. Ал-Амин олдидаги қоғоз ўрамига кўзи тушиб, шу заҳотиёқ Беҳзоднинг Маймунага ёзган ва ўзи келтириб берган хатни таниди. Халифанинг ҳузурига чақирилгани сабабини дарров фаҳмлаб, сир бой бергани маслиҳат қарор қилди. Ал-Амин башоратгўйни ўлтиришга буюрди. Халифа билан аёллар орасига бирон-бир тўсиқ ёки парда қўйилмагани: Содун ердан кўзини узмай, халифа кўрсатган жойга келиб ўлтирди.

Ал-Амин унга мурожаат қилди:

— Башоратгўй Содун, сени ҳузуримга шу боисдан чорладимки, мана бу қизнинг биздан пинҳон тутаётган сир-у асрорини бизга ошкор этсанг. Талай савол бердик, таҳдид ҳам қилдик, аммо у ҳеч нарсани тан олмаётибди. Умидимиз — сендан. Бор гапни заррача яширмай, бизни огоҳ этгил.

Зубайда башоратгўйга разм солиб, индамай ўлтирарди. У ҳали башоратгўйнинг кўлидан нима келишини билмас ва Маймунани кўрқитиб қўйиш мақсадидагина Содунни чақириб келтиришга рози бўлганди. Эҳтимол, қиз бу билимдон афсунгардан чўчиб, айбини бўйнига олар?

Содун тиззасидаги китобни очиб, куйдирилган зайтун шохлари солиниб, роса қиздирилган манқални келтиришни сўради. Бусиз қиз тўғрисида бирон нима айта олмаслигини таъкидлади. Халифа саройида зайтун мўл эди. Содунга бир пасда исириқдонга ўхшаш кумуш манқални олиб келиб, патнис устига қўйишди. Башоратгўй китобни зўр диққат билан ўқий бошлади, аллақандай тушуниксиз сўзларни фўлдираб-такрорлаб қўярди. Саломхонадагилар эса сукут сақлаб, уни диққат билан кузатишарди. Кейин чўнтагидан бир парча хушбўй қатронни олиб, лов-лов ёниб турган кўмир устига ташлади-да, бир кўзачада сув келтиришни сўради. Шу ондаёқ кўзачани кўлига тутқазди. Содун уни бош ва шаҳодат бармоқлари билан ушлаб, узоқ сувга тикилди. Сўнг халифанинг ижозатини олиб, Маймунадан кўлини китоб устига қўйишни илтимос этди. Қиз кўрқиб кетганидан тошдек қотиб, бармоқларини китоб варағига қўйди. Содун унинг бошқа кўлини билагидан ушлаб, кафтидаги чизиқларни “ўргана бошлади”. Сўнгра китобдан кўлини олиб, жойига бориб ўлтиришни сўради. Ниҳоят, тантанавор жилмайиб, бошини сарак-сарак қилди-да, ал-Аминга қараб, деди:

— Чиндан ҳам бу қиз амир ал-муслиминни қизиқтирувчи бир кўп ҳодисотни ошкор этиши тайин.

Зубайда мазкур башоратни эшитиб, нафратомуз кулиб юборди: бу гап унга гоёта бемаъни бўлиб туюлди. Башоратгўй Зубайданинг ботиний фикрини дарҳол уқди, унга разм солиб қарамаслиҳат тиришиб, бир лаҳзагина кўз ташлади-да, деди:

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

— Мен бу гапни сизларни алдаш ёки гапни бошқа ёққа буриш-чалғитиш учун айтмадим. Гарчи бу қиз саройга жория каби олиб келинган бўлса-да, аслида у аслзода эканлигига ишора қилмоқчи эдим.

Зубайда Содуннинг сўзини бўлди:

— Агар унинг аслзодалигига амин бўлсанг, у ҳолда кимлигини рўйи-рост айтиб бера оласанми?

— Бу қизнинг олдида бемалол айтишим мумкинми? — ижозат сўради Содун.

— Айтавер! — рухсат берди Зубайда.

Содун яна кўзадаги сувга қараб, энди Зубайданинг кўзига тикилиб турди-да:

— Бу — зўрлаб ўлдирилган вазирнинг қизи, — деб жавоб берди.

Буни эшитиб, қизнинг ранги докадек оппоқ оқариб кетди, вужудини титроқ босди. Ал-Амин башоратгўйнинг муваффақиятидан мамнун бўлиб, тантанавор бир тусда Зубайда томон қараб қўйди. Волидаси жуда ажабланган бўлса-да, сир бой бермасликка зўр бериб уринаётганини фаҳмлади.

— Сўзларингда ҳақиқатдан асар бўлса, бордир, - иқрор бўлди Зубайда ва хатга қўл узатди.

— Қўлимда нима бор, айт-чи? — сўради у қоғоз ўрамига ишора этиб.

— Хат... - жавоб берди Содун.

— Оллоҳ истейдодингни қўлласин! — хандон отиб кулиб юборди Зубайда. — Бунинг хат эканлигини ҳатто ёш бола ҳам билади! Чиндан ҳам бош мунажжим бўлсанг, бизга айт: хатда нималар ёзилган?

— Саййидам, истейдодимга ишонмаслигингиз қалбимни тирнайди, — хўрсиниб деди Содун. — Бу каби шубҳалардан сўнг, чурқ этиб оғиз очмаслигим ҳам мумкин... Аммо шуни айтишим керак: қўлингиздаги хат бармоқларингизни ёндирмоқда, куйдирмоқда. Ундаги гаплар зилдек оғир бўлиб туюлмоқда. Қўлингиздаги қизга аталган бу хат бир эроний томонидан битилган. У душманларингиз тарафидан туриб, аббосийларни ағдаришга интилоқда... У сизга ҳам, амир ал-муслиминга ҳам кўп кулфат етказгусидир... Сиз коса тагида нимкоса борлигидан ранжиган эдингиз. Мана энди бор гапни юзага чиқардим. Кўзингизга ниманидир пинҳон тутаётгандек бўлиб кўрингандирман, эҳтимол. Энди кўнглингиз тўлгандир?

Зубайда Содуннинг сўзларидан ҳайратга тушиб, таажжубини яшира олмади:

— Ё башоратгўй, — деди у, — сўзларинг ҳақ! Хатда нима битилганини билсанг айт-чи, уни ёзган ўша нобакор ҳозир қаерда?

— Саййидам, у Бағдоддан анча йироқда, Хуросонда.

— У ҳолда манави қиз билан қандай алоқа боғлаб туради?

— Бу қиз у билан кўришганига анча бўлган. Бунинг аксини айтгудек бўлса, ёлгон сўзлаган бўлади. Аммо ундан нималаргадир иқрор бўлишини кутмайлик, негаки ҳозир хат эгаси тўғрисида буткул хабари йўқ!

Маймуна Содуннинг сўзларини эшитган сари унинг ўзгалар ўй-фикрини ўқиб олишдаги моҳирлигига қойил қоларди. Қўрқув уни ўз исканжасидан бўшатганди. У ҳаммага илтижо билан боқар, аммо индамасди.

Зубайда Маймунани кўргани кўзи бўлмаса-да, ўз ҳисларини яширишга уринарди.

— Демак, унинг зиғирча айби йўқ экан-да? — сўради у башоратгўйдан.

— Ҳа, буни ботиний сезгиларим ҳам тасдиқлайди, — эътироф этди Содун, — улар эса мени ҳеч қачон алдамаган. Ишонмасангиз, амир ал-муслиминдан сўранг, барча башоратларим рост бўлиб чиқаётганини тасдиқласалар керак.

Зубайда Маъмунага ишора этганди, қиз ўрнидан туриб, саломхонадан чиқди. У ажиб бир тарзда омон қолганига сира инонмасди!

— Башоратгўй, истейдодингни эътироф этаман, — деди Зубайда, — лекин шу қизни кўрсам, юрагим қўрқувдан зириллайди.

— Чунки маликам унга нафрат кўзи билан қарайдилар, — деди Содун. — Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Ахир унинг отаси сизга ҳам, амир ал-муслиминга ҳам кўп кулфат келтирган. Мабодо маликам яна истейдодимдан фойдаланишни истасалар, хизматларига ҳамиша бажонидил тайёрман. Амир ал-муслимин ижозат берсалар, бу қиз билан бақамти сўзлашиб, яна бир кўп қизиқарли нарсалардан воқиф этишим тайин.

— Ижозат! — деди ал-Амин волидасига маъноли назар ташлаб.

Содун ўзини шошилаётганга солиб, нарсаларини йиғиштира бошлади.

— Башоратгўй! — Содунга маккорона назар ташлади Зубайда, — энг пинҳоний сирларни ҳам сендан яшириб бўлмаслигига ишонч ҳосил қилдим. Қани, ҳозир менга ҳам, амир ал-муслиминга ҳам қай фикрлар тинчлик бермаётганини айта оласанми?

Содун она-боланинг фикри ал-Маъмун ноиблик қилаётган Хуросон воқеалари билан бандлигини яхши англади.

— Нозик ўй-фикрлар мил-мил бўлса керак, — хаёлга чўмиб деди Содун. — Аммо улар орасида энг муҳими — хуросонлик бир кишининг қилмишлари... Сизлар ундан чўчийсиз, у эса - сизлардан!

— Гапинг рост, — иқрор бўлди Зубайда. (Аслида ҳам шундай эди) — Айт-чи, келажакда яна не воқеалар содир бўлгуси?

Содун китобини ўқишга тушиб кетди. Пешонасини ажинлар қоплади, юзини тер босди. Ниҳоят бошини кўтариб, деди:

— Қиличлар қиндан чиққан!..

— Қиличларни ким олдин яланғочлайди?

— Кимнинг қўли баланд бўлса — ўша! Аммо Оллоҳ билимдонроқдир.

Зубайда ўғлига юзланди? Унинг бу нигоҳидан: “Ал-Маъмундан олдин отни қамчилаб, уни ноибликдан туширгил, деб айтмабмидим?” деган фикрни уқиш мумкин эди.

— Вазиримиз ал-Фазл ибн ар-Робиа, — деди ал-Амин, — Абдуллоҳ ал-Маъмуни валиаҳдлик ҳуқуқидан маҳрум этишни, борди-ю кўнмаса, унга қарши уруш бошлашни маслаҳат бераётир. Айт-чи, ғалабадан умид қилсак бўлади-ми?

Содун яна китобини қўлга олиб, варақлади, ниманидир ўқиган бўлди. Ўрнидан туриб, дераза ёнига борди-да, осмонга қаради. Сўнг белбоғидан қалам чиқариб, сиёҳдонга ботирди-да, қандайдир ҳарфларни битиб, алланималарни ҳисоб-китоб қилди, ниҳоят сўзлади:

— Яна бир қарра такрорлайман: ёлғиз Оллоҳгина келажак илмидан воқифдир. Менинг ҳисоб-китобларим кўрсатишича, ал-Фазл ибн ар-Робиа порлоқ юлдуз тепага келган вақтда таваллуд топган. Иншооллоҳ, омад ёр бўлажак!

64 - б о б

СИР ОЧИЛДИ

Ал-Амин башоратгўйни шоҳона мукофотлашни буюрди. Содун китоб, сиёҳдон ва қаламини йиғиштириб, саломхонадан чиқди. Зубайда ҳам ўрнидан қўзғолди. Ўғли билан хайрлашаркан, Зубайда унга ўз саройи — Ором маскани яқинидаги Абадият қасрига кўчиб ўтишни тайинлади. Ал-Амин маслаҳатга албатта амал қилишни айтиб, волидасини кузатиб қўйди. Зубайда тахтиравонга ўлтириб, Ором масканига равона бўлди.

Ал-Амин биродарини валиаҳдлик ҳуқуқидан маҳрум этиб, ўрнига ўғли Мусани тайинлашга қарор қилди. Ўқувчиларимизга маълумки, халифа Хуросонга дастлаб ўз элчиларини, сўнг қўшинини жўнатди. Қоидлик мансабига ал-Фазл ибн ар-Рабияни кўтармоқчи эди, аммо вазир кўнмади. Шунда бу лавозимга ибн Маҳонни тайин этди. Кўп ўтмай халифа қўшини Рай шаҳри остонасида Тоҳир ибн ал-Хусайн қўшини билан жанг қилиш учун юришга чиқди. Ал-Амин уларни кузатиб қўйгач, Абадият қасрига кўчиб ўтди. Маймуна эса ал-Мансур саройида халифа посбонлари сақловида қолди. Содун ҳам шу ерда эди.

Зубайда билан ал-Амин ҳузуридан қайтаркан, Маймуна ўзида йўқ хурсанд, гўё қанот чиқариб, уни илҳақ бўлиб кутиб ўлтирган бувижони сари ошиқди. Бечора қизнинг омади чопиб, бир ўлимдан омон қолганди! Аббодага барча гапларни ипидан игнасиғача сўзлаб берди. Саройнинг бош мунажжимини тилга олиб,

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

роса мақтади. Аббода неварасининг ҳикоясини тингларкан, ҳайратдан ёқасини ушлади:

— Ўша мунажжимдан бу яхшилиги учун Оллоҳ марҳаматини аямасин! — деб дуо қилди кампир. — Бизни балолардан асраш учун уни Оллоҳнинг ўзи етказди! Бўлмаса анави ёвуз малика сен билан мени йўқ қилиб юборишдан ҳам тоймасди.

— Ҳа, бувижон, Оллоҳ бизни унутмади, ўз ҳимоясига олиб, зўр балодан қутқарди. Биз каби ожиз-бечоралардан мададини аямаган ўша мунажжимга Оллоҳнинг раҳмати ёғилсин!

Ал-Амин Абадият қасрига кўчгандан сўнг, ал-Мансур саройида қолиб яшаётган Аббода билан невараси ўз хоналаридан ҳеч қаёққа чиқмай, ёлғиз ўлтиришар, оламнинг ишларидан эса буткул беҳабар эдилар. Маймуна маҳбубининг хатини йўқотгандан буён сўнгги юпанчидан айрилган, Салмон билан яна кўришишдан эса умидини узган эди. Шу топгача Беҳзоднинг хизматкоридан бирон-бир дарак йўқ эди. Аммо ҳар гал маҳбубини эслаганида Салмон ҳам ёдига тушарди. Беҳзоднинг қаерда эканлигини билмаслиги, айниқса, қийнарди. Билганида: “Мени, албатта тутқунликдан қутқарарди”, деган умидда хат ёзиб юборган бўларди. Аммо вақт ўтиб борар, Маймуна тўрт девор ичида ўлтириб, юраги сиқиларди. Гўё кўр ва қар кишилар каби ҳеч нимани кўрмас, ҳеч нимани эшитмас, фақат бувижони унга таскин бериб; овутиб ўлтирарди.

Бир куни саройбон Фариди кириб, бош мунажжим Маймунани йўқлаётганини айтди. Қизнинг кўзлари бирдан қизариб, ҳайрат аралаш сўради:

— Сабабини билсак бўладими?

— Амир ал-муслимин мен орқали буюрдиларки, сиз бош мунажжимдан бўлак биронта ҳам киши билан учрашмаслигингиз шарт. Мен ҳам бунга йўл қўймайман. Аммо башоратгўйдан қўрқманг...

Қизнинг кўнгли ёришиб: “Бош мунажжимга ёқиб қолсам, Салмон ёки Беҳзод қаердалигини албатта, сўраб-билиб оламан”, деб ўйлади.

— У киши бу ерга келадиларми ё мен ҳузурларига боришим керакми? — сўради у саройбон аёлдан.

— У киши сизни ҳузуримга келсин, деб айтдилар.

— У киши билан бир хонада ёлғиз қолишим дуруст бўлмас, — андиша қилди қиз.

— Ижозат берсангиз, мен ҳам борсам, — илтимос қилди Аббода.

— Марҳамат, — рози бўлди Фариди.

Аббода билан Маймуна бошларига рўмол ўраб, қулнинг ортидан юришди. Унга аёлларни саройнинг нариги бурчагига, башоратгўй Содуннинг хос хонасига кузатиб қўйиш буюрилганди. Ниҳоят қул тўхтаб, эшиклардан бирини тақиллатди-да, Маймунанинг келганини айтди. Содун бизга таниш қиёфада останада пайдо бўлди. аёллар билан саломлашиб, ичкарига таклиф этди, улар хонага киргач, эшикни маҳкам ёпиб қўйди. Қиз хонани кўздан кечириб, ҳайратга тушди. Ҳаммаёқда турфа буюм-ашёлар. “Булар нимага керак бўларкин?” — хаёлидан ўтказди. Манави эгри-бугри найчалар, катта-кичик кўзачаларнинг шакли, ранги бир-биридан ажралиб турарди. Силлиқ, кир тахтачаларга ҳеч ким тушунмайдиган ҳарфлар, сирли белгилар битилганди. Бирдан Маймунанинг юраги сиқилиб, ўзини ёлғиз сизди. У бувиси билан бу ерга келмасидан аввалроқ башоратгўй жуббасини ечиб, сариқ тусдаги чакмони остидан белбоғ боғлаб, калтагина салла ўраб олган экан. У меҳмонларни ўлтиришга таклиф этди. Аёллар индамай, гилам устига чўккалади. Башоратгўй улар қаршисига ўлтириб, Маймунага юзланди:

— Маймуна! Тунов куни сени бир ўлимдан сақлаб қолдим-а, шуни биласанми?

Маймунанинг асл исмини мунажжим биларкан! Қизнинг юраги бирдан шув этиб кетди.

— Шундай. Бу яхшилигингизни сира унутмайман. Оллоҳ сизни ҳамиша қўлласин!

— Сендан, албатта, мукофот талаб этмайман, аммо бир саволимга жавоб берсанг, бас. Фақат тўғриси айтасан.

— Кўнглимдан нелар кечаётганини ўзингиз билиб турасиз. Мен қандоқ қилиб сизга ёлгон сўзлайман?

— Баракалла! Айт-чи, Беҳзодни чиндан ҳам севасанми?

Қизнинг ёноқлари қип-қизариб, уялганидан нима дейишини билолмай, саросимага тушди.

— Қўрқма, очигини сўзла!

Невараси ўрнига Аббода жавоб берди:

— Содун жаноблари! Унинг кўзларига бир қаранг. Бор гапни яққол ошкор этиб турибди-ку?

Башоратгўй таажжубланиб, деди:

— Бону, бошингизга не-не савдолар тушган. Наҳотки, ҳамон муҳаббат нима-лигини унутмаган бўлсангиз?

Аббода унинг сўзларига ҳайрон бўлмади. Содуннинг инсон қалби сиру асрорларидан бохабарлиги ҳақида одамлардан эшитган. Башоратгўй ҳаёлга чўмиб, соқолининг учини ўйнаб ўлтирарди. Бироз сукунатдан сўнг яна қизга мурожаат этди:

— Беҳзодни севишингга амин бўлдим. Беҳзодчи? У ҳам сени жонидан ортиқ кўрадимми?

Маймуна кўзларини ердан узмай: “Қайдан билай?” демоқчи бўлгандек қўлларини икки томонга ёзиб қўйди.

— Ана кўрдингми, билмайсан! У ростдан ҳам сени севганида эди, халифа саройига ёлғиз ташлаб қўймаган бўларди. Ахир, бу ерда бир умр қолиб кетишинг ҳеч гапмас! Энди сенга ачинганимдан меҳрибончилик қилиб, нажот ва бахт йўлини кўрсатмоқчиман. Сўзимга кирсанг, бир умр жонинг роҳатда, беғам-беташвиш яшайсан.

— Мен нима қилишим керак? — ҳаяжон-ла сўради Маймуна.

— Бир йигитни танийман. Бағдодда унингдек аслзода ва олижаноб йигитни топа олмайсан. У сени жуда ҳам севиб қолган. Сен эса ўзингни ундан четга олиб қочар экансан...

Содун бу сўзларни айтиб, сукут сақлади, бир-икки йўталиб қўйди.

Маймуна Содун вазирнинг ўғли ибн ал-Фазл тўғрисида гапираётганини фаҳмлади. Қиз ибн ал-Фазлга бениҳоя нафратини қанчалик яширмасин, барбир, бўлмади. Бувижонига мадад кутгандек қараб қўйди. Аббода оғиз очмасиданоқ, башоратгўй ўз гапини маъқуллашга тушди:

— Нима дейишингизни яхши биламан. Аммо рад жавоби берганингиз билан қутула олмайсиз. Халифа саройида ҳам бу йигитнинг обрўйи зўр. Мабодо, ал-Амин орқали Маймунани сўратгудек бўлса, халифа рози бўлиши турган гап. Маслаҳатим шуки, йигитнинг талабини ўз ихтиёринг билан қабул қил. Беҳзод эса Бағдоддан жуда узокда. Уни энди буткул кўрмаслигинг ҳам мумкин...

Бу гапни эшитиб, Маймуна дод деб юборгиси келди. Хўнграб йиғлай бошлади. Аббода ўрнидан туриб, башоратгўйга таъзим қилди-да, ёлворди:

— Жаноб, аҳволимиз ўзингизга маълум. Келинг, худо ҳаққи, бизга душманлик қилманг, аксинча ёрдам беринг, ҳимоянгизга олинг. Сизни бир умр дуо қилиб юрайлик... — Аббода томоғига бир нарса тикилиб, гапини давом эттиролмади. Башоратгўй кампирни жойига ўтказиб, сўради:

— Хўш, мендан нима истайдилар, бону?

— Анавиларнинг талабига сира-сира кўнолмаслигимиз ўзингизга аён. Бундан кўра ўлганимиз афзал!

Аббода жимиб қолди, бироздан сўнг яна Содунга мурожаат этди:

— Ўтиниб сўрайман, бизга бир ишда кўмак берсангиз...

— Нима иш экан у?

— Бир ишончли одамимиз бўларди. Беҳзоднинг ўзи уни: “Сизлардан хабар олиб туради”, деб Бағдодда қолдириб кетганди. Унинг хатини Маймунага олиб борган ҳам ўша. Орадан анча вақт ўтди, аммо биз уни кўрмаймиз ҳам, қаердалигини билмаймиз ҳам. Кароматгўйликда моҳирсиз, уни излаб топилган ёрдам беролмайсизми?

— Ҳа-а, сиз Салмонни айтаяпсизми? — кулимсиради бош мунажжим.

— Шундай...

— Унинг қаердалигини амир ал-муслиминнинг вазири ҳам суриштирганди. — У Бағдодда экан-да!

— Ҳа, у Бағдодда, худди шу саройда!

— Шу саройда? — ҳайрон бўлди Маймуна.

— Ҳатто шу хонада!

Шу онда Маймунанинг кўзларини тўсиб турган парда ғойиб бўлди. У Салмонни овозидан таниб, қичқириб юборди:

— Салмон! Салмон!

— Ҳай, секинроқ! Ҳа, мен Салмоннинг ўзиман. Айни чоғда — саройнинг бош мунажжими.

Маймуна гул-гул ёниб, кулар, қувончи ичига сиғмай, ундан Беҳзод ҳақида бирон-бир хушхабар эшитгуси келарди. Салмонга қараб, гўё Беҳзоднинг ўзини кўргандек бўларди. Унга савод бермоқчи бўлиб, азбаройи шошилангидан тили тугилиб қолди. Бироқ, Салмоннинг ўзи гап бошлади.

— Мен, анчагача сизлардан яшириниб юрдим. Қойимасангиз ҳам бўларди, илло сизларни ўйлаб, шундай қилишга мажбур бўлдим. Мана энди ишингиз менсиз бит-маслигини кўриб, йўлингизда пайдо бўлдим, бир нав фойдам тегди.

— Ҳа, сен неварамни бир ўлимдан сақлаб қолдинг! — деб юборди Аббода. — Бу яхшилигинг учун Оллоҳ умрингни узун қилсин!

Маймуна бувисининг сўзини бўлди:

— Беҳзод қаерда ҳозир?

— Бағдод ёки унга яқин бир жойда.

— Бағдодда? — жон ҳолатда қичқириб юборди Маймуна. — Наҳотки, у бизга ёрдамга келмаса?

— Буни осон деб ўйлайсанми? Аммо жуда зарур бўлиб қолса, ўзи бу ерга етиб келади. Ҳозир Бағдодни гўё кучли бир зилзила ларзага солмоқда. Беҳзод раҳнамолик қилган яширин мазҳаблар ҳам уйқудан уйғонгандек. Ҳалифа эса талай номаъқул ишларга бош қўшди. Энди ўз хатоларини тузатай, деса, фурсат ўтди...

— Худо хайрингни берсин, Салмон, — деб яна гапни бўлди Маймуна. — Айт, Беҳзод ростдан ҳам Хуросондан қайтганми? Уни ўзинг кўрддингми?

— Ҳа, кўрдим, учрашдим.

— Қаерда учрашдингиз?

— Махсус жойимиз бор, уни ҳеч ким билмайди.

— Ўзи Бағдодда экан, учрашишнинг иложи борми, айт!

— Ҳар ишнинг ўз фурсати бор. Фақат сабр қил!

— Майли, сен айтганча бўлсин, — Маймунанинг кайфияти бузилди. — Аммо энди биз нима қилишимиз керак?

— Ҳозирча шу ерда яшаб турасизлар. Бу гапларни ҳеч ким билмасин!

— Ал-Маъмун ҳақида ҳам, ал-Амин тўғрисида ҳам бирон нарса билмаймиз. Ўзи нималар бўляпти? — сўради Аббода.

— Саййидам таъвиш чекмасинлар. Оллоҳнинг ўзи сизлар учун ҳам, биз учун ҳам қасос олди. Ал қасос-у мин ал-ҳақ! Ал-Амин биродарини вадиҳдлик ҳуқуқидан маҳрум этди. Шунда эронийлар ал-Маъмунга мадад қўлини чўзишди. Унинг волидаси эронийлардан эканини яхши биласиз. Улар Тоҳир ибн ал-Ҳусайн бошчилигида қўшин тузишди. Ал-Амин ҳам қўшин йиғиб, унга амир ал-хавофоз ибн Маҳонни қонд этиб тайинлади. Рай шаҳри яқинида жанг бўлиб, ал-Маъмун қўшини ғолиб келди. Ибн Маҳон ҳалок бўлди. Қўшинининг қолган-қутгани қочиб қолди. Ал-Амин мағлубият хабарини эшитгач, умидсизликка тушди. Нима қилишини билмай, менга одам юборди. Абадият қасрига борганимда мендан келажанин башорат қилишни сўради. Мен ал-Фазл ибн ар-Рабия бошчилигида Хуросонга яна бир юриш қилишни маслаҳат бердим. Вазир бу хатарди ишга асло бош қўшмаслигини била туриб, шундай дедим: “Сиз ўз вазиригиз ва ўғлингиз урушда албатта иштирок этган тақдирдагина ғалаба қозонасиз”, деб халифани кўндирмоқчи бўлдим. Бу гапдан хабар топган вазир зудлик билан қаергадир яширинди. Шу тариқа иккинчи юриш барбод бўлди. Ал-Аминнинг ҳокимияти шу қадар заифлашдики, ҳатто сарой аъёнлари ҳам сўзига кирмай қўйишди. Улар халифани тахтдан ағдариб пайига тушиб қолиш-

ди. Аммо бош мунажжим уларга қўшилмас экан, бу ишга жазм этишолмайди. Мен хоҳлаган кунда халифани ағдаришлари турган гап. Аммо ҳозирча тахтда ўлтиргани маъқулроқ.

Маймуна Салмоннинг ақлига қойил қолиб, ал-Фазл ва ўғли ибн Фазлни усто-монлик билан алдаганидан хурсанд бўлиб кетди.

— Ҳозирча сизлар ал-Мансур саройида қоласиз. Саройбон Фариди сизларни назорат қилиб туради, — ҳикоясини тугатди Салмон. — Мен бир неча кун бу ерда эмас, Абадият қасрида халифа ҳузурида бўламан.

Салмон чапак чалиб, хизматкорни чақирди:

— Бу аёлларни ўз хонасига кузатиб қўй. Саройбон Фаридага улар билан бу-гунги суҳбатимдан мамнун бўлганимни айт.

Аббода билан Маймуна кетгач, Салмон хизматкорига хачир ҳозирлашни бую-риб, кийина бошлади. Саройбонга Аббода билан Маймунани назорат этиб туриш-ни келишиб олгач, хачирига минди-да, хизматкори билан бирга Абадият қасрига жўнади.

65 - б о б

АЛ-АМИННИНГ БАЛДОҒИ

Салмон Абадият қасрига яқинлашаркан, саройни хос посбонлар эмас, балки бир тала дайдилар қўриқлаб турганини кўрди. Улардан бири бош мунажжимни таниб, сакраб ўрнидан турди-да, икки букилиб, таъзим қилиб, дарбозани ланг очиб қўйди. Салмон ичкари ҳовлига ўтар-ўтмас, дайдилар пешвоси ал-Хариш отда қар-шисидан чиқиб қолди. Ал-Хариш Содун саломига алик олиб, саройни дайдилар қўриқлаётганининг сабабини сўради.

— Посбонлар ал-муслимин хизматидан воз кечишди, — деб тушунтирди ал-Хариш.

— Нега?

— Хачирда экансан, гапни чўзмай қўяқолай. Ўзинг ҳам бохабар бўлсанг ке-рак. Тоҳир ибн ал-Хусайн Рай яқинида галаба қозониб, ибн Маҳон ўлдирилди. Ал-Амин қўшини сафидаги юзлаб сипоҳлар асир тушди, бошқалари жуфтакни рост-лаб қолди. Шунда Тоҳир фурсатни бой бермай, олға босди. Ал-Жибал вилоятини қўлга киритди. Ал-Амин яна бир қўшин тузди, лекин бу гал ҳам омади келмади. Халифа ҳокимияти шунчалик заифлашдики, саркардалар уни тахтдан тушириш керак, деб гап кўзготишди. Ўзингга маълум, гап гаплигича қолди. Тоҳир эса қўши-нини яна ишга солиб, Восит ва ал-Мадон шаҳарларини эгаллади. Ҳатто Сарсор-гача етиб келди. Ҳозир у Бағдоднинг шундоқ остонасида турибди. Ал-Амин одам-ларни ўз томонига оғдириш мақсадида зўр бериб олтин тангаларни улаша бошла-ди. Бу гап Тоҳир сипоҳларининг қулоғига етиб, пул ишлаб қолмоқчи бўлганла-ри халифа томонига ўта бошлашди. Ал-Амин ҳар битта қочоқни мукофотлаб, зўр илтифот кўрсатди. Бу иши сара қўшинининг галаёнига сабаб бўлди. Булар мао-ши анавиларникидан анча кам бўлиб қолганди-да! Сарой посбонлари ҳам ундан ранжиб, хизматдан воз кечишди. Ал-Амин ноилож қолиб, менга одам юборди, қас-рни қўриқлаб туришни бизларга топширди.

Салмон кинояли жилмайди:

— Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ, деб бежиз айтишмайди. Энди халифа сизлардан пулини аяб ўлтирмаса керак. Шу баҳонада анча-мунча ишлаб оласиз. Биз қадрдон одамлармиз. Менга қолса, сен ўша хиёнат бандалари-ю, ла-ганбардорлардан, ҳатто олчоқ вазирлардан ҳам марҳаматга кўпроқ сазоворсан. Анави ал-Фазл ибн ар-Рабия эса амир ал-муслимин бошига иш тушган заҳоти қаёққадир ғойиб бўлди-қолди, нафсиламбрини айтганда, ҳамма балога ўша са-бабчи. Хайр, мен кетдим.

Салмон жиловни тортди, аммо ал-Хариш тўхтатди:

— Халифа ҳузурига шошиляпсан, шекилли? Борақол, халифа нима иш билан машғуллигини кўрсанг, ёқа ушлайсан...

Салмон дайдилар пешвосининг гапига тушунмади. Учинчи дарбозадан ўтиб,

хачиридан тушди-да, уни қўлига топшириб, хассасига таяниб, боғ томон юрди. Шундагина ҳаммасини ўз кўзи билан кўриб, чиндан-да ҳайрон қолди. Атрофида талай қуллар, бири — сарпойчан, бошқаси — боши очик, қий-чув кўтариб, у ёқдан-бу ёққа югуришарди. Бу манзарани кўриб, Салмоннинг боши қотди, лекин ҳар ёққа қараб кетган йўллардан бири бўйлаб бораверди. Ниҳоят, каттакон бир ҳовуз олдидан чиқиб қолди. Ҳовуз боғнинг қоқ ўртасида, саройнинг тўғрисида қурилганди. Бир кўп қуллар шу ҳовуз атрофида уймаланиб, тубига диққат билан қараб туришарди. Яна бирлари узун қўйлақларини ечиб, бирин-кетин сувга шўнғишарди. Ал-Аминнинг ўзи, зиёфатларда кийиладиган либосда, боши яланг ҳолда (салласини ғала-ғовурда йўқотиб қўйганга ўхшайди) эдики, уни шу алфозда кўрган киши савдойи деб ўйлаши мумкин эди. “Бирон-бир хиёнатни фош этишибди, чоғи, — ўзича ўйлади Салмон. — Ҳа, ал-Аминга кимдир суиқасд қилганга ўхшайди! У қочмоқчи бўлган-у, шартга ўзини ҳовузга ташлаган. Ҳовузга сув канал орқали. Дажла дарёсидан келишини биларқан-да! Сарой дарбозалари ёпиқ бўлса керакки, ҳовузга калла ташлаб канал орқали дарёга сузиб чиқмоқчи бўлган. Сузишни яхши билса, бас, негаки сув йўли очик, бемалол дарёга етиб олади. Фақат қалъа деворининг нариги тарафида сим тўр-тўсиқ бор, аммо уни ҳам қўли билан осонгина суриб олса бўлади”. Шу пайт ал-Аминнинг хирқироқ овози эшитилди:

— Балдоғим қани? У қаерда? Ким уни тутиб олишга жазм этди? Эй, Кавсар! Эй, Жавҳар! Эй, Сайид! Балдоғим ҳовузда бўлса керак! Дарров топинг уни! Тўр ташлаб кўринг!

Салмон ал-Харишнинг бояги гапини эслаб, ҳаммасини тушунди. Шовқин-суроннинг сабаби Балдоқнинг йўқолиб қолганида экан! Ал-Амин учун махсус тутиб олиб келинган чиройликкина балиқчанинг номи Балдоқ эди. Халифа уни марваридлар билан безаб, бир жуфт олтин балдоқ тақиб қўйганди. Шу эрмаги билан уззу-кун овора бўлиб, вақтини хуш ўтказарди. Бироқ ҳали, Салмоннинг саройга келмасидан бурун Балдоқ йўқолган, барча сарой қуллари уни изламоқда эди. Салмон бу тўс-тўполонни мириқиб томоша қилди-да, ал-Амин Балдоқни топтириб, ғаройиб томошага чек қўйгунга қадар бир четда кутиб туришга қарор қилди. “Бунақа ҳукмдор бошқарган юртнинг ҳолига вой! — аянч билан ўйлади у. — Биродари ал-Маъмун халифадан анча устун эканига ажабланмасак ҳам бўлади! Фидойи, мустаҳкам қўшин ҳам ал-Маъмуннинг дастиди! Манавининг атрофини эса олтинга ўч ялтоқилар зич ўраб олишган. Булар бари - ахлоқий тубанлик, разиллик оқибати! Ҳа, ал-Амин ҳукмронлиги тугаб, адолат тантана қиладиган кунларга яқин қолди!”

Бирдан Салмон халифанинг унга тикилиб турганини сезиб қолди. Одатда ошкора фахш ва беҳаёлик аломати акс этиб турадиган юзида бу гал аллақандай ташвиш ва хавотирлик ифодаси кўзга ташланарди. У башоратгўйга: “Ортимдан юр”, дегандек ишора қилди ва қасрнинг ички дарбозаси томон йўл олди. Очик айвон ёнидан ўтиб, “Торим” (“шийпонча”), деб аталмиш чодирга яқинлашди. У сандал ва сабур оғочидан, ўн тирсақ кенглигида ясалганди. Шийпончанинг ичида — четларига зар иплардан гул текилган ипак тўшамли ўриндиқ. Салмон чодир олдида бир гуруҳ сарой аъёнларига кўзи тушди. Улар халифага йўл бўшатиб, таъзим қилишди. Салмон улардан иккисини яхши танир эди. Бири — халифанинг амалкиси Иброҳим ибн ал-Маҳди, бошқаси — Ҳошимийлар уруғининг энг кекса вакили Сулаймон ибн Абу Жаъфар ал-Мансур эди. Ал-Амин Торимга кириб, башоратгўйни чақирди-да, аъёнларига жавоб бериб юборди. Салмон эшик олдида ҳассаси ва пойафзалини қолдириб, ичкари кирди. Ал-Амин чодирнинг ўртасида чордана қуриб ўлтираркан, башоратгўйга қаршисидан жой кўрсатди. Салмон келишидан илғари бу ерда базми жамшид авжига чиққан бўлса керак, ҳаммаёқда чала ичилган қадаҳлар-у, кўзачалар ағдарилиб ётарди. Патнислар-у, лаганчаларда турфа мевалар уюб қўйилган. Ал-Аминнинг олдида — синган биллур кўза, унга беш ратл¹ шароб бемалол сиғади. Яна шундай икки кўза машхур сарой аъёнлари — Сулаймон ибн ал-Мансур ва Иброҳим ибн ал-Маҳди ўлтирган ёстиқлар ёнида ётар-

¹ Р а т л - 0,5 литрдан кўпроқ (тарж.)

ди. Булар халифанинг доимий улфатлари сирасига кирарди. Афтидан, ал-Амин улар билан бирга маишат қилиб ўлтирганида Балдоқнинг йўқолгани хабарини етказишган, шунда халифанинг ўзи ҳам балиқчани қидиришга тушган.

Ал-Амин кайфияти бирдан бузилди. Салмон таажжубланди: шунчалик зўр зиёфатдан кейин ҳам халифа ғамгин ва серташвиш кўринарди. Башоратгўй унинг бир нима дейишини кутиб, индамай ўлтирарди. Ал-Амин қадаҳида қолган шаробни охиригача сибириб, Салмонга қараб қўйди-да, хўрсинди:

— Биласанми, сендан бошқа сирдошим қолмади, — деб гап бошлади у. — Ҳамма мени тарк этди. Ахир тилло тангалар учун хизмат қилишарди-да! Келажак сирларини ошкор этишда моҳирлигинг менга жуда ёқади. Шу боисдан ҳам сени ҳузуримга чорладим... Сўзимга инон. Балдоқни қидириш билан овора бўлганимни, манави чодирдаги улфатчиликдан қолган ҳар хил нарсаларни кўриб, ҳайрон қолганинг менга ҳам ёқмайди.

Халифа яна хўрсиниб, давом этди:

— Начора! Умидсизлик мени ўз домига тортди. Ундан қутулиш учун улфатчилик қилиб, кўнглимни ёзмоқчи бўлдим. Амакиларимга одам юбордим, улар хонанда-ю, созандаларни бошлаб келишди. Май ичиб, қўшиқ тингладик, яхши мусиқа эшитдик. Аммо хонанда қизларнинг ашулаларини тинглаб, баттар хунобим ошди, ичимни ит тирнади. Тасодифми ёки атайин уюштирдими билмадим, бир қиз шундай куйлади: “Уни тахтни эгаллаш учун ўлдиришди. Бир вақтлар Хусравга ҳам шундай хиёнат қилишганди”. Ё Оллоҳ! Атрофимдаги одамлардан хавфсирайдиган бўлиб қолдим. Улар Хусравнинг хос кишиларидан ҳам баттар! Ташвишимга шерик бўлишмайди. Ҳатто вазирим ал-Фазл ҳам мендан юз ўгирди. Хонанда қизлардан бири негадир ўрнидан тураётиб, қадаҳимни чил-чил синдириб қўйгани ҳам ёмон таъсир қилди. Бўлажак фалокатларни ўйлаб, қаттиқ изтиробга тушдим. Ахир, бу қадаҳимдан сира айрилмасдим, неча йилларки, фақат шу қадаҳни тўлдириб, беармон май ичардим. Наҳотки, ўйлаганим ўша фалокатлар рост бўлиб чиқса?

— Сайиждим, — жавоб берди Салмон, — ортиқча ташвиш чекманг...

Ал-Амин унинг сўзини чўрт бўлди:

— Охири марта учрашганимизда ҳақиқатни мендан яширдинг. Ёки башоратларинг ёлгонми эди?

— Бўлиши мумкин эмас!

— Ал-Мансур саройидаги суҳбатимиз ёдингдами? Биродарим билан уруш қандай тугашини сўраганимда, менга ғалаба башорат қилгандинг!

Салмон гўё бир нимани ўйлаётган кишидек, бошини қуйи солди, сўнг деди:

— Амир ал-муслимин ал-Мансур саройида айтган сўзларимни яна бир эсласалар, ҳақлигимга амин бўладилар. Ушанда вазир ал-Фазл ибн ар-Робианинг омади келажagini ҳисоб-китобларим асосида башорат этгандим. Аммо у ўша юришга бормади.

— Ҳа, бормади, — тасдиқлади ал-Амин. — Уни иккинчи юришга юбормоқчи эдим, у яна рад қилди, бу фикримда қаттиқ туриб эдим, юраги дов бермай, қочиб кетди. Ушандан бери қорасини ҳам кўрмайман, яширинган жойидан ҳам беҳабарман!

Башоратгўй таажжубланиб, бошини сарак-сарак қилди. Сўнг шаҳодат бармоғи билан пешонасини ишқалаб, ўйланиб қолди. Бироздан кейин бошини аста кўтариб, гап бошлади:

— Ўша башоратимни яна бир сабабга кўра ҳақ, деб ҳисоблаш мумкин. Ҳозир ёдимга тушди: Хуросондаги биродарингиз вазирининг ҳам исми ал-Фазл. У ал-Маъмун ғалабаси учун қўшган ҳисса вазирингиз амир ал-муслимин ғалабасига қўшган ҳиссадан анча кўпроқдир. Ал-Мансур саройида айтган сўзларим ҳақлигига юз фоиз аминман, аммо башорат нотўғри талқин этилгани аниқлашилди.

Ал-Амин башоратгўйнинг бу сўзлари ҳам ҳақлигига тан бериб, ихлоси янада ошди.

— Сенга сир эмаски, — деди у, — мен ҳозир ёлғизқўл бўлиб қолдим. Хазинамда ҳам ҳеч вақо қолмади. Ҳамма саройларимдаги бор тилло ва кумуш идишларни йиғиб эритиб, танга зарб этишларини буюрдим. Қимматбаҳо жиҳозларни со-

тиб юбордим. Шулар эвазига тўпланган пулларни яқин кишиларимга, муқаррабларимга улашиб бердим. Қўшиннинг кўнглини овлаш учун аҳли тижорат молининг барини йиғиштириб олишга мажбур бўлдим, лекин бу тадбир ҳам иш бермади. Батгар ёлғизланиб қолдим.

Халифанинг томоғига бир нарса тикилиб, кўзлари ёшланди. Салмон қаршисидаги ношуд одамга заррача ачинмаса, ҳамдард бўлмаса-да, гамгин қиёфага кирди. Нима қилиб бўлса ҳам ўз мақсадига эришиш истаги уни шу қўйга солди, муғомбирлик қилишга ундади. Хорун ар-Рашид ўғилларини бир-бирига қарши гиж-гижлаб, ҳеч қачон ярашиб, тил топишиб кетиша олмайдиган қилиб уруштириб қўйишдан бўлак нияти йўқ эди унинг. Акс ҳолда эронийларнинг барча ҳаракатлари беҳуда бўлиб чиқар эди. Шу боисдан ҳам сохта хайрихоҳлик билан халифага мурожаат этди:

— Амир ал-муслимин биродарлари саройидан бирон нима топишга уриниб кўрсалар ёмон бўлмасди! Билишимча, у кишининг саройбони Навфал марҳум халифа ҳукмронлиги замонидаёқ ўша ерга анча-мунча хазинани йиғиб-асраб қўйган экан.

— Ўша Навфал деган кимсада ўн минг дирҳам бор экан, ҳаммасини қўлга киритдик. Ал-Маъмуннинг барча ер-мулкларини, улардан оладиган даромадларини мусодара қилдик.

Башоратгўй қайғули бир қиёфада бошини эгиб олди, аммо ботинида... жуда хурсанд эди!

— Амир ал-муслимин қўшиннинг таъминоти учун маблағ излаётган эканлар. Лекин Бағдодда шундай одамлар ҳам борки, ҳеч бир мукофот талаб этмай, жанг қилишга қодирлар. Урушда ниманики ўлжа олсалар, ўша мош ўрнини босади.

— Дайдилар! Ҳар хил бекорчиларни кўзда тутяпсан, шекилли?

— Ҳа, худди шуларни, — халифанинг оғзидан гапини илиб кетди Салмон. — Уларга соққон-у, хуржун тўла тош бўлса, жанг қилаверишади. Улар олдида найза-ю қилич билан қуроолланган сипоҳлар ҳам ип ечолмайди. Шаҳар аҳлига қарши жангда тош қурооллари жуда иш беради-да! Ҳозир дорулисломда (пойтахтда) эллик мингдан зиёд дайди бор. Ал-Харишга бир оғиз шипшитиб қўйсалар бас, халифа тарафида урушишлари тайин!

— Наҳотки мени гўл, деб ўйласанг? — башоратгўйдан хафаланиб деди ал-Амин. — Менда ҳам ақл бор. Бир соат илгари ал-Хариш ҳузуримда бўлди. Мен унга худди шу тўғрида фармон бердим. Халифа амри вожиб, деб мени ишонтирди. У шаҳардаги ҳамма муттаҳамлар, ўғрилар, киссавурлар ва бошқа оч бачча-фарларни ўз измига олишига аминман. Бу қаланғи-қасанғиларга қўйиб берсанг, бир зумда шаҳарни вайрон-талқон қилиб юборишади. Аммо...

Халифа гапини тугата олмай, тили тутилиб қолди.

“Мендан ниманидир яширмоқчи, — деб ўйлади Салмон. — Жим турайчи, яна нима деркан”.

Ниҳоят ал-Амин овозини пасайтириб, дилидагини тилига чиқарди:

— Бироқ... Шу топгача қасамёдга содиқ қолган айрим олий мансабдорлар етти минг нафар фидойи форислар билан бирга Бағдодни тарк этишимни маслаҳат беришмоқда. Улар қуршовида тунда дорулисломдан чиқиб, Сурия ёхуд Жазирага етиб олишим турган гап. Бу бепоён ўлкаларда раиятга жон ва ер солиғи солиб, бемалол юрт сўрайвераман. Бағдодни эса Оллоҳга топширурман! Хўш, сен не дейсан? Маъқулми?

Салмон ал-Амин қарорини оқилона тадбир деб, таърифлади. Аммо зўр саросимага тушди: ал-Амин ўзга бир давлатни идора этган тақдирда ҳам, бу иш эронийларнинг барча режаларини чиппакка чиқарган бўлурди. Башоратгўй шуларни ўйлаб, халифанинг саволига жавоб беришга уринаркан, овозида ташвиш оҳангини туйиш мумкин эди:

— Билмадим, амир ал-муслимин дорулисломни қандай тарк этар эканлар. Ахир Бағдодни тўрт тарафдан душманлар ўраб олган. Етти минг суворий қандай қилиб товуш бермай шаҳардан чиқиб кета олсин! Худо асрасин-у, аммо халифамиз қўлга тушиб қолсалар-чи? Афёрлари жазога мустаҳиқ қилишлари ҳеч гапмас!

— Наҳотки, йўлим берк бўлса? — даҳшат аралаш сўради ал-Амин.

— Амир ал-муслимин хоҳласалар, ҳозироқ камина қуллари билан бирга минорага кўтарилиб баланддан дорулисломни, ён-атрофни бир кузатсинлар. Шунда душманлари қаерга ўринлашиб олганини яхшироқ кўриб-билиб оладилар. Сўнг нени ихтиёр этсалар, ўша бўлғуси!

66 - б о б

ОНА ҚАЛБИДАН ЗИЁДА МАСЛАҲАТЧИ ЙЎҚ!

Ал-Амин башоратгўйнинг таклифини қабул қилиб, эшик томон юраркан, деди:

— Қаерда баланд минора бор? Ҳеч кимга билдирмай чиққанимиз маъқул.

Салмон халифанинг ердан кўзғолиб, ўрнидан турди. Икковлари миноранинг учига кўтарилишди. У ердан Боғдод, унинг саройлари қафтдек кўриниб турарди. Аввал шарқ тарафни диққат билан кузата бошлашди.

— Саййидим, Дажланинг нариги қирғоғида Харсома ибн Аёнанинг чодирларини кўряписизми, — деди Салмон ўша томонни қўли билан кўрсатиб. — Аш-шамосиё маҳалласини эса Убайдуллоҳ Ибн Ваддо қўшини эгаллаган. Ҳамма катта кўприклар ҳам унинг қўлида. Харсома жангчилари эса Хуросон йўлини тўсиб олишган. Фикри ожизимча, бу тарафдан шаҳарни тарк этиб бўлмайди. Фарбада, ал-Анбар дарвозасининг ёнгинасида — Тоҳирнинг қўшини. Ана, унинг йигитлари байроқларини ҳилпиратиб, ал-Қаҳр маҳалласини ишғол этиб, Куфа дарвозаларидан кириб келишмоқда. Бағдоднинг фарби-жанубида ҳам душманларингиз саф тортиб турибди. Деярли ҳар томондан бизни қуршаб олишган... Саййидим, уларнинг томи устидан отилаётган тошларни кўряптиларми? — Бу — ал-Хариш дайдиларининг иши. Улар душман ҳужумини қайтаришяпти.

Ал-Амин Салмон кўрсатган тарафга қаради. У ердаги манзарани кузатиб, юраги эзилди, ранги докадек оппоқ оқариб кетди: нима қилганда ҳам шаҳардан чиқиб кета олмаслигига кўзи етди. Сукут сақлаб, шаҳарни яна кузата бошлади. Бирдан ал-Ҳарбиянинг шимол томонида аланга тилларини кўриб қолди.

— Ё Раббим! — деб қичқариб юборди у. — Бу нимаси?

— Афтидан, авом тўс-тўполондан фойдаланиб, шаҳарликларнинг уйларига ўт кўйиб, молларини талон-тарож қилаётганга ўхшайди... Саййидим, яхшиси, саройга тушайлик. Унинг қалин деворлари сизни мустаҳкам ҳимоя этгуси...

Ал-Амин ва башоратгўй пастга тушдилар. Саройга кириб келганларида ғалати воқеанинг шоҳиди бўлишди: қуллар, мулозимлар айвонлар-у ётоқхоналар ичида, гўё бировни излагандек, ҳар томонга ғала-ғовур қилиб югуриб-елишарди. Халифага кўзлари тушиб, турган жойларида тош қотиб қолишди-да, бирваракайига қичқаришди:

— О, саййидим, қаерларда юрибсиз?

Шу онда нарироқда турган Зубайда халифани кўрган заҳоти югуриб келди-да, кўзларига ёш олиб, ўзини ўғлининг бағрига отди:

— Болагинам, қаёқда эдингиз? Шунча вақт қаерда ғойиб бўлиб кетдингиз? Бир соатдирки, сизни қидириб, жон ҳалак бўлдим. Айтишдики, аввал саройда экансиз, кейин бирдан ғойиб бўлиб қолибсиз. Саройдан чиқиб кетганингизни ҳеч ким кўрмабди! Сизни ҳеч жойдан тополмай, ақдан озгудек бўлдим-а!

Волидасининг ваҳимаси ўғлига ҳам таъсир этди. Ўзини тута олмай, хўнграб йиғлаб юборди. Бироздан сўнг ўзига келиб, хотиржамлик билан волидасидан сўради:

— Онажон, намуноча кўрқмасангиз? Оллоҳга минг қатла шукур, соғ-саломатман. Фақат бош мунажжим билан хилватда сўзлашмоқ ниятида бироз вақт саройни тарк этишимга тўғри келди. Бунчалик куйиб-пишмасангиз?

Зубайда ўғлининг қўлини маҳкам қисиб, хоналардан бири томон бошлади. Салмон ҳам уларга эргашди. Мулозимлар қўш тавақали эшикни маҳкам ёпиб, чиқиб кетишди.

— Қасрингизга жуда зарур бир иш билан келдим — ташвишли оҳангда сўз бош-

лади Зубайда. — биласиз-ку, эрта-ю кеч сизни ўйлайман, сизнинг измингизда юраман. Юрагим доим нотинч, ваҳимада. Анави хуросонлик Беҳзод жонимизга қасд қилаётгандек, қалбим ҳам сезиб турибди. Одамларим уни ҳеч кўздан қочиришмади. Ниҳоят, у ҳозир Бағдодда экани менга маълум бўлди. Ҳа, аниқ-ганиқ биламан, нобакор айни дорулислонда. Аммо қаерда яширингани менга қоронғу! У ҳақда яна бирон хабар беришларини кутиб, кунларим беҳаловат, тунларим беором! Алоғ-чалоғ тушлар кўраман. Ўзимни ҳар хил ишлар билан овутиб, бошқаларга оғиз очмай келаман. Аммо, Оллоҳга аёнки, пичоқ бориб суякка тақалди! Бу одамдан ҳадеб қўрқиб юриш ҳам жонимга тегди! Мабодо уни қўлга туширсак, борми нақ душманзимнинг ярим лашқарини енгдим, деяверинг, ўғлим! Ахир, Бағдодга келганидан буён кучимиз қирқилиб, Тоҳир қўшини эса кучайиб бораётир! Бағдодга Беҳзод зўр ваколатлар билан келганга ўхшайди. Аслзода бағдодликлар орасида ҳам обрўйи баланд. Илгари ҳам айтганимдек, у — фитнакорлар бошлиғи! Улар сафида бадавлат тожирлар, машҳур бағдодликлар бир талай.

Зубайда ёстиққа суяниб ўтириб олди. Ал-Амин волидасининг ёнига тиз чўкди ва суҳбати олий гувоҳи бўлмиш башоратгўйни қаршисига ўтказди.

— Беҳзод деганингиз ҳозир қаерда экан-а? — волидасига юзланди ал-Амин.

— Билмадим. Айтмоқчи, анави қизчани ҳузурингизга чақиртиринг, бу ерга келсин. Маъшуқи қаердалигини суриштириб-билиб оламиз. Ўшанда Беҳзод ҳеч қасқа қочиб қутулмайди!

Ал-Амин башоратгўй фикрини билмоқчи бўлгандек, унга қаради. Салмон:

— “Балки малика ҳақдир? Яна ким билади?” деган каби бош чайқади.

— Қизни чақиришнинг ҳожати бормикин? Аммо бош мунажжим ёнгинамизда, ўзи айтиб бера қолсин, — онасига эътироз билдирди ал-Амин.

Зубайда ўрнидан биров қўзғолиб, Салмондан сўради:

— Ҳа-я! Айтчи, Содун, анави хуросонлиқни топишда бизга кўмак бера оласанми? Шу иш сени қўлингдан келадими?

Башоратгўй китобини олиб, варақлади, саҳифалардан бири устига мук тушиб, нималарнидир ўқиган бўлди, сўнг оғзига бир бўлак қатронни солиб, чайнади-да, деди:

— Саййидам, у Бағдодда!

— Бағдоднинг айни қайси жойида?

— Икки сув орасида, аммо дарёда эмас. Қаердалигини аниқлашим учун кўп вақт керак. Устига-устак, ҳавода ёқимсиз ислар мўл, ҳаммаёқда ёнғин ҳиди. Анави қиз эса Беҳзоднинг қаердалигидан мутлақо хабарсиз. Амир ал-муслимин саройда тутқунликда бўлса, ҳеч ким билан учрашмаса-кўришмаса, қасқдан билсин!

Зубайда биров ўйланиб туриб, яна сўз қотди:

— Ибн ал-Фазл бу қизни жуда яхши кўрармиш. Падари қочиб кетмаганда, қизни шу йигитга зўрлаб узатган бўлурдим.

Сўнг сукут сақлаб, деди:

— Афсуски, ал-Фазл қулай фурсат келиши билан бизга хиёнат қилди. Барча балоларнинг сабабчиси — ўша вазир! Ал-Аминни биродарига қарши гиж-гижлаган ҳам, унга қарши қўшин юбортирган ҳам ўша ал-Фазл! Илойим, боши ғамдан чиқмасин! Оллоҳнинг ғазабига дучор бўлсин!

Зубайда ўғлининг бошига ёғилажак бало-қазоларни яна бир карра кўнглидан ўтказиб, нафаси оғзига тикилди, биров ўзига келгач, қатъий оҳангда хитоб қилди:

— Барибир, Оллоҳ — биз билан!

Ал-Амин волидасининг кўзига бўлажак хавф-хатарлар унчалиқ ҳам кўп бўлиб кўринмаётганига шукр қилди. Ўзини хотиржам этиб кўрсатиб, сохта жилмайди:

— Майли, ҳеч кимни лаънатламайлик! Ал-қасос-у мин ал-ҳақ! Ҳар бир хиёнаткор қилмишига яраша жазосини олади! Шаҳар лак-лак душман билан қуршаб олинган, аммо сиз, онажон, хавотирланманг. Саройингизга қайтиб, ғалабамиз ҳақиқага дуо қилинг. Оллоҳ кўмагидан албатта, зафар қозонамиз. Ахир, ал-Хариш ўз қўшини билан бизни кеча-ю кундуз ҳимоя қилиб турибди!

Зубайда ўғли билан суҳбати тугаганини сезган бўлса ҳам, барибир, аллақан-

дай сирли бир куч уни тўхтатиб турарди. Гўё ўғлининг бошига муқаррар ёғила-жақ бало-қазо тошларидан асраб қолишга кучи етадигандек, унга талпинар эди. Малика рўмолини тўғрилаб икки-уч дақиқа нима қилишини билмай турдида, бирдан ал-Аминга томон энгашиб, пешонасидан ўпди. Ал-Амин юзиде волидасининг қайноқ кўз ёшларини туйди. У онасини қучоқлаб, кўзларидан ўпди. Кучли бир ҳаяжондан нафаси бўғилди. Йиғламоқчи бўларди-ю, лекин андиша қиларди. Шу аснода Зубайда шаҳдам қадамлар билан эшик тарафга йўл олди. Кўнгли ниманидир сезиб, тахтиравонига аста ўлтирди-да, саройига жўнади.

Офтоб ғарбга бош қўйиб, кеч кира бошлади. Салмон халифа билан хайрлашиш пайти келганини пайқаб, ўрнидан кўзғолди:

— Йўқ, шу ерда ўлтиратур. Шу бугун тунда керак бўлиб қоласан.

Салмон коса тагида ним коса борлигини фаҳмлади. Халифанинг юзига диққат билан тикилиб, ғалати бир бесарамжонликни сездди. У меҳмонларга аталган ётоқхонага ўтиш мақсадида ўрнидан турганди, ал-Амин амирона ишора билан тўхтатди. Чапак чалиб, мулозимни чақиртирди-да, май келтириб, шаъмларни ёқишни буюрди. Мулозим чиққач, салласини ечиб, оғир хўсинди:

— Мени майхўрликда айблашади. Аммо менинг аҳволимга тушган одамнинг бошқа иложи ҳам йўқ-да! Май эса бир зумда ғам-ҳасратни қувади. Майли, Оллоҳ пешонамга нени битган бўлса, шу бўлур!

Салмон халифа сўзларини диққат ва эҳтиром билан тинглаётган киши сингари, яна унинг қаршисига келиб ўлтирди. Мулозимлар ноз-неъматлар уюлган хонтахтани олиб кириб қўйишди ва “ал-Амин шаъмлари” деб аталмиш катта шаъмларни ёқиб юборишди.

— Амакижоним Иброҳим шу ердадилар? — сўради халифа Иброҳим ал-Маҳдини кўзда тутиб.

— Саййидим, ул зот бу ерда йўқлар, жавоб қилди мулозим.

Ал-Амин ишораси билан мулозим қадаҳ тўлдирди. Халифа уни қўлига олиб, бошқасини тўлдиришни буюрди ва башоратгўйдан сўради:

— Мен билан бирга май ичурмисан?

— Амир ал-муслимин буюрсалар, майли, қадаҳни узатишсин. Аммо шу кунга қадар май ширасин татиб кўрмай яшадим. Ҳунарим ўз соҳибимга майни раво кўрмайди!

— Ундай бўлса, майли. Бу тун ҳунаринг чиндан ҳам бизга асқотиб қолиши мумкин.

Сўнг мулозимига буйруқ берди:

— Дарвозабонга айт, чопар саройга етиб келган заҳоти, ҳатто тун яримлаган бўлса ҳам, ҳузуримга киритиб юборсин!

Энди Салмон халифанинг ниятини билишга яна ҳам ошиқиб, воқеанинг давомини кутиб, индамай ўлтираверди. Ал-Амин неча қадаҳни пайдар-пай бўшатиб, алланямани эслагандек, Салмонга мурожаат қилди:

— Биласанми, нега сени бу ерда олиб қолдим?

— Йўқ, саййидим.

— Бўлмаса эшит! Бу сирни муқаррабларимдан лоақал бирига барибир очшим зарур эди. Аммо дўст ниқоби остида душманлар яширинганини билиб олганимдан сўнг, улардан кўнглим совиб, биронтасига ҳам ишонмай қўйдим. Ҳаммаси менинг ҳисобимга бойиб олмоқ ёхуд халифалик хазинасига чанг солмоқ ниятида юрган одамлар бўлиб чиқди. Вазирим — бунинг яққол мисоли. Унинг айтганини қилиб, биродарим билан урушиб қолдим. Ал-Маъмурни ағдарилшга ундаган ҳам ўша! Қайси тараф қудратли эканини кўргач, ўз ҳукмдори бошига тушган хавфу хатарни ҳам унутиб, ўз ширин жонини қутқариш умидида, бедарак ғойиб бўлди. Яна кимни эсламайин, бари шундай қимматбаҳо зеб-зийнату тилло буюмларни сотган пайтларимда барчаси хиралик қилиб ортимдан энгашиб юрарди. Хазинада ҳеч вақо қолмагач, ҳаммалари жуфтакни ростлаб қолишди! Мана энди душманлар чор атрофдан шаҳарни қамал қилиб, бизни оч қолдириб, енгмоқчи бўляпти...

Ал-Амин кўз ёши томоғига тикилганини сезиб, навбатдаги қадаҳни бўшатди,

дастурхондаги меваларга қўл узатиб, башоратгўйни ҳам улардан татиб кўришга ундади.

— Ҳатто энг яқин ҳешиларимга ҳам ишонмайдиган бўлиб қолганимдан сўнг, ўзгалардан нимани ҳам кутардим? — деди у алам билан ичи ёниб.

Халифанинг сўнгги сўзларидан Салмон жуда хурсанд бўлиб кетди. Аббосийлар ҳоқимияти ҳадемай ағдарилажагига яна бир карра амин бўлди. Аммо тилида халифани овутмоқ пайига тушди:

— Амир ал-муслимин умидсиз бўлмасинлар. Ноумид шайтон! Оллоҳ сизни албатта, қўллагай! Унинг марҳаматидан ноумид бўлмайлик!

Халифа бўлса, яна дийдиё қила кетди:

— Мен чексиз ҳоқимият соҳиби бўлишга интилиб, шуҳратпарастликка берилиб, сарой аъёнларининг ширин гапларига учиб юраверибман. Бироқ, ал-Маъмур аскарлари жангда моҳир, саркардалари эса диловар эканига ишонч ҳосил қилдим-у, ақлим жойига тушди. Биродарим билан ярашмоқчиман, аммо йўлини тополма-йман. Шуни билки, бу сирни сендан ўзга ҳеч ким билмайди, ҳатто волидам ҳам...

Салмон: “Менга ишонсангиз бўлади”, демоқчи бўлгандек, бош ирғади. Шунда ал-Амин ярим товущда шивирлади:

— Дўстсиз, ёронсиз, хазинасиз-несиз қолганимга амин бўлганимдан кейин, ниҳоят шарқий қирғоққа, Харсома ҳузурига раҳм-шафқат тилаб, чопар йўлладим, шу топда ундан хабар кутяпман. Сен не дейсан. Тўғри қилибманми?

67 - б о б

АЛ-АМИН АБАДИЯТ ҚАСРИДАН ҚОЧДИ

Салмон қовоғини солиб, қошларини чимириб, жавоб қилди:

— Фикри ожизимча, бу - оқилона иш бўлган, амир ал-муслимин обрўларига ҳам тил тегмайди заррача. Имоним комил, биродарингиз ҳам сизни кечирур, ахир бир отанинг фарзандларисиз, аммо...

Халифа олма арчиб, башоратгўйнинг сўзларини диққат билан тинглади. Салмоннинг тили тутилиб қолгани уни ажаблантирди:

— Аммо деганинг нимаси?

— Саййидимизнинг бу ишдан хабардор этмай туриб, Харсома билан келишмоқчи бўлганлари каминага чакки иш бўлиб кўринади. Ахир, Тоҳирнинг қўшини бошқа қўшинларга нисбатан Абадият қасрига яқинроқ жойлашган, шундай эмасми?

Ал-Амин оғир нафас олиб, қўлидаги олмани жаҳл билан улоқтирди:

— Йўқ! Мен Тоҳирга ялинмайман! Асло! Бу одамни жинимдан ёмон кўраман! Яшириб нима қилдим: ундан қўрқаман ҳам! Яқинда бир туш кўрдим. Тушимда қора тўн кийиб, белимга қилич боғлаб, баланд ва қалин тош девор устида, нақ булутларга яқин бир жойда турган эмишман. Хаёлимда оламдаги ҳеч бир зот бунчалик мустаҳкам, баланд заминда турган эмасдек. Тоҳир эса пастда туриб, бор кучи билан шу деворни муштлари билан урарди. Ниҳоят девор емирила бошлади. Бошимдаги салла қаёққадир учиб кетди... Мен бу тушни яхшилик аломати, деб билмайман! Харсома эса падари бузрукворимнинг муқарраби, бизнинг содиқ мулозимимиз бўлган. Ва мен унга ишонаман!

Салмон ичида жуда хурсанд бўлиб кетди. Юраги гупуллаб ура бошлади, тил учида ал-Аминнинг қарорини маъқуллашга шошилди:

— Амир ал-муслиминнинг инон-ихтиёрлари ўзларида...

Шу пайт мулозим кириб, деди:

— Амир ал-муслимин чопари остонада!

— Дарҳол кирсин! — деди сабрсизлик билан ал-Амин.

Чодирга савдогар кийимидаги бир одам қадам қўяр-қўймас, ал-Амин уни сўроқлай кетди:

— Не хабар? Дарҳол сўзла!

— Ростини айтaveraйми?

— Айт... қўрқма!

— Харсома билан кўришиб, саййидимиз айтган гапларининг ҳаммасини бир-ма-бир етказдим. У: “Саййидимизнинг амрлари — бош устига, амир ал-муслиминни қабул қилиш — биз учун зўр шараф, аммо ул зоти олий билан эртага тонг пайти учрашмоқ маъқул”, — деб жавоб берди.

Ал-Амин шунчалик ҳаяжонланган эдики, чопарни: “Ўлтир”, деб буюриш ҳам ёдидан кўтарилганди. У гапини тугатганидан кейингина халифа қаршисига ўтказиб, учрашув тафсилотини ипидан игнасигача сўзлаб беришни талаб этди.

— Нега муддатни кечиктирдийкин? Тўғриси айт, яширма! Харсомани сафаримни орқага суришга нима мажбур этди?

— Унинг фикрича, Тоҳир ибн ал-Ҳусайн бундай учрашувдан норози бўлиши турган гап. Тоҳир Абадият қасрининг шундоққина девори ортида турибди. “Амир ал-муслимин менга таслим бўлишни афзал кўрсин”, деган умидда қамални кучайтирди. “Халифа ҳадемай қўлимга тушади”, деб орзу қилаётди. Аллақачон Дажла қирғоғи бўйлаб хуфияларини жойлаштириб қўйган. Харсома шундай деди: “Мен қирғоқда Тоҳирнинг талай айғоқчиларини учратдим. Амир ал-муслимин ҳаёти хавф остида қолишидан ғоят хавотирдаман”.

Ал-Амин ҳаёти зўр бир таҳлика остида қолганини энди англаб етди.

— Нима қилиб бўлса ҳам шу тунда Харсома ҳузурига борамади. — деди у ўжарлик билан. — Сабаби маълум: ёнимда биронта ҳам ишончли мулозим, аёён ёки посбон қолмади. Тоҳир бундан хабар топса, Абадият қасрини эгаллаб, мени кўлга тушириши тайин.

Ал-Амин маънос бир қиёфада ўрнидан турди-да, мулозимларига оқ дубос, қора тўн ва тилло қадамали салла келтиришни буюрди. Кийиниб бўлиб, фарзандларига одам йўллади. Салмон ал-Аминга эҳтиром билан таъзим бажо этиб, сўради:

— Саййидимизга бирон фойдам тегиши мумкинми? Мен ҳаминча амир ал-муслиминнинг ихтиёрларидадурман.

— Бу ердан жўнаб кетмагунимча мени тарк этма! Ёлғизликни кўтара олмайдиган бўлиб қолганман.

Мулозим халифанинг ўғилларини чодирга олиб кирди. Ал-Амин уларни бағрига босаркан, кўзлари ёшланди:

— Оллоҳ таоло сизларни ўз паноҳида асрасин!

У енг учи билан кўз ёшларини артиб, эшик ёнида турган хачирга миниб, Салмон билан хайрлашди.

— Оллоҳ саййидимизни йўлда барча бало-қазолардан асрасин!

Салмон халифа оёқ қўйиб турган узангини ўпиб, икки буукилиб, таъзим қилди.

Ал-Амин башоратгўйга фарзандларидан хабар олиб туришни илтимос қилиб, Дажла соҳили томон йўл олди. Харсоманинг кемаси қирғоқ лабида турарди. Ал-Амин кема устига қадам қўйган ондаёқ дарға уни қарши қирғоқ тарафга буриб юборди. Харсома одамлари билан кемада эди. Халифага кўзи тушган заҳоти олдида тиз чўкиб, амир ал-муслимин ҳаётини хавф остига қўяётгани учун ёлбориб узр сўради. Сўнг уни бағрига босиб, бўлмалардан бири томон бошлади. Уни нохуш ҳаёллардан чалғитишга уринди. Тун совуқ эди. Сабаби — бу воқеа ҳижрий 198 йилда, муҳаррам ойи охирига беш кун қолган сананда, якшанба куни (мелодий 813 йилнинг 28 сентябри)да содир бўлаётган эди. Харсома эшакчиларга тезроқ ҳаракат қилишни буюрди, чунки Тоҳирнинг қайиқлари лангарни кўтариб, халифа тушган кемани қувишга тушган эди. Кўп ўтмай Харсома кемаси тош ва найзалар ёмғири остида қолди. Бир неча жойи тешилиб, секин-аста чўка бошлади. Харсома билан ал-Амин ўзларини шу дарёда кўришди. Халифа оғирлик қилиб қолган кийимларини ечиб ташлаб, қирғоққача сузиб-етиб бора олди. Бирмунча вақт ўтгач, Харсома ва унинг одамлари эшак топиб келиб, ал-Аминни миқташтирдилар-да, омон қолганларига ҳам бир ишониб бир ишонмай, халифага бошпа-на излай бошлади.

Салмон эса халифа билан хайрлашгач, башоратгўй кийимларини ечиб ташлаб, Дажла қирғоғи томон шошиди. Мақсади — ал-Аминдан олдин у ерга етиб бориш эди. Қирғоқда Тоҳирнинг одамларини: “Ал-Амин Харсома кемасида

қочиб қолмоқчи”, деб огоҳлантиришга улгурди. Булар эса дарҳол пистирма уюштиришди. Салмоннинг ал-Аминни йўқ қилишдан ўзга чораси қолмаганди. Фақат шу тақдирдагина биродарлар ўзаро яраша олишмасди. Сулҳ тузилгудек бўлса, эронийлар урушдан ҳеч бир наф кўролмас эди. Тоҳирнинг жангчилари Харсома кемаси қирғоқдан жўнаётганини кўрган заҳоти, уни қувишга тушишди ва сувга чўқдириб юборишди. Салмон эса бошқа жангчилар билан бирга қарши қирғоққа тушиб, яна халифани таъқиб қилишга киришди: у амир ал-муслимин омон қолганини пайқаганди. Тез орада улар ал-Амин яширинган жойни топишди, Салмон шу ерда кўриқчиларни қолдириб, ўзи Беҳзод яшаб турган уй сари югурди.

Беҳзод эса пойтахтга келган онданоқ шиа мазҳабидаги мусулмонларни эроний биродарлари тарафига ўтишга ундай бошлаган эди. Хуррабийлар жамоати Беҳзод Хуросонга йўл олмасидан илгариеқ унга кўмак беражакларини ваъда қилишганди. Тоҳир Беҳзоднинг Бағдодга келганидан беҳабар эди, чунки у қонининг қароргоҳига сира келмаган эди. Шунга қарамай Беҳзод юзага келган қулай шароит ва боғдодлик хуррабийлар орасидаги таъсиридан фойдаланиб, ал-Маъмун қўшинига катта ёрдам берган эдики, буни биз Рай остонасидаги жангдаги жасорати мисолида кўрган эдик. У ал-Амин тарафдорлари кучини шу даражада заифлаштиришга муваффақ бўлдики, халифанинг ҳокимияти батамом емирилиб, таслим бўлишга мажбур бўлган эди. Беҳзод ал-Аминнинг тутқун бўлганини ҳали билмас, халифа билан ҳалол, яккама-якка жанг қилиш иштиёқида ёнар эди. У волидасига берган ваъдасининг устидан чиқиб, ал Аминни бобосининг ханжари билан маҳв этиш, уйига енгилган душманининг кесик боши билан қайтиш ниятида эди.

Кейинги пайтларда Беҳзод Салмон билан кўп мартаба учрашиб, талай воқеа-ҳодисалар ҳақида, айниқса, Маймуна тўғрисида сўраб-билиб олганди. Салмон ҳаргал йигитни: “Маймуна ҳақида ташвиш чекишинингнинг ҳожати йўқ”, деб ишонтирар, “Беҳзоднинг бу қизга бўлган муҳаббати ўз мақсадини пировардига етказишда ҳалал бериши мумкин”, деб чўчир эди. Беҳзоднинг мақсадлари Салмоннинг режалари билан жуда ҳамоҳанг эди, аммо шу билан фарқланар эдики, Салмоннинг умид-орзулари амалга ошадиган манзил Бағдодда эмас, Хуросонда эди. Балки, унинг Беҳзодга ҳаваси келгандир, чунки йигит агар хоҳласа, ўз маъшукаси билан учрашиш имконига эга эди. Шу боисдан ҳам Салмон йигит билан қизнинг учрашувига тўсқинлик қиларди. Беҳзодга: “Маймунадан хавотир олма, у хавфсиз-несиз жойда яшамоқда”, деб такрорласа, қизга: “Қаллиғинг - соғ-саломат, зиён-заҳматсиз юрибди”, деб айтар эди. Беҳзоднинг ўзи ҳам: “Ишқ-муҳаббат асосий мақсадимни ниҳоясига етказишда ҳалал бериши эҳтимолдан ҳоли эмас”, деб учрашувни орқага сураб эди.

68 - б о б

ХАЛИФАНИНГ ЎЛДИРИЛИШИ

Беҳзод анчадан буён Боғдодда яшарди. Кун сайин душман Бағдод қамалини кучайтириб бориб, тез орада у ал-Аминни таслим бўлишга мажбур этади, деган гап-сўзлар тарқаларди.

Ўша куни Беҳзод ал-Қаҳр маҳалласида яшайдиган хуррабий танишининг уйдан бошпана топган эди. Тун ярмидан оққанда қуролини боши устига илиб қўйиб, ечиниб ётди. Аммо хизматкор қўққисдан уни уйғотиб, Салмон келганлигини айтди. “Салмон муҳим бир иш билан келганга ўхшайди”, - деб ўйлади Беҳзод, - бўлмас бевақт мени йўқлатмасди”. Ўрнидан тура солиб, Салмонни чақиртирди. Салмон шу ондаёқ остонада пайдо бўлди. У бош мунажжим ёки одатий хизматкор кийимида бўлмай, аксинча одми кўйлак кийган, юз-кўзларидан ғоят ҳоригани шундоқ аён бўлиб турарди.

— Не хабар келтирдинг? — дарҳол саволга тутди Беҳзод.

— Биз ғалаба қозондик!

— Мен бунга бир дақиқа ҳам шубҳа қилмаганман! Ўзи нима гап? Барини сўзлаб бер!

Салмон кеча кечқурун бошидан ўтган воқеаларни гапириб, пировардида деди:

— Ал-Амин ҳозир менга нотаниш бир кишининг уйида турибди. Кўрсанг, бечорани ачиниб кетасан. Салла билан чолворидан бўлак ҳеч вақоси йўқ. Эгнида аллақандай жулдур либос. У ёлғиз эмас. “Золим” лақабли Аҳмад ибн Салом деган киши - унинг ҳамсоysi. Улар халифа саройдан қочган пайтда тасолифан учрашиб, айни бир кулбага кириб қолишган. Ал-Амин ундан: “Сен ўзинг кимсан?” деб сўраганини эшитдим. Халифа унинг номини билиб олгач: “Кел, қучоқлашиб кўришайлик, мен бир ўзим ёлғиз қолдим”, деди. Шунда Аҳмад ибн Салом уни бағрига босди. Эгнидаги тўнини ал-Аминнинг елкасига ташлади.

Сўнг халифа:

— Биродаримнинг аҳволи нечук? — деб сўради.

— Соғ-саломат, — жавоб берди Аҳмад.

Шунда халифа хитоб қилди:

— Ал-Маъмун жон таслим қилди, ўлими олдида уруш бошлаганидан афсусланди, деганларни Оллоҳ ғазабига олсин! Биродарим соғ-омонлигини чопар билган бўлса керак, нега менга бундай дейди?

Ибн Салом деди:

— Оллоҳ ўзи вазирларингдан қасос олсин!

Кейин ал-Аминнинг шундай деганини эшитдим:

— Сенингча, улар мени нима қилишади? Ўлдиришадими ёки сўзларида туриб, менга шафқат қилишадими?

Ибн Салом деди:

— Фикри ожизимча, улар сенга раҳм қилишса керак.

Салмон шу сўзларни айтиб, ўзича тиржайиб қўйди.

Беҳзод хизматкори бошқача фикрда эканлигини сезиб, сўради:

— Нега жилмайдинг? Наҳот биз берган ваъдамиздан қайтамыз, деб ўйласанг.

— Бўлмаса бу одам тирик қолиши керакми? У биродари билан учрашиб, сулҳ тузишса борми, шунча вақт қилган тоат-ибодатимиз чиппакка чиқади! Хўш, у ҳолда нега манави ханжарни Хуросонда таққанингча, белингдан қўймайсан? Сен эмасми Абу Муслим билан Жаъфар учун қасос олишга аҳд қилган? Шундай қулай вазият юзага келиб турган бир вақтда шаҳидлар хунини олмаслик хато иш бўлур эди! Ҳозир бу одам ўз қўлимизда, уни ўлдирибгина бошлаган ишимизни охирига етказа оламиз! Наҳотки унинг қасос панжасидан қутулиб кетишига имкон берсак?!

— Ҳеч ким менчалик Аббосийларни ёмон кўрмаса керак! — ҳайқирди Беҳзод. — Бутун ҳаётимни уларга қарши курашга бахш этганман! Худога шукурки, ҳаракатларим беҳуда кетмади! Ҳеч ким менчалик халифага ўлим тилаган бўлмаса керак! Ҳа, мен уни мана шу ханжарим билан ўлдириб, кесик бошини Марвда сақлаб қўйганим икки бош ёнига қўйишни истайман! Аммо уни ҳалол жангда маҳв этмоқчиман, қуролсиз-несиз нажот сўраб-ёлбориб турган пайтда эмас, балки қўлида қилич тутиб, юзма-юз олишувга ҳозирлик кўриб келган вақтда уни енгмоқчиман. Аббосийлар уруғидан олчоқлиги ва хиёнаткорлиги учун қасос олмоқчи эканмиз, у ҳолда нега ўзимиз ваъдага вафо қилмаслигимиз керак? Хиёнаткор ҳамиша ўз хиёнати учун албатта, боши билан жавоб беради!

Беҳзоднинг кўзлари ғазаб-нафрат билан ёнарди. Бу ҳол умрида биринчи бор бундай олижанобликни кўрган Салмонни бироз ҳижолатда қолдирди. Унинг ўзи айёр ва разил одам бўлганлигидан ўзининг ва на ўзгаларнинг ваъдаларига ҳеч вақт инонмас, нопок қинғир йўллар билан бўлса ҳам ўз ёвуз мақсадига эришишни кўзларди. Ниятига етиш учун макр, ёлгон, хиёнат — барини ишга солишдан тап тортмасди. Виждон, бурч каби хислатлар унга тамомила бегона эди. Айни шу боисдан ҳам ал-Маъмуннинг вазири ниҳоятда устомонлик ва уддабуронлик билан битадиган нозик бир ишни Салмонга топширган эди. Беҳзод эса аксинча, олижа-

ноб форс, мард йигит эдики, ҳар бир сўзи ва ишидан диловарлиги, очиқ юзлиги, поклиги намоён бўлиб турарди.

Салмон Беҳзоднинг сўзларига хайрон бўлмаса-да, хожасига ўз яширин сирларини ошкор этиб қўйганидан афсусланмоқда эди. Аммо ўзини хожаси билан ҳам-фикр қилиб кўрсатиб, деди:

— Саййидим ҳақлар! Мен жуда чарчаганман, ижозат берсалар, бироз ҳордиқ чиқарсам.

Беҳзод ҳам ўрнига ётиб, бирпасда ухлаб қолди.

Тун ярмидан оққанда хонада ғалати бир шовқин эшитилди. Беҳзод дарров уй-ғониб, кўзларини очди. Тепасида номаълум бир кимса энгашиб турарди. Беҳзод бамайлихотир ўрнидан кўзголиб, сўради:

— Ҳой, кимсан ўзинг?

Бояги киши кутилмаган саволдан қўлида ушлаб турган аллақандай бир нарсани тушириб юборди. Беҳзод разм солиб қараб, бу — ўзининг ханжари эканига амин бўлди. Бояги кимса Салмон эди!

— Бу ерда нима қилиясан! — сўради Беҳзод.

— Ҳеч нарса. Аммо ҳамма иш битди! Мана, ханжарингни ол!

Беҳзод ханжарига қўл узатиб, қон изларини кўрди:

— Нима иш қилиб қўйдинг? Ал-Аминни ўлдирдингми?

— Шундай! У ўлди! Энди қайтмас бўлиб кетди. У йўлимизда ғов бўлиб турмаслиги керак эди. Сен эса шуни хоҳлардинг. У асфаласофилинга жўнади. Энди бемалол қолган ишни давом эттиришимиз мумкин!

— Сен уни менинг ханжарим билан ўлдирдингми? Бадбахт!

— Ўзинг айтмабмидинг, ханжаримни шу ишни бажариш учун тақиб юрибман, деб? — дарҳол эътироз билдирди Салмон. — Мен шу гуноҳ ишни ўз зиммамга олдим.

— Сен эса кишилар кўз ўнгида ҳар доимдагидек ҳалол, олижаноб, файзиёб одам бўлиб қолаверасан. Ҳурмат-иззатинг ҳам жойида! Сизлар номингизга ҳеч бир доғ туширмай туриб, ҳоқимиятга эга чиқиб олмоқчи бўласиз. Мен эса макр-ҳийласиз ишини битирмаган биронта ҳам ҳукмдорни кўрганим йўқ. Ҳатто Абу Муслим ҳам шундай иш тутган! Қасамидан воз кечмаганда эди, у ҳам ғалаба қозона олмас эди. Ал-Мансур эса Абу Муслимга хиёнат этмай туриб, халифотни мустаҳкамлай олмасди! Хорун ар-Рашид ҳам Жаъфарни ўлдирди, йўқса давлати буткул хавф остида қолган бўлурди! Ислому тарихига кўз ташласак, дарҳол Ҳазрат Али ва унинг ўғиллари ёдимизга тушади. Нега уларнинг омади келмади? Сабаби маълум: улар доимо ҳақ йўлдан, бурчларига садоқат сақлаб боришди, хиёнат-у маккорликка қўл уришмади! Ўзинг айт, ҳожам, Муовия усталик ва айёрлик билан иш кўрмаганида, давлат тузиб, ҳукмдор бўла олармиди? Ҳазрат Алининг авлодлари эса ўз боболари каби адолат ва ҳалолликни шиор этиб яшади ва худди шу боисдан Ҳазрат Алининг қисматига шерик бўлишди. Ҳа, шу кеч мудҳиш бир жиноят содир бўлди! Аммо, ҳожам, сенинг қўлинг қонга ботгани йўқ! Мен эса бу оғир қилмишнинг бутун юкини ўз зиммамга олиб турибман.

Беҳзод Салмон келтирган далил-исботлардан ҳайратга тушган бўлса ҳам асло бўш келмади:

— Барибир, эътиқодидан, маслагидан, бурчидан қайтган муртад кимсалар хиёнатлари учун жавоб беражак! Тарих ҳам шундан далолат беради!

Қуролсиз-несиз ал-Амин устига ханжар билан ҳужум қилиб бориб, ўлимига сабаб бўлмаган, аммо ундан қутулганидан энгил тортган эса-да, барибир, халифанинг ўлими Беҳзодни ларзага солди.

— Сен, нобакор, амир ал-муслиминни ўлдиришга қандай журъат этдинг? — сўради у сукунатни бузиб. — Жиноятинг учун ҳали Оллоҳ даргоҳида албатта, жавоб берасан!

— Девордан ханжарингни билдирмай олдим-да, эроний жангчи либосини кийиб, халифа турган ерга равона бўлдим. Зимзиё тун, атрофда ҳеч нарсани кўриб бўлмайди. Халифа турган уй олдида қилич ялонғочлаган эронийлар дастасига кўзим тушди. Уларга қўшилиб, биргаликда ал-Амин ҳузурига кирдик. У болиш устида ўлтирарди. Аммо бизни кўриб, қўрқиб кетди, ўрнидан тура со-

либ, бақирди: “Ҳаммамиз тупроқдан пайдо бўлганмиз ва охир-оқибат тупроққа қўшилурмиз! Ўз ажалим билан ўлишга имкон берингиз! Наҳот ҳеч ким мени ҳимоя этмаса? Наҳот орангизда биронта мард ўлгон топилмаса! “Лекин биз у томон аста пусиб боравердик. Шунда халифа болишга ёпишиб, бағрига маҳкам босиб олди-да, кўз ёш тўкиб, валдирай бошлади: “Мен Муҳаммад алай-ҳиссалом амакиларининг авлоди бўламан! Мен Хорун ар-Рашиднинг валади-ман! Мен ал-Маъмуннинг биродариман! Кимки қонимни тўкса гуноҳи азимга мубтало бўлгай!”

Унинг сўзлари жангчилар раҳмини келтириб, ҳамма ишни расво қилиши муқаррарлигини фаҳмладим. Олдимда қилич ялонғочлаб турган одамни бир туртиб қўйдим. У ал-Амин боши устига қуролини кўтаргани, халифа болиш билан ҳимояланди. Шунда мен олдинга бир қадам чиқиб, ханжарингни биқинига урдим. Бу зарба ажал зарбаси эди. Халифа: “Мени ўлдиришайпти... ўлдиришайпти...” деб хириллади, аммо оломон унинг устига бостириб бориб, ҳар тарафдан зарба бера кетди. Сўнг халифанинг бошини кесиб, Тоҳирнинг ҳузурига йўл олишди. Мен эса ханжарингни олиб, бу ёққа қайтиб келдим. Мана энди ҳамма гапни билиб олдинг. Мени айбдор санасанг, аяб ўлтирма, тегишли жазомни бер...

— Ҳа, у одам ўлди. Уни тирилтириб бўлмайди, — деди ўйга чўмиб Беҳзод. — Сен халифани менинг ханжарим билан ўлдирдинг, демак муқаддас ваъда бажо бўлди. Мен онтимга содиқ қолдим. Оллоҳ халифани ғариқи раҳмат қилган бўлсин!

— У ҳолда истасанг эртагаёқ бирга Хуросонга йўл олайлик, — таклиф этди Салмон.

— Намунча шошмасанг! — ҳайрон бўлиб сўради Беҳзод.

— Қаллигинг — Бағдодда. Ишинг ҳам битди. Сени бахтли қисмат кутмоқда. Бу ерда қоласанми ёки бошқа жойга кетасанми — сенга барибир! Менинг эса умид-армоним Хуросон билан боғлиқ. Қанотим бўлса-ю, тезроқ учиб борсам. Шу боисдан ҳам Марв шаҳрига шошиляпман.

— Маймуна-чи? У ҳали ҳам ўзинг айтган жойдами? — сўради Беҳзод.

— Галимга ишонавер, ростини айтяпман, — кинояли жилмайди Салмон, — Маймуна ал-Мансур саройида. Эртага борсанг, Аббода кампирни ҳам ўша ерда учратасан. Хўш, хурсандмисан?

— Ташаккур!

Салмон Беҳзодга миннатдорчилик билдириб, шу хонада тунаб қолди. Эрталаб уйқудан уфонганида, Салмон деди:

— Ҳозир бош мунажжим кийимини кийиб, ал-Мансур саройига йўл оламан. Шунда саройга кириб Маймуна ва Аббода билан учрашишим осонроқ бўлади. Уларни қутқариб, сенга топширишим керак.

— Мен ҳам бирга бораман. Зарур бўлса, ёрдамлашаман.

— Жуда соз, кетдик!

69 - б о б

АЛ-АМИННИНГ КЕСИК БОШИ

Салмон бош мунажжим қиёфасига кириб, ал-Мансур саройига жўнади. Унинг ёнида — эроний мансабдор кийимини — чакмон, қалпоқ ва чолвор кийган Беҳзод от миниб борарди. Ал-Каҳр бозоридан ўтишганда тонг яқинлашиб қолганди. Суворийлар Куфа дарвозаси томон бурилишган эди, баланд қалъа девори устида турган дайдилар тош ота бошлашди. Аммо Салмон билан Беҳзод буни писанд қилмагандек йўлда давом этишди. Куфа дарвозаси ёнгинасида оломонга кўзлари тушди. Булар — шаҳарлик авом ва хуросонлик жангчилар бўлиб чиқди. Одамлар бир-бирларини қувиб Тоҳир ибн ал-Ҳусайн қароргоҳи — Бўстон қасабаси тарафига югуриб кетишарди. У ерда найза учига илиб қўйилган ал-Аминнинг кесик боши

намойишга қўйилган эди. Тоҳир халифанинг бошини Бўстон узра савлат тўкиб турган қалъа миңорасига санчиб қўйишни буюрганди. Кишилар даҳшатли манзара қаршисида амир ал-муслиминни ёдлаб, кўз ёш тўкиб, тиловат қилишни ҳам, уруш тугаганидан хурсанд бўлишни ҳам билмай гаранг эди. Беҳзод бу воқеадан таъсирланиб, Салмонга хитоб қилди:

— Ё раббил оламин! Қуларингни ўзинг кечиргайсан! Бугун бир одамнинг ҳукмронлик соати тугаб, иккинчисининг давр-у даврони бошланди. Ал-Фазл ибн Сахл бу ғалаба унга нима келтирганини билармикан?

— Тоҳир ал-Аминнинг кесик бошини нима қиларкин? — сўради Салмон.

— Ал-Маъмун саройига, Хурсонга жўнатса керак, — деди Беҳзод. — Расулulloх алайҳиссаломнинг тўнлари, муҳр ва халифа асоси ҳам ўша ёққа юборилиши турган гал. Шунда ал-Маъмуннинг кўнгли хотиржам бўлиб, ўз ғалабасига амин бўлади. Бунинг эвазига Тоҳир ҳам қуруқ қолмайди, албатта. Ҳа, ал-Маъмун — халифотнинг мутлақ ҳукмрони!

Салмон кечанинг ўзидаёқ тарк этгани ал-Мансур Олтин саройи аҳли Абадият қасрида содир бўлмиш воқеа-ҳодисалардан тамомила беҳабар эди. Ўтган оқшом саройбон Фарида ёнига дарвозабон келиб, деди:

— Ибн ал-Фазл ибн ар-Робиа ёшиқ олдида турибди, сендан ижозат сўрайди.

Фарида ал-Фазлни яхши билар, ал-Амин уни жуда ёқтиришидан бохабар эди. “Ал-Фазл ўғлининг зарур иши бўлса керак”, деб ўйлади-да, рухсат берди. Юқорида ҳикоя қилганимиздек, ал-Фазл билан ўғли узоқ вақтдан буён халифадан яшириниб юрган бўлсалар-да, Бағдодни тарк этишмаган, дорулисломдаги янгилликлардан воқиф эдилар. Ибн ал-Фазл душман чор аτροφдан Бағдодни қамал қилиб турганини, ҳацемай хурсонликлар қўшини шаҳарга кириб келаганини билар эди. Йигит Маймунанинг ҳозир ал-Мансур саройида яшаб турганини эшитганди. У қиз қалбини муҳаббати билан забт этишга умид боғлардики, қулай бир фурсат келган, деб, Зубайда саройига боришга аҳд қилди. “Маймунадан маликамизнинг ғаддор душмани Беҳзод қаерда яширинганини билиб оламан”, деб халифанинг волидасини кўндиришга уринди. Маймуна яхши кўражагига ишора қилиб, Зубайданинг: “Ўша ярамас қаердалигини менга келиб айтсанг, бас, қиз — сеники!” — деган сўзини олди.

Ибн ал-Фазл саройга бемалол кириб олиши учун Зубайдадан саройбон Фаридага хат ёздириб олди. “Саройбон аёл Маймунани қўлимга топширишдан воз кечгудек бўлса, уни ўғирлаб кетишга тўғри келади, шу мақсадда бир неча дайдини ёллаганман”, деб Зубайданинг дуосини олди. Шундан кейингина дайдилар билан бирга ал-Мансур саройига жўнади. Фарида меҳмонни тавозе билан қаршилади. Нима иш билан келганини сўради. Йигит Зубайданинг хатини узатди.

Фариданинг ёдига тушди: Содун қандай ҳодиса рўй бермасин, Маймуна саройдан чиқармангиз, деб тайинлаганди! Аммо ибн ал-Фазлни Маймуна турган хонага киритсам, ҳеч нарса бўлмайди, деб ўйлади. Маймуна ҳузурига бориб: “Вазир ал-Фазлнинг ўғли сени кўргани келибди”, деб хабар берди. Қизнинг ёнида ўлтирган Аббоданинг жаҳли чиқди:

— Бу йигитга айтадиган гапимиз йўқ!

— Аммо у бу ерга сайидамиз Зубайданинг буйруғи билан келган, — эътироз билдирди Фарида.

Аббода Зубайданинг номини эшитган заҳоти юраги шув этиб кетди. Бир корҳол бўлишини сезиб, ўзини саройбоннинг оёғи остига ташлади:

— Ёлбораман, ибн ал-Фазлни бу ерга қўйманг, — деб ялинди.

Лекин Фарида кўнмади.

Ибн ал-Фазл хонага кирганида шамлар аллақачон ёқилган, Маймуна эса қора либосда ерга қараб ўлтирар эди. Тутқунликда кечган оғир кунлар таъсирида юзи бироз оқариб, озиб кетганди. Ибн ал-Фазл хушомад билан илжайди, қизни кўриб, кўзлари ёниб кетди. Маймуна бир сапчиб, тескари қараб олди. Ибн ал-Фазл унга яқинроқ бориб, салом берди ва сўради:

— Маймуна, наҳот мени танимаётган бўлсанг?

— Танимадим, — қуруққина жавоб берди Маймуна.

— Наҳотки, ишқингда кулдек ёниб, қулинг бўлишга ҳозир-у нозир бир йигитни танимасанг? Мен, ахир, ибн ал-Фазлман!

— Бу номни эшитганман, аммо у ҳар гал қалбимга даҳшат солади. Мени қора кийишга мажбур этган падари бузрукворингиз-ку, ахир!

Ибн ал-Фазл тилёғламалик қилиб, ярим товуш билан шивирлади:

— Бир оғиз айтсанг, бас, қора либосингни байрам либосига алмаштирурман, қаро тунлар ўрнига қордек оппоқ кунлар келур!

— Қора рангга ўрганиб қолдим, — бошини кўтармай деди Маймуна, — уни бошқа хил рангларга алмаштиришни истамайман!

— Ишқингда азоб чекиб, оҳ-нола ила уззу-кун банд бўлган ошиғингга раҳм қил. Шунда хоҳлаганингни киясан, истаганинг муҳайё бўлади!

Ибн ал-Фазл тиз чўкиб, қизнинг қўлини ушламоқчи эди, Маймуна чаённи кўрган одамдек ўзини орқага ташлади. Қизнинг бу жирканиши ибн ал-Фазлнинг иззат-нафсига тегди. Ўрнидан туриб, таҳдид қилди:

— Маймуна, ишқим ҳаққи сендан раҳм-шафқат тилаб, ялиниб-ёлвориш учун бу ерга келдим. Аммо бу гапларим кор қилмаса, сени қўлга киритишнинг бошқа йўлини топишга мажбур бўламан!

— Сизда бундай имкон йўқ! Мени тинч қўйинг, бошқа бир қизга опшиқ бўлинг. Ахир атрофингизда қизлар мил-мил...

— Сендан бошқаси менга ёқмайди. Менинг ишқимни шу топгача рад этиб келганинга қарамай, ҳамон сени дейман! Бу ҳам сенга бўлган садоқатим исбот-далили! Наҳот шунинг эвазига менга қайрилиб ҳам боқмайсан?

— Бас қилинг! — йигитнинг сўзини бўлди Маймуна.

— Мана энди охирги гапимни эшит! - дарғазаб бўлди ибн ал-Фазл. — Ҳадеб ўжарлик қилаверсанг, мен ҳам сенга шундай муомала қиламан! Ўз ақидаларимга қарши борсам-да, сенга раҳм-шафқат қилиб ўлтирмайман энди!

— Биз амир ал-муслимин саройидамиз! Бу ерда ҳукмингиз ўтмайди! — йигитдан ҳамон юз ўгириб деди Маймуна.

— Мен сени мажбур қилиб саройдан олиб чиқиб кетишим ҳам мумкин! Мен билан бирга бир даста сипоҳ келган. Яна қўлимда халифа волидаи муҳтарамаларининг ижозатномаси бор!

Шунда Аббода ўзини тутиб тура олмади:

— Мен сени покбоз, олижаноб, форс йигит деб ўйлардим. Афсус, янглишган эканман. Наҳотки, Маймуна айтган сўзлар сенга кор қилмаётган бўлса! Қизни тинч қўй! Сени ўрнингда бўлганимда, қизнинг кўнгли менда эмаслигига амин бўлган заҳотиёқ ундан воз кечиб кетардим!

— Йўқ, у менинг қалбимни яралади, сабр косамни тўлдириб юборди. Бунинг акси бўлганида аллақачон ундан юз ўгириб, излаб-бўзлаб юрмаган бўлардим! Аммо энди кимлигимни кўрсатиб қўймоқчиман! Бағдодда саркардалар-у амирларнинг ўнлаб-юзлаб қизлари борки, гаҳ десам қўлимга қўнади!

Ибн ал-Фазл Маймунага ўгирилди:

— Гапларимни мулоҳаза қилиб кўр. Мени зўравонлик қилишга мажбур этма! Ана, сарой дарвозаси олдида сипоҳлар турибди, бир қош қоқсам, югуриб келишади!

Қиз даҳшатдан титраб, қичқирди:

— Ё Оллоҳ! Саройнинг посбонлари-чи, улар қани?

Шунда Аббода ёлворишга тушди:

— Эй йигит, сен туфайли кўп азоб-уқубат чекдик. Бизларга ачиниб, одамгарчилик қилсанг бўларди.

Шу пайт эшик тақиллади. Маймуна ибн ал-Фазл ёллаган жангчилар келди, деб ўйлаб, жон ҳолатда қичқирди:

— Ё Оллоҳ! Наҳот азоб-уқубатларнинг ниҳояси бўлмаса! Илтижо қиламан, жонимни ол! Тўйдим бу дунёдан!

Дард-алам, умидсизлик қизни шундай чулғаб олгандики, эс-ҳушидан айрилгудек бўлиб, нола қиларди:

— Ёлғиз бошимга шунча азоб! Тўйиб кетдим! Қани Беҳзод! Қани Салмон!

Аббода Маймунанинг елкаларини силаб, тинчителишга уринар, кўз ёшлари ду-
вуллаб юзларига оқиб-тушиб турар эди.

Ибн ал-Фазл дайдилар унинг буйруғисиз бу ерга бостириб кирмаслигини би-
лар эди ва шу боис нега эшик тақиллаганини аниқлаш учун ташқарига чиқди. Ха-
лифанинг волидаси саройга келгани воқиф бўлди. Вақт алламаҳал бўлганда Зу-
байданинг саройга ташрифи ҳаммани ҳайратга селди. Бунинг сабаби ўғлидан ха-
вотирлангани эди. Малика Абадият қасридан чиққандан буён юраги ғаш бўлиб,
ўзини қаёққа қўйишни билмай қолди. Саройга қайтганидан сўнг ҳам аллақан-
дай даҳшат баттар ичини кемира бошлади. Қандайдир фалокат бўлишини сезиб
турарди. Ўрнига ётганидан кейин ҳам ҳеч ухлай олмади. Тун ярмидан оққанда
саройбон аёл кириб, хабар қилди:

— Абадият қасридан чопар келиб, амир ал-муслиминни қидираяпти!

— Нима дединг? Ўғлимни қидираяпти? — бақириб юборди Зубайда. — Менинг
саройимдан-а? Бу ерда у нима қилсин? Ахир шу бугун кечқурун унинг қасрида
хайрлашган эдик-ку! Чопарни чақириб кел!

Чопар кирган заҳоти Зубайда сўроққа тутди:

— Амир ал-муслиминни нега қидирясиз? Унга нима бўлибди?

— Маликам, биз ҳеч нарса билмаймиз... Қасрни илма-тешик қилиб юбордик,
аммо саййидимизни ҳеч қаердан тополмадик.

Зубайда ўрнидан туриб кетди, бошига чоршафини ёпиб, Абадият қасрига шо-
шилди. У ерда ўзи ҳамма хоналарга бир-бир кириб, текшириб чиқди, лекин ал-
Аминни топмади. “Эҳтимол, у бирор иш билан ташқари чиққандир, ҳадемай кке-
либ қолар”, деб ўзини овутиди. Тонгга қадар ўғлини кутди, бироқ ундан дарак
бўлмади. Зубайда: “Ал-Амин душманларидан яшириниш учун ал-Мансур шаҳри-
га, саройига кетган бўлса керак”, деган хаёлга борди. Ва шу саройга равона
бўлди. Саройбон аёлни чақиртириб, халифанинг қаердалигини суриштирди, аммо
яна ўша гапни эшитди.

— Дарвоза олдида бир тўп дайдини кўрдим. Уларни бу ерга ким бошлаб
келди?

— Ибн ал-Фазл, саййидам, — жавоб берди Фарида. — У сизнинг хатингизни
менга кўрсатди. Уни Маймуна ҳузурига олиб боришга мажбур бўлдим.

Зубайда бу исмни эшитиб, баттар ғазабланди, чунки ўз бошига дўлдек ёққан
жамки балоларнинг сабабчиси деб шу қизни биларди.

— У қаерда?

— Ўз хонасида.

Зубайда Маймунани ўз ҳузурига олиб келишларини ҳам кутмай, ўзи ўша то-
монга югуриб кетди. Эшик олдида ибн ал-Фазлга дуч келди. Йигит шошилиб йўл
бўшатди. Зубайда Маймунанинг хонасига кириб, невараси ёнида турган Аббода-
ни кўрди-ю, унга ташланди:

— Сен ҳам шу ердамисан? Илоҳим худо жонингни олсин, қари қарға! Сени деб
не-не балоларга қолдим. Қайси иблис сени бу ерга бошлаб келди?

Аббода ерга қараб, индамай тураверди, сабаби — саройга келганини нима би-
лан изоҳлашни билмасди. Шунда Зубайда Маймунага ўқрайди:

— Ана энди Беҳзод исмлик хиёнаткор қаердалигини тан оладиган пайт келди!
Биламан, у ҳозир Бағдодда. Барча бало-ю қазоларга ўша нобакор айбдор! Айт, у
ҳозир қаерда?

— Саййидам, — деди ранги қув ўчиб Маймуна, — неча кундирки, саройда
тутқундаман. Ташқарида нималар бўлаётганини қандай билай?

— Ёлғон сўзлама! Сен Беҳзод билан хизматкори Салмон орқали мудом алоқа
боғлаб тургансан!

— Саройбон хонимдан ўзингиз сўранг, — ўзини оқлади Маймуна. — Мен ҳеч
қандай хизматкорни билмайман. Худо ҳаққи, менга раҳм қилинг, саййидам.

— Раҳм қилинг? — лабини бурди Зубайда. — Нега сенга раҳм қилай? Қани
энди сени мана шу қўлларим билан бўғиб ташласам!

Зубайда ҳамон остонада турган ибн ал-Фазлга ўгирилиб, бақирди:

— Бу қизни олиб кет бу ердан! У — сеники. Нима қилсанг — ихтиёринг! Аммо манави кампиршо билан ўзим гаплашаман!

Бу сўзларни эшитиб, Аббода ўзини Зубайданинг оёқлари остига ташлади:

— Мени нима қилсангиз, қилаверинг, маликам, аммо қизга шафқат этинг! Унда айб йўқ! Худонинг ўзи гувоҳ! Кечагина саййидамдан унга илтифот кўрсатишларини сўраб эдим, мана яна оёғингиз остидаман. Ахир, ўзлари ҳам оналар, она қалби нималигини биладилар... Майли, мени жазоланг, ўлимдан асло кўрқмайман!

Зубайда бу дардли сўзларни тингларкан, саросимада қолди. Уғлининг боши устида зўр бир хатар қиличини ўйнатиб тургани ёдига тушди, нима қилишини билмай, иккиланиб қолди.

Аввалги гал ал-Аминга ҳеч нарса хавф-хатар солмаган пайтда, Зубайда Аббоданинг ялиниб-ёлборишларига асло парво қилмаган эди. Аммо ҳозир кампирнинг илтижолари бу аёвсиз-несиз маликанинг муз қалбини бироз эритгандай бўлди, кўз ёшлари юзларига оқа бошлади, раҳм-шафқат туйғусининг овозини ўчириш учун ўзини қўлга олишга уринди. Урнидан туриб, қатъийроқ оҳангда сўзлашга ҳаракат қилиб, деди:

— Аббода, шуни билки, неваранг тақдири — ўз қўлида. Беҳзод қаерда яшириниб турганини айтса, бас, олам гулистон! Айтмаса, ибн ал-Фазлга жория қилиб сотиб юборилади.

Зубайда ниҳоят йигитга юзланиб: “Маймунани олиб кетавер!” дегандек ишора қилди, чунки Маймуна Зубайданинг саволига жавоб бермай, ўтираверган эди. Шу аснода тонг ёришганини ҳам ҳеч ким пайқамай қолди. Ибн ал-Фазл “Маймуна тақдирга тан берди”, деган хаёл билан қиз томон қадам ташлади. У эса дув-дув кўз ёш тўкиб, қичқиради:

— Йўқ! Йўқ! Ҳеч қаёққа кетмайман! Майли, шу ерда ўлдира қолинг мени! Беҳзодим қаердасан? Наҳот сени шунча вақт кутганим беҳуда бўлса?!

70 - б о б

ОЛЛОҲНИНГ ИРОДАСИ

Ибн ал-Фазл дайдиларга буйруқ бериш мақсадида хонадан чиқди. Қайтишда эшик ортида турган хизматкорлардан саройга бош мунажжим келганини билиб, у билан учрашмоқчи бўлди. Содун Маймунани тақдирга тан беришга кўндириши лозим эди. “Башоратчи қаерда?” деб сўраганида, Зубайда бону ҳузурда эканини айтишди.

Маймуна билан учрашганидан кейин Зубайда саройдаги катта бир хонада ёлғиз, ўғлининг тақдири ҳақида аянчли фикрларга чўмиб ўлтирарди. Шу пайт саройбон аёл кириб, бош мунажжим келганини билдирди.

— Ҳузуримга олиб киринг, — буюрди Зубайда.

Салмон Беҳзод билан бирга саройга етиб келганларида шаҳарни алпақачон хуросонлик жангчилар эгаллаган бўлиб, Олтин сарой аҳли эса бундан тамомилан беҳабар эди. Сарой олдидаги майдонда бир тўда дайдилар турганига кўзлари тушган бўлса-да, аҳамият беришмади. Салмон отдан тушиб, дарвозага яқинлашганида, у ёпиб қўйилганига амин бўлди. Девор ортида қандайдир товўшларни эшитиб, тақиллатиб кўрди, аммо ичкаридан жавоб бўлмади. Салмон дарбозани қаттиқроқ тақиллатди. Дарвоза тепасидаги даричадан кимнингдир қалласи кўринди.

— Ким у тақиллатаётган?

Салмон бошини кўтариб, таниш хизматкорни кўрди:

— Дарров оч дарбозани! — буюрди у.

Хизматкор бош мунажжимни дарров таниб, дарбозани очишга шошилди.

Салмон билан Беҳзод ҳовлига кириб, отларини хизматкорга топширишди. Сарой гавжум эди. Хизматкорлар ўз ишлари билан у ёқдан-бу ёққа ўтиб туришарди.

Салмон улардан бирини ёнига чақириб, сўради:

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

— Саройбон аёл қаерда?

— Маликамиз Зубайда ҳузурида.

Бу Салмон билан Беҳзод учун яхшилик аломати эмасди.

— Дарҳол Фариди бону ҳузурига югур-да, бош мунажжимга учрар экансиз, деб айт!

Хизматкор зум ўтмай қайтиб келди:

— Бош мунажжим жанобларига рухсат! Сиз билан малика Зубайда бону сўзлашмоқчилар!

Икковлари бир-бирига қараб қўйишди.

— Эҳтимол, малика ўғли қаердалигини сўраб, сен тўғрида ҳам суриштирмоқчига ўхшайди, — шивирлади Салмон Беҳзоднинг қулоғига энгашиб. — Бир ўзим бораверайми?

— Мен ҳам бораман.

Бироз вақтдан сўнг хизматкор келиб, икковларига ижозат текканини айтди.

Салмон билан Беҳзод хизматкор ортидан юриб, бирпасда Зубайда ўлтирган хонага яқинлашишди. Биринчи бўлиб, Салмон кирди-да, халифанинг волидасига салом берди. Унинг кетидан кирган Беҳзодга малика эътибор ҳам бермади. Зубайда бошини қўйи эгиб, хассага таяниб, икки букилиб ўлтирарди. Салмонни кўриб қочқирди:

— Қаерларга ғойиб бўлиб кетдинг, бош мунажжим? Бошимизга шундай кулфатлар тушган пайтда бизни тарк этишга қандай журъат қилдинг?

У Салмонга: “Ўлтир”, деб ишора этди. Салмон билан Беҳзод ёнма-ён гилам устига тиз чўкиб ўлтиришди.

— Саййидам, мен тун-у кун заҳмат чекиб, Беҳзодни топиш билан овора эдим. Ниҳоят топдим!

Зубайданинг юзи ёришди:

— Топдим, дедингми? Хўш, у қаерда ҳозир?

— Мана у, — Салмон Беҳзодга ишора қилди.

Зубайда бу кутилмаган хабардан бир сапчиб тушди. Ғазаб билан Салмон ёнида ўлтирган йигитга тикилди. Қаршисида хушрўй, салобатли азаматни кўрди. Ҳайрат ичра қичқирди:

— Беҳзод деганлари сенмисан?

— Ҳа, мен ўша Беҳзод бўламан.

— Бу ерга келишга нечук жазм этдинг? Наҳот амир ал-муслимин ғазабидан кўрқмасанг?

Беҳзод атайин хотиржамлик билан жавоб берди:

— Халифа ҳаёт эканида ҳам кўрқмасдим. Энди жон таслим қилганидан сўнг нега кўрқишим керак?

Зубайданинг бутун вужуди титраб-қалтираб кетди:

— Амир ал-муслимин жон таслим этди? Менинг ўғлим Муҳаммад-а? Бу гапни айтишга қандай тилинг борди, нобакор? Ё менинг устимдан қуляпсанми, лаънати?

— Афсуски, шундай. Гапим рост. Бу оғир хабарни саййидамызга етказиш менга ҳам осон эмас. Мен маликамизнинг саволларига ҳақ жавоб бердим, холос.

Зубайданинг бу гапга ишонгиси келмас, “ёлғон бўлса керак?” деб шубҳаланди. Ниҳоят Салмонга қаради:

— Башоратгўй! Ростини айт: амир ал-муслимин қаерда? Бу йигит балки алаҳсираётгандир? Ўғилгинам Муҳаммад қани? Қани у эркам, қани овунчоғим? Айт!

— Саййидам, — совуққонлик билан жавоб қилди Салмон, — амир ал-муслимин дор ул-фанодан дор ул-бақога рихлат этдилар. Халифамизнинг кесик бошини Бўстонда, найзага илинган ҳолда ўз кўзим билан кўрдим.

Зубайда бу сўзларни эшитиб, яраланган ургочи шер каби наъра тортиб юбордики, икки қўли билан юзларини тимдалаб ура кетди. Айни шу пайт ташқаридан Маймуанинг: “Оҳ, Беҳзод, қаердасиз? Мени қутқаринг!” деган товуши келди. Беҳзод ханжарига ёпишиб: “Мен бу ердаман, маҳбубам!” деб ҳайқирди-да, хонадан югуриб-чиқиб кетди.

Бу пайт ибн ал-Фазл буйруғига биноан дайдилар Маймунани сочидан тортиб, эшик томон судрамоқда эди. Беҳзод ханжарини чиқариб, ибн ал-Фазлга ташланди-да, бир ҳамла билан тажовузкорни бир ёқлик қилди. Сўнг дайдиларга юзланиб:

— Жўнаб қолинг бу ердан! Мен Беҳзодман! — деди.

Дайдилар ошиқ йигитнинг ҳайқириғини эшитиб, оёқлари остида ибн ал-Фазлнинг жонсиз жасадини кўргач, ҳар тарафга қоча бошлашди...

Турган гап, Маймуна Беҳзоднинг саройда, ёнгинасидаги хонада ўлтирганини билмасди. Ибн ал-Фазл дайдиларга берган буйруғини эшитиб, унинг қўлидан омон чиқишига умиди сўнгач, беихтиёр маҳбубининг номини тилга олиб, қичқирган эди. Кўзларини очиб, тепасида турган Беҳзодни кўриб, унга талпинди, аммо шу заҳоти ҳушидан кетди.

— О, нажоткор фаришта, қаердан пайдо бўлиб қолдинг? — Аббода шундай хитоб билан Беҳзод томон ичкаридан югуриб чиқаркан, бирдан тўхтади:

— Халифа навкарлари билан сизни тутиб олмасин тағин!

— Қўрқманг, саййидам, — кампирни тинчлантирди Беҳзод, — бутун Бағдод ўз қўлимизда! Ал-Аминнинг кесик боши эса қалъа деворига илиб қўйилган!

Сарой мулозимлари бу гапни эшитиб, даҳшатга тушишди ва Зубайданинг ҳузурига югуришди. Малика сочларини ёйиб, ҳамон юзларига муштлаб уриб, саннаб нола қилиб ўлтирарди.

— Ўғлим! Ўғилгинам! Ахийри ёвузлар сенинг бошингга етишибди-да...

Бу оҳ-у фиғон, бу фарёд Аббоданинг қулоғига етиб, унинг ҳам қалбини ўртаб юборди. Зубайда ўлтирган хонага қараб мусибатда қолган; валадидан айрилган муштипар аёлга кўзи тушди. Раҳм-шафқат ғазаб-нафратни енгди! Аббода Зубайданинг ёнига бориб, қўлини ўпди:

— Саййидам, ўзингизни кўп қийнаманг. Оллоҳнинг иродаси...

Зубайда: “Аббода менинг бахтсизлигимдан севинса керак”, деб кутганди. Аммо унинг ҳамдардлиги самимий эканини, у ҳам кўз ёш тўкаётганини кўриб рақибасига қўрқа-писа қараб қўйди.

Аббода ўз ўғлининг аянчли ўлимини эслаб, халифанинг бебахт волидаси каби хўнграб-йиғлаб юборди.

— Сен ҳақсан, Умм ар-Рашид... Оллоҳнинг иродаси бу... Бечора ўғиллар... Ё Оллоҳ, Жаъфар, ар-Рашид ва шулар қаторида Муҳаммадни ҳам ғариқи раҳмат этгил! О, Муҳаммад! Наҳот сени ҳам ўлдиришган бўлса! Наҳот сенинг кесик бошингни минорага илиб қўйишган бўлса! Наҳот сенинг ўғлингни, менинг суюкли неварамни ҳам қатл этишган бўлса! Наҳот унинг жасадини ҳам одамларга намойиш этишса! Ахир у ҳали ёш-ку! Лоақал жасадига раҳм қилинг! У иссиқ-совуққа ўрганмаган гўдак-ку! Жасадини яланғочлаб, очиқ жойга ташлаб қўйишга қандай журъат этдингиз? Мунча бераҳм бўлмасангиз. Айни йигит чоғи эди, айни етилган пайти эди... Унинг ўрнига мени ўлдирсангиз эди! Сен ҳақсан, Аббода! То ўзим уқубат чекмагунимча, сенинг азобларинг кўзимга кўринмаган эди. Мана энди эса...

Зубайда қўлларини орқасига қайириб, ҳаммаёқни бошига кўтариб, нола қилиб, изтиробга берилиб, хонанинг у ёғидан бу ёғига югуриб-ела бошлади. Бу пайтда Беҳзод Маймунани ола-ғовур жойдан нарироққа элтиб, ўзига келтиришга муваффақ бўлганди. Қиз ўзига келиб, кўзларига ҳеч ишонмасди: “Тушимми ё ўнгим? Ажабо! Қаллиғим мени қутқариш учун энг сўнгги дақиқада қаршимда намоеън бўлса-я?” Беҳзоднинг қўлига суяниб бораркан, ерда жонсиз ётган ибн ал-Фазлга кўзи тушди-ю, афсус билан шивирлади:

— Бу йигитга ачинаман. У мени севарди, менга фақат яхшилик тиларди. Муҳаббатимга зор эди. Аммо фақат Беҳзодни севишимни билмасди.

— Лекин у сenga тажовуз қилишга уринганини ўз кўзим билан кўрдим-ку! — эътироз билдирди Беҳзод. — Бундай хўрликка чидай олмадим. Уни бир ҳамла билан енгдим! Энди ачинишнинг фойдаси йўқ, барибир, тирилтира олмаймиз! Қани, кетдик, Салмон!

Салмон Аббодани суяб олди. Тўртовлон ҳовлигача чиқишди. Отларга миниб, саройни тарк этишди. Мотамсаро ал-Мансур саройи ортда қолди.

ФОТИМАНИНГ ВАФОТИ

Ал-Аминнинг ўлдирилиши билан биродарлар ўртасидаги душманлик ўз-ўзидан барҳам топди. Ҳокимият ал-Маъмун қўлига ўтиб, у ҳуқуқи мутлақ халифа бўлиб олди. Аммо ал-Маъмун Хуросонда қолиб, Тоҳир ибн ал-Хусайнга шундай буйруқ бердики, унга кўра Тоҳир Бағдод ва бошқа фатҳ этилган вилоятларни идора этиш ишини ал-Фазл Сахлнинг биродари - ал-Ҳасан ибн Сахлга топшириши лозим эди.

Беҳзоднинг Бағдодда қиладиган иши йўқ эди. Шу боис у Марвга, волидасининг уйига қайтиб, унга хуросонликлар ғалабаси хабарини етказиши, Маймуна билан никоҳдан ўтиши учун она розилигини олиши зарур эди. Беҳзод ўз маҳбубасини тутқунликдан халос этган куни, оқшом чоғида Маймуна, Аббода ва Салмон билан бирга Хуросон сари узоқ йўлга тушди. Маймуна ҳамон бахти чопганига сира ишонмас ва мастона кўзларини ошиғидан узмас эди. У ҳали ҳам Беҳзод ўзи аслида кимлигини, кимнинг ўғли эканлигини, дорулисломга не сабабдан келиб-кейтиб юрганлигини, ўша қутичада нималарни сақлаётганлигини билишни жуда истар эди. Қиз Беҳзоднинг ўзидан буларни ҳозироқ сўраб-суриштириб билиб олгиси келар, аммо қизлик андишаси ва бувисининг ёнидалиги бунга имкон бермасди. Шундай бўлса-да, Маймуна Марв шаҳрига етиб келганлари заҳоти ўзи учун сир бўлиб қолаётган нарсаларни билишга умид боғлар эди. Хуросонда Бағдоднинг таслим бўлиши ва ал-Аминнинг ўлдирилиши хабари зўр шодиёналик билан кутиб олинди. Тоҳир ал-Маъмунга ал-Аминнинг кесик бошини, Расулуллоҳнинг тўни, халифалик асоси ва муҳрини юборганди. Ал-Фазл ибн Сахл буларни қалқон ичига бўлиб, тантанали равишда ал-Маъмунга топширди. Ал-Маъмун тиз чўкиб, Оллоҳнинг марҳамати учун шукрона билдирди. У шартномага биноан шиалар гуруҳининг раҳбари бўлмиш Али ар-Ридни ўз вориси деб эълон этди ва бу тадбири билан шиалар орасида эронийларнинг мавқеини мустаҳкамлаш учун замин яратди. Ал-Фазл ибн Сахл барча фуқароларга Аббосийлар тимсоли қора либосни яшил тусдаги либос билан алмаштиришни буюрди. Бу эса Аббосийларнинг бағдодлик тарафдорлари ғазабини уйғотди. Улар ал-Маъмун номига хатлар йўллаб, унинг ишини қоралашди, “ўчимизни оламиз”, деб таҳдид этишди. Аммо ал-Фазл ибн Сахл ўз иқтидори ва таъсиридан фойдаланиб, бу номаларнинг ал-Маъмун қўлига бориб етмаслиги чорасини кўрди.

Беҳзод Марвга ўз бурчини бажарганидан мамнун ҳолда, маҳбубаси билан тезроқ қовушиш истаги дилида жўш уриб, Марвга қайтар эди. Салмон эса омади юришмагани, жонини жабборга бериб қилган ишлари лозим даражада тақдирланмаганидан хафа эди. Шаҳарга киришгач, Беҳзод Салмон билан хайрлашди. У Маймунани тезроқ ўз уйига олиб боргиси келарди.

Салмон гап орасида шундай деб қўйди:

— Нимани астойдил истаган бўлсанг, барига эришдинг. Буни асло унутма! Мен эса ҳали ҳам бажарган ишларим муносиб тақдирланишидан умидворман.

— Ваъда берганимдек, сен хуррабийлар жамоатининг пешвоси бўласан, — жавоб берди Беҳзод. — Бу — ҳазилакам иш эмас. Наҳот, шу лавозим сени қониқтирмаса?

— Афсуски, мен бошқа бир нарсага умид боғлаганман, у хуррабийлар жамоатини бошқаришдан кўра муҳимроқдир... Сенга ёрдам берганим каби сен ҳам менга ёрдам қўлини чўзишинг керак...

— Нимага шаъма қилипсан?

— Гап бундай: мен туфайли Маймунага эришдинг, энди сени кўмагингда ал-Ҳасаннинг қизи Бўронга уйланиш ниятим бор. Унинг амакиси ал-Фазл ибн Сахл рози бўлса, бас, қолган ишларни ўзим бажараман. Фикри ожизимча, мен унга шундай зўр хизматлар қилдимки, мени шулар эвазига Бўронга муносиб кўриши даркор!

Беҳзод бироз талмовсираб қолди, аммо кейин, ўйлаб кўриб, бу ишни бемалол

амалга ошириш мумкинлигига амин бўлди. У Бағдодга жўнамасидан аввал ал-Фазл билан бўлган суҳбатини эслади. Ушанда Бўрон ҳақида сўз борганди. “Салмоннинг Бўронга уйланиши бундай нозик вазиятдан қутулишнинг энг соз йўлидир”, деб ўйлади Беҳзод.

— Майли, бу тўғрида эртага бафуржа сўзлашайлик, — деди у. — Ҳозир эса сенга яна бир хизмат қилиб қолди, аммо бу — охиригиси...

— Нима хизмат экан?

— Менга ал-Аминнинг кесик боши керак. Эсингдами, Жаъфар билан Абу Муслим ҳазратларининг бошларини қандай қўлга киритганимиз? Энди ал-Аминнинг бошини ҳам қабридан пинҳона олиш керак. Бу иш бемалол қўлингдан келади!

Салмон дарҳол хожасининг фикрини тушунди.

— Бу ишнинг мен учун ортиқча қийинчилиги йўқ, — деди у. — Эртага уйдан чиқмай, мени кутиб ўлтир. Айтганингни олиб-бориб бераман.

Улар хайрлашишди. Беҳзод Аббода ва Маймуна билан волидасининг уйига шошилди: у Бағдодда шунча узоқ вақт қолиб кетгандики, бу орада онасини ҳаётлигида яна кўриш-кўрмаслиги муаммо бўлиб қолган эди. У энтикиб, эшикни аста тақиллатди. Таниш одимлар товушини яна эшитгиси келди. Аммо ҳеч ким овоз бермади. Беҳзоднинг юраги типирчилаб, бўлмағур хаёлларга борди. Иккинчи бор эшикни қаттиқроқ тақиллатди. Ниҳоят, ичкаридан қадам товуши келди. Эшик очилиб, ўтган сафар учратгани қари қул остонада пайдо бўлди. Бу гал чолнинг қиёфаси жуда тунд эди.

— Волидамиз саломатмилар? — сўради Беҳзод.

— Оллоҳга шукр, соғлар. Аммо мадорим қолмади, деб нолийдилар. Валадларини соғиниб, адойи тамом бўлаёздилар.

Беҳзод узоқ йўлда чарчаб-ҳориган азиз меҳмонларни ҳордиқ чиқариш учун ётоқларига олиб боришни буюрди, ўзи эса онаси томон ошиқди. Кампир ўрнида хансираб ётарди. Яна ҳам қариган, кўзлари ичига тортиб, юзлари киртайиб кетибди. Беҳзод волидасининг ёнига бориб, ним овоз-ла салом берди. Фотима кампир уйғониб, кўзини очди, бошини ўғли тарафга буриб, билинар-билинемас жилмайди. Беҳзод тиз чўкиб, энгашди, волидасининг қўлини ўпди. Фотима: “Яқинроқ кел” дегандек ишора қилди, ўғлининг пешонасига лабини теккизиб, бир нимани сўрагандек ўғлининг кўзига тикилди.

— Онажон, — деди Беҳзод оҳиста, — мен истагингизни бажо этдим. Душманимизни енгиб, халифани жонидан жудо этдик. Эроний аёлнинг валади ал-Маъмун амир ал-муслимин, Хуросон шиалари раҳбари Али ар-Рид халифа вориси қилиб тайинланди. Шу тариқа ҳокимият яна эронийлар қўлига ўтди. Мен бобом учун қасос олдим, ҳамма ишни сиз айтгандек қилдим. Жаъфар ибн Яҳёнинг ҳам хунини олдим.

Беҳзод ханжарни қинидан чиқариб, онасига тигда қотиб қолган қонни кўрсатди.

Кампирнинг кўзларида қувонч кўринди, у енгил нафас олди. Бор кучини жамлаб, узуқ-юлуқ овоз билан пичирлади:

— Оллоҳ сендан марҳаматини аямасин... Сен уруғимиздан иснод доғини ювиб ташладинг. Баракалла...

Фотима яна бир бор хўрсиниб, овози чиқмай қолди, аммо кўп ўтмай, яна базўр шивирлади:

— Ўғлим, учинчи кесик бош қани?

— Эртага эрталаб олиб келишади. Шунда қасам ичганингиздек, учовини ўз қўлингиз билан бир ерга кўмасиз.

Фотима қўлларини кўтариб, дуо қилди, ўғлининг юзини силаб, фотиҳа берди. Бармоқлари темирдан ясалгандек ингичка ва совуқ эди. Ўғлига: “Энгашгил”, дегандек ишора қилди, уни бир карра ўпиб, қулоғига эшитилар-эшитилмас шивирлади:

— Эртага ўшалар билан бирга мени ҳам кўмасан...

Беҳзод қари онасининг юзига тикилди, кўз чаноқлари ичида кўз ёшлари қотиб қолганини кўрди. Унинг ҳатто қимирлашга ҳам мадори қолмаганди. Беҳзод волидасининг умри ниҳоясига етганини сезиб, деди:

— Онажон, мени дуо қилдингиз. Энди мен билан бирга бўлажак рафиқамга ҳам оқ фотиҳа берингиз. У оғир кунларда ҳамдардим бўлди, келажак бахтли кунларимда содиқ ёр бўлсин!

Беҳзод эшик томон ўгирилиб, остонада турган қулга аёлларни чақириб келишни буюрди.

Фотима ўғлининг илтимосини тинглаб: “У ким ўзи?”, дегандек кўзларига тикилди: унинг гапиришга ҳам ҳоли қолмаганди.

Маймуна Беҳзод кекса қулдан волидасининг саломатлигини сўраганида, маҳбубининг ота ҳовлисига келиб қолганини фаҳмлаган эди. Беҳзод кимнинг ўғли эканини билишга жуда ошиқар эди. Маймунани қаллигининг волидаси ҳузурига бошлаб келишганида, бу қариб-чуриб кетган кампирни кўриб, қўрқиб кетди. Бу эса юз-кўзларидан ҳам шундоқ аён бўлиб турарди. Беҳзод буни пайқаб, қизга бор гапни айтишга қарор қилди:

— Орамизда биронта сир қолмаслиги керак, — деди у. — Бу аёл менинг волидам. Исми Фотима ая. У Аббосийлар давлатининг асосчиси Абу Муслимнинг қизи бўлади. Абу Муслим бобомиз ҳам падари бузрукворинг сингари хиёнаткорона ўлдирилган эди. Хуросонда манави қул ва онажонимдан ташқари, мен — Абу Муслимнинг невараси эканлигимни ҳеч ким билмайди. Одамлар мени Фотима кампирнинг асранди ўғли, деб билишади, чунки мен падари бузрукворим қазо қилганларидан кейин туғилган эканман. Шу боис волидам: “Беҳзод — тарбияга олган фарзандим”, деб айтганлар. Онажоним мени бобомиз учун қасос олиш руҳида тарбияладилар. Ҳатто мени “Кайфар”, яъни “қасоскор” деб атадилар... Ана энди анави қутичада шу топгача нималарни сақлаб келганимни айтадиган фурсат келди. Шунин билки, унинг ичида мен учун азиз икки кишининг кесик боши бор. Бир — бобомнинг, иккинчиси — сени отангнинг боши.

Маймуна бу сўзларни эшитиб, сесканиб кетди, ранги оппоқ оқарди.

— Мана энди булар ёнига ал-Аминнинг кесик бошини қўймоқчиман. Эртага бу ниятим ҳам рўёбга чиқиб, учалови бир ерга кўмилади. Шундай қилиб, онажонимга берган муқаддас ваъданинг устидан чиқаман.

— Сиз чиндан ҳам Абу Муслим ҳазратларининг ўғли экансиз-да? — ҳайратга тушиб сўради Маймуна.

— Шундай. Сен — Жаъфар Бармакийнинг қизи бўлганинг каби. Душманларимдан қасос олиш бизга каромат қилинган!

Беҳзод ҳикоясини тугатиб, Маймунанинг қўлидан ушлади-да, волидаси ётган ўрин томон бошлади:

— Онажон, — деди у, — бу қизнинг исми — Маймуна. Хорун ар-Рашид хиёнаткорона ўлдирган Жаъфар ибн Яҳнинг қизи бўлади, бахтли тақдирнинг ўзи бизни учраштирди, бирлаштирди. Менинг унга муҳаббатим зўр, у ҳам мени жонидан ортиқ кўради. У барча қувонч-у ташвишларимга шерик эди. Энди у завжаи ҳалолим бўлади. Иккимизга оқ фотиҳа беринг, онажон!

Фотима қизни имлаб: “Яқинроқ кел”, дегандек бўлди. Маймуна энгашди, кампир унинг юзини оҳиста силаб, лабини теккизиб қўйди. Кейин алланималарни ўзига пичирлай бошлади, Беҳзод билан Маймуна нима деяётганини англай олишмади. Кампир қизнинг эгнидаги қора либосга ишора қилди. У бу мотам кийимини маъқулламаётганини сезган Маймуна либосини ўзгартириш лозимлигини пайқади ва “хўп”, дегандек бош ирғади. Нарироқда турган Аббода Фотиманинг устига энгашди.

— Онажон, — деди Беҳзод, — бу муҳтарама бону Умм-Фазл Жаъфар ҳазратларининг волидаси бўладилар. Эҳтимол, сиз уларни танирсиз?

Фотима Аббодага бир зум тикилди: “Танийман”, деган каби жилмайишга уринди.

— Мен Фотима бонунини ёшлигимдан биламан, — деди Аббода ва аста кампирнинг юзидан ўтди. Фотима ҳам уни ўпмоқчи бўлгандек, юзини силаб, лабларини қимирлатди. Шу пайт бирдан дармонсизланиб, кўзи кетди, хансираб кўксидан хириллаган говуш чиқди. Бу — ўлим олди талвасаси эди. (Аммо жони узилгунча лаблари жилмайган ҳолатда қотиб қолган эди). Ниҳоят киприклари титраб, жон таслим қилди. Аббода, Беҳзод ҳўнграб йиғлаб юборишди.

Эртаси кун Салмон ал-Аминнинг кесик бошини олиб келди ва марҳуманинг вазиятига биноан уч кесик каллани ёнига кўмиб, устидан тупроқ тортишди.

72 - б о б

ХОИННИНГ ДЎСТИ БЎЛМАС

Орадан кўп ўтмай Беҳзод билан Маймунанинг никоҳ тўйлари бўлиб ўтди. Салмон хуррабийлар жамоатининг раҳбари лавозимига эришди. Беҳзоднинг ал-Ҳасан қизини сўраб, совчиликка бориш ваъдасини яна бир карра эслатди. Беҳзод рози бўлгач, иккови эртаси кун ал-Фазл ибн Сахлнинг саройига йўл олишди.

Ал-Фазл шон-шўҳрат чўққисига эди. У ал-Маъмуннинг халифот тахтига воқис этиб Али ар-Ридни тайинлашга муваффақ бўлди ва саройда шундай иқтидор соҳиби бўлиб олдики, халифа бирон-бир ишни унинг маслаҳатисиз ҳал этмасди.

Эшик оғаси ал-Фазлга Беҳзод билан дўсти келганини айтгач, уларни ҳузурига киритиб юборишни буюрди.

Шу куни ал-Фазл саройига жуда кўп жамоат йиғилган эди. Улар орасида шаҳарнинг машҳур кишилари, олий мансабдорлар, таниқли саркардалар бор бўлиб, ёлғиз биродари Ҳасан кўринмасди. Бизга маълумки, у Боғдодга жўнаб кетган эди.

Беҳзод остонада пайдо бўлиши билан ал-Фазл у билан саломлашиб, ёнидан жой кўрсатди. Салмонга атоқли амалдорлар сафига қўшилишни буюрди. Салмон сира тап тортмай ўшалар ёнига бориб ўлтирди. Ал-Фазл Беҳзоддан қандай хабарлар келтирганини сўради. Беҳзод яқиндагина Бағдоддан қайтиб, у ерда Тоҳирнинг галабаси шохиди бўлганлигини айтди.

— Ал-Аминни ўлдиришганда дорулисломда эдингми? — сўради ал-Фазл.

— Ҳа, Салмон билан бирга Бўстон қалъаси устида унинг кесик бошини кўрдик, — жавоб берди Беҳзод.

— Золим учун муносиб жазо! — мағрурона тиржайди ал-Фазл.

Вазир давлат ишлари билан шуғуллана бошлади, мансабдорларни ёнига чорлаб, суҳбатга киришди. Беҳзод билан Салмон мажлис охирини кутишарди.

Ниҳоят, кун яримлаб қолганда йиғин тугаб, ҳамма тарқалди. Фақат Беҳзод, Салмон ва ал-Фазл ёлғиз қолишгач, Беҳзод сарой соҳибига мурожаат этди:

— Вазир жаноблари, ҳузурингизга Салмон билан келдим. У Бағдодда ажойиб ишлар қилди, муштарак мақсадларимиз йўлида ҳам ақл-заковати, ҳам қиличи билан бебаҳо мадад берди.

— Мен уни биронта йирик вилоятга ноиб этиб тайинлайман, — кулди ал-Фазл, — ё дўстинг ҳам ўзинг сингари мансабга эҳтиёжманд эмасми?

— Уни вилоят ноиби этиб тайинласангиз унга зўр мурувват кўрсатган бўлур эдингиз, — тавозеъ билан бошини эгди Беҳзод. — Аммо уни ўзингизга тенг кўриб, олий бир шарафга сазовор этишингизни истайди.

— Нияти не экан? — ҳайратга тушди ал-Фазл.

— У жиянингизга уйланмоқ орзусида.

— Биродаримнинг қайси қизига оғиз солмоқчи?

— Бўронга...

Ал-Фазл яна ҳайрон бўлиб, қошларини керди ва қайта сўради:

— Не сабабдан айни шу Бўронга уйланмоқчи?

— Вазир жаноблари, рухсати ижозатингиз билан Бўронга совчи бўлиб келдим. Салмон бу шарафга муносиб...

— Беҳзод, дўстим, не қилайки, рад жавобини беришга мажбурман. Бу қиз бошқа бир одамга унаштириб қўйилган.

Беҳзод: “Ал-Фазл билан ўтган галги суҳбатимизда Бўронни менга муносиб кўргани ёдида турибди экан”, деган андишага бориб, ўзининг яқинда уйланганини айтмоқчи эди, аммо Салмон гапини оғзидан олди:

— Бўрон кимга унаштирилган?

Ал-Фазл Салмонга норози қиёфада қараб қўйди-да, виқор билан деди:

— Халифотдаги энг буюк зотга!

Вазир ал-Маъмунни кўзда тутаётган эди. Салмон буни дарров англаб, Бўронга уйланиш умиди пучга чиққанидан ғазабга келди ва сўради:

— Вазир жаноблари ваъдаларини унутган кўринадилар, шундай эмасми?

— Бу нима деганинг?

— Сиз билан аввалроқ келишиб қўймаганмидик?

— Қачон? — ижирганиб сўради ал-Фазл.

— Ёдингизга туширишга ижозат берсангиз...

— Айтавер.

— Вазир жаноблари ўз манфаатларини кўзлаб, ажодлари динидан воз кечиб исломга ўтган чоғларидаёқ шу тўғрида битишиб олмаганмидик? Ўша пайтда жаноблари бирон-бир мансаб соҳиби эмас, Бўрон эса ҳали қизалоқ эди. Ўша суҳбатимизни бир карра ёдингизга олинг, ал-Фазл жаноблари. Мен ўз ваъдамнинг устидан чиқдим. Наҳот жаноблари ўз сўзларига хилоф иш тутсалар?

Салмоннинг охириги гапини эшитиб, ал-Фазл гўё ажабланди:

— Орамизда шундай суҳбат бўлиб ўтганини ҳеч эслай ололмаяпман... Хўш, сенингча нима қилай? Қизни унаштириб қўйилган қаллиғи қўлидан тортиб олиб, сенга узатайинми? Аммо, шунини билки, бу масалани қизнинг отаси ҳал этади, у эса ҳозир сафарда.

Бу сўзлар Салмоннинг жон-жонидан ўтиб кетди. Қовоғи осилиб, мўйлаби қимирлаб қўйди ва ўрнидан туришга шошилди. Беҳзод Салмоннинг саросимада қолганини кўриб, ўзи ҳам бир хил бўлиб кетди. Ал-Фазл қўлига елпигичини олиб, ўридан турди. Меҳмонлар ҳам дарҳол ўринларидан туришди. Ал-Фазл совуққина хайрлашди. Беҳзод билан Салмон саломхонадан чиқишди. Беҳзод Салмоннинг бироз бўлса-да, ўзига келишини кутар ва шу боис индамай йўлда давом этарди. Аммо хайрлашаётган пайтда, уни овутишга уринди:

— Жуда-ям ҳафа бўлаверма. Эҳтимол, ал-Фазлнинг рад жавоби қилишига жиддий сабаб бордир?

— Ҳеч қандай сабаб йўқ! — ғазабидан энтикиб, деди Салмон. — Ал-Фазл одамгарчилик нималигини билмайдиган муттаҳам! Аммо мен ҳали кўрсатиб қўяман унга кимлигимни!

Салмон шитоб билан одим отиб, ўз йўлига кетди. Беҳзод эса кўздан ғойиб бўлгунча ортидан қараб, аллавақтгача кўча ўртасида туриб қолди. У Салмон ўз таҳдидини рўёбга чиқариш учун ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, мақсадига эришишнинг ўнлаб йўллари билладиган айёр ва маккор бир кимса эканлигидан яхши хабардор эди. Салмон виждон азоби, инсоний бурч ҳиссидан бутунлай маҳрум эди. Кези келса ичган қасами, берган ваъдасини унутиб, дўстлик ришталарини узишдан ҳам тоймайди.

Салмон ўша кунийёқ ал-Маъмун саройига бориб, халифа билан учрашишга ижозат сўради. Унинг илтимоси қондирилди. Халифа билан ёлғиз қолгач, шундай сўзлар билан унга мурожаат қилди:

— Амир ал-муслиминнинг содиқ фуқароси сифатида ўтган урушда қилган саъй-ҳаракатларимиз беҳуда кетмаганидан ғоят мамнунман. Оллоҳ Таоло бизга одил халифани ато қилди-ки, бундан бошимиз осмонга етди.

Ал-Маъмун бундай хушомадгўйлик ортида қандайдир муҳим бир манфаат яширинганини фаҳмлади-да, сир бой бермай, деди:

— Мен хуросонлик биродарларимдан бизга кўрсатган зўр хизматлари учун чексиз миннатдорман.

Салмон нима дейишини билмай, йўталди, чуқур нафас олди, хуллас, ўзини тортинчоқ, жўрғатсиз киши қилиб кўрсатишга уринди.

— Ўзи нима гап, дилингдагини тилингда чиқар, кўрқма, — деб ал-Маъмун Салмонга далда берди.

— Биламан, халифа ҳазратларига бир сирни айтсам, омон қолмасман, — деди Салмон. — Аммо амир ал-муслиминни балолардан қутқариш ниятида ҳам давлат

манфаатини ўйлаб бир сирдан халифамизни огоҳ қилишим керак. Бу гап орамизда қолишига аминман.

Ал-Маъмун юзида аллақандай ташвиш аломати зоҳир бўлди ва у: “Албатта”, дегандек бош иргаб қўйди.

— Давлатимиз тақдири ҳақида айтилажак ҳар қандай сўздан бу ерда бирон зот воқиф бўлмагай... Тортинма, гапиравер.

— Вазилингиз ал-Фазл ибн Сахл жаноблари ўзларини халифамиз учунгина ҳокимиятни қўлга киритган киши қилиб кўрсатсалар-да, аслида бу ишни ёлғиз ўз манфаатларини кўзлаб қилганлар...

Ал-Маъмун дарров шубҳаланди: “Тағин бу одамни ал-Фазлнинг ўзи юборган бўлиб чиқмасин”, деган хаёлга борди, лекин:

— Ал-Фазл каби зотлар гоят иқтидорли кишилардир, — деб қўйди.

— Саййидим, дилларида бор гапни айтишда эҳтиёткорлик қилаётирлар чамамда. Бунга албатта, ҳақлидирлар. Аммо шуни ҳам айтайки, ал-Фазл фақат ўз манфаатлари учунгина ҳокимиятга интилаётганлари йўқ, албатта. У зотнинг мақсади — халифотни Аббосийлар қўлидан тортиб олиб, Алийлар қўлига топшириш, токи бутун ҳукмдорлар яна эронийлар ихтиёрида бўлсин. Худди шу боисдан амир ал-муслиминнинг Али ар-Риднинг ворис этиб тайинланишига эришдилар...

Ал-Маъмун ал-Фазлнинг асл мақсадларини аллақачонлар билиб олган эдики, Салмоннинг сўзлари уни сира ҳайратга солмади. Ал-Маъмун биродари Амин устидан галаба қозониш учунгина мазкур шартни қабул этишга рози бўлганди.

У Салмонга қатъий оҳангда бундай жавоб қилди:

— Мен Али ар-Ридни ўз ихтиёрим билан тахт вориси этиб тайинладим, сабаби — Аббосийлар орасида халифотни келажакда идора эта оладиган бошқа бирон муносиб кишини топмадим.

— Али ар-Риднинг фарзандлари тахтга муносиб бўлишларига халифамиз аминмилар? Ворисни ўз ихтиёрлари билан тайинлаганликларига ишонаман, лекин амир ал-муслимин умрларини охиригача давлатни идора қилишларига ал-Фазл жанобларининг сабри чидармикан? Ростгўйлигим учун саййидимиз мени кечирсинлар, бимоним комил, бу гаплар шу ердан ташқарига чиқмагай. Шу боис бир ўтинчим бор: ҳаётим, давлатим омон бўлсин десалар, бу одамдан бағоят эҳтиёт бўлиб юрсинлар. Бу сўзларимни мабодо сафсата деб билсалар, содиқ қулларининг бир қошиқ қонидан кечсинлар...

Ал-Маъмун бошини қўйи эгиб, ўйга чўмди. Миясига турфа фикрлар келса-да, ошкор этишни лозим кўрмади. Ниҳоят:

— Сенингча нима қилиш керак? — деб сўради.

— Амир ал-муслимин маъқул кўрсалар, бир қошиқ асал ёки бир қултум гулоб кифоя.

Ал-Маъмун меҳмонининг шижоатига ҳайрон қоларкан, ўзича ўйлади: “Бу қадар хиёнаткор, мунофиқ одам дўстга ҳам, душманга ҳам бирдек бало тошини ёғдириши ҳеч гапмас. Хизматини қилиб хожаси ал-Фазл ибн Сахлни ўлдиришдан ҳам тоймайдиган бу даюс янги хожасига қўл кўтариши тайин”. Аммо Салмоннинг таклифи ал-Маъмунга вазирининг ҳомийлигидан қутилиш имконини берардики, шуни ҳаёлидан ўтказиб бамайлихотир:

— Бу ҳақда ўйлаб кўриш зарурга ўхшайди, — деб қўйди.

Салмонга шу жавобнинг ўзи етарли эди, чунки у халифанинг ўз таклифига ошкора рози бўлишини кутмасди ҳам.

Ал-Маъмун: “Гап тамом”, дегандек ишора қилди. Салмон чиқиб кетди. Халифа аллақанча вақт Салмоннинг таклифи устида бош қотирди. У вазирининг қутилмаганда панд бериб қўйишидан хавотирланиб, ҳамма гапни ал-Фазлнинг ўзидан сўраб-суриштирмоқчи бўлди.

Одатдагидек, кечга яқин вазир ал-Маъмун саройига келди. Хуфиялар: “Бугун Салмон халифа ҳузурда бўлди”, деб хабар қилишди. Ал-Фазл буни эшитиб: “Салмон Бўронга уйланиш учун халифадан воситачи бўлишини сўраган бўлса керак”, деб ўйлади-ю, аммо у Салмоннинг қўлидан гўё барча эронийларга алоқадор бўлмиш масалада қабих қақимчилик келишини хаёлига ҳам келтирмади. Ал-Маъ-

мун атайин ал-Фазл ибн Сахл билан ёлғиз қолиб шунчаки гап орасида Салмонни эслатди:

— Овозаларга кўра бу одам Бағдодда бизга кўп ёрдам берганмиш...

— Ҳа, саййидим, у ал-Аминга қарши урушда зўр маккорлик ва устамонлик кўрсатди, аммо у ўз хизматларига ҳаддан ортиқ юқори баҳо беради...

— Эҳтимол, унга бирон-бир лавозим бериш керакдир...

— Таклиф этиб кўрдим, лекин у рад этди. Ўз мавқеига сира муносиб келмайдиган мақсадни кўзлапти у. Амир ал-муслимин эшитсалар, ҳайратдан ёқа уш-лашлари турган гап...

— Не мақсад экан у?

— Жияним Бўронга уйланмоқчи. Қиз унаштириб қўйилган, десам, жаҳли чиқиб кетди. Ўзини хаёлида ал-муслиминдан ҳам юқори қўйса, ажабмас!

Шу ўринда ўқувчиларимизга айтиш лозимки, бу пайтга келиб, ал-Маъмун келажакда Бўронга уйланиши ҳақида қизнинг отаси ал-Ҳасан билан махфий равишда келишиб қўйганди. Салмоннинг ал-Фазл ибн Сахлга душманлигининг боиси ал-Маъмунга аён бўлди. Салмон вазирдан ўч олиш мақсадида ҳузурига келганлигига халифа ишонч ҳосил қилди, аммо буни вазирга айтмай қўяқолай, деди, фақат бу кимсанинг иддаобларидан ҳайратга тушди. Ал-Маъмун бир ташвиш-хавотирдан халос бўлиб, гапни бошқа ёққа бурди. Ал-Фазл ибн Сахл халифа билан учрашувдан сўнг саройни тарк этаркан, ал-Маъмунда Салмонга нисбатан нафрат уй-ротганидан мамнун эди.

73 - б о б

ХИЁНАТГА ЯРАША ЖАЗО

Орадан бир ой ўтди. Бир куни тахт вориси этиб тайинланган Али ар-Рид ал-Маъмун ҳузурига кириб, салом-аликдан сўнг деди:

— Амир ал-муслимин ҳазратларидан вазир ал-Фазл ибн Сахл жаноблари пинҳон тутаётган бир сирни айтмоқ учун ҳузурларига шошилдим...

— У қандай сир экан?

— Бағдод аҳли халифамиз мени тахт вориси этиб тайин қилганларидан воқиф бўлгач, саййидимизни телбага чиқаришган ва жиянингиз Иброҳим ал-Маҳдига қасамёд келтиришган.

Ал-Маъмун бу гапни эшитиб, ҳайратга тушди: бу кутилмаган янгилик эди!

— Ҳа, шу топгача ҳеч ким мени бу воқеадан бохабар қилмаганди.

— Сабаби маълум: вазирингиз ал-Фазл ибн Сахл жаноблари барча номаларни шахсан ўзлари қабул қилиб, халифамиздан сир тутиш лозим бўлганларини саййидимизга ошкор этмайдилар.

Ал-Маъмун садоқати учун Али ар-Ридга миннатдорчилик изҳор этиб, деди:

— Эсимда, ал-Фазл гўё бағдодликлар Иброҳим ибн ал-Маҳдини халифа эмас, амир қилиб кўтарганлигини айтганди.

— Вазир жаноблари саййидимизга ҳақ гапни демаганлар. Ҳозир Ҳасан ибн Сахл билан Иброҳим орасида уруш бошланиб кетган. Бағдод аҳли ибн Сахл ва унинг биродари кўрган тadbирлардан, саййидимиз, айниқса, халифалик тахтига шиалар вакилини, яъни мени ворис этиб тайин этганларидан ғазабнок бўлган.

Али ар-Рид бу машъум хабарни унга етказган кишиларнинг номларини бир-ма-бир санаб берди. Халифа мазкур одамларни ҳузурига чақириб, сўроққа тутди. Улар бундай дейишди: “Чиндан ҳам аҳли Бағдод Иброҳим ибн ал-Маҳдига қасамёд этди. Гарчи ал-Маъмунни халифа деб тан олсалар-да, тахт ворислигига Али ар-Ридни тайинлаганликларидан жуда хафалар.

Ал-Маъмун суҳбатдошларининг сўзларига диққат билан қулоқ солиб, улардан миннатдорлигини айтди-да, кетишга ижозат берди. Сўнг Али ар-Рид билан ҳам хайрлашиб, ёлғиз қолди. Узоқ фикр юритиб, вазирдан қутилишга қарор қилди. Ал-Маъмун Али ар-Рид ҳаёт экан, халифот тахт вориси сифатида ўзига хавф туғ-

дириши мумкинлигидан хавотирга тушди. Салмон халифанинг Али ар-Рид билан сўзлашганидан хабар топиб, ўз мақсадини амалга ошириш пайти келганини фаҳмлади. Дарҳол халифа саройига югурди. Бу гал ал-Маъмун ал-Фазлни иложи борича тезроқ йўқотиш лозимлигини очикдан-очиқ ишора этди. Салмон хурсандлигини яширмай, халифа саройини тарк қилди-да, эски ниятини рўёбга чиқариш учун қулай фурсат келишини кута бошлади.

Ҳижрий 202 йил ал-Маъмун Бағдод сари йўл олди. У Сарахс шаҳрида эканида номаълум кишилар ҳаммомда ал-Фазл ибн Сахлга ташланиб, уни ўлдиришди. Бу — Салмоннинг иши эди. Ал-Маъмун вазирга суиқасд қилган барча кишиларни қози орқали ҳукм чиқартириб, қатл эттирди. Ал-Маъмун Бағдодга келганидан кўп ўтмай, Али ар-Рид заҳарланган узумни еб, вафот этгани хабари тарқалди. Халқ орасида: “Бу — ал-Маъмуннинг иши”, деган миш-мишлар тарқалган бўлса-да, аслида унинг ҳам қотили яна ўша Салмон эди.

Шу тариқа ал-Маъмун халифалик тахтини ўз қўлида сақлаб қолиб, энди уни бемалол идора қила бошлади. Салмондан бўлажак хавфини йўқотиш мақсадида ёлланган қотилларни йўллади ва булар уни асфаласофилинга жўнатишди. Бу сон-саноқсиз хиёнат-у фитналарга муносиб жазо эди. Бу Беҳзоднинг: “Хиёнаткор қилмишига яраша жазосини олади”, деган сўзларининг тасдиғи эди.

Беҳзод Салмон билан ал-Фазл ибн Сахл саройида учрашганларидан сўнг бошқа кўришмаган эдилар. Кейинроқ Ал-Фазл ибн Сахл билан Али ар-Риднинг ўлими хабарини эшитди ва уларнинг ўзаро курашида эронийларга мадад берганлигидан афсусланди. Аммо: “Ҳар ҳолда мен бобом ва қайнотам учун қасос олишга муваффақ бўлдим”, деган фикр билан ўзини-ўзи овутиди. Ҳеч ким Беҳзод — Абу муслимнинг невараси, Маймуна - Жаъфар Бармакийнинг қизи эканлигини билмасди. Беҳзод Салмоннинг ўлими тўғрисидаги хабарни эшитиб, бу — ал-Маъмуннинг иши эканлигига шубҳа қилмади ва яна бир марта: “Ал-қасос-у мин ал-ҳақ! Хиёнаткорлар учун бундан бўлак жазо йўқ!” деб такрорлади.

Ал-Маъмун эса Бағдодга келиб, Ҳасан ибн Сахлнинг қизи Бўронга уйланди. Ал-Ҳасан биродари ўлимнинг асл сабабчиси ким эканлигини билиб қолмасин учун шундай қилди. Амир ал-муслиминнинг тўю тантаналари ҳақида солномалардан ўқиб-билиб олишингиз мумкин.

Илҳом СУЛТОНОВ
таржимаси



Донолар доноси Ахикар қиссаси

I

Осурия ва Ниневия шоҳи Асархаддоннинг зуреди бўлмиш Синахерибнинг мамлакатни идора қилганига йигирма йилча бўлай деганда мен, Ахикар, сарой муншийси эдим. Ёшлигимда ҳеч қачон зуредим бўлмаслиги ҳақида менга худодан ваҳий келган эди. Аммо молу давлатим шунчалик кўп эдики, ҳисоб-китобига етиб бўлмас эди. Яхши ният қилиб, олтимишта хотинга уйландим. Уларнинг ҳар бирига шоҳона саройлар қурдирдим, бироқ ўғилдан, ғоят орзиқиб кутганим меросхўрдан сира дарак бўлмади.

Бир куни қурбонликқа жой тайёрлаб, олов ёқдим-да, турли хил мушку анбарлар сепиб, яратган танграмга илтижо қилдим:

— Ё қудратингдан, танграм! Ўлсаму, орқамда бирорта меросхўрим қолмаса, одамлар нима дейди, ахир? “Яратганига сидқидилдан хизмат қилган ориф ва тақводор Ахикар ҳам ўлди-кетди-я”, дейишмайдами? Унинг қабрига бир сиқим тупроқ ташлайдиган ўғли, лоақал бирорта қизи ҳам йўқ, гўё Оллоҳнинг қарғишига учрагандек”. Ё қудратингдан, парвардигорим! Сенга, ялиниб-ёлбораман, менга бир ўғил ато этки, пайти келиб паймонам тўлганида, кўзларим очиқ қолмасин!”

Шу пайт фалакдан бир садо келди:

— Эй заковатли Ахикар! Мендан нимаики сўраган бўлсанг, барини бердим. Фақат фарзанд ато қилмадим. Аммо кўп қайғураверма! Опангнинг ўғли Нодўн — сенинг жиянинг, ўғил ўрнига ўғил бўлади. Уни ўзинг тарбия қилиб улғайтир ва турли илмларни ўргат.

Бу сўзларни эшитиб, мен баттар қайғуга ботдим.

— Ё. парвардигори олам! Опамнинг ўғли Нодўнни ўлганимда устимга бир сиқим тупроқ ташлаш учунгина беряпсанми, холос? — дея зўрға шивирладим.

*Гавҳар
НОРМАТОВА
таржимаси*

Бу қисса қадимий “Панднома”дан олинган. “Панднома” китоби қадимги Шарқ адабиётидан танланган намуналарни ўз ичига олади. Бундан минг йиллар илгари сурений тилида битилган ушбу ноёб дурдоналар асрлар синовидан ўтган ва бизнинг давримизда ҳам жаҳоннинг қатор тилларига таржима қилиниб, завқу шавқ билан ўқилмоқда. Чунки, бу асарлар энг аввало ранг-баранглиги ва чуқур мазмундорлиги билан диққатга сазовордир. Улар ажойиб ҳикоятлар, тарихий ва афсонавий ривоятлар, оталарнинг ўз фарзандларига қарата айтган панду насиҳатлари, доғишмандларнинг ҳикматли сўзлари, қизиқарли топишмоқлар, ибратли мақол ва масаллардан иборатдир. Қадим Шарқ халқининг кўп асрлик ҳаётий тажрибаси ва мислсиз донолигини ўзида акс эттирган ушбу битиклар ўзбек китобхоналарига ҳам манзур бўлади, деб умид қиламиз.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

105

Бироқ фалакдан бошқа садо келмади. Мен ҳамма нарсани худди эшитгандек бажардим. Опамнинг ўгли Нодўнни фарзандликка олиб, уни яхшилаб парвариш-лаш учун саккизта энагага топширдим, чунки бола жудаям нимжон эди. Уни пар-эстикларга ётқизиб, шоҳи ва ҳарир либослар кийгиздим, асалу новвот билан боқ-дим. Ўғлим худди сарв дарахтидек қадди-қомати келишган, ниҳоятда чиройли бола бўлиб ўса бошлади. Йигитча улғайган сари, мен унга билим ва заковат сирларини ўргата бошладим.

Бир куни сафардан қайтган подшоҳ мени ҳузурига чақириб, деди:

— Доно ва зукко маслаҳатгўйим Ахикар! Вақти-соати келиб бу ёруғ олам билан видолашсанг, ким менга сидқидилдан сен каби хизмат қила олади?

Подшоҳга жавоб қилдим:

— Олампаноҳ! Илоё умрингиз узоқ бўлсин! Сиз бу жиҳатдан ташвиш тортманг. Чунки, менинг ўрнимни боса оладиган зукко ўғлим бор.

Подшоҳ деди:

— Уни ҳузуримга олиб кел. Агар у ҳақиқатан ҳам сенинг ўрнингни боса олса, тинчгина қарилик гапгини суриб юришинг учун сени ишингдан озод қиламан!

Мен ўғлимни подшоҳ ҳузурига келтирдим. Нодўнни кўриб, подшоҳ шундай деди:

— Ушбу кунни Оллоҳнинг ўзи ёрлақасин! Ахикар менга ва отам Асархаддон-га сидқидилдан қилган хизмати учун муносиб тақдирланади. У ҳаётлигидаёқ ўғли-ни сарой хизматига камарбаста қилиб, бундан кейин қолган кунларини тинч ва осойишта ўтказади.

Мен, Ахикар, подшо олдидан тиз чўкиб, таъзим қилиб:

— Олампаноҳ! Илоҳим умрингиз узун бўлсин. Отангиз ва Сизга сидқидилдан қилган хизматларим эвазига ҳали ёш ва тажрибасиз ўғлимдан ўз марҳаматингиз-ни дариг тутманг. Шунинг ўзи мен учун энг олий мукофот бўлади, — дедим.

Сўзларимни эшитган подшоҳ, бу хоҳишимни бажариш учун қасамёд қилди ва мен яна бир бор унга таъзим бажо келтирдим.

Шу тариқа мен кеча-ю-кундуз ўғлимнинг қулоғига доно фикр ва маслаҳатлар-ни қуявердим.

Мана, менинг унга қарата айтган гапларим:

II

1. Сўзларимга қулоқ сол, ўғлим Нодўн! Бугун диққат-эътиборингни бир ерга-тўплаб, сўзларимнинг мағзини чақ:

2. Ўғлим Нодўн! Агар бирор гапни сир сақламоқчи бўлсанг, у сўзларни кўнглинг қаърига жойла. У сирни ҳеч кимга очма, токи у оғзингда ёнаётган бир бўлак чўққа айланмасин, тилингни куйдириб, руҳингга азоб бермасин ва сени Ол-лоҳга қарши қўймасин.

3. Ўғлим, эшитганингни ҳамма ёққа овоза қилма, кўрганингни эса ҳеч кимга айтиб юрма.

4. Ўғлим, тугун қилинган арқонни ечма, кераги бўлмаса арқонга янгидан ҳам тугун солма.

5. Ўғлим, юзига атир-упа ва кўзларига сурма тортган аёлларга шаҳватпа-растлик билан кўз тикма, ҳатто ҳаёлингдан кечган бебош туйғуларни ҳам узинг-дан нари ҳайда. Бор бисогингни унга берган тақдирда ҳам, у сенга баҳр келтир-майди. Фақат худо олдидан яна бир бор гуноҳга ботганинг қолади, холос.

6. Ўғлим, ҳеч қачон бировларнинг хотинига кўз олайтирмагин, токим сенинг хотинингга ҳам ёмон назар билан қарамасинлар.

7. Ўғлим, бодомга ўхшашни ҳавас қилма. Чунки бодом эрта гуллашга шоши-либ, мевасини ҳаммадан кеч беради. Энг яхшиси тут дарахтига ўхшагин. Тут кеч гуллайди-ю, аммо унинг мевасини биринчи бўлиб ейишади.

8. Ўғлим, кўзларингни ерга тикку, товушингни баландлатма, чунки бақириб-ча-қирганинг билан ҳеч нарсага эриша олмайсан. Агар бақириб-чақириблар билан иморат солиб бўлганида, эшак ҳар куни иккитадан уй қурган буларди. Агар омовчи фақат кучгина ҳаракатга келтирганда эди, туянинг елкасидан ҳеч қачон буйинту-руқ тушмас эди.

9. Ўғлим, нодон билан май ичгандан кўра, ақлли билан тош ташиган яхшироқдир.
10. Ўғлим, имонсиз одамлар билан май ичгандан кўра, уни тақводор инсонларнинг қабрига тўкканинг афзалроқдир.
11. Ўғлим, аҳмоқ билан юрсанг, ақлли бўлмайсан, аммо ақллига ёндошсанг, хор бўлмайсан!
12. Ўғлим, оқил ва доно одам билан ҳамсуҳбат бўлсанг, донолигинг ортар, зинҳор эзма ва лаққи одамга яқинлашма, токи унинг иллати сенга ҳам юқмасин.
13. Ўғлим, чоринг бутунлигида олдиндаги машаққатли йўлни текислаб, ўз ўғилларинг ва невараларингга йўлни тозалаб бер.
14. Ўғлим, агар давлатманд бирор киши илон гўштини тановул қилса, шундоқ дейдилар: “Ҳа шифо бўлсин деб ебди-да”. Агар ўша илон гўштини биронта камбағал бечора еб қўйса, унда одамлар: “Қаранг, бечора шунчалик оч эканки, ҳатто илондек макруҳ бир газандани ҳам еб қўйибди”, деб айтишади.
15. Ўғлим, ярамас одам билан ҳатто бир тўғрам нонингни ҳам баҳам кўрма.
16. Ўғлим, фақат ўзинггагина тегишли нарсани истемол қил, бегонаникига асло қўлингни чўзма.
17. Ўғлим, душманинг хурсанд бўлганида ғазаб оловида ёнма, унинг бошига кулфат тушганда, сен қувонма.
18. Ўғлим, чиройли аёлларнинг ҳусну жамолига учма ва ўз ҳис-тўғуларингни жиловлаб ол. Чунки аёлнинг ҳақиқий гўзаллиги унинг мулоим ва ифбатлилигида, бутун жозиба ва латофати эса беозор ва майин оҳанг билан сўзлашидадир.
19. Ўғлим, гап меъерини билмайдиган аёлга ҳеч қачон яқинлашма.
20. Ўғлим, агар душманинг бирор ёвуз ниятни кўлаб, сенинг қаршингдан чиққан бўлса, уни ақл-заковат кучи билан енгил.
21. Ўғлим, агар имонсиз одам йиқилса, қайтиб ўрнидан турмайди, аммо тақводор, ориф инсон ҳар мушкilotни матонат билан енгиб ўтади, чунки Оллоҳ у билан биргадир.
22. Ўғлим, ўз ўғлингни калтақдан бенасиб қилма, чунки гўнг ерга куч бағишлаш учун, юган отни жиловлаш учун керак бўлганидек, қамчи ҳам бола тарбияси учун керакдир.
23. Ўғлим, фарзандинг улғайиб, кучга кириб сенга қарши чиқмасдан, ҳар хил қаланғи-қасанғиларга қўшилиб, ножўя ишлар билан обрўйингни тўкмасдан, ҳали кичкиналигидаёқ уни ўзингга бўйсундириб, итоаткор қилиб ол.
24. Ўғлим, ҳўкиз ва эшак сотиб олсанг, туёқлари бақувватидан олгин. Хонавайрон бўлмаслик учун қочоқ ва ўғри қул сотиб олма.
25. Ўғлим, ёлғончининг сўзлари гўшти бемаза семиз қушларга ўхшайди, чунки ақли, эси йўқ кишигина уларни танламасдан паққос туширади.
26. Ўғлим, ота-она қарғишидан эҳтиёт бўл, мабодо бундай ҳолат юз берса, қаринингда фарзандларингдан албатта, қайтгусидир.
27. Ўғлим, узоқ йўлга қуролсиз чиқма, ахир қаерда ва қачон душман рўбару келишини билмайсан-ку.
28. Ўғлим, дарахтни шоҳлари ва мевалари, тоғларни эса қалин ўрмонзорлар безаганидек, йигитга ҳам хотини ва болалари кўрк бағишлаб туради. Ака-укалари, хотини ва ўғил-қизлари бўлмаган эркак душманлари олдида ҳақир кўринади. У худди чорраҳада ёлғиз ўсган дарахтга ўхшайди. Ҳар бир ўткинчи унинг мевасидан узиб олади, дала ҳайвонлари эса танасини ғажиб кемиради.
29. Ўғлим, ҳеч қачон: “хўжам аҳмоғу, мен ундан ақллироқман”, — деб ўйламагин. Ўз хўжангни ҳар қандай номақбул ишлардан қайтар, шунда у сени яхши кўриб қолади.
30. Ўғлим, бошқалар сени “ақлли” деб ҳисобламаса, сен “ақллиман” деб чиранмагин.
31. Ўғлим, ўз хўжангга ёлғон сўзламагин, токи у сандан нафратланиб: “Кўзимдан нари йўқол!” — деб даргоҳидан қувмасин.
32. Ўғлим, доимо ҳақиқатни сўйлагил, токи хўжанг сенга: “Ҳамиша менга эш бўлиб, мен билан бирга юргин”, — дея олсин.
33. Ўғлим, бошингга бахтсизлик тушганда, Оллоҳни қарғама, у сенинг қарғишингни эшитиб қолиб, ғазабланмасин.

34. Ўғлим, хизматкорларингдан биронтасига алоҳида илтифот кўрсатмагил, ахир улардан қай бири энг садоқатли бўлиб чиқишини билмайсан-ку.

35. Ўғлим, ўз эгасини ташлаб, кетингдан эргашган итни тош билан уриб, ҳайдаб юбор.

36. Ўғлим, подадан ажраб ҳар ёққа тарқаб кетган моллар бўриларга осонлик билан ем бўлади.

37. Ўғлим, қарилигингда иззат-ҳурматда бўлмоқлик учун ёшлигингда адолатли ва ҳақиқатпарвар бўлгин.

38. Ўғлим, сўзларингдан бол томсин, шуни унутмаки, ит думини ликиллашиб, эркаланиб овқат топса, ҳуриб таёқ ейди.

39. Ўғлим, ўз яқинларинг оёгингни босиб олишига йўл қўйма, токи у кейинчалик бўйнингга ҳам миниб олмасин.

40. Ўғлим, ақлли кишини ақлли сўз билан ургинки, гўё ёз куни касални безгак тутганидек, сенинг сўзларинг ҳам унинг қалбини титратиб юборсин. Аммо, аҳмоқни қанчалик қалтакламагин, барибир уни ақлли қилолмайсан.

41. Ўғлим, фақат ақлли ва тадбиркор чопаргагина топшириқ бер-у, уни қандай бажариш йўл-йўриқларини айтма, аммо чопар нодон бўлса, унинг ўрнига ўзинг йўлга отлан.

42. Ўғлим, аввало ўз ўғлингни яхшилаб синаб кўриб, синовдан ўтолсагина пул ва мол-давлатингни топшир.

43. Ўғлим, бошингга мушку анбарлар сепилишини кутмасдан, зиёфатни биринчи бўлиб ташлаб чиқ, токи бошингда таёқ синмасин.

44. Ўғлим, бадавлат кишини одамлар ҳурмат қилиб, “ақлли зот” дейишади, ғариб қимсадан эса ҳазар қилишиб, уни “аҳмоқ” дейишади.

45. Ўғлим, мен қоп-қоп туз ва қўрғошин бўлақларини ҳам ташидим, аммо қарз олмаган бўлсам ҳам қарзни тўлашдек оғир юкни учратмадим.

46. Ўғлим, мен темир-терсак ташиб, ҳарсанг тошларни ўз ўрнидан қўзғатдим, аммо бу ишларнинг бари қайнота уйда яшашдан кўра осонроқ экан.

47. Ўғлим, ўз ўғлингни хўжалик ишларига ўргатиб бор, токи у ўз уй-жойини яхши бошқара олсин.

48. Ўғлим, ёнингдаги дўстинг, узоқдаги жигарингдан яхшироқдир. Яхши ном гўзалликдан аълороқдир. Чунки яхши ном бир умрга қолади, гўзаллик эса сўлиб, йўқ бўлиб кетади.

49. Ўғлим, кўр қалб эгаси бўлгандан кўра, кўзларинг кўр бўлгани яхшироқ. Чунки кўзи ожиз одам тезгина ўз ҳаракат йўлини ўрганиб олиб қоқилмасдан кетаверади, аммо қалби кўр одам тўғри йўлда ҳам адашиб, қинғир йўللарга кириб кетади.

50. Ўғлим, ўз тинчини йўқотган одам учун ҳаётдан кўра ўлим яхшироқдир. Аммо фақат нодонларгина оҳ-воҳ ва йиғи-сиғини, шод-ҳуррамлик ва қувончлардан афзал кўрадилар.

51. Ўғлим, қўлингдаги луқмайи ҳалолинг бировнинг қозонидаги мойли гўштдан кўра яхшироқ, қўрангдаги қўзичоқ узоқдаги қўйдан яхшироқ, қўлингдаги битта қуш осмондаги учиб юрган мингларча қушлардан яхшироқ, тийинларни йиғиб юрган камбағал бойлигини ҳавога совураётган бойдан яхшироқ, устингдаги дағал жун матодан бўлган кийимнинг бошқаларнинг шоҳи-ипак кийимларидан яхшироқ.

52. Ўғлим, қалбингдан отилиб чиқмоқчи бўлган дашном ва танбех сўзларингни жиловлаб ол. Агар бу сўзлар оғзингдан чиқиб кетса, сен шу ондаёқ бир дўстингдан ажраласан.

53. Ўғлим, ичингда обдон пишитилмаган гапларни оғзингдан чиқарма, чунки суҳбат пайти қоқилгандан кўра, хаёлан қоқилган яхшироқдир.

54. Ўғлим, мабодо биронта ноҳўя гап эшитиб қолсанг, уни етти кудоч чуқурликка кўмиб юбор.

55. Ўғлим, одамлар жанжаллашаётган жойда ҳозир бўлма, чунки жанжалнинг оқибати кўпинча ўлим билан тугайди.

56. Ўғлим, қимки шаръий ва адолатли ҳукми бузиб кўрсатса, у Одиҳнинг газабига учрайди.

57. Ўғлим, падари бузрукворингнинг дўстларидан узоқлашмагин, токим сенинг дўстларинг ҳам сендан узоқлашмасинлар.

58. Ўғлим, ҳукмдорларни боғларига ва қизларига яқинлашма.

59. Ўғлим, ҳукмдор олдида ўз яқинларингдан ёрдамнингни аяма, шунда сен арслоннинг панжасидан яна бир инсонни кутқарган бўласан.

60. Ўғлим, душманинг ҳалок бўлганда суюнма.

61. Ўғлим, ўзингдан каттани кўрсанг, унинг ҳурмати учун ўрнингдан тур.

62. Ўғлим, агар ҳовуз ҳавода муаллақ туриб қолса. қуш қанотсиз уча олса, қарға қордек оқариб кетса, заққум асалга айланса, аҳмоқнинг ҳам ақлли бўлиб қолганига ишонсанг бўлади.

63. Ўғлим, агар қурбонлик қилувчи роҳиб бўлсанг, Оллоҳдан кўрк, унга сидқидилдан хизмат қилгин ва бў савоб ишни пайсалга солма.

64. Ўғлим, Оллоҳнинг марҳамати билан иши ўнгидан келувчи кишини ҳурмат қилгин.

65. Ўғлим, бахт кулиб боққан киши билан баҳслашмагин, тошқин пайти оёқда мустаҳкам туришга беҳуда уринмагин.

66. Ўғлим, инсоннинг кўзлари худди тубсиз чоғга ўхшайди. Иккаласини тупроқ солиб бекитмагунингча, ҳеч нарсага тўймайди.

67. Ўғлим, агар ўз-ўзингга “қандай қилиб ақлли бўлиш мумкин?” деган саволни берсанг, унда шуларни билиб қўй: ёлғон сўзлама, ўғрилиқ қилма, ана шундагина сен ақлли бўласан.

68. Ўғлим, ҳеч қачон аёлнинг никоҳ маросимида қатнашмагин. Агар кейинчалик унинг турмуши бузилса, қарғишига учрайсан. Агар турмуши яхши бўлиб кетса, у сени бирор марта эсламайди ҳам.

69. Ўғлим, кимнингки эгнидаги либоси башанг бўлса, унинг сўзи ҳам ҳамма ерда тош босади, кимки юнун қийимда бўлса, унинг сўзларига биров эътибор ҳам қилмайди.

70. Ўғлим, агар бирор бут яқинидан қимматбаҳо нарсалар топиб олсанг, унинг бир қисмини бутга беришни унутма.

71. Ўғлим, тўкин-сочинликка ўрганиб, кейинчалик очлик азобини татиган киши ҳеч қачон хайр-садақа бермайди. Бироқ, камбағалликда кун кечириб, кейинчалик тўкин-сочинликка эришган киши ҳам барибир хайр-садақа бермайди.

72. Ўғлим, ўзингга тегишли бўлмаган гўзалликка кўз тикма. Кўшларни мана шу гўзаллик ҳалокатга маҳкум қилган, чунки гўзал аёлнинг муҳаббати кишини ёндириб кул қилади.

73. Ўғлим, қандайдир нодон бошингга ҳар хил мушку ифорлар селгандан кўра, бир донодан юз тепки еганинг яхшироқдир.

74. Ўғлим, ўз дўстингни тез-тез йўқлайверма, токи сен унинг жонига тегиб, ёмон кўриб қолмасин.

75. Ўғлим, ўзингга тегишли бўлмаган тилла узукни қўлингга тақма, акс ҳолда, ҳатто аҳмоқлар ҳам сенинг устингдан кулишга ҳақлидирлар.

Ш

Мен, Ахикар, ўзимча шундай қарорга келдим: мен ўргатган илмларнинг бари-ни Нодўн муқаддас деб билади ва подшоҳ саройида сидқидилдан хизмат қилиб, ўз падарининг ўрнини босади. Аммо чучварани хом санаган эканман. Мен ўргатган барча яхши билимларни Нодўн ҳавога совуриб юборишини қаердан ҳам билай! Бунинг устига Нодўн шундай дебди:

— Отам Ахикар қариб қолган. Унинг бир оёғи тўрда бўлса, бир оёғи гўрда. Ақли хиралашиб, донолик ва зукколик уни тарк этган.

Шундан кейин, Нодўн менинг хизматкорларимга азоб бериб, уларни калтаклаб, ҳатто ўлдириш даражасига ҳам бориб етди. У садоқатли, меҳнаткаш ва севимли хизматкорларимга сира раҳм-шафқат қилмади: Бебош ўғил, ҳатто отларни ҳам ўлдириб, ҳачирларни майиб қилди.

Нодўннинг бу ножўя хатти-ҳаракатларини кўриб, унга шундай дедим.

— Ўғлим, Нодўн, менинг мол-мулкимдан қўлингни торт! Пешона теринг билан топилмаган бойликнинг сен учун қадр-қиммати йўқдир. Шу туфайли уни авай-ламоқни билмайсан.

Ва мен бу ҳақда ўз подшоҳим Синахерибга арз қилдим. Синахериб амр қилди:

— Умрининг сўнгги дақиқасигача Ахикарнинг мол-мулкидан унинг ўзидан бошқа бировнинг фойдаланмоғи ман этилсин.

Ўғлим Нодўн уйимда укаси Невузарадан яшаётганини кўриб, ғазабга минди:

— Чиндан ҳам отам мақсади, ақли суюлиб қолибди. Она сути оғзидан кетмаган гўдак укам Невузараданни меросхўр қилиб, мен — қонуний меросхўрни уйдан ҳайдаб юборади.

Унинг сўзларини эшитиб, мен шундай дедим:

— Унга берган таълим-тарбиямни Нодўн ноқўрлик билан оёқ-ости қилди. Эсиз меҳнатларим, эсиз унга сарфлаган вақтим.

Буларни эшитиб, Нодўн баттар ғазаб отига минди ва менга нисбатан яна бир ёвуз ниятини амалга ошириш учун подшоҳ саройига йўл олди. Бу гал у энг қабих воситани танлаган эди. У подшоҳимиз Синахериб билан душманликда бўлган иккита шоҳга мактуб йўллабди. Биринчи мактубда шундай деб ёзилганди: “Ушбуни Аҳининг ўғли Ҳамселимга Элам ва Форс шоҳига, Осурия ва Ниневиянинг подшоси Синахерибнинг муншийси ва муҳрдори Ахикардан дуойи салом деб билинг. Бу мактубни олгач, мени қаршилаш учун Осурияга қараб юриш қилинг. Мен сизни мамлакат ичкарисига олиб кираман ва сиз уни жангу жадалсиз осонгина эгаллаб оласиз”.

Иккинчи мактуб эса қуйидагича эди:

“Миср подшоҳи Фиръавнга Осурия ва Ниневиянинг подшоҳи Синахерибнинг муншийси ва муҳрдори Ахикардан дуойи салом. Бу хабарни олишингиз билан тезда тайёрланиб, мамлакат жанубидаги Бургутлар водийсига юриш қилиб, Ава (август) ойининг 25 кунда мени кутиб олинг. Мен сизни Ниневияга бошлаб кираман ва сиз ҳеч қандай куч ишлатмасдан уни забт этасиз”.

Нодўн ўз дастхатини худди меникига ўхшатиб, бу мактубларга подшоҳ муҳрини босибди.

Нодўн подшоҳ Синахериб номидан яна бир мактуб ёзибди. У мактубда шундай дейилган экан:

“Сарой муншийси ва подшоҳ муҳрдори Ахикарга подшоҳ Синахерибдан фармони олий. Бу мактубни олишинг билан қўшинларимнинг ҳаммасини Цин тоғига тўпла. У ердан мени қаршилаш учун жануб томондаги Бургутлар водийсига август (ава) ойининг 25 кунда етиб боргин. Мени кўргангидан сўнг, гўё буюк жанг олдидан бўлганидек, қўшинларни менга қаратиб жанговар сафга тизгин. Токи Миср подшоҳи Фиръавнинг элчилари менинг қўшинларим қанча эканлигини ўз кўзлари билан кўриб, куч-қудратимга тан берсинлар”.

Сўнг бу мактубни ўғлим Нодўн подшоҳ орқали менга юбортирибди. Мен ўзимга қўйилаётган тузоқдан беҳабар бўлганим учун, табиийки, дарҳол шоҳ амрини бажаришга киришдим.

Ўғлим Нодўн подшоҳ ҳузурига кириб, гўёким менинг уйимдан топилган хатларни очиб, подшоҳга ўқиб берибди.

Бу мактубда нималар ёзилганини эшитган подшоҳ Синахериб аччиқ-аччиқ кўз ёши тўкиб, қичқарибди:

— Ё, Оллоҳ мен қачон Ахикарга зулм қилган эдимки, у менга — ўз подшоҳига бу қадар хиёнат этади! Қулоқларимга ишонгим келмайди.

Шунда ўғлим Нодўн подшоҳга шундай дебди:

— Тинчланинг олампаноҳ, бунчалик қайғурманг. Битта хиёнаткор чиққани билан бошқа минглаб садоқатли қулларингиз бордир. Номада айтилганидек, белги-ланган кунда Бургутлар водийсига борамиз ва бу ишлар ҳақиқатан ҳам тасдиқланса, унда у диёнатсиз сотқин жазонингиздан қочиб қутулолмас.

Ўғлим Нодўн ва подшоҳимиз Бургутлар водийсига келишганида, роҳатдан ҳам менинг ёнимда улкан қўшин тўпланиб турганди. Мен эса подшоҳни кўришим биланок, худди мактубда ёзилганидек, у томонга қаратиб, жанговар сафга чиздим. Буни кўриб подшоҳимиз: “Ахикар саркардаларни менга қарши қайрабди. Энди мен тожу тахтимдан жудо бўламан ва мамлакатим ёвларга ўлжа бўлади”, деб ўйлаб, қўрққанидан ранги бўздек оқариб кетибди.

Отган заҳарли ўқи нишонга бориб теккан, яъни менинг хинаёткорлигимга подшоҳни ишонтиролган Нодўн босиқлик билан дебди:

— Кўп қайғураверманг, олампаноҳ! Ёзги кўшқингизга бориб тинчгина ором олинг. Мен ўзим ҳузурингизга Ахикарни олиб бораман!

Подшоҳ ҳазратлари саройга қайтиб кетгач, Нодўн менинг ёнимга келиб деди:

— Сен фармонни аъло даражада бажариб, подшоҳнинг мақтовига сазовор бўлдинг. Қўшинни жанговар сафга тизганинг олампаноҳга роса маъқул бўлди ва қўшинларнинг ҳаммасини ўз жойларига тарқатиб, ўзинг саройга — ҳазрат ҳузурига етиб боришингни тайинлади.

Мен подшоҳ даргоҳига келдим. Мени кўриб, олампаноҳ шундай деди:

— Сен, барибир, ҳузуримга келибсан-да, Ахикар, менинг муншийим ва муҳрдорим, Осурия ва Ниневиянинг севимли ўғли! Мен сени иззат-ҳурмат қилиб, энг яқин одамим деб юрсам, сен менга сотқинлик қилиб, душман томонга ўтиб олибсан-да!!!

Менинг номимдан ёзилиб, подшоҳ муҳри босилган номаларни ғазаб билан юзимга улоқтирди. Мен бу мактубларни ўқиб, лолу ҳайрон қолдим, аъзои баданним шалвираб қолди. Ўзимни оқлай десам, тилим қалимага келмасди. Тилга кирмасимдан илгарироқ ўғлим Нодўн менга дўқ ура кетди:

— Нарӣ тур, ҳой аҳмоқ чол! Подшоҳимизнинг муборак юзларига қарашга қандай журъат этдинг? Ундан кўра қўл ва оёқларингга кишан солиб, зиндонга ташлаш керак сени! Давлатга қарши жиноятинг исботланди, тагин нима истайсан олампаноҳдан?

Подшоҳ Синахериб мендан юзини ўгирди ва бечора дўстим Невусемахга қараб шундай деди:

— Ахикарни бошини танасидан жудо қилиб, юз қулоч нарига отиб юбор!

Шунда мен тиз чўкиб подшоҳга дедим:

— Ҳазрати олийлари! Илоё умрингиз узоқ бўлсин, дунё тургунча турунг. Хоҳишингиз мени ўлдирмоқ экан, майли. Аммо мен сизнинг олдингизда покиза ва гуноҳсизман. Ўлимим олдида сиздан бир илтимосим бор буюринг, мени ўз уйим олдида қатл қилиб, жасадимни қабристонга кўмсинлар.

Подшоҳ Невусемахга буюрди:

— Ахикарни ўз дарвозаси олдида қатл қилиб, жасадини кўмиб келинглар.

Қўл-оёғимни боғлашаётганда, мен ишончли бир одамнинг қулоғига шивирлаб, ушбу сўзларни хотиним Эшпагнига етказишни тайинладим:

— Ўз қариндошларимиздан бўлган қизлардан мингтасини чақиртир, улар мотам либосларига ўраниб, бошларига тупроқ сочиб, менинг қаршимга оҳ-воҳ қилиб, ачиқ-аччиқ кўз ёши тўкиб, нолаю фиғон чекиб чиқсинлар. Ҳали мен ўлмасимданоқ улар менга аза очиб, йиғлаб-сиқтасинлар. Сен эса нон ёпиб, тўкин-сочин дастурхон тузаб, дўстим ва унга ҳамроҳ бўлган олий зот меҳмонларни сийлагин. Меҳмонларга пешвоз чиқиб кутиб ол, уйга олиб кир, мен ҳам уйимга худди меҳмондек кириб бораман.

Хотиним Эшпагни жуда ҳам ақлли аёл бўлганидан менинг мактубимдаги сўзларнинг асл маъносини тезда тушунибди-да, айтганларимни бекаму кўст бажарибди. Меҳмонларни кутиб олиб, уйга бошлади. Уларни меҳмон қилиб, иззатларини жойига қўйди. Меҳмонлар шаробга тўйиб, мудрай бошлагач, мен, Ахикар, Невусемахга шундай деб мурожаат қилдим:

— Дўстим, кўзларингни осмонга тик, ўртамиздаги меҳр-муҳаббатни бир эсла! Менинг ўлимимдан қайғурма, фақат бир нарсани, яъни бир пайтлар Синахерибнинг отаси Асархаддон сени ўлдиришни менга топширганини эсла. Мен эса сенинг заррача ҳам гуноҳинг йўқлигини билганим учун бу жирканч ишни амалга оширмадим. Токи подшоҳнинг ўзи сени талаб қилмагунча, меникида истиқомат қилдинг. Мен сени унинг ҳузурига олиб борганимда, ғазабидан тушган эди, подшоҳи олам сахийлик билан мени тақдирлади ва ўшанда мен ундан анча-мунча совғалар олиб қайтган эдим. Энди сен ҳам яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтариб, мени ҳалок қилмагин. “Ахикар қатл қилинган эмас” қабилидаги гаплар тарқалиб, подшонинг ғазабини кўзғатмаслиги учун одамларинг ўлимга маҳкум этилиб зиндонда ётган гуноҳдор кул Манзифарни қатл қилишини, унга менинг либосларимни кийдириб кўмишини. Мен гуноҳсизни эса тирик қолдиргин.

Бу сўзларимни эшитиб дўстим Невусемаҳнинг менга раҳми келди. Либосларимни олиб, зиндонда ётган қулга кийдиртирди ва ўзи билан келган олий рутба шерикларини уйғотди. Невусемаҳнинг сархуш шериклари ҳалиги қулни қатл этиб, унинг бошини юз қулоч нарига отиб юбориб, сўнгра жасадни кўмиб келдилар.

Осурия ва Ниневия бўйлаб, “Подшоҳнинг муншийси Ахикар қатл қилинди”, — деган хабар тарқалди. Дўстим Невусемаҳ бўлса, хотиним Эшпа билан биргаликда, мен учун шундоққина уйимнинг остонаси тагидаги тошлоқ ердан кенглиги уч қулоч, баландлиги беш қулоч келадиган махфий ер ости бошпонасини қазиб тайёрлашди, олдимга нон ва сув қўйиб, чиқиб кетишди. Сўнгра улар подшоҳ Синахерибнинг ҳузурига бориб, қуйидаги хабарни етказишди:

— Сенинг муншийинг Ахикар қатл қилинди! Бу хабарни эшитган одамлар чуқур қайғуга ботиб, аччиқ-аччиқ кўз ёши тўкишди, хотин-қизлар юзларини тимда-лаб, нолаю фигон чекишди. Одамлар эса “Бечора донишманд Ахикар, эсиз, сендан жудо бўлдик, сен доим юртимизни душман тажовузидан сақлаш учун доно тadbирлар ўйлаб топардинг. Энди сенга ўхшаган инсон қайтиб дунёга келмайди”, — деб афсус-надоматлар қилишяпти.

Подшоҳ Синахериб ўғлим Нодўнни ҳузурига чақиртирди ва унга шундай деди:
— Бориб отанг Ахикар таъзиясини ўтказиб кел!

Аммо уйимга келган Нодўн қайғуришни ҳаёлига келтирмас эди. У ҳатто мени номига бўлса ҳам эсламади. Ўзига ўхшаган енгилтак ва ахлоқсиз кишиларни тўшлаб, дастурхон атрофида ўтириб, маст-аласт ҳолда қувноқ қўшиқлар айтишди. Содиқ хизматкорларимнинг устидан кийимларини ечиб олиб, шафқатсизлик билан уларни калтаклади. Ҳаттоки, ор-номусни ҳам унутиб, хотиним Эшпагнини зўрламоқчи бўлди. Мен эса қоронғи ва зах ўрада ўтириб, уйимда бўлаётган тўполонларни ва содиқ хизматкорларимнинг ўлимимдан оҳ-фарёд чекаётганини эшитиб ётардим.

Орадан бир неча кун ўтгач, жонажон дўстим Невусемаҳ мени кўргани нон ва сув олиб келди. Мен унга дедим:

— Бу ердан чиққанингдан кейин ибодатхонага бориб, мен учун худога шундай деб илтижо қил: “Ё, Оллоҳ ёлғиз ўзинг ер юзида раҳм-шафқат уруғини сепиб, адолат ва ҳақиқат ўрнатувчисан! Сенинг содиқ қулинг бўлмиш Ахикарнинг сўзларига эътибор бер! Сенинг шарафингга у қилган қанча-қанча қурбонликларни эсла! Эндиликда эса ана шу содиқ қулинг заррача ҳам ёруғлик тушмайдиган ер остидаги қоронғи ўрага ташланган. Наҳотки, сен содиқ қулингни қутқаролмасанг? Ё танграм, дўстимнинг илтижоларига қулоқ сол!”

IV

Миср подшоҳи Фиръавн, мен, Ахикарнинг қатл қилинганини эшитиб, жуда хурсанд бўлибди ва подшоҳ Синахерибга нома юборибди: “Осурия ва Ниневиянинг подшоҳи Синахерибга. Мен ким Миср шоҳи Фиръавн соғлиқ-омонлик тилайман! Мен осмон ва ер ўртасида бир қаср қурмоққа қарор қилдим. Шу муносабат билан сендан бир илтимосим бор: ўз қурувчиларингдан шундоқ қаср қуришга қобил бирорта зўр уста юборсанг, токи у менинг барча саволларимга ҳам тўлиқ жавоб бера олсин. Агар сен менга шундай устани топиб юборсанг, Мисрнинг барча солиқ пулини ва уч йиллик ўлпонини сенга ҳада этаман. Акс ҳолда бутун Осурия ва Ниневиянинг солиқ пулини ва уч йиллик ўлпоннинг ҳаммасини элчиларимдан бериб юбор”.

Ушбу нома подшоҳга ўқиб эшиттирилганидан сўнг у давлатнинг барча амалдорлари, билимдон ва машҳур кишиларини ҳузурига чорлаб, шундай дебди:

— Қай бирингиз Мисрга бориб, Фиръавннинг барча саволларига жавоб бериб, осмон ва ер ўртасида қаср бунёд этиб, менга уч йиллик ўлпонни келтириб бера-сиз?

Бу сўзларни эшитиб, тўпланганлар шундай дейишибди:

— Узингиздан қолар гап йўқ, подшоҳи олам, бундай мураккаб масалаларни сизнинг даврингизда ҳам, ундан аввал, яъни отангиз Асархаддон даврида ҳам фақат доно Ахикаргина ҳал қила олган. Энди эса Ахикар барча билими ва ҳикматларини ўргатиб кетган унинг ўғли Нодўнга мурожаат қилинг.

Буни эшитиб ўғлим Нодўн подшоҳ ҳузурида эканлигини ҳам унутиб қичқириб юборибди:

— Одамларни-ку бир чеккага қўяверинг, ҳатто худолар ҳам бундай ишни қилишга қодир эмас!

Бундай жавобни эшитиб подшоҳ қаттиқ қайғуга ботибди, тахтидан тушиб, ерга чўкибди-да, шундай дебди:

— Эҳ аттанг, она сути оғзидан кетмаган мана бу йигитчанинг гапига кириб доно Ахикарни ҳалок қилганимга мингдан-минг пушаймонман. Энди усиз нима қиламан? Уни менга тирилтириб берадиган инсон топилса, унга Ахикарнинг бўйи баробар олтин инъом қилган бўлар эдим.

Подшоҳнинг бу сўзларидан сўнг қардон дўстим Невусемах ерга юз тубан йиқилиб, дебди:

— Подшоҳи олам, ўз хўжасининг сўзини бир гал инобатга олмаганнинг жазо-си — ўлим. Мен шундай жазога лойиқ бир қулингизман. Мени дорга осишга буй-руқ беринг, чунки Ахикар ҳозир ҳам тирик, мен уни қатл қилмаган эдим.

Подшоҳ дебди:

— Сўзла, Невусемах, сўзла! Имонли, диёнатли ва софдил Невусемах! Агар ҳақиқатни сўйлаётган бўлсанг ва менга Ахикарни тирик олиб келсанг, унинг бўйи баробар олтин бермасам, ўшанда айтасан!

Невусемах дебди:

— Подшоҳи олам, умримда бир марта йўл қўйган ушбу гуноҳимдан ўтиб, бир қошиқ қонимдан кечинг.

Олийҳиммат подшоҳ унинг гуноҳидан ўтиб, ҳаётини ўзига бағишлабди.

Мени олиб келишларини кутишга ҳам сабри чидамаган Синахериб шошилинч аравага чиқибди-да, уйим томон елибди. Ўра оғзи очилиб, мен тепага қараганим-да, не кўз билан кўрайки, подшоҳ ҳазратларининг ўзлари турарди. Мен ўрадан судралиб чиқиб, подшоҳ олдига юз тубан йиқилдим. Сочларим ўсиб кетган, соқо-лим кўкрагимга тушган, ҳамма ёғим тупроққа ботиб, тирноқларим бургут тирноқларига ўхшарди.

Мени кўргач, хатосини тушуниб етган подшоҳ йиғлаб юборди. Ҳасрат билан менга шундай деди:

— Ахикар! Менда гуноҳ йўқ. Ҳаммасига сен тарбия берган ўғлинг айбдор!

Мен подшоҳга шундай жавоб қилдим:

— Худога минг қатла шукрки, сизни кўрмоқ шарафига муяссар бўлдим. Энди менинг армоним йўқ.

Подшоҳ деди:

— Ахикар, уйингга бориб сочларингни олдир, ювиниб-тараниб қирқ кун дам ол-да, сўнгра ҳузуримга кел.

Мен уйимда ўттиз кунча дам олдим. Қувватим киргач, саройга келдим, мени кўриб подшоҳ шундай деди:

— Миср подшоҳи Фиръавннинг менга қандай нома юборганини биласанми, Ахикар?

Мен жавоб қилдим:

— Аъло ҳазрат, сиз ҳеч қайғурманг, мен Мисрга жўнаб кетаман, Фиръавнга ер ва осмон ўртасида қаср қуриб, унинг барча саволларига жавоб бераман ва Мисрнинг уч йиллик ўлпонини оёғингизга келтириб ташлайман.

Подшоҳ бу сўзимдан чексиз қувонди, мушкули ҳал бўлганидан худо йўлига қурбонликлар қилиб, зиёфатлар берди. Мени совға-саломларга кўмиб ташлади, дўстим Невусемахни эса олий лавозимга тайинлади.

Сўнгра мен хотиним Эшпагнига қуйидаги мактубни жўнатдим:

“Бу мактубни олишинг биланоқ овчиларимга иккита бургут боласи тутиб келтиришни буюр. Тўқувчиларимга эса зиғирпоядан арқон тўқишларини айт. Ҳар бир арқоннинг узунлиги минг қулоч, йўғонлиги жимжилоқдек келсин. Дурадгорларим бургут болаларига қафас ясашсин. Эндигина тили чиққан кичкинтой Невуэл ва Товшаломга мана бу сўзларни ўргатинглар: “Лой, оҳак, тош ва фишт ташиб келтиринглар: қурувчилар ишсиз қолишди!”

Хотиним барча айтганларимни сўзсиз бажо келтирибди. Шундан сўнг мен подшоҳга:

— Буйруғингизга мунтазирман, олампаоҳ, ҳозироқ Мисрга жўнаб кетишга тайёрман, дедим.

Сафарга отланиш учун фармони олий бўлгач, мен бир нечта хизматкорларимни ёнимга олиб, йўлга тушдим.

Бир манзил йўл юргач, қафасдан бургутчаларни чиқариб, панжаларига арқонни боғладим, болаларни эса бургутчаларнинг устига миндириб қўйдим. Бургутчалар болаларни кўтариб парвоз қилишди, болалар эса худди тўтиқушдек ўргатилган сўзларни бор овозлари билан бақариб айтишарди:

— Лой, тупроқ, оҳак, тош ва фишт ташиб келтиринглар, қурувчилар ишсиз қолишди!

Мен уларнинг яхши ўргатилганига амин бўлгач, бургутчаларни тагин қафасга киритиб қўйдим.

V

Биз Мисрга етиб келиб, подшоҳ саройига кирганимизда, Фиръавнинг мулозимлари:

— Осурия подшоси юборган одам етиб келди, — деб подшоҳларига хабар етказишди.

Фиръавнинг буйруғи билан менга тунаш учун манзилгоҳ белгиланди. Эртасига Миср подшоси ҳузурига келиб, унга таъзим қилиб, ўз подшоҳимнинг саломини етказдим. Фиръав мендан шунчаки ҳол-аҳвол сўрагач, деди:

— Сенинг исминг нима?

— Менинг исмим Авикам, ҳазрати олийлари.

— Синахерибнинг шунақа аъени борлигини билмас эканман.

— Чунки мен давлатимизнинг энг забун одамларидан бириман.

Фиръавн бу гапларимга жавобан шундай деди:

— Наҳотки, сенинг хўжанг мени шунчалик назарга илмай, ҳузуримга салтана-тидаги энг тубан бир одамни юборса? Майли, Авикам, тунги манзилгоҳингга қайтиб боргин-да, эртага тонг саҳарда бу ерга кел.

Миср подшоси мулозимларига:

— Эртага саройга алвон либосларда келинглар, — деб буюрибди.

Фиръавнинг ўзи бўлса, шоҳи либослар кийиб, тахтга ўтирибди. Сўнгра у мени ҳузурига келтиришни буюрибди. Мен келгач, у шундай савол билан мурожаат қилди:

— Айт-чи, Авикам, мени ва мулозимларимни кимларга ўхшатиш мумкин?

— Сиз, аълоҳазрат, худо Белга¹, мулозимларингиз эса унинг қоҳинларига ўхшайдилар, — деб жавоб қилдим.

Миср подшоси менга “майли, бор, эртага тагин ҳузуримга кел”, деди. Мулозимларига эса шундай деб буюрибди:

— Эртага барчангиз оқ тусли кийим кийиб келингиз.

Фиръавнинг ўзи ҳам оқ ҳарир матодан тикилган либос кийиб тахтга ўтирибди. Мен саройга келишим биланоқ у яна савол билан мурожаат қилди:

— Айт-чи, Авикам, мен ва менинг мулозимларим кимга ўхшаймиз?

Мен жавоб бердим:

— Сиз, аълоҳазрат, қуёшга, аъёнларингиз ундан таралган оппоқ нурга ўхшайди.

Фиръавн ҳайратда қолиб, “майли, бор, эртага яна кел”, — деди.

— Эртага ҳаммангиз ранг-баранг гулдор либослар кийиб келинг, сарой дарвозасини турли нақшлар билан безатинг — деб буюрибди у мулозимларига.

Мен подшо буйруғи билан саройга етиб келганимда, Фиръавн шоҳона либослар кийиб тахтда ўтирар, унинг аъёнлари кийиб олган заррин либослар ярқираб кўзни қамаштирарди.

Менга кўзи тушиши биланоқ Фиръавн яна савол берди:

— Қани, айт-чи, Авикам, мени ва мулозимларимни кимларга ўхшатиш мумкин?

¹ Б е л — қадимги Осурияда ер худоси.

Мен бамайлихотир жавоб бердим:

— Сиз ҳазрати подшоҳим, нисона¹ ойига, мулозимларингиз эса шу ойда очиладиган баҳор гулларига ўхшайдилар.

Миср подшоси зеҳнимга қойил қолиб, шундай деди:

— Аввалига сен мени худо Белга, мулозимларимни унинг қоҳинларига, кейин мени қуёшга, мулозимларимни эса унинг нурига, учинчи марта мени нисона ойига, мулозимларимни эса шу ойда очилган баҳор гулларига ўхшатдинг. Қани, айтчи, Авикам, сенинг подшоҳингни кимга ўхшатиш мумкин?

Мен Фиръавнга қуйидагича жавоб қилдим:

— Ҳазрати олийлари, сиздек муътабар зот турганда подшоҳим Синахерибнинг номини тилга олишдан худонинг ўзи сақласин. Подшоҳи олийлари Синахериб осмони фалакдаги худога, унинг мулозимлари эса булутлар орасидаги чақмоқларга ўхшайди. Агар у истаса, ерга шудринг ёйиб ташлайди, шаррос ёмғир қуйдиради, хоҳласа ерга дўл ёғдиради. Агар у ғазабланса, қуёш юзини булутлар тўсади ва унинг нурлари хиралашади. Шунда худо Бел ўз қоҳинлари билан зимистон қўйнида қамалиб қолади.

Бундай жавобни эшитган Фиръавн қаттиқ ғазабланиб, менга деди:

— Забун одам ҳеч қачон бундай сўзларни айтолмайди, менга ҳақиқий исмингни айт. Бўлмаса бошингни танингдан жудо қиламан.

Мен жавоб қилдим:

— Мен Осурия ва Ниневия подшоси Синахерибнинг муншийси ҳамда шахсий муҳрдори Ахикар бўламан!

Миср подшоси менга:

— Биз сени ўз подшоҳинг қатл қилган деб эшитгандик, — деди.

— Мана, кўриб турганингиздек, мен тирикман, подшоҳ ҳазратлари, — дедим. — Худонинг ўзи мени ноҳақ жазодан сақлаб қолди.

Миср подшоси менга:

— Ахикар, ўз қароргоҳингга боришинг мумкин, эртага эса ҳузуримга келасан. Мен ва мулозимларим ҳам, умуман, менинг давлатимда ҳали ҳеч ким билмаган, эшитмаган нарсаларни айтиб берасан. Бизга маълум бир гапни айтсанг, сен енгилган бўласан.

Мен манзилгоҳга келгач, ўйлаб олдим, сўнгра қуйидагича бир мактуб битдим:

“Миср подшоси Фиръавн Осурия ва Ниневия подшоси Синахерибга тинчлик, омонлик тилаб ушбу мактубни йўллаяпти. Подшолар подшоларга, оға-инилар ўз биродарларига, ёмон кунларда ёрдам сўраб мурожаат қиладилар. Шу кунларда мамлакатимда қурғоқчилик бўлиб, олиқ-солиқлардан хазинамга келиб тушадиган қумушнинг миқдори жуда камайиб кетди. Ўз хазинангдан менга тўққиз юз қумуш қарз бериб турсанг, бир неча ойдан кейин мен сенга қарзимни қайтараман”.

Мактубни буклаб, чўнтагимга солиб қўйдим. Фиръавннинг буйруғига биноан саройга бориб, унга шундай дедим:

Эҳтимол, мана бу мактубдан сиз билмаган ва эшитмаган нарсаларни билиб оларсиз.

Мен мактубни ўқиб эшиттирганимда, ҳамма мулозимлар, олдиндан огоҳ қилиб қўйилгандек, бир овоздан:

— Буни биз биламиз, эшитган эдик, ҳаммаси шундоқ бўлган эди, — деб бақирди.

Шунда мен уларга:

— Демак, Миср Осурияга тўққиз юз қумуш қарздор экан-да, — дедим.

Буни эшитиб Миср подшоси ҳаддан ташқари ҳайрон бўлди! Чунки у ё қарздорлигини тан олиши, ё гапни олдин эшитмаганига иқрор бўлиши керак эди. Жаноби Фиръавн кейингисини танлади.

Сўнгра Фиръавн менга шундай деди:

— Ер ва осмон ўртасида шундай бир қаср қурдирмоқчиманки, у ер устидан минг қулоч баландликда бўлсин.

Мен ҳеч иккиланмай жавоб бердим:

— Аъло ҳазратларининг кўнгилларидек бир қасрни қурдириб бераман. Фақат

¹ Н и с о н а — тахминан апрель, май ойларига тўғри келади.

мени қурилишга ишбоши қилиб тайинласалар. Мулозимларингиз қурувчиларга лой, оҳак, тош, ғишт ташиб бериб турсалар. Ишда совуққонлик кўрсатганларни савалашга менга изн берсангиз.

Фиръавн рози бўлди ва биз саройдан ташқарига чиқдик.

Мен тезда қафас ичидан бургутларни чиқариб, уларнинг панжаларига арқоннинг бир учини боғлаб, устларига болакайларни миндириб қўйдим. Бургутлар парвоз қилиб, минг қулоч баландликка кўтарилишганда, ўғлонлар овозларининг борича қичқира бошлашди:

— Тупроқ ташинглар, оҳак, тош, ғишт олиб келинглар, қурувчилар ишсиз қолишди.

Фиръавн ҳайратдан лол бўлиб қолган эди. Мулозимлар эса нима қилишларини билмай, тепага қараганча анграйиб турардилар. Шунда мен теридан қилинган қайишимни олиб, Фиръавннинг мулозимларини савалай кетдим. Улар чор-атрофга тумтарақай қочиб қолишди.

Миср подшои ғазабдан ўзини йўқотиб деди:

— Сен бутунлай ақлдан озган кўринасан, Ахикар. Ахир бу қадар баландликдаги қурувчиларга шунча нарсаларни етказиб берадиган кишининг ўзи борми бу дунёда?

Мен ҳам шартта жавоб қилдим:

— Албатта бор. Синахериб ҳазрати олийлари шаънига минг қулоч баландлик нима эмиш? Агар унинг ўзи шу ерда бўлганида эди, кунига бир эмас, иккита қаср қурган бўларди.

Ниҳоят Фиръавн шундай фармойиш берди:

— Қаср қурилишини тўхтатиб, ҳордиқ чиқар-да, тонг саҳарда олдимга кел.

Саҳар пайти Фиръавн ҳузурига келганимда, у деди:

— Менга бир нарсани тушунтириб берсанг, доно Ахикар. Хўжангнинг оти Осурияда кишнаган бўлса ҳам, бизнинг бияларимиз унинг кишнашини эшитиб, бола ташлашди.

Мен саройдан чиқиб, ўз хизматкорларимга битта мушук тутиб келишларини буюрдим. Кейин уни шаҳар кўчалари бўйлаб қамчи билан савалаб юрдим. Бу ҳолатни кўрган мисрликлар Фиръавнга бориб айтишибди.

— Ахикар жудаям кеккайиб кетибди. У бизларни мазах қиляпти. Бир мушукни тутиб олиб, уни шафқатсизларча шаҳар кўчалари бўйлаб қамчилаб юрибди!

Подшо менга одам юбортириб, ҳузурига чақирди:

— Нега сен бизларни мазах қиляпсан? Мисрликлар мушукни қанчалик эъзозлашларини билмайсанми?

Мен жавоб бердим:

— Илоҳим умрингиз узоқ бўлсин, подшоҳи олам! Бу мушук менга жуда кўп зарар келтирди. Менинг подшоҳим Синахериб овози жудаям ўтқир ва ёқимли бир хўроз инъом қилганди. Шу хўроз қичқирганда мен шоҳимизга бирор зарурат юзасидан керак бўлиб қолганимни билиб, унинг ҳузурига ошиқар эдим. Кечагина мана бу мушук Осурияга бориб, хўрозимни ўлдириб, яна орқасига қайтиб келибди.

Фиръавн деди:

— Уйлаб қарасам, Ахикар, сен қариб, бутунлай ақлдан озибсан. Ахир бу ердан Осурияга бўлган масофа уч юзу олтмиш фарсанг келади-я. Ахир қандай қилиб бир кечанинг ўзидаёқ бу мушук Осурияга бориб, хўрозингни ўлдириб, қайтиб кела олади?

Мен шундай дедим:

— Унда нега бўлмаса сизнинг бияларингиз Осурияда кишнаган шоҳ отининг овозидан бола ташлабди, орадаги масофа ўзингиз айтганингиздек, уч юз олтмиш фарсанг-ку!

Фиръавн жавобимдан баттар ғазабга келиб, шундай деди:

— Энди, Ахикар, иккинчи жумбоқни еч. Бир устунда ўн иккита қарағай, ҳар бир қарағайнинг ўттизтадан ғилдираги бор, ҳар бир ғилдиракда эса оқ ва қора иккита арқон бор.

— Подшоҳи олам! — деб жавоб қилдим мен, — бизнинг мамлакатимиздаги од-

¹ Қадимги Мисрда мушук муқалдас ҳайвон ҳисобланган.

дий бир чўпон ҳам сиз айтган бу топишмоқнинг жавобини ўйлаб нетиб ўтирмай айтиб беради. Сиз айтаётган устун йилдир, ўн иккита қарағай эса ўн икки ойдир, ўттизта гилдирак бир ойдаги ўттиз кундир, иккита оқ ва қора арқонлар эса кеча ва кундуздир.

Шунда Фиръавн менга:

— Ахикар, қирғоқдаги қумдан менга беш дона арқон тўқиб бер, — деди.

Мен ҳам тезгина:

— Подшоҳи олам, ўз омборингизда ётган қум арқонлардан биттасини менга келтириб беришни буюрсангиз, мен ундан андоза олиб, сизга бештасини тўқиб берман, — дедим.

Фиръавн деди:

— Агар шу вазифани бажармасанг, миср ўлпонларидан умидингни узавер!

Мен ўтириб ўйлай бошладим. Подшоҳ саройидан чиқиб, унинг шарқий деворидан бешта тешик очдим. Қуёш нурлари шу тешикларга тушгач, хизматкорларим деворнинг орқасида туриб, қум сепиб туришди. Тешиклардан тўкилаётган қум қуёш нурида товланиб, арқонга ўхшаб кўринарди. Мен буни подшоҳга кўрсатдим.

— Буюринг, мана бу арқонларни олиб кетишсин, мен яна бошқаларини тўқийман, шоҳим, — дедим.

Буни кўриб подшоҳ ва унинг мулозимлари ҳайратдан қотиб қолишди.

Фиръавн тагин бир жумбоқни ҳал қилишни буюрди. Иккига бўлинган тегирмон тошининг юқори қисмини олиб келтириб, деди:

— Мана бу бўлакланган тегирмон тошини тикиб берасан.

Мен тегирмон тошининг пастки қисмини келтириб Фиръавннинг олдига қўйдим-да:

— Подшоҳи олам, мен бу ерларда бегона бир мусофирман, ёнимда ҳеч қандай асбоб-ускуна йўқ. Шунинг учун этикдўларингизга буюрсангиз, улар тегирмон тошининг пастки қисмидан юқори қисми учун етмайдиган бўлагини кесиб беришса, мен шу заҳотиёқ иккала бўлакни битта қилиб, тикиб қўйган бўлардим.

Бу жавобни эшитиб Фиръавн кулиб юборди ва деди:

— Умрим бино бўлиб сендек доно ва топқир одамни кўрмагандим. Ўз подшоҳингнинг берган тузини оқладинг ва мен қўйган барча шартларни бажардинг.

Шундай дея, Фиръавн менга уч йиллик Миср ўлпонини ҳадя қилди.

Мен ўз подшоҳимиз Синахериб ҳузурига ошиқдим. У менга пешвоз чиқиб, қувонч билан кутиб олди. Синахериб катта зиёфат бериб, мени иззат-ҳурмат билан тўрға ўтказди-да:

— Ахикар, тила тилагингни, — деди.

Мен подшоҳга таъзим қилиб, дедим:

— Подшоҳи олам! Менга бермоқчи бўлган нарсаларингизнинг барчасини содиқ дўстим Невусемахга берсангиз, чунки у мени ўлимдан қутқариб қолди. Менга эса ўғлим Нодўнни беришларини буюрсангиз, мен унга бошқатдан билим ва маслаҳатлар берсам, негаки, аввалги ўргатган сабоқларим унга кор қилмабди.

Синахериб ўғлим Нодўнни келтиришларини буюрди ва деди:

— Ихтиёр сенда, Ахикар, нимани лозим топсанг, шуни қил. Ораларингга ҳеч ким тушмайди.

Мен ўғлим Нодўнни уйимга олиб келиб, қўл-оёғига темир кишанлар солдим. Бўйнига темир бўйинбоғ кийгазиб, орқасига минг қамчи, сонига минг бир қамчи урдим. Уни дарвоза олдидаги ертўлага жойлаштириб, нон ва сувни ўлчаб бердим. Уни кўриқлашни хизматкорим Невуэлга топшириб, дедим:

Ҳар сафар уйимга кирган ва чиққанимда ўғлим Нодўнга айтган сўзларимни ёдномалар китобига ёзиб бор.

VI

Ўғлим Нодўнга мен қуйидагиларни айтиб бордим:

— Ўғлим, кимки қулоғи билан эшитиш мумкин бўлган сўзлардан бўйин товласа, унда бўйин билан эшитишга мажбур бўлади.

Ўғлим Нодўн мендан сўради:

— Нима учун ўз ўғлингизга бунчалар зулм қилдингиз?

Мен жавоб бердим:

— Ўғлим, мен сени шону шарафнинг юксак чўққисига олиб чиқдим, сен бўлсанг мени ерга уриб чил-парчин қилмоқчи бўлдинг, аммо менинг ориф ва адолатпарварлигим жонимга ора кирди.

1. Сен ўғлим, қояга захрини солган чаёнга ўхшадинг. Қоя дебди:

— Ҳис - туйғусиз юракка заҳар санчдинг. Чаён нишини уриб олгач, унга дебдилар:

— Сен ўзингникидан ҳам ўткирроқ бир найзага ниш урдинг.

2. Сен, ўғлим, эман дарахтини ғажиб еяётган эчкига ўхшайсан.

Дарахт эчкига дебди:

— Нега мени ҳалок қилиясан? Менинг илдизларим сенинг терингни ошлаш учун ишлатилишини билмайсанми?

Эчки дарахтга жавоб қилибди:

— Токи мен тирик эканман, сенинг пўстлоғингни ғажиб ейман. Ўлганимдан кейин эса илдиз-пилдизинг билан кўпориб ташлашса ҳам майли.

3. Сен, ўғлим, осмонга тош отган кишига ўхшайсан. Тош ахир, осмонга етмасдан, отган одамнинг бошига тушади.

4. Сен, ўғлим, совуқдан қалтираётган дўстингни кўрганигда, унинг устига бир кўза муздай сув қуйиб юборган одамга ўхшайсан.

5. Ўғлим, сен мени ҳалок қилган тақдирингда ҳам, менинг ўрнимни боса олмас эдинг. Бир нарсани яхши билиб қўйки, мабодо, тўнғизнинг думи етти қулочга етганда ҳам у, барибир, от ўрнини боса олмайди. Агар тўнғизнинг жуни майин товланувчи бўлса ҳам, барибир, ундан олий зотлар учун либос тикиб бўлмасди. Ўғлим, ўйлаган эдимки, сен менинг ўрнимни босиб, менга тегишли барча мулк, ҳовли-жойларимга меросхўр бўларсан, деб. Аммо, худойи таоло бундай бўлишини истамасди, сенинг хоҳишингга қулоқ солмади.

6. Ўғлим, сен ҳақингда ўйлайтуриб, бир эшак ҳақидаги ҳикоя ёдимга тушди. Арслон тонг саҳарда эшакни учратиб, киноя билан дебди,

— Йўл бўлсин, ҳазратим!

Ажали етганини сезган эшак жавоб берибди:

— Тўғриси айтсам, савол кеча мени яхшилаб боғлай олмаган одамга тааллуқдир. Агар маҳкам боғлаганида эди, мен билан сен ҳозир учрашмаган бўлар эдик.

7. Ўғлим, бир кун гўнг уюми орасига қушларга тузоқ қўйилган экан. Бир қушча учиб келиб, тузоққа кўзи тушибди-да, ундан:

— Сен бу ерда нима қилиясан? — деб сўрабди.

Тузоқ дебди:

— Худога илтижо қилияман.

Қушча тагин сўрабди:

— Тирқишдан кўриниб турган нарса нима?

Тузоқ дебди:

— Меҳмонлар учун овқат.

Қушча овқатни татиб кўриш учун унга яқин борган экан, нақ бўйнидан тузоққа илинибди. Бечора қушча дермиш.

— Агар бу овқат меҳмонлар учун бўлса, худо ҳеч қачон сенинг илтижоларингни эшитмасин.

8. Ўғлим, сен арслон билан битта қўшга қўшилган ҳўкизга ўхшадинг. Арслон қайрилиб ҳўкизни тилка-пора қилиб ташлаган экан.

9. Ўғлим, сен, ўзи экин экмаса ҳам, аммо деҳқон омборидаги ғаллани қийратаётган сичқонга ўхшайсан.

10. Ўғлим, сен тилла тутқичлар билан безатилган-у, аммо ичидаги қуруми то-заланмаган тувакка ўхшайсан.

11. Ўғлим, сен ҳақингда фикр юритаётиб, қўшчи воқеаси эсимга тушади. Ўша қўшчи даласига бир ботмон арпа сепиб, шунча арпа йиғиштириб олибди. Аламиндан далага қараб дебди:

— Қанча эккан бўлсам, шунча арпа йиғиштириб олдим. Бу қилмишингдан уял-

санг бўларди. Агар бир ботмон арпани уруғликка сарф қилиб, эвазига яна бир ботмон ҳосил олсам, унда тирикчилигим нима билан ўтади?

12. Ўғлим, сен қуш асровчи киши ўргатган қушга ўхшайсан. Ўргатилган қуш сабабли бошқа қушлар тузоққа илинади: ўзи ҳам ўлим чангалидан қутилолмайди-ю, аммо овоз бериб, ўз ҳамжинларини ҳалокат тўрига илинтиради.

13. Ўғлим, сен подани қушхонага бошлаб бораётган, лекин ўзини ҳам ўлим чангалидан ҳалос қилолмайдиган серкага ўхшайсан.

14. Ўғлим, сен кулол тандирининг оловига исинишга келган итга ўхшайсан. У исиниб бўлгач, ҳам кулолга, ҳам тандирга қараб ҳуради.

15. Ўғлим, сен ҳаммомга кетаётган чўққага ўхшайсан. Чўққа йўлда кетатубриб балчиқли чуқурчани кўрибди-ю, роса балчиққа ағаниб олиб, сўнгра ҳамжинларини чақира бошлабди:

— Келинлар, ювиниб оламиз!

16. Ўғлим, ақлли ва билимли бўлишинг учун тарбия берган эдим, сен эса ўлимимдан сўнг менинг кўзларимни юмишинг лозим эди. Эвоҳ, мен нега кўзлари фақат ўз иини кўрадиган тулкини ўстирдим-а?

17. Ўғлим, овда ўз хўжайинининг ўлжасини еб қўйган итни бўрилар тилкалаб ташлайди. Дангасанинг қўлини елкасидан узиб ташлайдилар, кўришни истамаган кўзларини эса қарғалар чўқиб ташлайди. Сенга қилган яхшиликларимга сен қандай жавоб қайтардинг, ўғлим? Сен ҳақингда ўйлаганимда, озор чеккан кўнглимга заррача таскин бероламанми?

18. Ўғлим, агар худолар ўғрилиқ қила бошласалар, унда одамлар кимларга сиғиниб, қасамёд қиладилар? Агар арслон бировнинг томорқасини тортиб олса ҳам ўзи экин-тикин қилиб кун кўра оладими? Ўғлим, мен сени подшоҳларга яқинлаштириб, шон-шараф ва иззат-ҳурмат чўққисига кўтардим, сен эса бу яхшиликларим эвазига фақат ёмонликни раво кўрдинг.

19. Ўғлим, сен ҳақингда ўйлаётиб, ўтинчиларга ушбу сўзларни айтган дарахтни эсладим:

— Агар сизнинг қўлингизда менинг танамнинг бир бўлаги бўлмаганда эди сизлар ҳеч қачон мени йиқита олмас эдингиз!

20. Ўғлим, сен ҳақингда ўйлаётиб, қалдирғочнинг болалари воқеаси эсимга тушади: қалдирғоч болалари бир кун шипдан ерга қулаб тушибдилар. Уларни лайча тутиб олиб, шундай дебди:

— Агар мен бўлмаганимда, сизлар катта кулфатга дучор бўлардингизлар.

Қалдирғоч болалари жавоб қилишибди:

— Шунинг учун ҳам бизларни оғзингга солган экансан-да!

21. Сен, ўғлим, бир воқеадаги мушукка ўхшайсан. Унга дебдилар:

— Агар ўғрилиқни бас қилсанг, биз сени подшо саройига киритиб юборамиз. У ерда ялло қилиб яшайсан.

Мушук жавоб берибди:

— Кўзларим ва қулоқларим кумушдан бўлган тақдирда ҳам мен, барибир, ўғрилиқни давом эттирган бўлардим.

22. Ўғлим, сен ҳақингда ўйлаётиб, илон воқеасини эсладим. Илонни тоғолча дарахти пўстлоғига солиб, дарёга ташлашибди. Унинг дарёда оқиб келаётганини кўриб, бури дебди:

— Разил бир газанда ўзидан ҳам жирканчроқ бир нарсанинг устида келишини қаранг, аммо уларни ўз бағрига олган нарса бу икковидан ҳам кўра манфурроқдир.¹

Илон бўрига жавоб қилибди:

— Агар сен ҳам шу ерда, бизнинг ёнимизда бўлганимда эди, қанчадан-қанча қўй-кўзиларни ўғирлаб еганинг учун жавоб берган булардинг. Ана ўшанда, ким энг разил махлуқ эканлиги равшан бўларди.

23. Ўғлим, мен қушхонага олиб келинган бир эчкини кўрдим. Аммо навбат ўша эчкига келганда, уни сурувига қайтариб юборишган. У ўз болалари-ю, набираларини кўришга муяссар бўлган.²

¹ Бу ерда гап дарё ҳақида кетяпти. Чунки дарё тошганида кўп жойларни вайрон қилиб, бузиб кетади.

² Бу ерда эчки воқеаси орқали Ахикар ўз тақдирига ишора қилади. У ҳам олдин ўлимга ҳукм қилинди, лекин тирик қолиб яхши кунларга етишди.

24. Ўғлим, мен ўз оналарини ҳалок қилган қулунларни кўрдим.

25. Ўғлим, мен сени асалу новвот бериб катта қилдим, аммо сен менга тупроқ қўшилган нон бердинг, шунда ҳам қорнимни тўйдирмадинг.

26. Ўғлим, мен сени энг олий навли хушбўй мушқу анбарларга беладим, сен эса мени ер билан яксон қилдинг.

27. Ўғлим, сени худди қарағай дарахтидек сарбаланд ўссин деб, вояга етказдим, бироқ сен мени ҳали тириклигимдаёқ оёқ ости қилиб, ёвуз ва қабиҳ қилмишларинг билан қалбимни жароҳатладинг.

28. Ўғлим, мен сенинг қаддингни худди минорадек тик қилдим, чунки агар душман менга қарши қўшин тортса, мен шу минорага чиқиб хавф-хатардан эмин бўламан, деб ўйлаган эдим. Аммо сен душманимни кўришинг биланоқ, унинг оёқларига бош урдинг.

29. Ўғлим, сени ўз инидан судралиб чиққан кўрсичқонга ўхшатиш мумкин. У ўжарлик билан қуёшга қарши тикка турмоқчи бўлади. Чунки қуёш нурлари озор бериши мумкин бўлган кўзлар унда йўқ. Аммо, кўрсичқонни бургут кўриб қолиб, ўткир тирноқли панжаси билан чангаллаб олиб кетиб қолади.

Шунда ўғлим Нодўн менга деди:

— Эҳ, отажон, кимларга ўхшатмадингиз мени. Майли, нима десангиз денг, лекин, ўтинаман сиздан, менга шафқат қилинг. Агар инсон тавба қилса, гуноҳини худо ҳам кечиради-ку. Сиз ҳам лутф қилиб, менинг гуноҳимдан ўтинг. Мен сизнинг йилқиларингиз ва молларингизни боқаман. Уй-жойингизга қарайман.

Мен Нодўнга шундай дедим:

30. Сени, ўғлим, дарё қирғоғида ўсган хурмо дарахтига ўхшатиш мумкин. Чунки, қирғоқда ўсган дарахт ҳамма мевасини дарёга тўқади. Дарахтнинг эгаси уни қирқиб ташлаш учун келганида, хурмо дарахти унга шундай дебди:

— Мени фақат шу йилгина сақла, сенга ширин-шакар мевалар бераман.

Эгаси дебди:

— Меваларингдан шу пайтгача менга зигирча фойда бўлмаганидан кейин, қандай қилиб сендан бирор каромат кутай?

31. Ўғлим, бўрига дебдилар:

— Нима учун сен доимо сурув изидан юрасан?

Бўри дебди:

— Сурувнинг кетидан кўтариладиган чанг-тўзондан кўзларим қувонади.

32. Бўрини мадрасага олиб келиб:

— Алиф, бе ... сўзларини такрорла, дебдилар.

Бўри эса нуқул:

— Эчкилар, қўйлар... — дермиш.

33. Ўғлим, мен сенга “худодан қўрқ”, деб таълим берган эдим. Аммо сен менинг ҳеч қандай гуноҳи йўқ хизматкорларимни шафқатсиз жазоладинг. Ҳақиқат мен томонда бўлгани учун ҳам худонинг ўзи мени қутқарди. Аммо ана шу худо қабиҳ ва ярамас ишларинг учун сени оғир жазога дучор қилди.

34. Ўғлим, эшакни дастурхон атрофига ўтқазиб, унинг тумшугини сутли товоққа тиксалар ҳам, бироқ у ерга ағанаб тушибди. Одамлар:

— Унга керагича иззат-ҳурмат кўрсатишмаганига жаҳли чиққан бўлса керак, — дейишибди.

35. Ўғлим, сенинг мисолингда ушбу мақолнинг нақадар тўғри эканлиги яна бир исботланди: “Кимки ўз пушти камарингдан бўлган бўлса, ўшагина сенинг ҳақиқий ўғлингдир, кимники асрандн ўғил қилиб олган бўлсанг, уни қулинг деб ҳисобла”.

36. Ўғлим, мана бу ҳикматли гапнинг замирида катта ҳақиқат бор: “Опангнинг ўғлини олиб қояга ур!”

Мени ўлимдан асраган худо, ўзи ажрим қилиб, иккаламизга ҳам одил ҳукм чиқаради.

Шу пайт Нодўн мешдек шишиб, пақ этиб ёрилибди-ю, жони узилибди.

37. Яхшилиқдан яхшилиқ, ёмонликдан ёмонлик келади. Кимки бировга чоқ қазиса, унга ўзи йиқилади.

АЛҚИССА. Осурия ва Ниневия подшоси Синахерибнинг муншийси, доноларнинг доноси Ахикарнинг ривоятлари шу билан поёнига етди.

Тўрабек ДОЛИМОВ

Оламшумул аллома

Э с с е

Хабиб Муҳамедович Абдуллаев — XX асрда яшаб, Ер ҳақидаги фанларда янги илмий йўналишларга асос солган машҳур олим ва атоқли жамоат арбоби.

Вақт ўтган сайин бу алломанинг исми ҳам, фаолияти ҳам миллатимизнинг фаҳри эканлигини, тарихий қадриятларимиз сирасига киришини тобора чуқурроқ англаб етмоқдамиз. Бундай тақдир — ноёб инсон саналган хилқат учун ғоят шарафли. Ҳабиб Абдуллаев ноёб истеъдоди, билимга чанқоқлиги, букилмас иродаси ва буюк руҳий кучи туфайли бунга сазовор бўлган.

Зеро, Ҳабиб Абдуллаев номи билан мактаблар, кўчалар аталган, Тошкент метрополитенининг шоҳбекат кошоналаридан бирига унинг номи берилади, олим номида Республика Фанлар Академиясининг олтин медали таъсис этилган, шоирлар ва ёзувчилар унга атаб шеърлар ва қиссалар битганлар. Булар ҳаммаси мазкур тарихий шахс хотирасига нисбатан юксак ҳурматнинг, адолатнинг намоёишидир. Айни пайтда Ҳабиб Абдуллаев номи китобий тимсол, осори-атиқа ашёсига айлланиб кетгани ҳам йўқ — у ҳамон хизмат қилишда давом этмоқда, авлодларнинг янги-янги силсиласи учун миллатпарварлик, фидойилик ва ўз эътиқодида собитлик намунасига, ҳатто рамзига айланган.

Ҳабиб Абдуллаев хотираси билан боғлиқ бу ҳолатлар устида қачон ўйламайин, барибир, нимадандир кўнглим тўлмайди, унинг сиймоси тасвирида қандайдир кемтиклар қолаётгандай туюлади, қалбни қарздорлик туйғуси безовта қилаверади. Биз Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаевдан таралиб турадиган зиёдан баҳра олишга мушарраф бўлган кишилар — бу зот сиймосини кейинги авлодларга муносиб ва мукамал тарзда етказаяпмизми, унинг улуғлигини тўлиқ гавдалантира оляпмизми? Менимча, йўқ! Ўша муҳим чизгиларсиз алломанинг сурати руҳсиз, шиорнамо бўлиб туюлади менга...

Бу каби ўйлар натижасида шундай хулоса чиқардим: олимнинг номи тез-тез тилга олинса-да, тарихимиздаги “Ҳабиб Абдуллаев” деб аталадиган ноёб ҳодиса ҳали яхши ўрганилган эмас, унинг ижодига (ҳа, муҳтарам ўқувчи — айнан ижодига!) хос жуда кўп муҳим қирралар назаримиздан четда қолиб кетмоқда.

Чамаси, бу бошқа тарихий шахсларга нисбатан ҳам кўникмага айланган ҳолат — сиртқи тавсиф ва аломатларга, ҳатто баландпарвоз ибораларга берилиб, асл хусусиятларни назардан қочирамиз, шаклий дабдаба билан чекланиб асл моҳиятни унутамиз ва шу билан улар олдидаги бурчимизни адо этдик деб ҳисоблаймиз. Оқибатда Ҳабиб Абдуллаев сиймоси нима сабабдан буюклик касб этгани, бетакрор тарихий шахс сифатида шуҳрат топганининг сабабини ҳатто ўзимиз ҳам англашга уринмаяпмиз.

Худди шу боис сийқа ривоятлар, хом-хатала эсдаликлар, бир ёқлама таърифу тавсифлар Ҳабиб Абдуллаев номи билан боғлангани ҳолда унинг асл шахсияти, буюк ижодий мероси, ҳайротомуз кўлам ва мазмундаги асарлари тоғ бағрида яширин кон сингари кўпчилик учун номаълум, ёшларимиз эса бу улуғ зотнинг бағоят ибратли ҳаёти, илмий-ижодий жасорати ҳақида мутлақо маълумотга эга эмас.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

121

Балки шунинг учун бўлса керак, ҳар бир геолог, ҳар бир илм одами бирор эҳтиёж туфайли унинг асарларига мурожаат қилса, ўзи учун Ҳабиб Абдуллаев сиймосини қайта кашф этади, унинг истеъдоди қаршисида ҳайратга тушади, ижтимоий жасорати билан танишган киши эса ҳаяжон уммониغا ботади.

Кўпинча шундай саволни эшитаман: “Нима учун ҳозир тарихимизда ўтган буюк мутафаккирлар сингари кишилар йўқ?” Енгил жавоб билан қутулиб кетадиган жўн савол эмас. Табиий, бир томондан, фан XX асрга келиб шу қадар чуқурлашиб кетдики, энди фан ходимлари шунга мутаносиб тарзда ихтисослашмаса, салафларининг қилган ишлари билан танишиб чиқиб илм кудуғининг тубига етиши ва бирор янгиликка эришиши ўта мушкул. Шунинг оқибатида йирик-йирик олимларнинг илмий ишлари, кўпинча ҳатто бу ҳақда газетабоп маълумот ҳам кенг жамоатчиликка етиб бормади. Ҳолбуки, бундай ишлар орасида фанда инқилоб ясаган, том маънода мумтоз асарлар бор.

Иккинчи томондан, биз олимларнинг тарихдаги ўрнини кўпинча ўта жўн ва осон ўлчов билан баҳолашга одатланиб қолганмиз — нечта ёки қанча босма табоқ илмий иш чоп этган, қанақа мукофотлар олган, қандай лавозимларда ишлаган ва ҳ.к. Ҳолбуки, бундай белгилар ҳар доим ҳам шахснинг буюклигини белгилайвермайди. Фан тарихида бундай белгиларга қараб чиқарилган ҳукм ҳақиқатга мутлақо хилоф келадиган мисоллар оз эмас.

Таассуфки, Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаев тақдири ҳам юқоридагидек расмий мезонлар қобиғига ўралиб кетган, яъни унинг номи тилга олинганда таржимаи ҳоли, қачон, қаерда нима иш қилгани, қандай лавозимларни эгаллагани, нима ёзгани, қайси шогирдларни етиштиргани санаб чиқилади...

Бу қуруқ маълумотлар тагида нима ётади? Қандай тақдир яширинган? Ахир ўйлаб кўрайлик, тоғлар орасидаги Аравон қишлоғидан чиққан йигитча 27 ёшида Москвада диссертация ҳимоя қилиши — оддий биографик факт, холосми? 31 ёшида Академияга мухбир аъзо бўлиш-чи? 34 ёшида докторлик диссертациясини, яна қаерда — Москвадаги “мана мен” деган геологлар ҳузурида ҳимоя қилганини бугун тўғри баҳолашга қодирмизми? Ҳукумат раисининг тарихимиздаги энг ёш муовини, Фанлар Академиясининг президенти, республика Госпланининг раиси, милайтизмдан чиққан биринчи Буюк Британия Қироллик жамиятининг, Франция Минералогия жамиятининг аъзоси, Россия Академиясининг аъзоси... Олимнинг буюк тақдир соҳиби эканлигидан дарак берувчи, лекин жуда биқик жумлалар. Яна бир бор мушоҳада қилайлик — шу қадар ҳаётий муваффақиятга яна кимлар мушарраф бўла олган? Балки Ландау, балки Э.Ферми, балки яна кимдир? Аммо геологияда — ҳозиргача ҳеч ким бундай шарафга кўтарилмаган! Бундан буён ҳам энди бу фанда ҳеч ким бу жасоратни такрорлай олмаса керак...

Бу эътироф ҳақиқатга мувофиқ, лекин у, барибир, Ҳабиб Абдуллаев шахсияти ҳақида муносиб тасаввур ҳосил қилиш учун кифоя эмас. Унинг серқирра ижтимоий фаолияти ва ташкилотчилик истеъдоди тўғрисидаги (таъкидлаб ўтиш жоизки, унинг асосий вақти асосан шу икки соҳага сарфланган эди) фактлар, унинг фикрлари, олимлар ва ёзувчилар билан суҳбатлари, ўткир муаммолар юзасидан яна ҳам ўткирроқ чиқишлари, буларнинг барчаси жуда жўн, руҳсиз, шунчаки оддий фактлар каби эсланади. Ваҳоланки, бу “жўн ишлар” ортида гўё пастлаб бузаётган булутлар тўсиб тургани учун кўзга кўринмаётган улкан тоғ чўққиси каби юксак инсон тақдири ястаниб ётибди.

Мен бу сўзларни қоғозга туширар эканман, “Хўш, бўлмаса, қандай қилиб объектив ҳақиқатга, мутаносиб тасаввурга эришмоқ лозим?” деган савол-турилишини қонуний деб ҳисоблайман. Аини пайтда тан олишга мажбурманки, мақсадга етиш учун ҳам фан соҳасида анча-мунча тажрибаси бор, ҳам ёзувчилик маҳоратига эга публицист астойдил шуғулланмоғи лозим. Мен бу ерда ўз илқоним доирасида, “геолог ҳақида геолог” мулоҳазаси мазмунида Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаевнинг фандаги ўрни ҳақида ўз фикрларимни баён қилмоқчиман. Гап шундаки, нафақат кенг жамоатчилик, ҳаттоки, бугунги зиелилар, илму фан аҳли учун ҳам Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаевнинг номи, фанга, умуман инсоният маданияти тараққиётига қўшган ҳиссаси “қулфлоглиқ сандиқ” лигича қоляпти. Кўпчилик “Ҳа, у қазилма бойликларни очган, ёшларни Москва, Санкт-Петербург каби ил-

мий марказларга ўқишга йўллаган, улар ҳақида ғамхўрлик қилган”, дейди. Тўғри, лекин, бу ахир, бир масъул раҳбарнинг энг оддий бурчи эмасми? Аслида воқеалар бу қадар жўн содир бўлган эмас, балки ер қаъридаги қатламга ёриб қиришдай оғир кечган. Мана шундай енгил-елпи ёндашув сабабли биз 60-70-йилларда геология соҳасига кириб келганлар, ҳозиргача на алломанинг қатъий илмий биографиясини ярата олдик, на илмий ишларининг таҳлилий баённи беришни улдалдик. Шу жиҳатдан олганда унинг шаънига мадҳиялар ўқишга жуда мойиллигимизга, исмини авлиё даражасигача кўтариб муқаддаслаштирганимизга қарамай, аслида лоқайд, ҳавойи тадбирларга берилган одамлар эканмиз, дегим келади. Ахир кўз ўнгимизда “Абдуллаевхонлик” анъанаси сўниб бормоқда, ёш ҳамкасбларимиз унинг номини унута бошламоқда-ку! Бунинг устига унинг ғоялари, лойиҳалари, қўллаган услубиёти, фанга киритган атамалари ва тушунчалар тизими ўзлашиб кетган ва доимий истеъмолда, аммо булар ўз-ўзидан, таъбир жоиз бўлса, “осмондан тушгандай” қабул қилинади, муаллифини эслаб қўйиш лозим топилмайди. Эҳтимол, бу барча буюклар тақдирига хос бўлган ҳодисадир. Лекин инсоф ҳам керак-ку!?

Бу ҳақда ўйлар эканман, баъзан ўзимдан ўзим шубҳага бораман: сабаби нимада? Мен ўйлагандай, Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаев илмий салоҳият меъёрини жуда юқори кўтариб кетганки, энди у бугун кўпчилик учун оғирлик қилиб қоляптими, ёки мен ноҳақману унинг ғоялари у қадар чуқур бўлмай, ўз даврида хизматини ўтаб бўлган ва шу боис янги ғоялар ва тушунчалар остида кўмилиб кетини табиий ҳолми? Булар — жўн саволлар эмас.

Мана шундай мулоҳазалар, ўз кучим ва имкониятим доирасида уларга қисман бўлса-да, жавоб излашга ундади. Жавоб борасида кўпроқ минтақавий геология ва петрологияга мурожаат қилишимни ўқувчи тўғри англари деб умид қиламан. Қолаверса, қўлимга қалам олишга даъват этган бошқа яна бир неча ҳолат ҳам йўқ эмас:

— биринчидан, Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаевнинг асосий ишлари чоп этилганига 40-45 йилча вақт ўтди ва бу давр мобайнида геологларнинг бир неча авлоди вояга етиб, ўз соҳаларида муваффақиятли иш олиб бормоқда;

— иккинчидан, геология фани шу йиллар ичида жуда илгарилаб кетди, унда туб ўзгаришлар содир бўлди, хусусан, фаннинг назарий пойдеворида ҳам, асосий таълимотларида ҳам эски концепциялар ўрнини янгилари эгаллади;

— учинчидан, кўз ўнгимизда геология билан қўшни соҳалар ўртасида интеграция жараёни авж олди (масалан, биогеохимия) ва унинг мутлақо янги соҳалари (масалан, геодинамика, геоинформатика, геоэкология ва б.) пайдо бўла бошлади.

Мана шундай вазиятда Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаев ривожлантирган ғоялар ва хулосаларнинг тақдири қандай?

Фан тараққийётда ҳар қанча илгарилаб кетмасин, билимлар ҳажми қатлам-бақатлам ҳар қанча юксалмасин, бу муҳташам бинонинг тарихини чизган, пойдеворини кўтарган, яна ҳам тўғрироғи, асосий устунларини ўрнатган даҳоларнинг хизматлари қадрланган тақдирдагина мустаҳкам бўлади.

Маълумки, Ҳ.М.Абдуллаев ижодининг чўққиси, асосий асарлари яратилган вақт, шоирлар тили билан айтганда, юлдузли онлари 40-йилларнинг охири, 50-йилларга тўғри келади.

Энди ўша йиллардаги геологиянинг шакли-шамойилини чизиб бериш, мазкур соҳадан йироқроқ муҳтарам ўқувчиларимизни фандан сал бўлса-да ҳабардор қилиш заруратини сезяпмиз. Хўш, Ҳ.М.Абдуллаев қандай мақсадни олдига қўйди, фанда қандай ғояни илгари сурди, китобларида қандай муаммоларни ҳал қилди?

Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаевнинг жамики асарлари заминда фойдали қазилмаларнинг (маъданларнинг) пайдо бўлиши масаласи туради. Жўнгина айтганда, конлар қандай, қаерда ва қачон пайдо бўлади, уларнинг юзага келиши тартиботи, қонуниятлари қанақа? Қандай қилиб, қайси жараёнлар ниҳоят оз миқдордаги элементдан (0,000 n %) бир неча минг тонналарга тенг конлар пайдо бўлади? Бу жараён қандай бошқарилади, унинг жон риштаси қандайки, ўшанга асосланиб муаммолар ечимини топсан...

Мутахассисларга маълумки, булар “мангу” муаммолардир. Инсоният ўзини англабдики, бундай саволлар жавобини излайди. Жавоблар қисман топилади, янгилари эса улардан мураккаброқ. Охири кўринмайди...

Муаммоннинг теран амалий маъно-мазмуни мавжуд: конларнинг шаклланиш қонун-қоидалари изланувчи қўлига кон қидириш методикасидай муҳим дастурни тутди. Қардан, қандай қилиб излашни ўргатади.

Муҳтарам ўқувчи, Ҳ. Абдуллаевнинг фандаги ўрнини, асарларининг қадр-қимматини тўғри баҳоламоқ мақсадида геология фанининг яқин, XX асрдаги тарихига мухтасар экскурсия қилиш зарурати туғияпти. Келинг, сизни олим Ҳабиб Абдуллаевни кашф этган тарихий-геологик муҳит билан қисқача таништирай.

Ер қобиғи, қаърида бўлиб ўтган жараёнлар неча-неча миллион йилларни ўз ичига олади. Булар — геологиянинг ўрганиш объекти, материалидир. Дейлик, конлар, тоғ жинсларининг ёши (айниқса, рақамлар билан битилган мутлақ ёши) аниқ эмас, уларни аниқлашда мутахассислар изотоплардан фойдаланганлар.

Иккинчидан, геологияда бугунги кундан “ичкарига”, асрлар қаърига, рўй бериб бўлган жараёнлар ҳолатини тирилтиришга ҳаракат қилинади. Бундай йўналиш ўзга табиий фанларда учрамайди, геологлар уни ретроспектив (ўтмишга йўналтирилган) йўналиш дейдилар. Дарҳақиқат, 300-500 миллион йил муқаддам бўлиб ўтган хилма-хил жараёнлар; ернинг кўтарилиши, дам “чўкиши”; денгизларнинг пайдо бўлиши фақат тоғ жинсларини ўрганиш, тадқиқ этиш билан амалга оширилади.

1930-1950 йилларда конларнинг келиб чиқиши бутун дунё геологларини ўйлаган долзарб, бош масала эди. Ҳабиб Абдуллаев асарлари, илмий кашфиётлари яратилгунча конларнинг пайдо бўлиши муаммоси бўйича ўзаро бир-бирига зид икки хил қараш ҳукмрон эди. Бир гуруҳ олимлар (Линдгрэн, Биллинглей, Судовиков, Локк, Баклунд, Рейнольдс) конлар ернинг чуқур қатламларида (“чуқур қатлам” масофаси ноаниқ эди — Т. Д.) туғилишини, ер қобиғидаги ёриқлар орқали ҳар хил эритмалар воситасида ер қобиғининг юқори қисмига чиқишини тасдиқлардилар. Бунга, албатта, асослар ҳам бўлган, тадқиқотлар ҳам олиб борилган, китоблар чоп этилган. Масалан, ер юзасида ҳар хил узунлик ва чуқурликдаги ёриқлар кўп (Фарғонанинг жанубий қисмидан, то Томдитоққача чўзилган ёриқ; Африкадаги улкан ёриқлар; Атлантика уммони тубидаги ёриқлар...). Яна бир тасдиқ шундаки ёриқларнинг ён-атрофларида кўплаб конлар таркиб топганлар ... Бошқача айтганда, йирик конлар ҳудудларида кенг, сертармоқ ёриқлар, ўпирилишлар учрайди. Ҳозир, XXI аср бўсағасида мазкур қарашларнинг айрим томонлари анча содда, жўн кўринади. Аммо ярим аср аввал ёриқлар атрофидаги бир қатор конлар (айниқса, симоб ва сурма конлари) мавжудлиги ушбу қарашларни туғдирар эди. Ёриқларнинг пайдо бўлиши, кетма-кетлиги, ёши жуда синчиклаб ўрганила бошланган эди. Мазкур турдаги тадқиқотлар йирик бир йўналиш — структуравий геологияга айланиб борган (Ф. И. Вольфсон, В. А. Королев ва бошқалар). Бу олимлар магманинг¹ ролини деярли инкор этиб, маъдан ер қобиғининг тубида ҳосил бўлиб, ёриқлар орқали ер юзасига кўтарилади деган ғояни илгари сурганлар. Аммо ушбу қарашлар воситасида ниҳоятда кенг тарқалган баъзи бир олтин, мис, қўрғошин конларининг келиб чиқишини тушуниб бўлмас эди.

Иккинчи гуруҳ олимлар, аксинча, ер қобиғида пайдо бўладиган магманинг маъдан ҳосил бўлишдаги аҳамиятини алоҳида таъкидлашар эди. Бу соҳада ҳам талай далил-ашёлар тўпланган. Д. С. Белянкин, Д. Обручев, Эммонс каби олимларнинг қарашларига кўра, 1300° дан 700-750° даражали ҳарорат туфайли пайдо бўладиган силикат эритмалар конларнинг ҳосил бўлишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Мазкур модел ҳам бирмунча оддийлаштирилган. Лекин моҳият сақланиб қолган.

Ҳар икки гуруҳ намоёндалари қарийиб 30 йил (1930-1960) давомида ётакчилик байроғини баланд кўтариб келдилар. Улар орасидаги кураш дам у, дам бу томон устунлигида узлуксиз давом этди. Ҳар иккала гуруҳ мақола, китоб, тадқиқотлар воситасида ўз устунлигини исботлашга интиларди.

Мана шундай шароитда Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаев майдонга кириб келди. Унинг геология майдонида пайдо бўлиши тасодифий эмас, ўзига хос қонуният, зарурият десак тўғрироқ бўлар эди.

Чунки: биринчидан, Ҳабиб Абдуллаев 8-10 йил мобайнида Фарбий Ўзбекистон вольфрам конларини ниҳоятда мукамал ўрганиб, уларнинг ҳосил бўлиши, тарқалиши, ёши хусусида бир қатор янги илмий қарашларни ўртага қўйди;

¹ М а г м а — ер қобиғининг ички қисмида ҳосил бўладиган юқори ҳароратли силикат эритма.

иккинчидан, вольфрам конларини ўрганар экан, Ҳабиб Абдуллаев ушбу ҳудудда жуда кенг талқалган хилма-хил гранит (тоғ жинслари)ларга эътибор берди, уларнинг вольфрамга бўлган муносабатини тадқиқ этди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Фарбий Ўзбекистон бу масалаларни ҳал қилишда ниҳоятда қулай “объект” эди. Тоғ жинсларининг хилма-хиллиги, конларнинг кўплиги масалани ечишга жуда катта ёрдам берди.

Мана шундай вазиятда Ҳ.М.Абдуллаевнинг йирик асарлари пайдо бўла бошлади. Биринчиси, “Ўрта Осиё шеелитли скарнлар геологияси” (1947), беш йилдан сўнг эса шоҳ асари “Маъданларнинг гранитоид интрузиялар билан ирсий алоқалари” (1952) яратилди.

Бу асарлардаги асосий ғоя: маъдан (хусусан вольфрам, кўрғошин) мавҳум “чуқурликлар”, ёриқлар билан эмас, балки тадқиқотчи кўра оладиган, қўли билан ушлай оладиган, текшира оладиган ернинг юқори қисмида кенг тарқалган тоғ жинслари (гранитлар) билан бевосита алоқадор. Ҳар қандай магматик жинс албатта, кон бериши мумкин, бу унинг табиатида мавжуд, фақат кон пайдо бўлиши учун тегишли шароитлар керак. (Мен домланинг фикрини, албатта жуда содда-лаштирган бўлсам керак).

Ушбу шароитлар нимадан иборат? Биринчидан, атроф-муҳитдаги геологик вазият (жинслар таркиби, кетма-кетлиги, ҳосил бўлишдаги хусусиятлар); иккинчидан, магмадан ҳосил бўлган жинсларнинг у ёки бу элементга (олтин, мис, қалай, кўрғошин) ихтисослашиши, тўйиниши ёки ўзлаштирилиши.

Шу нуқтаи назардан маъданланиш жараёни тоғ жинси ҳосил қилиш жараёнининг узвий бир қисми ҳисобланади. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Ҳ.М.Абдуллаевни бу соҳадаги ажойиб формуласи (Рудогенез-петрогенез қисми) юқоридаги ғояларни яққол кўрсатиб турибди.

Гранитлар билан маъданларнинг ирсий алоқаси ҳақида дадил фикрнинг ўртага ташланиши фандаги оламшумул воқеа, буюк ўзгариш нуқтаси бўлди. Муаллиф 38 ёшда эди. Китобни Россияда, Хитойда, Германияда бир неча бор нашр этилди. Илмий, баҳсли услубда ёзилган мазкур китоб дунё бўйлаб тез тарқалиб кетди, ҳамма ерда катта қизиқиш, ҳаяжон билан қарши олинди. Китобнинг махсус муҳокамалари Москва, Санкт-Петербург, Киев, Новосибирск сингари илмий марказларда бўлди, қизгин баҳсларда ўтди.

Бу муҳокамалар тор илмий доираларда эмас, геологлар съездларида, махсус ташкил этилган илмий анжуманларда ўтказилди. Тақризлар, илмий қарашлар, муносабатлар мисли дарё бўлиб оқди: улар орасида хайрихоҳлик билан ёзилганлари ҳам, шунчаки фикр билдирилганлари ҳам, ҳатто ҳасад ўтида ёниб битилганлари ҳам бор эди. Хорижда ҳам китобга тақриз, мақолалар ёзилди. Кўриниб турибдики, Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаевнинг китоби геология оламини тўлқинлантириб, одатий оддий ҳаётини бузиб юборди.

Нега?

Академик Д.С.Белякиннинг айтишича, китоб “асрнинг энг муҳим геологик муаммоларидан бири”га бағишланган. Унинг ютуғи шунда эдики, у кам ўрганилган, лекин ҳамма геолог олимларни доимо ўйлантириб келган муаммо ечими ҳақида эди.

Магматик жараёнлар ва маъданлашув — ўзаро туташиб кетган асосий илдилардан бўлса-да, алоҳида-алоҳида ўрганилар, улар орасида ўзаро таъсир, ўзаро боғлиқлик мавжудлиги айtilса-да, амалда дурустроқ тадқиқ этилмаган эди. Евроосиёнинг нодир магматик ўлкаларидан бирида фаолият кўрсатган, маъданлашув ва кон пайдо бўлишининг кўплаб тузилмаларини ўрганган Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаев биринчи бўлиб икки муҳим параметрaro ирсий алоқадорлик ғоясини илгари сурди. Бу — ўта долзарб масалага тамомила янгича ёндашув, уни янгича кўриш ва ҳал қилиш эди. Агар Ҳабиб Абдуллаевгача маъданлашув ернинг чуқур қатламларида рўй беради дейилган бўлса, уни текшириш, исботлаш ниҳоятда мураккаб кечган, муҳими, мавҳумлик пардасига ўранган бўлса, ўзбек олими муқобиллик сифатида ер қобиғини юқори қисмини олди, бу жараённи кўриш, текшириш имконияти аниқ эди...

Ҳабиб Абдуллаев улкан муаммони тўла-тўқис ҳал қилиб қўя қолдимиз? Йўқ, ҳаммасини эмас. Буни домла ўзгалардан кўра ўзлари ниҳоятда яхшироқ билар,

англарди. У ўз маърузаларининг бирида ҳал қилинмаган муаммоларни айтиб ўтган ва кейинчалик ҳам кўп таъкидлаган эди.

Ҳабиб Абдуллаев китобининг илмий қимматларидан яна бири шунда эдики, у янги вазифалар, уларни ҳал қилиш йўлларини изчил ифодалаб берди.

Ўқувчини соф илмий йўсиндаги тафсилот ва қарашлар билан нарчатиб қўймаслик мақсадда масаланинг амалиёт нуқтаи назаридан ўртага қўймас. Олим интрузидлар билан маъданлашувнинг ирсий боғлиқлигини исботлай олдими? Шакшубҳасиз. Лекин бир қанча муҳим конлар гуруҳи учун. Ўзга (масалан, олтин, кумуш) конларга оид маълумотлар кам эди.

Бора-бора шу нарса аниқ бўлдики, Ҳабиб Абдуллаевнинг фанга олиб кирган янгилиги барча турдаги конлар, қазилма бойликлар манбаига тааллуқли экан. Қайси қитъада, қайси мамлакатда кон очилса, Ҳабиб Абдуллаев назарияси асос бўлиб хизмат қиляпти. 60-йилларда янги йўсиндаги ўзга (олтин, мис, қўрғошин) конлари очилдики, Ҳ.Абдуллаев яратган илмий ғоянинг кутилмаган қирралари намён бўла бошлади. Шу маънода Ҳ.Абдуллаев ўнлаб конларни кашф этган назариётчига айланди. Абдуллаев издошларидан (В.И.Смирнов, Г.С.Дзоценидзе, В.Н.Котляр ва бошқалар) кейинчалик ўз хизматлари — Ҳ. Абдуллаев назариясига асос олиб борган тадқиқотлари учун олий даражали мукофотларга сазовор бўлдилар.

Комил ишонч билан айтиш мумкинки, интрузиялар билан маъданлашувнинг ирсий боғлиқлиги ғояси жаҳон фани хазинасига қўшилди. Ҳозир у амалиётда кенг қўлланмоқда. 60-70-йилларда давлат тасарруфидаги жамики геологик муассасалар фаолияти Ҳ.Абдуллаевнинг илмий ғояси асосида олиб борилди. Амалиётда домланинг асосий қарашлари тасдиқланиши билан бир қаторда, ушбу қарашлар асосида фаннинг бир неча янги йўналишлари пайдо бўлди: “Магматик комплекслар геохимияси”, катта масштабдаги башорат хариталарини тузиш услубияти, металлогения ва ҳоказо...

Машҳур ғоя кутилмаганда туғилади, ҳаётга тез, чуқур тадбиқ этилади. Ажабки, ҳаётий заруратга айланган кашфиёт кимга тааллуқли, уни ким юзага келтирганлиги ўйлаб ўтирилмайди. Буюк немис олими А.Гумбольдт ғаройиб бир формулани айтган экан: “Ҳар қандай ҳақиқат (кашфиёт) уч ғаройиб водийдан ўтади: а) шу ҳам гап бўлдики? б) бу ерда гап бор-ов... в) бу — бошқа гап, лекин уни ким ҳам билмайди, дейсиз...”

Ўзбекларда узумини егину, боғини суриштирма деган гап бор. Афсуски, аксарият ёш олимлар узумини еб, боғини суриштирмай қўймоқдалар.

Ҳабиб Абдуллаевни ҳамиша қизиқтириб келган яна бир муаммо — интрузивларнинг¹ тузилмаси ва ўзидир. Гап бу жисмларнинг ҳамма ерда кен тарқалганлигида эмас, балки олим назариясида уларнинг маъданлашувда асосий восита бўлганлигидадир. Илмдаги бошқача қарашдаги кишилар “номаъданӣ” алоқага киришмайдиган “топ-тоза” тош объектлар нафақат Ўрта Осиё ва Қозоғистонда, балки Евроосиёнинг ўзга ҳудудларида мавжудлигини таъкидлаб кўрсатадилар. Даъво ўринли, унга қарши бирон нарса дейиш амри маҳол. Лекин Ҳ.Абдуллаев ўша 50-йиллардаёқ маъданлашувга ҳар қандай жинслар киришимли, истиқболли эмаслигини, ўзаро аралашув, киришув жараёнларига тортилиши кўриниб турганлари ҳақида фикр айтилаётганини уқтирган эди. Олим маъданлашувда муҳитнинг таъсири етакчи деган ғояга суянади. Таъкидлаш жоизки, Ҳ.М.Абдуллаевни гранитоидларни соф перологик восита сифатида жалб этмаган (ваҳоланки, масалани шу таҳлилда қўйилишиёқ ниҳоятда қизиқарли ва муҳимдир). Гранитоидлар маъданлашувдаги асосий фактор, восита деб билинган. Бу ерда тадқиқотчининг ўзаро киришув ва битишув ҳодисаларига том маънода янгича ёндашганлиги аниқ кўриниб турибди. Бу ўриндаги янгилик шундаки, олим гранитоидларни пайдо қилувчи эритмалар мувозанатга келтирувчи муҳит таъсирини ўзида акс эттиради дейди.

Умуман олганда, жинслар таркибига муҳитнинг таъсири — янги муаммо эмас, аммо Ҳ.М.Абдуллаев унга тамоман янги маъно-мазмун кирита олди. Яъни, муҳит у ёхуд бу керакли элементга мослашишини исботлаб берди. Бу шунчаки осон ва шунчаки кутилмаган ҳолда рўй бердики, у фақат буюк ғояларнинг туғилиши

¹ И н т р у з и в (лат.) — ер қобиғидаги магмадан ҳосил бўлган жисм.

жараёнигагина тааллуқлидир. Орадан 30-40 йил ўтгач, машҳур геохимик Л.Таусон гранитларни худди Ҳ.М.Абдуллаевдай гуруҳлади, фарқлади...

Мана, орадан ярим асрга яқин вақт ўтди. Тадқиқотчи олимларнинг янги авлоди шаклланди, геологияда янги таълимотлар ҳукм сураяпти. Хўш, Ҳ.М.Абдуллаев ғояларининг тақдири, ҳаёт йўли қандай кечаяпти?

Биринчидан, ернинг чуқур, сирли қатламларидаги эмас, балки аниқ интрузив жисмлар, қурилмалар билан маъданлашувнинг ирсий алоқалари — кон излаётган геологларнинг ишончли, синовдан ўтган қуролига айланди. Мамлакатимизда ва хорижда кўпдан-кўп конларнинг очилиши фикримиз исботидир.

Дастлаб дадил, баҳсли тахмин сифатида туғилган Ҳ.Абдуллаев ғояси бора-бора исбот талаб қилмайдиган қадриятга айланди...

Иккинчидан, Ҳ. Абдуллаевнинг ҳудудларни бир бутунликда ўрганиш ҳақидаги тасавурлари, бу муаммонинг ечими йўлидаги қарашлари ҳам системали ёндашув ва геология ҳодисаларини ўрганиш сифатида шаклланди.

Бу мангу тирик ғоя эгасини кўплар ҳозир эслаб ҳам ўтирмайдилар. Кашфиётлар тақдири ҳамиша шундай кечади чоғи.

Аммо фан, тараққиёт ҳамиша ҳақиқат ва адолат билан тирик. Буюк замондошимиз, миллатимиз, фанимиз ифтихори Ҳабиб Абдуллаевнинг номи, кашфиётлари барҳаёт яшайверади.



Максим ГОРЬКИЙ

Бемаврид мулоҳазалар

ДЕМОКРАТИЯ БОРАСИДА

“Новая жизнь”, 174-сон,
1917 йил, 7/20/ ноябр.

Ленин ва Троцкий томонидан Петропавловск қалъасидан озод этилган социалчи-вазирлар ўзларининг М.В.Бернацкий, А.И.Коновалов, М.И.Терешченко ва бошқа ўртоқларини шахс эркинлиги, инсон ҳуқуқи ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаган одамлар қўлида қолдириб, уй-уйларига тарқалдилар.

Ленин, Троцкий ва уларга эргашган кимсалар аллақачон ҳукмдорликнинг чиркин оғуси билан захарланганлар; сўз эркинлиги, шахс эркинлиги ва барча ҳуқуқлар тантанаси учун курашган демократияга нисбатан улардаги шармандаларча муносабат шундан шоҳидлик беради.

Сўқир мутаассиблар ва виждонсиз авантюрачилар жонини жабборга бериб, гўёки “социал инқилоб” йўлидан югуриб-елаётгандек бўлдилар, аслида эса бу бошбоқчиликка, йўқсуллар ҳалокатига олиб борувчи йўлдир.

Бу йўлда Ленин ва унинг тарафдорлари Петербург остоналаридаги одамқушлик, Москвани харобага айлантириш, сўз эркинлигини йўқотиш, бемаъни ҳибс-лар сингари Плеве ва Столипинлар қилган қабихликларга ўхшаш барча жиноятларни амалга оширишни ўзлари учун мумкин деб ҳисоблайдилар. Албатта, Сто-

Абдулла
ШЕР
таржимаси

Буюк рус ёзувчиси Максим Горький (Алексей Максимович Пешков)ни собиқ Иттифоқ даврида шўро адабиётининг асосчиси, Лениннинг дўсти деб аташ расман одат тусига кирган эди. Камина ҳам уни шундай деб билардим. Лекин баъзи адабиётларда Горький Ленинни маълум бир даврларда тушунмагани, “Бемаврид мулоҳазалар” деб номланган мақолалар туркумида большевиклар фаолиятига етарли баҳо бермагани ҳақидаги маълумотлар тасодифан кўзга ташланиб қоларди. Туркум мақолаларнинг ўзи эса эълон қилинмасди, ёзувчи асарларининг академик нашрларига ҳам киритилмасди. Бу менда қандайдир шубҳа уйғотарди. Яна бир нарса — ҳадеб Ленин ва унинг хотини Н.Крупскаянинг Горькийни даволаниш учун чет элга кетишига қайта-қайта ёзма ва оғзаки даъват қилишлари ҳам мени шубҳага соларди. Бунақанги “ғамхўрлик”нинг асл сабабларини кейин билдим.

Ҳокимиятни қўлга киритганларидан кейин кечагина ўзлари талаб қилаётган демократия, сўз эркинлиги, шахс эркинлиги, инсон ҳуқуқлари сингари қадриятларга таъқиқ тамғасини босган Ленин бошчилигидаги большевиклар инқилобий ўзгаришларни, яъни асл маънодаги ижтимоий янгиланишни тўхтатиб қўйдилар. Горький эса уларга қатъият билан қарши чиқди. Агар буюк рус ёзувчиси Россия ва жаҳон афкор оммаси ичида ўша пайтларда қиёслаб бўлмайдиган даражада обрўга эга эканини ҳисобга олсак, бу қаршилик большевиклар йўлидаги, Лениннинг террор

липин ва Плеве демократияга, Россиядаги барча жонли ва ҳалол нарсаларга қарши турдилар; Ленинга эса, ҳозирча ишчиларнинг каттагина қисми эргашмоқда, лекин мен, ишчилар синфидаги ақл-заковат, ўз тарихий вазифасини англаб етиш ҳисси йўқсуллар аҳлини Лениннинг бу амалга ошмайдиган ваъдаларига, телбалигига ва Нечаевча-Бакунинча анархиячилигига кўзни очиброқ қараш имконини беради, деб ишонаман.

Ишчилар синфи ўз эт-устихони устидан Ленин бор-йўғи бир тажриба ўтказаётганини, йўқсуллардаги инқилобий кайфиятни сўнгги нуқтасига етказиб, ундан нима чиқишини кўриб қўймоқчи эканини тушунмаслиги мумкин эмас.

Албатта, у мазкур шароитда Россияда йўқсуллар ғалаба қозониши мумкин эканига ишонмайди, эҳтимол, у бирор-бир мўъжиза кутаётгандир.

Ишчилар синфи ҳаётда мўъжиза бўлмаслигини, ўзини очлик, саноатнинг тўлиқ издан чиқиши, транспортнинг хароб бўлиши, узоқ давом этадиган бошбошдоқлик, ундан сўнг эса янада қонлироқ ва зулматлироқ қатағонлар кутаётганини билиши керак.

Мана, йўқсулларнинг бугунги доҳийси уларни қаёққа бошламоқда! Ленин қудратли сеҳрга эга эмаслигини, балки, йўқсулларнинг ор-номусини ҳам, ҳаётини ҳам аямайдиған совуққон кўзбойлогич эканини тушунмоқ лозим.

Ишчилар авантюрачилар билан телбаларнинг йўқсуллар бошига шармандали, бемаъни ва қонли жиноятларни ағдаришга йўл қўймасликлари зарур, зеро бу жиноятлар учун Ленин эмас, йўқсулларнинг ўзлари жазоланадилар.

Мен сўрамоқчиман:

Рус демократияси қайси ғоялар тантанаси учун монархия зулми билан курашганини эслайдими?

У ўзини ҳозир ҳам шу курашни давом эттиришга қобил деб ҳисоблайдими?

У ўз ғоявий раҳбарларини романовларнинг жандармлари турма ва каторгаларга ташлаганида курашнинг бу усулини қабиҳлик деб атаганини эслайдими?

Лениннинг сўз эркинлигига муносабати Столипин, Плеве ва бошқаларнинг муносабатидан нимаси билан фарқ қилади?

Романовлар ҳукумати ўзига ҳамфикр бўлмаганларнинг барчасини ёқасидан олиб, қамоқларга ташлатган эди, Лениннинг ҳукумати ҳам шундай қилмайтими?

Нима учун Бернацкий, Коновалов ва коалицион ҳукуматнинг бошқа аъзолари қалъада ўтирибдилар, — ахир, улар Ленин томонидан озод этилган ўз биродарлари-социалчилардан кўра нимаси билан жинояткорроқ?

ва қатағонга асосланган ҳукумати рўпарасидаги улкан тўсиқ эди. Бу тўсиқни жисман йўқотиб бўлмасди. Турлитуман “ғамхўрлик”ларнинг сабаби шунда эди.

Горький 1921 йилдан то 1931 йилигача чет элларда бўлди — кезди, ишлади, даволанди. 1928 йиллари — икки марта шўролар Иттифоқига келиб кетди. Буюк “йўқсуллар ёзувчиси”нинг хорижда яшаши большевикларга наф келтирмасди. Шу сабабли Сталин уни қандай бўлмасин Иттифоққа қайтаришга уринди ва Горький қайтганида шахсан ўзи, бутун аъёнлари билан биргаликда, перронга чиқиб, уни кутиб олди. Сўнг... Сўнг большевиклар партиясига киришни ўзига эп кўрмаган, демократик қарашлардан кечмаган, руҳий босимлардан тинкаси қурган адолатпарвар, саркаш ёзувчи 1936 йили, сирли тарзда вафот этди. Тахминларга кўра, у НКВД томонидан заҳарлаб ўлдирилган...

Куйида буюк адибнинг большевиклар олиб борган зўравонлик сиёсати шароитида бемаврид бўлиб кўринган эркин фикрлари намуналари билан танишасиз. Мазкур “Бемаврид мулоҳазалар” туркуми Максим Горький ҳаммуҳаррирлигида 1917 йил апрелида ташкил этилган ва 1918 йилнинг июнида Ленин томонидан ёпиб қўйилган “Новая жизнь” (“Янги ҳаёт”) газетасида босилган.

Туркум намуналарини саналар тартибида бердик.

Бу саволларга ягона тўғри жавоб — шу ондаёқ вазирларни ва бошқа айбсиз ҳибсга олинганларни озод қилишни, шунингдек, сўз эркинлигини бутун тўлалиги билан тиклашни талаб қилишдир.

Сўнг, яна шуни айтиш керакки, демократиянинг оқилона фикрлайдиган қисми бундан ўз хулосаларини чиқармоқлари лозим, улар Нечаевга ўхшаш фитначи ва анархиячилар билан ҳамроҳ бўлиш-бўлмасликларини ҳал қилишлари керак.

ИШЧИЛАР ДИҚҚАТИГА

“Новая Жизнь”, 177-сон,
1917 йил, 10/23/ ноябр.

Владимир Ленин Россияга Нечаев услубига хос — “таваккалнинг боши кал” усулидаги социалистча тузумни киритмоқда.

Ленин ҳам, Троцкий ҳам, уларни ҳаёт ботқоғидаги ҳалокат томон кузатиб бораётган бошқаларнинг ҳаммаси ҳам, чамаси, Нечаевга ўхшаб, “номуссизлик билан рус кишисини ўз ортидан эргаштириш ҳамма нарсадан осон”, дея ишондилар; улар қонли қушхоналар ташкил этишга мажбур қилиш, қирғинчиликларга: чақириш, А.В.Карташев, М.В.Бернцкий, А.И.Коновалов сингари ҳеч бир айби йўқ кишиларни ҳибсга олишга қисташ орқали инқилобни, ишчилар синфини совуққонлик билан манфур йўлга бошламоқдалар.

Ленин ва унинг югурдаклари йўқсулларни матбуот эркинлигини йўқ қилишга мажбур этиш билан демократия душманларига ишчилар синфининг оғзини ёпиш ҳуқуқини қонунлаштириб бердилар; Ленин ва Троцкий таъқиқлари билан келишмаганларнинг ҳаммасини очлик ва қиришлар билан қўрқитиб; бу “доҳийлар”, мамлакатдаги энг сара кучлар не-не қийинчиликларни бошдан кечириб; узоқ вақт қарши курашган ҳукмдорлик зулминини оқламоқдалар.

Ленин ва Троцкий билан бирга бораётган “ўқувчилар ва тентакларнинг итоаткорлиги” “юксак нуқтасига етди” — улар ўз доҳийларини орқаваротдан сўқиб, гоҳ улардан кетиб, гоҳ тагин қўшилиб, яна барибир, айланиб келиб ақидапарастлар иродасига итоаткорона хизмат қилмоқдалар, аскарлару ишчиларнинг энг саводсиз оммасида ғамсиз ҳаётга бўлган амалга ошмайдиган орзу-умидларни тобора кучлироқ уйғотмоқдалар.

Узларини социализмнинг наполеонлари деб билган ленинчилар, ҳар ҳунарга тушиб, Россияни хароб қилишни охирига етказмоқдалар — рус халқи ҳали бунинг учун дарё-дарё қон билан хун тўлайди.

Лениннинг ўзи, шаксиз, истисноли даражадаги қудратли киши; 25 йил у социализм тантанаси учун курашаётганларнинг биринчи қаторида турди, у халқаро социал демократиянинг энг йирик ва кўзга кўринадиган сиймоларидан бири; истиснододли одам; айни пайтда у “доҳийлик”нинг барча хусусиятларига, шунингдек, бу роль учун зарур бўлган ахлоқсизликка ва омма ҳаётига ҳақиқий бойваччаларча бешафқат муносабат қила билиш қобилиятига эга.

Ленин “доҳий” ва рус барини, унга йўқликка чекинган мана шу табиқанинг баъзи руҳий хусусиятлари ёт эмас, шу сабаб ҳам у аввалдан муваффақиятсизликка маҳкум бўлган шафқатсиз тажрибани рус халқи устида ўтказишга ўзини ҳужумчи деб ҳисоблайди.

Урушдан тинкаси қуриган ва хонавайрон бўлган халқ мана шу тажриба деб минглаб жонни қурбон қилди ва ҳали уни деб ўн минглаб жонни бошсиз қилиб қўяди. Бундай муқаррар фожиа Ленинни — ақидалар қулини ва унинг югурдакларини, қулларини безовта қилмайди. Ленинга ҳаёт мураккабликлари номаълум, халқ оммасини билмайди, халқ билан яшаган эмас, бироқ у китоблар орқали қандай қилиб бу омmani оёққа кўтаришни ва ҳаммадан осони, унинг ҳайвоний ҳирсларини жунбушга келтиришни яхши билиб олган. Ишчилар синфи Ленин учун, чилангар қўлидаги рудадек гап. Бугунги шароитда бу рудадан социалистик давлат қуйиш мумкинми? Кўринишдан мумкин эмас; бироқ нега синаб кўрмайлик керак экан? Бордию тажриба муваффақиятли чиқмаса, Ленин нима ҳам йўқотарди!

У тажрибахонадаги кимёгарга ўхшаб ишлайди, фақат фарқ шундаки, кимёгар жонсиз материалдан фойдаланади, лекин унинг тажрибаси ҳаёт учун қимматли натижалар беради, Ленин эса жонли материал устида иш олиб бормоқда ва инқилобни ҳалокатга етакламоқда. Лениннинг ортидан бораётган онгли ишчилар шуни билишлари керакки, у ишчилар орасидаги энг сара кучларни ҳалок этадиган ва рус инқилоби тараққиётини узоқ муддатга тўхтатиб қўядиган тажриба, ишчилар синфи устидан шафқатсиз тажриба олиб бормоқда.

* * *

“Новая Жизнь”, 179-сон,
1917 йил, 12/25/ ноябр.

Ҳатто менга “демократияга йигирма йиллик хизмат”дан кейин “ниқобини ечди ва ўз халқига хиёнат қилди”, деб ҳам таъна тошини отмоқдалар.

Жаноб большевиклар хатти-ҳаракатимни ўзлари хоҳлаганларича баҳолаш учун қонуний ҳуқуққа эгалар, бироқ мен бу жанобларга шуни эслатиб қўйишим керакки, рус халқининг ажойиб руҳий сифатлари ҳеч қачон кўзимни қамаштириб қўйганмас ва мен демократияга ҳеч қачон сажда қилмаганман, у мен учун бутунлай танқид ё муҳокамадан юксак турадиган даражадаги қандайдир муқаддас нарса эмас.

1911 йили “Устоз кўрмаган ёзувчилар” ҳақидаги мақоламда шундай деган эдим: “Қабоҳатни фош қилиш зарур, агар бизнинг мужик йиртқич бўлса, уни айтиш лозим, бордию агар табақага тааллуқдорликнинг жирканч оҳанги билан бирор дворянин:

— Мен дворянин! — дегани каби, ишчи:

— Мен ишчима! — деса, бундай ишчининг устидан шафқатсизларча кулмоқ керак”.

Эндиликда, ишчилар оммасининг маълум қисми эс-ҳушини йўқотган ўз ҳукмдорлари иродаси билан жунбушга келиб, табақа руҳи ва усулларини қўлламоқда, ўзларининг энг яхши йўлбошчилари, онгли ўртоқлари ғоят матонат билан узоқ муддат қарши кураш олиб борган ишлатлар — зўравонлик ва террор йўли билан ҳаракат қилмоқдалар; энди мен, аёнки, ишчилар синфи бу қисмининг сафларида боролмайман.

Мен, “Речь” ва бошқа буржуа газеталарининг оғзини улар демократияга қарши бўлганликлари учунгина мушт билан ёпиш — демократия учун шармандали ҳодиса деб ҳисоблайман.

Наҳотки, демократия ўз аъмолларида ўзини ноҳақ ҳис этса — рақиблар танқидидан қўрқса? Наҳотки, кадетлар шу қадар ғоявий қудратга эгаки, уларни фақат жисмоний зўравонлик йўли билан енгиш мумкин бўлса?

Матбуот эркинлигидан маҳрум қилиш, бу жисмоний зўравонлик ва демократияга нолойиқ иш.

Монархияга қанчадан-қанча қудратли зарбалар берган кекса инқилобчи Буркшеври сийсий фирқалар ахлатини тозалашга киришиб кетгани учун, фақат шунинг учунгина турмада сақлаш, бу — демократия учун шармандалик. А.В.Карташев каби ҳалол одамларни, М.В.Бернацкий сингари истъёодли хизматчиларни, ўз ишчилари учун кўп яхшиликлар қилган А.И.Коноваловга ўхшаган маданият арбобларини турмада сақлаш, бу — демократия учун шармандалик.

Жаноб Троцкийнинг Россия харобалари устидаги қутурган рақсида иштирок этишни истамаган одамларни террор ва қиришлар билан қўрқитиш, бу — шармандали ва жиноий ҳол.

Бунинг учун бари кераксиз ва ишчилар синфига нисбатан фақат нафратни кучайтиради. Ишчилар синфи ўз доҳийларнинг хатолари учун минглаб жон билан, дарё-дарё қон билан хун тўлашга мажбур бўлади.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

* * *

“Новая Жизнь”, 195-сон,
1917 йил, 120/ декабр.

“Йўқсуллар — янги маданият ижодкорлари” — бу сўзларда адолат, ақл, гўзаллик танатанаси ҳақидаги ажойиб орзу, йиртқич ва ҳайвоний ҳолат устидан инсоннинг ғалабаси тўғрисидаги орзу тажассум топган; бу орзунинг рўёбга чиқиши йўлда барча синфларнинг минглаб вакиллари ҳалок бўлдилар.

Йўқсуллар синфи — ҳокимият тепасида, энди у эркин ижод имкониятини қўлга киритди. Хўш, бу ижод ўзи нимада кўринмоқда? — деб сўраш ўринли ва мавридлидир. “Халқ комиссарлари ҳукуматининг” қарорларида, газета фелъетонларида бор, бошқа ҳеч нарсада йўқ. Бу — “паншаха билан сувга ёзилган” адабиёт; гарчанд қарорларда қимматли ғоялар бўлса ҳам, лекин уларни амалга ошириш учун ҳозирги ҳаётда шароит йўқ.

Хўш, инқилоб нима янгилик берапти, ваҳшиёна рус турмушини у қандай ўзгартирмоқда, халқ ҳаётининг зулматини у нурафшон қиляптими?

Инқилоб мобайнида 10 мингга яқин “ўзбошимча судлар” рўй берди. Мана, демократия ўз гуноҳкорларини қандай суд қилади: Александров бозори атрофида ўғрини ушлашди, шу заҳоти уни калтаклашиб, овозга қўйишди: ўғрини қанақа ўлим билан жазолаш лозим — сувга чўктириш кераким ёки отиб ташлашми? Чўктиришга қарор қилишди ва одамни ях сувга ташладилар. Лекин у бир амаллаб қўрғоққа сузиб чиқди, шунда тўпланганлардан бири унга яқин келиб, отиб ташлади.

Ўрта асрлар бизнинг тарихимизда тилга олиб бўлмас шафқатсизликлар даври бўлган, лекин ҳатто ўша даврда ҳам агар ўлим жазосига ҳукм қилинган жиноятчининг сиртмоғи узилиб тушса, уни тирик қолдиришган.

Ўзбошимча судлар ўсиб келаётган авлодга қандай таъсир қилади? Аскарлар калтакдан чалажон ўғрини Мойкада чўктириш учун олиб кетишяпти, у бошдан-оёқ қонга беланган, юзлари мажақланган, бир кўзи оқиб тушган. Унга бир тўда бола эргашиб боради; бир оздан кейин уларнинг баъзилари Мойкадан қайтар-экан, бир оёқда хаккалаб, хурсанд бўлиб қичқирадилар:

— Чўктиришди, чўктиришди!

Булар — бизнинг болаларимиз, бўлажак ҳаётнинг қурувчилари. Улар бундан буён инсон ҳаётини жуда арзон баҳолайдиган бўладилар. Инсон эса, шунини унутмаслиги керакки, табиатнинг энг гўзал, энг қимматли ижоди, бор оламнинг сарвари.

Уруш инсонни бир кичкина бўлак қўрғошиндан арзонроқ баҳолади, бу баҳодан адолатли равишда норози бўлди “империалист”ларни айбладик, хўш, энди ҳарқуни ваҳшийларча калтакланаётган одамлар учун кимни айбдор қиламиз?

Вужудга келган муайян шарт-шароитлар оқибатида бизда деярли китоб босиш ва китоб нашриёти батамом тўхтатиб қўйилди, айна пайтда қимматли кутубхоналар кетма-кет йўқ қилинмоқда. Мана, яқинда Худеяков, Оболенский қўралари сингари қатор қўралар мужиклар томонидан таланди. Мужиклар ўзларининг назарида қимматга эга ҳисобланган ҳамма нарсани ташиб кетадилар, кутубхоналарни эса ёқиб юбордилар, роялларни болта билан майдалаб, расмларни йиртиб ташладилар. Илм-фан, санъат асарлари, маданий асбоблар қишлоқдагилар учун қимматга эга эмас, — шаҳар оммаси наздида қимматли экани ҳам гумон.

Китоб — энг муҳим маданият риштаси ҳисобланади, халқнинг оқилона, ростгўй китобни ёрдамчи қилиб олиши учун китобат ходимлари бир қадар фидойилик қилишса бўларди, — ахир, атрофида ўз идеаларини рўёбга чиқаришлари учун кўмаклашадиган мафкуравий муҳит пайдо бўлишидан ҳаммадан аввал уларнинг ўзлари манфаатдор-ку!

Бизнинг устозларимиз радишчевлар, чернишевскийлар, маркслар — китобларнинг маънавий хизматкорлари, ўз китоблари учун эрklarини ҳам, ҳаётларини ҳам фидо қилдилар-ку. Китобларни жисман ишлаб чиқарувчилар-чи, китобат ишининг ривожланишини нима билан енгиллатмоқдалар?

Мана, икки ҳафтадирки, ҳар тунда оломон вино омборларини тадайдилар, одамлар, маст-аласт бўлиб, бир-бирининг бошига шиша билан урадилар, қўлларини шиша синиқлари кесиб, худди чўчқалардек балчиқ ва қонга беланиб, ағанаб ёта-

дилар. Шу кунлар ичида бир неча ўнлаб миллион сўмлик вино йўқ бўлди, ҳали, албатта юзлаб миллионлик вино йўқ бўлиши турган гап.

Агар бу қимматли мол Грецияга сотилганида — биз уни олтин ёки бошқа молга, — мамлакатга зарур бўлган мануфактура, дори-дармон, машиналарга айирбошлаб олишимиз мумкин эди.

Смольнийдагилар, буни анча кейинроқ пайқаб қолиб, ичкиликбозликка қарши қатъий чоралар кўрамиз деб пўписа қиляптилар, лекин ичкиликбозлар дўқ-пўписадан қўрқмайдилар, улар молни йўқ қилишни давом эттирмоқдалар. Ваҳоланки, уни аллақачон мусодара этиб, қашшоқлашган миллатнинг мулки деб эълон қилиш ва барчанинг манфаати юзасидан сотиш фойдали бўлур эди.

Вино талон қилинаётган пайтда одамларни худди қутурган бўрилардек отиб ташляптилар ва бу билан инсонни ўз яқинини бемалол қирғин қилишга аста-секинлик билан ўргатиб бормоқдалар.

“Правда” да маст-аластлар талони ҳақида “буржуйлар фитнаси” деб ёзмоқдалар, — албатта, бу қон тўкишни кучайтиришга хизмат қиладиган ёлгон, “қизил сўз” дан бошқа нарса эмас.

* * *

Ўғрилик тараққий қилиб, талон-тарож ўсиб бормоқда, уятсизлар эса чор амалдорлари каби учарлик билан порахўрлик қилмоқдалар; Смольний атрофида йиғилган гумроҳ одамлар саросимага тушган аҳолини қўрқитиб, товлашга уринмоқдалар. “Халқ комиссарлари ҳукумати” вакиллариининг қўполлиги ҳаммада ҳаққоний норозилик, маломат уйғотмоқда. Ҳар хил қаланғи-қасанғи одамлар, ўз ҳукмдорлигидан завқланиб, фуқарога худди мағлубга қарагандек, худди чор полицияси ўзларига қандай муносабат қилган бўлса, шундай муносабат қилмоқдалар. Худди Конотоп ёки Чухломдаги дўкончилар каби ҳаммага бақириб-чақирадилар. Буларнинг бари “йўқсуллар” номидан ва “социалистик инқилоб” номи билан амалга оширилмоқда, буларнинг ҳаммаси йиртқичларча турмушнинг тантанасидан, бизда фатос бойлаб кетган осиечиликнинг ривожидан иборатдир.

Карл Каутский ялтоқланиб ёзган — “рус ишчисининг идеализми” қаёқда қолди ва у нимада ифодланмоқда?

Социализм ахлоқи — янги ахлоқ қани ва у нимада кўриняпти?

Юқоридаги гапларга “реал сиёсатчилар” дан бирортаси менсимасдан:

— Нима истайсиз? Бу — ижтимоий инқилоб! — дейишни кутяпман.

Йўқ, — бу ҳайвоний инстинктлар портлашида мен ижтимоий инқилобнинг ярақлаб кўзга ташланадиган унсурларини кўрмаяпман. Бу ижтимоийлик рўҳидан, ижтимоий психологиядан йироқ рус ғалаёни.

* * *

“Новая Жизнь”, 198-сон,
1917 йил, 10/23/ декабр.

Бундан сал аввал мени “немисларга сотилган”, “Россияни сотяпти” деб айбонлашган эди, энди эса “кадетларга сотилган” ликда, “ишчилар синфи ишига хиёнат қилган” ликда айбламоқдалар.

Шаҳсан мени бу айбонлар қизиқтирмайди, ғашимга ҳам тегмайди, бироқ айбонловчилар ҳис-туйғуларининг ахлоқийлиги тўғрисида, уларнинг ижтимоий ўз-ўзини англаши ҳақида нохуш ва ёмон фикрларга олиб келади.

Менга қаранглар, жаноблар, сотқинлик, хиёнаткорлик, ахлоқий оғмачилик ҳақидаги бу ярамас айбонларни бир-бирининг юзинингизга қараб жуда ҳам осонликча ирғитмаясизлармикан? Агар сизларга ишониладиган бўлса, — бутун Россия аҳолиси фақат Россияни сотиш-у, бир-бирини сотиш билан шуғулланадиган одамлардан иборат!

Мен, фитначилар ва авантюрачиларнинг инқилобий ҳаракатда кўп учраши сизларда бир-бирингизга, умуман, одамзотга ишончсизлик туйғусини уйғотиши табиий эканини тушунаман, мен бундай нарсалар ҳатто энг соғлом одамларни-да ўткир шубҳа ёғриғи билан заҳарлашини ҳам биламан.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Лекин, барибир, бир-бирингизни сотқинлик, хиёнаткорлик, манфаатпарастлик, мунофиқликда бемалол айблар экансизлар, сизлар Россия аҳолиси нопок ва разил одамлардан иборат мамлакат, деб тасаввур қиласизлар чамаси, ваҳоланки, сизлар ҳам русларсиз-ку.

Кўриб турибсизки, — бу жуда кулгили, — лекин кулгилилигидан кўра кўпроқ хатарли, чунки бу ифлос ўйин билан машғул бўлганлар, аста-секин, сезилмаган ҳолда ўзларига ҳақиқатан ҳам Русь нопок ва сотқин одамлар мамлакатини, шундай экан, “биз ҳам осмондан оёғимизни узатиб тушмаганмиз!”, деган фикрни сингдиришлари мумкин.

Ўзингиз ўйлаб кўринг: бизда инқилоб гоҳ японларнинг, гоҳ олмонларнинг пулига, аксилинқилоб эса кадетлар ва инглизларнинг пулига қилинади, хўш, қани русча беғаразлик, қани бизнинг машҳур виждонийлигимиз, бизнинг идеализм, ҳалол озодлик курашчилари ҳақиқатан ҳам Русь нопок ва сотқин одамлар мамлакатини, қани бизнинг донкихотчиликчимиз-у, оғзаки ва ёзма адабиётимизда шовқин кўтариб мақталган рус халқининг барча бошқа яхши хислатлари?

Буларнинг ҳаммаси ёлғонми?

Тушунинг, — бир-бирингизни аблаҳликда айблаш билан сиз ўзингизни, бутун миллатни айблайсиз.

Айбловчининг дарғазаб хатини ўқир эканман, беихтиёр орловлик бир мужикнинг сўзлари ёдимга тушди:

— Бизда бутун қишлоқ ичкиликка муккасидан кетган: битта тақводор бор, у ҳам бўлса телба.

Шунда қора гуруҳчи “Русское Знамя” “Русь”ни финлар ёки эскимослар пулига қўл урганликда айблаган вақтидаги ишчиларнинг чиройли, қонуний норозиликларини эслайман:

“Ярамасларнинг гапирадиган бир тузук гапи йўқ, шунинг учун энг жирканч сўзларни ўйлаб топадилар”.

Назаримда, мен старли даражада содда, тушунарли қилиб ёзяман ва фикрловчи ишчилар мени “йўқсуллар ишига хиёнатда” айбламасликлари керак. Мен ишчилар синфини бизнинг саводсиз мужиклар мамлакатидеда қудратли маданий куч деб ҳисоблайман ва бутун қалбим билан рус ишчисига ҳам сон, ҳам сифат тараққиётини тилайман. Мен, саноат — маданиятнинг асосларидан бири эканини, мамлакатни қутқариш учун, уни овруполаштириш зарур, завод-фабрика ишчиси нафақат жисмоний, балки маънавий куч, нафақат ёт иродага бўйсунувчи, балки ўз иродаси, ўз ақлини ҳаётда рўёбга чиқарувчи одам деб бор айтганман. У оғир меҳнати кўзга кўринмайдиган, асрларга қолмайдиган деҳқонга ўхшаб табиатнинг стихияли кучига қарам эмас. Деҳқон ниманики ишлаб чиқарса, уни сотади ва ёйди, унинг қуввати бутунисича ерга сингиб кетади, айни пайтда ишчининг меҳнати эса ерни безаб, табиат кучини бундан кейин ҳам инсон манфаатига бўйсундириш учун хизмат қилиб, ер устида қолади.

Меҳнат фаолиятидаги мана шу айричаликда деҳқон қалби билан ишчи қалби ўртасида чуқур фарқ ётади ва мен онгли ишчига худди демократиянинг аслзодаларига қарагандек қарайман.

Айнан демократия орасидаги аслзодалар! — Мана, бизнинг мужиклар мамлакатимиздаги ишчининг роли қандай, мана, ишчи ўзини қандай ҳис қилиши керак. Афсуски, у ҳозирча буни ҳис этаётгани йўқ. Россия маданиятини ривожлантиришдаги ишчилар синфининг ролига мен берган баҳонинг юксак экани кўриниб турибди ва бу баҳони ўзгартириш учун менда асос йўқ. Бундан ташқари, менда ишчи одамга муҳаббат бор, у билан қондошларча муносабатни ҳис этиш бор, унинг буюк меҳнатига меҳр ва эҳтиром бор. Ва, ниҳоят, — мен Россияни севаман!

Халқ комиссарлари нафратомуз илжайдилар, ҳа, албатта! Бироқ бунга парво қилмайман. Ҳа, мен Россияни, рус халқини изтироб билан, хавотир билан севаман.

Биз, руслар, ҳали эркин ишлаб кўрмаган, ўзининг бор кучини, бор қобилиятини ривожлантириб улгурмаган халқимиз, ўйлайманки, инқилоб бизга эркин ишлашга, ижодга ҳар томонлама йўл очиб беради, бундан юрагим ҳатто мана шу қону винога беланган лаънати кунларда ҳам буюк бир умид ва қувончга тўлади.

Халқ комиссарларининг телбаларча фаолияти билан қатъий ва муроса билмайдиган мендаги келишмовчилик ана шундан бошланади.

Мен ғоявий максимализмни шўлтайган рус қалби учун жуда зарур деб ҳисоблайман, — у бу қалбда буюк ва дадил талабларни, аллақачонлар лозим бўлган салоҳиятни, фаолликни қўзғатади, бу бўшашган қалбда ташаббусни ривожлантиради ва, умуман, — уни муайянлаштиради, жонлантиради.

Аммо анархо-коммунистларнинг, Смольнийдаги хаёлпарастларнинг амалий максимализми — Россия учун, энг аввало рус ишчи синфи учун ҳалокати.

Халқ комиссарлари Россияга тажриба материалга қарагандай қарайди, улар учун рус халқи терлама бактерияси билан эмланган от, бактерияшунос-олимлар қонида терламага қарши сиворотка ишлаб чиқариши керак бўлган — тажрибадаги от. Айнан мана шундай бешафқат ва аввалдаги муваффақиятсизликка маҳкум бўлган тажрибани комиссарлар рус халқи устида ўтказмоқдалар, ўйламайдиларки, бу рамақжон, ярим оч бечора от ўлиб қолиши мумкин.

Смольнийдаги ислоҳотчиларнинг Россия билан иши йўқ, улар жаҳоний ёки Оврўпа инқилоби ҳақидаги хаёлларига Россияни совуққонлик билан қурбон қилмоқдалар.

Рус ҳаётининг ҳозирги шароитида ижтимоий инқилоб учун ўрин йўқ, ахир, “сим-сим, эшикни оч” дейиш билан ўнлаб миллион ёт-кўчманчи элатларни ўз ичига олган мамлакатнинг 85 фоизли деҳқон аҳолисини социалист қилиб бўлмайди-ку!

Бу — телбаларча тажрибадан энг аввало ишчилар синфи азият чекади, зеро у — инқилобнинг олдинги отряди ва у фуқаролар урушида биринчи бўлиб қирилиб кетади. Агар ишчилар синфи тор-мор этилиб, йўқ қилинса, бу — мамлакатнинг энг аъло кучлари ва умидлари яксон этилди деганидир.

Мана, мен, шу сабабдан ҳам мамлакатдаги ўзининг маданий ролини англайдиган ишчиларга мурожаат қилиб айтмоқдаманки, сиёсий саводли бўлган йўқсуллар халқ комиссарлари ҳукуматига муносабатини чуқур ўйлаб, текшириб кўриш керак, уларнинг “ижтимоий ижоди”га эҳтиёткорлик билан ёндашишлари лозим.

Менинг фикрим эса мана бундай: халқ комиссарлари Россия ишчилар синфини парчалаб, хароб қилмоқда, улар ишчилар ҳаракатини даҳшатли ва ахмоқона тарзда мураккаблаштирмоқдалар; уни ақл чегарасидан ташқарига йўналтириб, йўқсулларнинг келажақдаги барча ишлари учун ва умуман, бутун мамлакат тараққиёти учун енгиб бўлмайдиган оғир шароитларни вужудга келтирмоқдалар.

Тажрибакорлар ва хаёлпарастлар “ҳукумат”и ҳақидаги бу фикрларим учун мени нима деб аташларининг фарқи йўқ, лекин Россия ишчи синфининг тақдири менга фарқсиз эмас.

Токи имконим бор экан, мен рус ишчилар синфига таъкидлаганим-таъкидлаган:

— Сени ҳалокатга етакламоқдалар, сендан ўзларининг ноинсоний тажрибалари учун материал сифатида фойдаланмоқдалар, доҳийларнинг наздида сен ҳали инсон эмассан!

* * *

“Новая Жизнь”, II/225/-сон,
1918 йил, 17/30/ январ.

Бешафқатлик ёки нодонлик ниманики ўзида мужассам этса, уларнинг ҳамма-си гумроҳлар ва ёввойиларнинг ҳисларига доимо йўл топа олади.

Яқинда матрос Железняков, ўз доҳийларининг газаб тўла сўзларини оломоннинг жўн тилига ўгириб, рус халқи бахти учун миллион кишини ўлдириш мумкин, деди.

Мен, гарчанд, ўзим оммавий қирғинни оқлаш мумкин бўлган бундай ҳолатни қатъий тарзда рад этсам-да, мазкур баёнотни мақтанчоқлик деб ҳисоблайман, бирров — ўйлашимча, — бир миллион “эркин фуқарони” нимага ўлдирмаслик керак экан?

Русда одамлар кўп, қотиллар ҳам етарли, лекин гап уларни суд қилишга бориб тақалганда, халқ комиссарлари ҳукумати қандайдир сирли тўсиққа дуч келади, чамаси. Шингарёв ва Кокошкиннинг қабиҳларча ўлдирилиши юзасидан олиб борилган текшириш пайтида ҳам шундай тўсиққа учралган эди. Фикрлаши ўзига тўғри келмайдиганларнинг биттасини ҳам қолдирмай қириб ташлаш — рус ҳукуматлари ички сиёсатининг эски, синалган усули. Иван Грознийдан тортиб то Ни-

колай Иккинчигача бўлган барча сиёсий доҳийлар фикри исёнга қарши ана шу оддий ва қулай усулдан бемалол ҳамда кенг фойдаланиб келишган — хўш, нега энди Владимир Ленин бу жўнгина усулдан воз кечиши керак экан?

У бундан кечмоқчи ҳам эмас, душманларни йўқотиш учун ҳеч нарсадан ҳазар қилмаслигини очиқчасига айтмоқда.

Бироқ мен, бундай гаплар оқибатида биз бутун демократия ва ишчилар синфининг энг аъло қисми томонидан Смольнийдаги доҳийлар зўр бериб шакллантираётган ҳайвоний анархияга қарши олиб бориладиган узоқ ва шиддатли курашгагина эришамиз, деб уйлайман.

Мана, анархо-коммунистча шиорларни она ўлкамизнинг соддалаштирилган тилига қилинган таржимасида Россия учун қандай хатар бор!

* * *

Пр. — прапорщик ёки профессорми? — Роман Петкевич менга шундай деб ёзади: “Сизнинг большевиклар билан қилаётган баҳсингиз — жуда катта хато, сиз уйғонишга интилаётган миллат руҳига қарши курашмаясиз. Айнан большевикчиликда рус руҳининг асл хусусияти, ўзига хослиги акс этади. Эътибор қилинг: ҳар кимники ўзига! Ҳар бир миллат ижтимоий курашнинг ўзига хос, индивидуал, фақат ўша миллатгагина тегишли бўлган усул ва услубларини яратади. Французлар, италияликлар — анархо-синдикатчилар, инглизлар тред-юнончиликка мойил, олмонларнинг казармача социал-демократчилиги эса уларнинг ўз лаёқатсизлигига мос.

Биз эса, улуғ устозларимиз, чунончи, Достоевский ва Толстойлар каромат қилганларидек, зиммасига ҳаммадан олис ва ҳаммадан олдинги сафда бориш вазифаси юкланган пайғомчи-халқимиз. Айнан бизнинг руҳимиз дунёни тарих кишанидан озод қилади”.

Ва ҳоказо. Бу ёғи уруш бошланганида роса баланд чинқирган Москванинг янги славянсеварлари оҳангида давом этади.

Рус кишиси нақадар паноҳсиз!

* * *

“Новая Жизнь”, 43/258/-сон,
1918 йил, 16/3/ март.

Зиёлиларимизнинг маълум қисми рус халқ ижодини олмонча кўрсатма асосида ўргана бориб, тез орада, фикрловчи кишиларнинг бошқа бир қисмини русча ўзига хослик ғояси билан заҳарлаб, славянсеварлик, панславянчилик, “мессиячилик”ка етиб олишди. Бу фикрловчи кишиларнинг оврупоча фикр юритиб, русча ҳис этишлари уларни қўшлик, ичкиликбозлик, черковнинг тунд ақидалари руҳида тарбияланган ва зиёлилар орзуларига ёт бўлган “халқ”ни сентиментал тарзда ним севишга, ним эъзозлашга олиб келди.

Рус халқи, — ўз тарихий тараққиёти шарт-шароитига кўра, — давлат қуришга дидсиз ва ўзининг ихтиёрий хатти-ҳаракатларини хушахлоқроқ қилишга қобил бўлган ғоялар деярли таъсир этмайдиган улкан пўла вужуд; рус зиёлилари — бу вужуд билан орзулар ва мақсадлар бирлигининг мустаҳкам умуртқаси орқали эмас, балки қандайдир базўр илғанадиган ингичка асаб толаси воситасида боғланган, ёт фикрлар кўплигидан касалланиб, шишиб кетган қалла.

Бешафқат ҳаётдан зада бўлиб, меровлик даражасига бориб қолган, ижирғанарли тарзда сабр-тоқатли ва ўзига яраша муғомбиргина Москва халқи китобий илмларга бой, лекин рус ҳаётини билиш борасида қашшоқ тоифа — Россия зиёлисига руҳий жиҳатдан бутунлай ёт эди, шундайлигича қолади. Вужуд ерга қапишиб ётибди, қалла эса юксак осмонга тегиб турибди, — узоқдан эса, маълумки, ҳаммаси яқиндан қарагандагидан яхшироқ кўринади.

Албатта, биз ижтимоий инқилоб тажрибасини амалга оширяпмиз, бу — мазкур гўзал ғоя жинниларини ниҳоятда тинчлантирадиган ва қаллобларга жуда фойдали бўлган машғулот. Маълумки бизнинг ўзига хос инқилобимиздаги энг шов-шув-

ли ва ҳаяжон билан юракка яқин олинадиган даъват: “Талончилик қилиб, йиғилганни тала!” деган шиордир.

Ҳайратда қоларли даражада артистона таламоқдалар; шубҳа йўқдирки, Русдаги бу ўз-ўзини талаш жараёни ҳақида тарихда буюк бир эҳтирос билан сўйланажак.

Черковлар, ҳарбий музейларни талаб, сотиб юбормоқдалар, тўпу милитиқларни сотишяпти, интендант заҳираларини ўғирлашяпти, собиқ улуғ князлар саройларини таламоқдалар, ниманики сотиш мумкин бўлса — сотмоқдалар, Феодосияда аскарлар ҳатто одамлар билан ҳам савдо қилишяпти: Кавказдан турк, арман, курд аёлларини олиб келиб ҳар бирини 25 сўмдан сотишяпти. Бу ниҳоятда “ўзига хос” ва бу билан биз фахрлансак арзийди — бунга ўхшаш нарса ҳатто Улуғ Француз инқилоби даврида ҳам рўй берган эмас.

Бизда доимо камчил бўлган ҳалол одамлар ҳозирги пайтда бутунлай йўқолиб кетди; яқинда қуйидагига ўхшаш таклифни эшитиб қолдим:

— Биз томонларга келинг, ўртоқ, бизда уч нафар ишчидан бошқа ҳалол одам йўқ!

Мана шу ожиз, гумроҳ, анархиячиликка табиатан мойил халқ бугун дунёнинг мойил бошқарувчисига, Оврупанинг пайғомчиси бўлишга даъват этилмоқда.

Бундай қараганда, бу кулгили ва сентиментал гоё халқ комиссарларининг фожиавий ўйинларини чалкаштириб юбормаслиги керак эди. Бироқ “халқ доҳийлари” нам тортган рус саржинларидан гулхан ёқиш ниятини яширмаяптилар, уларнинг наздида бу олов биздагига, Русдагига қараганда ижтимоий ижод гулхани ёрқин ва оқилона ёниб турган Фарб дунёсини ёритиши лозим.

Гулханни ёқдилар, у ёмон ёнаяпти, исқирт, маст-аласт ва бешафқат Руснинг қўланса ҳидини бурқситмоқда. Мана шу бахтиқаро Русни дунёни қутқариш мақсадида хочга парчинлаш учун Голгофга туртиб-итариб судрамоқдалар. Бу, ахир, юз от кучига эга “мессиячилик” эмасми?

Фарб дунёси эса қаттиққўл ва ишонувчанликдан йироқ, у сентиментал ҳисларни бутунлай тан олмайди. Фарб дунёсида одамни баҳолаш иши жуда оддий: сиз ишлашни севасизми, ишлашни биласизми? Агар шундай бўлса — сиз дунёга зарур одамсиз, айнан сиз ўз кучингиз билан барча қимматли ва гўзал нарсаларни ярата олишга қодир одамсиз. Ишлашни севмайсизми, ишлашни билмайсизми? Ундай бўлса, барча бошқа сифатларингизга қарамай, улар қанчалик ажойиб бўлмасин, сиз дунё устахонасидаги ортиқча одамсиз. Бор гап мана шу.

Россияликлар эса ишлашни ёқтирмайдилар, ишлашни билмайдилар ва уларнинг бу хусусияти Фарбий Оврупо дунёсига кундек равшан, шундай экан, бизнинг аҳволимиз жуда ёмон, ҳатто кутганимиздан ҳам ёмонроқдир.

* * *

Бизнинг инқилобимиз монархиянинг кўрғошин томи остида йиғилиб қолган барча ярамас, ҳайвоний ҳиссиётларга кенг йўл очиб берди ва айни пайтда, демократиянинг барча интеллектуал кучларини, мамлакатнинг барча ахлоқий қувватини ўзидан нарига итқитиб ташлади. Биз шўролар ҳокимиятнинг хизматчилари орасида гоҳ у кун, гоҳ бу кун порахўрларни, чайқовчиларни, каззобларни қўлга олишаётганини, ҳалол ишлашни биладиган одамларнинг эса, ишсизлар оммасини кўпайтириб, очликдан ўлмаслик учун кўчаларда газета сотаётганини, жисмоний меҳнат билан шуғулланаётганини кўриб турибмиз.

Бу — даҳшат, соф русча бемаънилик, бу — фирт тентаклик десангиз ҳам гуноҳкор бўлмайсиз!

Барча ҳаёт шарт-шароити демократик кучларнинг бирлашуви зарурлигини бир ҳукмдек таказо этмоқда, фақат демократик кучларнинг жисплашувигина инқилобни тўлиқ ҳалокатдан қутқариши, унга ички душманларни энгиб ўтишга ва ташқи ёвлар билан олишишга имкон бериши ҳар қанақанги эс-хуши жойида одамга аниқ равшан. Аммо шўролар ҳокимияти фақат ўзини муқаррар ҳалокатдан қутқариш билангина машғул бўлиб, буни тушунмаётир.

Нигоҳини олис келажакка қаратган ҳолда, у келажак бугундан яратилиши ҳақида унутиб қўяётир. Бугун мамлакат ўзаро хунрезлик туфайли тумтарақай бўлиб кетган ишчилар синфига, туб-тубигача вайронага айланган sanoатга, ҳай-

воний ҳиссиётга берилган одамлар оқимига ва талончиликка ташлаб қўйилган қип-ялонғоч давлатга эга.

Ҳокимият бундай одамлар билан курашишга ожиз, “дафъатан” қанчалаб ҳеч бир гуноҳи йўқ одамларни отмасин, у — ожиз.

Токи у ҳаётни қуриш ишига рус демократиясининг барча интеллектуал кучларини жалб этишга қарор қилмас экан, бу курашда ожиз бўлиб қолаверади.

* * *

“Новая Жизнь”, 82/297/-сон,
1918 йил, 3 май /20/ апрел.

Қайси куни аллақандай баттол донишмандлар “Мен шўролар ҳокимиятини тан олмайман!”, деб ўз фикрини очиқчасига ва ҳалол эълон қилган ўн етти яшар йигитчани ўн етти йиллик мажбурий меҳнатга ҳукм қилдилар.

Комиссарлар ҳокимиятини тан олмайдиган одамлар Россияда ўнлаб миллион кишини ташкил этиши ва уларнинг ҳаммасини йўқотиш мумкин эмаслиги ҳақида гапирмаган тақдиримда ҳам, мен қаттиққўл, бироқ оқилликдан йироқ ҳакамларга улар томонидан шу қадар бемаъниларча шафқатсизлик билан маҳкум этилган бу ҳалол йигитчанинг қаёқдан пайдо бўлганини эслатиб қўйишни фойдали деб билман.

Бу йигитча ўн йиллар мобайнида полиция назорати, жосуслик, сотқинлик шароитида ўз озодлигини, ҳаётини хавфга қўйиб, ишчи ва деҳқонларнинг гумроҳ оммасига эркинлик, ҳуқуқ, социализм ғояларини сингдириб, монархиянинг кўрғошин турмасини толмай вайрон қилиб келган тўғри сўз ҳамда кўрқмас одамларнинг асл авлодидир. Бу йигитча душман томонидан қўлга олиниб, турмаларда азоб чеккан маҳалида, ғолиб келган душманга нафрати туфайли сўроқ пайтида жандарма билан гаплашишдан бош тортган одамларнинг маънавий давомчисидир.

Бу йигитча сургун, турма ҳамда каторгалардан қайтмаган юзлаб ва минглаб асл одамларнинг суяклари устида биз эндиликда янги Россияни қурмоқчи бўлаётган энг яхши рус кишиларнинг юксак намунаси воситасида тарбияланган.

У — романтик, идеалист, унда зўравонлик ва алдовнинг “реал сиёсати”, атрофда каззоблар ва шарлатонлар ўраб олган қотиб қолган ақидалар қулларининг сиёсати қон-қонида нафрат уйғотади.

Рус ҳаётининг ярамас шароитида мард ва ҳалол йигитчани тарбиялаб вояга етказиш учун жуда катта маънавий куч сарфлаш, деярли бир аср зўр бериб ишлаш лозим бўлган эди.

Мана энди кимларни деб шу иш қилинган бўлса, ўша одамлар, ҳалол душман тубан дўстдан яхши эканини тушунмай, қутилганидек, — эркинликни оёқ ости қиладиган ҳокимиятни тан ололмайдиган ва тан олишни хоҳламайдиган мард йигитчани маҳкум этдилар. Асрий эман остидаги чўчқа ҳақида оқилона масал бор, нодонлардан доно ҳакамлар уни ўқиб чиқишга эҳтимол вақт топарлар? Улар учун ана шу масалдан чиқарилган қиссадан ҳисса билан танишиш зарурдан зарур...

* * *

“Новая Жизнь”, 109/324/-сон,
1918 йил, 6 июль /24/ май.

Бизнинг кунлардаги инқилобчилар ишини кузатиб, улар икки хил эканини аниқ фарқлайсан киши: бирлари — умрбод инқилобчилари, иккинчилари — вақтинчалик, шу бугуннинг инқилобчилари.

Уларнинг биринчи хили ўзида Прометейнинг инқилобий ибтидосини мужассам этган ва инсониятни комишликка қараб ҳаракатга келтирувчи ўтмишдаги барча ғояларнинг маънавий меросхўри ҳисобланади. Бу ғоялар нафақат унинг ақлида, балки ҳиссиётларида, ҳатто онг тубида тажассум топган. У — ўсиб борувчи чек-

сиз ғоялар занжиридаги бир жонли титроқ халқа, у ҳар қандай ижтимоий тузумда ҳам ўз ҳиссиётлари ва фикрлари тажассумининг талаби билан бутун ҳаёти мобайнида қоникмасликка мажбур, зеро у инсоният сўнгсиз тарзда яхшидан яна ҳам яхшироқ нарса ярата бориш иқтидорига эга эканини билади ва бунга ишонади.

У абадий ёш ҳақиқатни ниҳоятда теран, ҳиссий ва жисмонан ёниб севади, лекин бу севгини кечмишдаги ўлик ҳақиқат қулига айланган ёки умри тугаган нарсага даволаб бўлмайдиган даражада меҳр қўйган одамларнинг қалбию миясига мушт билан киритишга уринмайди. Умуман, одамлар унинг учун — янги сезгилар, фикрлар, ғоялар, нарсалар, турмуш шакллари абадий ижод қиладиган битмас-туганмас жонли, асабий куч. У ер юзидagi одамлар калла суякларига жойланган дунёнинг мияси қанча бўлса ҳаммасини руҳлантгиришни, жонлантгиришни истайди. Бироқ бу ягона ва ҳақиқатан ҳам инқилобий мақсадни кўзлаб иш кўрар экан, у инсонга нисбатан зўравонликнинг у ёки бу усулидан фақат тийиб бўлмайдиган зарурат юзасидангина, шунда ҳам ҳар қандай зўравонликдан, табиий жирканиш ҳиссини туйган ҳолда мурожаат қилади.

У, ажойиб рус мутафаккирларидан бири айтганидек, “тарихдаги даҳшат, ундаги энг катта бахтсизлик — инсоннинг шафқатсизларча ҳақорат қилганида” эканини, уни яратиб, олам биёбонидаги йиртқичлар орасига йиртқич қилиб ташлагани, унинг ривожланиши ва камол топишига ҳамма йиртқич учун бир хил бўлган шароитни тақлиф этган табиат томонидан, табиат кучлари қошидаги қўрқуви қувончдан шоша-пиша, ўқувсизларча, ўта “ўз қиёфасио, ўзига ўхшатиб” ўзи яратган маъбудлари томонидан, қув, кучли ўз яқини ва ҳаммасидан алам қиладигани — қадимий йиртқич ва янги инсон оралиғидаги ўз иккиланишлари орқали ўз-ўзи томонидан чексиз ҳақорат қилинганини жуда яхши билади.

Бироқ абадий инқилобчида одамларга нисбатан шахсий гараз бўлмади, у доимо шахсийликдан баланд тура олади ва ўзига одамлар етказган қийноғу азоблар учун улардан ўч олишдек майда, ёвуз орзунга енга билади.

Унинг идеали — инсон, жисмонан кучли, чиройли йиртқич, аммо унинг бу жисмоний ҳусни маънавий қудрат ва гўзаллик билан тўлиқ уйғунликда намоён бўлади. Инсонийлик бу — маънавийлик, ақл билан яратилган ҳодиса; зеро фан, санъат ва тобора кўпчилик одамлар ғира-шира ҳис этиб бораётган мақсадлару манфаатлар бирлигини англаш — ақл-идрокдандир. Абадий инқилобчи ўзининг бор руҳий қуввати билан ана шу англашни чуқурлаштириш ва кенгайтиришга интилади. Токи бу англаш бутун инсониятни қамраб олсин, токи у одамларни ирқ, миллат ва синфларга бўлиб юборган нимаики бўлса, ўшанинг ҳаммасини бузиб ташлаб, барча хазиначилару ҳаёт қувончларини бу дунёда ўзи учун яратадиган хизматкор-хўжайинларнинг ягона оиласини бунёд этсин.

Турмушдаги ижтимоий шароитнинг яхшиланиши абадий инқилобчи учун инсониятни зарур бўлган юксакликка олиб чиқадиган чексиз зинадаги фақат бир босқич холос ва у шахсан ўзи сон-саноксиз заруратлардан бири бўлган тарихий жараённинг маъноси айнан мана шунда эканини ёдидан чиқармайди.

Абадий инқилобчи, бу — инсоният мияси ва асабларини мунтазам жунбушга келтириб турувчи хамиртуруш, у — ё ўзигача яратилган ҳақиқатларни емириб; янгисини бунёд этувчи даҳо ёки — истиқбол йўлини секин, баъзан деярли кўзга ташланмайдиган зиёдек ёритиб тугайдиган, ўз кучига хотиржам ишонадиган камтарин инсон.

Вақтинчалик, шу бугун учунгина хизмат қилувчи инқилобчи эса ижтимоий алам ва ҳақоратларни одамлар етказган изтиробларни ўтқир аламзадалик билан ҳис этувчи киши. Вақт тақозо этган инқилобий ғояларни ақлига жо қилган ҳолда, у маданий, инсонпарварона, умуминсоний мазмунини худди атайин бузиб талқин этиш, расво қилиш, кулгили, бачкана ва ўпоқ-сўпоқ бир нарсага айланттириш учун одамлар орасига келган ғамгин, кўпинча трагикомик манзарани ўзида мужассам этган, бутун сезгилар тизими ила консерватор кимса.

У энг аввало ўзидан хафа: истеъдодсизлигидан, кучсизлигидан хафа, уни ҳақорат қилишгани, ҳатто бир маҳаллар турмада ётгани, сургунда бўлгани, оғир муҳожирликни бошидан кечиргани учун хафа. У қасос ҳисси билан бўккан булутга ўхшайди ва ўзини хафа қилганлардан ўн чандон ўч олишга тайёр. Фақат ақли орқали қабул қилган, лекин қалбига кириб бормаган ғоялар унинг қилмишларига тўғридан-тўғри ва келишмайдиган даражада қарама-қарши туради, унинг душ-

манлари билан кураш усуллари ўша-ўша — ўзига нисбатан душманлар қўллаган усуллар, бошқа усуллари у тасаввурига сиғдирилмайди.

Вақтинча исён кўтарган жазоловчи, қасоскор маъбуднинг қули бўлароқ, у шафқат, кечиримнинг ва қувонч маъбудининг гўзаллигини ҳис қилмайди. Кечмиш дунё билан ўзининг узвий боғлиқлигини ҳис этмасдан, у ўзини бутунлай озод деб ҳисоблайди, лекин ич-ичидан ҳайвоний инстинктларнинг оғир консерватизми билан кишанланган, ўзи юқори туришга ожиз бўлган майда, фарзли таассуротларнинг қалин тўри билан чирмаб ташланган. Ундаги фикрлаш йўсини уни ҳаётдан аввало жирканч ҳодиса ва томонларни қидиришга мажбур қилади; у қалбининг туби-тубидан ўзгалар азобини илгаш ёки қадрлаш учун жуда кўп изтироб чеккан одамга, уни деб бир марта ёки юз марта жафо кўрган одамга нафрат билан тўлиб тошган. Ижтимоий турмушнинг зоҳирий шакллари ўзгартиришга интилиб, шу бугуннинг инқилобчиси, янги шакллари янгича мазмун билан тўлдиришга, уларга ўзи қарши курашган ҳисларни киритишга қодир эмас. Бордию унга мўъжиза ёки зўравонлик билан янги турмуш яратиш насиб этса, у биринчи бўлиб ўша турмуш шароитида ўзини ёт ва танҳо ҳис этган бўлур эди, зеро моҳиятига кўра у социалист эмас: шахсиятпарастдир.

Истеъдодсиз олим бешафқат илмий тажрибалар учун белгиланган ит ва бақаларга қандай муносабатда бўлса, у одамларга нисбатан шундай муносабат қилади, фақат фарқ шундаки, қобилиятсиз олим ҳайвонларга ҳақиқатан ҳам инсон манфаати йўлида азоб берса, шу куннинг инқилобчиси эса одамлар устида олиб бораётган тажрибасига ҳар доим ҳам ҳалол ёндошавермайди.


Одамлар унинг учун — материал, унга одамлар қанча маънавиятсиз бўлса, шунча қулай. Агар инсоннинг шахсий ва ижтимоий ўзини англаши бу соф ташқи, номигагина бўлган инқилобийликка қаршилик кўрсатиш даражасига кўтарилса, бир кунлик инқилобчи, ўзига ўхшаганларнинг кўпдан-кўп вакиллари қилгани каби, уялмай-нетмай, қарши турганларни жазолаш билан дўқ урадилар.

У — совуқ мутассиб, зоҳид, у инқилобий ғоянинг ижодий кучини қириб-қиртишлаб ташлайди, шубҳасизки, у янги тарих ижодкори деб номланмайди, янги тарихга идеал қаҳрамон бўладиган одам у эмас.

Эҳтимол, унинг хизматлари одамлар оммасида қадимий бешафқат йиртқични уйғотиб, шу билан инсондаги йиртқичлик ибтидосининг ўлимини яқинлаштирганидадир.

Шафқатсизлик чарчатади ва ниҳоят, ўзига нисбатан табиий жирканиш ҳиссини туғдириши мумкин, унинг ҳалокати мана шу жирканишдадир.

Биз, назаримда ҳар қандай қонхўрликка, бешафқатликка, ифлосликка ўзимизда айнан жисмоний жирканчни уйғота бошладик, эндиликда ана шу жирканиш ҳисси кўпчилиكنинг тамойилига айланиб бориши керак.



И.ГОЛЬДЦИГЕР

Ислом ҳақида маърузалар

VI 606

СЎНГГИ ҲОДИСАЛАР

“Ахлоқий ғояларнинг келиб чиқиши ва ривожи” деган китобнинг VII бо-бида Эдуард Вестермарк ғояларнинг илк бор чиқиб келиши ахлоқ ва қонун ҳақидаги тушунчаларни ишлаб чиқишга қандай таъсир кўрсатишини тадқиқ қилган. “Ибтидоий жамиятда урф-одат қонун ўрнини босади ва ҳатто ижтимоий жиҳатдан уюшган гуруҳ баъзи бир муваффақиятларни қўлга киритган тақдирда ҳам урф-одат одамларнинг хулқ-атворини белгилайдиган ягона қоида сифатида қолиши мумкин”.

Вестермарк хилма-хил адабий ва тарихий маълумотларга таяниб туриб, ахлоқий ва ҳуқуқий қоидаларнинг аҳамиятини батафсил ёритиб берган. Тўғри, йўл-йўлакай у араб ва туркийнамо бадавийларнинг қарашларига ҳам тўхтаб ўтади. Бироқ, у ўзи ўрганаётган масаланинг таъсири яққол намоён бўладиган соҳага етарли эътибор бермаган — бу суннат тушунчаси ва унинг араблар учун, бинобарин, бутун ислом учун аҳамияти масаласидир.

Қадим-қадим замонлардан бери турмуш масалаларида хатти-ҳаракатларнинг тўғрилиги ва қонунийлигини араблар ота-боболардан мерос бўлиб келаётган меъ-

НОДИРА
таржимаси

Ислом дини пайдо бўлиши биланоқ бутун дунёда катта қизиқиш уйғотди. Дастлабки пайтларда бошқа баъзи бир динлар зўрлик йўли билан исломнинг йўлини тўсмоқчи бўлган бўлсалар-да, кейинчалик бу иддаоларидан қайтдилар ва исломни кенг кўламада ўрганиш йўлига кирдилар. Данте, Вольтер, Гёте каби буюк ақл эгалари дини ислом ҳақида, унинг асосчилари тўғрисида асарлар яратди. Бу қизиқиш кейин ҳам сусаймади. Айниқса, XIX ва XX асрларда бутун жаҳон бўйлаб исломни кенг ва теран ўрганиш давом этди. “Қуръони карим” кўп тилларга таржима қилинди, Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаётига бағишланган тадқиқотлар майдонга келди. Ғарб олимлари ислом динининг фалсафасини ва тарихини ёритувчи, шариат қонун-қоидаларини очиб берувчи қимматли асарлар яратдилар. Жумладан, инглиз ва немис тилларида жуда катта илмий ва маърифий аҳамиятга эга бўлган Ислом қомуслари яратилди, инглиз, немис ва француз тилларида бутун бошлиқ исломшунослик фани шаклланди. Россияда ҳам исломга қизиқиш XIX аср бошларида пайдо бўлди. Жумладан, 1825 - йилдаёқ Америкалик ёзувчи Вашингтон Ирвингнинг “Муҳаммаднинг ҳаёти” деган китоби инглизчадан рус тилига таржима қилиниб, алоҳида китоб сифатида босиб чиқарилди. Бу қизиқиш кейин ҳам сусайгани йўқ. Унинг бир мисоли сифатида Будапешт университетининг профессори, Петербург фанлар академиясининг аъзоси И.Гольдцигернинг “Исломдан маърузалар” деган китоби-ни эслаш мумкин. Китобни немис тилидан рус тилига

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

141

ёрлар ва одатлар асосида баҳолар эди. Фақат мерос бўлиб келаётган қарашлар ҳамда расм-русумларга хилоф бўлмаган нарсаларгина чин ва адолатлидир. Ҳамма нарса суннат деб аталувчи қадимий қарашлар ва расм-русумларга, урф-одатларга мувофиқ келмоғи керак. Бу улар учун муқаддас қонун ҳуқуқ ва диннинг ягона манбаи, урф-одатларнинг муқаддас нурларига йўғрилган бузилмас қоидалардан чекиниш - гуноҳи азим ҳисобланади. Хатти-ҳаракат ва хулқ масалаларига нисбатан тўғри деб ҳисобланган нарса шу асослардан келиб чиққан ҳолда ота-боболардан мерос бўлиб қолган қарашларга нисбатан ҳам тўғридир. Жамоа бу соҳада ҳам авлод-аждодларнинг қарашларига мувофиқ келмайдиган ҳеч нарсани қабул қилмаслиги керак.¹

Шу нуқтаи назардан қарасак, Макка аҳолиси Муҳаммад Расулиллоҳга нима учун эътироз билдирганини тушуниш мумкин. Муҳаммад Расулиллоҳ уларга дўзах, жаннат ва қиёмат ҳақида ваъз ўқиган экан, одамлар бунга кўпинча ота-боболаримиз бунақа нарсалар тўғрисида ҳеч нарса эшитган эмас, биз фақат ота-боболаримиз изидангина боришимиз мумкин деб эътироз билдиришган экан.

Қадимги ривоятлар қаторида пайғамбарнинг ваъзи улар учун *din mudath*, яъни мутлақо янги диний қараш бўлган ва шунинг учун ҳам баъзилар уни дабдурустдан қабул қилган эмас.

Суннатга асосланган онгни шундай ҳодисалар қаторига киритмоқ мумкинки, Герберт Спенсер уларни “репрезентатив ҳис қилиш” деб атаган эди. Бунинг маъноси шуки, репрезентатив ҳис қилиш “инсониятнинг маълум қатламида юз йиллар мобайнида йиғилиб қоладиган ҳосиладир ва ирсий инстинктда ҳамда ўзи аллақачон авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтадиган индивидуумда қуюқ ифодасини топадир”.

Араблар суннат тушунчасини эски суннатни парчалаб ташлаган исломга олиб киришди ва бу тушунча, албатта, анча ўзгарган ҳолда қонун ва динда исломий

¹ Қаранг: Kultur der Yegenwart, 100. Бундай кайфият ҳозир ҳам маърифат таъсиридан четда қолган араблар ўртасида ҳукмронлик қилади. Улар истиқомат қиладиган турли жойларда “суннат” тушунчасини ифодалаш учун бу маънода *silf* сўзини, яъни “ота-боболарнинг одати” деган маънони билдирувчи сўзни ишлатадилар. Landberg, “Etudes sur les dialectes de l'Arabie meridionale”, 11. (Лейден, 1909)

А.Чернова таржима қилган. У 1912 йилда “Брокгауз-Ефрон” нашриётида чоп этилган. Унда “Муҳаммад ва ислом”, “Шариатнинг ривожи”, “Ақидапарастликнинг ривожи”, “Аскетизм ва тасаввуф”, “Мазҳаблар ва мазҳабчилик”, “Сўнгги ҳодисалар” деган боблар бор. Гольдцигернинг китоби фактик материалларга бой, у нафақат Оврўпа манбаларини, балки араб ва бошқа шарқ манбаларини ҳам кенг ўрганган. Натижада, китобини бугунги китобхонагунча маълум бўлмаган тарихий фактлар билан бойитган. У, албатта, китобида ислом муаммоларига бир немис муаллифи сифатида, унинг кўзи билан қараб, унинг мавқеидан келиб чиқиб ёндашади. Бироқ бундай муносабат муаллифни бир томонламаликка ёхуд субъективизмга олиб келмайди. Китоб нашр қилингандан бери 90 йил ўтди. Бу муддат ичида, албатта, кўп сувлар оқиб кетди, китобда тилга олинган ваҳобийлик, баҳойлик мазҳаблари ҳам хийла ўзгарди, баъзиси кенгроқ ёйилди, баъзиси инқирозга учраб кучини йўқотди. Шубҳа йўқки, бугунги исломшунослик илми, шу жумладан, ўзбек уламолари ҳам Гольдцигернинг китобидаги масалалар ҳақида бугун кенгроқ ва теранроқ тасаввурга эга. Шундоқ бўлишига қарамай, мазкур китобнинг сўнгги бобини диққатингизга ҳавола этаётган эканмиз, исломшунослик тарихида муайян ўрин тутувчи асарнинг парчаси билан танишиш фойдадан холи бўлмас деб ўйладик. Аминмизки, бугунги зукко китобхон керакли ўринларда масалага танқидий кўз билан қараб, маърифий жиҳатдан ўзи учун фойдали ахборот олабилади.

қарашларнинг асосини ташкил қилди. Исломда маъжусий сунналарга таяниб бўлмас эди. Унинг асосий таянч нуқтаси бошқа нуқтага — исломнинг энг кекса тарафдорлари авлодининг таълимоти, қарашлари ва урф-одатларига кўчирилди. Бу авлод чинакам араб суннатларига қараганда мутлақо бошқа тарздаги суннатнинг асосчиси бўлган эди. Шу пайтдан бошлаб, раҳнамо бўладиган омил сифатида, фақат пайғамбар, кейинроқ эса, саҳобалар тутган йўл ва яхши амаллар суннат деб қабул қилина бошланди. Бу тўғридаги саҳиҳ маълумотларни кейинги авлодларга ҳадислар етказиб беради — ҳадисларда Муҳаммад Расулиллоҳнинг ва саҳобаларнинг ҳақиқат ва қонун ҳақидаги сўзлари ҳамда фаолиятлари тўғрисидаги маълумотлар сақланиб қолган. Тўғри, ислом қонунларини илк бор ишлаб чиқаётган энг қадимги даврларда гумонли ҳадислар мавжуд бўлса ёхуд ишончли ижобий ривоятлар топилмай қолса, қонун тадқиқотчиларининг эркин хулосаларига ва қарашларига бемалол йўл қўйишга интилишлар ҳам сезилади. Аммо чинлиги шубҳа туғдирмайдиган ривоятлар мавжуд бўлса ва шу туфайли бўлар-бўлмас хулосаларни аралаштиришга ҳожат қолмаган тақдирда ҳеч ким суннатларнинг устивор ҳуқуқини инкор қилиш даражасига бориб етган эмас.

Бу маънода исломда суннатга эҳтиёж “репрезентатив ҳис қилиш”га айланди. Батавфиқ мўмин-мусулмонларнинг асосий ташвишлари фақат суннатга амал қилиб иш юритиш, фақат суннат талаб қилгандай хатти-ҳаракат қилиш бўлиб қолди. Улар суннатга зид бўлган ёки унда таъдигини топмайдиган ҳар қандай ишни четлаб ўтишга интила бошлашди. Эски одатларга, суннатга зид ёки ҳилоф бўлган ҳар қандай нарсани улар *бидъа* деб атай бошладилар. Бидъат дегани янгилик дегани бўлиб, у имон соҳасида ҳам, кундалик турмушнинг энг майда икки-чикирида намоён бўлмоғи мумкин.¹

Қонуннинг қатъиятли тарафдорлари қандай шаклда намоён бўлишидан қатъий назар, ҳар қандай бидъатни рад этганлар, чунки улар бидъатни — авлод-аждодларнинг қарашларида ёки урф одатларида мавжуд бўлганини исбот қилиб бўлмайдиган нарса деб ҳисоблашган.

2. Бунақа қатъийликни талаб қилиш назарий жиҳатдангина осон эди. Амалда эса, ҳақиқий ҳаётда ҳар қадамда тўғрилигига ҳеч ким шубҳа билдирмайдиган шу назария билан тўқнашувга тўғри келади. Ибтидоий замонлардаги жўн ҳаёт ва фикрга, сўнгра эса, ўтмишнинг ўзлаштириш ва қайта ишлаб чиқиш зарур бўлган хилма-хил шароитдан бошқа шароитларга эга бўлган ва мутлақо бошқа-бошқа муносабатларга олиб келган мамлакатлар ҳамда даврларда ҳаётнинг ривожланиши, тажриба тўпланиши - орадан кўп ўтмасдан қотиб қолган суннат тушунчаларини ҳуқуқ ва ҳақиқатнинг ягона меъёри сифатида қўллаш бобидаги мунтазамликда муайян ўпирилишлар борлигини намоён этмоғи керак эди. Бу масалада ён беришлар, кўп масалаларда нозик фарқларга эътибор қилишлар бошландики, бу анча мунча бидъатларга қонун тусини бериш имконини туғдирди, бу эса ўз навбатида суннатга садоқатни сақлаб қолган ҳолда улар учун эшикларни кенг очиб берди. Шундай назариялар вужудга кела бошладики, уларда бирон бир бидъат қандай шароитда маъқул топилиши ва ҳатто гўзал ҳамда мақтовга лойиқ деб ҳисобланиши мумкинлиги кўрсатиб бериларди. Бу масалада диншунос ва илоҳшуносларнинг закийлиги жуда иш берди.

Мана шу интилишларни бир-бирига қовиштирувчи омил сифатида *ижма*² тушунчаси майдонга келди. Агар бирор одат узоқ вақтдан бери ҳамма томонидан тан олиниб, яшаб келаётган бўлса, охир-оқибат, у суннатга айланиб қолади. Бир неча авлодлар ҳаёти давомида батавфиқ илоҳшунослар уни бидъат сифатида дабдала қилдилар, лекин вақт ўтгандан кейин уни ижманинг унсури сифатида тан ола бошладилар. Энди унга бидъат сифатида эмас, балки бутунлай тескари томондан қарашади, кимда-ким қадимни тиклашни талаб қилса, уни “янгилик олиб кирувчи” (*мубтади*) сифатида қоралашади.

¹ Суннатнинг қатъиятли тарафдори ҳатто энг оддий нарсани ҳам ривоятлар нуқтаи назаридан тўғри эканини исбот қилиб беришни талаб қиларди, яъни “унинг қаердан келиб қолганини” айтиб бермоқ шарт эди. Ибн Саъд, VI. Бу маънода суннатга зид деб ҳатто янгича кўришиш қондалари ҳам рад этилди.

² Курсив билан берилган атамалар муаллифнинг асаида айнан шундай келтирилган (тарж.)

Бунинг яққол мисоли сифатида бутун ислом дунёсида байрам тарзида нишонланадиган Роби-ал-аввал ойининг бошланишидаги Пайғамбарнинг таваллуд куни-мавлудни кўрсатиш мумкин. Бу халқ байрами, лекин унда дин арбоблари ҳам иштирок этади. Ҳали ҳижрий ҳисобида V асрда ислом уламолари ўртасида суннат нуқтаи назаридан унинг қонунийлиги масаласида баҳслар борар эди. Кўпчилик уламолар уни бидъат сифатида қоралар эдилар. Бу байрамни ёқлаб ёки қоралаб фатволар ёзиларди. Ушандан бери бу байрам халқнинг хоҳиши билан исломий ҳаётнинг ажралмас таркибий қисмига айланиб қолди. Эндиликда бу байрамни ёмон маънода бидъат деб аташ ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайди. Худди шу гапни кейинги асрларда кириб келган бошқа диний байрамлар ёхуд маросимлар ҳақида ҳам айтиш мумкин. Улар аввалига узоқ вақт бидъат муҳри билан юргандан сўнггина катта қийинчиликлар билан тан олинган.

3. Умуман олганда, айтиш мумкинки, ислом пешволари суннат тушунчаси олдида ҳар қанча таъзим қилишмасин, замоннинг ўзгариб турувчи талабларидан, ҳаётнинг янги пайдо бўлувчи шарт-шароитларидан ҳадеб ўзгарлик билан юз ўгираверган эмаслар. Шу ҳол эътиборга олиннадиган бўлса, ҳамиша бир алфозда ўзгармай қотиб қолганликни ислом қонунларининг хусусияти деб ҳисоблаш тўғри бўлмайди.

Қадимги даврлардаёқ давлат-ҳуқуқ масалаларида ва хўжалик тизимида ислом пайдо бўлган илк даврларда расм бўлган урф-одатлар қолиpidан чиқишга тўғри келиб турган. Янгидан пайдо бўлувчи шароитга мослашиш заруриятини ҳамма ҳам суннат руҳига тўғри келмайдиган ён бериш сифатида рад қилаверган эмас.

Уламолар тан оладиган тўрт мазҳабнинг бирида, яъни Малик бинни Анас номи билан боғлиқ мазҳаб шариятни қўллашда белгилувчи принцип жамоа манфаати деб эътироф қилинади. Агар жамоат манфаати қонун белгилаб қўйгандан кўра бошқачароқ қарор қабул қилишни тақозо этса ва бу ҳол исбот қилиб берилса, белгиланган қонун нормаларидан чекиниш ҳам мумкин (Рим ҳуқуқидаги “*coггигере јus рrортег utilitatем рublісаm*”). Тўғри, бу эркинликдан янги пайдо бўлиб қолган айрим ҳоллардагина фойдаланиш мумкин ва бу мутлақо қонунни бекор қилмайди, бироқ белгиланган принцип ўз-ўзича олганда ҳам қонун ичида муайян бир юмшоқликка йўл қўйилиши мумкинлигига ишора қилади. Жуда машҳур ва атоқли уламо ал-Зурконийнинг (вафоти — 1122-1710 йилда Қоҳирада) муҳим мулоҳазасини хотирдан чиқариш керак эмас. У Маликнинг кодексига (Muwatta) ёзган шарҳнинг бир жойида жуда аниқ қилиб айтадики, янгидан содир бўлувчи воқеалар муносабати билан янги қарорлар қабул қилиниши мумкин; “қонунларнинг шароитга мослашишида ҳеч қандай ғалати нарсани кўриш керак эмас” дея хулоса қилади у.

Шундай қилиб, ислом учун шарият нуқтаи назаридан “янгиликлар” ва ислоҳотлар эшиги ёпиб қўйилган эмас. Ва бу эркинлик мусулмонлар ҳаётида ғарбнинг маданий муассасаларидан янги нарсаларни ўзлаштиришга йўл очади. Тўғри, ҳар гал ҳар бир муайян ҳолатда жаҳолат намояндаларининг қаршилигига учраган, аммо охир-пировардида атоқли фикҳ уламоларининг расмий фатволари билан эътироф этилган ва шу билан ўта мутаассиб кучларнинг ҳужумидан ҳимоя топган. Албатта, амалий ва диний аҳамиятга молик бўлган фойдали муассасалар ҳар бир нарсани ҳаётда қўллаш ҳуқуқини дин нуқтаи назаридан маъқулми-йўқми деган баҳодан кейингина фатво чиқариш йўли билан қўлга киритса, бундай ҳол мутлақо дуруст эмас.

Уламоларнинг бунақа ижозатлари XVIII асрдан бошлаб ислом жамиятида оддий ҳодиса бўлиб қолди (бундай воқеаларнинг биринчиси, афтидан, 1729 йилда Константинополда китоб босишнинг жорий қилиниши бўлган). Бундай уламолар ҳомийлигида XVIII асрдан бошлаб янгиликлар кескин тўсиқларга учрамай умр кечириб ҳуқуқига эга бўлдилар. Фикҳ бобидаги уламоларнинг топқирлиги иқтисодий соҳасидаги тўсиқларни ҳам енгиб ўтишга йўл очмоғи керак эди — бу соҳада ҳам замонавий талабларни исломга мослаштириш соҳасида анча-мунча қийинчиликлар мавжуд эди. Масалан, ҳозирги пайтда нозик мантқиқий фикр юритишлар ёрдамида энг бадгумон мусулмонга ҳам суғурта битимини тузиш мумкинлигини исбот қилиб бериш учун жуда кўп ҳаракат қилинапти, чунки қатъий ислом нуқтаи назаридан қаралса, суғуртани қимор тариқасида ҳам талқин қилиш мум-

кин. Уламоларга худди шунга ўхшаш тўсиқларни омонат кассалари масаласида ҳам энгиб ўтишга тўғри келди. Назарий жиҳатдан олганда бирор мамлакатда пулдан фоиз олишни (нафақат судхўрлик йўли билан) тақиқлайдиган қонун амал қилса, у ерда бундай муассасалар кун кўролмайдди. Шунга қарамай, 1905 йилда вафот этган Миср муфтиси шу муносабат билан чиқарган фатвосида ислом жамиятида шарият нуқтаи назаридан омонат кассаларининг иш юритиши ва улардан фойда кўриш мумкин деб эътироф этди. Ундан олдинроқ Константинопол муфтиси ҳам диний асосларда усмонли ҳукуматига фоизда даромад келтирувчи давлат қарз-облигациялари чиқаришга фатво берган эди.¹

Сўнгги пайтларда айнан шу ҳолни йирик давлат масалалари борасида ҳам кўрмоғимиз мумкин. Бизнинг кўз ўнгимизда мусулмон давлатларида содир бўлаётган давлат тўнтаришлари ва унинг кетидан конституциянинг жорий қилиниши ислом дунёсининг сунний уламолари томонидан ҳам шиа уламолари томонидан ҳам мажбуран маъқуллаш билан кутиб олинди. Лекин уламолар бу билан чекланмай, Қуръонга ҳам мурожаат қилиб, унинг асосида давлатни парламент шаклида бошқариш мутлақо қонуний эканини исботлаб ҳам бердилар.² (Қуръоннинг 42-Шўро сурасидаги 36 - ва бошқа оятлар шу маънода талқин қилинади).³ Биз кўрдикки, шиа муллалари форс шиаларининг диний ҳаётида ҳал қилувчи аҳамиятга молик бўлган Нажаф ва Карбалодаги муқаддас зиёратгоҳларнинг мужтаҳидлари кетидан инқилобчиларнинг иттифоқчилари бўлишди ва ўзларининг талабномаларида ҳатто “яширин имом” — *гайб-ал-маҳдий*ни ҳам тилга олдилар. Илоҳият масалаларига бағишланган кўпгина рисолаларда исломнинг атоқли дин пешволари ҳозирги замон давлатининг талабларини Қуръони Карим ва ҳадислардан олинган парчалар билан далиллаб беришга ҳаракат қилишади. Худди шунингдек, улар ижтимоий ҳаётда маданият масалаларида (аёллар масаласида ҳам) исломнинг диний ҳужжатларига таянадилар.

4. Биз бу ерда келтирган мисоллар исломдаги ҳозирги муносабатлар соҳасидан олинган. Аммо уларда намоён бўлаётган тамойиллар аввалги асрларда воқе бўлган йўналишларга ҳам мувофиқ келади.

Бироқ биз шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтмоғимиз лозим - бу юз йилликлар мобайнида шундай оз сонли гуруҳлар ҳам мавжуд бўлганки, улар суннат ва шиа масалаларида муросаи мадорага сира кўнишмаган. Эҳтимол, бу озчилик йўл қўйиш мумкин бўлган янгилар доирасини жуда тор олгандир. Улар исломни ҳар қандай янгилардан эҳтиёт қилиб, соф ҳолда сақлаб қолишга ҳаракат қилишган, янгиларни жорий қилишга тиш-тирноқлари билан қарши чиқиб, кўпинча энг баттарин матаассиб чоралар билан кураш олиб боришган. Улар нафақат ҳуқуқий ҳаётда янгидан пайдо бўлаётган, ўтмишда бўлиши мумкин ҳам бўлмаган одатлар ва кўникмаларни, балки қадимда маълум бўлмаган ақондга доир мулоҳазаларни ва улардан келиб чиқувчи ибораларни ҳатто *ашарийлар* руҳида талқин қилинган бўлса-да, суннат сифатида тан олишга даъво қилганлари учун кескин қоралаганлар ва ҳуқуққа тўғри келмайдиган, бекор қилишга тегишли янгилар сифатида баҳолаганлар.

Ислом ҳаракатининг ички тарихи бошдан-оёқ суннатнинг бидъага қарши олиб борган курашига тўла. Унда ривоятнинг ривоят ҳудудларини тўхтовсиз кенгайти-

¹ Марокаш султони Абдаал-Азизни тахтдан ағдариш сабабларидан бири сифатида банк оқишга ижозат бергани ҳам айтилади. “Пулга фоиз туғадиган банклар гуноҳи азимдир”. “Revue du Monde musul”. V. Бу масала ҳозирги ҳиндиларни қанчалик диний ташвишларга кўмиб ташлаганини билишни истасангиз, қаранг: М. Hartmann “Mit des semin. f. orient. Sprachen” XII. Таққосланг: Ben Ali Fakar “L’usage endrait musulman. (Лион. 1908). Исломнинг судхўрлик қонунлари ҳақида қаранг: “Th. W. Juunboll. Handbuch des Islam. Gesetzes”. 270.

² Турк султони 1909 йил 14 ноябрь куни янги парламент мажлисини очатуриб, сўзлаган дастурий нутқини “шариятда тақозо этилган парламент йўли билан бошқариш” деган сўзлар билан бошлаган.

³ Қуръони Каримда бу оят қуйидагича ифодаланган: “36. Бас (Эй инсонлар) сизларга ато этилган бор нарсалар ҳаёти дунё матосидир ва аймон келтирган ҳамда ёлғиз Парвардигорларига сўянадиган зотлар учун Оллоҳ ҳузурдаги нарсалар (яъни охираат неъматлари — дунё матодаридан) яхшироқ ва боқийроқдир”. “38. Улар Парвардигорларига ижобат-итоат этган ва намозни тўқис адо этган зотлардир. Уларнинг ишлари (мудом) ўзаро шўро маслаҳати билан бўлиб ва Биз уларни ризқлантирган нарсалардан нифоқ-эҳсон қилурлар”.

ришга ва унинг бошланғич чегараларини бузишга қарши туриш принципи устиворлик қилади. Бу рақобат исломнинг бутун тарихи бўйлаб - ақоидлар тарихи бўйича ҳам, фикр ривожини бўйича ҳам қизил ип бўлиб ўтади. Бу курашнинг зарурлиги, кураш олиб бормоқ учун ҳаминча сабаб топила қолгани жуда кенг тарқалган бир қарашни инкор қилади. Бу қарашни Куэнен Хибберт номидаги маърузасида шундай ифодаб берган: “Ислом қисқа муддатли ўсиш ва ривожланишдан кейин ўзгармас, ҳаминчаликка ўзлаштирилган шаклга тушиб қолишга маҳкум эди”. Куэненнинг ўзи бу мулоҳазасини XVIII аср ўрталарида исломни ҳар қандай янгиликлардан тозалашга интилиш жуда кучли намоён бўлган ашаддий реакцион ҳаракат билан боғлайди. Бу ҳаракат тўғрисида биз қуйроқда кенгроқ сўз юритамиз. Бироқ бундан шундай хулоса келиб чиқади: исломни бир қолипга тушириш шунча ҳодиса эдики, уни воқе қилмоқ учун у пайтларда ҳали қонли курашлар олиб бормоқ талаб қилинарди.

5. Ислом илоҳиётшунослигида турли-туман оқимлар ичида бидъатни қоралаш ва таъқиб қилиш маъносида изчил ва серғайрат оқим бўлмаган ва ҳозирда ҳам йўқ. Унинг тарафдорлари ҳатто *ханбалийлар* оқимига қарши ҳам шунчалик кураш олиб боришган эмас. Бу оқимнинг устози, назариячиси ва асосчиси катта шуҳрат қозонган имом *Аҳмад Ханбалдир*. Буларнинг муҳитидан суннатнинг энг мутаассиб тарафдорлари — ақоидларда, расм-русумларда, турмуш икир-чикирларида ҳар қандай янгиликка тиш-тирноғи билан қарши бўлган, уларни инкор қилувчи одамлар чиққан. Агар ҳамма нарса уларнинг қарашларига мувофиқ давом этганида эди, бутун ислом ўзининг қадимги Мадинадаги мазмунидан ташқарига чиқмас, саҳобалар замонидаги тикланган шаклида қолиб кетарди. Лекин уларнинг кайфиятида романтик туйғулар ҳукмронлик қилади ёхуд анойи-гўзал ўтмишга ҳисчан интилиш устивордир, деб ўйлаш тўғри бўлмайди. Бу ҳарфхўрларда чуқурроқ туйғуларнинг таъсири кам кўринади — уларнинг норозилиги замида суннат тарафдорининг расмий изчилиги ётади, холос.

Тўғри, юз йиллар мобайнида етарли даражада норозилик билдирилиб турилган. Даставвал *Аҳмад ибн Ханбал* тарафдорлари ақоидлар йиғиндисида ва унинг Қуръонни шарҳлаш усулларида ҳужум қилдилар. Биз юқорида кўрдикки, ҳатто ашъарий шаклида ҳам бу усул уларнинг назарида куфрдан ўзга нарса эмас эди. Улар матндаги мазмуннинг бирор ҳарфини ҳам ўзгартиришига рози эмаслар, улар матнни нималар биландир тўлдиришни ёки ундан нималарнидир олиб ташлашни исташмайди. Диний ҳаёт уларнинг норозиликлари учун янада кўпроқ баҳона берарди. Биз бу ерда майда тафсилотларга кенгроқ тўхташ имконига эга эмасмиз. Шунинг учун бу соҳадан олинган фақат битта мисол билан чекланишга мажбурмиз, лекин бу мисолимиз исломнинг диний ҳаётини бошқа ҳар қандай мисолдан кўра чуқурроқ ёритиб беради.

6. Қисман руҳий, қисман тарихий характердаги омилларнинг таъсирида исломда бир маданий ҳодиса майдонга келди: Оллоҳнинг исломий талқини унга ҳар қанча зид бўлмасин ва ҳақиқий суннат унга ҳар қанча салбий муносабатда бўлмасин, бу ҳодиса ислом дунёсининг жамики кўз илғамас кенгликлари бўйлаб жуда тез тарқалди. Баъзи табақалар орасида у ўзининг билимларига кўра диннинг моҳиятидан ўзиб кетди ва халқнинг диний онги намоён бўладиган чинакам шаклга айланди. Оллоҳ одамлардан олисда, уларнинг қалбига маҳаллий валилар яқин; бу валилар номига тавалло қилиб, диний туйғуларини қондирсалар мумкин. Одамларнинг ҳадиклари ҳам, умидлари ҳам шу валилар билан боғланган, халқ уларни ҳурмат қилади, уларга сиғинади. Авлиёлар ва валиларнинг қабрлари халқнинг ана шу эҳтироми билан боғлиқ. Қабрлар зиёрат қилинадиган муқаддас жойлардир. Бу кўпинча ҳар хил туморлар-у буюмларга сиғиниш билан боғланиб кетади. Азиз-авлиёларга сиғинишнинг кўринишлари моҳиятан ҳам, шаклан ҳам жуда хилма-хил бўлиб, исломни қабул қилган халқларнинг аввал яшаган жойларидаги жугрофий ва этнографик шароитга боғлиқ. Азиз-авлиёларга сиғинишда кўпинча ислом томонидан сиқиб чиқарилган маъбудларга сиғинишнинг қолдиқлари кўринади. Ўзининг провинциал, маҳаллий хусусиятлари билан у исломнинг ягона “толашумул” тизимига маҳаллий рангларга эга халқчил тус беради.

Этнографик шароитдан ташқари азиз-авлиёларга сиғинишга психологик эҳтиёж ҳам ёрдам берди: кундалик турмуши билан боғлиқ хилма-хил ташвишларга

ва хоҳишларга эга бўлган оддий диндор билан Оллоҳ ўртасида ўтиб бўлмас катта масофа бор — уни нима биландир тўлдириш эҳтиёжи катта. Уни шундай воситачи кучлар билан тўлдирмоқ керакки, бу кучларга оддий диндорнинг ишончи бўлсин, ҳамма одамлардан, замин у осмондан юқорида, ҳудудсиз юксакликда ўтирувчи Оллоҳдан кўра ана шу воситачи кун диндорга яқинроқ бўлмоғи, унинг ақлига сиғмоғи дозим. Халқ Оллоҳни бутун коинотнинг ҳукмдори сифатида тан олади ва ундан қўрқади. Оллоҳ коинотдаги энг улкан, энг улуғ воқеа ва ҳодисаларни бошқаради. Шундоқ бўлгач, у тор доирадаги одамларнинг ёки айрим олинган битта майда-чуйда эҳтиёжлари билан шуғуллана олмайди-да! Бунақа фикрнинг хаёлга ҳам келтириб бўлмайди. Муайян жойда теварак-атрофдаги далаларда экин-тикин битмоғи, бирор одам бермоқликдан соғайиб кетмоғи, фарзанд кўриб, ували-жували бўлмоғи каби масалалар билан, биринчи навбатда, сизга хайрихоҳ бўлган маҳаллий авлиё шуғулланади. Шунинг учун унга қурбонликлар олиб келинади, унинг эътиборини қозонмоқ учун ваъдалар берилади, ёхуд исломий ибораларга яқинроқ тилда айтадиган бўлсак, “Оллоҳ олдида бизнинг вакилимиз бўлсин учун таваллонор қилиб”, ҳар хил совға-саломлар ва садақалар этилади. У ўзининг муридлари орасида ҳуқуқ ва адолатнинг соқчиси ҳамда қалқони ҳисобланади. Оллоҳ номига қасам ичишдан кўра, унинг номига ёки унга аталган жойда ичилган сохта қасамдан кўпроқ қўрқишади. Авлиё ўзига ишонадиган одамлар орасида яшайди, уларнинг ғам-ғуссалари ва шодликлари, ҳақ-ҳуқуқлари ва яхши-ёмон ишлари унга яқин. Ислом дунёсининг кўпгина ўлкаларида (араб саҳроларидаги бадавийлар, шимолий Африкада яшовчи қабилалар) аҳолининг исломга мансублиги, асосан, маҳаллий валига сиғинишдан ва шу билан боғлиқ бўлган маросимлар ва ҳаракатлардан иборат бўлади.

Бу ҳол шундай этнографик ҳодисаларнинг ривожига йўл очадикки, шу туфайли маҳаллий авлиёларга сиғинишнинг сон-саноқсиз шаклларида исломгача бўлган динларнинг кўпгина унсурлари зоҳиран исломий шаклга кирган ҳолда сақланиб қолди.

Ана шу диний-тарихий ҳодиса билан боғлиқ фактларни мунтазам ёритиб бериш ислом тарихининг энг муҳим бобларидан бирини ташкил қилар эди. Бироқ биз бу ҳодисанинг белгиларини фақат умумий тарздагина ёритиб беролармиз ва мана шу сиғиниш шакллари, асрлар мобайнида яшаб келаётганини, расмий дин пешволари ҳам уларга чидаб келаётганини таъкидлаб ўтамиз, холос. Улар диний фаолиятнинг бу соҳаларида дағал маъжусий ҳаракатларнинг намоён бўлишига йўл қўймазлик билан кифояландилар. Аммо бундай чеклашларнинг ҳажмини амалда ҳеч қачон аниқ белгилаб бўлмайди. Расмий илоҳшунослик халқнинг диний онгининг бунақа хусусиятларига аввал жуда қаттиқ талабчанлик билан ёндошган. Негаки, исломнинг моҳиятини бузадиган сиғинишлар соҳасини кенгайтиришдан кўра ортиқроқ даражада эски суннатлардан кўз юмишни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Суннатга садоқатли ҳар бир одам буни *ширк* қаторига қўшмоқ керак. Ширк дегани ягона, ёлғиз Оллоҳга бошқа илоҳий кучларни қўшмоқ, шерик қилмоқ деганидир. Шунинг учун унга лаънат тағмасини босмоқ керак. Пайғамбар ва азиз-авлиёларга сиғиниш пайдо бўлиши сабабли намоён бўлган суннатга кескин зид келадиган фактлар қаршисида диний таълимот ва диний амалиётга кириб олган бидъатларга қарши курашдан ҳам муҳимроқ нарса йўқ эди. Лекин бир неча муддат қаршилик кўрсатгандан сўнг расмий ислом пешволари ўша кезларда ҳамма жойда кенг тарқалган ҳукмрон диний қарашлар олдида бўйин эгишга мажбур бўлди. Ҳукмрон диний қараш тарафдорлари ижмоъни эътироф этишга эришган эдилар. Расмий ислом пешволари муайян тузатишлар билан, баъзи бир чеклашлар билан, уларни бироз тартибга келтирган ҳолда тарихий ривожланишнинг ана шу натижасини ислом ортодоксияси тизимига қабул қилди.

7. Аммо ханбалийларнинг ҳеч қандай янгиликка ҳам рағбати йўқ эди. Улар ўзларини суннатнинг ҳар қандай ақидавий, маросимий ёхуд ижтимоий янгиликларга қарши курашидаги фидокор сарбозлари деб ҳисоблашарди. Аммо ана шу бир тўп курашчилар ҳам ҳукмрон кайфиятлар қаршисида анча ожиз эдилар. XIV аср бошида Сурияда ханбалийлар тамойилларининг қудратли ҳимоячиси илоҳшунос уламо *Тақи-ад-дин ибн Таймия* (1263-1398) бош кўтарди. У ўзининг ваъзлари ва асарларида суннат ва бидъат нуқтаи назаридан тарихий исломни кўриб чиқди ва

ақидада ҳам, амалиётда ҳам дастлабки “ислом” тушунчасини ўзгартирган ҳар қандай янгиликка қарши чиқди. У бир хил ғайрат ва шижоат билан фалсафанинг исломга таъсир кўрсатишига, аллақачон исломнинг ўзгармас қоидалари сифатида қабул қилинган ашъарийлар каломининг иборалари, тасаввуфнинг пантеистик таълимотига қарши, шунингдек, пайғамбар ва азиз-авлиёларга сиғинишга қарши бош кўтарди. Кўпдан бери мусулмонлар Муҳаммад алайҳиссаломнинг Мадинадаги қабрини зиёрат қилишар ва бу зиёрат Макка зиёратининг ўрнига ўтади деб ҳисоблар эдилар. Юксак мартабали дин пешволари ҳам бундай зиёратга жуда юқори баҳо беришганди. Тақи-ад-дин ибн Таймия буни ҳам кескин қоралаб чиқадди. У сиғиниш билан боғлиқ бузилишларни ижмаъ йўли билан қонунлаштириб ниқоблашга уринувчи уламоларни аёвсиз танқид остига олади. У суннатга, фақат суннатга мурожаат қилади ва унга таянади.

Бу даврларда ислом давлатлари мўғуллар зулми остида эзилиб ётарди. Мўғуллар зулмининг оқибатлари халқ виждонини уйғотиш учун яхши бир баҳона эди. Виждони уйғонган халқ суннийлар руҳидаги исломни тиклаш учун курашади, негаки, суннийликнинг бузилиши Оллоҳга хуш келмайди. Подшолар ва дин пешволари Тақи-ад-дин ибн Таймиyani унча ёқтиришмайди. Ахир, барқарор тинчликка қўл теккизиб, уни бузадиган одам кимга ҳам маъқул бўларди? Ибн Таймия орқага қайтишни талаб қилаётган жойда дини ислом, имон соҳасида бир неча асрлардан бери аллақачон суннат сифатида эътибор қозонган одатлар ва расм-русумлар шаклланиб қолган эди. Ислом дунёсининг ўша пайтга қадар энг мўътабар зоти Ғаззолий бўлган эди. У ўз таълимотида ритуализм, рационализм, догматизм ва мистицизмни бирлаштира олди ва ўша даврдан бошлаб унинг таълимоти ортодоксал-сунний исломнинг умумий мулки бўлиб қолди. Ғаззолий таълимоти янги ханбалийларнинг ғазабини жўширган, уларнинг ҳар қандай тарихий ривожланишга қарши кураши иштиёқини алангалатган омил бўлди.

Ибн Таймия унчалик катта муваффақият қозонгани йўқ. Бир диний маҳкама қўлидан иккинчи маҳкама қўлига ўтиб юриб, у турмада вафот этди. (1328 йил). Унинг вафотидан кейинги йиллар мобайнида диний асарларнинг асосий мавзуси - у кофир бўлганми ёхуд суннатга содиқ батавфиқ мўмин-мусулмон бўлганми деган масала бўлди. Унинг бир гуруҳ тарафдорлари ибн Таймия номини улуғлаб, ўзини авлиё даражасига чиқариб қўйишди. Орадан кўп ўтмай, уларнинг рақибларининг кайфияти ҳам муросаи мадора томонига ўзгарди, чунки уларга вафот этган исёнкор асарларидан анқиб турувчи жиддий руҳонийлик таъсир кўрсатган эди. Унинг таъсири яширин бир тарзда тўрт аср мобайнида сезилиб, унинг асарларини кўпгина исломий доираларда мутолаа қилишди ва ўрганишди. Бу асарлар вақт-вақти билан янгиликка қарши гулхан ёлқинидай ловиллаб турди.

Айни шу одамнинг таълимоти XVIII асрнинг ўрталарига келиб, исломда янги оқимлардан бирини майдонга келтирди. Бу - ваҳобийлик оқимидир.

8. Исломий араб дунёси тарихида кучли раҳбар шахслар ўзларида илоҳшунос уламо сифати билан жасур жангари баҳодир сифатини жам этган мисоллар оз эмас.

Маъжусийлар ўртасида қилич ва қалам тез-тез бирлашиб турганидек, исломда ҳам уламолик билан кофирликка ва гумроҳликка қарши курашдаги жасорат кўпинча ёнма-ён борган. Исломнинг қадимий тарихида бунақа мисоллар кўп учрайди. Тўғри, мутлақо тарихийликдан узоқ бўлса-да, диний ривоятларда кўпгина жангчилар илоҳий билимларнинг ҳам эгаси қилиб кўрсатилган.

Бунинг қадимги намуналаридан бири — ҳазрат Алининг зулфиқоридир. Диний ривоятнинг мазмунига кўра, бу зулфиқорнинг эгаси айни чоғда диний масалаларда ҳам мўътабар одам ҳисобланган. Бироқ ривоятлардагина эмас, биз оммага раҳбарлик қилаётган одамларда ҳам ҳарбий салоҳият билан илмий иқтидор бир-бирига қўшилиб кетганини кўрамиз. Аввалги асрларда бу ҳодисанинг мавжудлигини исбот қилиш учун XII асрда яшаб ўтган Абдалмўминини келтириш kifойдир. У бевосита илоҳият мактабларидан чиққан бўлиб, альмоҳадлар ҳаракатининг бошида турган, оломон унинг даъватига эргашган бир қанча жанглардан кейин ғарбда ислом давлатига асос солган. Кейинги даврдаги мусулмон қаҳрамонларидан Абдалқодирни кўрсатмоқ мумкин. У ватани Жазоирни истило қилган француз босқинчиларига қарши курашлардан кейин Дамашқда бадарғада юрган чоғларида те-варагига толибларни йиғади, уларга маликийлар ҳуқуқи ва бошқа ислом илмла-

ридан маърузалар ўқийди. Кавказдаги эркесварлик курашининг қаҳрамони Шомил, кейинги пайтларда Судан ва Сомалидан чиққан жангари маҳдийлар ҳам ислом тарихидаги шу ҳодисани тасдиқлайди. Лекин булар ҳам илоҳиёт мактабларининг шогирдларидан чиққан.

Араблар орасидаги машҳур ҳаракатлардан бири янги даврларда Марказий Арабистонда Муҳаммад ибн Абд-ал-Ваҳҳоб (1767 йилда вафот этган) бошчилигидаги ҳаракатдир. У ёшлигида ибн Таймия таълимотини синчиклаб ўрганди ва ўз қабиладошларини диний заминда курашга отлатгирди. Орадан кўп ўтмай бу кураш аланга олиб, гуриллаб ёна бошлади ва кўпгина жангарилар унинг сафига қўшилади. Кураш мамлакат ҳудудидан чиқиб, Ироқ чегараларигача етиб боради. Қатор ғолибона жанглардан кейин янги бир давлатнинг барпо этилишига олиб келади. Бу давлат тақдирнинг кўпгина эврилишларидан сўнг, ички галаёнлар ва нифоқлардан заифлашган ҳолда ҳозир ҳам Ўрта Арабистонда яшаб келмоқда. У ҳозирги даврда Арабистон ярим оролидаги сиёсатнинг муҳим омилига айланиб қолган. Ибн Абдал-ал-Ваҳҳоб юқорида зикр этилган дин арбобларидан шуниси билан фарқ қиладики, унинг ўзи бевосита қўлида қилич билан тарафдорларини жангларга олиб кирмаган. Лекин шунга қарамай, унинг таълимоти куёвини суннатни тиклаш учун жанговар ҳаракатларга ундаган. Амалий ҳаётда диний ақидаларни рўёбга чиқармоқ учун Муҳаммад ибн Сауд зулфиқорини қиндан чиқарган — ҳар ҳолда, зоҳиран қараганда шундай бўлган.

Сўнгги пайтларда Юлиус Эйтинг бу исломий давлатнинг ички ҳаётини бевосита кузатишга муваффақ бўлган. У Арабистон бўйлаб қилган саёҳатларидан бирида бу давлатда анчагина узоқ муддат давомида қолиб кетган.¹

Ваҳҳобийлар ҳаракати чиндан ҳам Ибн Таймиянинг суннатга мос келмайдиган янгиликларга қарши ханбалиёна норозилигини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган эди. Бу янгиликлар ақоид қойдаларининг тарихий ривожидан давомида ижмаъ сифатида эътироф этилган бўлса-да, уларнинг норозилигига учраган. Шунингдек, улар кундалик турмушда учраб турадиган янгиликларга ҳам қарши бўлган. Шунини эслатиш кифойки, ваҳҳобийлар ҳар қандай янгиликка қарши норозилигини мунтазам билдириб туради. Масалан, улар тамаки ва кофе истеъмол қилишга қарши чиқадилар. Табиийки, саҳобалар давридаги ҳадисларда бу нарсалар тилга олинган эмас эди.

Уларнинг истеъмол қилиниши ҳозир ҳам ваҳҳобийлар давлатида катта гуноҳ сифатида қораланади.

Ваҳҳобийларнинг яхши қуролланган лашкарига омонатгина сардорлик қилиб турган турк ҳукмдорларига ёрдамга ошиққан Миср хедиви Муҳаммад Алининг қўшинигина бас келмоғи мумкин эди. Ваҳҳобийлар лашкари сунний ва шиъа азизавлиёларининг номлари билан боғлиқ муқаддас жойларга ҳужум қилади. Бу жойлар уларнинг назарида кескин қоралашга лойиқ ширк кулбалари, улар билан боғлиқ маросимлар эса санампарастлик бўлиб кўринади. Улар ибн Таймия таълимотида садоқатлари зўр бўлганидан пайғамбарнинг Мадинадаги қабрига сиғинишга ҳам хушламай қараганлар. Суннатни тиклаш йўлидаги бу курашда уларга аждодларининг намунаси раҳнамалик қилган. Ривоятда айтилишича, суннатга садоқатли уммавий Умар II пайғамбарнинг мақбарасини қураётганида “одамлар бу ёдгорликка ибодатгоҳ деб қарашлари мумкин” деган хавотирдан келиб чиқиб, қурилишини атайин қиблага қаратмай барпо этган. Мозорлар ва буюмларга сиғиниш билан бир қаторда бошлаб улар маросим сифатида қабул қилинган бошқа янгиликларни ҳам қоралашган ва уларга қарши кураш олиб боришган. Масалан, улар масжидларнинг ёнига минора ёхуд мезана қуришни, қадимги исломга маъ-

¹ Ваҳҳобийларнинг қадимий исломий урф-одатларга асосланмаган ҳар қандай янгиликларга эътироз баъзан айрим англашилмовчиликларнинг туғилишига ҳам сабаб бўлган. Масалан, ваҳҳобийларнинг диний амалиёти фақатгина Қуръонга асосланган деган хато қарашлар айтилган. Масалан, бошқа масалаларда ваҳҳобийлар интилишларини тўғри таърифлаган. Charles Didieгнинг “Ein Aufenthalt geidem. Grosz-Scherif von Mekka” (Лейпциг, 1862) китобида шундай хатога йўл қўйилган. Худди шундай хатого барон Ed. Nolde ҳам йўл қўйган. У ўзининг “Reise nach Inner Arabien. Kurdistan und Armenien” (Брауншвейг, 1895) деган китобида ваҳҳобийлар “ҳар қандай ривоятларни ва, биринчи навбатда, суннатни рад этишади” деб ёзди. Ҳолбуки, ҳақиқатда аҳвол бунинг тескарасидир.

дум бўлмаган тасбеҳ ишлатишни ва бошқаларни қоралашган. Уларнинг фикрича, тоат-ибодат ҳам саҳобалар замонидаги тоат-ибодат шакли-шамойилини тўлатқис акс эттирмоғи лозим.

Кундалик турмуш масалаларида ҳам худди шу йўлдан бормоқ керак — у саҳобалар даврида одат бўлганидек, ҳатто халифаларнинг ўзлари ҳам амал қилганидек содда ва камтарона бўлмоғи жоиз. У замонларда турмушнинг камтарона ва содда бўлганига ҳадисларда юзлаб далиллар бор. Ҳар қандай ҳашамат қораланади. Мадинанинг VII асрдаги ҳаёт шароити ярим миңг йил ўтгандан кейин ваҳобийларнинг сунний давлатида ўрнак ва дастуриламал бўлмоғи керак.

Ваҳобийлар, биринчи навбатда азиз-авлиёларга сиғинишга қарши курашган эдилар. Ваҳобийларнинг азиз-авлиёларга сиғиниш муносабатига қараб ҳукм қиладиган бўлсак, Карл Винценти уларга берган баҳосида батамом ҳақ бўлиб чиқади. У ўзининг романида ваҳобийларни “Юқори Арабистоннинг масжид кушандалари” деб атаган эди. Бу романда ваҳобийлар давлатидаги ижтимоий ҳаёт ва фаолият тасвирланган, бошқа маълумотларга қараганда, бу давлатда зоҳиран порсоликка қатъий амал қилинса-да, у билан бирга мунофиқлик ва рикорлик мавжуд бўлгани ҳам акс этган.

Ваҳобийлар тамойилларининг кучли таъсири уларга ёндош воқеаларга яққол сезилади. Бу воқеалар ислом дунёсининг олис вилоятларида араб ҳаракатининг яққол таъсирида кенг намоён бўлади.

9. Умум исломнинг бу ҳаракатга муносабатини кўриб чиқар эканмиз, диний-тарихий нуқтаи назардан қараганда, айниқса, қуйидаги факт кўзга ташланади. Исломий муносабатни кўриб чиқар эканмиз, ваҳобийларни Муҳаммад алайҳиссалом ва унинг саҳобалари томонидан жорий қилинган диннинг шакли учун жонбозлик кўрсатган курашчилар деб ҳисоблашга тўғри келади. Қадимий исломни тиклаш уларнинг мақсади ва вазифаси. Назарий жиҳатдан бу нарса уламолар томонидан тез-тез тан олиб турилади. Лекин шунга қарамай, ислом ақидаларини маҳкам ушлаган мусулмон ваҳобийларни мазҳабпарастлар сифатида қораламоғи керак. Кимда-ким ижмаъдан юз ўгирса, кимда-ким масжиднинг умумий розилиғи билан унинг тарихий ривожланиши оқибатида ҳаққоний ва адолатли деб тан олинган нарсани инкор этса, у рисоладаги исломдан ажралиб қолган деб ҳисобланади. Бунда эски суннатлар асосида исботу далил талаб қилиб ўтиришдан ҳеч қандай маъно йўқ. Ижмаъ воситаси билан ҳамма нарса қўшимча исбот-далилсиз сунна томонидан амалга оширила берилади. Суннат деб, яъни мустаҳкам, бузилмас қонун деб кўпчилик имон келтирган ҳақиқатларга ва кўпчилик қабул қилган урф-одатларга мос келадиган нарсаларгина тан олиниши мумкин. Нимаики ижмаъга қарши бўлса, у исломга хилофдир. Ана шу мулоҳазалардан келиб чиққан ислом қонун-қоидаларига содиқ мусулмон фақат битта хулосага келмоғи мумкин: ваҳобийлар ўзлари ҳам тан олган тўртта сулук томонидан руҳсат берилган ва қисман тавсия ҳам қилинадиган нарсаларга қарши кураши ва уларни қоралаши билан ўзларини қадимий хорижийлар билан бирга расмана ислом бағридан ташқарига чиқариб қўядилар. Расмана ислом XII асрдан бери Ғаззолийни энг мўътабар ва эътиборли олим сифатида тан олади. Унга қарши Макка талқинлари билан адабий курашда (бу кураш ҳанузгача тўхтаган эмас) ваҳобийлар илоҳшунослик томонидан рад этилган Ибн Таймияни дастак қилиб олганлар. “Ние Ghazali, ние Тејмијја” — бу курашнинг шиори шундай. Ижма Ғаззолийни қабул қилган ва уни муқаддаслаштирган. Бошқача қарашга эга бўлганлар ижмаъни бузадилар. Улар Муҳаммад алайҳиссаломга ҳар қанча мадҳиялар ўқиб, суннатга изчил садоқатларини изҳор қилмасинлар, ғайри дин деб ҳисобланмоқлари ва ғайри дин сифатида қораланмоқлари керак.

10. Шундай қилиб, кўрамизки, нуқтаи назари ва таъсир даражасини ҳозиргина тасвирлаб берган ҳаракат Араб ярим оролида дунёга келиб, ўтмишга қотиб қолган нигоҳ билан қаради. У тарихий тараққиёт йўли билан кириб келган нарсаларнинг ҳаммасининг қонунийлигини инкор этади ва исломни VII асрнинг тош бўлиб қотиб қолган шаклларидагина эътироф этишга рози. Айни чоқда, янги даврларда ислом бағрида бошқа бир диний ҳаракат ҳам вужудга келди. Унинг бошланғич нуқтаси ва ҳаётбахш ғояси инсониятнинг диний эволюциясини эътироф этишдир. Биз Эрондан чиққан бобийлар ҳаракати тўғрисида гапирмоқдамиз.

Гарчи у Эронда ҳукмрон бўлган шиалик шаклларида бунёдга келган бўлса-да, тарихий ривожланиш нуқтаи назаридан унинг ғоялари исмоилийлар мазҳабининг асосий фикри билан боғлиқдир. Бу фикрга кўра, жаҳоний заковатнинг ривожланиб борувчи кўринишлари воситасида ўз-ўзини комиллаштира бориб, ҳақнинг жамолига эришишдир.

XIX аср бошларида шиаларнинг “ўн икки имом” таълимоти куртак ёза бошлади. Бу таълимот Шайхия мактабидан чиққан бўлиб, унинг тарафдорлари орасида “ғайб-ал-маҳдий”га ва ундан аввал ўтганларга сифиниш авж олган эди. Агностиклардан ўрнак олиб, улар бу шахсларни илоҳнинг тимсоли, илоҳнинг сифатларини ўзида жамлаган, яратувчи қудратга эга деб ҳисоблайдилар ва шу тариқа имомларнинг одатий мифологиясининг ҳажмини кенгайтирадилар. Шу тариқа улар “маҳобатчилар” йўлига қадам қўядилар.

Шерозлик хаёлпараст йигит *Мирза Муҳаммад Али* (1820 йилда туғилган) ана шундай муҳитда ўсиб улғайди. Унинг салоҳияти ва иқтидоридан завқланган ўртоқлари Мирза Муҳаммад Алининг юксак ишларга муносиб эканини тан олишади. Ўртоқларининг бундай эътирофи хаёлпараст йигитнинг қалбига кучли таъсир кўрсатади, исломни ривожлантириш ишида ва унинг оламшумул-тарихий аҳамиятини оламга ёйишда менинг зиммамга улуғ вазифа юкланган деган фикр унинг вужуд-вужудига сингиб кетади. У ўзини “Боб” деб ҳисоблай бошлайди. “Боб” дарвоза дегани. У шундай дарвозаки, у орқали дунёга ҳақиқатнинг олий манбаи бўлмиш ғайбал маҳдийнинг ҳар қандай гуноҳлардан холи иродаси инқишоф бўлади. Орадан кўп ўтмай Бобда бошқача ишонч пайдо бўлади — энди у ўзини замоннинг маънавий ривожланишида пинҳона имомидан ҳам ортиқ роль ўйнайдиган қудрат эгаси деб сеза бошлайди. Унинг ўзи ўн иккинчи имом чиққандан кейин биринчи минг йилликнинг сўнгида майдонга чиққан янги маҳдийдир. Фақат у шиалар одатда тушунадиган маънодаги имом эмас, балки “жаҳон руҳининг намоён бўлиши”, “энг олий ҳақиқат сифатида намоён бўлиш нуқтаси”дир. Бу қарашда у исмоилийлар қарашига яқин келади. Маънавий илоҳидан нур таратиб турувчи қудрат унинг сиймосида тажассум топган, у бу қудратдан зоҳирангина фарқ қилади. Моҳиятан эса айнан унинг ўзидир. У ер юзига қайтадан келган Мусо ва Исо алайҳиссалом, у шунингдек, бошқа пайғамбарларнинг ҳам тажассуми. Унинг сиймосида аввалги асрларда намоён бўлган илоҳий жаҳоний руҳ тажассум топган. Эронда кўпинча уламоларни мулла дейишади. У ўзининг тарафдорлари ўртасида муллаларга қарши, уларнинг сохта валийлиги ва риекорлигига, нафс бандаси бўлиб қолганига қарши нафратни тарғиб қилди. У Муҳаммад алайҳиссалом таълимотини кўпинча кўчма маънода талқин қилиб, уни баркамолликнинг юксак нуқтасига кўтармоқчи бўлди. Бу таълимотда исломнинг расм-русумларига, маросимлар масаласидаги майда-чуйда қонунларга кам эътибор берилган; қисман эскилари янгилари билан алмаштирилган. Тақдир, жаннат, дўзах ва қиёмат қаби тушунчалар бошқача маъно касб этади. Бу жиҳатдан аввалги диний тизимларда унинг салафлари бўлган эди. Бу талқинда таносух — илоҳий руҳнинг ўзида аввалгига нисбатан даврий равишда кейинги намоён бўлиб туриши; руҳнинг кейинги намоён бўлиши унинг янги ҳаёт касб этишидир. Қуръони каримда келгусидаги ҳаёт деб аталган “Худонинг васлига эришиш” ана шундай талқин қилинади.

Аmmo эронлик ёш хаёлпараст ва фақат ўзининг ақоид ва фикр бобидаги қарашлари билан муллаларнинг қотиб қолган таълимотларига зид келди. Ўзининг ваъзаларида у диндорлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни чуқур таҳлил қилди. Унинг этикаси — синфлар ва динлар ўртасида мавжуд бўлган тусиқлар ўрнига ҳамма одамлар ўртасида қардошлик ғояларини олға сурди. У аёлларни тўла ҳуқуқли инсон сифатида кўтармоқ истади, уни ҳозирги шароитда анъаналарга амал қилган ҳолда тушиб қолган таҳқирли ҳолатидан халос этмоқчи бўлади; у мажбуран паранжи ёпинишни бекор қилишдан бошлайди. Ва никоҳга ислом дунёсида ҳукмронлик қилган бир томонлама қарашларни инкор этади. Тўғри, бу қарашлар диний ақидаларнинг оқибати ўлароқ шаклланган эмасди. Унинг оилавий муносабатлар ҳақидаги юксакроқ тасаввурлари оиланинг вазифалари ва тарбия ишларининг ислоҳоти ҳақидаги тасаввурлари билан боғланади.

Шу тарзда Боб ўзи ўйлаган диний ўзгаришлар доирасига ижтимоий ҳаёт асосларини ҳам олиб кирди. У нафақат диний ислоҳотчи, балки айни чоқда ижтимоий

ҳаётнинг ҳам ислоҳотчисидир. Аммо у таълимотида мистик қарашларга таянгани учун бу унсурлар унинг дунёқарашида жуда кенг тарқалган. Ўзига замондош маърифий ғояларни у Хуруфийга ўхшаб, Пифагор қарашлари билан боғлашга уринади, у ҳарфларнинг миқдорий қимматига катта аҳамият беради. Масалан, 19 сонининг мулоҳазаларида катта аҳамият касб этган. У турли-туман қарашларида, ҳарфларнинг миқдорий қимматларини ҳисоблаб чиқишда бу сонни марказий ўринга қўяди.

У ўз-ўзини аввал ўтган пайғамбарларга тенг кўргани каби (бундай ғоя аввалги хурофий ҳаракатларда ҳам намоён бўлган эди), келгусида ҳам ўзида тажассум топган илоҳий руҳнинг вақти-вақти билан янгидан намоён бўлиб туриши муҳимлигини эълон қилади. На унинг ўзида, на Муҳаммад алайҳиссаломда инкишофлар тамом бўлади. Чекиз тараққиётда илоҳий руҳ вақти-вақти билан намоён бўлиб, ўз-ўзини ошкор қилиб туради. Бу намоён бўлишларда илоҳий ирода борган сари мукамалроқ тарзда, борган сари замон ривожига мос келадиган балоғатда ўзини ошкор қилади. Шу тарзда Мирза Муҳаммад Али вафотидан кейин кўп ўтмай ўз жамоасида содир бўлган ўзгаришларга замин яратиб берди.

У таълимотини тўлалигича “Баён” деган китобда акс эттирган. Бу китоб қонун кучига эга бўлган муқаддас таълимий китоб ҳисобланади. Диннинг ҳукмрон пешволарига бу китоб диний жиҳатдан ҳам, сиёсий жиҳатдан ҳам ҳаддан ташқари хавфли кўринмоғи керак эди. Таълимотнинг асосчиси ва унинг теварагига тўшланган шогирдлари аёвсиз равишда таъқиб остига олинадилар. Бу шогирдлар орасида *Курратал-айн* деган жасоратли бир қиз бизнинг хайрихоҳлигимизни жалб қилди. Уларни кўп қийнаганларидан сўнг, жаллоднинг қўлига топширишади. Муҳаммад Алининг ўзи 1850 йилда қатл қилинади. Изтиробли ўлимга чап бериб қолган шогирдлар Туркияда паноҳ топишади. Бошдан кечирилган азоб-уқубатлар уларнинг кучига куч қўшади, холос.

Мазҳаб асосчисининг вафотидан кейин кўп ўтмай, Боб тарафдорларининг жамоаси иккига ажралиб кетади. Бунинг боиси шу бўладики, устоз ўзидан кейин раҳбарлик ишига иккита шогирднинг номини кўрсатиб кетганди. Аммо жамоа булардан қайси бири устознинг иродасини тўғрироқ талқин қилади деган саволга жавоб топа олмайди. Озчилик *Субҳи-и-азал* (Мангулик тонги) теварагига уюшади. Уларнинг қароргоҳи Фанагустада (Қибрис) бўлади. Улар Боб таълимотини устоз яратган шаклда сақлаб қолишга ҳаракат қилишади. Улар консерватор бобийлардир. Кўпчилик бошқа вали Беха-Оллоҳнинг (Худонинг нури) қарашларига қўшилади. Беха-Оллоҳ олтмишинчи йилларнинг бошида бобийлар Андрианополда бадарғада юрган кезларида ўзини янада баркамолроқ тарзда намоён бўлган илоҳий руҳ деб эълон қилади. Бу руҳнинг келиши устоз башорат қилган. У Муҳаммад Али таълимотини янги, олий босқичга кўтармоғи керак. Энди у устози бошлаб берган тайёргарлик ишларини охирига етказиши керак. Беха Бобдан юқорироқ. Боб — *қоимдир* (ўрнидан тураётган). Беха эса *қайюмдир* (доимий). “Вақти-соати келиб пайдо бўладиган қайюм ҳозир келиб бўлганга қараганда юксакроқдир”. Ўзини у бажонудил мазҳар ёхуд манзар деб атайти. “*Мазҳар*” ёхуд “*манзар*” Оллоҳнинг намоён бўлишидир. Унда Оллоҳнинг жамоли худди кўзгудагидай акс этади. Унинг ўзи Оллоҳнинг жамолидир. Унинг чеҳраси қимматбаҳо, сайқалланган жавоҳирдай само билан замин ораллиғида нур таратиб туради. Фақат у орқалигина Оллоҳни таниш мумкин, у Оллоҳнинг ердаги соясидир. Унинг тарафдорлари чиндан ҳам уни инсондан юқори турувчи мавжудот деб ҳисоблашади ва унга илоҳий сифатлар тақашади. Мисол учун Е. Г. Бровне томонидан нашр этилган баландпарвоз мадҳияларни ўқимоқ мумкин. Бобийларнинг янги иттифоқи билан эскича қарашлар тарафдори бўлмиш бобийлар ўртасида баҳслар жуда қизиб кетди. Бунинг оқибатида Беха ўз жамоаси билан бирга Аккага сургун қилинди. Бу ерда у ўз таълимотини ривожлантириб, бутун бир тизим даражасига кўтарди. У таълимотни нафақат *миллат-ал-фурқонга*, яъни Қуръон жамоасига, балки *миллат-ал-баёнга* ҳам қарши қўйди. Эски бобийлар Баён чегараларидан ташқари чиқишни истамас эдилар, шунинг учун Беха улар ўтказадиган ислоҳотларни хушламади.

Унинг таълимоти араб ва форс тилларида бир қанча китоблар ва рисодаларда баён қилинган. Булар ичида энг муҳими “*Китоб ақдас*” дир. Унинг ўзининг айтишича, Беха ёзган китоблар илоҳий тухфадир. “Мазкур ёзганларим, — деб изоҳ

беради у рисоаларидан бирида, — яширин мактубдир. Шу пайтга қадар у бировнинг дахлидан илоҳ хазинасида асраб келинган. Уларнинг ҳарфлари илоҳий қудрат бармоқлари билан ёзилган. Бу мўъжиза сизларга маълум бўлмай”. Буларни айтар экан, Беҳа халоскор таълимоти хазинасини тўла очиб бермаётгандай қиёфага киради. Афтидан, баъзи бир хуфия фикрларни у энг асл тарафдорлари учун авайлаб асраб қўйгандай кўринади. У ҳатто таълимотнинг баъзи бир қисмлари рақибларидан ҳам яширин бўлмоғини истайди. Бир жойда у шундай деб ёзади: “Бу босқичда биз тафсилотларни баён қилишни унча хоҳламаймиз, чунки рақибларимиз биз томонга қараб қулоқларини диккайтириб туришипти. Улар бизнинг гапимизни эшитиб, чинакам, мангу Оллоҳга эътирозларини билдиришлари мумкин. Чунки улар илоҳий бирлик шафақларининг нури покидан келган инсоннинг билимлари ва донолиги сирларини уқиб даражасига етишган эмаслар”.

Жаҳоний руҳ Беҳада тажассум топиб шундай намоён бўлади. Фақат унинг воситасидагина мазаҳнинг биринчи асосчисининг панд-насиҳатлари рўёбга чиқиши мумкин. Лекин бундай қарашлари билан Беҳа таълимотининг энг муҳим нуқталарини инкор қилади. Боб таълимоти, моҳият эътибори билан фақат исломни ўзгартиришга қаратилган бўлса, Беҳа ундан анча ўзиб кетиб, жаҳон дини ҳақида кенг назария яратади. Ундан эса бутун инсониятнинг диний биродарлиги ҳақидаги фикрга ўтади. Ўзининг сиёсий таълимотида у космополитизм ғоясини олға сурганидек (“ўз ватанини севган одам эмас, бутун дунёни севган одам мактовга муносибдир”), унинг дини ҳам ҳар қандай тор тарафқашликдан воз кечади.

У ўз тимсолида зуҳур топган жаҳон руҳини бутун инсоният учун намоён бўлган деб ҳисоблади. Шу маънода у таълимотининг бир қисмини ташкил қилувчи мактубларини Оврўпа ва Осиё миллатларига ҳамда ҳукмдорларига йўллайди. У ҳатто Америкага ҳам эътиборини қаратди. “Америка қиролига ва республика сардорларига” деб, у мактубида “мудомлик бутоғида ўтирган каптарнинг нима тўғрисида куйлаши”ни ёзади. У Седан воқеаларидан тўрт йил аввал Наполеон III га императорнинг қулашини башорат қилиб мактуб йўллаган эди. Шу башорат чин бўлиб чиққандан кейин унинг тарафдорлари назарда Беҳанинг каромат руҳига чулганган худо — инсон сифатидаги аҳамияти орғиб кетади.

Ўзининг космополитик ғоялари руҳида тарафдорларига хорижий тилларни ўрганишни тавсия этади — бу йўл билан улар ўзларини бутун инсониятни, барча миллатларни бирлаштирадиган жаҳон динини тарғиб қилишга тайёрлашади, негаки, “Тил билган одам Оллоҳнинг каломини шарққа ҳам, ғарбга ҳам етказа олади. Уни давлатлар ва миллатлар ўртасида шундай тарғиб қиладики, одамларнинг қалби унга талпинадиган, чириган суякларига жон кирадиган бўлади”. “Бу бирлашиш воситасидир ва ўзаро бир-бирини тушуниш ҳамда цивилизациянинг олий сабабидир. Бутун жаҳон миқёсида одамларнинг иттифоқ яшашининг энг аъло воситаси бутун дунёда бир хил битга жаҳон тилига эга бўлишидир. Қиролилар ва уларнинг вазирларига мурожаат қилиб, уларни дунёнинг мавжуд тилларидан бирортасини ҳамма халқлар учун ярайдиган бир тил сифатида тан олмақ учун бирлашишга ундайди. Ёки унинг фикрича бир янги тил барпо этмоқ керакки, кейин уни дунёнинг ҳамма мактабларида ўрганишин.

У исломдаги ҳам, эски бобийлар таълимотидаги ҳам ҳамма чеклашларни рад этади. Тўғри, у ўзининг панд-насиҳатларидан илк бобийларга хос бўлган мистик сафсаталарни, ҳарфлар ва рақамлар билан намоён этиладиган найрангларни чиқариб ташлагани йўқ. Лекин у асосий эътиборни ахлоқий ва ижтимоий масалаларни ишлашга қаратди. Урушлар қаттиқ қораланади; фақат “энг зарур ҳоллардагина” қурол ишлатишга руҳсат берилади; қуллик қатъиян ман этилади, ҳамма одамлар ўртасида тенглик янги таълимотнинг марказий нуқтаси сифатида тарғиб қилинади. Унинг мактубларидан бирига “*Сурат-ал-мулк*” (“Подшолар сураси”) деб сарлавҳа қўйилган. Унда муаллиф турк султонидан Истамбулда одамлар ўртасида мулкдорлик жиҳатидан жуда катта фарқларга йўл қўйгани учун қаттиқ гина қилади. Унинг ислоҳотчилик бобидаги интилишлари жинслар ўртасидаги муносабатларга ҳам тааллуқлидир. Маълумки, масалага Боб ҳам катта эътибор берган эди. Унинг идеали — моногамия бироқ у бигамия (қўшхотинлилик) фойдасига ҳам ён босади. Бироқ, бу унинг учун кўп хотинлиликнинг охириги чегараси. Ажралишга руҳсат сақлаб қолинади, аммо ажралувчилар олдига бир қатор инсофли талаб-

лар қўйилади. Талоқ қилинган хотин бошқа эрга тегиб улгурмай, унга қайтадан уйланишга ижозат берилади. Бу — ислом одатларига тўғридан-тўғри зиддир. Ислом қонуни мутлақо эскириб қолган деб ҳисобланади; унинг ўрнига намоз ва маросимларнинг янги шакллари жорий қилинади, гуруҳ-гуруҳ бўлиб намоз ўқиш (*салот-ал-жамоа*) бекор қилинади, ҳар ким алоҳида-алоҳида холи бир жойда намоз ўқийди; фақат жанозалардагина жамоа бўлиб намоз ўқишга ижозат берилади. Қибла Макка томонда эмас, Оллоҳ томонидан юборилган дунёвий руҳ тажассуми қаерда турган бўлса, ўша ерда бўлади. У ўзига истиқомат жойини танлаб олмагунча қаерга кўчса, қибла ҳам ўша томонга кўчаверади. Диний мажбурият сифатида, айниқса, баданни тоза тутиш, покизалик, таҳорат ва чўмилиш тавсия этилади. Лекин форс ҳаммомларида чўмилишдан сақланиш керак, чунки бу ҳаммомлардек ифлос ҳаммом дунёда йўқ.

Қаламнинг бир ҳаракати билан Беҳа ислом томонидан мусулмонлар зиммасига юкланган ҳамма чеклашларни бекор қилади. Бу масалаларда у айрам тафсилотларга тўхтаб ўтирмайди (у фақат либос ҳақидаги баъзи қонунларнигина айрим-айрим рад этади): “Сиз соғлом инсон аҳлига зид бўлмаган ҳамма нарсани қилмоғингиз мумкин.” У ҳам ўзининг салафлари сингари Аллоҳ иродасини бузиб талқин қилувчи ва уни яширувчи уламоларга қарши курашда толмасдир. Беҳа яратган дин бир умрга қасб қилиб олинадиган бирор руҳонийлик соҳаси ёхуд лавозимини билмайди. Бу кўпқиррали жамоанинг ҳар бир аъзоси жамият учун фойдали, самарадор ҳунар билан маъқул бўлмоғи керак; қўлидан келган иқтидорли одамлар эса беминнат жамоанинг диний раҳномалари ҳам бўлмоқлари керак. Хунармандлар орасида мураббий лавозимининг бекор қилиниши каби жамоа йиғинлари ўтадиган жойларда ваъз айтиладиган минбарлар ҳам бекор қилинади.

Биз, Беҳани либераллар томонига ўтиб кетади деб ўйлашимиз мумкин эди. Бироқ бу ўйимиз тўғри чиқмайди. У бизни қутилмаганда сиёсий эркинликларни инкор этиши билан лол қолдиради. “Биз кўряпмизки, баъзи одамлар эркинликка интилади ва шу билан мағрурланади. Улар, аниқ, адашадилар. Эркинлик ўзининг оқибатларига кўра кишини саросимига солиб қўяди, унинг ёлқинлари эса сўлмайди. Билингки, эркинликнинг бошланиши ва намоен бўлиши ҳайвонликдадир (жонворлар ўртасида). Одамзод ўзининг қўполлигидан ва номуссиз кишилар етказадиган зарардан ҳимоя қиладиган қонунларга бўйсунмоғи керак. Чинакамига олганда, эркинлик одамзодни маънавият ва одоб талабларидан узоқлаштиради” — бундан кейин у ошқора реакцион тилда гапира бошлайди. Беҳа тарафдорлари Туркия ва Эрондаги либерал сиёсий ривожланишни маъқул кўришмайди; улар султон ва шохнинг тахтдан йиқитилганини қоралашади.

Беҳанинг вазифаси (1892 йил 16 май) вафотидан сўнг унинг ўғли ва меросхўри Аббос Афандининг зиммасига ўтди. Уни Абдал Беҳа ёки *ҳусни озод* деб аташди. Бу камдан-кам аҳбобларнинггина эътирозини туғдирди, холос. У отасининг ғояларини янада кенг ва ҳар томонлама ривожлантиради. У ғарбнинг маърифатпарварлик тафаккурининг шакллари ва мақсадларига янада кўпроқ мослашади; унинг салафлари таълимотида ҳали мавжуд бўлган фантастик унсурлар анча юмшайди ёки айрим жойларда батамом четга чиқариб қўйилади. Аббос Эски аҳд ва Янги аҳддан жуда кенг фойдаланади: Улардан асарларида тез-тез парчалар келтиради. Бу билан у отасининг таъсирида бўлган доиралар қаторини янада кенгайтириб, уларга таъсир кўрсатишга ҳаракат қилади.

Абд-ал-Беҳанинг чиқишлари билан тарғибот ишлари яхши натижаларга эришади. Америкалик кўпгина хонимлар форслардан чиққан бу пайғамбарни зиёрат қилгани Кармел тоғларининг этакларига келишди. Улар пайғамбарнинг оғзидан эшитган ҳалоскорлик сўзларини ғарбдаги олис ватанларига олиб кетишни ниёт қилган эдилар. Аббос Афандининг таълимотини энг яхши баён қилиб берган аёл Лаура Клифорд Барнеудир. У Аббос Афанди яқинида анча вақт яшайди, унинг таълимотини батафсил ёзиб олади ва Беҳанинг янги таълимоти мазмунини ғарб дунёсига анча тўла етказиб беради.

Энди Боб томонидан асос солинган таълимот ортиқ ўз асосчисининг номига эга бўлолмайди. Сўнгги пайтларда мутлақо ҳақли равишда тобора кенгроқ тарқалиб, рақибларини чеқкага суриб қўётган Мирза Муҳаммад Али таълимотидан туғилган янги оқимни *Беҳаийя* деб аташмоқда. Унинг тарафдорлари ҳам бошқа раҳба-

рият етакчилигида иш юритаётган Баённинг бир ҳовуч консерватив тарафдорларига қарама-қарши ўлароқ ўзларини шу ном билан Беҳаййя деб аташмоқда.

Бу таълимотга хос бўлган кенглик ва кўпқирралилик унга тарафдорлар сафини кенгайтириб юборди. Бу тарафдорлар орасида нафақат масжид аҳли бор, балки черковдан, синагогдан, бошқа ибодатхоналардан чиққан, ҳатто оташпарастлар ичидан чиққан одамлар ҳам бор. Сўнгги пайтларда улар Ашҳободда Эрон чегараси яқинида тоат-ибодат учун жамоат уйи ҳам қуришди. Унинг жуда яхши тасвирини бахоизмнинг оврўпалик энг мўътабар талқинчиси Ипполит Дрейфус берган. Бошқа томондан, беҳаййя атамасига, умуман, эркин фикрлаш тушунчаси, исломнинг ижобий мазмунини рад этиш қиради. Қадим замонларда зиндика деган ном дастлаб форспарастлик ва манийликка яқин диний қарашларга эга бўлган мусулмонларни англатгани каби, кейинчалик эса файласуф деган ном, шунингдек, яқин-яқинлардан бери фаранг-масон деган ном ҳам рисоладаги ислом қоидаларидан чекинган-чекинмаганидан қатъий назар, умуман, “эркин фикрлар” маъносини англатгани каби, ҳозирги пайтда Эронда Баҳоний деган ном нафақат бобийларнинг ана шу янги кўринишига мансубликни англатади, балки муҳтарам Ф.М.Жордан қайд қилинганидек, “бу ном билан аталувчиларнинг кўпчилиги ҳақиқатда тўғридан-тўғри динга ишонмайдиган рационалистлардир”.

Эронда ва бошқа мусулмон мамлакатларида бу диний оқим тарафдорлари ўзларининг мутлақо куфрона эътиқодларини яшириб юришга ва тақийя усулидан фойдаланишга мажбурдирлар. Шунинг учун бобийликнинг ҳар икки шаклига доир лоақал тахминий статистикани белгилаш ҳам амри маҳол. Бобийликнинг янги тадқиқотчиларидан бири муҳтарам Исаак Адамс фақат биргина Эронда уларнинг сонини 3 миллион киши деб белгилаганда, албатта, муболагага йўл қўйган кўринади. Бу, ахир, бутун мамлакат аҳолисининг тахминан учдан бири-ни ташкил қилади-ку!

Шундай қилиб, бобийлик ҳаййя оқимига ўтиб жиддий тарзда тарғибот йўлига қадам қўйди. Унинг мураббийлари ва тарафдорлари улар исломнинг мазҳаби эмас, балки оламшумул бир таълимотнинг вакиллари экани ҳақидаги ишончдан чиқадиган хулосаларга жиддий муносабатда бўлишди. Уларнинг тарғибот ишлари нафақат жуда кенг кўламда (Ҳинди-хитойгача) ислом соҳасини қамраб олади. Балки ҳайрон қолар даражада ислом ҳудудларидан ташқарида ҳам муваффақиятга эришмоқда. Аккада истиқомат қилувчи пайғамбар, айтишларича, Америкада ҳам, Оврўпода ҳам, ҳатто насронийлар ўртасида ҳам садоқатли мухлислар топган. Чикагода ерлик беҳаййяларнинг диний йиғинлари учун уй қуришга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилипти, афтидан, мазкур китоб босилиб чиққунга қадар бу уй ҳам битиб қолса керак.

Яҳудий хаёлпарастлари ҳам пайғамбарлардан қолган кўҳна китоблардан Беҳа ва Аббоснинг пайдо бўлиши ҳақидаги башоратни топишипти. Гуё қаердаки “Иегованинг нури” ҳақида гап кетган бўлса, ўша жойда жаҳоннинг халоскори Беҳа-Оллоҳнинг пайдо бўлиши назарда тутилган экан. Кармал тоғининг эсланиш ҳоллари ҳам уларга кўп материал беради. Чунки XIX аср охирида бу тоғ яқинида бутун дунё учун Оллоҳнинг нури намоеън бўлган эди. Улар Данилининг тушлар китобидан Боб бошлаган ҳаракат тўғрисида, унинг қачон воқе бўлиши ва қачон ниҳоясига етиши ҳақидаги башоратларни чиқаришга ҳаракат қилишади. Уларнинг фикрича, бу ҳаракат 1844 йилда ўз ниҳоясига етади - ўшанда Мирза Муҳаммад Али ўзини Боб деб атай бошлайди ва жаҳоний руҳ ўзининг бўлишида янги босқичга кўтарилади.

Аббос Афанди майдонга чиққандан кейин Инжилдан парчалар келтириш янада авж олди. Унинг тарафдорлари уни аввалдан башорат қилинган “фарзанд, у биз учун туғилган, у бизга ато қилинган, унинг зиммасига ҳукмронлик қилиш вазифаси юкланган, у Исонинг китобида келтирилган ажойиб сифатларнинг эгасидир” деб гапиришди. Мен айна шу сатрларни ёзаётган вақтимда бир одамдан Инжилдаги ана шу далилларни эшитмоқдаман. Бу одам беҳаййя хаёлпарастларидан бўлиб, мана икки йилдирки, мен туғилиб ўсган шаҳарда яшайди. Илгари у Теҳронда ҳокимлик қилган. У бу ерда ўз таълимотига тарафдорлар йиғиш билан овора. У менинг ватанимга нисбатан зиммасида махсус мажбуриятлар бор деб

ҳисоблайди. Бу мисол ислом ҳудудидан ташқари чиқадиган тарғибот эътиборини ёлғиз Америкага қаратмаганини кўрсатувчи яна бир далилдир.

11. Исломнинг тарихий ривожланишини кўриб чиқар эканмиз, Ҳиндистонга алоҳида ўрин ажратмоғимиз лозим. Бу заминда бундай ривожланиш ўзига хос этнографик шароитнинг маҳсули сифатида кўринади ва дин тарихининг тадқиқотчисини жуда самарали хулосаларга олиб келади. Лекин биз бу хулосаларга чекланган доирадагина тўхтаб ўтамиз.¹

Гарчи Ғазнавийнинг XI асрдаги фотиҳликлари қадимги ҳинд маданиятига сезилари талофотлар етказган бўлса-да, диннинг эски шакллари Ҳиндистонда ислом ҳукмронлиги остида бизнинг кунларимизгача даҳлсиз сақланиб қолган. Браҳманлар жамоаси аъзоларидан жуда кўп одам исломни қабул қилган, шу сабабдан Ҳиндистонда мусулмонлар сони ортиб борган, лекин шунга қарамай, Қуръон Веда асосларига жиддийроқ зарар етказа олмади. Биронта бошқа мамлакатда ислом Ҳиндистондагидек ўзга бир динга тоқат қилиб қараб турган эмас. Аҳолининг миқдорий муносабатлари бу ерда исломга ўзининг асосий қонунларини кенг қўллашга имкон бермаган. Бу қонунларнинг моддаларидан бирида монотеистик динларга (якка худоликни, Оллоҳнинг воҳидлигини тарғиб қилувчи) хайрхоҳлик билан муносабатда бўлиш кераклиги айтилади. Лекин бўйсундирилган мамлакатларда санампарастликнинг ҳар қандай кўринишларини шафқатсиз мажақлаб ташлаш кераклиги айтилади. Ҳиндистонда жуда серғайрат ва исломга берилган Маҳмуд Ғазнавий маъжусийларнинг эҳромларини кунпаякун қилишга тиришиб олиб борган курашига қарамай, жуда кўп ибодатхона ва диний масканлар ислом ҳукмронлиги остида бешикаст қолди. Ислом пешволари тилларини тишлаганча, ҳиндилар динини *аҳл-ал-димма* деган ҳуқуқий тушунча остида ҳимояга олишга мажбур бўлишди.¹

Ҳиндистондаги диний дунёнинг ола-қуроқлиги, бошқа томондан, маҳаллий динлар билан янги кириб келган ислом ўртасида жуда хилма-хил шаклдаги ўзаро алоқаларни вужудга келтирмоғи лозим эди. Ҳиндилар оммавий тарзда исломни қабул қилар эканлар, ўзларининг ислом бағрида кечадиган янги ҳаётларига ижтимоий қарашларидан анча нарса олиб киришди. Диний ҳаёт соҳасида биз мутлақо ўзига хос ҳодисаларга дуч келамиз. Исломнинг асосий тушунчалари ҳинди ғоялари руҳида ўзгаришга учрайди. Бунинг ажойиб мисоли сифатида бир иборани кўрсатиш мумкин. Бу ибора исломий имоннинг икки ҳадли рамзи сифатида баъзан Ҳиндистондаги мусулмон ҳукмронларининг тангаларига зарб қилинади. “Бўлинмас қудрат воҳиддир ва Муҳаммад унинг расулдир”. Ҳинд халқ руҳига қарши бормайдиган исломнинг диний расм-русумларига таъсир кўрсатиш учун мусулмонлардаги азиз-авлиёларга сиғиниш жуда яхши омил бўлиб хизмат қилади. Бунда ҳинд унсури доимий таъсир кўрсатувчи қиммат касб этади ва, айниқса, ҳинди шиачилигида ҳаддан зиёд эътиборга лойиқ ҳодисалар тарзида намоён бўлади. Ҳиндиларнинг илоҳлари мусулмонларнинг авлиёларига айланиб қолади ва ҳиндиларнинг муқаддас жойлари ислом руҳида беихтиёр қайта талқин қилина бошлайди.

Ислом ўзи фатҳ этган биронта ҳам вилоятда айни Ҳиндистон ва унга қарам ороларда бўлгани сингари маъжусий унсурларни сақлаб қолишдек кўзга яққол ташланиб турувчи мисолларни берган эмас. Бу соҳада биз турли-туман воқеалар ва ҳодисалар ичида дин бобида чинакамига маъжусий ва исломий унсурлар аралашиб кетганини кўрамиз. Кўп жойларда биз зоҳиран Оллоҳга сиғиниш ва юзаки тарзда Қуръондан истифода этиш билан бир қаторда, шунингдек, ислом расм-русумларини ғайри шуурий тарзда қўллаш билан бирга, шулар билан шундоққина ёнма-ён ҳолда арвоҳларга ва марҳумларга сиғинишни, анимистик динларнинг бошқа одатларини кўрамиз. Бундай синкретизмни кенг қўламда кузатишни истаган одам Шарқий Ҳиндистон оролларидаги аҳолиси турмушида исломнинг намоён бўлиш шакллари

¹ Қаранг: Ибн Батута. Саёҳатлар. (Париж нашри) IV, Ибн Батута ҳинд вилоятлари ҳақида гапириб, уларнинг аҳолисининг кўпчилиги куффор эканини, аммо улар мусулмонлар ҳимоясида эканини ёзади. Тахт-ал-димма ёхуд баъзан бошқа ҳолларда аташганидек аҳл-ал-димма (яъни ҳимояга олинганлар) — фақат жузья тўлаб турадиган яҳудийлар ва насронийлардир. XIV асрда Ҳиндистонда ислом тарқаган ҳудудлардан бирининг сардори хитойларга жузья тўлаш шарти билан исломий вилоятда ибодатхона қуришга ижозат берган. Қаранг: Ибн. Батута. IV.

рини кузатсин. Бу масалада биз С.Смоук, Хуржронье ва Р.Й.Вилкинсонларнинг қизиқарли китобларида батафсил маълумотлар топтоғимиз мумкин. Ҳинд қитъаси масаласида эса яқинда Т.В.Арнольд жуда қизиқарли ахборот берди. Унинг қайд қилишича, ҳинди худоларига сиғиниш ва ҳинди маросимларига амал қилиш мусулмон аҳолисининг қуйи табақалари орасида Ҳиндистоннинг турли-туман қисмларида ҳозирга қадар давом этмоқда.

Бу жиҳатдан юз йил муқаддам Ҳиндистонда ислом жиддий бир ҳаракатни бошидан кечирди. Арабистон томонидан ваҳҳобийлар ҳаракати қуондай бу ердаги ислом вилоятларига ёпирилди. Маккани зиёрат қилиш вақтида мулоқотлар ва танишувлар диний кучларнинг уйғонишида, янги вужудга келаётган интилишларнинг сингишиб, уларни олис исломий вилоятларга кўчириб ўтказишда ҳамisha қудратли восита бўлган. Кўздан пана ҳолда холиликда ўтказилган назарий тайёргарликдан кейин бу интилишлар Ҳиндистонда ўзининг фаол ифодасини Барелилик Саид Аҳмад сиймосида топди. Бу одам Ҳиндистоннинг исломий вилоятларда XIX асрнинг биринчи чорагида ваҳҳобийлар ғояларини тарқатган эди. У шунингдек, айни шу ерда жуда кенг ёйилган азиз-авлиёларга сиғиниш ҳамда хурофий одатлар шаклида намён бўлган ширкдан исломни тозалаш ишини ҳиндилар ичида даъватчилик фаолияти билан бирлаштиришга ҳаракат қилган. Унинг тарафдорларининг гапига қараганда унинг бу фаолияти муваффақиятли кечган.

Дастлабки ислом сиймосини тиклашга ҳаракат қилган Саид Аҳмад ўзининг кўп сонли тарафдорларини жиҳодга ҳам оёқлантирган. Жиҳоддан кўзланган мақсад Шимолий Ҳиндистонда кенг тарқалган сикҳлар мазҳабига қарши курашдир. Бу ўринда сикҳлар ҳақида бир-икки оғиз гапириб ўтишимизга тўғри келади. Ана шу самарасиз уруш вақтида Саид Аҳмад 1831 йилда вафот этади. Гарчи кўпроқ хом хаёлга ўхшаб кетадиган жиҳод ҳаракати ва у билан боғлиқ бўлган сиёсий уринишлар Саид Аҳмаднинг ўлими билан тамом бўлган бўлса-да, кўзгатган ички исломий диний ҳаракат кейин ҳам давом этди.

Гарчи ваҳҳобийлар байроғи остида бўлмаса ҳамки, Саид Аҳмад таълимотининг арбоблари Ҳиндистонда турли номлар остида ҳинди одатларига амал қилиб яшовчи мусулмонларни тўла исломлаштиришни мақсад қилиб олган эдилар. Бу мусулмонлар фақат номигагина мусулмон эди. Улар бу мусулмонларни ислом қонунларини бажаришга жалб қилишди, суннатга садоқатли одамларни гуруҳларга бирлаштиришди ва бу ташкилотнинг тармоқлари кейинчалик Ҳиндистондаги исломий мазҳаблар сонини кўпайтирди. Бу гуруҳларнинг кўпчилиги уларнинг интилишларига мос келадиган ном билан *Фарра-идийя*, яъни “диний мажбуриятлар тарафдори” деб аталади. Ваҳҳобийларнинг сунний қарашлари асосида ётган бу ислохотчилик ҳаракати Саид Аҳмаднинг содиқ дўсти Деҳлилик Мавлавий Исмоилнинг китобида ўзининг адабий инъикосини топди. Бу китоб ҳозир ҳам ўқувчилар томонидан мароқ билан ўқилмоқда. Бу китоб “*Тақвият-ал имон*” (“Имонни мустаҳкамлаш”) деб аталади. Китоб мазмунига кўра ҳар қандай *ширкка* қарши шиддатли курашга хизмат қилади ва унда мусулмонларни *тавҳидга* қайтариш иштиёқи барқ уриб туради.

12. Ҳиндистондаги ислом маҳаллий динлар таъсиридан қочиб қутула олмагани каби, бошқа томондан исломий қарашлар ҳам ҳинд мазҳаблари тарафдорларига таъсир кўрсатмай қолиши мумкин эмас эди. Бу йўналишда биз синкретизмнинг жуда салмоқли изларини кўрамиз. Тўғри, бу излар ҳиндий ғояларнинг ривож учун кўпроқ аҳамиятга эга бўлган, лекин шундоқ бўлса-да ислом таъсирининг оқибати сифатида ислом тарихи билан шуғулланувчи одам ҳам уни эътибордан соқит қила олмайди.

XIV аср охири ва XV аср бошларида ислом унсурлари Ҳиндистоннинг диний дунёсида пайдо бўла бошлаган эди. Бу таъсир, аynиқса, Кабир деган бир тўқувчининг таълимотида яққол кўринади. Кабир Раманафи мазҳабининг ўн икки авлиёсидан бири бўлиб, уни ислом тарафдорлари ҳам, ҳиндилар ҳам авлиё сифатида жуда ҳурмат қилишган. Шу муносабат билан тасаввуф ғоялари ҳиндилар ўртасида ҳам кенг тарқала бошлайди.

Лекин таъкидламоқ жоизки, бу таъсирларни кенгроқ тадқиқ қилиш жараёнида анча-мунча мунозарали масалалар ўртага тушади. Ҳиндистоннинг энг эътиборли билимдонларидан бири бўлмиш профессор Гриерсон бу ҳодисаларни христиан

гояларининг таъсири билан боғлайди ва исломий таъсирлар ҳақидаги тахминларни асоссиз деб ҳисоблайди. Бу масала 1907 йилда Осиёга бағишланган инглиз илмий жамиятининг йиллик мажлисида жуда қизғин баҳсларга сабаб бўлган эди. Табиийки, бу мунозарали масалани бирор томоннинг фойдасига ҳал қилиб бериш вазифасини биз зиммамизга ололмаймиз. Лекин шу муносабат билан юқорида зикр этилган ислом таъсирининг оқибатлари тўғрисида билимдон одамларнинг кўрсатмаларидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Ҳинди-исломий синкретизм ҳодисаси сифатида Кабирнинг (1538 йилда вафот этган) шогирди Нанак томонидан барпо этилган Шимолий Ҳиндистондаги сикҳ динига мансуб диний таълимотни кўриб чиқишга тўғри келади. Бу дин ҳақидаги адабиёт яқинда М.А.Макаулиффнинг йирик асари билан бойиди (Олти жилда, Оксфорд, 1909). Худди шунингдек, Ади Грантҳ асарини ҳам тилга олиб ўтмоқ лозим. Бу асар, шубҳасиз, тасаввуф таъсирида ёзилган, айтиш мумкин, унда буддавийлик таъсири ҳам яққол сезилиб туради. Асарни ёзишдан мақсад — ҳинди ва исломий ғояларни бирлаштириш бўлган. Бошқача айтганда, Фредерик Пинкотт қайд қилганидек, асарда “ҳиндиларни Муҳаммад умматларидан ажратиб турадиган жарлик устидан кўприк қуриш йўлини ихтиро этиш назарда тутилган”. Бу ўриндаги энг муҳим масала кўпхудолилик ҳақидаги эътиқодларни сиқиб чиқариб, уларнинг ўрнига сўфийларнинг тавҳидий дунёқарашларини жорий қилиш бўлган. Тўғри, Нанак таълимотини ижтимоий жиҳатдан унинг тарафдорлари бутунлай бузиб талқин қилганлар ва бу кейинчалик исломий гуруҳлар билан унинг издошлари ўртасида кескин курашларни вужудга келтирган. Бу кураш эса сикҳ динининг асосчиси дастлаб назарда тутган мақсадни, яъни ҳиндилар билан мусулмонлар ўртасидаги зиддиятларни муросага келтириш мақсадини сояда қолдирган.

Энг сўнгги даврларда ҳам Ҳиндистондаги мазҳабларга исломнинг таъсири яққол сезилиб туради. XVIII асрнинг биринчи ярмида санампарастликка қарши курашувчи ҳинди мазҳаби — Рам Санаки вужудга келади. Унинг расм-русумлари ва маросимлари кўп жаҳатдан мусулмонларнинг тоат-ибодатларига ўхшаб кетади.

13. Биз яна бир марта шу фактни таъкидлаймизки, Ҳиндистон ўзининг тобора турфа хил ранг-баранглик касб этиб бораётган диний ҳодисалар дунёси билан ҳар қандай тадқиқотчи учун динларни қиёсий ўрганишда мактаб бўлиб хизмат қилмоғи мумкин ва амалда хизмат ҳам қилмоқда.

Бу ўринда динларни қиёсий ўрганиш учун сабаб бўладиган ҳоллар янги диний шаклларга асос солиш учун ҳам туртки бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ислом тарихи нуқтаи назаридан биз, айниқса, улардан бирини тилга олиб ўтмоғимиз зарур. Бу Ҳиндистонда қанот ёзаётган динлар дунёси устидан синчков кузатишлар оқибатида юзага келган ҳодисадир.

Унинг асосчиси Бобурийлар сулоласининг атоқли подшоҳи Абулфас Жалолиддин Муҳаммад бўлиб, тарихда Акбар деган фахрли ном билан донг қозонгандир. Унинг давлат арбоби сифатидаги фаолияти тарихини Оврўпо адабиётида Фридрих Август Шлезвич-Гольштейнскый, граф фон Ноер (1881) ёритган. Яқинда эса (1908) Тюбингенда профессор Р.Гарбе ректорлик лавозимини эгаллаш маросимидаги нутқида уни мавзу қилиб олиб, бу зот хотирасига яна бир бор эътиром кўрсатди. Макс Мюллер асарларидан бирида император Акбарни динларни қиёсий ўрганишнинг биринчи вакили деб атади. Унинг салафи ҳар ҳолда Абулфадл ал-Алламий бўлган эди. Кейинчалик бу одам Акбарнинг вазири бўлади ва ўзининг “Акбарнома” асари билан ҳукмдорига ўлмас обида яратади. У Акбардан аввал турли шакллардаги динларни ўрганишга киришган ва ислом доирасидан ташқари чиқадиган янги дин яратиш ҳақида ўйлай бошлаган. Лекин Акбаргина унинг диний изланишлари натижасини давлат ҳомийлигига олиб, рўёбга чиқара оладиган кудратга эга бўлган. Акбар ёшлигида олий даражадаги маърифатпарварлик ғоялари билан шуғулланиш учун етарли илм ололмаган бўлса-да, улуғ Темур наслига мансуб бу ҳукмдорнинг номи Ҳиндистонда ислом маданиятининг гуллаб-яшнаган даври билан боғлиқдир. Айтиш мумкин, Ҳиндистондаги XVI аср охирида ислом тарихида рўй берган бир ажойиб воқеа ҳам унинг номи билан боғлиқ. Бу иқтидорли ҳукмдор диний руҳнинг теран ҳаракатларига катта қизиқиш билан қараган ва ҳаммиса очик кўнгил билан уларни идрок этиш ва қабул қилишга тайёр бўлган. Буни у шу

билан исбот қилганки, кийимини ўзгартириб, оддий мулозим либосида узоқ саёҳатга чиқиб, машҳур ҳинди ҳофизи Харидазанинг диний кўшиқларини тинглашга борган. Ана шундай очиқ кўнгил Акбар унинг давлатидаги турфа хил динларнинг иноқлиги берадиган имкониятни қўлдан чиқаришни истамаган ва бу имкониятдан турли динларни чуқур ўрганишда фойдаланган. Акбар бу фаолиятида ўша динларнинг энг маърифатли, энг олим вакилларидан фойдаланган. Унинг саройида Акбар бошчилигида ҳар хил йўналишдаги диний оқимлар вакилларининг мунозаралари бўлиб турган. Ана шу мунозаралар давомида унинг қалбида айрим-айрим олинган ҳар қайси диннинг нисбатан катта қимматга эгаллиги ҳақидаги эътиқод кучая борган.

Акбар давлатида мавжуд динлар тарафдорларининг ҳаммасига қайси динга имон келтириш бобида чекланмаган эркинликлар берди (1578 йил атрофида), ўзи учун эса янги шаклдаги бир динни ўйлаб топди. Зоҳиран қараганда бу дин ҳали ислом билан боғлиқдай эди. Гапга тез кўнадиган сарой олимларига Акбар ўзини мудистаҳид деб эълон қилишни буюрди. Исломда бу атама мустақил таълимот яратиш ҳуқуқига эга бўлган уламо деган маънода қўлланар эди. Шу ҳуқуққа эга бўлган подшоҳ шундай бир эътиқодлар тизимини яратдики, уларда ислом ақидалари ва шакллари ҳар қандай мазмундан маҳрум эди. Подшо яратган тавҳид илоҳи деб аталадиган диннинг марказида ахлоқий рационализм турарди, унинг чўққиси эса инсон руҳининг Оллоҳ жамолига эришиши тўғрисидаги тасаввуфони идеал билан бирлашиб кетарди. Маросимлар масаласида эса подшонинг зардуштлиқка тарафдор бўлган маслаҳатчиларининг таъсири анча-мунча сезилиб турарди. Зардуштлиқнинг асл ватани Эрон бўлиб, кейинчалик Ҳиндистон заминида ўзининг иккинчи ватанини топган эди. Шу тариқа зардуштлиқ таъсирида Ҳиндистондаги олақуроқ диний дунё манзараси яна бир ранг билан бойиди. Подшонинг ўзи биринчи раҳнамоси бўлган янги диннинг энг ёрқин белгиси — нурга, қуёшга, оловга сифинишдан иборат эди.

Бироқ Акбар яратган янги диний таълимотнинг қай бир даражада ислом ривожига таъсир кўрсатгани маълум эмас. Афтидан, у сарой аъёнлари ва зиёлиларнинг олий табақаси доирасида ташқарига чиққан эмас. Бу диний таълимотнинг умри асосчисининг умри билан барабар тамом бўлган. Қадимги замонларда ҳам шунга ўхшаш бир воқеа бўлиб ўтган эди. Қадимги Мисрда диний ислоҳот ўтказилган. Бу ислоҳотни ўз давлатига маърифатли Фиръавн Аменофис IV туҳфа этган. Ислоҳот унинг шахси билан чамбарчас боғлиқ эди. Шунинг учун Фиръавн вафот этиши билан ислоҳотлар ўрнини яна эски мазҳаблар эгаллаб олган. Худди шунга ўхшаш Акбар олиб кирган янгиликлар ҳам унинг ўлимидан кейин узоқ яшамасди. Акбарнинг вафотидан сўнг (1605) рисоладаги ислом ғала-ғовурсиз ўзининг ҳуқуқларини тўла тиклаб олди. Фақат инглизлар мустамлакасига айланган Ҳиндистондаги брахманлар билан мусулмонлар ўртасида содир бўлган сўнгги рационалистик ҳаракатлар вақтидагина Акбарнинг номини брахмонлик, форсийпарастлик ва ислом ўртасида пайдо бўла бошлаган ўзаро яқинлашиш тамойилларини бошлаб берган одам сифатида тилга ола бошладилар.

14. Бу бизни Ҳиндистонда ислом ривожининг замонавий босқичига олиб келади.

Ғарб маданияти билан яқиндан мулоқотга киришиш, Оврўпа томонидан босиб олиш ва мустамлакага айлантириш йўли билан миллионлаб мусулмонларни номуслмонларга бўйсундириш, шунингдек, шу йўл билан мусулмонларни ташқи ҳаётнинг замонавий шаклларида иштирок этишга жалб қилиш — буларнинг барчаси мусулмон дунёсининг маърифатли табақаларига чуқур таъсир кўсатмаслиги мумкин эмас эди. Бу таъсир натижасида, айниқса, уларнинг эскидан мерос қолган диний қарашлар ва одатларга муносабатида катта ўзгаришлар рўй берди. Бу қарашлар ва одатлар янги шароитларга мослаштиришни тобора кучлироқ талаб қилмоқда эдилар. Мусулмонларнинг маърифатли табақалари масалага танқидий ёндошиб, асосий қонуниятларни йўл-йўлакай кўшилиб қолган номуҳим қоидалардан ажрата бошладилар. Айни ана шу номуҳим қоидаларни маданий эҳтиёжларга осонгина қурбон қилиб юборса бўлар эди. Бироқ шу билан бир вақтнинг ўзида аён бўлиб қолдики, асосий исломий таълимотни маданий қадрият сифатида бегона дунёқарашларга қарама-қарши қўйиб ҳимоя қилмоқ ҳам зарур экан, ислом таъ-

лимотини унинг шаънига айтилган аксилмаданийлик таънасидан ҳимоя қилмоқ ва унинг ҳамма замонларга мослаша билиш қобилиятини исбот қилиб бериш зарур эди.

Мадҳи-саноларга тўлиқ бу фаолият доимий равишда шolini курмакдан ажратишдек олижаноб интилиш билан қўшиб олиб борилган бўлса-да, у бир томонлама рационализм характериға эға бўлиб қолди. Бу эса ҳамма вақт ҳам тарихий тадқиқот талабларига мос келавермайди. Исломий тафаккурни ва исломий ҳаётни улар устиға ёпирилиб келётган ғарб маданиятининг талабларига мувофиқлаштиришни мақсад қилиб олган бу рационал тамойиллар Ҳиндистонда кўпроқ исломий зиёлиларнинг самарали ижтимоий ва адабий фаолиятида намоён бўлди. Ҳозирги пайтда Саид Амир Али, сэр Саид Аҳад Хон Баҳодур мусулмонлар орасидан чиққан бошқа ҳурматли шахслар билан биргаликда кўп нарсаларни янгиловчи маънавий ҳаракатнинг доҳийлари бўлишди. Унинг самаралари тобора тезроқ суръатлар билан маърифат йўлидан олға бораётган ҳинди исломининг янги маънавий ҳаётида аён кўриниб турипти. Худди шу нарса ҳозирги замон маданий ҳаётидаги оқимлар ўртасида Муҳаммад алайҳиссалом таълимоти ҳам яшашға ҳақли эканини исбот қилади. Юқоридаги уламоларнинг рационалистик ибораларда ислом таълимотини ҳимоя қилишлари унинг қадрини пасайтира олмайди, албатта.

Қадимият тарафдорлари бу интилишларни бажону дил янги мўтазила деб аташади. Унинг самараси шу бўлдики, жуда бой диний адабиёт ва тарихий маърузалар майдонға келди. Инглиз тилида ва маҳаллий тилларда китоблар ҳамда журналлар босилди ва кўпгина салмоқли мусулмон жамиятларининг ташкил топишиға сабабчи бўлди. Бу жамиятларда ислоҳ этилган исломнинг хусусиятлари тажасум топан. Бу жамиятлар ҳар хил даражадаги сон-саноқсиз мактабларға асос солишға ёрдам берди. Булар орасида, айниқса, Алигархдаги мусулмон дорилфунуни алоҳида ажралиб туради. У ислом пешволарининг саховати туфайли гуллаб яшнапти. Ҳозирги исмоилийлар қолдиқларининг раҳнамоси Оғахон ҳам ана шу ва бошқа тарбиявий муассасаларнинг ҳомийлари қаторидан ўрин олган.

Биринчи марта Ҳиндистондаги ислом дунёсида намоён бўлаётган модернизм у ёки бу таъсирларға берилган ҳолда аввалиға анча торроқ доирада бўлса ҳамки, бошқа мамлакатлардаги мусулмонларнинг диний дунёсини ҳам эгаллаб бормоқда. (Миср, Жазоир ва айниқса, руслар ҳукмронлиги остида бўлган татарлар ўртасида бу яққол кўринади).

Исломнинг турли-туман доираларида уйғониб келётган ва диний ҳаёт билан яқиндан алоқада бўлган маърифат сари интилишларда ҳар ҳолда ислом ривожининг янги босқичини бошлаб берадиган куртаклар мавжуд. Эҳтимолки, ана шу янги босқич таъсирида ислом уламолари ўз манбаларини илмий-тарихий тадқиқ қилиш билан машғул бўлсалар, ажаб эмас.

15. Ҳиндистондаги бундай интеллектуал оқимлар орасида исломнинг энг янги мазҳаблари вужудға кела бошлади. Афсуски, ҳозирча уларни жиддий тадқиқ этиш бир мунча қийинчиликларға дуч келмоқда. Мирза Фулом Аҳмад ўзини ўзи Аҳмадий мазҳабининг асосчиси деб атайди. Панжобдаги Кадийн деган жойдан чиққан Мирза Фулом Аҳмад Кашмир яқинида Сринигардаги Канжар деган жойда Исо алайҳиссаломнинг ҳақиқий қабрини кашф қилдим деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, бу қабр унча машҳур бўлмаган авлиё Юс-Асаф қабрининг айнан ўзи бўлмоғи керак. Афтидан, Юс-Асаф чиқиб келишиға кўра буддавий бўлса керак. Мирза Фулом Аҳмаднинг айтишича, Исо Қуддуси шарифдаги таъқиблардан қочиб, Шарққа келиб қолган ва шу ерда вафот этган. Адабий шохидликларға таянувчи шу кашфиёти билан Мирза Фулом Аҳмад христианларнинг ҳам, мусулмон уламоларнинг ҳам Исонинг тирилиши ҳақидаги қарашларини рад этмоқчи бўлади. “Руҳан ҳам, жисмонан ҳам” унинг ўзи Исодир, дунёнинг еттинчи минг йилида келадиган Масиҳ ҳам, айни чоқда мусулмонлар муштоқлик билан кутаётган маҳдий ҳам — унинг ўзидир.

Ислом анъаналарининг мазмуниға кўра Аллоҳ ҳар юз йилнинг бошида ислом динини янгилаш учун бир одам юборади. Суннийлар билан шиалар биргаликда ҳар қайси асрда динни янгиловчи бўлиб келишға қодир одамни аниқлашға ҳаракат қилишади. Бундай одамларнинг энг сўнггиси маҳдийнинг ўзи бўлади. Аҳмад ана шу мансабға даъвогарлик қилади, у ўзини XIV аср ҳижрий бошида динни ян-

гилаш учун Оллоҳ томонидан юборилган вакил деб ҳисоблайди. Шундай қилиб, у ўзини янги пайдо бўлган Исо ва маҳдий деб эълон қилади, буларнинг ёнига ҳиндилар учун махсус *аватар* деган унвонни ҳам қўшди. Бу билан у исломнинг бутун жаҳон миқёсида тантана қилишга бўлган орзусининг тажассуми эканини ифода-ламақчи бўлади ва айни чоқда бутун инсониятга нисбатан ҳам халоскорлик вазифасини ўтамоқ зиммасига юкланганини таъкидламоқчи бўлади.

Унинг жамоатчилик олдида биринчи чиқиши 1880 йилга тўғри келади, бироқ 1889 йилдан бошлабгина у жиддий тарафдорларга эга бўлди ва зиммасидаги пайғамбарлик бурчини тасдиқлаш учун башоратлар ва мўъжизалар билан бирга тўғри чиққан кароматларга ҳам таяна бошлади. Ўзининг маҳдий эканини исбот қилмоқ учун у 1894 йилда рамазон ойида рўй берган қуёш ва ой тутилишини далил сифатида келтиради. Мусулмонлар ўртасида кенг тарқалган ривоятларга қараганда, маҳдийнинг пайдо бўлишини ана шу самовий ҳодисалар башорат қилар экан. Бироқ унинг маҳдийлик унвонига даъвоси маҳдийлик ҳақидаги умум исломий гождан фарқ қилароқ зиммасидаги вазифасини жангариликдан холи тарзда бажаришга интилиши билан ажралиб туради. Ислом ақидаларига кўра, маҳди жангари аскар бўлиб, у кофирларнинг ҳаммасини қиличдан ўтказди, унинг йўли кофирлар қони билан суғорилгандир. Шиалар бошқа унвонлар билан бирга унга *соҳиб алсайф* деган унвон ҳам беришади. Янги пайғамбар — жаҳон сардори. У жиҳодни мусулмонлар зиммасидаги вазифалар рўйхатидан ўчириб ташлайди ва тарафдорларини тинчликка, сабр-бардошга даъват қилади. У мутаассибликни қоралайди ва ўз тарафдорларида маданият орттириш йўлига рағбатлантирадиган кайфиятлар уйғотишга ҳаракат қилади. Унинг ўз умматлари учун ишлаб чиққан имон рамзида бандани мўминнинг ахлоқий фазилатлари масаласига жуда катта аҳамият берилади. У Оллоҳга эътиқодни мустаҳкамлаш ва одамларни гуноҳ кишанларидан халос этиш йўли билан инсониятни қайта тиклашга интилади. Лекин ҳар қалай у бу жараён давомида мусулмон одамдан зиммасидаги энг асосий вазифаларни тўла-тўқис адо этишни талаб қилади. У ўзининг даъватлари ва ваъзларида Инжилга, Эски ва Янги аҳдга, Қуръони каримга ва мўътабар саҳиҳ ҳадисларга таянади. У зоҳиран ҳамиша Қуръони каримга қатъий риоя қилишга ҳаракат қилади ва, аксинча, чинлигини ҳамиша танқидий таҳлилдан ўтказиш талаб қилинадиган ривоятларни унчалик назар-писанд қилмайди. Шу сабабдан унда ортодоксал исломнинг формал жиҳатларидан баъзи бир чекинишлар рўй бериб туради, чунки рисоладаги ислом ҳадисларга ҳам қаттиқ таянади.

Унинг тарғиботлари билан боғлиқ равишда таълим-тарбия ишларида ҳам баъзи бир янгиликлар жорий қилинди: ўқитиладиган дарслар қаторига яҳудий тили ҳам киритилди. Ҳозирга қадар (1907 йилгача) янги маҳди умматларининг сони 70 минг кишидан ошиб кетди. У Оврўпо маданиятидан баҳраманд бўлган мусулмонлар ўртасида тобора кўпроқ тарафдорларга эга бўлиб бормоқда. Маҳдий анча сермахсул адиб. У ўзининг араб ва урду тилларида ёзилган олтмишдан ортиқ диний асарларида мусулмонлар учун таълимотнинг моҳиятини баён қилиб берди ва ўз даъваткорлигининг чинлигини исботловчи далиллар келтирди. Инглиз тилида чоп этиладиган “Review of Religions” журнали воситасида эса Мирза Фулом Аҳмад ўз таъсирини шарқдан ташқари ҳудудларда ҳам мустаҳкамлашга ҳаракат қилди. Афтидан, бу ислом мазҳаблари орасида янги ташкил топганларининг энг сўнгиси бўлса керак.

16. Хулоса ўрнида ислом тарафдорларининг баъзи бир доираларида амал қиладиган яна бир оқимни эслатиб ўтмоқ керак.

Ўтмишда ҳам суннийлар билан шиалар ўртасидаги жарлик устидан кўприк ўтказишга уринишлар бўлган. Ҳар икки ислом тариқатини бир-бирига боғлайдиган ришталар ҳар ҳанча кўп бўлмасин, бунақа парчаланишнинг оқибатлари шиалар давлат ҳомийлигида уюшиб олган жойларда, яъни шиалик эътиқодига амал қиладиган давлатларда (бундай давлатлар ислом тарихида унча кўп бўлган эмас) кўпроқ намоён бўлади. Бунақа давлат ташкилотларида шиалар бошқа давлатлардаги ҳукмрон сунний қарашларга қарши турган ҳолда ўз қобиғига биқиниб олган, ташқи дунёдан ўзини ўзи ҳимоя қиладиган диний жамоа сифатида мавқеини сақлаб қола биларди.

Ҳозирги пайтда шиаларнинг ишонган тоғи Эрондир. Бу мамлакатда *Сафавийлар сулоласи* (1501-1721 йиллар) тахтга чиқиши билан аввалига бир мунча вақт са-

марасиз ҳаракатлардан сўнг мамлакатнинг теварак-атрофидаги турк юртларига қарама-қарши ўлароқ шиаликни ҳукмрон давлат дини сифатида жорий қилди. Аммо бу сулола йиқилгандан кейин унинг ўрнига тахтга чиққан улуг фотиҳ *Нодиршоҳ* Туркия билан сулҳ тузиб, бу икки мазҳабни бирлаштириш устида иш бошлайди. Аммо орадан кўп ўтмай Нодиршоҳ вафот этади ва бунинг оқибатида у бошлаган иш ҳеч қандай натижа бермай тўхтаб қолади. Ҳозир бизнинг қўлимизда матбуотда чоп этилган бир ҳужжат бор. Бу — сунний уламо *Абдаллоҳ б. Ҳусайн ал-Сувайдий*-нинг (1104-1692 йилда туғилган) рисоласидир. Ниҳоятда муҳим қимматга эга бўлган ўша даврнинг бу ҳужжатида Нодиршоҳнинг ҳар иккала мазҳаб пешволари иштирокида катта анжуман ўтказгани тўғрисида гапирилади. Анжуманда муросаи-мадора йўли келишиб олинган экан. Бунга кўра исломдаги тўртта ортодоксал сулук қаторига бешинчи қилиб *мадҳабни* ҳам қўшиб қўйилар экан. Бу муросанинг маъносига кўра шуни кутиш мумкин эдики, муқаддас Макка вилоятида қадимдан қатъий тарзда бажарилиб келинган тўртта маросим учун ажратилган жойлар — мақомлар ёнига яна битта шиа маросимини адо этмоқ учун бешинчи мақомни ҳам тайин этмоқ лозим бўларди. Бундан буён бу маросимни суннийлар ҳам тан оларди; бу шиаликни ақоидлар тизимига жорий қилишнинг олий шакли бўлур эди. Аммо орадан кўп ўтмай буларнинг бари орзулигича қолиб кетди. Иккала мазҳаб пешволари ўртасида авлоддан-авлодга ўтиб келувчи ўзаро нафрат улардаги ҳар қандай хоҳишнинг йўлини тўсди ва шохнинг вафтидан кейин унинг диний оқимларни муросага келтириш соҳасидаги ҳамма бошлаган ишлари жой-жойида қолиб кетди.

Ундан кейинги пайтларда (ўтган асрнинг биринчи ярмида) биз Кавказда Шомил ва унинг муридлари бошчилигида ҳар икки мазҳабнинг босқинчиларга қарши озодлик учун курашда қисқа муддатга бирлашганини кўрамиз. Бироқ бу диний кайфиятларнинг эмас, ватанпарварлик кайфиятларининг натижаси ўлароқ содир бўлган эди.

Сўнгги ўн йил мобайнида яна бир ҳаракат ҳақида кўп гапирилмоқда. Бу ҳаракат — панисломизм деган ном остида шуҳрат қозонди. Бошқа динларнинг вакиллари унга гоҳида катта хавф сифатида қарамоқдалар; гоҳида эса уни шунчаки бир хаёл, рўё деб ҳисобламоқдалар. Лекин нима бўлганда ҳам бу ҳаракат мусулмонлар доирасида ўзаро мавжуд бўлган мазҳабий тафовутларни юмшатиб, кўпроқ бирлашиш йўлини излашга ундамоқда. Панисломистик тамойиллардан анча чет жойларда, кўпроқ ҳозирги замондаги маданий интилишлар сабабчи бўлиб, Русия қўли остидаги исломий вилоятларда бирлашиш ҳақидаги фикрлар куч олиб борапти. Бу жойларда сўнгги пайтларда мусулмон аҳоли ўртасида соғлом жараёнларнинг белгилари кўпайиб кўринмоқда. Суннийлар шиаларнинг масжидларидаги ибодатларда иштирок этишмоқда. Астраханда эса имом-хатибнинг ваъзиде ҳатто шундай гаплар айтилипти: “Фақат битта ислом мавжуддир. Афсус-надоматлар бўлсинким, аббосийлар даврида файласуфлар ва юнонча одатлар таъсирида, тафсирчилар ўртасидаги ихтилофлар оқибатида дини исломга нифоқ тушди”. Битта тоат-ибодатнинг ўзида имом-хатиб шиалар сигинадиган имом Ҳасан билан имом Ҳусайнга ҳам ҳамд-санолар ўқийди ва халифалар шаънига ҳам мақтовлар ёғди-раверади. Ҳолбуки, бошқа вақтда ҳақиқий шиа халифанинг номини эшитса, газабдан ёрилиб кетиши ҳеч гап эмас эди.

1906 йилнинг 23 августида Қозондаги мусулмон қурултойида мактаб болаларининг диний тарбияси масаласи кўриб чиқилди. Суннийлар учун ҳам, шиалар учун ҳам битта дарслик қўллаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шунингдек, муаллимликка ҳар икки мазҳаб вакилларида баравар жалб қилишни келишиб олишди. Ўшандан бери шиа мазҳабидаги ёшларга ҳам, сунний мазҳабидаги ёшларга ҳам диний дарсларни қўшиб ўқитиш масаласи амалда ҳал бўлди. Бир-бирига душман икки мазҳаб ўртасида яқинлашиш белгилари шиаларнинг нуфузли вакиллариининг фатвоси билан ижтимоий заминда Месопотамияда ҳам намоён бўлмоқда.

Бироқ буларнинг бари ҳали-ҳозирча айрим белгилар, холос. Бошқа ҳодисаларни ҳам назарда тутадиган бўлсак, бу янги кайфиятлар кенг мусулмонлар оммасининг ичига кириб борадими-йўқми — бу масалада анча-мунча ўйлаб кўришга тўғри келади.

Маънавият осмонидаги юлдузлар

„Маънавият юлдузлари“

Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти
Тошкент — 1999

Бугунги ёш авлодни ватанпарвар, ташаббускор, фидойи инсон сифатида тарбиялаш муҳим вазифага айланди. Бунинг учун уларга миллий қадриятларни чуқур англашиш, қалбига сингдириш лозим. Бусиз комил инсон шахсиятини тўғри шакллантириб бўлмайди. Бу борада Президентимиз Ислоҳ Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида” китобида шундай ёзади: “Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини ривожлантирмай ҳамда мустақамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди” (“Ўзбекистон” нашриёти, 1997, 137-бет). Демак, комил инсонсиз чинакам халқ манфаатига хизмат қиладиган инсоний давлатни юзага келтириб бўлмайди. “Маънавият юлдузлари” номли китоб айна шу вазифага хизмат қилади.

Унда IX асрдан XX аср бошигача бўлган даврда Марказий Осиёда яшаб ижод этган аждодларимиз — машҳур шоирлар, фалакшунослар, риёзатчилар, муҳандислар, файласуф ва тарихчиларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқача маълумот берилади. Бу сиймоларнинг аксарияти ўз даврида илм маънавият осмонида юлдуз бўлганлигига қарамай, шу пайтгача илмий мероси яхши ўрганилмаганини ҳисобга олсак, китоб катта маърифий қимматга эга эканлиги янада яққол кўринади.

Китоб “Марказий Осиёда IX-XX аср бошида маданият ривожини тарихдан” номли мақола билан бошланади. У академик М.Хайруллаев қаламига мансуб. Унда Марказий Осиё халқларининг узоқ тарихи, маданияти-

нинг ривожланиш тамойиллари, Ислом динининг кириб келиши, тасаввуф таълимотининг пайдо бўлиши ва ривожланиши каби масалалар кенг ёритилади. Олим ёзади: “Маълумки, Фарб адабиётларида Оврўпо мамлакатларида кескин маданий юксалишга олиб келган XV-XVII асрларни Ренессанс-Уйғониш даври номи билан юритадилар. Бироқ кўпчилик муаллифлар Шарқда шундай жараён бўлганлигидан кўз юмадилар. Холбуки, IX-XII асрларда Марказий Осиёда Оврўподан бир неча аср илгари маданий юксалиш юз берганлигини ҳеч ким инкор эта олмайди. У Оврўподадек янги сиёсий-иқтисодий жараён, яъни буржуа муносабатларининг вужудга келиши билан боғлиқ бўлмаган бўлса-да, маданият тарихида сўнмас из қолдирди ва Оврўпо Ренессансининг вужудга келишига катта таъсир кўрсатди.

Шунинг учун биз IX-XII асрлардаги Марказий Осиё маданий юксалишини Уйғониш даври деб аташга ҳам тўла асосимиз бор”. Бу ҳар томонлама асосланган, жиддий янги фикрдир. Илгари яратилган илмий-тадқиқот ишларида Шарқ Уйғониш даврини XIV асрдан бошланади, деган қараш ҳукмрон эди. Бу, албатта, мустабид тузум мафқурасига мос келади. Мазкур масалада адолатнинг тикланганлиги китобнинг навбатдаги фазилатларидан биридир.

Мазкур мақола давомида Амир Темур ва темурийлар давридаги маданий юксалиш хусусида ҳам сўз боради.

Мазкур бўлимда муҳим бир хулоса илгари сурилади, яъни қайси

давлатда адолатли сиёсат олиб берилса, ички низоларга йўл қўйилмаса, қўшни давлатлар билан иқтисодий, маданий алоқалар ўрнатилса, ўша давлат ҳар жиҳатдан тараққий топади. Амир Темур, Шоҳруҳ, Улуғбек, Хусайн Бойқаро каби сиймолар ана шундай давлат арбоблари эди. Масалан, Шоҳруҳ Хитой билан алоқани кучайтириб, унга 1420 йилда машҳур расм Фиеъиддин Наққош бошчилигида элчи юборган. Ҳиндистон билан алоқани яхшилаган, у ерга ҳам 1442 йилда элчи юборилган. Булар яхши самара бергани тарихда маълум.

XVII асрга келиб, Мовароуннаҳр ва Хуросонда ички низолар авж олгани туфайли ҳокимият мустақамлигига путур етди. Давлат парчаланди. Бухоро ва Хива, сўнгра Қўқон хонлиги вужудга келди. Улар ўртасида ўзаро кучлар авж олди. Лекин бу оғир шароитда ҳам маънавий асослар бутунлай тўхтаб қолгани йўқ. Бир қатор илмий-маърифий асарлар, жумладан “Тарихи Муқимхоний”, Маҳмуд ибн Валининг “Баҳр ул-асрор”, Мирмуҳаммад Амин ал-Бухорийнинг “Убайдулломо”, Абдурахмон Толенинг “Тарихи Абдулфайзхон” каби тарихий асарлари вужудга келди. Уларда ўша давр ҳукмронлари ҳақида маълумот бериш билан бирга, зулм ҳамда адолатсизлик қораланади, ҳақиқий инсоний муносабатлар тарғиб қилинди. М.Хайруллаев ҳам масаланинг шу томонига алоҳида эътибор беради.

Китобнинг асосий қисмини маънавият юлдузларига айланган буюк сиймоларимиз ҳақидаги мақолалар ташкил этади.

“Мусо ал-Хоразмий”, “Аҳмад ал-Фарғоний” каби алломалар меросига бағишланган мақолаларни тарих фанлари доктори А.Аҳмедов ёзган. Уларни ўқиганда ўқувчининг юраги фахр ва ифтихорга тўлади. Ал-Хоразмийнинг 20 дан ортиқ асари IX асрда дунёга машҳур бўлган экан. У Бағдодда ташкил топган “Байт ул-ҳикмат”нинг йирик олими, шу ердаги икки расадхона мудир сифатида самарали фаолият олиб берган.

Мақолада Хоразмийнинг арифметик рисоласи орқали ҳинд рақамларига асосланган ўнлик санок тизими Оврўпода кенг тарқалгани, улар узоқ вақтгача “алгоризм” деб атаб келингани, то ҳозирги кунгача “алгоризм”

ёки “алгоритм” деганда мунтазам ҳисоблаш жараёни тушуниладиган бўлгани ҳақида батафсил маълумот берилди. Бу ибора билан ал-Хоразмийнинг номи фанга абадий кириб қолди — деб ёзади муаллиф. Хоразмийнинг “Алжабр” рисоласи 1145 йили Севилияда (Испания) Роберт Честер томонидан латин тилига таржима қилинган.

Ал-Фарғоний эса Қоҳира яқинидаги Равзо оролида нилометр, яъни Нил дарёси суви сатҳини белгиловчи ускуна ясаган. Унинг “Астрономия асослари ҳақида китоб”, “Ойнинг Ер остида ва устида бўлиш вақтларини аниқлаш ҳақида рисола”, “Етти иқлимни ҳисоблаш”, “Кўёш соатини яшаш ҳақида китоб”лари жаҳон аҳамиятига молик асарлар саналади.

“Мирзо Улуғбек”, “Қозизода Румий”, “Али Қушчи” мақолалари ҳам А.Аҳмедов томонидан ёзилган. Маълумки Қозизода Румий Улуғбекнинг устози, Али Қушчи эса унинг шогирдидир. Демак, улар бир-бирига яқин, маслакдош бўлганлар. Уларнинг илмий ишлари ва ёзган китобларида умумий муштараклик бор. “Мирзо Улуғбек” мақоласида олим ёзади: “Қозизоданинг маслаҳати билан Улуғбек Хуросоннинг Кошон шаҳридан Фиеъиддин Жамшид Кошийни чақиртиради. Самарқандга Мовароуннаҳрнинг турли шаҳарларидан ва Хуросондан тўплаган олимларнинг сони 1417 йилга келиб 100 дан ортиб кетади. Улар орасида адиллар, муаррихлар, хаттотлар, расомлар, меъморлар бор эди”. Бу далил ўтмишда илмий қадриятлар нечоғлик баланд мавқеда турганини кўрсатади.

“Адиб Аҳмад Югнакий”, “Юсуф Хос Ҳожиб”, “Маҳмуд Қошғарий”, “Алишер Навоий” мақолалари филология фанлари доктори М.Имомназаровга тегишли. Мазкур сиймолар ҳақида кўплаб тадқиқот ишлари ёзилгани маълум. Лекин М.Имомназаровнинг мақолалари янгича қараш ва янги фактлари билан ажраб туради. У асосий диққатини алломалар ижодининг маънавий моҳиятига қаратади. Муаллиф ўз мулоҳазаларини содда ва аниқ баён этади.

Масалан, Хос Ҳожиб хусусидаги мақолада тамомила янгича қарашлар илгари сурилади. Асар ҳукмдорлар учун ёзилганини таъкидлар экан,

олим ижтимоий жиҳатдан “Шоҳнома”-дан кўра “Кутадғу билиг”, яъни “хукмдорлар Адабномаси” кўпроқ зарур деган мулоҳазани билдиради. Бу борада олим ҳақ кўринади. Чунки Юсуф Хос Ҳожиб давлатни тўғри бошқариш учун уч нарса — Ақл, Адолат, Қаноат зарурлигини айтган эди. Буларнинг асосида эса Ақл ётади. Ақл кўмагисиз адолат ҳам, қаноат ҳам бўлмайди. Қаноат эса инсонга Офият (руҳий осойишталик, қониқиш) келтиради. Бу фикрлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Уларга амал қилиш инсоний маънавият комиллигига олиб келади. М.Имомназаров мақоладан ана шу хулосани чиқаради. Унинг Маҳмуд Қошғарий ва Алишер Навоий хусусидаги мақолаларида ҳам ана шундай янги-ча нигоҳ мавжуд. Жумладан, олим ёзади: “Ислом ақидаларига кўра бир кеча-кундузда ўқиладиган беш вақт намоз “ал-Хамсату” дейилади, динимизнинг беш устуни (рукни) ҳам — тавҳид (имон), намоз, рўза, закот, ҳаж — ўзига хос “Хамса” (бешлик)ни ташкил этади. Демак, Низомий дostonларини “Хамса” туркуми сифатида талқин этилиши, унга Амир Хусрав, Навоий ва Жомийларнинг жавоблари бежиз эмас”. Мавзуга мана шундай ўзига хос тарзда ёндаша олган олимнинг баъзи қарашлари мунозарали эканини ҳам айтиб ўтиш керак. Унинг адиб Аҳмаднинг туғилган йили ҳақидаги мулоҳазалари бахсталаб бўлиб, далиллар асосида пухта исботлашни талаб қилади.

“Имом ал-Бухорий”, “Маҳмуд аз-Замаҳшарий” мақолаларини шарқшунос Убайдулла Уватов ёзган. Маълумки, Шарқда одоб-ахлоқ, маънавиятнинг асоси “Куръон” ва ҳадислардир. Ислом дунёсида ҳадис яратган олти муҳаддис ичида алоҳида эътиборга молиги Имом ал-Бухорий саналади. У.Уватов ўз мақоласида буюк ватандошимиз нақл этган ҳадисларнинг маънавият оламида тутган ўрнини, яъни “меҳр-муҳаббат, саҳийлик, очиқ кўнгиллик, ота-она, аёллар ва катталарга ҳурмат, етим-есирларга муруват, фақир бечораларга ҳиммат, ватанга муҳаббат, меҳнатсеварлик ва ҳалолликка даъват этиш каби инсоний фазилатлар”ни ўзлаштиришда муҳим манба эканлигини кўрсатишга алоҳида эътибор беради. Олимнинг

Замаҳшарий ҳақидаги мақоласи ҳам муҳим манбаларга, маълумотларга бойлиги билан ажралиб туради.

Китобда ҳали жамоатчиликка кенг маълум бўлмаган бир қатор сиймолар ижодига ҳам кенг ўрин берилган. Булар Исмоил Журжоний, Маҳмуд Чағминий, Бурхониддин ал-Марғиноний, Тафтазоний, Журжоний, Жалолиддин Давоний, Яъқуб Чархий, Маҳдуми Аъзам, Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Дуглот, Юсуф Қорабоғий каби алломалардир. Улар ҳақидаги мақолаларни Қ.Аликулов, М.Қодиров, О.Қориев, М.Ҳасанов, О.Бўриев, Б.Бобоҷонов каби олимлар ёзганлар. Улар ҳам ўқувчига катта маърифий билим беради, бизга номаълум бўлиб келаётган алломаларимизнинг ноёб илмий мероси оламига етаклаб киради.

Китобдаги “Маҳдуми Аъзам” (1463-64-1542) мақоласига алоҳида тўхталиш жоиздир. Фаолияти асосан Фарғонада, янада аниқроғи Ахсиқатда ўтган бу алломанинг ишлари тасаввуф назарияси ва амалиётида шўхрат қозонганлиги билан биз учун янгиликдир. Б.Бобоҷоновнинг ёзишига кўра, у Бобир Мирзонинг диққатини тортган. Бобур алломанинг эътиборини қозониш ниятида Хожа Аҳрорнинг “Рисолайи волидия” асарини туркий тилга ўгириб, Ҳиндистонда битилган “Девони Бобур”га қўшган. Ўз навбатида Маҳмуди Аъзам ҳам “Бобурия” рисоласини ёзиб, Ҳиндистонга жўнатган. Муаллиф Б.Бобоҷонов ёзади: “Алломининг фикрича, Нақшбандия тариқати уч зарурий қоидага бўлинган: 1. Ихвон (биродарлик). Яъни тариқат аъзолари хатти-ҳаракатларида ҳамдард, ҳамнафас ва ҳамфикр бўлишлари лозим; 2. Макон (ўрин, мавқе). Ҳар бир толиб муршидининг насиҳатларига амал қилиб, баркамолликка интилмоғи лозим ва шу жараёнда тариқат аъзолари орасида ўзига муносиб мавқе соҳиби бўлиб, ўз мартабасига лойиқ иш қилмоғи керак; 3. Замон. Агар маълум замоннинг халқлари ва қавмлари орасида зиддият ва ихтилофлар пайдо бўлса, булар тариқат биродарларини қарама-қаршиликларга келтирмаслиги лозимдир”. Буларга амал қилиш инсоннинг эзгулик сари ташлаган қадамидир. Афсуски, бу олимнинг асарлари ҳали бизда кенг илмий истеъмолга киритилмаган. Улар

Ўзбек тилига таржима қилиб, эълон этилса, маънавиятнинг юксалишига катта ҳисса бўлиб қўшилиши табиий ҳолдир.

“Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Дуглот” мақоласи тарих фанлари доктори А.Уринбоев қаламига мансуб. Мақола янги фактларга бойлиги, Бобур Мирзо тийнати хусусида қимматли маълумот бериши билан муҳим. Муҳаммад Ҳайдар “Тарихи Рашидий” номи фоят қимматли китоб яратган. У Бобурга она томондан қариндош бўлиб, 1499-1551 йиллар ичида яшаб ўтган. Икки қисмдан иборат “Тарихи Рашидий” асари Туркистон тарихида муҳим воқеаларга бағишланганлиги билан диққатга сазовордир. Асарда биринчи бўлиб ислом динини қабул қилган Чигатой хонларидан Туғлуқ Темурхондан бошлаб, 1533 йили тахтга ўтирган амакиваччаси Абдурашидхоннинг тарихи ҳам изчил ёритилган. Мақоладан яна бир муҳим маълумотга эга бўламиз: Мўғулистон хони Туғлуқ Темурни ислом динини қабул қилишга даъват этган ва қабул қилдирган шахс Шайх Аршадуддин бўлган экан. Асарнинг номи тўғри ва ҳақ йўлни-рушдни кўрсатган ана шу шахсга нисбат бериб “Тарихи Рашидий” деб аталган. Кейинчалик Туғлуқ Темур ўз тобеларини ҳам ислом йўлига бошлаган.

Китобдан номи ва асарлари жамоатчиликка яхши маълум бўлган Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Яссавий, Мирзо Улуғбек, Саккокий, Лутфий, Бобур каби сиймолар ҳам ўрин олган. Улар ҳақидаги мақолалар янгича қарашга эгаллиги, алло-маларнинг маънавият оламида тутган ўрни ва асарлари моҳияти лўнда, оммабоп қилиб ёритиб берилгани билан муҳим аҳамият касб этади.

Китобдаги ўз даврининг адолат-пешволари, ўз асарлари билан ҳаётга муҳаббат, келажакка умид уйғотган, гўзалликка ошно қилган, инсонни комилликка эришишга чорлаган сий-

молар — Пошшаҳўжа, Турди Фароғий, Бобораҳим Машраб, Сўфи Оллоёр, Махтумқули, Увайсий, Нодира, Маҳмур ва бошқа ижодкорларга бағишланган мақолалар ҳам катта маърифий қимматга эга.

Китобга мустақиллик учун кураш йўлида жонини фидо этган Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхон, Фитрат ижоди ҳақида мазмундор мақолалар киритилган. Улар китобнинг кўркига кўрк қўшиб турибди. Лекин худди шу каби тақдирга эга шахслар — Абдулла Қодирий, Чўлпон, Элбек, Боту, Фулом Зафарий, Усмон Носир ва бошқа фидоий ватанпарвалар китобдан ўрин олмаганини таассуф билан айтиб ўтиш керак.

Китобда бошқа эътирозли ўринлар ҳам бор. “Марказий Осиёда IX-XII асрларда маданий ўйғониш” мақола-сида “Муқанна бошлиқ “Оқ кийимлар” кўзголони мустақиллик учун олиб борилган узоқ йиллик ҳаракат сифатида халқ онгида чуқур из қолдирди” дейилади. Лекин кейинги йиллардаги тадқиқотларда бу ҳақда турлича қарашлар, ўзгача фикрлар ҳам илгари сурилмоқда. Муаллиф бу борада мавзуга янгича ёндашмоғи, танқидий фикрларга ҳам муносабат билдирмоғи лозим эди.

“Али Қушчи” мақола-сида алломанинг туғилган йили кўрсатилмаган, вафоти эса 1774 деб берилган. Ваҳоланки, унинг туғилган йили маълум. Ўзбек қомусида 1403 йил деб қайд этилган, вафоти эса 1474 йил. Катта фундаментал ишда бундай эътиборсизлик жоиз эмас, албатта.

Маънавият юлдузлари китоби илдизи чуқур миллий ва умумбашарий маънавий қадриятларимизни жамлагани ва теран ёритиб бергани билан муҳимдир. У ўзига хос маънавий қомусга айланган дейишимиз мумкин.

Ҳакимжон КАРИМОВ,
филология фанлари доктори

Уэсли О.ХЕГУД

Кеннеди ва аёллар

МАХФИЙ ХИЗМАТ ХОДИМЛАРИ УНИ СУВОРА ДЕБ АТАШАРДИ

Жон Ф.Кеннеди — АҚШнинг ўттиз бешинчи президенти (1961-1963).

Биографик маълумотлар:

1917 йил 29-майда тугилган.

1963 йил 22 ноябрда ўлдирилган.

Хотини — *Жаклин Ли Бувье*.

Фарзандлари — *икки ўғил, икки қизи бор*.

Никоҳсиз алоқалари:

Гўзаллик қироличаси Инга (Инга-Бинга) Арвад Феджес.

Вашингтон:

Чарльстон. Жанубий Каролина. (1941-1944)

Стриптиз:

Темпест Сторм. Вашингтон. 1999.

Блейз Старр. Янги Орлеан. 1960.

Чақириладиган фоҳишалар:

Сюзи Чанг. Нью-Йорк. 1960-1961.

Мери Новотны. Нью-Йорк. 1960-1961.

Танишлар:

Жоан Лундберг. Санта-Моника. Калифорния. 1959-1960.

Памелла Тернер. Вашингтон. 1956-1963.

Оқ уйнинг ходимлари:

Присцилла Уэйр ва Жилл Коуэн. Палм-Бич, Флорида;

Нассау, Багам ороллари, Йосемит, Калифорния, 1956-1963.

АЗИЗБЕК
таржимаси

Эътиборингизга ҳавола қилинаётган очерк таниқли Америка публицисти Уэсли О.Хегуднинг "Президентлар ва уларнинг аёллари" деган китобидан олинган. Бу китоб 1955 йилда инглиз тилида нашр этилган бўлиб, унда АҚШнинг қирқ икки президентидан ўн учтасининг ҳаётида аёллар ўйнаган роль атрофлича таҳлил қилинади. Бу президентлар орасида Жорж Вашингтон, Томас Жеферсон, Франклин Д.Рузвельт, Жон Кеннеди, Билл Клинтон каби жаҳон тарихида муайян из қолдирган атоқли давлат арбоблари бор. Муаллиф уларнинг аёлларга муносабатини тадқиқ қилар экан, биз кўникамаган ва эҳтимолки, шунинг учун бизга биров эришроқ кўринган йўлдан боради, яъни у ўз "қахрамон"ларининг интим ҳаётини пардозламайди, ҳамма нарсани очиқ-ойдин, ўз номи билан айтишга ҳаракат

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

167

Котибалар ва ёрдамчилар. Вашингтон, 1960-1963.

Зодагон аёллар:

Флоренс Причтетт Смит, Куба; Палм-Бич, 1957-1960.

Жуди Кемпбелл Экснер. Чикаго, Лас-Вегас, Лос-Анжелес, Майами-Бич, Нью-Йорк, Пальм-Бич, Пальм-Спрингс, Вашингтон.

Мери Пинчет Мейер, Оқ уй, 1962-1963.

Актрисалар:

Жин Тирни, Лос-Анжелес, 1946-1947.

Жейн Мэнофилд. Голливуд, 1960-1963.

Энджи Дикинсон, Палм-Спрингс. Калифорния, 1961-1962.

Мэрилин Монро. Нью-Йорк. Калифорния.

Вашингтон, президент самолёти, 1954-1962.

Бошқалар:

Ҳаво йўлларининг стюардессалари.

Вашингтон, Санта-Моника, Калифорния. 50-60-йиллар.

Массачусетс, Вашингтондаги сайлов компанияларидаги котибалар, клерклар ва бошқа ёрдамчилар.

Жекнинг дўстлари томонидан юбориб турилган аёллар.

Гайриқонуний туғилган деб тахмин қилинадиган фарзандлари.

Рональд Маккой (Инга Арваднинг ўғли).

“Бундан буён ҳамма — дўстлар ҳам, душманлар ҳам билиб қўйсин — машъала америкаликларнинг янги авлоди қўлига ўтди. Бу авлод шу асрда туғилган, урушда тобланган, меҳнатда ва машаққатли тинчлик курашларида чиниққан. У ўзининг қадимий меросидан ифтихор қилади. Инсон ҳуқуқларининг аста-секин оёқ ости қилинишига гувоҳ бўлишини истамайди, негаки бизнинг миллатимиз ҳаммаша инсон ҳуқуқлари учун курашиб келган ва биз бугун уйимизда ҳам, бутун дунёда ҳам инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишига содиқмиз. Сизнинг учун мамлакатингиз нима қилиб бера олади деб сўраманг. Яхшиси бошқа нарсани сўранг...”

Фоҳишалар-чи, қани улар?

Бу сўзлар Жон (Жек) Фитцджеральд Кеннеди томонидан 1961 йилнинг 20 январидан айтилган эди. Унинг томонидан айтилган бу биринчи илҳомбахш сўзларни биз ҳаммамиз жуда яхши эслаймиз — улар Президентлик лавозимини бажаришга киришиш маросимида айтилган эди. Ушанда қор кўп ёққан изғиринли январ кунда эндигина қирқ ёшдан ошган, икки бети қип-қизил ёқимтой қирчиллама йигит Американинг ўттиз бешинчи президенти сифатида қасамёд қилган эди.

“... қани улар?” деган савол ҳам ўша куни — 1961 йилнинг 20 январидан берилган эди, лекин анчадан кейин, янги президент шаънига расмий табриклар айтилиб, мақтовли нутқлар сўзлаб бўлингандан кейин берилганди. Норасмий қисмга,

қилади ва мулоҳазаларини ҳужжатлар билан далиллашга интилади. Китобдаги асосий ғоя “Президентлар ҳам одам ва одамга хос бўлган ҳеч қандай сифат уларга ёт эмас” деган ғоядир. Албатта, Кеннедига ўхшаган президентларнинг “саргузаштлари” ўз вақтида кенг халқ оmmasига маълум бўлган эмас, бундан хабардор бўлган одамларнинг айримлари эса ундан ранжиган. Кеннеди ҳақидаги гаплар бир нарсдан далолат беради: бу дунёда ҳеч қачон ҳеч қандай сир мангу сирлигича қолиб кетмас экан. Фақат бу сирлар вақти-соати келиб ошкор бўлганда оддий одамларни ҳижолатга солмас-ю, фақат ҳавасини келтирса... Ахир, биз ўтган аждодларимизнинг кўпчилигига ҳавас билан, ибрат кўзи билан қараймиз ва улардан ўрганишдан толмаймиз.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

168

яъни байрамнинг энг асл қисмига навбат келган эди. Олдинда меҳмонларни танцалар, ичкилик ва ... ишратга тайёр аёллар кутмоқда эди. Сирасини айтганда, Жек зиёфатга келиб, оғзидан чиққан биринчи гап аслида шу бўлган эди. Бу қўполдан-қўпол, беҳаё саволни халойиқнинг ҳузурда фақат Жон Ф. Кеннедигина бериши мумкин эди, аммо лавозимни бажаришга киришиш маросимидаги хитобномада айтилган сўзларнинг муаллифи унинг истеъдодли спичрайтери Тед Соренсен бўлганди. Лекин бу нутқдаги энг машҳур ибора Соренсен томонидан тузилган эмасди. Бу сўзлар биринчи марта президент Гардингнинг нутқида айтилган эди. У шундай деган эди: “Сиз ҳукуматингизга нима қилиб беришингиз мумкинлигини ўйлагандан кўра, ҳукуматингиз сизга нима қилиб бериши мумкинлигини кўпроқ ўйланг”.

Инагурациядан кейин бўлган зиёфатда Жекнинг танлаб олмоғи учун одатдаги онаси ўпмаган дилрабо қизлар ҳам, келажаги порлоқ соҳибжамол киноактрисалар ҳам бениҳоя бисёр эди. Оврўпа мамлакатларидан бирининг элчиси янги президентга ҳатто ўзининг жиянини ёпиштиришга ҳаракат қилди. Жон Кеннедининг қайниси актёр Питер Лоуфорд ўзи билан олти дилтортар ҳаваскор киноактрисани бошлаб келипти. Уларнинг ҳар қайсиси ихтиёрий равишда Қўшма Штатларнинг янги президенти билан бир кечадан ишрат қилишга майл билдирдилар. Питер уларни қатор қилиб сафга турғизди. Кеннеди сафни кўздан кечириб, улардан иккитасини танлаб олди...

Ўша оқшомда бир неча соат муқаддам Жек “Статлер-Хилтон” меҳмонхонасида бўладиган бешта инагурация зиёфатларининг иккинчисида хотини Жаклин ва эру-хотин Жонсонлар билан бирга эканига қарамай, ниманидир баҳона қилиб, яқинларининг даврасий тарк этган-у, тезгина юқорига — Фрэнк Синатранинг апартаментига кўтарилган. У ерда зиёфат жуда авжда эди. Зиёфатда актрисалардан Энжи Дикинсон, Жанет Лей ва Ким Новаклар иштирок этарди.

Айтмоқ керакки, Энжи билан Ким янги президент шарафига унинг содиқ дўстлари ва сайловодди компаниясидаги ҳамкорлари Жорж ва Жанет Уилерлар томонидан уюштирилган тушликка келишган эди. Одамларда шубҳа туғдирмаслик учун Энжи ҳарбий денгиз министрининг ёрдамчиси Рэдфэй билан бирга келган эди. Жекнинг илтимоси билан Рэдфэй ҳамма норасмий тадбирларга Энжи билан бирга борган.

Ярим соат ўтгандан кейин президент қўлтиғига “Вашингтон пост” газетасини қистириб олганча хотинининг ёнига қайтиб келади. Гўё қўлтиғидаги “Вашингтон пост” унинг газета харид қилиш билан овора бўлганидан далолат бермоғи керак эди. Жеки қизиққан киши бўлиб, “бугун оқшом дунёда қандай ғаройиб ҳодисалар содир бўлипти?” деб сўрапти. Жек дабдурустан берилган бу саволдан довдираб қолипти-ю, кейин ҳар қалай юзига табассум югурипти. Бунақа саволни сира кутмаган экан-да. Ўша куни оқшом Жеки ўзининг суюқоёқ эридан бошқа ҳеч нарса сўрамасликка аҳд қилипти.

Оммавий ахборот воситалари Кеннедининг зиноларидан хабардор эдилар. Лекин бу тўғрида оғиз очмасликни маъқул кўрардилар. “Ассошиэйтед Пресс”нинг собиқ мухбирларидан бири шундай деганди: “Бунақа нарсаларни ёритиш масаласида ўзаро келишувимиз бор эди”. Бошқа бир шарҳловчи ҳам худди шунга ўхшаш гапни айтади: “Вашингтонда киши билмайдиган ўзига хос бир битим бор эди: сизлар менинг хусусий ҳаётимга дахл қилмайсизлар, мен эса — сизларникига ...” Ҳатто “Ньюсуик” журналининг Вашингтондаги мухбирлар бўлимининг бошлиғи, кейинчалик “Вашингтон пост”нинг муҳаррири бўлган Бен Брендли ҳам орадан бир неча йил ўтгандан сўнг матбуотда Кеннеди ҳаётида фаҳш кўплиги тўғрисида маълумотлар чиқа бошлаганда жуда ҳайрон бўлган эди. Шундоқ бўлса ҳам Брэдли тан олишга мажбур бўлган: “Жон Кеннеди — оч одам эди, унинг ҳаёти шундоқ ҳам саргузаштларга бой бўлган, лекин у йўлида дуч келган ҳар бир лаззатни очофатлик билан ямламай ютарди. У ўзи яхши кўрган одамларидан ҳам худди шу сифатни ахтарарди. Бу тўғри маънода ҳам, кўчма маънода ҳам ҳақиқатдир”. Бир гал Жекнинг ўзи шундай деган: “Мен ҳаёт эканман, газетачилар менга тегмайди, ўлимимдан кейин нима бўлиши эса мени ташвишлантирмайди”. Шундай қилиб, унинг ишқий саргузаштлари матбуот учун ман этилган мавзу эди.

Жекнинг сексуал ҳаётидаги бунақа бузуқликнинг сабабларини тасаввур қилмоқ

учун АҚШ президентининг болаликдан бошлаб сиёсий фаолияти гуллаб-яшнаган паллагача босиб ўтган йўлини кўриб чиқайлик.

* * *

Жон Кеннеди бор-йўғи ўн икки ёшга кирганида унинг отаси Жозеф Кеннеди якшанбалик тушликка ўйнаши, кино юлдуз Глория Свенсонни етаклаб келган эди. Унинг хотини Роза атрофида содир бўлаётган воқеалар уни заррача ташвишлан-тирмаслигини кўрсатмоқчи бўлиб, ўзини билмаганга солган-у, лекин бу шафқат-сизлик ва беҳаёлик билан қилинган иш унинг юрагини зимдан яралаган бўлмоғи керак. Бу иш ўсмир Жекка ҳам муайян-таъсир кўрсатмай қолмаган, албатта.

Ота ўзининг саргузаштларини яширишга уриниб ҳам ўтирмаган, аксинча, у тез-тез ҳамма йигитларга “кўпроқ дон олишиб туришни” маслаҳат берган. Коннектикут штатига қарашли Нью-Хейвендаги Йель болаларни тадқиқ этиш марказининг болалар педиатрияси бўйича профессори доктор Жон Шовалтер шундай дейди: “Отанинг сексуал ахлоқи ўғилнинг аёлларга бўлғувси муносабатига жуда катта таъсир кўрсатмоғи мумкин”.

Ўсмирлик йилларидаёқ “доно” отасининг панд-насиҳатлари оқибатида Жек аёллар эркак шаҳвоний эҳтиёжларини қондириш учунгина хизмат қилишини билиб олди.

* * *

Жек ўзининг бокиралигини Гарлемдаги исловотхоналардан бирида йўқотган. У исловотхонага энг қадрдон дўсти Лемйон (Лем) Биллингс билан бирга келади. Ўша кезларда бўлғувси президент энди ўн етти ёшга кирган эди. Кеннеди дўстига икковлон бир аёлдан фойдаланишни таклиф қилди. Унинг ўйича, шундай қилишса, бу уларнинг ораларидаги дўстликни янада мустаҳкамлаган бўларди. Йигитлар Гарлемга боришади ва битта фоҳишани ёллашади. Биринчи бўлиб Жек ишга киришади, Лем эса эшик ортида қоровулчилик қилиб туради. Баъзи манбаларнинг тасдиғича, Лем қўрқиб кетган-у, дўстидан кейин бу ишга журъат қилган эмас. Шунга қарамасдан ўша куни кечқурун иккала оғайни ҳам хавотирга тушиб қолишади — улар бирон бир жинсий касални юқтириб олишмадимикан? Йигитлар ўлғундай қўрқиб кетишади ва жон ҳолатда хастахонага югуриб боришади. У ерда йигитларга сургани ёғ беришади. Улар бунга қаноат қилишмайди ва ярим кечада докторга қўнғироқ қилиб, дорилардан қандай фойдаланиш борасида маслаҳат олишади.

* * *

1935 йилда Жек Принстонга ўқишга киради, лекин 1936 йилнинг кузида Гарвард университетига ўтади. 1940 йилнинг июнида шу университетни имтиёзли диплом билан тугатади. Талабалик чоғларида Кеннеди аёлларнинг орқасидан сира қолган эмас. Бир куни таътил вақтида Голливудга бориб қолади-ю, омади чопиб бир жозибадор актриса жувон билан топишади. Кейин бу тўғрида Лем Биллингсга хат ёзади. Хатида жувонни “шу пайтгача қўлидан ўтган ҳамма аёллар ичида энг ёқимтойи ва офатижони” деб атайди.

Кейинги гал таътилга чиққанида Кеннеди Мексикага боради, кейин эса қадрдон дўсти Биллингсга мактуб йўллаб, саргузаштларини батафсил баён қилади. Мактубга “Қадрдон дўстининг Мексика исловотхонасида хона бўйлаб саёҳати” деб сарлавҳа қўйилган.

Талабалик йилларида Кеннеди билан Оливия Кроули, Фрэнсис Кэннон, Шарлотта Макдоннел ва Гарриэт (Флип) Прайс ўртасида жиддий муносабатлар майдонга келади. Кеннедининг кўнглида бу қизлардан биронтасига уйланиш нияти пайдо бўлган бўлса ҳам, ажаб эмас. Лекин охир-оқибатда ҳамма “теран туйғулар”

тутундай тарқаб кетди. Коллежни тугатгандан кейин Жек бир неча муддат Стэндфорд бизнес мактабига қатнайди, кейин эса Жанубий Америка бўйлаб саёхат қилишга жаҳд этади.

1941 йилнинг сентябрида Кеннеди ҳарбий денгиз флотига хизматга чақирилади ва у ерда 1945 йил апрелигача хизматни ўтайди. Аввал уни Вашингтондаги ҳарбий денгиз разведкаси бошқармасининг ихтиёрига юборишади. Бу ерда у шифрлаш бўлимида хизмат қилади.

Кеннедининг отаси Ҳарбий денгиз флоти министрлигидаги танишлари орқали ўғлини Жанубий Королинадаги Чарльстон шаҳрига ўтказишга муваффақ бўлади. У ерда Жек эрлик хотинга ўралашиб қолади. Бу — Инга Арвард Феджес деган аёл эди. Уларнинг ошиқ-маъшқлиги тобора жиддий тус олаборди ва Жек ҳатто унга уйланиш тўғрисида жиддий ўйлай бошлади. Агар, бу ният амалга ошганида жуда бемаъни иш бўларди, чунки бу унинг урушдан кейинги сиёсат бобида эришмоқчи бўлган амалларининг ҳаммасига барҳам берарди. Қолаверса, ФТБ (Федерал тафтиш бюроси) Ингадан Германия фойдасига жосуслик қилишда гумондор эди.

Кейинроқ Кеннеди РТ-109 торпедо кемасининг командири бўлди. Бироқ биринчи жангдаёқ бу кемани Япон эсминци мағлубиятга учратди ва кемани иккига бўлиб ташлади. Жекнинг умуртқа суяги оғир жароҳатланди, у ҳарбий хастахонага тушиб қолди. Бир неча ойдан кейин эса уни соғлиғи туфайли флот хизматидан озод қилишди.

Кеннеди новчагина эди — унинг бўйи олти фут-у бир дюйм келарди. Бу эса уни кўзга яқин қиларди. Мовий кўзлари ва сарғиш сочлари унинг қиёфасини янада жозибароқ қиларди. Серғайрат ва шўх бўлгани учун одамларга алланечук сеҳрли таъсир кўрсатиб, уларни ўзига жалб қиларди. Жек ҳамма нарсада биринчи бўлмоқни хоҳларди ва айни чоқда ўзгаларнинг гапини тинглашни, суҳбатдошига ҳамдард бўлишни ҳам биларди. Унда келажакда сиёсий арбоб бўлмоқ учун зарур бўлган барча сифатлар мавжуд эди. Гарчи у жамоатчилик тадбирларини жинидан бадтар ёмон кўрса-да, уларнинг зарурлигини тушунар эди. Жек сўзларни бир-бирига қўшиб шунақа жумлалар тўқий билардики, унинг нутқи тингловчиларда катта таассурот қолдирар ва уларни илҳомлантирарди.

Президент бўлганидан кейин бир куни Кеннеди шундай деди: “Сиёсатчи хаёлуруш одамдир. Аммо у ўз тимсолида хаёлни мужассам эта билмоғи керак”. Жек афсона билан воқелик орасидаги тафовутни жуда яхши билар ва шунинг учун ҳам америка халқи учун “мовий хаёллар”ни яратиш бобида эринмай, қийинчиликлардан қўрқмай меҳнат қиларди. Бу ишда энг қулай восита сифатида матбуотдан жуда усталик билан фойдаланарди. Масалан, оммавий ахборот воситалари туфайли ҳамма Жек билан Жекини юлдузи бир-бирига тўғри келган бахтиёр эр-хотин деб ҳисобларди. Ҳолбуки, аҳвол бутунлай бунинг акси эди.

1946 йилда Жекни биринчи марта Массачусетс штатидан вакиллар палатасига сайлашди. 1952 йилда у ўзининг рақиби Генри Кэбат Лоджга қараганда етмиш минг овоз ортиқ олиб, сенатор бўлди. 1953 йилда “Сатедей Ивнинг Пост”да босилган мақоласи туфайли Кеннеди “Сенатдаги қувноқ бўйдоқ йигит” сифатида шуҳрат қозонди. Хастахонада даволаниб ётган кезларида у “Мардлик қирралари” деган китоб ёзди. Бу китоб Пулитцер мукофотига сазовор бўлди. 1956 йилда чоп этилган бу китобда Америка тарихидаги шундай дақиқалар тасвирланганки, унда атоқли давлат арбоблари ва сиёсий арбоблар кўпчилик одамга унча маъқул бўлмаса ҳам ўз қарашларида қаттиқ туришган, ундан воз кечишмаган. Бу китоб бўлгучи Президентга бутун мамлакат миқёсида катта шуҳрат келтирди.

1956 йилда Жек демократик партиядан вице-президентликка номзод бўлмоқчи бўлди, лекин сайловда Тенесси штатидан чиққан сенатор Эстес Кефауверга ютқазиб қўйди.

1958 йилда Кеннедини яна сенатга сайлашади, шундан кейин у президентлик лавозими учун курашмоққа тайёрлик кўра бошлади.

Жеки Бувье билан Жек 1951 йилнинг майида уларнинг икковининг ҳам дўсти, газетачи Чарльз Бартлетт берган зиёфатда танишган эдилар. Жеки “Таймс Геральд”да фотомухбир бўлиб хизмат қиларди. Вақти-вақти билан уни Капитолий адирига жўна-

тишиб, у ёки бу сиёсатчининг сувратини олиб келишни топширишарди. У Жекдан ҳам интервью олиб турарди. Уни бутунлай домига илинтириб олмоқ учун мисс Бувье Конгресс биносига эшик оғаси бўлиб хизмат қилувчи Уильям Миллерни ўзига ёрдамчи қилиб сафарбар этди. Баъзан Жеки сенатор Кеннедининг кабинетига борар ва сайр қилганда олиб юриладиган кичкина корзинкада унга иссиқ овқат олиб келарди.

Жеки баланд бўйли, қадди-қомаги келишган, жайрон кўзли қорамағиздан келган қиз бўлиб, ўзининг камсуқумлигини кўз-кўз қилар, лекин жуда ғурури баланд эди.

Дастлабки ишқий учрашувлардан бири Виржинияда Арлингтонда машинанинг орқа ўриндиғида бўлиб ўтди. Жек Жекининг сийнабандини ечиб улгурмай, қўлида кичкина фонар тутган полициячи пайдо бўлди. У сенаторни таниб қолди. Хижолатга тушиб қолган тартиб посбони узр сўраб, уларни холи қолдириб, кўздан ғойиб бўлди. Шуни айтмоқ керакки, бу пайтда мисс Бувье Жон Хостедга унаштириб қўйилган эди, бироқ Кеннедини ундан афзал билиб, Жеки унаштирувни бузди. Уларнинг икковларининг ҳам муштарак дўстлари бор эди. У Жекини огоҳлантириб, Жекини ўзига бино қўйган бир хотинбоз сифатида таърифлади, лекин қиз унинг гапини инobatга олмади, қўлимга тушгандан кейин бу “ёввойи йўрға”ни қайириб, изимига юрадиган қилиб оламан деб ўйлади.

Жек билан Жеки 1953 йилнинг 12 сентябрида Род-Айленддаги Ньюпортда Авлиё Марям черковида унаштирилдилар. Жек ўттиз олти, Жеки эса йигирма тўрт ёшда эди.

Жеки 1929 йилнинг 28 июлида туғилган. У ҳам Кеннедига ўхшаб зориқиш нималигини билмай ўсган. Қизнинг ота-оналари 1940 йилда ажрашиб кетишган. Бу пайтда Жеки эндиғина ўн бир ёшга кирган эди. У Вассар коллежида ва Сорбоннада ўқиган, 1951 йилда Жорж Вашингтон номидаги университетнинг дипломини олган. Унинг отаси Жон у ёки “Қора Жек” ёхуд Бувье III биржада даллол эди. У ашаддий пиёниста ва ўлгудай хотинбоз бўлган. У қизининг тўйида шу даражада ўласи бўлиб ичганки, қизини кузатиб қўйишга ҳам ярамаган, унинг ўрнига бу вазифани собиқ хотинининг эри Хью Очинклосс бажарган.

Яқин дўстлари сезишганки, эру хотин Кеннедилар ўртасида совуқчилик тўйдан кейинги биринчи ой мобайнидаёқ кўрина бошлаган. Негаки, Кеннеди рўпарасидан чиқиб қолган ҳар бир хушрўй аёлга қараб ипини узаверар экан. Тўйдан кейинги биринчи ой ўтгач, Кеннеди аввалги ишига қайтади. Бу иши тез-тез сафарга чиқиб туришни тақозо этар эди. Сенатор Жорж Смазерс билан бирга у маъшуқалари билан ишрат қилиб туриш учун Вашингтонда Керрол Армсда бир квартирани ижарага олган эди.

1954 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида Жеки Оврупага кетади. Бундан фойдаланиб Жекнинг битта ошнаси Мэн штатидаги коттеджида унинг учун “хонаки зиёфат” уюштиради. У сенаторнинг хулқи-атворини ҳар қандай гумон-у шубҳалардан холи асраш учун ғаройиб бир режа тузади. Бу режага кўра зиёфатда етти киши — учта эркак ва тўртта аёл қатнашмоғи керак. Улар ташқаридан қараганда гўё Кеннедининг жуфти йўқдай тоқ бўлиб тўпланишга қарор қилишади. Мухбирларни чалғитиш учун Жекнинг ошнаси дўстини черковга боришга кўндиради. Якшанба куни эрталаб ёши ўтинқираб қолган бир сипороқ аёл ҳамроҳлигида Жек черковга бориб келади. Бу черков сафари туни бўйи тинмаган тизгинсиз маишат мажлисидан кейин рўй берганди.

Сиёсий компаниялар вақтида Жек ўзини ҳаддан ташқари беғам тўтарди. Оқибатда унинг ёрдамчилари жуда катта қийинчиликларга рўпара бўлишарди. Ҳар ҳолда унинг ҳар бир янги саргузаштини кўриб ёрдамчилари даҳшатга тушарди. Бир куни унга сурат кўрсатишади. Суратда Кеннеди пляжда бир қорамағиз офатижоннинг улфатчилигида ётишган экан. Яна шуниси борки, уларнинг иккови ҳам қип-яланғоч. Буни кўриб, Жеки жилмайипти-да, “Ҳа, эсимда, жуда кетворган жоннон эди-да! Олий даражада!” деган экан. Аммо 1960 йилда президентлик сайлови компанияси даврида ўзининг саргузаштлари ҳақидаги маълумотлар матбуот юзини кўриб қолмаслиги тўғрисида ташвиш чека бошлади. Ўзининг қайдларидан бирида Жек шундай ёзган эди: “Менимча, биз бу ишларнинг ниҳоясига етгунимизга қадар улар бошимга бирор оғир нарса билан тушириб қолиш пайида юришипти”.

Ташвишланиш учун баҳона етарли эди. Президентликка номзод бўйнида сон-саноқсиз миқдорда шарманда қилувчи вазиятлар бўйинтуруғи борлигини, булардан истагани ошкор бўлиб қолса, ҳалокатли оқибатларга эга бўлиши мумкинлигини биларди. Ўзининг кундалигида у ёзган эди: “Мен бир малласочга илашиб қолдим...” Афтидан, Жек лоақал унинг отини ҳам билмас эди — у юзлаб панада ётган соат механизми ўрнатилган бомбалардан бири эди. Мана, кундаликдаги яна бир ёзув: “Менинг шодмон кунларим тамом бўлди...”

Агар сайлов компанияси вақтида шунга ўхшаш ахборот ошкор бўлиб қолса борми — Кеннедининг мағлубиятга учраши муқаррар эди.

Сирасини айтганда, у шундоқ ҳам жуда кам миқдорда устунликка эришган эди. У 11800 овоз ортиқ олганди, холос, сайловда эса ҳаммаси бўлиб 68 миллион 300 минг сайловчи қатнашган эди. “Лайф” журнали томонидан 1984 йилда ўтказилган сўроқ-жавобларга қараганда “америкаликларнинг учдан бир қисми агар Кеннедининг қилмишларидан аввалдан хабардор бўлганимизда овоз бермаган бўларди” дейишган экан. Эҳтимолки, ишлар бошқачароқ кетганда 1960 йилда Ричард Никсон президент қилиб сайланиши мумкин эди.

Кўпдан-кўп хиёнатларга қарамай, эру хотин Кеннедилар ўртасида интим муносабатларда совуқчилик пайдо бўлгани йўқ. Жек жуда қаттиқ буюриб, кундуз кунлари хотини билан шахсий истироҳат хоналарида дам олаётганларида безовта қилмасликларини тайинлаб қўйганди. Жеки дугоналаридан бирига мақтаниб, “эрим сира ҳам ҳоли-жонимга қўймайди-да” деган экан.

Кеннеди жуда кўп аёллар билан учрашиб турарди. Уларнинг баъзи бирлари жуда машҳур кино юлдузлари эди, бошқалари эса стриптиз қироличалари эди. Шунингдек, у фоҳишалардан ҳам ҳазар қилмасди. Уларнинг орасида буюртма билан келадиған, жамиятнинг олий табақасига мансуб мижозларнинг ҳожатини чиқардиган жуда кетворган аёллар ҳам, арзон баҳо исловотхоналардан чиққан оддий фоҳишалар ҳам бор эди. Унинг сон-саноқсиз сексуал жуфтлари қаторида шунингдек, Оқ уйда хизмат қиладиган ходималар ҳам, котибалар ҳам, стюардессалар ҳам, журналист аёллар ҳам, сайловолди штабининг ходималари ҳам, яқин одамларининг хотинлари ва танишлари ҳам мавжуд эди.

* * *

Кеннеди Вашингтонда денгиз разведкаси бошқармасида хизмат қилиб юрган пайтларда синглиси Кэтлин акасини солиқ “Дония соҳибжамоли” Инга Арвад билан таништириб қўяди. Жек бу жувонга Инга-Бинга деб ном қўйиб олади. Малла соч, мовий кўз мисс Арвад жуда ҳам бенуқсон баданга эга эди. Унинг қилиқлари, ўзини туттиши ҳам баркамол эди. У истаган эркакнинг бошини айлантириб, хаёлини ўғирлаб қўяоларди. Бу соҳибжамол аёл учун ишрат ўзига хос бир ўйин эди — бўш вақтларининг ҳаммасида у ҳузур қилиб ишрат билан шуғулланарди. Агар Кеннеди бирор аёлни чинакамига севган бўлса, бу аёл, албатта, ана шу Инга бўлмоғи керак. Улар танишган пайтда Кеннеди йигирма тўрт ёшда, Инга эса йигирма саккиз ёшда эди. Инга-Бинга эри борлигига қарамай, Кеннеди билан икковлари Вашингтонда алоҳида квартирада яшаган эди.

АҚШга келгунига қадар Инга кино актриса бўлган эди. У ўша пайтдаги жуда кўп немис фильмларида роллар ижро этган эди. Кейин у “Дойче дейтунг” газетасида мухбир бўлиб ишлаган, Адольф Гитлердан ва унинг қуршовидаги одамлардан интервью олган. Гитлер фрейлейн Арвадга шу қадар мафтун бўлиб қолганки, ҳар гал Берлинга келганида унинг ҳузурига меҳмон бўлиб келиб туришга таклиф қилган. Кеннеди ўйнашининг биографиясига тааллуқли бу фактлар Федерал Тафтиш Бюросининг ҳушёр ходимлари эътиборидан четда қолган эмас — улар жувоннинг квартирасида овозларни ёзиб оладиган ускуналар ўрнатишган — улар “жосус қиз”нинг апартаментларида бўлган гапларнинг ҳаммасини тасмага ёзиб олган, шу жумладан, Инга билан денгиз офицери Кеннеди ўртасидаги ишқий машамшалар ҳам батафсил ёзиб олинган. Шу сабабдан ҳарбий-денгиз ишларининг мутасаддилари денгиз зобитининг шаънига доғ туширадиган муносабатларга чек

қўймоқчи бўлиб, Жекни Жанубий Каролина штатидаги Чарльстонга кўчиришди. Аммо ана шундай қаттиқ чораларга қарамай, Федерал Тафтиш Бюросининг директори Эдгар Гувер яна бир неча ой мобайнида Жек билан Инга учрашишгани ва "...бир қатор ҳолларда сексуал муносабатларга киришгани" туғрисида маълумотлар олиб турган.

Кеннеди президент бўлиб сайланмасдан олдиноқ Гувер унинг ғайри қонуний ишқий алоқалари ҳақида материаллар йиға бошлаган. Сайловолди компанияси тугаб, Жек АҚШ президенти бўлиб олгандан кейин ҳам Гувер тўплаган материалнинг миқдори анча кўпаяди. Федерал Тафтиш Бюросининг директори Оқ уйнинг бошлиғини маиший бузуқ одам деб ҳисобларди. Кеннедининг Эдгар Гувер туғрисида "итдан тарқаган галати одам" дегани бежиз эмас. Президентнинг яқин аъёнлари Гуверни Федерал Тафтиш Бюросининг директорлиги лавозимидан дарҳол бўшатиш кераклигини талаб қилишган бўлса-да, Жек бундай қилишга журъат этган эмас. Бу одамнинг ихтиёрида ўзининг Инга билан ишратлари туғрисидаги магнит тасмасига ёзиб олинган материаллар борлиги эсида бўлган. Эҳтимолки, унда Американинг бўлғувси президенти бошидан кечирган яна аллақанча ишқий саргузаштлар ҳақидаги материал ҳам бордир.

Булардан ташқари Гуверга Кеннедининг собиқ қайлиғи миссис Элис Дарр Пардомнинг 1951 йилда Жекдан бўйида бўлиб қолгани ҳам маълум эди. 1961 йилда собиқ куёв бу жувоннинг олдига укаси Бобни юборади. Боб унга оғзини маҳкам қилиб юрмоғи учун нақд 500000 доллар таклиф қилади. Гап шундаки, Элис бу воқеадан бир неча ой муқаддам эридан ажрашмоқ учун судга ариза берган эди, эри бўлса ахмоқлик қилиб қарши ариза берган ва унда Кеннедининг исми ҳам тилга олинган эди. Бобнинг ташрифи яхши самара берди — миссис Пардом шу заҳотиёқ суддан ўзининг аризасини қайтариб олди ва орадан кўп ўтмасдан эридан ажралишини АҚШ ҳудудларидан ташқарида — Мексикада расмийлаштирди.

1942 йилнинг 6 февралда Инга Чарльстондаги "Форт Сантер" меҳмонхонасининг 132-номерида Барбара Уайт деган аёлнинг номи билан рўйхатдан ўтган. Пешиндан кейин икки эшиклик "бьюнк"да меҳмонхонага Жек келган. Кечки овқатга чиққанини истисно қилганда, у "мисс Уайт"нинг хонасини эрталабга қадар тарк этган эмас. Ундан кейинги икки кунни — шанба билан якшанбани ҳам ошиқ-маъшуқлар меҳмонхонада ўтказишган. Бу ахборот шу заҳотиёқ Гувернинг қўлига етиб боради.

21-23 февралда мисс Арвад яна Чарльстонга боради. Кеннеди севгилисини аэропортда кутиб олади ва уни "Фрэнсис Марион" меҳмонхонасига жойлаштиради. Бу ерда улар кейинги уч кун мобайнида ишқий ишлар билан банд бўлишади. Бу гал Инга Барбара Смит деган ном билан рўйхатдан ўтади.

Лем Биллингс Жекнинг отасидан Инганинг квартираси овоз ёзиб оладиган маҳфий аппаратларга тўлиб кетганини, унинг телефони ҳам доимий назорат остида эканини билади. Бу туғрисида у Жекка хабар қилишга ошиқди: унга мактуб йўллаб, "шубҳали" маъшуқасини дарҳол текшириб кўришни илтимос қилди. 28 февралда Кеннеди зудлик билан Вашингтонга учиб келди. Туни бўйи Инга билан бирга бўлгандан сўнг, бир замонлар жигаридан уриб қолган жонони билан ҳар қандай ишқий муносабатларни тўхтатишга қарор қилади. Бироқ уларнинг ўртасидаги дўстона алоқалар яна анча вақтгача давом этиб туради: улар тез-тез телефонда сўзлашиб туришади, баъзан учрашиб, бирга ресторанга ёхуд театрга боришади. Бироқ, ишратга ҳар қолда хотима берилган эди.

Шундоқ бўлса ҳам иш ғалвасиз битмайди. Инганинг бўйида бўлиб қолган эди. У Жекни айблайди, уни "ҳамма ҳузур-у лаззатлардан жон-жон деб баҳраманд бўлишга доим тайёр турарди-ю, лекин маҳбубасининг кейинги тақдири учун масъулиятни бўйнига олиш масаласига келганда сира ҳам буни режаларига қўшмайди" деб айблаган эди. Шундай қилиб, боланинг ҳақиқий отаси ким экани аниқланмай, очиқ қолди. Болага Рональд деб исм қўйишди. Инга Арвад боланинг отаси Жек Кеннеди деб туриб олди. У бўлса оғзида кўпик билан бунинг аксини тасдиқлашга ҳаракат қилди.

* * *

Стриптиз юлдузлари Темпест Стром билан Блейз Стар ҳам севгиларини Американинг бўлажак президентидан дариг тутишмаган эди. Бу “қизалоқлар” билан Жек 1955 йилда “Казино-Рояль” театридаги стриптиз-шоу вақтида танишганди. Улардан бири — Темпест Стром билан Кеннеди ҳар гал бу танноз Вашингтонга йўли тушганда учрашиб туришни канда қилмаган. Бу жононнинг ўзи ҳам чакана эмас эди-да - бўй демагани нақ олти фут...

Блейз Стар билан Кеннеди Нью-Йоркдаги меҳмонхоналардан бирининг қазнағида дон олишган эди. Улар ишратга машғул чоғларида жувоннинг қайлиғи губернатор Эрл Понг ҳеч гапдан хабари йўқ кўшни бинода зиёфатда рақсу само билан банд эди: Блейзнинг “ишратда донини бераётган” да Жек жувонга президент Уоррен Гардингнинг ўйнаши Нэн Бриттон билан Оқ уйнинг “ҳашаматли қазноғида” маишат қилишганини гапириб берган. Бўлғуси президентнинг қазноқда маишат қилиши биринчи марта эмас эди. 50-йилларнинг бошида Жек ҳали эндигина сенатор бўлган кезларда Род-Айленддаги Ньюпортда Вандер бильтларнинг қадимий қасрида бўлиб ўтган бир хайрия тадбирида ҳозир бўлган нуфузли меҳмонларнинг роса ғашини келтирган эди. Гап шундаки “америкалик Казанова” меҳмонга тўпланган казо-казоларни кийим ечадиган ёпиқ қазноқ олдида бир соатча маҳтал қилиб қўйганди, негаки бу вақтда у қазноқда зўр бериб севги сирларини ўрганмоқда эди.

1963 йилнинг июнида Жекнинг хуфёна саргузаштлари сири очилиб қолишига сал қолди. Ҳар ерда ҳозир нозир бўладиган Дон Фраска билан Жеймс Хорен “Нью-Йорк Жорнел Америкен” да бир мақола эълон қилишди. Унда “1960-61-йиллардаги Америка сиёсатидаги энг катта ном эгаларидан бири” Нью-Йоркда англиялик киноактриса Сюзи Чанг билан махфий учрашгани ҳақида гап борарди. Буниси майли-я, мақоланинг муаллифлари ўша “мансабдор шахс”нинг учта фоҳиша билан бирга кўпчиликлашиб ишрат қилганини исботлайдиган далилларимиз бор, деган гапни ҳам айтишган эди. Уч фоҳишанинг бири “буюртма билан юрадиган” Мэри Новотни деган жувон экан. Скотланд-Ярд ва Федерал Тафтиш Бюроси кучлари биргаликда ўтказган тафтиш натижасида ўн тўққиз яшар инглиз аёли Новотнининг Жек Кеннеди билан алоқада бўлгани маълум бўлади. У Жек Кеннеди билан конференсье Вик Дамон томонидан Нью-Йорк меҳмонхоналаридан бирида уюштирилган зиёфатда танишган экан. Питер Лоуфорд Мэри билая Жек учун меҳмонхонадан битта бўш хона топиб беришти ва улар ўша ерда “муроду мақсадларига етишиптилар”. Суҳбатларидан бирида Новотни яна шуни маълум қиладики, мистер Лоуфорд ундан илтимос қилиб, “президент учун бирон тузукроқ ҳунарингни кўрсат” деган эмиш. Уларнинг кейинги учрашуви Манхеттенда эллик бешинчи кўчадаги квартирада содир бўлган. Бу гал ишрат алмисоқдан қолган бир шаклда содир бўлган. Питер Лоуфорд Мэри билан унинг учта дугонасини тиббий ҳамширалар либосига кийинтирган, “бемор” ролини эса Кеннеди бажарган. Қизлар унинг “шаҳвоний эҳтиёжини” қондиришган. Айтиш керакки, улар бу ишни жуда ўринлатиб бажо этишган.

Ўша пайтларда Жекнинг укаси Боб адлия министри лавозимда хизмат қиларди. Агар, журналда тўсатдан “америка миллатининг шаънига доғ туширадиган” яна бирон-бир гап чиқиб қолса, Боб трестга қарши қаратилган қонунни бузгани учун журнални судга бераман деб пўписа қилади. Шундан кейин матбуотда бунақа мақолалар кўринмайди.

* * *

Эридан ажраган, икки боланинг онаси бўлмиш Жоан Лундберг Кеннеди билан 1953 йилда - Жек демократлар партиясидан вице-президентликка ўтишга сал қолган йили танишган эди. Танишув Санта-Мониканинг барларидан бирида содир бўлди. Барда синглиси Пэт ва унинг эри Питер Лоуфорд билан бирга пиво ичишиб ўтиришган эди. Жоан музыка тинглашни хоҳлаб қолди. Бунинг учун у Жек ўтирган столнинг рўпарасида турган мусиқий автомат ёнига борди. Дўмбоққина

жононни кўриши биланоқ Жекнинг оғзидан суви келиб кетди. У жувон билан пластинкалар ҳақида гурунғ бошлади ва Фрэнк Синатранинг пластинкасини кўйишни маслаҳат берди. Гап орасида Жек жувоннинг телефонини сўраб олди. Вазият ҳам керагидан яхшироқ бўлган эди — кечкурун Лоуфордларнинг уйида дўстлар учун зиёфат уюштиришга қарор қилинган эди. Кеннеди миссис Лундбергни шу зиёфатга таклиф қилди. Бутун зиёфат давомида Жек миссис Лундбергдан бир қадам ҳам нари кетмади — у ҳам кўйиб кўйгандай Пэт Кеннедига ўхшаб кетарди. Кейинчалик, Жоаннинг айтишига қараганда, ана шу ўхшашлик улар ўртасидаги интим муносабатларни уч йил мобайнида давом этишига ёрдам берди. Ошиқ-маъшуклар қаерда ҳозир бўлишмасин, уларни ака-сингиллар ўрнида қабул қилишарди.

Жоан амалда Жекнинг кўлига қараб қолган эди. У ҳатто “бу масалада зарурият туғилганда” аборт учун 400 доллар тўлаб юборган. Аввалига улар Лоуфордларнинг уйида учрашиб туришган, кейинчалик эса миш-мишлар тарқайдиган кейин меҳмондўст уй эгалари Жоанга уларникига келишни таққилаб кўйишди.

Жоаннинг сўзларига қараганда, Кеннеди хотиним хиёнат қилмаётганимкан деган хавотирда экан. Бир гал Мустақиллик куни муносабати бидан Оқ уйда уюштирилган зиёфат вақтида миссис Кеннеди ҳаддан зиёд шампан ичиб кўйиб, ҳамма эркакларга қаторасига қарашма қила бошлаган. Жекнинг рашк қилаётганини ўйлаган сари бу фикрдан кўпроқ лаззатланарди у. Жекининг ҳам ўзига ўхшаб ишрат йўлига юриб кетиши мумкинлигидан Жек ўлгудай қўрқинини хотини яхши биларди.

Яқин-яқинларгача Жеки Жэрининг бутунлай тескариси, никоҳдан ташқарида унинг биронта ҳам қинғир иши бўлмаган деб ҳисобланар эди. Баъзан-баъзан майда-чуйда фактлар матбуот саҳифаларида чиқиб қоларди-ю, лекин улар мустақкам заминга эга эмас эди. Жумладан, шунақа миш-мишлардан бирига қараганда миссис Кеннеди махфий хизмат ходими билан интим алоқада бўлган экан. Бу ходимга миссис Кеннедини кўриқлаш топширилган экан. Ҳақиқатда эса аҳвол бутунлай бошқача бўлган — бир ходим Жекига кўнгли борлигини айтиб, унга дардини маълум қилган, президентнинг хотини эса, ходим кутганидек, унинг гапига лаққа тушиш ўрнига шоввоз йигитни бошқа жойга ўтказиб юборишга эришган. 1995 йилнинг март ойида матбуотда Жек Кеннедининг собиқ котибаси Эвелин Линкольннинг эр-хотин Кеннедилар ҳақидаги ҳужжатли фильм муаллифи кинорежиссёр Чарльз Фурнога берган интервьюси пайдо бўлди. Линкольннинг интервьюда кўрсатишича, Жеки эрининг ишқий саргузаштларига муносиб жавоб берган. Яъни ишрат ишларида ўзини кўпда тийиб ўтирмаган. Унинг бу гапини эшитиб, Фурно ҳаддан зиёд лол қолади. Эвелиннинг сўзларига қараганда, Жекининг энг зўр саргузашти “Ҳусни таважжухидан кўз қамашадиган бир итальян графи” билан алоқаси бўлган экан. 1963 йилда Далласда президент Кеннеди ўлдирилган пайтда Жеки билан Аристотел Онассис ўртасидаги ишқий моjarолар бошланганига бир ойдан ошиб қолган экан.

Жекнинг Жоан Лундберг билан алоқаси тўрт йил давом этди. Бир гал Жеки сафарда бўлганида у бир кеча Кеннедининг уйида тунаган, эди. Улар эру хотин ётадиган каравотда маишат қилишган, лекин бу бўлғувси президентни заррача ҳам хижолатга солган эмас.

* * *

Памелла Тэрнер Кеннеди сенатор бўлган кезларда у билан танишган эди. Кеннеди қирқ ёшда, Памелла эса бор-йўғи йигирма ёшда эди. Бир муаррихнинг тавсифига қараганда, Памелла “жуда нафис ва жозибадор қиз бўлган, у жуда бежирим сўзлашни билар ва ўзини тутиши-ю, қилиқлари бенуқсон эди”. Унинг диди ҳам гоятда юксак, одамлар билан мулоқотда иззатини билиб ўзини тутиши ҳам ҳавас қилса арзийдиган эди. Баъзи бировлар Памелла нафақат ташқи қиёфасига қараб, балки нутқида қараганда ҳам Жекига ўхшаб кетарди деб ҳисоблашади. Аҳвол шу даражага бориб етдики, миссис Тэрнер кийинишда ҳам миссис Кеннедининг услубига тақлид қила бошлади ва ҳатто унинг талаффузига ҳам эргаша

бошлади. Бу жувон Жекнинг қабулхонасида хизмат қиларди ва Жек унинг Жорж-таундаги квартирасида тез-тез ярим кечаларда зиёфатлар уюштириб турарди.

Памелла ижарага турган уйнинг эгалари Жекнинг бетизгин хулқидан шу даражада хуноб бўлишдики, хона ичига овоз ёзиб оладиган аппарат ўрнатиб қўйишди. Бир куни кечаси соат бирда уйнинг эгалари — эру хотин Кайтерлар ғалати бир шовқиндан уйғониб кетишди. Улар деразадан қараб, Жекни кўришди. У маъшукасининг деразасига майда тошлар отар ва: “ҳозир ёнимга тушмасанг, балконингга чиқиб бораман” деб қичқирар эди. Яна бир гал Кейтерлар ярим кечада Памелланинг хонасидан чиқиб келаётган Кеннедини суратга туширдилар. Ҳаддидан ошиб кетган ошиқ-маъшукларни тийиб қўймоққа ҳаракат қилган миссис Кейтер Жекнинг тумшугига тақаб суратини кўрсатади, лекин Кеннеди буни назар-писанд қилмай, қўл силтаб кетаверади. Бунақа сурбетликдан ҳанг-манг бўлган Кейтерлар магнитофон ёзувлари ва фотосуратлар нусхаларини Федерал Тафтиш Бюросига жўнатишади ва оммавий ахборот воситаларини аҳволдан огоҳ қилишади, аммо буларнинг ҳеч қайсиси кутилган натижани бермайди. Бундан ғоят дарғазаб бўлган эр-хотин Кеннеди иштирок этадиган оммавий-сиёсий тадбирларнинг ҳаммасига қатнай бошлайдилар. Улар хонаки плакатларига Жекнинг фахш ишлар билан шуғулланиши, хотинига хиёнат қилиши ҳақидаги маълумотларни ёзиб олишган эди. Улар ҳатто Бостондаги кардинал Кушнинг ҳузурига ҳам боришади. Кеннеди президент бўлгандан кейин эса миссис Кейтер қўлида “Сизга зинокор президент керакми?” деган ёзувли плакатни кўтариб олиб, Оқ уй олдида намойиш қилди.

Жек презентлик лавозимини бажаришга киришиши билан Памеллани Оқ уй ходимлари қаторига қўшиб қўйишди. Уни Жекнинг матбуот котибаси қилиб қўйишди, ҳолбуки жувон бу соҳада ҳеч қандай тажрибага эга эмас эди. Унинг кабинети Оқ уйнинг ичида эди, негаки Жекнинг тўсатдан нафсини қондириш эҳтиёжи туғилиб қолса, миссис Тэрнер унинг ёнгинасида бўлмоғи керак эди. Кўпинча шундоқ бўлардики, президент Кеннеди қўқисдан боши оғриб қолгани натижасида расмий зиёфатдан ғойиб бўлиб қолса, Кеннедилар оиласи учун ажратилган хос хоналарга лифтда Памелла кўтарилаётганини кўриш мумкин эди. Мантиқан тахмин қилиш мумкинки, Жеки эрининг “Памелла Тэрнерга илакишиб юрганидан” хабардор бўлган. Жорж Смазерс шундай хулосага келган: Жеки шаҳват масалаларида бетизгин матбуот котибасининг кирдикорларига тоқат қилиб юрганининг боиси шул бўлса керакки, ҳаддан зиёд даражада кўп бўлиб турадиган ишрат мажлисларидан эри зада бўлиб қолар деб умид қилган. Эҳтимол, Жеки ҳақ бўлгандир. Бир куни Президент Кеннеди ошнасига қўнғироқ қилиб шундай депти: “Менинг ёнимдаги хонада иккита яланғоч жонон бор, лекин мен “Уолл-Стрит Жорнел”ни ўқиб ўтирибман. Нима бало, қарияпманми, дейман?”

* * *

Президент котибалари Присцилла Уэйр ва Жилл Коуэн ҳам Кеннедининг “ишрат тегирмони”га ўз ихтиёрлари билан тушишган. Қизлар анча хушрўй бўлиб, феъл-атворлари жойида, ақл-заковатлари баркамол эди. Присцилла малларанг, Жилл қорамағиз эди. Униси ҳам, буниси ҳам йигирмадан ўтиб-ўтмаган эди. Маҳфий хизмат ахборотларида уларни Филд ва Фэдл деб номлашган.

Жеки бу қизларни ижирғаниб “Оқ уйнинг қанжиқлари” деб атар эди. Бир куни италян журналистига Оқ уйни томоша қилдираётғиб, у Жилла билан Присцелла хизмат қиладиган хонанинг эшигини очади ва “Буларнинг иккови эримнинг ўйнашлари” дейди.

Мана, яна битта ғаройиб воқеа. Бир куни Питер Лоуфорд Оқ уйга амишнибрат деган ном билан машҳур бўлган таблеткаларни олиб келиб, тантанавор оҳангда “бу дори эркаклик қувватини бир неча марта оширади” дейди. Жек бирваракайига таблеткалардан бештасини ичиб юбормоқчи бўлади, лекин Питер уни бундай қилмасликка кўндиради. Шунда Кеннеди бир-иккита таблеткани Жиллгами, Присцеллагами ичиради-да, қизиқиш билан нима бўлишини кузата бошлайди. Дорининг таъсири дарров кўринади-қолади. Қизлардан бирининг ичакларидаги газлар вақирлаб чиқа бошлайди.

Махфий хизмат Жекка ҳам, Жекига ҳам, уларнинг болаларига ҳам яширин номлар қўйиб олган эди. Кеннедини Лансер (Сувори), унинг хотинини Лэйс, фарзандлари Керолайн ва Жонни Лирик ҳамда Ларк деб аташарди. Лансер деган яширин номини танлаганларининг сабаби шу бўлса керакки, улар қўриқлайдиган одам ҳаддан зиёд ишратбоз бўлган. “Сувори” дегани отлиқ аскарлар зобити бўлиб, жинсий фаолиятида яхши-ёмонни фарқламайдиган одам ҳамдир.

Жилл билан Присцелланинг зиммаларида қатъий белгилаб қўйилган вазифалари бўлмаса-да, улар кўпинча Нассау, Палм-Бич ва Йосеайт Миллий қўриқхонасига хўжайинга ҳамроҳ бўлиб бориб туришган. Одатда қизларни Жекка яқин жойга жойлаштиришар эдилар. Жек кечалари уларни “ишга” чақириб турарди. Мантиқан тахмин қилиш мумкинки, Кеннеди бирварақайига иккала қиз билан ҳам барабар ишрат қилган. Қизлар ўзларининг хожаларига тонгга яқин “хизмат” қилишар, кейин ҳолдан тойиб, пешингача ухлашар эди. Линдон Жонсоннинг матбуот котиби Жорж Ридининг гапларига қараганда, Фидл билан Фэдл Кеннедининг бетизгин маишатларининг доимий иштирокчилари бўлишган.

“Нью-Йорк Жорнел Америкен” да модалар бўлимининг муҳаррири Флоренс Причетт Смит президент Эйзенхауэр даврида АҚШнинг Кубадаги элчиси Е.Т. Смитнинг хотини бўлган. 1957-68 йилларда Жек бир неча марта киши билмас тарзда АҚШни тарк этиб, Флоренснинг ҳузурига бориб келган. Жайрон кўзли кўнғир-тоб миссис Смит, “даҳшатли даражада гўзал аёл” бўлган. Унинг ақлзаковати ҳам яхши эди, ҳазил-мутойибага тушунар ва кўнгилахушликни яхши кўрарди. Флоренс АҚШга келганда Кеннеди у билан Майамида ва Палм-Бичда учрашарди. Президент бўлганидан кейин бир куни Жек миссис Смитни Палм-Бичда меҳмон бўлиб кетишга чорлайди. У севимли аёлини кутиб олиш учун расмий зиёфатдан чиқиб кетади, Федерал Тафтиш Бюроси, махфий хизмат ва маҳаллий полиция эса уддабурролик билан ғойиб бўлиб қолган президентни қидириб оёқдан қолишади. Ниҳоят, бир неча соатлик қидиришдан кейин улар ошиқ-машуқларни ҳовузда чўмилиб юрган ҳолатда топишади. Полиция бошлиғининг гапига қараганда, “...улар австралияча услубда сузиш билан шуғулланишаётган” экан...

1960 йилнинг февралида ўзининг сайловолди компанияси роса авжга чиққан пайтда Кеннеди Жудит Эйлин Кэтрин Инмур Кемпбелл билан танишади. Навқирон, серҳис, қоққора сочили, тиниқ мовий кўзли Жудит эркакларнинг эътиборини тортадиган жозибага эга эди. Баъзи бировлар унинг Элизабет Тейлорга жуда ҳам ўхшаб кетишини айтишган.

1960 йилнинг 7 февралида Жек Лас-Вегасга ташвиқот сафари вақтида “Сэнде” меҳмонхонасига боради. Бу ерда у донгдор Франк Синатранинг шоусини томоша қилмоқчи эди. Томошадан кейин Синатранинг ўзи АҚШнинг бўлғувси президентига Жудитни таништиради. Кечқурун соат ўнлар бўлиб қолган эди. Миссис Кемпбеллнинг кўнглидан шундай ўйлар кечади: “Йўл-йўл костюми Кеннедига жуда ҳам ярашибди-да...Оппоқ бақувват тишлари, ирландларникига ўхшаган чақноқ кўзлари...” Ўша кўнги оқшомда жозибадор ёш жувон “одамни дунёдаги ҳар қандай инсондан яхшироқ тинглайбиладиган киши” ҳам борлигига амин бўлади. Жек унинг ҳар бир сўзини жон қулоғи билан тинглайди, унинг ибораларидаги биронта сўзни тушириб қолдирмаслик учун ҳатто жиндай олдинга эгилиб ҳам олади. Эртаси куни эса бирмунча тўқилган кўйлак кийган, қора чарм камар боғлаган, оёғида лакланган қора туфлилик Жудит Синатранинг вилласида уй эгаси томонидан уюштирилган тушлик зиёфатда Кеннеди билан учрашди. Бўлғувси президент ундан бир зум ҳам кўзини узгани йўқ ва уч соат мобайнида фақат янги таниши билан гурунглашиб ўтирди.

Кейинчалик Жудит дўстлари томонидан Жекнинг шарафига уюштирилган қабул маросимида фахрли меҳмон бўлди, кейин улар икковлон “Қоша-Рум” да тушлик қилишди. Тушлик вақтида Кеннеди қадаҳга қўл узатар экан, ҳар гал ҳамроҳининг кафтларини силаб-сийпаб қўярди. Гап орасида у аёлга истаса, тез-тез учрашиб туришни таклиф қилди. “Майли. Бунинг ташвишини қилмай қўя қолинг!” деган лўнда жавобни олди.

Тушликдан кейин улар ажралишди. Жекни бошқа бир зиёфатга олиб кетишди.

Зиёфат роса авжига чиққанда Жек меҳмонлар орасида Жудитнинг йўқлигини пайқаб қолади. Ярим кечада у меҳмонхонага қўнғироқ қилиб, аёлдан, албатта, “Копа-Рум”га, тунги шоуни томоша қилишга келишини ёлбориб илтимос қилади. Аёл рози бўлади. Бу гал ресторанда ўтирганлар Кеннедининг янги маҳбубасини ўз кўзлари билан кўришга муяссар бўлишади.

Бир ҳафтадан кейин ишқи чигига сифмаган Жек мисс Кемпбеллга бир сават қизил атиргул совға қилади, шундан кейин у қизга деярли ҳар куни қўнғироқ қилаверади. У жуда соғиниб кетаётганини ва тезроқ учрашиш илинжида ёнаётганини айтади.

1960 йилнинг 7 мартида дастлабки сайловлар арафасида Нью-Гемпширда Нью-Йоркдаги “Плазма” меҳмонхонасининг 1651-номерида Жек Жудит билан яна учрашади. Аёл сал-пал асабий ҳолатда эди — ҳар нима деганда ҳам уларнинг сўнги учрашувидан бери бир ой ўтди. Тўсатдан аёл эшикнинг енгил тақиллаганини эшитди ва шоша-пиша бориб эшикни очди. Остонада зўрға ҳансираб нафас олаётган Кеннеди турарди. У сукули маҳбубасини кучиб, номерга кирар экан, “кўринишинг жуда зўр-ку! Сени кўрганимдан фавқулодда хурсандман”, дейди. Иккита чуқур ўриндиқ ёнига қўйилган чоққина курси устида муз солинган челақда бир шиша “Жек Даниэлс” турарди. Жудит Жекка ўтириб, қадаҳларни тўлдиришни таклиф қилди. Аммо аёлнинг эҳтирос тўла нигоҳи хонанинг бурчагига йўналтирилган эди. У ерда кароват турар, унинг назарида бу кароват “ҳаддан ташқари каттариб кетганга ўхшаб кўринарди”. Аёл нимадандир алағда бўлмоқда эди — у бу барно йигит билан жуда ҳам тўшақка ётгиси қелаётган эди, лекин янги қийинчиликлар туғилиши мумкинлигини ва бу қийинчиликлар оқибатида руҳий азоблар гирдобига тушиб қолажagini ҳам тушунарди. Уларнинг муносабатларида навбатдаги қадамни қўймоқ керак. Охир пировардида Жудит нима бўлса бўлар деган тўхтамга келиб, ўзини бутунлай оқим ихтиёрига топширди. Айни чоқда у шундай деб ёзади: “Бу лаънати кароват дақиқа сайин катталашиб бормоқда...”

1960 йил 5 апрелда Жуди Жек билан унинг Жоржтаундаги уйида тушлик қилади. Бу пайтда Кеннедининг ҳомилидор хотини Флоридада эди. Жуди қўлда тўқилган қора костюмда, янги қора сухсур пўстинда келди. Жек уни кўриб, қошини чимириб, “Қойил!” деди. Тушликдан кейин Жек Жудига уйини кўрсатди. Уй бўйлаб саёҳат ётоқда тамом бўлди. Улар эҳтирос билан ўпиша бошлашди. Буни Жуди ҳаракат қилиш учун бир ишора деб қабул қилди. Ваннахонадан чиқиб Жуди Жекнинг аллақачон ўринга кириб олганини кўрди.

Жуди жиндай хижолат бўлди, чунки улар Жек Жеки билан баҳам кўрган тўшак устида ишрат қилмоқлари керак эди. Лекин Жек билан бирга бўлиш истаги уни — қийнаётган виждон азобидан зўрроқ эканини ўйлаб, Жуди ўзига таскин берди.

Жек Жудига агар у демократик партиянинг қурултойида мағлубиятга учраб қолса, икковлари бутун бир ой мобайнида бирор кимсасиз оролнинг пляжида бирга бўлишларини айтди. Жуди борадиган жойлари иссиз бўлармикин, кундуз куни қуёш ёруғида ёки тунда ой нур сочиб турган чоғларида ишрат билан шуғулланишлари мумкин бўлармикан деб сўради. Жек: “Ҳа, ҳамма вақт кийимсиз, яланғоч юрса бўлади” деб жавоб берди. Кейин бир ҳафтадан сўнг Майамида яна учрашишни таклиф қилди. Жувон таклифга кўнди.

12 апрелда Жек Жуди билан жувоннинг “Фонтенбло” меҳмонхонасидаги номерда учрашди. У Жудининг ҳузурда бир соатгина бўлди — бу гал улар ишрат қилишмади ... Жек агар уни қурултойда президентликка номзодини қўйишмаса, баъзи бир жиҳатларда турмушини тубдан ўзгартиражagini айтди. У Жеки билан ажралиш мумкинлигига шама қилди. У биз оила қуриб бахт топганимиз йўқ, мен билан хотиним бутунлай бошқа-бошқа одамлармиз. Жудиди шундай таассурот пайдо бўлдики, агар Жек сайловда мағлубиятга учраса, Жеки уни ташлаб кетади ва ажралиш масаласи икковлари учун ҳам ҳал қилинган масала бўлиб қолади. Жек Жудига ҳеч қанақа ваъда бермайди ва Жекини тарк этсам, буни сен учун қиялпан деб писанда ҳам қилгани йўқ. Унинг айтгани фақат “Жекисиз сен билан кўпроқ бирга бўлишим мумкин” деган гап бўлди, холос. Кетишидан олдин Жек Жудига конверт тутқазди ва “мен чиқиб кетганимдан кейингина конвертни очасан” деб қаттиқ тайинланди. Конвертнинг ичида иккита минг долларлик пул бор экан. У Жудига бирон бир хуш ёқадиган иш қилмоққа аҳд қилипти. Пулнинг ёни-

даги мактубда у Жудига бу пуллардан янги суғур пальто олишда фойдаланишни маслаҳат берипти. Бу Жекнинг Жудига пул билан берган биринчи ва сўнгги совғаси эди.

31 майда Жек Жудини Лос-Анжелосдаги уйига бориб кўради. Жувон ота-онасиникида операциядан кейин ўзига келмоқда эди. Ҳаво жуда ҳам исиб кетган эди. Шунга қарамай, Жек Жуди билан бир неча дақиқа бирга бўлиб, унга илиқ табасум билан бир сават гул тутқазмоқ учунгина бутун шаҳарни кесиб ўтди. Унинг бу илтифоти учун Жуди Жекни ҳар қачонгидан ҳам ортиқ яхши кўриб кетди.

1960 йилнинг 31 май куни оқшомда демократик партия қуролтойининг биринчи мажлиси бўлиб ўтгандан сўнг Кеннеди “Беверли-Хилтон” меҳмонхонасининг 724-номерида миссис Кемпбелл билан уч соатча бирга бўлди. Айни шу оқшомда Жек Жудини уч киши бирваракайига бирга ишрат қилишга кўндиришга уринади. Бу уч кишининг бири Жек, иккинчиси Жуди, учинчиси эса ўттиз ёшлардаги, турқидан котибага ўхшаб кетадиган озгин аёл эди.

Ўша куни кечқурун ресторанда зиёфат бўлади. Кеннеди Жудининг ёнидан бир қадам ҳам жилмайди. Меҳмонлар тарқаганда эса маҳбубасини ўзининг ёрдамчиси Питер Лоуфорднинг номерига таклиф қилади. Эшикни очиб Жек тўғри ётоққа йўналади. У ерда эса аллақачон бояги котибага ўхшайдиган аёл кутиб турган экан. Буни кўриб Жуди ҳайрон бўлади. Хонага кириб келган Кеннеди билан унинг маҳбубасини кўрган бояги хотин эса сапчиб қароватдан тушади-да, югуриб ван-нахонага киради ва орқасидан эшикни беркитиб олади.

Жек Жудига ҳозир улар уч киши бўлиб тўшакка ётишларини тушунтиради. “Бунинг ҳеч қанақа ёмон жойи йўқ, — дейди Жек. — Бутун дунёда бунақа ишрат жуда кенг ёйилган”. Мисс Кемпбелл қулоқларига ишона олмайди. Жек уни қучиб, бўса олишга интилади, аммо Жуди хафа бўлган эди. У Жекни итариб ташлайди. Кейин йиғлаб юборади ва тезроқ уйига кетишга ошиқади. Улар йўлакка чиқишгач, Жек ундан уйга етиб бориши биланоқ кўнғироқ қилишни илтимос қилади. “Кўраман”, — деб жавоб беради Жуди лифтга кирар экан.

Уйига етиб борганидан кейин Жуди бир неча марта устма-уст телефон жиринглаганини эшитади, лекин кўнғироқ қилаётган одам Жек эканини билгани учун гўшакни кўтармайди.

Эрталаб телефон яна жиринглайди ва миссис Кемпбелл гўшакни кўтаради. Ҳаяжонланган Жекнинг овози эшитилади. У кеча оқшом бўлган гапларни унутишни, “фақат яхши нарсалар”ни эслаб юришни илтимос қилади. Шунингдек, у севимли маҳбубасини съезд мажлисида кўрмоқчи эканини, бунинг учун аллақачон тўртта рухсатнома буюриб қўйганини маълум қилади. Жуди ўйлаб кўраман дейди ва хайр-маъзур қилиб унга омад тилайди. Аммо ўша куни мажлислар залига онаси боради.

Июлнинг охирида Жуди Нью-Йорк ноҳияларидан биридаги янги квартирага кўчиб ўтади. Бу жой — Наварро деб аталарди. Бу пайтга келганда у Жек билан ярашиб олган эди. 3 август куни Кеннеди маъшуқасининг уйига меҳмон бўлиб келади. У худди бир ҳафта мобайнида бирон илиқ денгизнинг соҳилида дам олиб келгандай кўринарди — бардам, тетик, қомати тик, офтобда қорайган. “Эсингдами, азизим, — деб сўрайди Жуди ундан, — сен менга ваъда берган эдинг — бирор кимсасиз оролга борамиз-у, у ерда туну кун ишрат билан шуғулланамиз деган эдинг. Нима бало, у ерға менсиз ўзинг бориб келдингми дейман? Бўлмаса, яна қаерда офтобдан шунчалик қорайиш мумкин?” Кеннеди кулиб юборди ва қоидага хилоф равишда унга зарба бергани учун койиди. Орадан кўп ўтмай, ошиқ-маъшуқлар тўшакка ётиб, ўзларининг одатдаги машғулотларига киришдилар. Кеннеди ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эҳтирос ўтида ёнарди. “Сайлов компаниясининг ташвишлари сенга ёқипти”, — деди Жуди.

19 августда Кеннедининг Жоржтаундаги уйида мисс Кемпбелл билан Жекнинг иккинчи учрашуви бўлди. Эртаси куни Жек собиқ президент Гарри Трумэн билан учрашгани Миссури штатидаги Индепенденсга жўнаб кетди.

1961 йилнинг январида Кеннеди АҚШнинг президенти бўлди. Президентлик лавозимини эгаллаш маросимида у мисс Кемпбеллни ҳам таклиф қилди, лекин у “Азизим, хотининг билан қариндош-уруғларининг орасида мен ўзимни ноқулай сезаман”, — деб таклифни рад этди. Лекин президент шахсан унинг номига так-

лифнома юборди, унинг котибаси Эвелин Линкольн эса, бир неча марта Жудитга қўнғироқ қилиб, унга энг яхши жойлардан олиб қўйилганини айтди. Кеннедининг ўжар маҳбубаси оёқ тираб, йўқ деб туриб олди ва лавозимни эгаллашга киришиш маросимини телевизордан томоша қилди.

Мисс Кемпбелл ўзининг хотираларида 1961 йилнинг ёзида президент билан интим ишларда учрашмоқ учун Оқ уйга йигирма мартадан ортиқроқ борганини айтади. Шунингдек, у ўзининг олий рутбалик кўрғонига тез-тез қўнғироқ қилиб турган. Уларнинг Оқ уйнинг махсус китобларида қайд қилинган телефон орқали сўзлашувлари 1962 йил 22 мартда президент Кеннедининг Эдгар Гувер билан учрашувидан кейин бир неча соат ўтгач рўй берган. Шундай фикр борки, гўё Гувер Жекка Жуди билан муносабатларни тўхтатиш тўғрисида маслаҳат берган эмиш ва унга жувоннинг Чикаго мафисининг бошлиғи Сэм (Момо) Жанкама билан учрашиб туришини маълум қилганмиш.

Шу куни Федерал Тафтиш Бюроси панд еб қолган эди. 1960 йилнинг охиридаёқ сайлов олди компанияси авжи гуриллаб турган пайтдаёқ Кеннеди уддабурролик билан маъшуқасининг хуфия тизимлар бошлиғи билан алоқасидан фойдаланган эди, лекин бунга ўхшаш маълумотлар нима сабабдандир Федерал Тафтиш Бюросига етиб борган эмас.

Жекнинг сиёсий биографиясига доир бир қанча “нопокиза” фактлар маълум. Қуйида биз шундай можаролардан бирининг тавсифини келтирамыз:

Жудининг Сэм Жанкана билан танишлигидан хабардор бўлгач, Кеннеди маъшуқасидан ўзини гангстерлар синдикатининг бошлиғи билан учраштириб қўйишни илтимос қилади. У Сэм Жанкананинг сайлов олди кампаниясида ёрдам беришидан умидвор эди. Жанкана ўзининг “лейтенантлари”дан бири — Пол (Скинни) Далматони дастлабки сайловларда Жекнинг Губерт Хэмфри устидан ғолиб чиқишига ёрдам бериш учун Фарбий Виржинияга юборади. Сайловни уюштиришда қатнашувчи демократлар сиёсий машинасининг тепасида турган мансабдорларни ийитмоқ учун унинг қўлига нақд 50000 доллар беришади. Шунингдек, Скиннига Нью-Жерсидаги мафия қарамоғидаги казинода қимор ўйнаб, қарздор бўлиб қолган бир қанча сиёсатбозлардан қарзни ундириб олишга ҳам ваколат берилган эди.

1961 йил 12 апрелда Жуди мамнуният билан Жекнинг Чикакога боришидан хабардор бўлади. Жуди “Амбассадор-Ист” меҳмонхонасида бир номерни ижарага олган эди. Вақти камлиги туфайли Кеннеди Жудининг ёнида 20 минутдан ортиқ бўлгани йўқ. У маъшуқасига уни жуда ҳам соғинганини айтади, аммо бу учрашувдан кейин ҳар икковларида ҳам гўё улар ҳеч қачон бир-бирларидан ажрамагандек таассурот туғилади. Улар ўпишиб хайрлашар эканлар, Жудининг Вашингтонга майнинг бошида бориши тўғрисида келишиб олишади.

1961 йилнинг 4 майида миссис Кемпбелл Вашингтондаги “Мейфлауэр” меҳмонхонасининг 424-номерага тушади. Эвелин Линкольн унга қўнғироқ қилиб, Жек у билан фақат эртаси куни соат тўрт яримда учрашуви мумкинлигини айтади.

Келишиб олишганига биноан, Жуди таксида Оқ уйнинг Фарбий дарвозаси олдига боради. Унинг устида Диорнинг дўконидан олинган жуда хушбичим оч сарғиш рангдаги қўйлак. Жудини мажлислар залига олиб киришиб, бир пас кутиб туришни буюришади. Президент кириб келгунича бир соат вақт ўтади. Жудини ўпар экан, президент дейди: “Ниҳоят, Оқ уйга қадаминг етганидан бениҳоя мамнунман. Иш кунининг шу таклидда тамом бўлаётгани қандай яхши-я! Кўринишинг жуда ҳам зўр, азизим... Менинг нечоғлик маҳбубам борлиги эсимдан ҳам чиқиб кетай дебди-я”.

Ошиқ маъшуқлар 30-40 минутлар мобайнида гурунглашиб ўтиришди, кейин бир-бирларини кучишиб, хайр-маъзур қилишди. Жек Жудига эртасига соат бирда учрашиб, биргаликда тушлик қилишни таклиф этди.

Эртаси куни — 1961 йилнинг 6 май, шанбасида Кеннеди Жудига автомобил юборди. Фарбий дарвозанинг олдида уни президентнинг ёрдамчиси Дэйв Пауэрс кутиб олиб, ичкарига, хос хонага олиб кирди. Жек маъшуқасини хурсандлик билан кутиб олди, қучоқлаб, ўпди. Кейин президент, Жуди ва президент ёрдамчиси Оқ уйнинг меҳмонхонасида тушлик қилишди. Овқатдан кейин Жек маҳбубасини кучиб ҳовуз томон бошлади ва бирга чўмилишни таклиф қилди. Аёл чўмилади-

ган анжомлари йўқ эканини баҳона қилиб, таклифни рад этди. Кеннеди ҳеч қанча хижолат чекмай, унинг ечинишига кўмаклашди, кейин шезлонга ўрнашиб ўтириб олиб, шу ернинг ўзида ишрат билан шуғуллана кетдилар.

Сексдан кейин Жек ҳозиргина ишрат айшини кечирган Жудидан “бир ўзим чўмилиб олсам, эътироз қилмайсанми?” деб сўради. Табиийки, Жудининг эътирози йўқ эди. Аллақасдан пайдо бўлиб қолган Дэйв Пауэрс Кеннеди оиласи учун ажратилган хоналарга етаклаб бориб, коктейл билан меҳмон қилмоқчи бўлди. Сонсаноксиз хоналар орқали ўтар экан, Жуди уй жиҳозларидан анча-мунчасини таниди, чунки уларни илгари бир неча марта Жекнинг Жоржтаундаги уйида кўрган эди.

Кўп ўтмай Кеннеди келди ва Жудини ётоққа бошлади. У ерда икки кишилик каттакон кароват бор эди. Жек пластинка қўйди. “Камелот”нинг музыкаси янгради. Музикага қуроқ солиб туриб, “Шанбани мана шундай ўтказиш бирам яхши!” — деди Жек.

1961 йилнинг 8 августига Жуди яна Оқ уйга таклиф қилинди. У Шанел дўконидан харид қилинган зангори олма рангидаги ипак кўйлақда эди. Бу гал Жек серташвишроқ кўринди. У қулоғига нохуш хабарлар чалинганини айтди. Гўё миссис Кемпбелл бир дугонаси билан суҳбатда Кеннеди бирваракайига уч киши бирликда ишрат билан шуғулланишни истаганини гапирган эмиш. Кеннеди бу масалани ёрдамчиси Дэйв Пауэрснинг иштирокида ошқора муҳокама этмоқда эди. Бу Жудини хижолатга солди ва жаҳлини кўзгади. Ниҳоят, Жуди деди: “Жек, жуда яхши биласанки, мен бунақа гапларни ҳеч кимга гапириб юрмайман...” Бироқ миссис Кемпбелл алдаган эди. Президентнинг фаҳш ишлари ахборотидан Жудининг шахсий доктори ва яна бир неча дугонаси хабардор эди.

Икки ҳафта ўтгандан кейин 24 август куни Жуди яна ўша икки кишилик баҳайбат кароватда ишрат билан шуғулланмоқ учун Оқ уйга келади. Бу пайтга келганда Жек ўз газабини тизгинлаб олган эди. У ҳар вақтдагидек қувноқ ва гамхўр кўринарди. Бунинг устига, маъшуқасига қутилмаган совға тайёрлаб қўйипти. У Жудига бриллиант ва ёқут қадалган олтин тўғнағич совға қилди. Совгани тутқазар экан, у деди: “Бу совға сенга бир нарсани эслатиб турсин: ниятларим аҳён-аҳёнда мени васвасага солса ҳамки, юрагим ҳаминша ўз жойида муқим туради”. Тўғноғич Жуди Жекдан олган иккинчи ва сўнгги совға бўлган эди.

31 августда Жек яна маъшуқасининг ҳузурига борди. Бу гал у “Плаз” меҳмонхонасидаги 1529-31-номера борган эди.

1961 йилнинг ноябрида Жек мисс Кемпбеллнинг Норт-Флоресдаги (Лос-Анжелос штати) хос хоналарида бўлди. Уй бўйлаб қилинган сайр ётоқда хотималанди. Ҳамма нарса битгандан кейин, Жудидан Палм-Бичга унга кўргани боражаги ҳақида сўз олди.

Декабрда жувон Флоридага Жекни кўргани борди. У ерда президентнинг бир қаватли уйи бор эди. Уй баландлиги беш футли девор билан қуршаб олинган эди. Ҳовлида майсазор бўлиб, унинг ўртасида жуда шинам ҳовуз жойлашган эди. Ҳовузда чўмилишиб, ошиқ-маъшуқлар мазза қилишиб тушлик қилишди. Улар балқлик салат, қовурилган жўжа тановвул қилишди, апельсин шарбати ичишди. Тушликдан кейин улар ётоққа кириб, каттакон ёғоч кароват устида ишрат билан шуғулланишди.

1962 йилнинг эзига қадар Жуди Оқ уйнинг меҳмони бўлишда давом этди, лекин у ҳеч қачон президентнинг хос хоналарида кечаси тунаб қолмаган эди. Кунлардан бирида Кеннеди шундай деди: “Азизим, қани энди мен лоқал бир кеча сен билан бирга бўла олсам; тонг отиши биланоқ ишратга банд бўлардик, кейин сен тўшакда ётиб, менинг ишдан келишимни кутар эдинг, овқатдан кейин биз яна ишрат билан шуғулланардик...”

Жудининг айтишича, 1962 йилнинг баҳорида унинг Кеннеди билан муносабатларига совуқчилик тушди. Аввалига улар телефон орқали даҳанаки жангга киришишди — Жуди югурдак бўлишни истамас эди; уни худди фоҳишадек керак пайтида телефон орқали чақириб олишларини истамасди. Аста-секин телефон қилишлар ҳам тортилиб қолди, кейин тан маҳрамлик билан хотималанадиган учрашувлар ҳам камайди, ёзнинг охирига бориб эса ошиқ-маъшуқлар ўртасидаги алоқа бутунлай узилиб қолди. Йиғи-сиғи-ю кўз ёшлар билан ҳол-аҳвол суриштиришга

ҳеч қандай ҳожат бўлмади — ҳамма масала, одатдагидек, “туйғулар сўниши”дан иборат бўлди. Бу даврга келганда Жек янги ўйнаш орттириб улгурган эди. Мэри Пинчет ҳам эҳтирос бобида чакана эмасди. Фейли атвори ва ҳусни таважжуҳига кўра Мэри Жудига ўхшаб кетарди — унинг иродаси кучли, маънавий дунёси бой, мустақил характерли, энг муҳими эса, Жек Кеннеди билан хуфия мулоқотдан лаззат оладиган аёл эди.

1963 йилнинг 22 ноябрида “Беверли-Крест” меҳмонхонасида турганида Жуди Кеннедининг Далласда фожиали ҳалок бўлганини эшитди. Буни эшитиб аёл ҳушини йўқотди. У сеvimли одамнинг ҳалокатини жуда оғир кечирди — бир неча кунлаб таомга қўл теккизмади, лоақал бир неча соат мизғиб олиш учун босиб-босиб ичкилик ичди.

Фақат 1975 йилнинг декабрига борибгина Жек билан Жудининг ўртасидаги алоқа кўпчиликка ошкор бўлди. Бироз аввалроқ ўша йилнинг сентябрь ойида миссис Кемпбеллини Сенат қўмитасининг ёпиқ мажлисига кўрсатма бериш учун тез-тез чақириб туришди. Қўмитанинг раиси Фрэнк Черч эди. Қўмита аъзолари Куба диктатори Фидел Кастрога тугатиш масаласидаги Марказий Разведка Бошқармасининг режаларидан Жуди хабардорми-йўқми эканини аниқламоқчи эдилар. Жуди Кеннеди билан муносабатлари қалин бўлган бўлса-да, Марказий Разведка Бошқармасининг қўпоровчилик фаолиятдан бутунлай беҳабар бўлганини айтади.

Мисс Кемпбеллнинг ҳақлигига ишонч ҳосил қилгач, қўмита унга қизиқмай қўйди, ўзининг ноябрь ойидаги докладида эса Жудини Жек Кеннедининг “яқин дўсти” деб эслаб ўтиш билан чекланди, лекин АҚШнинг собиқ президенти маъшуқасининг сўроғига алоқадор батафсил материалларни махфий материаллар тамғаси билан архивга топширди.

Орадан кўп ўтмай, “Вашингтон пост” газетаси ўлдирилган Кеннедининг яқин дўсти аёл киши бўлганини, бунинг устига, бу аёл унинг ўйнаши бўлганини билиб қолади. Бутун Вашингтонда ғийбат қозони қайнади. 1975 йилнинг 17 декабрида Сан-Диего шаҳрида Жуди матбуот конференцияси чақиради. Халойиқ олдига афсонавий аёл қора кўйлақда, қора кўз ойнак тақиб чиқади ва сон-саноксиз телекамералар ҳамда микрофонлар қаршисида аввалдан тайёрланган баёнотни ўқиб беради:

“Ҳозирги вақтда мен қатъиян шуни айтаманки, менинг Жек Кеннеди билан муносабатим фақат шахсий характерга эга бўлган эди ва унинг бирон-бир сиёсий фитналарга мутлақо алоқаси бўлмаган эди. Менинг Сэм Жанкана ва Жонни Розали билан муносабатларим ҳам шахсий характерга эга бўлган ва бирон-бир тарзда Жек Кеннедининг шахсий ва сиёсий ҳаётига дахлдор бўлган эмас. Мен ҳеч қачон Жек билан Сэм тўғрисида гаплашган эмасман”...

Лекин Жуди ёлгон гапирган эди. 1988 йилда саратон касаллигидан аста-аста умри тугаб бораётганини билган мисс Кемпбелл ва унинг биографи Китти Келли “Пипл” журнали учун мақола ёзадилар. Бу мақолалари учун кейинчалик улар 100 минг доллар қалам ҳақи олишади. Мақолада Жуди 1975 йилда сенат қўмитасига кўрсатма бераётган ёлгон гапирганини, шунингдек Овис Демарис ёрдамида ёзилган ва 1977 йилда эълон қилинган “Менинг тарихим” деган китобида ҳам ёлгон аралаштириб ёзганини тан олади. У рост гапни айтишга қўрққанини рўкач қилади. Аслида, қўрқмаса бўлмас ҳам эди. Сэм Жанкана ҳатто полиция ҳимояси остида бўлатуриб ўз уйида ўлдирилади. Бу 1975 йилнинг июнь ойида юз беради. Яна икки кундан кейин у Сенат қўмитасида Кастрога ўлдириш мақсадида Марказий Разведка Бошқармасининг фитнасида ўзининг қандай роль ўйнагани тўғрисида кўрсатма-бермоғи керак эди. Жанкана бошидан еттита ўқ эди, сирасини айтганда, жойида тил тортмай ўлди. АҚШнинг Кубага қарши олиб борган компаниясида Жаңқана қандай роль ўйнагани тўғрисида Сенат қўмитасига гувоҳ сифатида кўрсатма берган Жонни Розелли бир йилдан кейин, уни сенат қўмитасига иккинчи чақиритиларидан бироз олдинроқ ўлдирилди. Розеллининг темир бочкага тиқилган жасади Майами соҳиллари яқинида океан тубидан топилди.

“Менинг тарихим” китобида Жуди сиёсатчилардан ва мафия сардорларидан ҳосил бўлган таассуротларига бундай яқун ясади: “Сэм билан Жекни, энди эса мана, Жоннини ҳам нима учун ўлдирилганини ҳеч ким билмайди. Худди сиёсат

дунёсидаги каби жинойтчилик дунёсида ҳам инсон ҳаётининг баҳоси жуда арзон. Ўз кузатишларим оқибатида мен битта хулосага келдим: ёмон одамларни яхшиларидан ажратишнинг сира имкони йўқ экан”.

* * *

Бенжамин Бредлининг қариндоши Мэри Пинчет Мейер зодагон аёллардан эди. Кеннеди ҳали талаба бўлган чоқларда Мэри у билан танишиб қолган эди. Мэри Вассарда, Жек эса Гарвардда ўқир эди. Танишларидан бири бундай тасвирлайди: “У ақлли, мафтункор, малла сочли соҳибжамол қиз. Чеҳрасидан киборлиги яққол ифодаланиб туради”. Яна бир замондоши ҳам Мэрига шунга яқин таъриф беради. У “малласоч, ёқимтой, ярим жиддий қиз, унинг сийратига аллақандай номаълум бир нарса яшириниб олгандай туюлади. Истеъдодли, қувноқ, ишратга мойиллиги яққол сезилиб туради”.

Лекин бошқача тавсифлар ҳам сақланиб қолган. “Мэри Пинчет эркакларга ойдин вақтида томда аста пусиб келаётган мушукни эслатади. У адиба ва рассом эди, аёллар озодлиги ҳали расм бўлмасданоқ у аллақачон ўзини-ўзи озод қилиб бўлган эди”.

Унинг оилавий турмуши нисбатан тинч-тотув эди. Эри билан ўн тўрт йил турмуш қилгандан кейин, 1959 йилда ажралади. Энди дарвишона ҳаёт кечира бошлайди. Оилавий меросидан фойдаланиб, у Жоржтаундаги гаражлардан бирида ўзига камтарона рассомлик устахонаси қуриб олади ва деярли ҳамма вақтини шу ерда расм чизиш билан ўтказади. У чизган суратларини бажону дил Вашингтондаги кўргазмалардан бирига қўйиб туради. Кунлардан бирида Италияда дам олиб юрганида соҳилнинг яқинида оқ яхтани кўриб қолади. Кемада ёшгина, жуда келишган, хушрўй итальян йигити бўлади. Мэри кўп ўйлаб ўтирмай, ўзини сувга отади ва сузиб, яхтанинг ёнига боради. Унинг мақсади барно йигит билан танишиб олиш бўлган эди. Лекин яхтанинг устига чиқишдан олдин у бикинисини ечиб ташлайди.

Мэри Бен билан Тони Брэдли Жек ва Жеки Кеннедилар шарафига бериладиган зиёфатлардан қолмайдиган тансиқ меҳмон эди. Бен Брэдлининг айтишича, у сўнгги дақиқагача ҳам Жек билан миссис Мейер ўртасидаги алоқадан беҳабар бўлган. Мэрининг энг яқин дугонаси Эни Труитт ҳозирги пайтда президент ким билан учрашиб туришини биринчи бўлиб билган. Эннинг эри, ўша пайтда “Вашингтон-Пост” газетасининг вице-президенти бўлган Жим 1973 йилда “Нэншл Инкуайерер” га берган интервьюсида Мэри Мейер билан президент Кеннеди ўртасидаги яқин муносабатларни эслаб ўтади. Ўша йили миссис Мейер номаълум қотилнинг қурбони бўлди. Қотил унинг рўпарасидан яқиндан туриб тўппончадан икки марта ўқ узган.

Биринчи марта Жек Мэрини 1962 йилнинг январида тўшакка ётқизган эди. Бу ҳодиса Оқ уйда президентнинг хос хоналарида рўй берганди. 1962 йилдан бошлаб уларнинг учрашувлари мунтазам характер касб этди. Уларнинг ўрталаридаги ишқий мулоқот 1963 йилнинг ноябригача давом этган ва президент Кеннеди Далласда ўлдирилгандан кейин тўхтаган эди.

Қайд қилмоқ керакки, Мэри билан Жеки Кеннеди ўртасида дўстона муносабатлар мавжуд эди. Улар Жек президент бўлиб сайлангандан анча аввал танишгандилар. Аммо миссис Мейер Оқ уйга Кеннеди билан хуфёна учрашувларга тез-тез қатнаб турган бўлса ҳамки, унинг хотинини бирон марта ҳам кўриб чиққан эмас.

1962 йилнинг бошида Мэри Кеннедини наркотиклар билан ошно қилди. Оқ уйда наркотикларнинг тарқалишига қарши кураш масалаларига бағишланган конференциядан бир ҳафта олдин Қўшма Штатлар президенти ўз қароргоҳининг қазноғида беркиниб олиб, маъшуқаси билан бирга марихуана чеккан эди. Воқеалар қуйидагича тарзда рўй берган эди. Бир гал Оқ уйга келганида Мэри Жекни қазноққа олиб кирганда, ёнидан марихуаналик олтига сигарета олган. Сигареталар картон қутичага чиройли қилиб жойлаб қўйилган экан. Улардан бирини ошиқ-маъшуқлар бўлишиб чекишади, шундан кейин Жекнинг аъзойи-бадани

бўшашади ва кайфияти кўтарилиб, оғзини пештахам қилиб, бўлғувси конференция шаънига ҳақорат гаплар айтади. Улар яна биттадан сигарета чекишади, бундан кейин бошлари айланиб, кўзлар тиниб, деярли ҳеч нарсанинг фарқига етмай қолишади. Кеннеди тили гулдураб шундай дейди: “Биласанми, жоним, ҳозир ядро уруши бошланиб қолса, АҚШ президенти мана шу марихуана туфайли сафдан чиқиб қоларди ва қизил тугмачани босолмаган бўларди. Менга қара, Советлар аллақачон атом бомбасини ташлаган бўлса-чи? Ё бошимнинг ўзи ғувуллаяптими? Питер Лауфорд Кеннедининг ёрдамчиси бўлатуриб, унга кокоин ва қора дори бериб кўрган. Мэри уни яна бошқа ўтқир наркотикларга ошна қилгани тўғрисида ҳам маълумотлар бор. Дэвид Хейманнинг сўзларига қараганда, бизнинг ошиқ-маъшуқ қаҳрамонларимиз ҳатто ишратни ҳам наркотик кайф билан бирга қилишган. Жек учун буларнинг бари бир тажриба ўрнини босгандек бўлиб кўрилади. Эҳтимол, у шу йўл билан ишрат бобида лаззатнинг янги чўққиларини забт этмоқчи бўлган бўлиши ҳам мумкин.

Мэри 1964 йилнинг октябрида Потомак дарёси билан ёнма-ён қурилган эски канал бўйидаги сўқмоқда ўлдирилган эди. Қотил унинг рўпарасидан туриб тўппончадан ўқ узган. Иккита ўқ унинг бошига ва кўкрагига теккан, ҳатто бир гувоҳни ҳам топишган. У устида кўк куртка, бошида кулранг шапка, оёғида қора ботинка бўлиб, Мэрининг жасади устида туриб, кўринишидан тўппончага ўхшаб кетадиган бир нарсани чўнтагига яшираётганини кўрган эмиш. Бошқа бир гувоҳ Раймонд Кремп деган бир ишчини таниб қолипти, гўё у қотиллик содир бўлмасдан бироз олдин Мейер билан олишган эмиш. Кремпни ҳибсга олишади. Аммо қотиллик қуролини топа олмаганлари учун, шунингдек, гумон остидаги одамда Мэрини ўлдиришга сабаб бўладиган бирон-бир баҳона бўлмагани учун Раймондни оқлашади.

Мэри кундалик тутган эди. Унда Мэрининг Жек билан учрашувлари жамики тафсилотлари билан ёзилган эди. Лекин қотилликдан кейин кундалик сирли равишда ғойиб бўлган. Миш-мишларга қараганда, қотилнинг мақсади шу кундаликни қўлга киритиш бўлган. Мэрининг онасининг эри Бен Брэди айтадики, гўё унинг хотини бу ҳужжатни топган эмиш, кейин Бен уни дўстига — Марказий Разведка Бошқармасининг контрразведка бўлими бошлиғи Жеймс Энглтонга берган эмиш. Энглтон эса ўз навбатида, айтадики, миссис Мейернинг кундалигини қўлга олиши биланоқ йўқ қилиб ташлапти, буни марҳум президент Кеннеди манфаатлари йўлида, Мэрининг номига доғ туширмаслик учун қилипти. Нега десангиз, Мэридан иккита етим ўғил қолган экан.

* * *

1946 йилда олти ҳафталик таътил вақтида Жек Лос-Анжелосга борган эди. Шу ерда у Жин Тирни деган актриса билан танишади. Голливудга бориб қолган Кеннеди бирон “донгдор аёл” билан дон олишишни ўйлаб қолади. Напармон рангли кўйлак кийган Жин сувратга олиш майдончасида бўлади. У тасодифан ўғирилади-ю, ўзига бир йигит тикилиб турганини кўради. Бунақа бенуқсон мовий кўзни у ҳали биронта эркақда кўрмаган экан. У пайтларда унинг эри бор эди. Олег Кассини аёлларнинг модали кийимлари борасида донгдор дизайнер эди. Лекин уларнинг турмуши бузилиб кетиш арафасида эди.

Жек билан Жиннинг алоқаси бир йилча давом этди.

Кеннедининг аёллар кўнглини олиш бобидаги хушмуомалалигини тасвирлар экан, миссис Тирни шундай дейди: “Совға-салом-у гул тақдим этишларни ёқтирмас экан. У менга ўз вақтини, ўз манфаатларини бахшида этганди. Жек “Сен нима деб ўйлайсан?” деган иборанинг қудратини яхши биларди. У жуда очикқўнғил, самимий одам эди. Унда ирландликларга хос бир шунақа жозиба бор эдики, унинг олдида ҳар қандай аёл ҳам ҳушини йўқотиб кўярди”. Янги жазман Жиннинг эҳсушини шунчалик эгаллаб олган эдики, қиз шўрлик ҳатто Тайрон Пауэрнинг хушторлигини ҳам рад этади.

Бир куни актриса шундай деган: “Мен Кеннедини дил-дилимдан яхши кўриб

қолдим. Агар у менга турмуш қуришни таклиф қилса, бир лаҳза ҳам уйлаб ўтирмасдан унга тегар эдим. Лекин ҳақиқий ирландиялик католик ҳеч қачон эрдан чиққан хотинга уйланмайди-да!

* * *

Жейн Мэнсфилд бевақт ва фожиона ўлгандан кейин унинг реклама бўйича агенти Реймонд Стрейт “Жейн Мэнсфилд ва Американинг эллигинчи йиллари” ҳамда “Мана у, Жейн Мэнсфилд” деган китоблар ёзди. Ўзининг ҳужжатли асарларида мистер Стрейд Жейн билан Кеннеди ўртасида ишқий мулоқот бўлган, бу мулоқот баъзи бир узилишлар билан кўп йиллар мобайнида давом этган эди деб тасдиқлайди. Китоб муаллифининг ёзишича, унинг қаҳрамони жиндай ширакайф бўлиб олиб, президент Кеннеди ҳақида гурунглашишни яхши кўрар экан.

Стрейтнинг сўзларига қараганда, Жек Кеннедининг қайниси Питер Лоуфорд миссис Менсфилднинг яқин дўсти бўлган. Ўзининг афсонавий қариндоши ҳали Массачусетс штатидан сенатор бўлиб юрган кезларидаёқ Питер Лоуфорд унга қўшмачилик вазифасини бажарган.

Реймонднинг гапларига қараганда, президент Оқ уйда бўлмаганида икки марта аллақандай мистер Ж. Жейнга кўнғироқ қилган. Бир марта Жек Питер Лоуфордникида меҳмонда юрганида, иккинчи кўнғироқ эса у Палм-Спрингсда истироҳат қилаётганда бўлган.

Биринчи марта кўнғироқ қилган одам шундай деган: “Марҳамат қилиб, мисс Мэнсфилдга мистер Ж. кўнғироқ қилганини айтиб қўйсангиз. Учрашув, — мен нима ҳақда гапирётганимни билади, — бугун бўлади, кундузи соат иккида”. Массачусетс лаҳжасида гапирган одамнинг овози Стрейтга таниш кўринган бўлса ҳам, аввалига у кўнғироқ қилган одамнинг кимлигини таний олмапти.

Кейинроқ Жейн сирли мистер Ж. билан учрашувдан қайтиб келаётиб, кофе ичмоқ ва биронта сигарета чекмоқ учун Стрейтнинг олдига кирипти ва кетаётганда унинг уйида бир қути гугуртини унутиб қолдирипти. Қутининг устидаги муҳрни кўриб, Реймонд, ниҳоят, овоз кимники бўлганини ҳам, мистер Ж. кимлигини ҳам фаҳмлапти.

Иккинчи марта мистер Ж. бир йил ўтгандан кейин кўнғироқ қилган. Бу пайтда Жейн ҳомиладор бўлган ва тўртинчи боласини туғишга тайёргарлик кўраётган бўлган. Стрейт “мистер Ж.”га ҳозирги пайтда мисс Мэнсфилд билан алоқа ўрната олмаётганини, лекин яна бир марта кўнғироқ қилиб кўражанини айтган. “Мистер Ж.” яна телефон қилишга ваъда берган. Анча-мунчадан кейин Реймонд Жейнни қидириб топган ва янгиликни унга маълум қилган. Бу гапни эшитиб Жейн ҳамма ишини ташлаган-у, Стрейтнинг кабинетига келиб, кўнғироқни кута бошлаган. Сирли “Ж” уни кўпда маҳтал қилиб қўймаган. Телефон орқали ўтган гапларга қараганда, у Жейннинг Палм-Спрингсга келишини истаган. Жейн кайфи чоғ бўлиб, ҳаяжонланиб кетади. У энди кетаман деб турганида Стрейт телефон қилган одамнинг кимлиги тўғрисида гап бошлаб қолади. У президентнинг муҳри босилган қутисини тилга олади. Сирли мистер “Ж”нинг Массачусетс лаҳжасида гапирганини эслатади. Ана шундай рад қилиб бўлмайдиган далиллар билан Жейнни мот қилиб, Қўшма Штатлар президенти билан унинг орасида ишқий алоқа борлигини тан олишга мажбур қилади.

Яна бир воқеа бўлган. Жейн анча-мунча ичкилик ичиб, кайфи ошиб қолганда сенатор Кеннеди уни зиёфатга чақирганини айтиб мақтанади. Бу — 1960 йилда, демократик партиянинг қурултойи вақтида рўй берган экан. Жейн Голливуднинг фарбий қисмида Жекнинг хос хоналарига келади. Бироқ келиб қараса, бугун бошлиқ зиёфатда фақат икки киши — у-ю, Жек бўлар экан, бошқа ҳеч ким таклиф қилинмаган экан. Аёлнинг ҳомиласи саккиз ойлик бўлиб, тўққизинчи ой бошланган экан. Қорни ҳам тоғорадай, катта ва дум-думалоқ экан. Жек эса урушдаги ярадорлигининг оқибатларини даволаш мақсадида белига махсус мослама кийиб юрар экан. Лекин шунга қарамай, у ишрат билан шуғулланишга киришган. Жейн ўша учрашувни севги ва эҳтиром билан эслайди ва дейдики, “у менга аҳволимни инобатга олиб, жуда эҳтиёткорлик билан авайлаб муомала қилганди”.

Бир куни Жек мисс Мэнсфилдга сенинг овозинг ҳам худди Жекникига ўхшайди депти. Йиллар ўтгандан кейин Жейнга бундай таққослаш таҳқирли кўриништи. У дейди: “Менинг овозим бутунлай бошқача жаранглайди. Унда (Жекида) овоз деганнинг ўзи йўқ-ку...”

Шунингдек, Стрейтнинг айтишича, Голливуддаги хуфия арбоблардан бири бўлмиш Фред Оташ Жек билан Жейн истефода этадиган хонага овоз ёзиб оладиган ускуналар ўрнатган экан. Оташ келажакда президент бўлиб қолиши эҳтимол бўлган сенатор тўғрисида уни фош этувчи материаллар тўплашга ҳаракат қилган. Бировларнинг икир-чикир ишларига бурун суқиб юришни яхши кўрадиган бу одам юккаш транспорт ҳайдовчилари (касаба уюшмаси) раиси Жимми Хоффунинг фойдасига ишлаган кўринади. Оташ ва Стрейтларнинг ҳар қайсиси кейинчалик биттадан китоб ёзишди. Реймонднинг хотирлашича, Фред Оташ унга Жек билан Жейннинг интим гап сўзлари ёзилган тасмани қўйиб берган.

Мерилин Монронинг ўлимини эшитган миссис Мэнсфилд ўзининг ҳаёти учун хавотир ола бошлайди. У “навбатдагиси мен бўлишим мумкин”, — деган экан.

Албатта, Монро Кеннедининг ишрат бобида эришган зафарларидан бири эди. Баъзи бир анча эътиборли манбаларнинг маълумотига қараганда, Мерилин матбуот конференцияси чақириб, унда ўзининг Жек билан ҳамда унинг укаси Бобби Кеннеди билан алоқаларини айтиб бераман, деб таҳдид қилган. Бир неча кундан кейин актрисани ўз уйида ўлиб ётган ҳолда топишган.

* * *

Актрисалар ичида Кеннедининг яна битта суйгулиси бор эди. У — Энджи Дикинсон эди. Рост, уларнинг орасидаги ишқий яқинлик қачон бошлангани аниқ маълум эмас. Аммо бир гувоҳнинг гапларига қараганда, президентлик лавозимига киришиш маросимидан олдин Жек билан Энджи бир неча кун Палм-Спрингсдаги коттеджда бирга бўлишган.

Актриса Голливуддаги ҳамкасабаси Фрезнк Синатра томонидан уюштирилган ва Кеннедининг сайлов кампанияси бошланганига бағишланган зиёфатда иштирок этган. Бу — 1960 йилда демократик партиянинг қурултоғи бўлаётган кунларда рўй берган эди. Зиёфатдаги ҳар бир иштирокчи сайловолди кампанияси жамғармасига 100 доллардан пул берган. Энджи ҳарбий-денгиз кучлари министрининг ёрдамчиси, ёлғондакам хуштор ролини ижро этувчи Ред Фейнинг ҳамроҳлигида инагурация тантаналарда ҳам иштирок этган. У билан Кеннеди ўртасидаги муносабатларнинг авж палласи 1962 йилга тўғри келади. У пайтларда Жек баъзи бир бошқа аёллар билан ҳам учрашиб турарди. Булар Жейн Мэнсфилд, Мерилин Монро, Мэри Пинчет Мейер ва Жуди Кемпбелл кабилар эди.

Энджи Жек билан яқиндан интим алоқаларда бўлганини ҳеч қачон тўғридан-тўғри тасдиқлаган ҳам эмас, инкор ҳам этмаган. Бир куни у шундай деган: ака-ука Кеннедилар билан алоқаларимни яширмақ учун менинг ҳеч қандай эҳтиёжим йўқ. Аммо одамлар ўртасида шунақа миш-мишлар юрадики, улар сира ҳам ҳақиқатга ўхшамайди”.

Мана яна битта бехосдан айтилганга ўхшаш гувоҳлик: “У (Ж. Кеннеди) қачонлардир бўлмасин, мени жазавога туширган ягона эркакдир. У жуда ҳам ажойиб... Аммо бундан ортиқ бирон нарса айтиш беадаблик бўлар эди” (Девид Хейманн).

80-йилларнинг охирларида журналларнинг бирида мақола босилиб чиқади. Унда, жумладан, айтилишига қараганда, Энджининг пардоз қиладиган курсичаси устида ҳозирга қадар Жекнинг фотосурати турар экан. Унда Жекнинг дастхати бор экан: “Энджига. Умрим бино бўлиб севганим ягона аёлга”.

1993 йилда “Парейд” журналининг мухбири Жеймс Брейди билан қилган суҳбатда Дикинсон шундай дейди: “Кўпчилик ўртасида баҳсларга сабаб бўлган Оливер Соуннинг “Жей-Эф-Кей” фильмини кўришни истамайман”. Афтидан, у ўтганларни эслаб, қалбини яна бир бор тилка-пора қилишни истамаган бўлса керак. Агар афсонавий президент билан унинг муносабатлари интим характерга эга бўлгани ҳисобга олинса, буни тушуниш мумкин.

* * *

Мерилин Монро Жек Кеннеди билан 1954 йилда реклама агенти Чарльз Фельдманнинг уйидаги зиёфатда танишган эди. Эр-хотин Кеннедилар актёр Питер Лоуфорд орқали таклифнома олишган эди. Лоуфорд эса Мерилинни Жекка рўпара қилиб қўйиш пайида эди. Мерилин Монро зиёфатга ёлғиз келмаган эди. У навбатдаги эрини жуда катта қийинчилик билан бирга келишга кўндирган эди. Унинг эри Жо Димаджио деган афсонавий бейсбол ўйинчиси бўлиб, актрисанинг унга текканига эндигина олти ой бўлган эди, холос. Жо Голливуддаги зиёфатларни жинидан бадтар ёмон кўрарди.

Жек Мерилиндан кўзини узмай ўтирди. Бундан актриса хижолат чекар ва айна чоқда унга хуш ёқарди ҳам. Нималар бўлаётганини на Жо, на Жек билмаган бўлишлари мумкин эмас. Димоджио гаши келган ҳолда “бунақа ўтиришлар жонига тегиб кетганини” гапира-гапира, хотинини уйга олиб кетишга чоғланиб кўярди. Кетиш олдидан Монро ҳар қалай Жекка ўзининг телефон номерини беришни уддалайди. Жек эртаси куниеқ кўнғироқ қилди, лекин гўшакни Жо кўтарди. “Ким кўнғироқ қилипти?” деган саволга Кеннеди: “Таниш” деб жавоб берди ва Жо ўша заҳотиёқ гўшакни қўйиб қўйди.

1955 йилда бейсбол юлдузидан ажрашганидан кейин Мерилин ҳар гал Нью-Йоркка йўли тушганида Жек билан учраша бошлади.

Бир неча кундан кейин Кеннеди хастахонага операцияга ётди. Операциядан кейин унинг жон таслим қилишига сал қолди. Уни кўргани келган сон-саноқсиз дўстлари хона деворида Мерилиннинг сурати ишланган рангли плакат осифлиқ турганини кўришди. Лекин нима учундир суратда Мерилиннинг оёғи осмонга қараган эди. Актриса оёқларини икки ёнига кериб, шорти кийган ҳолда суратга тушган эди.

Ҳатто драматург Артур Миллерга турмушга чиққандан кейин ҳам Монро олтишинчи йилларнинг бошига қадар Кеннеди билан учрашишда давом этади. Миллер билан уришиб қолган кезларида Мерилин одатда Коннектикутдаги уларнинг уйларидан чиқиб, Нью-Йоркдаги эллик еттинчи кўчадаги ўзининг квартирасига кетарди, лекин Жек билан учрашувлар “Карлайл” меҳмонхонасининг номерида содир бўларди. Бу номернинг деразалари ҳаддан ташқари катта бўлиб, ундан шаҳар манзараси яққол кўриниб турарди.

1957 йилда Кеннеди Мерилин билан Питер Лоуфорднинг уйида кўришган, 1959 йилда эса у билан бир неча кун Палм-Спрингда бўлган. Лоуфордларнинг пляждаги уйлари бузуқчиликнинг ини эди. Ҳар гал Питернинг хотини Патриция йўқлигида Жек унинг уйида бўлганида Лоуфорд сенатор қариндошининг шарафига шунақа майшатбозлик кечаларини уюштирар эдики, кейинчалик уларнинг довруғи тилларда дoston бўлди. Қўшниларида бири Питернинг уйини “лаънати исловоҳона” деб айтганида, бошқа қўшнилари ҳам уни қўллаб-қувватлашди. Питер ҳаммаша қўл остида сон-саноқсиз ёш актрисаларга, фото-моделларга, фоҳишаларга эга эди. Соҳил бўйидаги зиёфатлар кўпинча шу билан тамом бўлар эдики, Жек ўзи билан бир-иккита қизни Беверли-Хиллз меҳмонхонасига олиб кетар ва у ерда кечанинг қолган қисмини яна бетизгин майшат-у ишрат ичида ўтказар эди.

Питернинг онаси леди Лоуфорднинг тасдигига кўра, Кеннеди сенатор бўлган пайтларда ўғлининг пляждаги уйида иккита стюардессани сақлаб турган, шунингдек бу ерда мунтазам равишда ёш актрисалар билан, шу жумладан, Мерилин Монро билан ҳам учрашиб турган. Леди Лоуфорд яна айтадики, унинг фикрида, Кеннедилар хонадони аъзолари ичида энг яхшиси Жек бўлган, лекин шунга қарамай, леди Лоуфорд ҳеч қачон унинг учун овоз бермаган бўлур эди, “негаки Жекнинг мияси калласида эмас, икки оёғининг ўртасида эди”. Узининг “Қанжиқ” деган китобида леди Лоуфорд ёзади: “Кўшма Штатларнинг шунақа президентиға тўла ишонмоғим жуда қийин, негаки у фақат ўз остининг ҳожатини чиқаришни ўйлайди, холос”.

1960 йилда демократлар қурултойи ўтаётган кунларда бир воқеа рўй бердики, у бир вақтнинг ўзида Жекни ҳам таажжубга солди, ҳам хижолат қилди. Воқеа “Пуччини” ресторанида содир бўлди. У ерда Жек Мерилин Монро билан биргаликда тушлик қилмоқчи эди. Тамадди қилиб бўлиб, улар шароб ичиб ўтиришганда Жек қўлини Мерилиннинг юбкаси остига юборди. Қараса, хонимнинг трусиғи

йўқ экан... Бир неча муддатдан кейин президентликка номзод одам ҳожатхонага чиқиб, қўлини совунлаб ювиб келишга мажбур бўлди. Афтидан, тушликдан олдин Кеннеди ва Монро ишрат билан шуғуланишган-у, лекин икковлари ҳам шу даражада жазавада бўлганларки, ишқ ўйинини овқат вақтида ҳам давом эттиришга қарор қилишган.

Кечқурун Мэрилин Питер Лоуфордга Жекнинг қурултойдаги нутқи “жуда демократик руҳда” ва “жуда оташин” бўлганини маълум қилди. 15 июлда анча кеч бўлиб қолганда қурултой ишининг якунланиши шарафига берилган кичик зиёфатдан кейин Жек билан Мэрилин қип-яланғоч ҳолда Лоуфордларнинг ҳовузидида мириқиб чўмилишди. Бўлғувси президент жигаридан уриб қолган актрисадан ажралишга кучи етмай, Лос-Анжелесга учиб кетишини бир суткага кечиктирган.

Мэрилин ва Жекнинг тўшақ узра навбатдаги учрашуви 1961 йилнинг декабрида яна ўша Лоуфорднинг уйида содир бўлди. Утириш авжига чиққан пайтда Кеннеди билан Монро иккинчи қаватдаги ётоқхонасига киши билмас тарзда кириб олишган ва икковлари ваннага тушишган. Ваннада аёл эркакнинг елкасидан “муздек вижирлаб турган шампанни қуйган”. Бир манбадан олинган маълумотларга қараганда, яна бир воқеа бўлган — Питер Мэрилинни АҚШ президентлигига номзод толмас Жек Кеннедининг олдида номатлуб ишрат билан машғул пайтда суратга олган. Бу чоқда Жек каттақон мармар ваннада ялпайиб ўтирган экан. Кейин эса Жек бир соат мобайнида бир вақтлар машҳур киномагнат Луис Майерга мансуб кароват устида Монронинг роса адабини берган.

1962 йилнинг бошида ошиқ-маъшуқлар “Беверли Хилтон” меҳмонхонасида бир кеча тунашган. Улар номерга денгиз қисқичбақасидан тайёрланган овқат буюришган. Кейин бир неча соатлик уйқудан сўнг улар меҳмонхонадан Санта-Моникадаги пляжга қочиб кетишган ва ўша ерда ишрат қилишган. 1962 йилнинг 24 мартида Палм-Спрингода Бинт Кросбининг уйида меҳмонда юрар экан, Жек зудлик билан ўзининг самолётини Лос-Анжелесга Питер Лоуфордни олиб келишга жўнатади. Лоуфорд билан бирга унинг котибаси қиёфасида Мэрилин ҳам келади. Бу иш шундай чапдастлик билан қилинган эдики, ҳатто махфий хизмат ходимлари ҳам, сиёсий маслаҳатчилар ҳам актрисани таний олишмайди. Монро “Сиэрс Риббак”дан харид қилинган арзон костюмда, арзон парикда ва қора кўзойнакда эди. Лоуфорд яна ҳам савлатлироқ бўлсин учун унинг қўлига стенографистлар тутадиган блокнот бериб қўяди ва ора-чора бир нималарни айтиб, ёздириб ҳам туради. Бунақа нозик ишда қанча пишиқ бўлинса, шунча яхши-да!

Эр-хотин Кросбилар билан расмий тушлик тугагач, Жек ўзининг яхши кўрган кийимларини кийиб олади: устидаги шими кўкиш рангда, свитер ва пайпоқсиз кийилган шиппакнамо энгил туфли. Шу алфозда у бир туркум казо-казо демократ сиёсатбозлар учун зиёфат уюштиради. Зиёфат меҳмонлар учун аталган уйда ўтади. Бу уйни Жекка ўзига хос қароргоҳ сифатида вақтинча бериб қўйишган эди. Зиёфатда Мэрилин ҳам бор эди — у устига энгилгина халат кийиб олган эди, холос. Актриса зиёфатда ғайри расмий бека ролини ижро этади. Бироқ шунга қарамай, спиртли ичимликларни кўп ичади. Зиёфатда иштирок этган сиёсатчилардан бири Филипп Уотсон шундай деган экан: “Монро билан Кеннедининг ўртасида интим яқинлик мавжудлиги шундоққина кўриниб турарди. Яна актрисанинг шу ерда тунаб қолмоқчи экани ҳам ўз-ўзидан кўриниб турарди”. Жек билан тўшақда ётган жойидан Мэрилин дўсти Ральф Робертсга қўнғироқ қилади ва ҳозир бир дўстимни массаж қиляпман, айрим мушакларнинг жойлашиши масаласида баҳслашиб қолдик, дейди. Аёл Робертдан ўзининг ҳақлигини тасдиқлашни илтимос қилади. Мэрилиннинг ўзига хос одимлаши “Мэрилиннинг одим отиши” деган ном билан машҳур бўлиб кетган экан. Актриса шунга эришмоқ учун доимий машқлар билан қайси мушакларини ўстирганини Ральф Жекка айтиб беришни илтимос қилиб туриб олди. Кеннеди гўёки гап орасида, орқасидаги доимий оғриқни йўқотиш учун қаерини, қайси усулда массаж қилиш масаласида маслаҳатлашиб олади. Телефондаги гап тамом бўлгандан кейин Мэрилин ҳазиллашиб Жекка сени мендан кўра Ральф яхшироқ уқалаб қўярди, дейди. Бунга Жек эътироз билдириб, “Азизим, булар бутунлай бошқа-бошқа нарса” дейди. Кейинчалик Мэрилин Ральфга ўзини яқин қилиб, “менимча, шунча ҳаракатдан кейин дўстим ўзини анча яхши ҳис қилдиган бўлиб қолди” дейди.

1974 йилда эълон қилинган “Пардозсиз шоу-бизнес” деган китобда Эрл Уилсон дейди: “Мэрилин Монронинг шуҳрат бобидаги мушакбозлик санъати Қўшма Штатлар президентини кўзгаб, жазавага солар эди. Кеннеди унинг баданини силаш ва эзгилашни яхши кўрар эди. Ёзувчи Питер Гарри Браун Мэрилиннинг оқсо-чи Хейзел Вашингтоннинг сўзларини келтиради. Бу аёл шундай деган экан: “Мэрилин жиндай бўш вақтида пайдо бўлиб қолса, дарҳол у билан (Кеннеди билан) ишрат тўшагига ётарди”.

Бир гал Мэрилин ўзининг ходмигарига ёрилиб, дардини айтади: “Мен бирон вақти-соати келиб Жек билан Жеки ажрашиб кетишади-ю, мен мамлакатнинг биринчи хоними бўлиб оламан деган умидда эдим”. Бир куни у халойиқнинг олдида ошкора таажжуб билдирган: “Нима учун у (Кеннеди) бу совуқ ҳайкалга уйландийкин? Ахир, у бошдан оёқ оташкуракдек қотиб ётипти-ку!” Бир гал, 1962 йилда Монро бир дугонасидан сўрапти: “Мени мамлакатнинг биринчи хоними ўрнида тасаввур қила оласанми?” Шундай воқеа ҳам бўлган экан: актриса Оқ уйга Жекига кўнғироқ қилибди-да, Жекдан ажрашни илтимос қилипти, “ўрнингга муносиброқ аёл президентга тегиб олсин”, депти у. Питер Лоуфорднинг гапига қараганда, Монро президентдан бола кўришни орзу қилган.

1962 йилнинг апрелида АҚШ президентининг илтимоси билан Мэрилин бир тушлиқда иштирок этган. Уни бадавлат ва машҳур одамлар учун Фифи Федл деган зодагон аёл уюштирган эди. Тушлик Манхеттенда Парк-Авенюдаги зиёфат-хоналардан бирида ўтган.

Монро зиёфатга анча кечикиб келган. Питер Лоуфорд анча безовталаниб, оёғи куйган товукдек типирчилаб турган экан. Чунки ҳар қандай шароитда ҳам актрисани етказиб келиш унга топширилган экан. Жек жуда дарғазаб бўлипти. Зиёфатнинг бошланишини кечки соат 10 га қолдирипти — ҳамма Мэрилинни кутипти. Актриса келгандан кейин гўё вақт тўхтаб қолгандек бўлипти. Меҳмонлар ўзаро гурунглашишдан тўхтаб, ҳамманинг нигоҳи актрисанинг ҳар бир хатти-ҳаракатига қадалиб қолипти.

Тамадди вақтида Монро билан Кеннеди ўзини қандай тутаётганига қараб, ҳамма уларнинг ошиқ-маъшук эканини билипти. Зиёфатдан кейин президентнинг лимузини актрисани Эллик еттинчи кўчадаги хос хоналарига элтиб қўйипти. Мэрилин апил-тапил кийимини алмаштириб, таксида “Карлайл” меҳмонхонасига жўнапти. У ерда боғда уни Жек кутиб турган эди.

Кеннеди Монрога ўзининг Овал кабинетидagi телефонининг номерини берган. Монро Оқ уйга ўзининг хушторига, аввал ётоғидан, кейин эса уларнинг муносабатлари анча кенг доирадаги одамларга ошкор бўлиб қолгач, студиядаги гримхонадан ҳам тез-тез кўнғироқ қилиб турган. Кеннеди хонадонидagi телефон аппарати ҳам Оқ уйдаги телефонга жуфтлаб қўйилган экан. Жекнинг синглиси Патрициянинг сўзларига қараганда, телефон жириглаб қолганда кўпинча гўшакни Жеки кўтарар экан. Президентнинг хотини кино юлдузи билан эри ўртасидagi муносабатлардан хабардор бўлган ва уларнинг телефон орқали гурунгларига халақит берган эмас.

Гарчи ошиқ-маъшуклар ўзларини етарли даражада эҳтиёткорлик билан тутган бўлсалар-да, олтмишинчи йилларнинг бошида уларнинг муносабатлари шу даражада кенг ошкор бўлдики, маслаҳатчилар бу иш ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида Жекни огоҳлантиришга мажбур бўлишди. Улардан бири — Питер Саммерс президент билан Мэрилиннинг иккови душда чўмилиб чиқиб келишаётганини кўрибди. Махфий хизмат агентининг айтишича, Кеннеди билан Монро Адлия министрлигининг хоналаридан бирида ишрат билан шуғулланишган экан. Бу хона президентнинг укаси Боббининг кабинетини устида жойлашган экан. Хонада битта каттакон кароват бор экан — адлия министри аҳволи ночор бўлиб, идорани тарк этишнинг иложи бўлмаган пайтларда шу кароватда ётиб дам олар экан. Министрлик подвалидан бу хонага махфий лифтда кўтарилиш мумкин экан. Бизнинг ошиқ-маъшукларимиз баъзан бу лифтдан фойдаланиб туришган.

1962 йилнинг майида Монро президент таваллудининг қирқ беш йиллик тўйида “Мэдисон Сквер Гарден”даги тантаналарда иштирок этишга рози бўлган, ammo баъзи бир министрлар актрисанинг байрамда қатнашувига кескин қарши чиқишган. Бу катта томошанинг режиссёри Мэрилиннинг ўз сиёқи билан бунақа тадбир-

га унча мос келмаслигидан анча ташвишга тушган. Бу ҳақдаги ахборот Жекининг қўлоғига етгач, серҳис малла актрисага сира ҳам ён бермасликка қарор қилган ва эрига ё мени, ё ўйнашингни дейсан деб кескин талаб қўйган. Жек ўйлаб ҳам ўтирмай, Мэрилинни танлаган; шунинг учун миссис Кеннеди эрининг туғилган куни муносабати билан ўтказиладиган расмий танталарда иштирок этмай, ўша кунлари дам олишга Виржинияга жўнаган.

Сценария ёзадиган Нанелли Жонсон шундай дейди: “Бизнинг кўпчилигимиз “Мэдисон Сквер Гарден”да Мэрилиннинг пайдо бўлиши ҳаяоийқ томонидан президент билан унинг ошқора қовушиши тарзида қабул қилинади, деб ҳисоблардик. Авваллари анча вақт давомида улар бу ишни хуфия қилишарди”. Мистер Жонсон ҳақ эди: Монро айти шу мақсадни кўзлаган эди. Актриса “Таваллуд кунингиз муборак, мистер Президент” деган қўшиқни ва “Хотиралар учун ташаккур” деган қўшиқни ўз талқинида ижро этди. Унинг устида Жан Луи дўконидан харид қилинган 5000 доллар турадиган ҳаддан ташқари юпқа кўйлак бор эди. Кўйлак икки юз бўлак дахтак ипакдан тикилган бўлиб, сунъий бриллиантлар билан безатиладди. Бор-йўғи бир унция вазнига эга бўлган кўйлакда актриса қип-яланғочдек кўринарди. Унинг кўйлаги шу қадар гавдасига ёпишиб турардики, гўё актриса тўғри-шу кўйлақдан ўсиб чиққандек туюларди. Шунинг учун ҳам сиёсатчилардан бири Монро “қоқ суяғи маржондан иборат” деган эди. Эҳтиросли, жиндай хириллаган овоз ва шаҳвоний қилиқлар, яъни ҳа деганда қўли билан баданини ва кўкрагини силашлар эрсирлаган аёлнинг қиёфасини эслатар эди. Мэрилин гўё шаҳват иштиёқида ёниб адо бўлаётгандай, ҳозир — шу тобда, шу ернинг ўзида ишрат уммониға шўнғишга тайёрдай кўринарди. Гўё айти Мэрилиннинг ўзи президентга унинг туғилган кунда пешкаш қилинаётган асосий тўхфа эди.

Саҳнада актрисанинг ҳар бир ҳатти-ҳаракатини синчиклаб кузатиб ўтирган Жек ёнида ёзувчи Жин Шорга юзланиб, “О, парвардигор, қанақа кўйлак-а... Думбасини қара, думбасини...” деган экан. Монро саҳнадаги чиқишини тугатгандан сўнг, Кеннеди микрофонга келиб, дебди: “Ана шундай ажойиб тарзда, энг муҳими, дилдидан самимий таваллуд куним билан муборакбод қилганларидан кейин, мен сиёсатни йиғиштириб қўйсам ҳам бўлаверади”.

Чарчагани ва бетоблигига қарамай, Мэрилин Артур Кримнинг хос хоналаридан берилётган катта зиёфатда ҳам иштирок этишни ихтиёр этади. Кечаси соат бирда ҳаммаси тамом бўлгандан кейин ошиқ-маъшуклар махсус лифтда подвалга тушишади ва Нью-Йорк кўчалари остидаги махсус тунеллардан ўтиб, “Карлайл” меҳмонхонасига боришади. Афтидан, ўша тунда Жек билан Мэрилин сўнгги марта бирга ётишган бўлсалар керак. Актриса ўзининг квартирасига тонгги соат 4 дагина қайтиб келади.

Ана шу катта томошадан кейин Жек Мэрилин билан улфатчилик қилишга ортиқ эҳтиёж сезмай қолади. Ўша даврнинг энг машҳур ва энг дилтортар кино юлдузи билан дон олишиш Кеннедига малол кела бошлайди, унинг саҳнада кўрсатган ҳалойиқ олдидан президент билан ошқора қовушишига ўхшаб кетадиган томошаси уларнинг муносабатига нуқта қўяди. Монро кўрсатган томоша, чиндан ҳам, ҳар қанақа ахлоқ доирасидан чиқиб кетган эди.

Орадан кўп ўтмай, Кеннеди Мэрилиннинг қўнғироқларига жавоб бермай қўйди. Мэрилин Жеkning ўзининг шаҳвоний эҳтиёжларини қондириш учунгина ундан фойдаланиб юрганини ва эндиликда муносабатларни давом эттиришдан манфатдор бўлмайдиганлигини фаҳмлаб, бениҳоя дарғазаб бўлди. Жаҳл ўтида қоврилган Мэрилин матбуот конференцияси чақириб, президент билан ўрталаридаги машмашаларни ючиб ташлайман деб таҳдид қилди. Жек адлия министри бўлиб ишләётган укаси Боббига бу шаллақини тинчитишни топширди. Орадан кўп ўтмай, Бобби шаллақини тинчитиш ўрнига ўзи унинг сеҳри-жодусига илиниб қолди. Мэрилин аввалги хуштори — президентдан қандай умидвор бўлса, энди бу умидларнинг ҳаммасини Бобби билан боғлади. Фаросатли Бобби чиндан ҳам хотиним Этельдан ажрашиб, сенга уйланаман деб, машҳур актрисани бошлаб лақиллатганга ўхшайди.

Мэрилин Монро 1962 йилнинг 4 августида вафот этди. Расман унинг ўлимига уйку дорини ҳаддан зиёд кўп ичиб юборгани сабаб бўлган. Бу ҳодиса бир-бирига зид мишмишлар тугдирди. Баъзи бир журналистлар кино юлдузининг ака-ука

Кеннедилар билан алоқаси ҳақидаги материаллар ошкор бўлиб қолмасин учун атайин ўлдирилган, деб ҳисоблашга мойилроқ эдилар.

Гарчи 1962 йилнинг ёзига келганда Бобби билан Мэрилин ўртасидаги ишқий муносабатлар авж пардаларга кўтарилган, актрисанинг Жек билан муносабатлари эса бутунлай тўхтаган бўлса-да, Мэрилин яна бир бора президент билан учрашишга уннаб кўрди. Бунинг учун актриса Ирвинг Берлиннинг “Мистер президент” деган мусиқий томошасини бориб кўришга аҳд қилди. Томошанинг премьерасида Жек билан Жеки иштирок этишди. Лекин Монро негадир премьерага келмади.

* * *

Авваллари конгрессмен бўлганида, кейин эса сенатор бўлганида ҳам, табиийки, Жек ўзининг хотинбозлик одатини зинҳор-базинҳор канда қилган эмас. Ҳатто уни биринчи марта Вакиллар палатасига сайлашганда ҳам Жек ўзининг Жоржтаундаги синглиси Юнус билан бирга ижрага олган квартирасида доимий равишда майхўрлик кечалари ўтказиб турарди. Синглиси бошқа квартирага кўчиб ўтгандан кейин қизлар Жекнинг тўшаги орқали шунақа сакраб ўта бошладиларки, уларни баайни катта бир магазиннинг айланма эшиги орқали лип-лип ўтиб турадиган харидорларга қиёслаш мумкин. Тезкор ишратнинг иштирокчилари шу қадар кўп бўлганки, Жек ҳатто уларнинг фамилиясини ҳам суриштириб ўтирмаган ва кейинчалик улардан биронтасининг афт-башараси қанақа эканини эслаёлган ҳам эмас.

1960 йил. Жекнинг биринчи кампанияси энг қизғин паллага кирган вақт. Унинг ёрдамчилардан бири сайловолди штабига кириб қолади-ю, бехосдан президентликка номзоднинг реклама агентлиги котибаларидан бири билан дон олишиб турганининг устидан чиқиб қолади. Бу агентликнинг хизмат ҳақини мўмайгина қилиб Кеннедиларнинг каттаси, яъни машҳур патриарх Жо берарди. Ёрдамчи кўрганларини шундай тасвирлайди:

“Мен кириб қолганимда у ёзув столларидан бирида қиз билан айш суриб ётарди. Мен “узр” дедим-да, чиқиб кетдим. Кейинчалик бу қизнинг бўйида бўлиб қолгани маълум бўлди. Мен бу воқеани Жекка айтдим. “Вой ифлос-ей!” — унинг борйўқ гапирган гапи шу бўлди. Чиндан ҳам, қизнинг тақдири уни заррача ташвишлантиргани йўқ. Уни ташвишлантирган нарса — фақат қизнинг уни ноқулай аҳволга солиб қўйгани бўлди. Бу маънода у ўтакетган худбин одам эди”.

Федерал Тафтиш Бюросининг маълумотномаларидан бирида Кеннедининг Вашингтондаги “Мэйфлауэр” меҳмонхонасининг 812-номерида бутун бошли шахсий ҳарами бўлгани айтилган.

Бир куни Жек тарих фанлари доктори Маргарет Луиза Койтни йўлдан урмоқчи бўлади, лекин ҳар қанча куйиб-пишмасин олима уни яқин йўлатмайди. Маргарет қизиқиб савол беради: “Сиз йўлингизда рўпара келган ҳамма аёлга шунақа муомала қиласизми?” Кеннеди ҳайрон бўлиб жавоб беради: “Қаёқда дейсиз? Баъзан улардан ҳар бирининг исмини сўрашга ҳам вақтим бўлмайди”.

1956 йилнинг августида АҚШнинг вице-президентлик лавозими учун курашда сенатор Эстес Кефауверга ютқизганидан кейин Жек “Вашингтон стар” кемасида Ўрта ер денгизи бўйлаб саёҳатга чиқади. Унга Жорж Смазерс билан лақаби “Қоқигул” ёки жўнгина “Қоқи” бўлган бир ишратбоз малла хотин ҳамроҳ бўлишган. Бу хоним бадавлат, ҳусни таважжуҳи тузуккина, икир-чикир гаплардан мутлақо чўчимайдиган аёл эди. Кемада бошқа ёқимтой ва навқирон жувонлар ҳам бор эди, жумладан, француз киноактрисаси ҳам саёҳатга чиққанди. Ҳомиласи етти ойлик бўлган Жекиннинг тўсатдан қорин бўшлиғига қон кета бошлайди. Уни зудлик билан Нью-Йорк госпиталига олиб боришади. Докторлар унинг қорнини ёриб, ҳомилани олишади, лекин болани асраб қолишнинг иложи бўлмайди. Матбуотга кема Генуя портида лангар ташлангандан кейингина орадан бир неча кун ўтгач, Жеки билан алоқа ўрнатиш мумкин бўлди, деб хабар беришади. Ҳақиқатда эса, Жек хотинининг бошига тушган кулфатни кема ҳали тўхтамасданоқ билиб олган эди, аммо Кеннеди таътилини тўхтатиб, уйга қайтишни истамади. Фақат Смазерс

бунақа қилсанг, сенинг сиёсат бобидаги обрўйингга путур етади, деб ишонтирганидан кейингина, Жек АҚШга қайтади.

* * *

Бир журналист Ж.Кеннедига бағишланган мақоласида унинг сайлов кампанияси вақтида хотинлар ортидан югурмаганини ёзади. Бу газеталарнинг навбатдаги ёлғони эди.

1960 йилдаги президентликка сайлов кампанияси президентликка номзод бориши керак шаҳарга вазиятни ўрганмоқ учун олдиндан юбориладиган Жекнинг ёрдамчилари зиммасига қўшимча мажбурият ҳам юклатилган — улар Кеннеди учун бир кечага қиз ҳам топмоғи керак бўлган. 1960 йилда республикачилар номзоди Ричард Никсон билан бўладиган телевизион мунозарага бир кун қолганда Жек ёрдамчиларининг биридан “эртага қизлар масаласи қалай?” деб сўраган экан. Эртасига телефон орқали буюртма олиб келадиган фоҳиша меҳмонхона номерида ҳозирга назир бўлиб кутиб ўтирипти. Кеннеди унинг ҳузурига телемунозара бошланишга бир ярим соат қолганда кириб келипти. Жекни кўрсатажак хизматларининг ҳақини мўмайгина қилиб олиб бўлган жонон билан таништиришипти. Фоҳиша билан ўн беш минут бирга бўлгандан сўнг, яхши кайфиятдан оғзи қулоғига етиб Жек номердан чиқиб келади. Жек биринчи телемунозарада анча яхши иштирок этди. Шундан кейин у бундан буён ҳар гал музокарада қатнашувидан олдин ўзини фоҳишалар хизмати билан таъминлаб туришларини талаб қилди.

1960 йилда демократик партиянинг қурултойи ишлаб турган кунларда Кеннедининг сайловдаги штаби меҳмонхонада жойлашган ҳангоматалаб вакилларга ҳамма талаб қилган нарсаларини зудлик билан етказиб бериб турди, шу жумладан, вакиллар спиртли ичимликлар ёхуд аёлларни талаб қилишса ҳам, бу масалада ҳам “йўқ” дейилмади. Голливуд юлдузлари (уларнинг ичида энг асосий одам, албатта, Фрэнк Синатра эди) қурултой қатнашчиларига жон куйдириб ишлов беришаётган бир пайтда Жек зўр бериб маҳрамлари билан кўнгилхушлик қилмоқда эди. Расман у “Балтимор” меҳмонхонасида тўхтаган эди, аммо шу яқин ўртадаги турар-жой биносидаги бир квартира унинг ихтиёрига бериб қўйилган эди. Мухбирлар унинг хуфиа кулбасини билиб қолишгандан сўнг президентликка номзод Жек деразадан чиқиб, ўт ўчирувчиларга аталган нарвондан паства тушиб қочмоқчи бўлган, аммо унинг орқа томонидаги девордан ошиб ўтаётганда уни кўриб қолишган. Ундан интервью олмақчи бўлишганда, у мухбирларга бақариб, “отам билан кўришмоққа ошиқяпман”, деган. Албатта, мухбирларнинг ҳеч қайсиси унинг гапига ишонмаган. Кейинчалик маълум бўладики, Кеннеди бу кечани собиқ дипломатнинг хотини билан ўтказипти. Агар гувоҳлар алдамаётган бўлса, қурултой давом этиб турган беш кун мобайнида Жек Мэрилин Монро, Жейн Мэнефилд, Жуди Кемпбелл, собиқ дипломатнинг хотини ва бошқа яна аллақанча жувонлар билан, шунингдек, фоҳишалар билан дон олишиб турган.

* * *

Президентликка саёқ номзоднинг саргузаштлари бутун сайлов олди кампанияси мобайнида давом этган ва Кеннеди Оқ уйга кириб олгандан кейин янада кенг-роқ кўлам касб этган. Орқа эшиклардан президентнинг хос хоналарига олиб борадиган зиналардаги қатнов, айниқса, ёзда, Жеки болалар билан Кейп Код бурнида дам оладиган кезларда жуда ҳам тифизлашган. Оқ уй аппаратининг ходимлари махсус одамлар ҳамроҳлигида Кеннедининг хос хоналари томон бораётган чиройли аёлларни кўп кўришган. Амалда уларнинг ҳаммаси биров сезиб қолмасин учун жанубий-ғарб томондаги ходимларга аталган эшикдан киришган. Синалган одамлар арзон шуҳрат йўлида ҳеч нарсдан тоймайдиган, ишрат ишларига бошқача қизиқиш билан қарайдиган ёш-ёш жувонларни топиб, Оқ уйга жўнатиб туришган. Баъзан бу одамларнинг қўлига икки энлик тавсияномалар ҳам ёзиб беришган.

Бир қораммағиз соқибжамол танноз бор экан. “Плей бой” журнали уни ўз плакати учун фотомодел қилиб танлаган экан. Жек журналиётга мактуб юборишти, журналист эса аёлга ўзи мактуб ёзиб бериб, Жекнинг олдига жўнатишти. Жавоб мактубида шундай дейилган экан: “Мен мактубингизни олдим, аниқроқ айтганда, иккала мактубингизни ҳам олдим”. Яна айтишадаки, 1963 йилнинг ёзида Жек ишқий ўйинлар вақтида яна орқасига шикаст етказиб олган экан.

Бир куни кундузи Жек бир жувон билан ётганида, ётоқнинг эшиги тақиллаб қолипти. Бунақа нозик пайда безовта қилганлари учун дарғазаб бўлган Жек шарақлатиб эшикни очипти. Ташқи ишлар бўйича маслаҳатчилар қаршиларида қияланғоч президентни, унинг тўшагида эса ёшгина жувонни кўришипти. Президент бир қанча қоғозларга қўл қўйиб бериши керак экан — у қоғозларни олипти, ўриндиққа ўтириб, уларни ўқиб чиқипти, маслаҳатчиларга тегишли кўрсатмалар беришти ва уларни жўнатиб юбориб, эшикни ёпиб олдипти...

Одам яшайдиган хоналар Оқ уйда иккинчи қаватда жойлашган. Кеннедининг ётоғи лифтнинг ёнида экан. Бу унга иморатнинг ғарбий қанотида жойлашган иш кабинетида дарров етиб бориш имконини берган. Деворлари оққа бўялган ётоқда каттакон каравот турар, унинг тагига эса стерео радио қарнайлар қўйилганди. Овоз кучайтирадиган стерео ускунанинг ўзи эса эр-хотиннинг ётоқлари ўртасидаги қазоқда эди. Каравотнинг оёқ томонида журналлар учун курси қўйилганди.

Жекнинг ётоғи Жекиники билан ёнма-ён эди. Ётоқ ранглари ичида ҳаво ранг ва зангори ранглар кўп эди. Уй анжомларининг кўпчилиги Жоржтаундаги уйдан олиб келинганди. АҚШ президенти рафиқаси ухлайдиган каравотнинг оёқ томонида мовий мато қопланган курсича, унинг устида “Арга ля мод”, “Эль”, “Фам-Шик”, “Финаро Литерер”, “Оффисиаль”, “Пари-Матч”, “Реалите” ва “Спектейтор” деган журналлар ётарди.

Жек тўшакда ётганида сокин романтик куйларни тинглашни ёқтирган. Кунлардан бирида эса Оқ уйнинг ходимлари теварак-атрофни қоматга келтириб, президент ётоғининг балконида янграётган немисча ҳарбий музикани эшитишган. Афтидан, ўша куни АҚШ президенти унчалик романтик кайфиятда бўлмаган кўрилади.

Оқ уй итхонасининг итбоқари Тревич Брайантнинг сўзларига қараганда, Кеннеди хизматкорларга шама қилиб, Жеки уйда йўқ пайтларда уларни президентнинг оиласи истиқомат қиладиган хоналарга кириши қатъиян ман этилишини таъкидлаган. Кўриниб туриптики, Жек ўзининг меҳмонлари келган пайтларда бегона кўзларнинг гувоҳ бўлишини истаган эмас. Президент хилватни ёқтирган. Бир гал Брайант лифтда учинчи қаватга кўтарилаётганда тўсатдан лифт иккинчи қаватда тўхтаб қолган ва лифтнинг эшиклари очилганда президентнинг итбоқари йўлак бўйлаб қип-яланғоч бир аёлнинг югуриб юрганини кўрган. Унинг семиз кўкраклари аёлнинг гавда ҳаракатларига мос равишда селкиллаб бораркан. Бу аёл Оқ уй идорасида хизмат қилувчи юзлаб ходимлардан бири бўлган ... Тревис шу заҳотиёқ лифтнинг тугмачасини босиб, пастга тушган — у беихтиёр номатлуб бир нарсага гувоҳ бўлиб қолганидан қўрқиб кетган.

1993 йилнинг ноябрида Питер Дэвиснинг “Жек” деган ҳужжатли фильмининг премьераси бўлган. Фильм афсонавий Жон Ф.Кеннедининг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган. Фильмдаги эпизодлардан бирида Сюзанна М. деган бир аёлнинг суҳбати берилган. Бу аёлнинг айтишича, у тўрт йил мобайнида Кеннеди билан яқин алоқада бўлган ва президентнинг шахвоний эҳтиёжларини қондириш учун тез-тез Оқ уйга бориб турган. Аёлнинг ҳикоя қилишича, учрашувлар президентнинг оиласи истиқомат қиладиган хос хоналарда содир бўларди. Аёлни у ерга соқчилардан бири олиб борарди. “Бу жойда одам кам бўларди, очиғини айтганда, умуман, ҳеч ким бўлмасди”. Сюзанна М. да ўша ғаройиб учрашувлардан жуда илиқ туйғулар қолган.

Президентлик вазифасини бажаришга киришгандан кейин Кеннеди ўзининг машуқаларига етарли вақт ажратолмай қолди, чунки иш кунининг ҳар дақиқаси ҳисобда эди. Жекнинг ишратбоз хушторларидан бири айтган экан: “У (Кеннеди) ҳам худди Муссолини каби кишини диққинафас қилиб юборадиган, фақат ўзини ўйловчи одам эди. Фақат унга “беш минут вақтингиз бўлса, суяниб туриб бering, синьора” деганга ўхшаган луқма етишмас эди, холос. Ишрат бобидаги қисқа

муддатли алоқалардан президент чарчоғини тарқатиш ва бош огриғини босиш мақсадида фойдаланган. Премьер-министр Гарольд Макмиллан ва ташқи ишлар министри Р. А. Батлер билан суҳбатда самимийлик билан шундай деган: “Анча вақт аёл киши билан алоқа қилмай қўйсам, лаънати бош огриғи мени жуда ҳам қийнаб қўяди”. “Иштиёқимни қондирмагунимча ётиб кўзимга уйқу келмайди...” — деб тан олган эди Жек ўзининг маҳбубаси Нэнси Дикерсонга.

Ҳатто махсус хизмат ходимларига ҳам тегишли йўл-йўриқлар берилган эди — уларга “махсус аёллар”ни президент ҳузурига тўхтатмай ўтказиб юбориш кераклиги тайинлаб қўйилган эди. Оқ уй соқчилигининг бошлиқлари ва Федерал Тафтиш Бюросининг раҳбарлари Оқ уйга яхши таниш бўлмаган аёлларнинг келиб кетишидан анча ташвишда эдилар, лекин уларнинг қўлидан ҳеч нарса келмас, президентнинг раъйига қарашга мажбур эдилар. Оқ уйга келадиган ҳар бир аёлни одатдаги тарзда текширувдан ўтказар эдилар, яъни унинг оиласини, ошна-оғайнилари, таниш-билишларини суриштирар эдилар. Аёлларга Оқ уйга киришга қайси асосда рухсат берилганини билиш зарар қилмас эди. Лем Биллинг айтишига кўра, президентнинг ҳузурига пайдарпай келиб-келиб турадиган бу аёлларнинг бири бўлмаса бириси президентга жиддий хавф туғдириши мумкинлиги бирон марта ҳам Жекнинг хаёлига келган эмас.

Жекдан туғилган кунингизга қандай совға олмоқни истайсиз деб сўрашганида у бироз ўйланиб туриб, бир таниқли актрисанинг фамилиясини айтган экан. Питер Лоуфорд билан Дэйв Пауорс хўжайиннинг истакларини бажо келтиргунча роса терлаб пишишган эди.

Кубадаги “ракета” кризиси вақтида Жеки бундай хатарли бир паллада эрининг ёнида бўлиб турмоқ учун Виржиния штатидан Глен-Оридаги ота-онасининг уйдан Вашингтонга қайтади. Бироқ Жекнинг фикри-зикри ҳали ҳам фақат аёллар билан банд эди. Кубада жойлаштирилган ядровий ракеталар масаласида Совет Иттифоқига ультиматум юборар экан, Кеннеди ўша хатарли оқшомда протокол ёзиб бораётган янги, ўта жозибатор котибага эътибор берган.

Роберт Макнамерга ўгирилиб, Жек шивирлаб деган: “Боб, анави қизнинг фамилияси билан телефон номерини билгин. Худо хоҳласа, бугун кечаси биз уруш хавфини баргараф қиламиз”.

1963 йилнинг июнида Берлин деворини кўриш ва Ғарбий Берлин аҳолиси олдида нутқ сўзлаш учун Жек Германияга боради. Кундуз куни АҚШ президенти ғарб дунёсини советлар тажовузидан ҳимоя қилажаги ҳақида оташин нутқлар ирод қилди, тун бўйи эса ўзи аёлларнинг кегидан қувиб чиқади.

* * *

Ҳеч қандай шак-шубҳа йўқки, Жеки эрининг кирдикоридан хабардор бўлган. Питер Лоуфорднинг айтишича, Жеки бир гал эрини жиноят устида қўлга туширган. Бу воқеа президент туғилган куннинг қирқ олти йиллиги муносабати билан уюштирилган денгиз саёҳати вақтида “Хани-Фитц” деган президент кемасининг устида бўлган. Буни Жорж Смазерс ҳам тасдиқлайди. Ўша кезларда Жекининг ҳомиласи беш ойлик бўлган экан. У каюталардан бирининг эшигини очиб қолса, Жекнинг Дэвид Начтеннинг хотини билан ишрат қилаётгани устидан чиқиб қолади. Аммо на Лоуфорд, на Смазерс миссис Кеннедини кўрганига муносабати қандай бўлгани тўғрисида лом-мим дейишмайди...

Эҳтимол, Жеки нима гаплигини аниқ билмай, ҳадеб гумонсираб юравергандан кўра эрининг Оқ уйда хонимлар билан дон олишиб турганини аниқ билганим яхшироқ деб ҳисоблагандир. Бир куни у ўзининг таниш аёлига “Мен хотинларига хиёнат қилмайдиган эркалар бўлишига сира ишонмайман. Ҳар бир эркада ёмонлик ҳам, яхшилик ҳам мужассам” деган экан.

Айтилганлардан Жеки мавжуд аҳволдан мамнун эди деган хулоса келиб чиқмайди, албатта. Бир куни Жеки ўзининг тўшагида аёллар трусигини топиб олади. Унинг эгаси шошиб қолиб, матоҳини ёстиқнинг тагига тикиб қўйган экан. Жеки ижирганиб, уни икки бармоғида тутган ҳолда Жекка кўрсатади. Айни чоқда қаҳрли

овоз билан эрига дейди: “Марҳамат қилиб, бунинг кимники эканини аниқла... Раз-мерига қараганда, у меники бўлиши мумкин эмас”.

Бошқа бир гал Виржиния штатидаги Атокага кетаётган Жеки ярим йўлдан Вашингтонга қайтиб келади. Афтидан, у ўзининг қўриқчисидан бирор хабар эшитган бўлса керак...

Бу пайтда эса...

Малла сочли новча соҳибжамол аёл спортзалда бир дақиқа тўхтаб, устидаги халатини ечиб ташлайди ва қип-яланғоч ҳолда ҳовуз томон йўналади. Президент оёғини чўзиб, “меъморий ортиқча” нарсасини кўз-кўз қилиб шезлонгда ўтирар ва мириқиб коктейл тортарди. Роҳатижон манзарани югуриб кирган ёрдамчиси бузади — у Жекининг ҳозиргина Оқ уйга қайтиб келганини ва ҳовуз томон келаётганини маълум қилади. Даврада Жек билан унинг жононидан ташқари, яна Боб Кеннеди, унинг бир қанча яқин дўстлари ва бир гала яланғоч қизлар ҳам бор эди. Ҳамма тирақайлаб қочиб қолди. Бир зумда яқин ўртада жойлашган душ хоналари, ҳожатхоналар, қазноқлар одамларга тўлиб кетди. Улар Американинг Биринчи ҳонимининг қаҳрига учрашдан кўрқиб дағ-дағ қалтирашар эди. Хизматкорлар апил-тапил шишалар-у қадаҳларни даф қилишди. Ҳовуз лабига келган Жеки ҳовуз ичида эри ёлғиз сузиб юрганини кўрди. Ҳеч қанақа шубҳали нарсани кўрмагач, Жеки ҳовуз жойлашган хонадан чиқиб кетади. Орадан кўп ўтмай миссис Кеннедининг жўнаб кетгани тўғрисидаги “яхши” хабарни эшитган улфатлар, “яланғоч” зиёфатни давом эттирмақ учун ҳовуз бўйида янгидан тўпланишади.

Оқ уйнинг хизматкорлари ҳовузнинг ойнабанд эшиклари ёнида тўпланиб, зодагонларнинг кўнгилхушликларини томоша қилмоқни яхши кўришарди. Охир-пировардида, бу Жек билан унинг дўстларининг жонига тегиб кетди. Эшиклардаги тиниқ ойналарни қалин ойналар билан алмаштиришди.

Тревис Брайтнинг сўзларига қараганда, Оқ уйнинг хизматкорлари Кеннеди президент бўлган даврда деярлик ҳар куни президент ётоқларидан сон-саноксиз ўйнашлар қолдирган изларни йўқотишга кўникиб қолишган эди. Навбатдаги “муҳаббат туни” ўтгач, тўғрироғи, майшатбозлик тугагач, оқсочлар хонани синчиклаб текшириб чиқишарди. Туни билан эҳтирослар жўш урган хоналарда сочлар орасидан тўғноғичлар тушиб қолган, у ер-бу ерда малла соч толалари ётиши, кароват остида тасодифан унутиб қолдирилган трусиклар ёхуд сийнабандлар бўлиши мумкин эди. Хуллас, бу ерда бегона аёл бўлганидан далолат берувчи бирон ашёвий далил бўлмаслиги керак эди. Бир куни оқсоч аёллардан бири шикоят қилипти: “Нима учун биз ҳар куни малла аёлнинг соч толасини ёхуд оқ клипси-ларни изламоғимиз керак? Наҳотки, у (Кеннеди) ўзига доимий маҳбуба бўлаоладиган бирон қорамағиз аёлни тополмайди?”

Шундай миш-мишлар ҳам юрган: патриарх Жозеф Кеннеди Жеки сайловолди кампанияси вақтида Жекдан ажраб кетмаслиги учун унга бир миллион доллар таклиф қилган экан. Мистер Жозеф Кеннедининг бунақа қилишга жаҳд этганининг сабаби шуки, Жеки унга эри сабабчи бўлиб энагалари ҳомиладор бўлиб қолганини айтиб берган экан. Жекнинг жинсий бузуклигини кўрсатувчи бундай факт хотинининг сабр косасини тўлдириб юборган ва миссис Кеннеди эрига “ажрашиб кетаман” деб таҳдид қилган. Айтганча, бояги энага ўша кезларда энди ўн бешга кирган эди.

Дэвид Хейменнинг “Жеки исмли аёл” деган китобида бир боб бор. У таниқли бир журналистнинг болаларига энагалик қилаётган аёлни Жек қандай қилиб ҳомиладор қилиб қўйгани тўғрисида ҳикоя қилинган.

Питер Лоуфорднинг онаси леди Лоуфорд анча ўзига бино қўйган, лекин ҳамма нарсани очиқ гапирадиган аёл. У ўзининг “Қанжиқ” деган китобида бир воқеани тилга олади. Бир куни Жеки эрининг Беверли-Хиллда исловотхона олдида турганида суратни топиб олипти, бундан дарғазаб бўлиб, ажралишни талаб қила бошлапти. Ушанда Жозеф Кеннеди келинига юқорида зикр этилган миллион долларни таклиф қилган экан. Агар леди Лоуфорднинг гапига ишонадиган бўлсак, Жеки жуда лўнда ва аниқ жавоб берган экан: “Солиқсиз, соф, нақд миллион бўлганидан кейин, бир битимга келамиз-да...”

Томас Ривс ўзининг “Характер масаласи” деган китобида бир тахминни баён

этади. Бунга кўра, Жозеф Кеннедининг зўр бериб келинига миллион доллар туҳфа қилганининг боиси шуки, Жеки иккинчи боласидан жудо бўлган кезларда Жек хотинининг хузурига учиб келишдан бош тортган. Биз биламизки, 1956 йилда Ўрта ер денгизи бўйлаб саёҳат чоғида Жек бетизгин бузуқлик билан банд эди.

* * *

“Кеннеди: сулола ва ҳалокат; 1848-1983” деган китобнинг муаллифи Жон Дэвис жумладан, шундай деб ёзади: “Жек Кеннеди — шаҳвоний лаззатлар изловчи одамнинг энг мукаммал намунаси бўла олади. Бу борада у ҳеч нарсанинг изига бормас эди. У ов жараёнининг ўзидан: ўлжани қўлга тушириб, унинг устидан ғалаба қозонишдан лаззатланарди. Бунақа одам ўлжага қанчалик тез эришган бўлса, ундан шунчалик тез юз ўғирарди”.

Бир куни бир дўсти билан суҳбатлашиб туриб, Жек шундай деган экан: “Аёл кишидан истаган нарсамга эришишим биланоқ у мени ортиқ қизиқтирмай қўяди. Кўп ҳолларда мен учун мулоқотни давом эттиришнинг қизиғи қолмайди. Мен ўзимга бўйсундиришни яхши кўраман. Бу даъват, эркак ва аёл ўртасидаги мусобақа. Мен овда ҳамма нарсага сўнгги нуқта қўювчи мерганлик билан отилган ўқни эмас, қувлашни яхши кўраман”.

Жекнинг шаҳвоний бобидаги толмас фаолиятини изоҳлашга ҳаракат қилайлик. Бунинг учун унинг болалигига қайтайлик. На ота, на она ўғлига нисбатан ота-оналик меҳрининг ташқи белгиларини намоён қилишган. Бир куни ўспирин Жек ўртоғига деган экан: “Мен онамнинг меҳрига жуда зор бўлган кезларимда, у бирон марта ҳам менга яқинлашган эмас. У ҳеч қачон мени эркалатмаган ва бағрига босмаган”.

Кеннедининг яқин дўстлари эслашади: “Зоҳиран қараганда Жек теварагидагиларга қараганда нисбатан меҳрибон ва мушфиқ кўринган бўлса-да, ҳақиқатда у биронта ҳам одам билан ижобий алоқа ўрнатишга мутлақо қобил эмас эди ... Бу йигит ҳаммага хавотир билан қарар, ҳеч кимни яхши кўришга қодир эмас ва туйғуларини ифодалашга ҳам ожиз эди”.

Кеннеди хонадони билан анча вақт мобайнида мулоқотда бўлган аёл бир куни Жекдан сўрапти: “Нега сен ўзингни худди отанга ўхшаб тутасан, нега ўз туйғуларингни ошкор этишдан қўрқасан? Мансаб пиллапоясининг энг юксак чўққисига кўтарилгансан! Бирор жанжалга аралашиб қолишдан қўрқасанми? Шундан ўзингни асраш учун тиришасанми?” Жек бу саволга жавоб бериш учун анча ўйлаб қолди. Унинг юз ифодаси бирор нарсдан қаттиқ хафа бўлган ва ҳозир йиғлаб юборадиган боланинг юз ифодасига ўхшар эди. Ниҳоят, у ўзини ўзи зўрлаб, елкасини қисиб жавоб берди: “Ўзим ҳам билмайман, миссис М. Мен ўзим буни бартараф қилолмайдиган кўринаман”.

Ишрат бобидаги мислсиз бефарқлиги билан у умрининг авжи гуллаган чоғида тўсатдан аён бўлган саломатлигидаги кемтикларни тўлдирмоқчи бўлган. Ҳаёт одамга бор-йўғи бир марта берилишини англаб қолгач, ундан ҳамма нарсани олиб қолишга улгурмоқчи бўлган кўринадди, чунки хаста умуртқаси билан ҳаёт синовларига узоқ дош бериши мумкинлигига, қолаверса, узоқ умр кўриши мумкинлигига ишончи комил бўлмаган. Хасталик узлуксиз даволаниб туришни талаб қилган, ҳар куни новокаин уколлари, картизон таблеткалари, ҳар уч ойда сонига муайян дорилар юбориб туриш зарур бўлган. Ана шу дорилар қўшилиб, унда жинсий иштиёқни кучайтирган. Унинг либидосининг ҳаддан зиёд фаоллигини ҳам қисман шу билан изоҳласа бўлади. 1960 йилда демократлар қурултойи вақтида Линдон Жексоннинг тарафдорлари Жекнинг сирли Аддисон хасталиги билан касалланганлигини ва ҳатто президентлик лавозимида бир муддат туриб бериши ҳам гумон экани тўғрисида миш-миш тарқатдилар. Бир куни Жек бу хасталик билан қандай курашаётгани ҳақида шундай деган эди: “Улар менинг ичимни ҳар хил кимёвий дориларга тўлдириб ташлашди, чунки мен Аддисон хасталиги билан оғрир эканман. Бу аҳволда қирқ бешга кирсам ҳам гўрга эди”.

Маънавий камолот сари

*Маънавиятни мустаҳкамлашга
Меҳнат ва маблағни аямоқ — ўзини
келажакдан маҳрум қилиш демакдир.*

И.А.КАРИМОВ

Озодлик шабадалари ғир-ғир эсиб, юртимиз мустақилликка эришган кундан бошлаб, маънавий меросимиз, аждодларимиз илмий бойликларига муносабат тубдан ўзгарди, таваккур гулшани яшнамоққа бошлади: бинобарин, даставвал дини ислом қоидалари чоп этилди, сўнгра Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва саллам ҳаётлари, амаллари ҳақида қатор рисоалар нашр қилинди. Шундан кейин Ислом оламнинг муборак дарвозалари очилиб, бу олам саҳнидаги қатор алломалар, авлиё-анбиёлар ҳақида рисоалар, уларнинг асарлари кетма-кет кенг омма эътиборига ҳавола этила бошлади. Бой ўтмиш меросимизнинг пешқадам олимлари, у хоҳ диний, хоҳ дунёвий фан соҳаларида қалам тебратганлигидан қатъий назар чуқур ўрганила бошлади, уларнинг сиймолари қайтадан тикланди. Бунга таваллуд тўйлари кенг нишонланган Имом ал-Бухорий, Баҳовуддин Нақшбандий, Имом Термизий, Замахшарий каби қатор алломаларимизни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Маълумки, Ислом ҳозирги кунда дунё аҳолисининг бешдан бирини ташкил этмиш мусулмонларнинг кундалик ҳаётида дастуриламал вазифасини ўтайди. У инсонларни покизаликка, инсофли, виждонли, меҳр-оқибатли бўлишга, яхши ишлар қилиш ва ёмон амаллардан сақланишга даъват қилади.

Ўтган йили шахсан Президентимиз қарори билан ташкил топган Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси Юқорида қайд этилган даъватларни халққа етказиш йўлида эзгу иш бошлади. Мусулмон дунёсининг ифтихори, Қуръони Каримдан кейинги иккинчи ёзма манба — муборак ҳадисларнинг энг ишончли тўпламини яратган буюк зот — Имом ал-Бухорийнинг табаррук номи билан аталган янги маънавий-маърифий, илмий-адабий журналнинг дастлабки сони нашрдан чиқди.

Ойнома саҳифаси Абдулла Ориповнинг “Имом Бухорий орзуси” шеъри билан бошланади:

Ибодат бор эди, у этгай давом,
То абад ёпмаймиз бу уйнинг томин.
Бизни тинглаганга ҳамиша салом,
Оллоҳ паноҳида тинч яшанг, овмин.

Журнал бош муҳаррири Зоҳидилло Мунаваровнинг “Муштарийга мурожаат”-ида ойноманинг мақсади, унинг ўз олдига қўйган вазифалари ҳақида маълумотлар берилдики, булар: маънавиятимизнинг мустаҳкам илдиэларидан бири бўлган асл диний қадриятларимиз билан халқимизни кенгроқ ва чуқурроқ таништириш, уларнинг кенг омма, айниқса, ёшларимиз томонидан соғлом идрок этилишишига ҳисса қўшишдан иборатдир.

Амалга ошириладиган ишлар ҳақида фикр юритилиб, журнал саҳифаларида кўп асрлик миллий-диний қадриятларимиз моҳияти, уларнинг истиқлол даврида халқимиз маънавияти ва маърифатини камол топширишдаги ўрни, мусаффо ниятларимиз ва эзгу ишларимизни кўролмаётган ғаразгўй кучларнинг ёвуз ғояларини фош этиш

билан боғлиқ мақолалар орқали муштарийларни таништириб бориш таъкидланади. Айна вақтда шонли тарихимиз, жаҳон фани ва маданияти, адабиёти ва санъати тараққиётига беназир ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг безавол меросларидан журналхонларни баҳраманд этиб бориш ҳам ойноманинг доимий вазифаси саналади.

“Имом ал-Бухорий сабоқлари” журнадини қўлга олиб-варақлар экансиз, унинг сифатига, ранг-бўёқларига, рукнлар ранг-баранглигига таҳсин айтасиз.

Унда чоп этилган асарларни мутолаа қилиб эса чуқур маънавий қониқиш ҳосил қиласиз.

Муаллифлар — тарих фанлари доктори, профессор Аҳаджон Ҳасанов мақола-сида абадий барҳаёт китоб — Усмон Қуръони ҳақида маълумот олсангиз, Турсунной Содиқова сизни муборак ҳадислар оламига етаклайди. Ҳабибуллоҳ Солиҳ ёзув тилсимотидан воқиф этсалар, Ориф Усмоннинг мақоласидан Мовароуннаҳрнинг буюк шайхлари ҳақида маълумотга эга бўласиз. Сарвари олам айтган ривоятларда — ростгўйликнинг ҳикмати ва ёлғон сўзнинг иллати ниҳоятда таъсирчан баён қилинган.

Мамлакатимизнинг келажаги, порлоқ истиқбол биносининг фаол қурувчилари бўлган ёш авлодни тарбиялаш ва камол топтириш давримизнинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб турибди. Зеро, маънавияти юксак, меҳнатсёвар, илми, иқтидорли, тadbиркор, соғлом ёш авлод эркин ва қудратли, адолатпарвар ва маърифатпарвар жамият қуришнинг асосий омилларидан биридир. Соғлом авлодни парвариш қилиш, унинг соғлиғи, билими, ахлоқи, тақдири тўғрисида доимий ғам-хўрлик кўрсатиш мустақил Ватанимизнинг шонли келажаги, порлоқ истиқболини яратиш демакдир. Ана шу улуғвор мақсадни амалга оширишда қадимий ва барҳаёт исломий қадриятлардан ҳам кенг фойдаланиш давримиз талабидир.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, журналнинг ёшлар тарбиясида ниҳоятда катта аҳамиятга эга эканини ҳис этамиз. Ойноманинг илк сониданоқ бу масалага жиддий эътибор берилган. Унда “Ислом ва соғлом авлод тарбияси”, “Маҳалла — энг доно мураббий”, “Отанга раҳмат дейишсин” каби қатор мақолалар китобхон эътиборига ҳавола этилган.

Адабиёт саҳифасида “Фурқат ҳажномаси” берилган. Маълумки, мумтоз адабиётимизнинг истеъдодли намояндаларидан бири — Зокиржон Ҳолмуҳаммад ўғли Фурқат 1891-1893 йиллари Туркия, Саудия Арабистони, Ҳиндистон мамлакатларига сафар қилиб, муборак Ҳаж зиёратига ҳам мушарраф бўлган эди. У ўзининг эҳтиросли туйғуларини Ҳажнома тарзида шеърий асарларида ифодалаб, ватандош дўстларига йўлаган. Таркиббанд шаклида ёзилган ушбу Ҳажнома 12 банд, 116 байтдан иборат. Унда шоирнинг Мадинаи Мунаввара зиёратидан олган теран таассуротлари ёрқин ва сержило ифодаланган.

Шунингдек, журнал саҳифаларида қатор илмий, ижтимоий-мақолалар, шарҳлар, мулоқотга чорловчи фикр-мулоҳазалар муштарийлар ҳукмига ҳавола этилганки, улар китобхонни бефарқ қолдирмайди.

Мухтасар қилиб айтганда, “Имом ал-Бухорий сабоқлари” журнали ўзбек халқи хонадони учун тафаккур булоғи бўлиб хизмат қила олади. Буни ойноманинг нишона сониеқ далиллаб турибди. Бу булоқнинг юзага келишида саъй-ҳаракатини аямай меҳнат қилажак таҳририят ходимларига раҳмат айтиб, уларни ал-Бухорий руҳи мубораклари қўллаб-қувватлашини тилаб қоламиз.

Уйлаймизки, ушбу ажойиб, маънан бой ойноманинг муштарийлари кўп бўлади. Буюк аждодларимизнинг теран ўғитларини англашда, унга эргашишда, поклик қондаси билан яшашда ўзига хос дастуриламал бўлади.

Ойноманинг сўнгги саҳифасини ёпар эканмиз, ундаги оятлардан бири фикримизга яқун ясади:

Оллоҳни эзгулик билан қарздор қилиб қўйинг.

Ушбу ўғитни қалбларга жо айлаб, унга амал қилиб яшаш барчамизга насиб этсин, иншооллоҳ.

Гулнора
МУҲАММАДЕРОВА

Шахмат ҳангомалари

* * *

Таль Ботвинник билан биринчи марта 1960 йилда жаҳон биринчилиги учун бўлган матчда учрашган. Бу учрашувда ғолиб чиққан Таль жаҳон чемпиони бўлган эди. Холбуки, бу икки буюк шахматчи 1948 йилда учрашишлари мумкин эди. Ушанда жаҳон чемпиони унвонини эндигина қўлга киритган ботвинник дам олмоқ учун Ригага — денгиз бўйидаги оромгоҳлардан бирига боради. Ригада яшайдиган 11 ёшлик Таль жаҳон чемпионининг қаерда дам олаётганини бир амаллаб билиб олиб, шахматини қўлтиғига қистириб, унинг ҳузурига жўнайди. Эшикни Ботвинникнинг хотини очади. У болани кўриб гап нимадалигини фаҳмлаб, зарда билан жавоб беради:

— Ботвинник кун тартибига қаттиқ риоя қилади. Ҳозир ухляпти.

Шундай деб эшикни ёпиб, кириб кетади.

Эҳтимол, Ботвинник уйғоқ бўлганида, унинг Таль билан биринчи учрашуви ушанда содир бўлармиди?

* * *

Таль мамлакат чемпиони бўлганидан кейин ҳам мактабга рус адабиётидан дарс беришда давом этган. Бир куни у синфга кириб, дераза раҳида турган Шахмат тахтасини кўради. Унда доналар териб қўйилган экан. Таль тахтага бир қур назар ташлайди-ю, оқларнинг тўрт юришда мот қилишини кўради. Лекин индамай дарсини бошлаб юборади. Кейин яна бир ров тахтага қараса, ўйин давом эттирилипти-ю, оқлар ғалабани қўлдан чиқариб, ўзлар ютқизиш ҳолига тушиб қолибди. Таль бундай аҳволга чидаб туролмапти-да, иккала болани ҳам турғизиб қўйиб, дарс вақтида шахмат ўйнаганлари учун койипти. Таль болаларнинг кундалигига ҳам танбеҳ ёзиб қўймоқчи бўлипти-ю, дарс охирига бориб юмшабди... Буни кўриб; оқ доналар билан ўйнаган бола Тальдан дастхат сўрапти. Таль унинг кундалигига ёзиб берипти: “Адабиёт дарсида тўрт юришда мотни топа олмади!”

* * *

Машҳур гроссмейстер Тальдан сўрапти:

— Миша бугун мен телевидение орқали чиқиш қилмоғим керак. Томошабинларга нима десам экан-а?

— Уларга қимматли маслаҳат беринг — радио эшитсинлар. Эртага мен радио дан гапираман.

* * *

Таль буюк шахматчи бўлса-да, саломатлиги ночорроқ эди. Кўпинча “тез ёрдам” машинаси келиб, унга укол қилиб кетарди. Бир журналист ундан хазиллашиб сўрапти:

- Миша, нима бало, сиз морфихўрмисиз?
 Таль унинг ҳазилига ҳазил билан жавоб берипти:
 — Йўғ-е, қандай қилиб Морфихўр бўлай? Мен Чигоринпарастан!

* * *

Бир куни Михаил Ботвинник Тальнинг хотини Саллига мактуб ёзиб, Тальнинг саломатлигидан ташвишда эканини айтипти ва тузукроқ докторларга қаратмоқ учун Москвага кўчиб ўтишни таклиф қилипти. Хатни ўқиб, Таль бир зум ўйланиб қолипти-ю, кейин чеҳраси ёришиб, қувноқлик билан хотинига депти:

— Бўлди, гап нимада эканини билдим. Ботвинник сенга ошиқу беқарор бўлиб қолган. Шу йўл билан сени Москвага кўчириб олмоқчи. Лекин ўзинг ўйлаб кўр — бир собиқ жаҳон чемпиони бошқа бир собиқ чемпионига алмаштиришдан нима фойда?

* * *

Таль мамлакат биринчилиги ҳақидаги мақолалари учун журналист Виктор Хенкинни мақтапти. Журналист хурсанд бўлипти, Тальга миннатдорчилик билдирипти ва депти:

— Камдан-кам одамдан бунақа илиқ гапларни эшитаман.
 — Албатта-да, — деб жавоб берипти Таль — Мендан бошқа сенинг мақолаларини ҳеч ким ўқимайди-да...

* * *

Таль Бакуда денгиз бўйида сайр қилиб юрган экан. Унинг олдида бир нотаниш одам келипти.

— Яхши йигит, ўзингиз биласизми — сиз жуда ҳам гроссмейстер Тальга ўхшаб кетаркансиз. Лекин у сиздан кўра салобатлироқ!

— Ҳа, биламан, — депти Таль — Менга бу тўғрида аввлари ҳам кўп гапиршган.

* * *

Таль турнирларнинг бирида гроссмейстер Керес билан ўйнапти-ю, ўйиннинг бошидаёқ бир сипоҳини қурбон қилипти. Бир қарашда, Тальнинг қўли баланд экан. Шу пайт эстон шахматчиси узоқ ўйланиб қолипти, кейин... костюмини ечиб, стулнинг суянчиғига илиб қўйипти-да, бемалол ўйнаб ҳужумни қайтарипти ва ғалаба қозонипти.

— Мен ҳамма вариантларни аниқ ҳисоблаб чиққан эдим, — депти Таль рақибини ғалаба билан табриклар экан. — Фақат ўйиннинг энг авж нуқтасида костюмингизни ечиб қўйишингизни ҳисобга олмабман.

* * *

Бир ўйинда Таль керакли юришни кўрмай қолипти. Мухбир “бу юришни ҳатто 6-синф ўқувчисини ҳам кўрарди” деб Тальдан таъна қилипти.

Таль жавоб берипти:

— О, мен ҳозир 6-синф ўқувчиси бўлганимда бундан ҳам яхшироқ юришни кўрардим.

* * *

Бир мухбир Тальдан сўрапти:

— Айтинг-чи, Майя Чибурданидзенинг ҳозир эркалар ўртасида жаҳон чемпиони бўлишга имконияти каттами?

Таль ўйламай жавоб беришти:

— Ҳар ҳолда, менинг хотинлар ўртасида жаҳон чемпиони бўлишимдан кўра унинг эркаклар ўртасида жаҳон чемпиони бўлиши осонроқ.

Петросяннинг бўлғуси турмуш ўртоғи Рона ёшлигида жуда гўзал бўлган эди. У шахматга қизиқиб қолгач, баъзи грассмейстерларга унга кўнгил қўйиб қолишди. Уларнинг олдинги сафида Петросян билан Геллер ҳам бор эди. 1952 йилда Швецияда жаҳон биринчилиги учун зоналар аро турнир бўлди. Петросян ҳам, Геллер ҳам бу турнирда иштирок этишар эди. Турнир бошланмасдан олдинроқ қиздан “турмушга чиқадиган бўлсанг қай бирини танлар эдинг — Петросяними, Геллерними?” деб сўрашди. Қизнинг жавоби шахмат тарихига кириб қолди:

— Буни турнир кўрсатади!

Турнирда Петросян Геллердан ярим очко ўтиб кетди. Бу билан Ронанинг ҳам, Петросянининг ҳам тақдири ҳал бўлди.

* * *

Петросянининг турмуш ўртоғи Рона Яковлевна эрини турмушнинг ҳамма майда-чуйда ташвишларидан озод қилиб қўйган эди. У Москвада ҳатто тор ва нокулай уйини жуда яхши бир квартирага алмаштириб ҳам олганди.

Петросянни келган бир шахматчи грассмейстер Котовдан “Петросян квартираларни алмаштиришга шунақа устами?” деб сўрапти.

Котов жавоб беришти:

— Э, қаяқда дейсиз. Петросян фақат отни филга алмаштиришни билади, холос. Қолган нарсаларнинг ҳаммасини хотини алмаштиради.

* * *

Борис Спасский 18 ёшида ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлган эди. У 1955 йилда Антверпендаги шахмат мусобақасидан қайтиб келгач, хорижда кўриб тагига етолмаган воқеаларининг моҳиятини шахмат делегацияси раҳбаридан сўрайди:

— Нега Бельгияда ҳеч ким марксизм — ленинизмни ўрганмаса ҳам одамлар СССР дагидан яхшироқ яшашади? Ҳолбуки, СССРда ҳамма ёпасига гўдаклигидан бошлаб марксизм-ленинизмни ўрганишга киришади?

Бу саволни эшитган раҳбар Спасскийни койиб беришти:

— Бунақа гапларни гапирма, бегамиз! Кейин ўзинг билиб оласан.

* * *

Шўролар тартибига кўра хорижга сафарга борадиган ҳар қандай одамга тавсифнома берилар ва бу тавсифнома шаҳар ёхуд вилоят партия кўмиталарида махсус комиссиянинг тасдиғидан ўтарди. Навбатдаги шахмат турнирларидан бирига кетаётганда комиссия Спасскийни бўлар-бўлмас саволларга кўмиб ташлапти. Масалан, улардан бирини “Ҳозир Москва вилоят кўмитасининг котиби ким?” — деб сўрапти. Спасский саволга савол билан жавоб беришти:

— Сиз ўзингиз ҳозир шахмат бўйича ким Москва чемпиони бўлганини биласизми?

Комиссия аъзоси, албатта, буни билмас эди. Улар шоша-пиша тавсифномага қўл қўйиб беришипти.

* * *

Спасский яна бир гап Москва шаҳар партия кўмитасига навбатдаги тавсифнома учун боришти. Унинг устидаги қизил костюми, бўйнидаги сариқ шарфи комиссия аъзоларининг ғашини келтиришти. Улар ҳар хил саволлар билан, тавсифномани тасдиқламасликка уриниб қолишипти. Комиссия аъзоларидан бири сўрапти:

— Италиядаги ҳозирги аҳволни гапириб беринг.

Ўша кезларда газеталар Италиядаги мафия ҳақида кўп ёзишар экан. Лекин Спасский Голландиядаги вазиятни сўзлай кетишти.

— Бу гапларингиз маъқул, — депти комиссия аъзоси. — Лекин биз Италия ҳақида сўрагандик. Саволга тушунмадингизми?

— Саволга-ку тушундим-а! Лекин мен яқинда Голландияга борган эдим. Ўз кўзим билан кўрганларимни гапиришни маъқул кўраман.

— Нима бало газета ўқимайсизми?

— Ўқийман. Мен ўзим журналистман. Газеталаримиз қанақа эканлигини яхши биламан. Уларнинг ҳаммаси ёлғон-яшиқ гапларни ёзади.

— “Правда” ҳам-а?

— Ёлғонни аввало “Правда” дўндиради-да...

Табийки, тўс-тўпалон кўтарилади. Тавсифномани тасдиқлаш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Россия Шахмат федерациясининг масъул котибаси Вера Тихомирова жуда кўп ялиниб-ёлбориб, тавсифномага қўл қўйдиришга эришади. Бу мамлакатнинг шахмат тарихида Тихомирова эришган энг муҳим ғалаба бўлган эди.

* * *

70-йилларнинг бошларида америкалик аёл “Анжела Дэвиснинг иши” катта шов-шувга сабаб бўлди. Гап нимада эканини ҳеч ким тузукроқ билмаса-да, ҳамма қаҳрли норозиликлар баён қила бошлади. Ҳатто унинг ҳимоясига АҚШ президенти Никсон номига мактуб йўллайдиган бўлишди. Мактубга қўл қўйишни Ботвинник ва Спасскийдан ҳам илтимос қилишди. Ботвинник Никсон билан хат ёзишишга киришишмоқчи эмаслигини айтиб, мактубга имзо чекишдан бош тортди. Спасский эса “майли, мактубга қўл қўяман, лекин олдин менга ишнинг материалларини кўрсатинглар, Анжела Дэвиснинг бегуноҳ эканига шахсан ўзим амин бўлай” депти.

Шундан кейин ҳеч ким унга бунақа илтимосларни айтмай қўйди.

* * *

Спасский ўзининг учинчи хотини Франция фуқароси Марина Шербачева билан 70-йилларнинг ўртасида Москвада танишган эди. Марина Франциянинг СССРдаги савдо ваколатхонасида хизмат қиларди. Ўша пайтдаги таомилга кўра расмий доиралар СССР фуқаросининг хорижлик билан оила қуришини унча хушламас эдилар. Шунинг учун Спасский билан Маринани ҳам расман никоҳдан ўтказмай қаттиқ қийнашган.

Бир куни Франция президенти Жорж Помпиду ташриф билан келади. Л.И.Брежнев олий меҳмон шарафига Кремльда қабул маросими ўтказди. Марина ҳам бир амаллаб бу маросимга таклифнома олади. Кремльда Помпидуга ҳар хил саволлар билан мурожаат қилишади. Марина ҳам ундан сўрайди:

— Жаноб Помпиду, сиз севгига қандай қарайсиз?

Президент мамнуниятдан чеҳраси ёришиб кетади:

— О, севгидан гўзалроқ нима бор дунёда?

— Ундай бўлса, нима учун Борис Спасский билан икковимизнинг оила қуришимизни таъқиқлаб қўйишди?

Бу кутилмаган саволдан ҳайрон бўлган Помпиду Брежневга қарапти. У ҳам нима дейишини билолмай ҳанг-манг бўлиб қолипти.

Эртаси куни Спасскийни Марина билан бирга ЗАГСга чақириб, никоҳини рўйхатдан ўташишти.

* * *

Жаҳон чемпионати учун Карпов билан Каспаров ўртаида ўтказилган биринчи матчда 27 ўйиндан кейин ҳисоб Карповнинг фойдасига 5:0 бўлган эди. Шундан кейин улар яна 21 марта ўйнашади ва 48 партиядан кейин ҳисоб 5:3 бўлади. Чемпион бўлмоқ учун дурангларни ҳисобламай, 6 марта ютмоқ керак эди. ФИДЕнинг ўша пайтдаги президенти Кампоманес 48 ўйиндан сўнг мусобақани тўхтади.

Кейинчалик бунга Спасский шундай изоҳ берган: бешинчи марта ютгандан кейин Карпов “ҳадеб ютавериб зерикиб кетдим. Бас, энди ўйнамайман” деб таслим бўлмоғи керак эди. Матчдан 0:5 ҳисоби билан ютқазаётган ва матчга қадар рақиб устидан бирон марта ҳам ғалаба қозонмаган одамни жаҳон чемпиони деб эълон қилишга ҳеч ким ботина олмас эди. Шундай қилиб, Карпов осонгина “жаҳон чемпиони” деган унвонни сақлаб қолар эди.

* * *

Америка Қўшма Штатларида кўп йиллар мобайнида Сэмюэл Решевский шахмат соҳасида пешқадамлик қилиб келган. Бироқ 50-йилларнинг охирида унга муносиб рақиб чиқди: Роберт Фишер 14 ёшида АҚШ чемпиони бўлди, 15 ёшида гроссмейстер унвонини олди, 16 ёшида шахмат тожига даъвогар бўлди. Ҳамма матбуот анжуманларида у камтарликни йиғиштириб қўйиб, шундай дерди:

— Мен энг ёш, лекин энг зўр шахматчиман. Мен фақат биринчи ўринни эгалламоғим керак.

Ёш рақибнинг ютуқларига ғашлик қилган Решевский эса шундай деган экан:

— Мен ҳатто 19-нчи ўрнини олишга ҳам розиман, фақат фишер 20-нчи ўринни олса бас...

* * *

Фишернинг шахмат тожига даъвогар бўлганини эшитиб, гроссмейстер Палуэ Керес деган экан:

— Модомики, 16 яшар йигит тож даъвогари бўлган бўлса, унда биз чиндан ҳам отни қамчиламоғимиз керак экан...

* * *

Луганадаги шахмат Олимпиадасида, Фишернинг фикрича қатнашувчилар учун шароит жуда ёмон эди. Фишер мусобақада қатнашишдан қаъиян бош тортади ва бунинг оқибатида олиши мумкин бўлган 3000 доллар мукофот пулидан қуруқ қолади.

— Америкалик одам пулдан бош тортдими, — деб изоҳ беради бунга АҚШ терма командасининг капитани Колтановский — демак, унинг боши жойида эмас...

* * *

Бир куни Фишер Спасскийга ютқазиб қўйди.

— Ютқазганингизга хафа бўлдингизми? — деб сўрадилар ундан.

— Мутлақо хафа бўлганим йўқ! — деб эътироз билдирди у. — Агар бирор ўйинни ютқазиб қўйсам, худди Қапабланкага ўхшаб, ўзимни тиланчига садақа берган қиролдай ҳис қиламан.

* * *

Бразилия гроссмейстери Мекинг катта бир халқаро турнирда ғолиб чиққандан кейин, икки йилдан сўнг Фишер билан жаҳон биринчилиги учун ўйнайман деб мақтанипти.

— Мабодо, Фишер менга ютқазиб қўйса, бу унинг обрўйига таъсир қилмайди, — деб илова қилипти Мекинг.

— Вой олифга-ей! — дебди аччиғи келган Бобби. — Мени заҳарли илон чақиб олган тақдирдагина Мекингга ютқазिशим мумкин.

* * *

Буэннос-Айросдаги турнирда Аргентиналик донгдор гроссмейстер Найдорф ҳар куни костюмини ўзгартириб турар экан.

— Нечта костюмингиз бор? — деб сўрапти ундан ёш Фишер.

— Юз элликта, — деб жавоб берипти Найдорф.

Бу рақам Фишерга қаттиқ таъсир қилипти. У ҳам костюмлари кўпайтира бошлапти. Бир неча йил ўтгач, Фишер Найдор билан учрашганда унга мақтанипти.

— Рекордингиз орқада қолди. Менинг костюмларим 157 та бўлди.

— Қойилман, Бобби, деб уни табриклапти Найдорф. — Лекин овра бўлибсиз-да. Ўшанда мен ҳазиллашган эдим, костюмим бор-йўғи 15 та эди, холос.

* * *

Америкага ҳижрат қилган гроссмейстер Шамкович Фишердан Таймановнинг ўйини ҳақидаги фикрини сўрапти.

— Менимча, у пианонода жуда зўр ўйнайди, — деб жавоб берипти Фишер.

* * *

Бир куни Фишер Денвер шаҳарининг турмасида маҳбуслар билан бирваракайига 30 тахтада шахмат ўйнапти. Бир маҳбус билдирмай Фишернинг руҳини яшириб қўйипти. Тахтага қараб буни сезган Фишер маҳбусга дебди:

— Руҳни даррөв жойига қўйиб қўйинг. Бўлмаса, бошлигингизга айтаман, муддатингизга муддат қўшиб беради.

— Пўписа қилмай қўяқолинг, — депти маҳбус. — Мени умрбод қамоққа ҳукм қилишган.

* * *

Канададаги шахматнинг шуҳрати унчалик эмас. Аммо 1998 йилда Торонтода Каспаров шахматнинг ақл-идрокка ижобий таъсири тўғрисида жуда зўр маъруза ўқиган эди. Маъруза шу даражада ёқиб тушганки, уни тинглаганлар Каспаровни — рус даҳоси деб аташган. Маъруза тамом бўлиши билан унинг оёғидаги қиммат туфлисини ечиб олиб, музейга қўйиб қўйишипти. Бу музейда улуғ одамларнинг пойафзали намоиш қилинар экан. Ўша куни жаҳон чемпиони меҳмонхонага яланг оёқ кетишга мажбур бўлипти.

* * *

Корчной Сараева шаҳарининг шахмат клубида сеанс бермоқда экан.

— Клубимиз директори билан дурангга рози бўлмайсизми? — деб сўрашипти ташкилотчилар. — Унинг боши осмонга етар эди-да!

— Мен директорга гроссмейстер даражасида ўйнайди деб сўрвқа бера оламан, лекин ҳеч қачон ўйинсиз дуррангга рози бўлмайман, — депти Корчной.

* * *

1960 йилда Лейпцигда Олимпиадада биринчи ўринни олгач, шахматчилар ғалабани роса ювишипти. Ўша пайтларда шахмат бобида Ботвинник еткази пешво эди. У Корчнойнинг ёнига келиб, депти:

— Виктор, келинг, сиз билан бирга олайлик. Бу яхши коньяк. Кўп йиллик кўхна арман коньяги. Сизнинг хотинингизга ўхшаган (Корчнойнинг хотини арман экан).

Корчной ишшага, Ботвинникнинг бўш қадаҳига (Ботвинник умрида ичган эмас) қарабди-да, дарҳол жавоб берипти:

— Ҳа, бу чиндан ҳам кўхна арман коньяги экан. Сизнинг хотинингизга ўхшаган. (Ботвинникнинг хотини ҳам арман эди).

* * *

70-80 йиллар чегарасида Спасскийнинг ўйини анча пасайиб кетди. Ундан олти ёш катта бўлган Корчной эса ўз маҳоратининг чуққисига эришди.

— Кўп йиллар мобайнида сиз Корчнойни орқада қолдириб келардингиз. Нега энди у тўсатдан сиздан ўтиб кетди? — деб сўрадилар Спасскийдан.

Спасский жавоб берди:

— Бунинг ажабланидиган жойи йўқ. Корчной бениҳоя меҳнаткаш одам. Бу ерда яшаган вақтларида уни мен Социалистик Меҳнат Қаҳрамони дёр эдим. Фарбга кейб қолганидан сўнг унга капиталистик меҳнат қаҳрамони деган унвон берганман.

* * *

Улуғ испан ёзувчиси Сервантес шахмат билан боғлиқ зўр бир ҳикмат айтган: “Ҳаёт шахмат ўйинига ўхшайди: ҳаётда ҳам, шахматда ҳам ўйин тугагандан кейин пиёдалар билан қироллар бир қутига солинади”.

* * *

Хомингуэйнинг жуда яхши расмлар коллекцияси бор эди. У расмларини меҳмонларига бажонидил намоёиш қилар ва бундан бағоят завқланарди. Бир гал меҳмонлардан бири ҳеч қайси расмга тузукроқ эътибор бермай, бир суратга анча тикилиб қолипти. Расмда шахмат ўйини ва шахматчилар тасвирланган экан.

— Сизга ёқдим, дейман? — сўради Хэмингуэй.

— Жуда ажойиб экан, — деб жавоб берипти меҳмон. — Оқлар уч юришида жуда чиройли мот қилар экан.

* * *

Санкт-Петербургда Семен Ботвинник деган шоир бўлган. 4 ёшлигида жуда ҳам Корчнойга ўхшаш бўлган экан. Кўча-куйларда рўпара келганлар ҳаминиш ундан сўрашар экан:

— Узр, мабодо, сиз Корчной эмасмисиз?

— Йўқ, адашдингиз, мен Корчной эмасман, мен Ботвинникман, — деб жавоб берар экан шоир.

* * *

Маълумки, Карпов билан Каспаров ўртасидаги жаҳон биринчилиги учун ўтказилган матч 48 ўйиндан кейин ҳисоб 5:3 бўлиб турганда тўхтатиб қўйилган эди. Бу кескин мунозаларга сабаб бўлган эди. Таниқли ҳажвчи Аркадий Арканов матчининг ғайри қонуний тўхатилгани ҳақида кескин танқидий мақол ёзган, лекин мақолани босишдан бош тортишган. Унинг эстониялик бир таниши мақолани чиқармоқчи бўлган ва қўлёмани юборишни сўраган. Арканов почтага бориб, қўлёмани Эстонияга жўнатади ва пулнинг қайтимига ўша пайтларда кенг тарқалган “Спринт” лотереясидан 10 дона сотиб олади. Уларнинг бирига “Волга” чиқади. Шундай қилиб, Карпов-Каспаров матчининг ҳақиқий ғолиби Аркадий Арканов бўлган.

* * *

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи котиби Акмал Икромов 1938 йилда отиб ташлангандан сўнг кўп ўтмай унинг ўғли Комил Икромовни ҳам қамоққа оладилар. Унинг бахтига иши инсофли терговчининг қўлига тушиб қолади. Комил Икромов ҳам, терговчи ҳам сўроғлар-у, суриштиришлар ёлғон эканини, бундай вазиятда энг мақули — “айбларга иқроор бўлиш” эканини яхши тушунишади. Шунинг учун сўроқ пайтларида апил-тапил ёлғон қайдномани ёзиб, қолган фурсатда эшикни ичидан беркитиб шахмат ўйнаб ўтиришар эканлар. Табиийки, бу аҳвол Комил Икромовнинг узоқ муддатга кесилиб кетганига қадар давом этган.

* * *

66 ёшли актёр Анатолий Ромашин билан унинг 25 ёшли соҳибжамол хотини ўғил кўришибди. Актёр хурсанд бўлганидан эски қадрдони шахматчи Борис Спасскийга қўнғироқ қилипти.

— Суюнчи бер, Боря, ўғил кўрдим!

— О, муборак бўлсин! Табриклайман! Отаси ким? — деб дўстини муборакбод қилипти Спасский.

* * *

Улуғ композитор Мендельсон доимо “Режанс” кафесига қатнаб, шахмат ўйнашни ёқтирар экан. У анча бақувват ўйнар экан. Лекин ютқазган рақибларига жуда ачиноб кетар экан-да, кўнгилчанлик билан уларга таскин берар экан:

— Кўп хафа бўлаверманг. Аслини олгандан иккимиз ҳам тенг ўйнаймиз. Фақат мен авжини бир парда баланд оламан, холос...


* * *

Аср бошида Петербургдаги бир турнирда 72 ёшлик Блэкбери 60 ёшлик Гунсбергни дабдаба қилиб ютибди-да, ўйиндан кейин унга дебди:

— Мен билан ўйнашга ҳали ёшлик қиласиз.

*Евгений ГИКнинг Москвада “Экспо - Пресс”
нашриётида 2000 йилда нашр қилинган
“Шахмат ҳангомалари” китобидан олинди.*

*АЗИЗХОН
таржимаси*



BRIEF OF SUMMARY

In this issue of magazine there are the end of novels created by Russian writer Anatoliy Kim's named «Korean's chatters», and novel «Al-Amun and Al-Mamun» created by Jurji Zaydon. For lovers of poetry there are a number of poems created by Chilian famous poet Pablo Neruda and Dagistan poet Rasul Khamzatov. There is also the article about the famous Uzbek scientist Habib Abdullayev in magazine. Russian writer Maksim Gorkiy in letters which below of his article «Misplaced meditation» speaks frankly about happened nasties Soviet System in primary years. There is also the article in magazine which about the love advantures of the former president of USA Jon Cannady.

